

# СТЕНДАЛЬ

# Парма ибодатхонаси

Русчадан
**Ҳасан Тўрабеков** таржимаси

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги" Адабиет ва санъат нашриети
1985

И(ФР)
С91

с 4703000000—189.
~М352<04)—&,' 122"85

© Ғафур Гулом номвдаги АдаОиет «а саньат нашриетн, I:

| БИБЛИС и
Р^СимГПИ им. С йнн*1

# МУАЛЛИФДАН

*Ушбу цисса 1830 йили Парижда уч юз лье*[1] *наридиги бир эюойда езилган; шу боисдан хам асарда хозирги, 1839 йил воцеаларига алоцадор биронта хам гап йўц.*

*Бизниг армияларимиз Европани кесиб ўтишларидан анча йил муцаддам мен тацдир тацозоси билан бир каноник^нинг уйида аллацанча еацт туриб цолдим. Ву хол Италиянинг ажойиб шахри Падуяда содир бўлганди. Мен каноникнинг уйида узоц бўлиб, биз у билан дўстлашиб цолдик.*

*1830 йилнинг охирида йўлим яна Падуяга тушди-ю, тўгри каноникнинг уйига цўндим. Қариянинг дунедан ўтганини билардим, лекин бир цанча кечаларни кўнгилли ўтказиб, кейинчалик кўп согинганим ўша мехмонхонани яна бир бор кўргим келди. Уйда энди мархумнинг жияни хотипи билан бирга яшарди: улар мени эски дўстлари сифатида кутиб олишди. Даврамизга яна бир неча мехмон кўшилиб, алламахалгача ўтириб цолдик. Каноникнинг жияни Педроти цахвахонасидан ажойиб* **гатЬаюпе**[3] *келтиришни буюрди. Биз асосан герцогиня Сансеверина тарихини тинглашга берилиб кетганимиз учун вацт ўтганини сезмабмиз, мехмонлардан кимдир герцогиня тўгрисида гап очган эди, мезбон менипг кўпглимга цараб, ўша тарихни тўла хикоя цилиб берди.*

*— Мен кетаетган мамлакатда,— дедим дўстларимга цараб,— сизлардек сухбатдошлар топилиши цийин. Узун кечалар сицилмай вацт ўткагиш учун мен ана шу тарих асосида цисса езаман.*

*— У холда,— деди каноникнинг жияни,— хозир мен сизга мархум тогамнинг хотиранокасини келтириб бераман. Уша хотиранომаиииг Пармага багишланган бобида тоғам герцогиня саройда хокими мутлац бўлган пайтларга тааллуцли баъЪ11ГтртГг~шГлар тўгрисида хикоя цилганлмр. Лекин эхтиет бўлинг! Ушбу хиксяларни жуда хам ибратли деб бўлмайди, зеро, хозир юртингиз Францияда покдомоплик расм бўлган бир пайт-*

[1] Лье — Фраацияда 4,5 километрга тенг қадимги узуилик ўлчови *(тарж.).*

> Каноник — католиклар соборида черков уставага бўйсунган, лейин роҳибликка қасамед қилмаган иоп. *{Тар .)*

[3] Цуймоц.

*1*1 сиз бу хикоя туфайли ғирт ахлоксиз одам сифатида пом чикаришингиэ мумкин.*

*Мен ушбу киссамни 1830 йил кўлезмаси бўйича чоп $ттиряпман, гарчи бундан икки хил кўнгилсизлик келиб чщиши мумкип бўлса-да, унда хеч нимани ўзгартирмадим.*

*Биринчи кўнгилсизлик китобхонга тааллуцли; асаримнинг кахрамонлари — итальянлар, бу хол эса китобга бўлган кизиқишни сусайтириб кўйиши мумкин, зеро итальянларнинг калби французларникидап жуда фарк килади; Италияда одамлар самимий, кўнгли беғубор, жасур були* шади, дилларидаги тилларида, шухратпарастликка кам берилишади, лекин у холда бу туйғу* рипКдПо[1] *дея аталмиш эхтиросга айланади. Иихоят улар кашшоклик устидан кулишмайди %ам.*

*Иккинчи кўнгилсизлик муаллифга дахлдор.*

*Ростини айтсам, мен кахрамонларимнинг кескин табиати цандай булса, шундайлигича тасвирлашга журъат этдим: лекин, айни вактда, уларнинг кўпгина килмишларини мутлако маъкулламаслиеимни хам баралла айтмоқдаман. Дунеда хамма нарсадан пулни афзал кўрувчи ва цеч качон мухаббат еки нафрат боис гунохга ботмайдиган французларимизнинг юксак маънавий киефаси ва ажойиб фазилатларини итальянларга такашнинг нима кераги бор? Менинг киссамда тасвирланган итальянлар франиузларга мутлако ўхшашмайди, Дарвоке, жанубдан шимолга караб икки юз лъ§ йўл юрсангиз бас: менимча, сиз шунда габиат маизаралари хам, ишкий можаролар хам бутуплаи бошкача тус олишига ишонч хосил килгайсиз. Канониктнинз жияни, герцогиня Сансеверинани якиндан таниган ва хатто жуда яхши курган мехмондўст бека ўша хончмнинг саргузаштларида, гарчи улар тахсинга' сазовор бўлмасада, хеч нимани ўзгартирмай тасеирламокни илтимос килди.*

*23 январь, 1839 й.*

[1] Ор-номус бурчи *(итал.).*

# БИРИНЧИ ҚИСМ

> 01а т! тиг с1о1с! 1ПУШ а етр!г 1е саг!е Ь 1ио§1И агаепЦ
> АНозЬ, 3а*. IV.[1]

## Биринчи боб

*Милан 1796 йилда*

1796 йилнипг ўн бешинчи май куни. Орадан куп асрлар кейин Цезарь билан Алоксандрнинг ворисн пайдо бўлганини бутун дунега намойиш этган генерал Бонапарт Лоди яқинидаги кўирикдан ўтгап навқирон армияга қўмондонлик килган кўйи, Миланга кириб келди. Италия мисли кўрилмаган жасорат ва закоr.ат гукохк бўлдики, бу хол бир неча ой давомида унинг бутуп халкини ғафлат уйқусидан уйғотиб юборди; французлар армияси бостириб киригаидан ҳали бир ҳафта олдин ҳам Милан аҳли ун-и фацат император ва қирол аъло ҳазратларинииг кўшинларн аарбидаи тумтарақай бўлиб қочадиган қарокчилар тўдаси доб биларди,— ҳарқалай ҳафтасига уч марта расво сариқ қоғозга босилиб чиқадиган кафтдеккина Милан газетаси уларга шундай деб уктирарди.

Ўрта асрларда Ломбардия республикачилари жасорат бобида французлардан қолишишмасди, шу боисдан ҳам Германия импораторлари уларнинг пойтахтларини вайроп этишди. *Содщ фщаро* бўлиб қолишгач, улар биронта олийнасаб еки бадавлатро^ ойимтиллапинг эрга тегиши муносабати билан пуштиранг рўмолларга сонетлар бостиришни ўзлари учуй энг мухим иш дея хисоблай бошладилар. Еш келинчак ҳаетидаги ана шу буюк воқеадан сўнг орадап икки-уч йил вакт ўтгач, ўзига биронта жаамая танлаб олар,— баъзида эса куевнинг оиласи олдиндан тагшаб қўйган ўша чичисбей, яъни жазманниит исми никоҳ шартномасида фахрии ўринии эгалларди. Французлар армиясининг баного^ бостириб келиши туфайли одамлариинг кдлбида к.ўзголган кучли ҳаяжои ўша позик урф-одатларга сира ўхшамай қолди. Орадан

[1] Анчадан буси ушбу дилрабо ўлка мени ўзи ҳақида езишга натоках билан ундарди.
Ариосто, IV сатира *(итал.).*

куп вақт ўтмай, эҳтироеларга тўлиб-тошгаи яши урф-одатлар пайдо була бошлади. 1796 йилнинг 15 май куни бутун халк. узи илгари эъзозлаб юрган барча нарсаларнинг нақадар бемаънк, баъзида эса разил ҳам эканлигини ҳис этди. Австрияликларнипг сўнгги полки Ломбардияни тарк этган заҳоти эски қарашлар еми рилиб, ўз ҳаетини хавфга қўйиш расм була бошлади. Куп асрлар давомида чучмал ҳис-туйғуларга берилиб юрган одамлар фақат ватанни чин қалбдаи севиш ва уни деб жасорат намойиш этиш орқалигина бахтга зришиш мумкинлигини тушуниб қолишди. Карл V ва Филипп II лардан мерос қолгаи ва узоқ муддат халқни эзиб келгап истибдод ломбардияликларии жаҳолат зулматига ғарқ'этган эди, бирок, улар мустабидларнипг ҳайкалларипи кулатишди-ю, бутун олам-жаҳон дарҳол еришиб кетди. Вольтер «Энциклопедия» билан кўҳна Францияни уйғотишга ҳаракат килиб, уни ичдан емираетгаи ана шу эллик йил ичида роҳиблар хушфеъл Милан халшгга савод чиқариш ва умуман бирор соҳага ўқишнинг сариқ чакалик фойдаси йўқ, зеро, оладиган даромадларининг ўндан бирини руҳонийга вақтида тўлаб, кафорат пайти унга ўзларининг майда гуноҳлари тўғрисида айтиб турилса бас — шуида жаннатмакои бўлишлари деярли турган. гап, деб увдириб келишди. Бир вақтлар фикр қилиш ва душманларнинг юрагига ваҳима солишга қодир бўлган бу халқии бутунлаи заифлаштириш учун эса Лвстрия унга арзимас пул эвазига ўз армияси учун рекрут бермаслик имтиезини тошнириб қўйди.

1796 йили бутун Милан армияси қизил мундир кийган йигирма тўрт такасалтаигдан иборат эди. Улар шаҳарни венгер гренадерларининг тўртта ажойиб полки билан биргаликда қўриқлашарди. Ахлоқсизлик ниҳоятда авжига чиққан эди-ю, бирок, эҳтиросли туйгулар камдан-камгина учрарди. Эҳтиросларнинг жуибушга келишига эса ҳатто ана шу дуненинг ўзида ҳам ўлим хавфи остида руҳонийга бор гапни айтиб беришдек екимсиз мажбурият монелик қиларди. Бундаи ташқари, дилкаш Ломбардия халқининг ҳаети монархия томонидан ўрнатилган майда, лекин одамии безор қиладиган баъзи тақиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Масалан, Миланда қароргоҳи бор ва ўз. амакиваччаси бўлм Австрия императори номидан мамлакатни бошцарпб турган эрцгерцогниит мўмай савдо билан шугуллангиси — галлафурушлик қилгиси келиб к.олди. Бунинг оқибатида ҳазрати олийлари ўз омборларини тўлдириб олгунига қадар деҳк.онларга галла сотк май этиб қўйилди.

1796 йилнинг май ойида, французлар шаҳарга кириб келганларидан сўнг уч кун ўтгач, ўша кезлари Миланда шуҳрат қозоиган 1^аттагина Серви к.аҳвахонасига армия кетидан эргашиб кел^ шўх бир йигит қадам ранжида қилди. Бу кейинчалик машҳур рассом сифатида ном чиқаргаи еш микпатюрачя Гро эди. У қ.аҳвахоиада эрцгерцогнинг тижорат бобидаги иайранглари ҳатчида эв тиб, уиинг хўипасемиз одам эканлигидан хабар топди. Щундая сўнг рассом столдан музқаймг-ташпг турли хиллари рўйхатй *(:о*силган расво сариқ к.оғозви олди-да, унинг орқасига француз солдати эрцгерцогнинг қоркнга найза санчгани ва ҳазрати олийларининг қорнидаи к.он ўрнига шариллаб буғдой оқиб тушаетганини тасвирлаб сурат чизди. Макрли истибдод ҳукмрон бу мамлакатда «шарж» еки «карикатура» дея аталмиш шундай суратлар бўлиши мумкинлигини мутлако билишмасди. Рассом Гро Серви қаҳвахонасига ташлаб кетган ушбу сурат осмондан тушган мўъжизадек туюлди, тунда упдап гравюра қолипи ясаб, эртаси куни суратнинг йигирма минг нусхасини сотишди.

Ўша куниеқ уйларнипг деворларида қисқа вақт ичпда олтита катта жангда зафар қучган, йигирма вилоятни ишғол этган, аммо бошмок., панталон, мундир ва қалпок.ларга муҳтож бўлиб қолгаж француз армиясининг эҳтиежини қондириш учун олти миллионли товон ундириб олиш ҳақида эълонлар пайдо бўлди.

Кийим-боши бир ҳолатда бўлган қ.ашшоц французлар билан бирга Ломбардияга қувонч ва бахтиерлик туйғусининг шундай қ.удратли бир тўлқини бостириб кирдики, олти миллионли товон ҳамда ундан кейинги бошқа пул солиқлари оғирлигидан фақ.ат руҳонийлар-у, баъзи бир дворянларгина инграшарди холос. Лхир бу француз солдатлари эрталабдан-кечгача ўйин-кулги қилиб, қўшиқ айтишар, уларнинг бари ҳали еши йигирма бешга ҳам бормаган навқирон йигитлар бўлиб, армиянинг оқсоқ.оли ҳисобланадиган бош қ.ўмондонлари эса яқингинада йигирма етти ешга тўлганди. Хушвақтлик, ешлик ва беғамлик — роҳибларнинг ярим йилдан буен черков минбарларидан туриб, барча французлар ваҳшийлардур, уларнинг солдатлари ҳамма екқа ўт қўймоқлари, барча мўмин фуқароларшшг бошларини танларидан жудо этмоқлари шарт, акс ҳолда, уларни ўлим жазоси кутадур,— ахир улар ҳар бир полклари олдида гильотипа олиб келаетганлари бежиз эмаску,—дея бадхоҳлик билан дилган башоратларига энг яхши жавоб эди. Цишлоқларда эса одамлар деҳқон кулбаларининг эшиклари олдида француз солдатлари уй эгалариииңг болаларини тиззаларида аллалаб ўтиришганини кўришар, деярли ҳар кеча хиел бўлса-да, скрипка чалиш кўлидан келадигаи биронта барабанчи бал уюштирарди. Ўша кезлари расм бўлган контрданс[1] солдатлар учун огирлик қиларди, шу боисдап ҳам улар итальяц қиз-жувонларига рақсниит мураккаб муқомларини намойиш этиша олишмасди, бипобарин, ўзлари ҳам бу рақсни ўрганишмаганди, лекин итальян қизлар еш французларни «монферина», «сакрабадан» ва ўзга халқ рақсларига тушигани осопгина ўргатиб қўйишди.

Офицерларни имкони борича бадавлат хонадонларга жойлаштиришди: улар қаттиқ чарчашган ва шу боисдан ҳордиқ чиқариб, кучга кирмоқлари керак эди. Шу йўсинда Робер фамилияли бир лейтенант маркиза дель Допго уйида истиқомат қилишга билет олди. Армияга кўнгилли бўлиб кирган анча ўктам бу офицер

п т р д а н с — зодагонлар орасида расм бўлган исианча ракс *(тарою.).*

йигит саройга ташриф буюргаиида унинг енида атнғи бир экго— олти франк пули бор эдя. Шу пулни ҳам унга ҳозиргина Пьяченцада хазииачи берганди. Лоди енидаги жапгдан сўнг у тўп ўқи тегиб ҳалок бўлган хушсурат австриялик офицериинг эгнидаи яп-янгк паиталонни ечиб олганди. Ростини айтганда, ипсон либосишшг бу қисми унииг учуи жуда вақтида топилганди. Офицерлик эполетларининг шокиласи жундан тўқилган бўлиб, муяирииииг еигидаги мовути ситилиб кетмаслиги учун уни астарига чатлб қўйишга тўғри келди. Лекин яна бир кўнгилсиз ҳолни қайд қилиб ўтмоғимиз даркор: қаҳрамонимиз бошмоғининг таглиги ўша Лоди енидаги жангда қўлга киритилгап учбурчак шляпанииг кигизидан бич.илган эди. Бу қўлбола таглик бошмоққа чилвир билан боглаб қўйилгани яққол кўзга ташлаииб турарди. Щу боисдан ҳам эшик оғаси лейтенант Робернинг хонасига кириб, уни маркиза дель Допго билан тугаликни баҳам кўригнга таклиф қилганида, бояқиш хижолатииng зўридан ер ерилмадиго ерга кириб кетмади. Ўша машъум зиефатга қадар қолган икки соат вакт у навкаршшг Йрдамида мундирини хиел бўлса-да ямаб-ясқаш ва ҳалиги бадбахт чилвирни сиеҳ билан бўяшга еарфлади. Ниҳоят кутилган мудҳиш дақиқа ҳам етиб келди.

«Умрйм бино бўлиб бундай хижолат чекмагандим,— дея ҳикоя қилганди меига лейтенант Робер.— Хонимлар, у бизни қўрқитиб юборса керак, дсб ўйлашганди, мен бўлсам, улардан бадтарроқ қалтираб турардим. Пуқул оеғимдаги бошмоғимга қарардим ва бу алвидо пойабзалда уй бекаси енига қандай якинлагаиб бораман, дея бопшм қотардп. Маркиза дель Доигоняиг ўшанда ҳусни ниҳоятда камол топиб, офатшкон бўлган кезлари эди,— дея қўшимча килди у.— Сиз уни кўргансиз, хонимнинг ажойиб шаҳло кўзлари, фаришта янглиг мулойим қарашлари ва чеҳрасини ўраб, чиройига чирой қўшиб тургаи ажиб қуйғир сочларини яхщи эсласангиз керак албатта. Мепииг хонамда Леонардо да Винчининг «Иродиада» картинаси осиғлиқ турарди,— назаримда, бу картина ана шу хонимнинг портретидек эди. Бахтимга, бу мислсиз гўзаллик менп тну қадар лол қолдирдики, либосимдаги нуқсонларни унутиб •: Мен икки йил умримпи Генуя яқинидаги тоғларда лзгандим ва кўзим турли фақиру фуқаро, ғарибу ғураболарга кўпикиб кетганди. Шу боиг чимдаги завқ-шавкни яширолмай, хонимнинг ҳусни ҳақпдаги гайни тўкиб солишга журъат этдим.

Аммо хушомадни чўзиб ўтириш ҳам ақлдан змаслигини тушуниб турардим. Назокатли сўзлар айтар эканман, емакхоианинг мармар деворлари ва, назаримда, бан!анг кийинган ўн чоғли малай ва маҳрамлар кўз ўнгимдан сира нари кетмасди. Тасаввур қилинг-а: бу такасалтангларнинг бари оеқларига кумуш ҳалқачалар тақилгап чиройли бошмоқлар кийиб олпшганди! Бу одамлар- эгнимдаги мундир ва эҳтимол, оегимдаги жағи очиқ бошмоғимпи бақрайиб томоша қилишаетганини сезиб қолдимки, бу ҳолдан кўнглим бутунлай вайрон бўлди. Мен битта ган билан барча бу малайларнинг ўтакасини еришим мумкин эдию, лекин хонимларни қўрқитиб юбораманми, дея истиҳола қилиб турардим. С шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, маркиза ўша куни, кейинчалик мепга юз мароталаб тушунтиришича, далда бўлсии учун иастирь нансионндан қайиисииглиси Жина дель Донгони чақиртириб олган экан. Жина кейинчалик дилрабо графиня Пьетранерага айландики, фаровон кунларда қувноқлик ва хушфеъллик, тақдир бевафолик қилган найтларда эса матонат ва сабот хусусида хеч ким унга тенг келолмади.

Жина ўша кезлари ўн уч ешда эди, лекин уни курган одам ўн саккиз ешга кирган бўлса керак, дея ўйларди; ўзингиз биласиз. у табиатаи оққўнгиллилиги ва самимияти билан ажралиб турарди ва шу боисдан ҳам менинг либосшмнн кўриб, қаҳқаҳа отиб юборишдан чўчиганн учуй ҳам таомлардаи тотинишга журъат этмай ўшрарди; маркиза эса, аксипча, меига зўрма-зўраки илтифот намойиш этишга ҳаракат қилар, зеро, у менинг кўзларимдан бетоқат бўлаетганимпи жуда яхши сезиб турарди. Хулласи калом, меи ниҳоят да ноқулай бир аҳволга тушиб қодгандим: француз учун тасаввур қилиб бўлмайдигап бир ҳол — атрофдагиларшшг иафратига бардош бермоғим даркор эди. Шунда тангрим дилимга бир фикр солди: меи хонимларга ўзимдашг қашшоқяигим ҳақида, миясшш еб қўйган кекса генералларнинг буйруғи билап икки йил давомида Генуя тогларнда нақадар азоб чекканимиз тўғрисида ҳикоя қила бошладим. У ерда, дея ҳикоя қилдим мен, бизга бир купда бор-йўғи уч унциядаи нои берищар, маошни ҳам у томоиларда ўтмайдиган пул билан тўлашарди. Мен бу тўғрида гай очганимда сўпг, икки дақиқа вацт ўтмасдапоқ меҳрибон маркизанинг кўзларида еш милтираб, Жина ҳам жиддийлашиб қолди.

— Наҳот шуидай бўлса, жаноб лейтенант?— дея қайта сўради қиз. — Бор-йўғи уч унция нонми?

— Ҳа, мадемуазель. Ҳафтасига уч кунлаб ҳеч нима беришмаган пайтлари ҳам бўлган. Биз уйларига жойлашган деҳқонларнинг ҳоли эса солдатларникидан ҳам хароб эди, шу боисдан биз сўнгги бурда нонимизни улар билан баҳам кўрардик.

Стол енидан тургач, мен маркизанинг қўлтиғидан тутиб, меҳмонхона эшигига қадар кузатиб қўйдим-да, шоша-пиша орқамга қайтдим ва бу пулни қаидай сарфлаш ҳақида барча орзу-умпдларимни чиппакка чиқариб, чўнтагимдаги олти франкли ягоца экюни дастурхон тепасида менга хизмат қилган малайга бердим.

— Орадан бир ҳафта ўтгач,— дея ҳикоя қилишда давом этдн лейтенант Робер,— фрапцузлар хеч кимницг бошини танидан жудо қилмокчи эмасликлари мутлақо аен бўлганидан сўнг, бизнинт армиямиз яқинлашиб келганида гўзал хотини ҳамда синглисииа уруш суронига ташлаганича жасурлик билан Грианта қасрига яширинган маркиз дель Донго Комо соҳияларидан қайтиб келди. Маркизнинг бизга нисбатап нафрати унинг қўрқоқлигидан қолишмас, яъни чексиз эди. Шу боисдан ҳам ушбу мунофиқ м<н*щг олдимда ялтоқлик қилаетганияа угшиг пўрсилл.ок ва раншар бв»

шарасига қараб ту риб, кулгим қистарди. Ушшг Миланга қайтганининг эртаси куни менга уч чўзим мовут билан олти миллиопли тавондан икки юз франк пул беришди, мен яна бинойидек кийиниб олдим ва бекаларга жазманлик кила бошладим, зеро, Миланда баллар мавсуми бошланмоқда эди.

Лейтенант Робернинг тарихи Милландаги барча французларнинг тарихига ўхшаб кетади; бу ўктам ва довюрак йигитларнинг қашшоқлиги устидан кулиш ўрнига одамларнинг қалбида уларга ниебатан шафқат туйғуси пайдо бўлди ва французларни яхши кўриб қолишди.

Ногаҳоний бахт на сархушлик мавсуми бор-йўғи икки йилгина давом этди: телбаликлар ниҳоятда авжига чиқиб, завқ-шавққа берилмаган одамнинг ўзи қолмаганди. Бу ҳолни фақат қуйидаги тарихий ва теран мулоҳаза билан изоҳлаш мумкин эди: бу халқ бутун бир аср зерикиб етганди.

Бир вақтлар машҳур Милан герцоглари Висконти билан Сфорцаларнипг саройида жануб ўлкаларига хос шаҳватпарастлик ҳукм сурган эди. Бироқ Миланни камгап, димоғдор, доим исен кўтарилишидан хавфсираб юрадиган, ҳар нарсадан гумонсировчи ҳукмдорлар бўлмиш испанлар босиб олган 1624 йилдан бошлаб одамлар вақтичоғлик қилишни унутиб қўйишди. Улар ўз ҳукмдорларининг одатларини ўзлаштирнб, ҳаетнинг ҳар бир дақиқасидан лаззатланиш ўрнига арзимаган дилсиеҳлик учун ҳам қўлларига ханжар оладиган бўлиб қолшпди.

Французлар Миланга кириб келган 1796 йилнинг 15 май кунидан то Нассано енидаги жангдан сўнг уларни бу ерлардан қувиб юборгупларига қадар ҳаммаекда бахтиер телбалик, вақтичоғлик, шаҳватпарастлик ҳукм сурди. Одамлар барча зерикарли одоб қоидалари еки шунчаки андишага мутлақо риоя қилмайдиган бўлиб қолишди. Ҳатто кекса тужжор—миллионерлар, кекса судхўрлар, қари потариуслар ҳам одатдагидек қовоқларидан қор еғмайдигаи, даромад доган жойда ўзларипи томдан ташламайдиган бўлиб қолишганди.

Фақат дворянларнинг олийнасаб доираларига мансуб бир неча оилагина, гўе ялпи хурсандчилик ва барча қалбларнинг қувончга тўлганига зарда қилгандек, ўз амлокларига жўнаб қолдилар. Яна шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, француз армияси учуй берилажак ҳарбий товониинг каттагина қисмини тўлаш мажбурияти ана шу олийнасаб ва бадавлат оилалар зиммасига юкланганди.

Шоду хуррамлик маизарасидаи зардаси қайнаган маркиз дель Донго биринчилар қаторида ўзинипг Комо шаҳри яқинидаги ажо--йиб Гриаита қасрига жўнаб кетди; хонимлар бир куни у ерга лейтенант Роберни ҳам олиб боришди. Бир вақтлар ушбу қаср қалъа вазифасини ўтаган бўлиб, жойлашиш жиҳатидан, чамаси, дунеда тенги йўқ эди, зеро, у ажойиб кўл тепасида, эллик метрча баландликдаги ясси жойда қад кўтариб турардики, қасрнинг деразаларидан кўлнинг каттагина қисмини томоша қилиш мумкин эди. Бу иморат маркиз дель Доиголаркинг авлоддан-авлодга ўтиб келувчи қасри эди. Улар бунн ўн бешинчи асрда қуришгаи экагг, қаср деворига ўрнатилгап ва маркиз дель Донголарнинг наслий герби зарб этилган мармар тахталар шу ҳақида далолат бериб турарди; у ерда кўтарма кўприклар ва чуқур зовурлар ҳамон сақланиб келарди. Тўғри, зовурлардаги сув энди қуриб қолибди. Лекии, шунга қарамай, унинг баландлиги бир терак бўйи, қалинлиги бир ярим қулоч деворлари ортида бехосдан қилинадиган ҳужумдан чўчимаса бўлар ва шу боисдан ҳам маркиз қасрни жуда ардоқларди. У атрофига, чамаси, муттасил бўралаб сўккани учун ҳам содиц хизматкорлар дея ҳисоблайдиган ўттиз чоғли малайларго! тўплаб олгани учун ҳам бу ерда Милаидагига қараганда қўрқув азобидан камроқ қийналарди.

Қўрқиш учун эса унда асос бор эди: Австрия жангларида французларга таслим бўлган ҳарбий асирларнииг қочишига ердам берсин учун маркиз Гриантадан уч лье нарида, ХПвецария чегарасида жойлаштириб қўйган л?осус билан тез-тез хат езишиб турардики, бу ҳол француз генералларига сира еқмаслиги мумкин эди.

ГСшгина хотинини эса маркиз Миланда қолдирди. Хоним бу ерда оила игаларини бошқариб туриши, итальянларнинг таъбири билан айтганда саза ае1 Ооп§о' зиммасига тушган товоп миқдорипи камайтиришга ҳаракат қилиши лозим эди. Бунинг учун эса у жамоат ишларини бажаришни ўз зиммасига олган баъзи дворянлар, шунингдек, насл-насаби унча олий эмас, лекин анча нуфузли бошқа одамлар билан учрашиб турмоғи керак бўларди. Бу орада дель Донголар хонадонида муҳим бир воқеа рўй берди: маркиз ешгина синглиси Жинага пиҳоятда бадавлат, аслзодалардан бўлмиш бир қаллиқ топди; бироқ бу тура сочига упа сепиб юрар, шу боисдап ҳам Жина доим уни қаҳқаҳа отиб кулганича қарши оларди. Тез орада қиз ақлсиз бир иш қилди — у граф Пьетранерага турмушга чиқди. Тўғри, граф Пьетранера анча обрў-эътиборли ва келишган одам эди. Бироқ у қашшоқлашиб қолган дворянлар оиласидан бўлиб, бунинг устига яиги ғоялар тарафдори эди. Пьетранера Итальян легионида суб-лейтенант бўлиб хизмат қилардики, бу ҳол маркизнинг ғазабини баттар ошириб юборди.

Кайф-сафо ҳамда бахтиерлик билап икки щш ўтиб кетди. [Тариж Директорияси қатъий қарор топган ҳокимият бўлиб кўринишга урииар зкан^ чакана кўринмаган барча одамларга қаттиқ нафрат памойиш эта бошлади. Директорпя томонидаи Италия армиясига қўмопдон қилиб тайинланган салоҳиятсиз генераллар бундан икки йил муқаддам Аркол ва Лопато* йнида мўъжизалар гувоҳи бўлган ўша Верона водийларида кетма-кет мағлубиятга учрай бошладилар. Австрияликлар Милапга яқинлашиб келишди, энди батальонга командирлик қила бошлаган ва Нассано епидаги жангда ярадор бўлган лейтенант Робер ўз дугонаси маркиза дель Донго хузурида сўнгги марта меҳмон бўлди. Улар дилларида ҳасрат билан хайрлашишди. Робер билан Нови томон чекипаетган

[1] Дель Донго хопадони *(итал.)*.

француз қўшииларига эргашиб граф Пьетранера ҳам жўнаб кетди. Еш графиня Пьетранерага акаси ота-онадан қолган мероснинг қонунай улугаини тўлашдан бош тортди, шу боиодан ҳам **Жина** армия ортидан оддий аравада жўнаб кетди.

Реакция ва эски қарашларга қайтиш даври бошландики, Милан аҳли уни «ИгесИс! тез;» (ўн уч ой) дея атади, зеро, қайта тикланган бу жаҳолатпарастлик, уларнинг бахтига чиндан ҳам ўн уч ой — Маренго яқинидаги жангга қадар давом этди. Барча чоллар, барча бадқовоқ риекорлар бош кўтариб, ҳокимият жиловяни ўз қўлларига олишди на жамиятда корчалонлик кила ботлашди; тез орада эски тузумдан юз ўгирмаган ушбу содиқ фуқаролар кишлоқларда, Наполеонни Мисрда мамлуклар осиб ўлдиришибди,— қилмиш-қидирмиш шу-да,— дея гап тарқатишди.

Ўз амлокларидан қайтиб келиб, нитиком иштиеқида енаетган гийбатчи дворянлар орасида айниқса маркиз дель Донго қу?урмоқда эди. Маркиз ўта мутаассиб қарашлари туфайли табиий равишда куп ўтмай партияга раҳбар бўлиб олди. Бу партиянинт дилларига қўрқув даҳшат солмаган найтда анча ҳалол бўлган, бироқ ҳозпр қўрқуздан ҳамов дағ-дағ титраб турган аъзолари австриялик генералви ўз измиларига сола билдилар. Табиатан анчайин юмшоққўпгил бу генерал уларнинг раъйига қараб, қаттиққўллик бу эиг оқилона сиесат деган қарорга келди-да, юз эллик нафар ватанпарварни камоққа олишпи буюрди, булар эса ўша кезлари Италиянииг энг асл одамлари эди.

Тез орада уларни Каттаро* кўрфазига олиб бориб, ер-ости ғорларига банди қилишдики, рутубат, энг муҳими эса очлик кўп ўтмай бу «аблаҳлар»нинг суробини тўғрилаб қўйди.

Маркиз дель Доиго катта маисабга эга бўлди. Уиинг беҳисоб фазилатлари енига разилона зиқналик ҳам қўишлдики, ушбу аркони-давлат синглиси, графиня Пьетранерага сариқ чақа ҳам жўпатмагани ва бундан буен ҳам жўнатмаслиги тўғрисида ҳаммага мақтавмб юрди; Жияа эса бу орада ҳамон муҳаббат оташида қоврилар ва эриии тарк этшпи истамагани туфайли у билан Фрапцияда ночор умр кечирарди. Меҳрибоп маркиза дель Донго қайинсинглисини ўйлаб ҳасрат чекарди, ииҳоят у ўзининг жавоҳиротлари сақланадиган қутйчасидан чоғроқ бир неча бриллиантни ўгирлашга муваффақ бўлди. Эри ҳар куни кечкурун бу қутичапи ундан олиб, каравоти тагида турадиган темир сандиққа яширпб қўярди. Маркиза эрига саккиз юз мйнг франкли сен олиб кеяганди, ундан эса ҳар ойда шахсзй харажатлари учун бор-йўғи саксон франк пул оларди. Франдузлар Миланни тарк этган ана шу ўн уч ой вақтпи бу тортинчоқ аел ҳар хил узрли баҳоналар тониб, кора кийимда ўтказди.

Очигини айтганда, биз кўпгипа нуфузли езувчиларга таҳассуб қилиб, қаҳрамопимиз тарихшш уиинг туғилишидан бир йил олдинги воқеалардаи бошладик. Аслида эса, бу китобнинг бош қаҳрамони, Милан аҳлининг таъбири билан айтганда, Фабрицио Вальеерра тагеЬезгпо[1] дель Донгонипг худди ўзгинасидир. У ўзига худди французларни қувиб юборишган пайтда туғилишни лозим топди ва тақдир тақозоси билаи жаноб маркиз дель Донгонииг иккинчи ўғли бўлиб чиқди. Муҳтарам китобхои ушбу тура тўғрисида баъзи нарсаларни билади, яъни уиинг юзи рангпар ва пўрсилдоқ эканлиги, табассуми эса сохталигидаи, унинг янги ғояларга чексиз нафрат билан қарашидан хабардор албатта. Дель Доиголарнинг авлоддан-авлодга қолиб келаетгаи барча мол-мулкикинг меросхўри қиляб маркизнинг катта ўғли Асканьо тайинланганди. Бу бола ўз отасига жуда муносиб бўлиб, унинг қуйиб қўйгандек ьудди ўзи эди. Барча олийнасаб аъенлар аллақачон осиб ўлдириддига чиқариб қўйган генерал Бонапарт сира кутилмагаида Сеи-Бернар довоиидан ошиб ўтиб, Милапга кириб келганида Аскашю саккизда, Фабрицио эса икки ещда эдилар. Геиералнинг шаҳарга кириб келиши тарих саҳифаларидаги яна бир кутилмаган иш бўлди: қувончпицг зўридан ақлдан озаотган бутун бир халқни тасаввур қилиб кўринг-а. Бир неча кундан сўнг Наполеон Маренго енидаги катта жангда зафар қучди. Бундан кейииги воқеаларни ҳикоя қилишнинг ҳожати йўқ. Милан аҳли беҳад шод-хуррам, лекии энди мазкур туйғуга интиқом ҳақидаги фикр омухта бўлиб кетганди: бу юмшоққўнгил халқ нафратланишпинг нима экаплигшш билиб қолганди. Тез орада Каттаро кўрфазларида омоя қолган саноқли ватанпарварлар сургундан қайтиб келишди, уларнинг қайтиши миллий тантана сифатида байрам қилинди. Суратларигипа қолган, ранглари заъфарон, катта-катта кўзлари атрофгз ҳайрат [ан боқаетган бу маҳбуслар атрофларидаги ялпи шоду хуррамлик ичида жуда ғалати кўрипишарди. Айниқса помига доғ туширган аслзода оилалар учун уларнинг қайтиши бамисоли қочйщга ишора бўлди. Маркиз дель Донго биринчилар қаторица ўзишшг Грианта қасрига жуфтакни ростлади. Кўпгипа кибор оилаларда оталар қалбини нафрат ва қўрқув--қоплаганди, аммо улариинг хотиилари билаи қизлари французларнинг Миланни биринчи марта забт этиши уларга қанчадан-қанча қувонч келтирганини эслашар ва Маренгони ишғсл этишганидап сўнг дарҳол Саза Тагш[2] да ўтказила бошланган қувноқ баллар тўғрисида орзиқиб ўйлашарди. Ғалабадан сўнг бир неча кун ўтгач, зиммасига Ломбардияда осойиишталик сақлаш вазифаси юкланган француз генерали барча фермерлар, дворян ерларини ижарага олиб игалаетган деҳқонлар, барча қишлоқ кампирлари Италия тақдирини ўзгартириб юбориб, ғолиблар бир кунда ўн уч қалъани забт этган ўша Маренго енидаги ажойиб ғалаба тўғрисида мутлақо ўйламай қўйиишганини иайқаб қолди: барчанииг фикр-еди Брешиянинг бош ҳомийси авлие Жовитанинг каромати билан банд эди,

[1] «Маркезино» дея талаффуз қилинади. Гермапиядаи ўзлаштпркб олинган маҳаллйй удумга кўра бу упвоп марннзнипг ўгиялярдаа берплэди. Графниш- ўгиллари — «коитино» қизлари эса — «коатесина», дея аталади. *(Муаллифнинг изо%и).*

[2] Баллар саройи.



Н

Вахпйга кўра, Наполеон ҳамда французларнинг ҳузур-халова-ти Марепгодан сўиг ропна-роса ўн уч ҳафта ўтгач тугар эмиш. Маркйз дель Доню ва тазабинииг зўридап ўзларипи қаерга қўйишни билмай юрган ўзга амлок эгаларини оқлаб шуни айтиш керакки, улар бу кароматта сидқидилдан ишондилар. Бу жаиобларнинг бари умри бино бўлиб тўртта ҳам китоб ўқишмагапди. Энди бўлса, ўн уч ҳафтадан сўнг Миланга қайтиш учун йўл ҳозирлигини кўра бошладилар; бироқ вакт ўтиб борар, Франция эса муваффақият кетидан муваффақият қозрйарди. Наполеон Иарижга қайтгач, доно декретлар чиқариб, бир вақтлар Маропго яқинида унв хорижийлар ҳужумидан сақлаб қолганидек, революцияни қутқара олди. Шундан сўнг ўз амлок-ларига қочиб қолгав ломбардиялик дворянлар Брешия ҳомийси-нинг ваҳийдап айтган кароматини нотўгри тушунишганини анг-лашди: авлие ўн уч ҳафта ҳақида эмас, балки ўн уч ой тўғриси-да ьппирган. Ўн уч ой ҳам ўтиб кетди, Франциянинг фаровоялиги эса кундан-кун ошиб борарди,

1800 йилдан то 1810 йилгача давом этган муваффақиятлар ва тииимсиз тараққиет тўғрисида эслатиб ўтамиз холос. Деярли бу-1ун ана шу вақтни Фабрицио Грианта амлокида, деҳқон болалари орасида ўтказди. У тешдошлари билап муштлашар, мактабнинг остонасшш ҳам хатлаб ўтмаган, ҳатто саводи ҳам чиқмаган бир болакай эди. Шундан сўнг уни Миланга, тақсир иезуитлар колле-гиясига жўнатишди. Маркйз ўғлини лотин тилига муттасил рес-нубликалар ҳақида гапирадиган қадимги авторлар асари бўйича эмас, балки гозтадан мўлроқ гравюралар билап безатилган ва XVII аср рассомлари мўйқаламиниш дурдопаси бўлгап ажойиб фолиапт бўйича ўқитвшларини талаб қилди. Ушбу катта китоб 1650 йилда Парма архиекископи Фабрицио дель Донго томони-дан чоп этдирилгаи Вальсерралар уруғи, маркйз дель Донголар шажараси эди, Вальсерралар уругининг кўпгина вакиллари жанг-чилар бўлишган экан, шу боисдан ҳам гравюраларда мазкур фа-милияга мансуб бироита қаҳрамон кучли шамшир зарби билап душманларии яксон этаетгани чизилган беҳисоб жангу жадал-лар манзараси тасвирланган эди. Бу китоб Фабрициога жуда еқарди. Фабрициони жонидан ортиқ кўрадиган онаси баъ-зан уни кўриб келгани Миланга бориш учун эридан рухсат оларди, бироқ маркйз йўл харажатлари учун унга сариқ чақа ҳам бермасди. Пулни унга қайипсинглиси, меҳрибон гра-финя Пьстранера бериб тургувчи эди. Французлар қайтиб келга-нидан сўнг, графиня Италия вице-қироли шаҳзода Евгеиий са-ройида энг пуфузли хонимлардан бири бўлиб қолганди.

Фабрицио биринчи ибодатга борганидан сўнг, у ҳамон ўз хо-ҳиши билаи сургунда яшаетган маркйз дель Донгодап баъзи-баъ-зида жиянинм коллегиядан уйига олиб келиш учун ижозат олдн. Графиня, гарчи езишни сал-палгина биладиган, деярли саводсиз бўлса-да, лекии жуда келишган, ўзига хос, доим жиддий юрадиган бу ақлли бола киборлар доирасига мансуб хонимниаг меҳмонхона-



сига сира ҳам доғ туширмайди, дея қарор қилганди. Хоним нимага қўл урмасин, бу ишни ўзига хос бир эҳтирос билан бажарарди, у коллегия ректорига, агар жияним Фабрицио ўқишда катта ютуқ-ларга эригаиб, йил охирида мукофотларга сазовор бўлса, сизга доим хайрихоҳлик қиламан, дея ваъда берди. Чамаси, жиянини шу мукофотларга сазовор бўлишига имконият яратиш учун бўл-са керак, графипя уни ҳар шанба коллегиядан олиб кетар ва кў-иинча фақат чоршанба еки иайшапба кунларигина қайта олиб борарди. Иезуитлар, гарчи Италияшшг вице-қироли шаҳзода Ев-генийииг илтифотипи қозонган бўлишса-да, бироқ қироллик қо-нунлари бўйича мамлакатдаи қувғнн қилипган эдилар. Шу боис-дан ҳам пихпии ергап дипломат бўлмиш коллегия ректори дасти дароз сарой хоьшми билап дўстоиа муносабаг ўрнатиш ўзи учуп
-V нақадар фойдали экаиипи дарҳол тушунди. У Фабрицисния дарсларга келмай қолишидан шпкоят қилишга журъат зтмас-ди. Лекин гаунга қарамай, бола йилнинг охирида бешта фап бў-йича биринчи мукофотни олди. Табиийки, графиня Пьетранера енида гвардия дивизиясипииг генерали бўлмиш эри ҳамда вине-
си қиролнинг мулозимларидан иборат беш-олти нафар аъенлар
«*^ билан иезуитлар коллегиясига қадам ранжида қилди ва намуна-
с^) ли ўқувчиларга мукофот тошпириш маросимида иштирок этди.
^^ Шундан сўнг ректор бошлиқларининг мақтовига сазовор бўлди.
^ч Графиня болани шаҳзода Евгений ҳукмронлик қилган ана шу
^о қисқа вақт ичида бўлиб ўтган барча тантаналарга олиб борди. У
^ ўз ҳукми билан Фабрициога гусарлар офицери унвонини олиб бердики, болакай ўн икки ешидаеқ гусарлар муидирини кийиб юрадиган бўлиб қолди. Бир куни графиня жиянипинг хушсурат-лигига қойил қолиб туриб, шаҳзодадан уни паж этиб тайинлашпи илтимос қилди, бу ҳол дель Донголар оиласинииг янги ҳокимият билан муросага келиши деган маънони англатарди. Аммо эртаси куни графиня, гарчи унинг бажарилиши учун арзимас бир шарт — бўлажак пажиинг отасидан ризолик олиш қолган бўлса-да, бу ил-тимосни шаҳзоданинг хаелидан чиқариб ташлаш учун ўзининг бу-тун таъсир кучини ишга солишга мажбур бўлди, зеро, маркйз дель Донго, турган гап, бунга ўлса ҳам розилик бермаган бў-ларди. Синглисининг бу қилигидан мавжуд тузумга иорозилик намойиш этиб юрган маркйз дель Донго безовта бўлиб қолди ва узрли баҳона топпб, навқирон Фабрициони Гриантага чақир-тириб олди. Графиня акасини, одамии безор қиладиган даражада аҳмоқ, агар унга йўл қўйиб берилса, куй евузликлар қилиши мумкин, дея ҳисоблар ва ундан нафратланиб юрарди. Лекин у жияни Фабрициони ҳаддан ташқари яхши кўрарди ва шу боис-дан ҳам ўн йиллик сукутни бузиб, маркизга жиянини ҳузурига юборишни талаб қилган ҳолда мактуб йўллади: унинг мактуби жавобсиз қолди.

Шуидай қилиб, Фабрицио энг жангари аждодлари томонидан қурилган ҳайбатли қасрга қайтди. У фақат ҳарбий иизомномаю от миииб юришни биларди холос: худди хотини каби болани жони-

дай ортцц яхти кўрадиган граф Пьетрапера ;пони тез-тоз ох г а миндириб, ўзи билан парадларга олиб боргу вчи эди.

Фабрицио Гриантага етиб келгапида аммаси ва унинг ажойиб меҳмонхоиалари билан хайрлаша туриб йиғлаганидан кўзлари ҳамон цпзариб турарди, уйда зса ойиси билан опаларигина уни қучоқ очиб кутиб олишди. Отаси катта ўғли маркезино Асканьо билан булмасита кириб, уни ичидан қулфлаб олганди: улар ичкарида кейинчалик Венага жўнатилиш шарафига муяссар бўладиган шифрли хатлар иншо этиш билан банд эдилар, ота-бола одагда бўлмадан фацат тушки овқатдагина чикишарди. Уйдагиларга маркиз маҳобат билан, кчшуиий меросхўримни ҳар бир амдоқдан натура, яъни маҳсулот тариқасида олинадиган даромадни пулга чақиб езишии ўргатяпман, дея баҳона қиларди. Аслида эса у ўз ҳуКМИНИ қизғанар ва ҳатто ўз ўғли ва авлоддан-авлодга ўтиб келаегган ер-мулкининг меросхўри билан ҳам бу тўғрида гаплашишни лозим кўрмасди. У Асканьони ҳафтасига икки-уч марта III вейцарияга юбориб турадиган апа шу ҳар бири ўн тўкдиз-йигирма бетлик маълумотларни шифрлашга ўргатиб олганди. Бу маълумотлар Швейцариядан кейинчалик Венага жўнатиб юборишарди. Маркиз ўзича қонуний хукмдорларимни Италия қироллигидаги ички аҳвол билан таииштиряпман, дея хаел килиб юрарди. Гарчи маркиз бу аҳволдан мутлақо бехабар бўлса-да, унинг хатлари веналик ҳукмдорларга мойдек ек.арди. Бунпнг маълум сабаблари бор эди: маркиз ўз ишончли одамини у гарнизоидан бу гарнизонга кўчиб ўтаетган биронта француз еки итальян полкининг солдатлари сонини санаб келиш учун катта йўлга юборарди-да, сўнгра Вена саройига йўллайдиган маълумотномасида ушбу ҳарбий қисмнинг мавжуд таркибини лоақал чорак миқдорда қисқартириб кўрсатишга ҳаракат қиларди. Жудаям аҳмоқона езилган бўлса-да, маркиз йўллайдиган хатларнинг битта фазилати бор эди: улар ҳаққонийроқ езилган бошқа маълумотномаларни рад этар ва шу боисдан ҳам хукмдорларга еқарди. Фабрициoнинг Гриантага қайтишидап хиел олдин маркизнинг камергерлик мундирний бириичи даражали австрийс орденинииг бешинчи юлдузи Сскорга безамаган эди. Тўгри, у ўз бўлмасидан ташқарида мазкур мундирни кийиб юришга журъат этмас ва бу ҳолдан ниҳоятда дили сиеҳ бўларди. Лекин ўғлига айтиб туриб хат ездирар экап, албатта ўша зарбоф мундирини кийиб, барча нишонларипи тақиб оларди. Ўзга либос унинг назарида ҳокими мутлаққа нисбатан хурматсизликдек кўринарди.

Маркиза кенжа ўғлининг еқимтойлигидан ҳайратланарди. Бирок, у йилига икки-уч марта генерал граф д'А*** га (бир вақтлардаги лейтенант Роберни ҳозир шундай аташарди) мактуб йўллаб турарди. Ўзи еқтирган одамларга эса маркиза сира ҳам елгон гапира олмади. Хопим ўғлининг билимларини синов қилиб кўргач, унинг чаласаводлигидан қаттиқ ҳайратга тушди.

«Деярли ҳеч иимани билмайдиган мендек одамгаки у чаласаI од бўлиб кўриндими, аллома одам бўлмиш Робер уни мутлако



саводсиз деб топса керак, ҳозирги замопда эса шахсий хизмапар сиз бирон мартабага эришиб бўлмайди»,— дея ўйларди хсиим.

Шунингдек Фабрициoнинг яна бир хусусияти уни қаттиқ ҳайратга солди: бола иезуитлардан ўргапгап барча дин қоидаларига киҳоятда жиддий қарарди. Маркизанинг ўзи ҳам анчайин ТЧҚРОдор бўлса-да, аммо болапинг мутаассибона художўйлиги уни кўркитиб юбсрди: «Агар маркизнинг бу таъсир воситасидан фойдаланишга фаросатж етса, у ўғлимни мендан совитиб, ўзига огдириб олади». У шуни ўйлаб, анча кўз еш тўкди, бирок, бундан Фабрициога нисбатан оташин оналик меҳри цайтанга янада ошди холос.

Ўттпе-кирқ хизматкор у екдан-бу еққа танда қўядиган қасрдаги ҳает жуда зерикарли эди, шу боисдан ҳам Фабрицио куп бўйи вақтики ов билан ўтказар еки қайиқда ўтириб кўлда сайр килардв. Тез орада у отбоқар ва кучерлар билан инок бўлиб кетди: уларнииг бари очиқдан-очик, французлар тарафдори бўлиб, маркиз еки унинг катта ўғлига хизмат киладиган тақгодор малайларнипг устидай кулиб юришарди. Улар айниқса бу такаббур малайларпинг хўжайинларига тақлидаи, сочларига упа сепиб юриш одатларипи калака қилишарди.

## Иккинчи боб

...Зулмат ила Зухрспи беркитгапида осмоп
Кўька боксам, хаелим учар келажак томон:
Упда тапгри дунешшг йўлларипи чизадир,
Мавжудотштиг цисмату толеини ('-задир.
Гоҳида шафқат айлаб гуноҳкор бандага ул,
Назар этиб фалакдан кўрсатгувсп одпл йўл.
Осмон ериткичларн — сирли езувлар мисол
Айтиб турар кувонч, ғам, педир ицбол, истицбол.
Бироқ ўлим ва дуне ғамига гарц инсоплар,
Езувларйй ўқишга тОггашмас ҳеч имконлар.

*РонсарК*

Маркиз маърифатпи кургани кўзн йўқ. эди. «Гоялар,— дегувчи эди у,— ҳа, худди ана шу ғоялар Италияни хароб этди», аввалига у илму маърифат олдидаги ана шу даҳшат билан кенжа ўғлининг иезуитлар коллегиясида ажойиб тарзда бошланган маълумотини. камол топдириш заруратини қандай уйғунлаштиришки билмай гаранг бўлиб юрди. Ниҳоят маркиз энг хавфсиз йўл Фабрициога лотин тилидан сабоқ бермоқпи давом эттиришни Грианта черковинипг руҳонийси — аббат Блаиесга топширишдур, деган қарорга келди. Бирок, бунинг учун чолнинг ўзи лотин тилини билмоғи лозим эди. Аббат Бланес эса бу тилдан нафратланар, унинг лотин тилидаги бор-йўқ билими афкори омма учун чоп этилган китобдаги суралари ед ўкишу цавмига уларнинг маъиосини чалакам-чатти тушунтириб беришдан иборат эди. Аммо шунга қарамай, бутун. кавмда уни хуг 'Р па ҳатто бпр оз ҳайиқиб

Швьрларни Муҳаммад Ллп таржш

ҳам юришарди: у доим, Брешияиинг ҳомийси авлие Жовитанинг ўша машҳур каромати ўн уч ҳафта ва ҳатто ўп уч ойдан кейин ҳам рўебга чщмайди, дегувчи эди. Бу тўғрида ишончли дўстлари билап суҳбатлашаетганида эса кароматдаги ўн уч рақамшш бутунлай бошқача тушунмоқ лозим, дея қўшимча қилардики, агар ҳаммага дилидагини очиқ айтавериш мумкин бўлгапида, унинг нима демоқчи эканлигипи англагач (1813), кўпчиликнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолган бўларди!

Гап шунда одики, ҳалол, ақли анча зукко, серсаховат одам бўлмиш аббат Бланес барча тунларни жомхонада ўтказарди: у илми нужум шайдоси эди. Кун бўйи юлдузларнинг жойлашиши ва уларнинг ўзаро ҳаракатига оид турли мураккаб ҳисоб-китоб билан шуғуллаиар, тунда эса уларнинг осмону фалакдаги ҳаракатини кузатиш билан банд бўларди. Камбағаллиги туфайли унинг фақат биттагина узуп мунажжимлик кузатув асбоби бор эди холос. Ўз умрини империяларнинг қулаши, дунени ўзгартириб юборадиган революциялар бошланишининг аниқ муддатини каромат қилишга бағишлаган одамнинг қандайдир тилларии ўрганишга нақадар беиксапд қарашиии тасаввур этиш қийин бўлмаса керак. «Нима, меига лотин тилида е§йпз деб аталишини ўргатишганидан буен от тўғрисида бирон янги парса билиб олдимми?» дегувчи эди у Фабрициога.

Деҳқонлар аббат Бланесни жодугар дея ҳисоблашар ва ундан ҳайиқишар, чол ҳам бунга эътироз билдирмасди: унинг тунлари жомхонада ўтириб чиқишидан қўрқадиган деҳқонларнинг ўғрилик қилишга юраклари дов бермасди. Аббат Бланеснинг ҳамкасблари — чор-атрофдаги руҳопийлар чолнинг қавми олдидаги обрў-эътиборига ҳасадлари келар ва уни ектиришмасди, маркиз дель Допго уни ўзи паст табақадаги бир одаму намунча билимдонлик қилади, деб емон кўрарди. Фабрицио эса уни қаттиқ ҳурмат қилар ва чолнинг кўнглига қараб, баъзан бутун кечалари жуда катта рақамларпи қўшиш еки кўпайтириш билан банд бўларди. Сўнгра у жомхонага чиқарди,— бу жуда катта эътибор ва ишонч эдики, аббат Бланес ҳали бундай ишончни ҳеч кимга раво кўрмаганди. Лекин чол бу болакайни соддадиллиги учун яхши кўрарди. «Агар мунофиққа айланиб кетмасанг,— дегувчи эди у Фабрициога,— ҳақиқий ипсон бўлиб улгаясан».

Барча ўйинларда жон-жаҳди билан ҳеч нарсадан қўрқмай игатирок этадиган Фабрицио йилига икки-уч марта кўлда ғарқ бўлиб, ўлишига бир бахя қоларди. У Гриапта ва Каденабиядаги деҳқон болаларининг барча қаҳрамонона экспедицияларига бошчилик қнларди. Зимистон тунларда бу шумтакалар аллақаекдан калитлар тоштб. балиқчилар харсангтош еки соҳилдаги дарахтларга боғлаб қўядиган қайиқ занжирларининг қулфларини очишарди. Шуни ҳам айтиш керакки, Комо кўлида балиқчилар қармоқларпи соҳилдан анча узоққа ташлаб қўйишарди. Қармоқ боғланган чилвирнипг юқори учига пўкак епиштприлган тахтача боғланиб, унинг тепасига қўнғироқчали енғоқ новда ўрнатиб қўйиларди. Балиқ цармоққа илиниб, чилвирии тортганида, қўнғироцча жиринглаб кетарди.

Фабрицио бошчилигидаги бу тунги юришлардаи асосий мақсад — ташланган қармоқларни балиқчилар қўпғироқчанинг жиринглашини'эшитмасларидан аввал кўздан кечириш эди. Бу дадил экспедициялар учун ҳаво айпиб турган пайтни танлашар ва тонг отишидан бир соат олдин қайиққа ўтириб, кўлнинг ўртасига миқишарди. Қайиққа ўтиришар экан, болакайлар ўзларини катта хавф-хатар кутяпти деб ўйлашарди,— улар учун энг мароқлиги ҳам мана шу эди. Шу боисдан ҳам улар оталарга таассуб қилишганича овоз чиқариб Ауе Мапапи ўқиб боришарди. Лекин кўпинча дуо ўқиб бўлиб, энди сузиб кетмоқчи бўлиб туришганида Фабрицио биронта аломатдан ташвишга тушиб қоларди. Гарчи у аббат Бланеснинг кароматларига тариқча ишонмаса-да, кекса дўстипинг илми нужумга доир машғулотларига қатнашишниш ягопа оқибати хурофий аломатларга ишониши эди. Фабрициснинг хае'лотида турли аломатлар унга гоҳ муваффақият, гоҳ муваффақиятсизлик белгиси бўлиб туюларди. Бутун тўда ичида у энг шижоатли ва қатъий бўлгапи учун ўртоқлари Фабрициснинг кароматларига қулоқ солгучийдилар: агар қайиққа ўтиришаетганида соҳилдан руҳоний ўтиб қолса еки сўл томонларидан қарға париллаб учса, улар қайиқ занишрипи қайта қулфлашарди-да, уй-уйларига тарқалиб, ухлагани етишарди. Шундай қилиб, аббат Бланес Фабрициога анчайип қийии фан — илми нужум соҳасидаги билимларини ўргатмаганди-ю, лекин ўзи ҳам билмагап ҳолда, уни турли аломатларга қаттиқ ишонадиган қилиб қўйганди.

Маркиз ўзининг махфий езишмаларига доир биронта кўнгилсиз тасодиф туфайли бир кун эмас, бир кун бутунлай синглисига қарам бўлиб қолиши мумкинлигиии тушунар ва шу боисдан Фабрициога ҳар йили муқаддас Аня?ела байрамида, яъни графиня Пьетранерaиинг туғилган кунида бир ҳафтага Миланга бориб келиш учун рухсат берилaрди. Фабрицио бутун йилни ана шу ҳафта орзусида ва ўша бахтиер кунлар хотираси билан ўтказарди. Муҳим сиесий мақсадлар йўлида шкозат этиладиган бу сафар харажатлари учун маркиз ўғлига тўрт экю берар ва ўз одати бўйича доим Фабрициога ҳамроҳ бўлиб борадиган хотинига сариқ чақани ҳам раво кўрмасди. Бироқ улар сафарга жўнашларидан бир кун олдин Комо шаҳри орқали ошпаз, олти нафар малай ва бир жуфт от билан кучер жўнатиларди. Шу боисдан ҳам Миланда маркизанинг ихтиерида доим карета бўлар, тушки овқатни эса, у ерда ҳар куни ўн икки кишига мўлжаллаб питниришарди.

Ҳаммага заҳар сочиб куп кечирадиган маркиз дель Доигонинг турмуш тарзини қувончли деб бўлмасди, албатта, лекии шу зайлда яшашга жазм этган аслзода оилалар обдон бойиб боришарди. Маркиз йилига икки юз минг ливрдан мўлроқ даромад олса-да, бу маблағнинг чорак қисмини ҳам сарфламасди: у орзу-умидлар билан яшарди. 1800 йилдан то 1813 йилгача кечгаи муттасил ўн уч йил давомида маркиз ярим йил ўтмасданоқ Наполеоппи тахтдан қула-

тишади, двған қатъий ишонч била: . 1813 Й1 Березииедаги ҳалокат тўғрисида хабар топгач, унинг боши қапча-лар осмонга етгаиипи тасаввур қилаверасиз. Парижнинг ишгол зтилгани ва Наполеоннинг тахтдае воз кечганини эшитгапидап сўнг маркиз ақлдан озишига сал қолди: ана шунда у хотиии би-лан сииглисипинг шаънига қаттиқ ҳақоратли сўзлар айтишга журъат этди. Дарҳақиқат ўн тўрт йиллик орзиқиб кутишдан сўнг маркиз Австрия қўшинларининг Миланга қайтишини кўришдек зўр қувончга мушарраф бўлганди. Венадан олинган буйруққа би-ноан австриялик генерал маркиз дель Донгонинг ҳурматини жойи-га қўйиб, ниҳоятда иззат-икром билан қабул қилди; шу заҳоти мар-кизга муҳим маъмурий лавозимлардан бирини таклиф этишган эди; буни у хизматига яраша мукофот тариқасида қабул қилди. Маркизнинг тўнғич ўғли лейтенант упвоиида Австрия тожу тахти-нинг оқсуяк полкларидан бирига хизматга олиндп, бдроқ кенжа ўғли ўзига таклиф қилинган кадет унвонини қабул қилмоқни сира истамади. Маркизнинг бениҳоя сурбетлик билан зафар нашидаси-ии суриши бор-йўғи бир неча ой давом этди холос, ундап кейин эса тақдирнинг шафқатсиз қилвирликлари бошланди. Маркиз ҳеч қачон давлат арбоби салоҳиятига эга бўлмаган малайлар, нотариус ва хонадои врачи билан қишлоқда кечган ўн тўрт йиллик ^ҳаети, кексайиши ўлароқ найдо бўлган тажанглиги оқибатида у жўн бир одамга айланганди. Кўҳна Австрия монархиясининг сусткаш ва юраккаб, лекин жуда пухта ўйланган идора услуби алоҳида ис-теъдод талаб қилар, қобилиятсиз одамнинг муҳим лавозимда узоқ вақт ишлашига йўл қўймасди. Маркиз дель Донгонинг хатолари-дао унинг қўл остидагиларнннг энсаси қотар, баъзида эса шу ха-толар .туфайли иш бутуилай тўхтаб қоларди. Бу ашаддий монар-хистнинг нутқлари аҳолини ғафлат уйқусига солиб, беғам ва ло-қайд қилиш ўрнига унинг ғазабини қайнатарди. Кунлардая бири-да маркиз император ҳазрати олийлари унинг истеъфога чиқариш ҳак.идаги илтимосини ийобатга олиб, маъмурий лавозимдан озод этгани, лекин шу билан бирга уни Ломбардо-Венеция қироллиги бош можордом'иниг иккиичи ердамчиси этиб тайиилапгани ҳақи-да хабар топди. Маркиз ўтакетган адолатсизлик қурбони бўлдим, дея қаттиқ ғазабланди ва ҳатто матбуот эркинлигидан қаттиқ наф-ратланишига қарамай, «Дўстимга мактуб» номи билан мурожаат-нома эълон қилди. Кейин у императорга, барча мииистрларингиз — хоин, зеро, уларнинг бари — якобинчилардир, дея хат езди. Шу ишларни қилиб бўлгач, маркиз маҳзун кайфиятда Гриантадаги амлокига қайтди. Бу ерда у Наполеон тахтдап қулаганидан сўнг Миландаги казо-казолар саъй-ҳаракати билан Итадия қиролининг собиқ министри, катта эътиборли граф Прина кўчада уриб ўлди-рилганини эшитиб, кўнгли таскип топди. Граф Пьетранера ҳаети-ни хавф остига қўйиб бўлса-да, министрни қутқармоқчи бўлибди-ю,

[1] Можордом —ўрта асрларда Ғарбий Евродада қирол саройининг ьаапри. *(Тарж.)*



*бщщ* <5унйнг уддасидаи чиқолмабди. Оломон министрнп зоптлар билан дўппослабди. Бу қийноқ беш соатча давом этибди. Маркиз дель Донгонинг пири бўлмиш миланлик руҳонийлардан бири — Сан-5Кованни- черковининг панжарадор эшигини очиб бериб, При-нани қутқариб қолиши мумкин экан, чунки бечора министрни ана шу эпгак епидан сургаб ўтишган ва ҳатто маълум муддат куча ўр-тасидаги зовурга ташлаб ҳам қўйишган экан, лекин руҳопий бад-хоҳлик билан эшикни очишдан бош тортибди. Бунинг эвазига мар-киз ярим йкладп сўнг руҳонийни зўр мамнуният билан юқориро^ мансабга эришипшга ердам берди.

Маркиз куевини жуда емон кўрарди, зеро, граф Пьетранера ҳатто эллик луидор даромади бўлмаса-да, ўз ҳаетидан сира зор-ланмас, бунинг устига, умри давомида тобиниб келган ғоялари! а содиқ қолиб, имонини сотмас ва маркиз қабиҳ якобинчилик дея втовчи барчага баробар адолатни тарғиб этарди. Граф Австрия армиясида хизмат қилишдан бош тортди; унинг бу рад жавоби то-гишли баҳоланди. Принапинг ўлимидан сўнг бир неча ой ўтгач, бечоранинг қотилларипи еллаган худди ўша одамлар генерал Пье-траиеранинг ҳам ҳибс қилинишга эришдилар. Бирок унинг хоти-ни шу заҳоти сафар гувоҳномасини олиб, почта бекатида от буюр-тирди. У Венага бориб, императорга бор ҳақиқатни айтишга жазм қилган эди. Принанинг қотиллари кўрқиб кетишди ва улардан бири, Пьетранера хонимнинг амакиваччаси, ярим кечада, графиня Венага қараб йўлга тушишидан бир соат олдин, унга эришшгқа-моқдан озод қилиниши ҳақида буйруқ олиб келди. Эртаси куни австриялик генерал граф Пьетранерани ҳузурига чақириб, илти-фот билан кутиб олди-да, истеъфодаги офицер сифатида сизга пен-сия тайин этиш масаласи тез кунлар ичида ижобий ҳал қилина-ди, дея уни ишонтирди. Ақлли ва раҳмдил, танти генерал Бубна Пркнанинг ўлдирилиши ва граф Пьетранеранинг қамоққа олинн-птидан қаттиқ хижолатда эди.

Графиня Пьетранеранинг қатъияти бартараф этган ана шу хатардан сўнг эру хотип генерал Бубнанинг аралашуви туфайли чғ-:;дап ҳам тезда ҳал бўлган пенсия билан амал-тақал куп кечира бошлашди.

Я'хшиямки графиня беш-олти йилдан буеи бир бадавлат йигит билан якин дуст тутиниб юрарди. У йигит графнинг қадрдон дуе-ти бўлиб, Миландаги каретага қўшиладиган энг яхши инглиз от-лари, Ла Скала театридаги ўз ложаси ҳамда шаҳар ташқари-сидаги вилласини бажонидил уларнинг ихтиерига бериб қўйгувчи эди. Аммо жангчилик шарафини астойдил эъзозловчи ва табиатан жиззаки бўлган граф жаҳл устида ножўя ҳаракатлар қилиб қўяр-ди. Бир куни у бир неча йигитлар билан овга чиққанида ўзга бай-роқ остидаги армияда хизмат қилган йигитлардан бири Цизальпин республикаси солдатларининг жасоратини шубҳа остига олиб, уларни калака кила бошлади. Граф унинг қулоқ-чаккасига шапа-лоқ тортиб юборди: ўша заҳоти дуэль бўлиб, марра енида, ўша йигитлар орасида секундантларсиз елғиз ўзи турган граф ўлдп-

рилди. Еу ғаройиб олишув ҳзқйда турли мишмишлар тарқалди, шундан сўнг ўша жанжалда иштирок этгап зотларнинг бари ими-жимида Швецария бўйлаб саеҳатга жўнашни лозим топишди.

Тақдирга тан бериш, дея аталмиш бемаъни матонат — индамай дор остига борадиган аҳмоқларнинг матонати графиня Пьстранеранинг табиатига мутлақо ет эди. Эрининг ўлими қаттиқ ларзага солган графиня яқин дўсти, ўша бадавлат йигит Лимеркатидан сиз ҳам саеҳатга жўнайсизу Швейцарияда граф Пьетракеранинг қотилини топиб, уни е карабиидан отиб ташлайсиз еки қулогининг тагига тарсаки тушириб, ўч оласиз, дея илтимос қила бошлади.

Лимеркати бу режа ғирт бемаънилигини айтганди, графиянинг дилидаги муҳаббат ўрнини нафрат ҳисси эгаллади. Шупинг учун хоиим Лимеркатига илгаригидан ҳам кўпроқ илтифот кўрсата бошлади — графиня йигитнинг қалбида сўна бошлаган муҳаббатини қайта аланга олдирмоқчи, сўнгра шартта ундан юз ўгириб, шу йўсинда ўч олмоқчи эди. Бундай интиқом режаси французларга тушунарли бўлсин учун шупи ҳам айтиб қўяйки, бизнинг Фраицияден анча йироқда жойлашган ўлка Ломбардияда бахтсиз севги кишини ҳамон қаттиқ изтиробга солиши мумкин. Ҳатто қаттиқ мотам тутиб юрган пайтлари ҳам ҳуснда барча рақибаларидая устун келадиган графиня Пьетранера киборлар жамиятиникг олди эркакларини ноз-изтиғно билан дилларига ўт ташлай бошлади. Охир-оқибат ўша эркаклардан бири, доим шундай оқила аел учун Лимеркати бесўнақайроқ, дағалроқ, деб юрадиган граф Н*** графиняга ошиқу беқарор бўлиб қолди. Шундан кейин хоним Лимеркатига мактуб йўллади:

«Сиз умрингизда лоақал бирон марта ақлли одамдек иш қила оласизми? Ўзингизии мен билан ҳеч қачон таниш бўлмаган деб билаверинг.

Сизга бўлган камоли нафратимни қабул этгайсиз.

Камина чўрингиз *Жина Пьетранера*».

Лимеркати бу мактубни ўқиб чиқдан заҳоти ўз амлокларидан бирига жўнаб кетди; унинг қалбида яна муҳаббат аланга олиб, боярщн девонасифат бўлиб қолди. Лимеркати нуқул, ўзимни пешонамдан отиб ташлаймап дердики, бундай ният дўзахга ишонадиган мамлакатларда жуда ғалати эшитиларди. Цишлоққа келгач, у дарҳол графиняга мактуб езди ва хонимга муҳаббат оловида қоврилмиш юраги билан йиллик икки юз мингли даромадини таклиф қилиб, менга турмушга чиқинг, дея ўтинди. Графиня мазкур мактубни очиб ҳам кўрмай граф Н***нинг груми[1] орқали қайтариб юборди. Шундан сўнг Лимеркати уч йилгача ўз амлокларида яшаб юрди: у ҳар икки ойда Миланга келар,

[1] Грум — отлиқ 8ки экипажда кетаетган хўжайинини кузатиб боги малай *(тарою..)*.



(5яро1^ у ерда муқим к,олишга журъат этмас ва графиняга бўл< ған оташин севгиси ҳамда ул офатижон хонимнинг бир пайтлар кўргазгаи илтифотлари ҳақида гапиравериб, дўстларини безо^ ғ^иларди. Бошида у ҳар гал, графиня ўша граф Н*** билан ўзи • ка адои-тамом этади, бундай алока уни бадном қилади-ку ахир, дея қўшиб қўярди.

Аслида эса хоним граф Н***ни мутлақо севмасди. У Лимеркатини афгор этганига ишонч ҳосил қилгани заҳоти графга буни очиқдан-очиқ айтди ҳам. Ҳақиқий оқсуяк бўлмиш граф Н*** ҳозир хоним унга айтишни лозим топган бу нохуш ҳақиқатни ҳеч кимга ошкор айламасликни илтимос қилди.

-- Мендан марҳаматингизни аяманг,— дея қўшимча қилди граф,— менга писбатан бахтиер хушторларга кўрсатиладиган ўша-ўша илтифотингизни намойиш этиб юраверииг. Эҳтимол, шунда мен киборлар жамиятидаги ўзимпипг муносиб ўрнимни сақлаб қола оларман.

Графиня шундай мардона тарзда орани очиқ қилганидан сўпг граф Н***нинг отларидан ҳам, театрдаги ложасидан ҳам бошқа фойдаланмаслигини айтди. Аммо ўн беш йил давомида хоним ҳа~ намат ичида яшагага ўрганиб қолганди, энди бўлса жуда мушкул, тўғрироғи, ҳал қилиб бўлмайдиган муаммони ечмоғи — Миланда бир ярим минг франкли пенсия билан яшамоғи лозим бўларди. У муҳташам саройни тарк этиб, бешинчи қаватда жойлашган иккита кичкина хонага кўчиб ўтди, барча хизматкорлардан воз кечиб, ҳатто оқсоч қизга ҳам жавоб бериб юборди-да, ўрнига кунбай ишлайдиган бир кампирни еллади. Аслини олганда-ю, бундай фидойилик биз ўйлаганчалик мардона ҳам, оғир ҳам эмасди: Миланда кашшоқлик устидан кулишмас, бинобарин, у одамларга барча бахтсизликлар ичида энг даҳшатлиси бўлиб кўринмас ва уларпинг дилига ғулғула солмасди ҳам. Графиня бир неча ой ана шундай олийжаноб қашшоқликда яшади: хонимга Лимеркати ҳамда энди ўзи ҳам унга уйланиш орзусида юрган граф Н*** мактуб кетидан мактуб йўллашарди. Лекин бирдан ўтакетгап қурумсоқ маркиз дель Донгонинг хаелига, синглимнинг қашшоқликда яшаетганини кўриб, душманларим севиниши мумкин, деган фикр келиб қолди. Воажабо! Дель Донголар оиласидап бўлган хоиим маркизни шундай ҳақорат қилган Австрия саройи генераллар бевасига тўлайдигаи нафақага яшайдими ҳали!

Маркиз синглисига мактуб йўллаб, Грианта қасрида уни чиройли жиҳозланган хоналар билан дель Донголар фамилиясига муносиб ҳает кутаетганини хабар қилди. Жинанинг тез-тез ўзгариб туришга мойил қалби янги ҳает ҳақидаги фикрдан завқ-шавқ-қа тўлди, мана, йигирма йилдирки, у ҳали Сфорца герцоглари даврида экилган асрий каштанлар орасида улуғвор қад »ўтари0 турган бу мўътабар қасрга қадам қўймаган эди. «У ерда кўнглйм ором топади,— дерди Жина ўзига ўзи.— Менинг ешимда бу бахт бўлмай нима? (Графиня ўттиз икки ешга кирган бўлиб, ->энди ешликдаги шўхликларни йиғиштириб қўйсам ҳам бўлар, деган

хаелга бориб колгаиди). Ўзим туғилиб ўсган ўша ажойиб кўл со-* ҳилида иихоят бахтиер ва осуда хает кечира бошлайман».

Хоним янглишдими, йўцми, билмаймапу, лекин иккита улкан мол-мулкпи осонгина рад этгап бу қалби жўшқип аел сўзсиз Грианта қасрига бахт олиб келди. Упинг иккала қиз жиянлари кувончдан ўзларини қўярга жой топишолмасди. «Сей мепга ешлигимнииг ажойиб куиларини қайтариб келдипг,— дерди қайинсинглисини ўииб маркиза.— Сен келишингдан бир куп аввал оса меп ўзимни юз сшли кампирдек ҳие этиб юргаидим!» Графиня Фабрицио билан бирга Грианта атрофида жойлашгап ва саеҳатчиларнинг севимли оромгоҳи бўлган барча дилрабо жойларии япа бир бор айлаииб чиқди: улар нақ касрнинг рўпарасида, кўлнинг нарити соҳилида жойлашгап Мельни вилласига ҳам боришди. Қасриипг деразаларидаи тог енбағрида жойлашгап мукаддас Сфондрат хиебоии кўзга ташлакиб турарди. Кейин улар кўлии икки тармок,қа ажратиб турган буруннинг тик чўққисига кўтарилишди. Бу тармоқларданярижиит соҳиллари бениҳоя гўзал бўлиб, Комо шаҳрига туташ эди, иккинчиси эса ҳайбатли к.оялар оралаб Лекко тамов чўзилиб кетгащш. Бу улугвор ва хугаманзара жойларнипг бари гўзаяликда дупедаги энг магаҳур жой — Неаполь кўрфазига тенг келса келардики, лекин ундан қолишмасди. Графиня завцшавқ билан ешлигидаги хотираларииянг жонланаетганини ҳис этар ва уларни ҳозирги янги таасуротлари билан чогиштириб кўрарди. «Комо соҳилларида,— дея ўйларди у,— Женева кўли атрофидагидек кеиг далалар йўқ, атрофи мустаҳкам говлар билан ўралиб, зироатчиликнииг энг яхши усуллари билан ишлов берилган ва пул ҳамда даромад ҳакида эслатиб турадигаи серунум экипзорлар кўрипмайди. Бу ерда паст-баланд тепаликлар кўп бўлиб, тепаликларда тасодифан ўсган дарахтлар тарвак.айлаб кўрннади, инсон қўли уларнииг табиий гўзаллигини бузиб, *даромад манбаига* айлантирмагап. Гаройиб бир тарзда кўл томоп туташган бу хушманзара тепаликларпи курсам, кўз ўнгимда Тассо ва Ариостолар чизган дилрабо табиат манзаралари жонлангаидек бўлади. Бу ерда ҳамма иарса майин ва олийжаноб, ҳамма нарса муҳаббат ҳакида сўзлайди, хеч иима цивилизация бематьниликларини эслатмайди. Тепалик енбағрида жойлашгаи кишлоқлар қалин дов-дарахтга кўмилиб кетган, дарахтлар тепасида эса чиройли қурилган жомхоналарнинг мипораси кўзпи қувнатиб туради. Каштан ва еввойи олчазорлар орасидаги эни эллик қадамча экипзорлар яккам-дуккам кўринса-да, уларнинг ўсимликлари эркинрок,, бошқа жойлардагига қараганда яхширок. ўсаетганини кўриб одамнинг бахри-дили очилади. Ҳув анави баланд тепаликлардаги елғиз уйлар хилват ва осудалиги билан кишини ўзига шу қадар мафтуи этадики, беихтиер ўша ерга кўчиб боргинг келади. Ўша тепаликлар узра одамни ҳайратга солиб, Альп тоғи тизмаларининг абадий музликлар билан кхшланган учли чўққилари кўзга ташланади. Бу маҳобатли манзара илгари кечган ғам-ғуссаларни эсга солиб, ҳозирги ҳузурни бўрттириб кўрсагади. Дсв-дарахтлар орасига яшириигаи биронта олис қишлоқ қўнғироғининг майин жаранги қалбни ҳаяжонга солади. Қўпғироқнинг заиф садоси кўл узра тарқалиб одамда қандайдир итоаткорлик, маҳзунлик кайфияти цўзғатади. Гўе у сенга: «Умр ғанимат, ундан кўп нарса талаб килма, борига шукур қил, қўлингдан келганича бахтиерлик гаштини суриб кол»,-~ деяетгапдек бўлади.

Дунеда теши йўқ бу ажойиб соҳиллар таъсиридан графиня ўзини ўз олти ешли қиздек ҳис эта бошлади. Унинг шунча йиллар давомпда тавоб этмай яшаганини ақли бовар қилмасди. «Наҳогки қарилик бўсағасидагина бахтга эришсам?»— дея ўйларди графиня. У қайиқ сотиб олди: Фабрицио, маркиза ва Пьетранера хонимнинг узи уни яхшилаб безатишди, зеро уларнинг пуллари йўқ эди. Аммо шунга қарамай, уйда дабдабали хает ҳукм сурарди: маркиз дель Донго назардан қолганидан буен аристократик жило деб ҳеч нимани аямай қўйганди. Масалан, асрий чинорлар ўсган ва Каденабия томун чўзилио кетган машҳур' хиеб'он олдйда соҳилни ўи қадам кенгайтириш учун у катта тўғон қуришни буюрди ва бунинг учун саксон минг франк сарфлади. Тўғоннинг охирида машҳур маркиз Каньоланинг лойиҳаси бўйича улкан гранит тошлардан қурилган бутхона қад кутариб турарди. Бутхонадэ> ҳозир миланлик машхур ҳайкалтарош Маркези қаср эгаси учун мацбара қуриш билан банд эдики, ундаги беҳисоб барельефларда маркизнинг аждодлари кўрсатган қаҳрамонликлар тасвирлапмоғи лозим бўларди.

Фабрициониыг акаси, маркезино Асканьо хонимларнинг санрида иштирок этишни истарди-ю, лекин аммаси унинг упа сепилган сочларига сув пуркаб қўйиб, ҳар куни димоғдор жиянини калака қилишнинг биронта янги усулиии ўйлаб топарди. Ниҳоят Асканьо унинг олдйда кулишга журъат этмай қолгаа бу кувноқ тўдани ўзиниыг заҳил ва пўрсилдоқ. башарасипи куриш заруратидан халос этди. Ҳамма Асканьо отасиянг жосуся эканлигини яхши биларди, зеро уларнинг бари мажбурий истеъфоси пайтидан буен муттасил ҳаммага заҳар сочиб юрадиган бу золимдан эҳтиет бўлиб юрмоққа мажбур эдилар.

Асканьо Фабрициодан ўч олишга қасам ичди.

Бир куни кучли бўрон кўтарилиб, қайиқнинг ағдарилиб кетиишга хиел қолди; гарчи ўзлари камхарж бўлишса-да, бу воқеапи маркизга айтиб қўймасинлар учун эшкакчиларга яхшигина пул тўлашди: маркиз бусиз ҳам иккала кизининг ана^ шу сайрларда иштирок этишаетганидан норози бўлиб юрганди. Ўшандан кейин яна бир марта бўронда қолишди,— бу хушманзара кўлда бўронлар к,ўққисдан кўтарилади ва жуда хавфли бўлади: қарама-қаршя соҳилда жойлашган тоғ оралиғидаги икки дарадан баногоҳ шамоя тўлқинлари отилиб чикди-да, сув устида тўқнашиб, олиша бошлашади. Момақалдироқ гулдираб, бўрон қутуриб турган бир пайгда графиня кўл ўртасида танҳо қаккайиб турган ва мўъжазгина хонадек қояли оролчага чиққиси келиб колди: хоним у ердаи ту-

риб, ажойиб манзарани — тўлқинларнинг ҳар тарафдап оролчаиинг тош деворларига урилишини томоша қиламан, дея эълон қилди., бироқ қайиқдан оролга сакраб ўтмоқчи бўлганида у кўлга йиқилиб тушди, Фабрицио қутқармоқ учун ўзини сувга отган эди, тўлқинлар икковини ҳам анча нарига суриб кетди. Ғарқ бўлиш, турган гап, еқимсиз нарса албатта, лекин графиняни ажаблантирган нарса шу бўлдики, ўша кундаи эътиборан феодал қасрида зерикиш деган нарсадан асар ҳам қолмади. Соддадил қария Бланеспи яхши кўрадиган графиня илми нужумга қизиқвб қолди. 1\айиқ харид қилишдан ортгаи пулнинг ҳаммасига у тасодифан учраб қолган мўъжазгина телескоп сотиб олди, шундан сўиг деярли ҳар кеча графиня енига қиз жияилари ва Фабрициони олиб, қасрнинг готик минораларидан бирининг майдончасига кўтариладиган ва телескоп орқали юлдузларни кузатиб ўтирадиган одат чиқарди. Фабрицио уларпинг орасида олим вазифасипи ўтар, шу зайлда ҳаммалари ўша минорада, жосуслардан йирокда бир неча соат вақтларини хушнудлик билан ўтказишарди.

Лекин шуни ҳам эътироф этиш керакки, баъзи кунларда графиня ҳеч ким билан сўзлашишни истамай қолар ва хаелга чўмганича дилгир бир кайфиятда улкан каштанлар остида тентираб юрарди. У жуда ақлли эди, шу боисдан ҳам баъзан дилидаги гапларни ўртоқлашадиган одамнинг йўқлигидан сиқиларди. Бироқ ана шундай дилгир бўлган куннинг эртасига у аввалгидек хандон отиб кулаверарди: одатда бу фаол қалб соҳибаси келинойиси бўлмиш маркизанинг зорлаиишларидан сўнг шундай сиқиларди.

— Наҳот ешлигимизнинг сўнгги кунларини мана шу ғамгин қасрда ўтказсак?— дея хитоб қилгувчи эди маркиза.

Графинянипг қасрга келишидан олдин бечора маркиза ҳатто бу тўғрида ўйлашга ҳам журъат этмасди.

1814 йил ва 1815 йилнинг киш ойлари ана шу зайлда ўтди. Ниҳоятда камбағаллигига қарамай графиня бу орада икки марта бир неча кутка Миланга бориб келди: Ла Скала театрида кўрсатилаетгаи Вигаонииг* ажойиб балетлариии куриш керак эди. Маркиз ҳам ўшанда хотинининг қайиисинглисига ҳамроҳ бўлиб бориши учун ижозат бера қолди. Миланда Цизальпин реснубликаси генералининг бечораҳол беваси уч ойлик пенсиясини олгач, ниҳоятда бадавлат маркиза дель Донгога бир неча цехин пул совға қиларди. Бу сафарлар бепиҳоя дилкашлик билан ўтарди, хонимлар эски дўстларини таклиф қилиб, зиефат беришар ва худди еш болаларга ўхшаб ҳамма нарсадан кулишганича ўзларини ўзлари хурсаид қилишарди. Итальянларга ,хос жўшқин ва самимий қувноқлик уларни Гриантада маркиз ва унинг тўнғич ўғли атрофидагиларга ўкрайиб, ҳаммаеқии тўлдириб юборгаи ҳасратли кайфиятни унутишга мажбур қиларди. Яқинда ўн олти ешга тўлган Фабрицио эса Миландаги уйда мезбон вазифасипи қойиллатиб бажарарди.

1815 йилнинг еттинчи март купи Миланга қилинган ажойиб сафардан кечагина қайтиб келган хонимлар икки четида чинорлар ўсган ва яқинда нақ соҳилнинг энг узоқ қирғоғигача узайтирилган чироили хмебонда сайр қилиб юришганди. Бир маҳал Кома томондан қайиқ пайдо бўлиб, унда ўтирган одам қўлларини силкитганича ғалати ишоралар кила бошлади. Қайиқ соҳил енига келиб тўхтади-ю, тўғонга маркизнинғ хабарчиси сакраб чиқди: Наполеон ҳозиргина кемада келиб, Жуан кўрфазига тушибди. Европа бу воқеадан соддадиллик билан анграйиб қолди-ю, бироқ, маркиз дель Донго сира ҳам ажабланмади, у шу заҳоти ҳокими мутлақига сидқидилдан изҳори садоқат мазмунида мактуб езиб, унга ўз салоҳияти ва бир неча миллион франк пулини таклиф қилди ва яна аъло ҳазратнинг барча министрлари чарижлик ғаламислар билан тил бириктириб иш кўраетган якобиячилар эканлигини таъкидлаб ўтди.

Саккизинчи март куни, эрталаб соат олтида ўзининг барча орденлари тақуғлик камергерлик мундирини кийиб олган маркиз сиесий мазмундаги учинчи мактубини оққа кўчириб езмоқда эди. Мактубнинг сўзларини унга тўнғич ўғли айтиб турарди. Маркиз эса гердайганича монархнинг сурати туширилган сувқоғозни бир текис хуспихати билан мисра кетидан мисрага тўлдириб берарди. Бу пайтда Фабрицио хизматкорга ўзининг келганини айтипши буюриб, графиня Пьетранеранинг хонасига кириб келмоқда эди.

— Мен жўнаб кетяпман,— деди у.— Мен бориб императорга қўшилмоқчиман,— ахир у Италиянинг ҳам қироли ҳисобланади, кейин у сенинг эрингга доим илтифот кўрсатган! Мен Швейцария орқали кетаман. Бугун кечаси дўстим Вази,— Меяаджиода барометрлар билан савдо қиладиган йигит бор-ку, ўшани айтяпман,— менга ўз паспортний берди; менга бир неча наполеондор берсанг, ўзимда бор-йўғи икки тилла пул қолибди, лекин керак бўлса пиеда ҳам кетавераман.

Графиня қувончшшнг зўридан ва қаттиқ ташвишга тушгани учун йиғлаб юборди.

— Е тангрим! Цаеқдан келди мияшта бундай фикр?-~ дея: хитоб қилди у Фабрициониng қўлларини маҳкам қисиб.

Графиня ўрнидан туриб, кийим жавонига яшириб қўйган маржои тақуғли ҳамеичасини олди,— хонимнинг бутун бойлиги ана шу ҳаменчада эди.

— Ма, ол,— деди у Фабрициога.— Лекин, худо ҳақи, ўзингнк эҳтиет қил. Агар сени ўлдиришса, бечора онанг билан менинг ҳолим не кечади? Наполеоннинг муваффақият қозонувига эса умид боғлаб бўлмайди, дўстгинам, анови жаноблар уни ҳалок этишнииғ уддасидан чиқишади. Миланда бундан бир ҳафта бурун Наполеопга йигирма уч марта суиқасд қилишгани тўғрисидаги ҳико; эшитмаганмидинг? Бу суиқасдлар шу қадар пухта ўйлаб қилин Эl̈шки, у фақат мўъжиза туфайлигина омон қолган. Наполеон унда қудратли эди. Ўзинг биласан-ку, душманларимизнинг фиқ;>-еди уни йўқ қилиш. Наполеонни бадарға этишганидан буен Франціяни мамлакат қаторида ҳам кўрмай қўйишди.

Графиня Наполеоннинг келажакдаги қисмати тўғрисида чу-1 ур ҳаяжоп билан сўзламоқда эди.

ўғлпии иложи борича уйда олиб қолишга ҳаракат қилди. Бироқ Фабрициони қамоқхона деворларидан бўлак хеч қандай тўсиқ тўхтатиб қололмаслигига ишонч ҳосил қилгач, қўлидаги бор пулни ўглига берди. Пул унча кўп эмасди. Сўнгра у маркиз бир куй олдин миланлик заргарга гардиш буюртириш мақсадида упга саккизтами, унтами бриллиантни ишониб топширгаиини эслаб қолди. Графиня бриллиантларни қаҳрамонимизнипг сафар либоси астарига яшвриб тикаетганида онасипинг хонасига Фабрицмониш сингиллари кириб келишди: у бояқиш қизларнинг озгина жамғармаларини ўзларига қайтиб берди. Сингиллар акалариииінг нияти ҳақида эшитишгач, қалблари завқ-шавққа тўлиб, уни ўпа котишган эди, Фабрицио онаси ҳали астарнинг тагига чатиб улгурмаган бриллиантларни шартта олди-да, дарҳол йўлга тушишга қарор қилди.

— Сизлар бунақада сиримни ошкор қилиб қўясизлар,— деди у сингилларига.—- Энди пулим шу қадар кўп экан, турли латтаиутталарни олиб кетишга ҳожат қолмади: уларни ҳамма жойда ҳам сотиб олса бўлади.

У жонидан ортиқ кўрадиган яқинлари билан қучоқлашиб хайрлашди-да, ҳатто хонасига кириб ҳам ўтирмасдаи йўлга тушди. Ортидан отлиқ малайларни юборишларидан чўчигани учун ҳам шу қадар шитоб билан юрдики, ўша куни кечқурунок Луганога етиб олди. Худога шукур! У Швейцарияга ўтиб олган эди. Энди овлоқ йўллардан бирида отаси пул бериб еллаган жандармларнинг қўлига туишб қолишдан чўчимаса ҳам бўларди. Луганодан у отасига таъсирли хат езиб юборди,— бу ғирт болалик эдики, мазкур хатпи ўкиб, маркизнинг баттар газаби қайнаб кетди. Кейин у почта аракасида Сен-Готард довонидан ўтиб олди ва шитоб билан илгарилаганича, Понтарлье яқинида чегарадан ўтиб, Францияга кириб Сорди. Император Парижда экан. Бироқ шу пайт Фабрицио турли саргузаштларга дуч кела бошлади, У император билан шахсан гаплашаман дея қатъиян аҳд қилиб қўйганди, бу иията́ни амалга ошириш осон бўлмаслиги эса унинг ҳатто хаелига ҳам келмасди. ]\1иланда у шаҳзода Евгенийни кунига ўп мароталаб кўрар ва агар нстаса, у билан бемалол гаплаша оларди. Парижда эса у ҳар куни эрталаб Тюильри саройига борди, Наполеон қўшинларни кўрувдан ўтказаетганини курди, аммо бирон марта ҳам императорга яқинлашишга муваффақ бўлмади. Қаҳрамонимиз худди мен каби барча французлар ҳам ватанларига кутқу солаетган хавф-хатардан қаттиқ ташвишлансалар керак, дея ўйларди. Фабрицио ўзи истиқомат қилаетган меҳмонхоиадаги умумий дастурхондан овқатланар экан, дилидаги ниятлари ва ўзининг Наполеонга садоқати тўгрисида очиқдан-очиқ гапиравсрди. Ҳамтовоқлари орасида у қалблари уникидан ҳам кучлироқ завқ-шавққа тўлган, ниҳоятда еқимтой ва сертакаллуф йигитларга дуч келдики, бу йиштлар бир неча кун ичида жуда усталик билан унинг бор пулини қоқиб олишди. Хайрият, у камтаринлик юзасидан онаси берган бриллиантлар тўгрисида ҳеч кимга гуллаб қўймади. Бир куни эрталаб, туни билан кайфи-сафо қилиб чиқишгач, Фабрицио ўзининг енчагипа нарсаларини ўгирлаб кетишганини курди, шундан сўнг у бир жуфт ажойиб от сотиб олди-да, жаллобникида отбоқарлик қилиб юрган истеъфодаги бир солдатни ўзига хизматкор еллади ва дилида парижлик маҳмадона йигитларга нисбатан нафрат тунгуси билан армияга жўнади. У армия ҳақида қўшинлар Мобеж яқинидаги аллақайси жойда тўпланишаетганидан бўлак ҳеч қандай маълумотга эга эмасди. Бироқ чегарага етиб келгач, у солдатлар очиқ даладаги лашкаргоҳда туришган бир пайтда, бироита уйга кириб олиб, камин енида исиниб ўтириш кулгили бўлади, дея қарор қилди. Анчайин ақл-идрокли хизматкор уни бу аҳдидан қайтаришга қанчалик уринмасин, Фабрицио таваккал қилиб, Бельгия томон олиб борадиган йўл устида, нақ чегара енида жойлагаган лашкаргоҳга жўнади.

У йўл четидаги бирипчи батальон енига яқинлангаб боргани заҳоти, солдатлар бу навқирон буржуанинг либосида ҳарбий кийимдан асар ҳам йўқлигини кўриб, унга тикилиб қолишди. Цош қорайиб борар, изғирип шамол эсиб турарди. Фабрицио гулханлардан бирининг енига борди-да, меҳмондўстликлари учун пул ваъда қилиб, исиниб олишга ижозат сўради. Солдатлар унинг пул тўлага ҳақидаги гапидаи ажаблатшб, бир-бирларига қараб қўйишди-ю, лекин хушфеъллик билан пари сурилиб, Фабрициога гулхан епидан жой беришди. Хизматкор упи шамолдан тўсиб турди. Бироқ орадан бир соат вақт ўтгач, лашкаргоҳ енидан полк котиби ўтиб қолган вди, солдатлар уни тўхтатиб, енларига қандайдпр ноҳарбий бир одамнинг келиб қолгани ва унинг французча яхши сўзлай олмаслигини гапириб беришди. Котиб Фабрициони сўроқ қилиб курган эди, у Наполеонга бўлган чексиз муҳаббати тўғрисида гапира кетди. Бироқ қаҳрамонимизнинг қандайдир хориягайларга хос талаффузи котибга шубҳали кўринди ва у келгиндига ўзи билан қўшни фермада жойлашган полковиикнинг ҳузурига боришни таклиф қилди. Уларнинг енига икки от жиловини тутган Фабрициошшг хизматкори келди. Бу ажойиб отларни курган котиб, қаттиқ ҳайратга тушди ва бир зумда режасини ўзгартириб, хизматкорни сўроқ қяла бошлади. Суҳбатдошининг ниятини дарҳол фаҳмлаган истеъфодаги солдат гўе хўжайининит олий мартабали ҳомийлари борлиги хақида гап бошлади ва, тургаи гай, бу ажойиб отларни «ўмариб кетишга» хеч ким журъат этолмайди, дея қўшимча қилиб қўйди. Котиб шу заҳоти солдатларни чақиргап эди, улардан бири хизматкорнипг еқасидан олди, бошқаси эса отларнииг жиловидан тутди, котиб қовоғидан қор еғиб, Фабрициога гап қайтармай ортидай юришни буюрди.

Бутун лашкаргоҳни нақ уфққа қадар гулхаплар тутиб кетган бўлиб, бундан тун қоронғиси янада қуюқлашиб бораетгандек туюларди. Котиб Фабрициони ана шу қоронғуликда бутун бир лье масофани пиеда горишга мажбур қилиб, охири упи бир жандармерия офицери енига бошлаб борди. Офицер Фабрициодаи қатъий оҳангда ҳужжатларини кўрсатишпи талаб қилди. Фабрицио унга

паспортний кўрсатди. Паснортда упииг барометрфуруш тужжор эканлиги ва ўз молини олиб келиш учун сафар гувоҳпомасн олганлиги қайд қилинган эди.

— Вой аҳмоқлар-ей!— дея хитоб офицер.— Буеги ғирт тентаклик-ку!

У қаҳрамонимизни сўроқ кила бошлади, Фабрйцио император ҳаКида, озодлик тўғрисида беииҳоя завқ-шавқ билан сўзлай бошлаган эди, офицер хохолаб кулиб юборди.

— Жин урсин! Жуда овсар экансан-ку!— дея хитоб қилди у.— Сенга ўхщаган, ҳали она сути оғзидан кетмаган тирраичапи юборишибдими, демак, сизий ғирт меров деб ҳисоблашса коряк!

Фабрйцио ўзишшг аслида барометрфуруш амаслигини иечоғли исботлашга ҳаракат қилмасип, жандармерия офицери уни соқчилар билан қўшни Б... шаҳарчасининг қа!.:оқхонасита жўнатди. Каҳрамонимиз у ерга кечаси соат учлардагина камоли газабнок, хупоб қиефада ҳорғип судрала-судрала арапг ечиб борди.

Бу кўримсиз қамоқхопада Фабрйцио аввалпга ажабланйб, кейип ғазаби қайнаб, знг муҳими аса нима сабабдан уни қамаб цўйишганини мутлақо тушуна олмай узундан-узок, ўттиз уч купни ўтказди. У қалъа комепдантига хат кетидан хат езардп. Қамоқхона вгозирининг хотини, ўттиз олти ешлардаги хушрўйгина фламанд жувоп бу хатларпи эгасига етказишни ваъда килганди. Бпроқ аел шуп дай чиройли йигитчани отиб ташлашлариии сира истамас ва унинг яхши пул тўлаетганини ҳам едида сақлар эди. Шу боисдан у Фабрициoнинг барча хатларини ҳеч книга бермай, печкага ташларди. Кечқурунлари эса аел маҳбуспинг енига кирар ва ҳамдардлик билан йигитчанинг хасратларини зшитиб ўтирарди. Эрига у болакайнинг пули кўп эканлигини айтган эди, қамоқхонапин'г ўз ишига пухта нозири хотннига батамом эрк бериб қўйди. Аел эрипипг бундай мурувватндан фойдаланиб, Фабрициопииг бир неча тилла пулиии қоқиб олди,— котиб цах/рамонимизнинг фақат отларипигина тортиб олганди, жандармерия офицери эса упииг х.еч нимасига тегмагапди. Июнь куиларппипг бирида Фабрйцио тахмипаи пешин чого ўзоқда тўпларнинг каттиқ гумбурлаетганини эшитиб қолди. «Хайрият-е! Бошлапди!» Бетоқатликдан Фабрнщгонинг юрагн гупуллаб ура бошлади. Кўчадаи ҳам кучли ғовур-ғувур эшитилиб турарди,— чиндан ҳам кўшпнларнииг катта юриши бошланган бўлиб, Б... шаҳарчаси орқали учта дивизия утмоқда эди. Кечқуруп соат ўн бирларда позирнииг хотини Фабрйцио билан хасратлашгани келган эди, йигит уни хар қачондагидан кўпроц илтифот билан кутиб олди-да, сўнгра аелнинг қўлларидан тутиб деди:

— Утинаман, бу ердан чиқиб кетишимга ердам беринг. Худо халлоқ, жанг тугаган заҳоти қамоқхопага қайтиб келамап.

— Цўйсанг-чи курук гайни! Хўп, кўнсам *мойламанг* борми?

Фабрйцио ташвишга гушиб колдп. у мойллма нималигинй гушунмаган эди. Нозирнипг хотини упиш безовталанганини сезиб боякишпипг ҳамони курибди, дегап хаелга борди-да, аввалига сурамоқчи бўлган олтин наполеондорлар ўрнига фақат фрапклар тўғрисида гапира бошлади.



— Қулоқ сол,— деди аел.— Агар менга юз франк пул берсапг, мен икки жуфт наполеондор билан бугун тунда соқчиларпи алмаштиргани келадигаи капралнииг томоғини мойлайман, гаупда у сенинг қочганингни кўрса ҳам ўзини кўрмаганга олади. Агар полки эртага йўлга тушса рози бўлиши турган гай.

Шу йўсинда улар бир битимга келишди. Аел ҳатто Фабрициони ўз етоғига яширнб қўйишни таклиф қилди, зеро эрталаб у ердан қочиб кети ш осонрок бўларди.

Эрталаб азонда, ҳали тонг отмасдапоц жуда ҳам меҳри товлаииб кетган аел Фабрициога қараб:

— Жонғинам, бунака расво иш учун ҳали анча ешлик қиласан. Гапимга хўп дегип-да, бу ниятиигдап қайт! — деди.

— Нега эпди?!-- қатъий эътироз билдирди Фабрйцио.— Ватанни ҳимоя қилиш жииоатми ахир?

— Бас қил сафса^ани! Ҳаетингни меп саклаб қолгапим ҳеч қ,ачон эсипгдан чицмасин. Калланг кетувди, отиб ташлагалари турган гап эди. Лекин тилипгга эҳтиет бўл, бирортасига огзипгдан гуллаб қўйма-я, йўқса, над сепи деб эрим иккаламизни ишдан ҳайдаб юборишлари мумкин. Кейнп, биласанми, ўзинтттипг гўе барометрфуруш тужжориинг кийимипи кийиб олган милаплик дворян экаплигинг ҳацидаги апави бемаъни чўичакпи йиғигатир, худо ҳақи жуда аҳмоқона зшитиларкап. Хўш, энди ганларимни яхшилаб уқиб ол. Ҳозир сенга кеча камодхопамизда ўлган бир гусарнинг кийим-бошларини бераман. Иложи борича камрок, гапиришга ҳаракат қил, агар биронта вахмистрми еки офицер хадеб қ,аекдан келиб долгатгингни сўраб суриштираверсаю жавоб бермасликнипг иложи цолмаса — касал бўлиб бир деҳқоннинг уйида етган эдим, ўша деҳдон йўл четилаги зовурда безгакпипг зўридан титраб-қ.ақшаб етганимни кўрибди-да, раҳми келиб, уйига олиб кетибди, деб айтгин. Шундаям гапингга ишонигамаса, полкимни ортидап кувиб кетяпман деб қўшимча қ.ил. Лекин сени барпбир цамокда олишлари мумкин, чуики талаффузипг фрапцузча эмас, шунда ўзим аслида Пьемонтликман, армияга рекрут сафарбарлиги бўйича олипганман, зеро бултур Фравцияда қолиб кетгандим, деб баҳопа қил, хуллас, яна бирор гап ўйлаб топ.

Ўттиз уч кун қамоқхонада дарғазаб бўлиб ўтирган Фабрйцио бошига туптган барча машмагааларпинг сабабини энди тушунди. Уни жосус деб ўйлашпбди! У ўша тонг чоғи жуда меҳрибон бўлиб кетган позирага бошидап кечиргапларини сўзлашга киришаркап, игна билан гусарнинг Фабрициога каттароқ келган кийим-бошининг чокларипи ичига олиб тикаетганида уига бутуп тарихини тушунарли қллиб айтиб берди. Нозира йигитчанинг ҳикоясипи ҳайрат билап тннглар экап, қисқа муддат бўлса-да, унинг гапларига ишонпб қолди,— щу тобда Фабрйцио жуда ҳам софдил кўрипар, кейин гусарлик мундири йигитга яхши ярашганди.

— Хўп, ҳамонки гоунчалик жанг қилгинг келиб қолган экап,—

додл нозира Фабрициоиинг самимийлигига деярли вшонч ҳосил қилиб,— Парижда бирон иолкка хизматга кириш керак эди. Бироита вахмистрни қовоқхонада меҳмон қилсанг, бас, у ҳамма ишларингни тўғрилаб берарди.

Аел Фабрицибга келажакда ўзиии қандай тутиш тўғрисида кўилаб фойдали маслаҳатлар берди ва ниҳоят тонг ериша богалагач, ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда меиинг НОМИМБИ тилга олмайсан, дея минг марта қасам ичдириб, охири кўчага чиқариб юбог

Гусар қиличини қўлтиғига қистириб, тетик қадам ташлаганича бу качкина шаҳарчани тарк этгаи заҳоти Фабрицконинг дилига ғулғула тушди. «Мана энди,— дея ўйларди у,— мен эгнимда мундир ва чўнтагимда қамоқхонада ўлган қандайдир гусарнинг сафар гувоҳномаси билан кетяпман. Айтишларига қараганда, уки битта еигир билан бир неча кумуга пичоқ-қошиқларки ўғирлагани учу а қамашгаи экан. Гарчи ўзим истамаган ва олдиндан билмаган бўлсам-да, айтиш мумкинки, унинг аянчли аҳволига моросхўр бў қолдим. Демак, қамоқхонадан эҳтиот бўлмоқ керак!.. Бу яхшилик аломати эмас. Цамоқхоиаларда узоқ азоб чекишимга тўғри келади шекилли».

Фабрицио халоскор нозира билан хайрлашганига бир соат ўтмасданоқ емғир еға бошлади. Емғир шундай қаттиқ еғардики, зўраки гусар оегидаги катта қўпол этигини лойдаи аранг суғуриб қадам ташларди. Бир маҳал Фабрицио қирчанғи от миниб келаетгап бир деҳқонга дуч келиб қолди. У деҳқондан ўша қирчапғини сотиб олди.'Отни харид қилар экан, деҳқонга ниятини имо-ишсра билан тушуптирди, зеро нозира унга хорижий талаффузни вложи бсрича камроқ гапиришга маслаҳат бергаииии яхши зела рди.

Ўша купи армия Линья енидаги жангда ғалаба қозониб, жадал Брюссель томон бормоқда эди. Бу воқеа Ветерлоо жангидан хиел олдин бўлганди. Фабрицио пешинга яқин, шаррос еғаетган емгирда ивиб борар экан, тўпларнинг гумбур-гумбурини эшитиб қолди. Цувониб кетганидан у ноҳақ туткин қилинган ўша узоқ дақиқаларда умидсизликка тушиб чеккан азобларини бир зумда унутиб юборди. У тун алламаҳалгача йўл юрди-да, кейин энди ақли кириб қолгаип учун йўлдан анча четроқдаги бир деҳқои уйида тунаб кетишга қарор қилди. Уй эгаси аввалига бор буд-шудимни тортиб олигади, дея зррланиб турди. Аммо Фабрицио бпр экю пул берган эди, уйда дарров сули ҳам топила қолди. «Отим қирчаиғи албатта,— дея ўйларди Фабрицио,— лекян бироита котиб унга кўз олайтириши ҳам мумкин». 1Пупдан сўнг у отхонанинг ўзида, охур епида ухлашга царор қилди. Эртаси куни, тоиг отишига бир соат қолганида Фабрицио йўлга тушиб бўлганди. У отипи силаб-сийнаб, мулойим шапатилагапича охири жониворпи йўртишга мажбур қилди. Эрталаб соат бешларга яқии у тўпларнияг гумбур-гумбурппи эшитди: Ватерлоо жанги* бошлаямоқда эди.



# Учинчи боб

Куп ўтмай Фабрицио маркитант[1] аелларга дуч келиб қолди. Б... шаҳарчасидаьи қамоқхона нозирасига нисбатан қалбидаги чуқур миинатдорлик туйғуси қаҳрамонимизни улар билан сўзлашмоққа ундади: у аелларнинг биридан гўе узи хизмат қиладиган тўртинчи гусарлар полкини қаердан қидир1*лт кераклигипи сўради.

— У екқа шошилмаганинг маъқул, жопгинам!—дея жавоб қайтарди маркитант аел Фабрициоиинг оппоқ юзи ва катта-катта чиройли кўзларига мафтун бўлиб қарар экан.— Бугуп қаттиқ жанг бўлади, сенинг қўлларинг нозкккина экан,— қиличбозлик қилишга йўл бўлсин сенга! Милтиғинг бўлгапдаям бир пави эди, бошқалардан қолишмай пақиллатиб отаверардииг.

Аелнинг бу маслаҳати Фабрициога екмай, у отига қамчи босди, аммо қирчанғисини қанчалик никталамасин, маркитант аелнинг аравасини қувиб ўтолмади. Ўктин-ўктин тўпларнинг гумбурлаши яқиндак эшитилаетгандек туголар, шунда маркитант аел билан Фабрицио бир-бирларинининг гапларини эшитолмай қолишарди. Бутун қалбини бахтиерлик туйгуси қамраб олган ва руҳланиб кетган Фабрициоиинг яна аел билан гаплантгиси келиб қолди. У аелнинг хар бир сўзидан кейин ўзини япада бахтлироқ ҳис этарди. Бу аел Фабрициога шу қадар меҳрибон кўриндики, қаҳрамонимиз унга ўзипинг қамоқхонадан қочигаи ва ҳақиқий исмидан бўлак бутун тарихини гапириб берди. Маркитант аел бу барно солдат йигитчанинг ҳикоясидан ҳеч нимани тушунолмай гаранг эди.

— Ҳа, энди тушундим!— дея хитоб қилди у ниҳоят тантанавор қиефада.— Сиз — ешгина буржуасиз ва ҳонаҳой тўртипчн гусарлар полкидаги биронта капитаннинг хотиииiга ошиқ бўлиб қолгапсиз. Маъшуқаигиз сизга мундир совға қилгаи, сиз уни кийиб олиб маҳбубангиз ортидан қувиб кетяпсиз. Худо халлоқ, сиз ҳеч қачон солдат бўлмагапсиз! Лекин довюрак йигитсиз, полкипгиз жангга кириб кетгапи учун қўрқоқлик қилиб ўтирмай, жапгда қатнашмоқчисиз.

Фабрицио аелнинг гапларини инкор этиб ўтирмади, зеро, фақат шу йўсиндагина ақллироқ маслаҳат эшитиши мумкин эди. «Мен- французларнинг одатларини мутлақо билмайман,— дея ўйларди у,— агар биронл-а одам йўл-йўриқ кўрсатмаса, худо сақласину яна қамоққа тушиб қолишим, бунинг устига яна отимни ўғирлаб кетишлари мумкин».

— Биринчидан, жопгинам,— деди маркитант аел борган сани н унга меҳри товланиб,— биринчидан, менга ростини айт, ешипг ҳали йигирма бирга чиқмаган,— купи билан ўи етти ешда бўлсанг керак.

Аел тўғри топгап эди, Фабрицио буни бажонудил тан олди.

[1] Илгари вақтларда қўшин ортидан юриб, озиқ-овқат моллари савдоси бил.щ шугудлаиувчи сандогар *(тарж.)*.

— Хўп, демак, сен ҳали рекрут ҳам эмассан ва ўша капитан ᶠхоиимпилг шаҳло кўзлари дебгина ўқлар тагига бориб, жангга кирмоқчисан. Жин урсии, ўша хониминг бало экаи! Менга қара, агар у сеига совға қилган олтии *муллажирилгдан* озгина қолган бўлса, аввало бошқа от сотиб олишинг керак. Тўиларнинг гумбурлаши яқиирокдан эшитилган заҳоти тагингдаги қирчанғининг қулоғини чимиришини кўряпсанми, бу деҳқоннинг оти. шуни деб, олдинги маррага ўтганипг ҳамон сени ўлдиришади. Тўхта, хув аиави бутазор тепасидаги оқиш тутунни кўряпсанми? Ўша ерда милтиқлардап ўқ узишяити. Энди тайергарлигингяи кўриб қўй: атрофингда ўқлар виз-виз уча бошлаганда сичқоияинг ини минг тапга бўлиб кетади ҳали сенга! Шунииг учун ҳозир, вакт-ғаниматда бирон нарса тамадди қилиб ол.

Фабрицио маркитант аелииng маслаҳатпга кириб, қанча керак бўлса шунча олинг, дея унга бир тилла танга узатди.

— Цўй-е! Цараб туриб, одамнинг раҳмй келиб кетянти сенга! — хитоб қилди маркитант аел.— Тентак! Пул сарфлашпиям билмас экансан. Бир адабингни бериб қўйиш керак ўзи. Ҳозир тилла тангаигни ҳамешшга соламан-да, Жононга қамчи босаман. У бир йў-ртиб кетса борми... Шу қирчанғинг билан етиб бўпсан бизга! Агар ҳозир елиб кетсам, унда нима қиласан, тентаквой! Эспигда бўлсии, тўплар гумбурлаб гурган пайтда бировга олтин кўрсатиб бўлмайди. Ма, қайтимднгаи ол, ўн саккиз франку эллик сантим. Бу нонуштанг ўттиз су туради колос. Отларни эса бу ерда куп ўтмай истаганингча сотиб олишинг мумкин. Яхшп от учун ўн франк берсаиг бўлади, лекин афсоиавпй дулдул бўлган тақдирдаям йигпрма франкдан ортиқ сариқ чақа ҳам берма.

Фабрицио нопушта қилиб бўлган ҳам эдики, жаги жағига тегмай гапираетган маркитант аелииng сўзинп баиогоҳ аравасини шудгор орқали йўлга ҳайдаб чиққан аллақандай хошшпшг қичқириги бўлиб қўйди.

— Ҳой, Марго! Ҳой, эшитянсанми?! — дея қичкпрарди у.— Ўнг томонга бур. Сенинг олтиичи егерлар полкинг ўша ерда турибди.

— Хўш, энди, дўстгинам, сен билан хайрлашишимиз керак,— деди маркитант аел қаҳрамонимизга қараб.— Тўғрисшш а'йтсам, сенга ачиннб кетшшан. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, меига жуда ёқиб қолдинг! Ғирт содда экансан, истаган одам лақиллатяб кетиши мумкин сени! Ундап кўра, яхшиси мен билан Олтиячи егерлар полкига юра қол.

— Соддалигимни ўзим ҳам тушунаман,— дея жавбб ЕШЛДИ Фабрицио,— лекин жапг қилгим бор, шунпнг учун ҳам хув ўша оқиш тутун кўтарилаетган жойга бормоқчиман.

— Мингаи отинг қулоқ чимиришини бир қара. Жапгг.охга етиб борганинг ҳамон, отинг рамақижоплигига қарамай уни тутиб гуролмайсап, дуч келган томонга тирақайлаб қолади. Гапимга ишонавер. Яхшиси, мана бундай қил: олдинги сафга етиб боргап заҳотинг отдап тушгин-да, ердан бировта милтиқ билап ўқдон олгач солдатларнипг епига туриб, улар нима қилигаса, такрорлапвер. Э, худойим-ей! Ҳойнаҳой патрон пилтасини тишлаб узишпкям билмасанг керак!

Фабрицио бу гапдан қаттиқ ранжиди-ю, лекин янги дугонасининг гапи тўғрилигига иқрор бўлди.

— Боякишпша-ей! Сени дарров ўлдиришлари турган гап. Ўлдиришади дсяпман! Бунинг сира қиййин жойи йўқ ахир! Йўқ, сен албатта мен билан кетишинг керак,— деди яна маркитант аел амрона оҳангда.

— Жанг қилгим келяпти-ку ахир!

— Ким сени жанг қилмайсан деяпти! Зўр жанг қиласан ҳали! Олтиичи егерлар полкинипг солдатлари абжир йигитлар, ҳозир бўлса ҳаммага иш етиб ортади.

— Ўша полкингизпи тез топамизми?

— Нари борса, чорак соатдап кейин ўша ерда бўламиз.

«Ҳамонки шу ажойиб аел мени тавсия қилар экан,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио,— мутлақо хеч нимани билмаслигим туфайли мени жосус деб ўйлашмайди, кейин жангда қатпашишим мумкин бўлади». Шу пайт тўпларнинг гумбур-гумбури кучайиб, милтиқларпинг пақиллаши тезлашиб кетди, «Худди чиқиллатиб тасбеҳ ўгиришаетгапга ўхшайди-я»,— ўйлади Фабрицио.

— Ана мплтиқларнинг отишмаси ҳам эшитилиб қолди,— деди маркитант аел гўе жапг ола-тасирини эшитибоқ руҳи кўтарилгандек бўлган отига қамчи босиб.

Маркитапт аел ўнг томонга, майсазорлар оралаб кетган қишлоқ й}'лига бурилди, бу йўл тизза бўйи лой экан, арава сал бўлмаса тиқилиб қолай деди, Фабрицио ғилдиракларни итариб борарди. Унинг оти икки марта йиқилиб тушди. Тез орада кўлмак ва лойгарчилик камайди-ю, бироқ йўл ўтзор ичида илонизи бўлиб чўзилган сўқмоққа айланди. Фабрицио бу сўқмоқдан бета юз қадамча йўл юриб улгурмасданоқ оти бирдан таққа тўхтаб қолди: сўқмоққа кўндаланг ҳолда бир жасад чўзилиб етарди. Фабрицио билан от шундан чўчиб кетишгапди чоғи.

Фабрицюнинг оппоқ юзи сезиларли даражада кўкимтир тусга кирди. Маркитапт аел жасадга назар ташладию, гўе ўзи билан ўзи гаплашгапдек: «Бизиинг дивизиядан эмас»,— деб қўйркан, бошини кўтариб, Фабрициога қаради-да, хохолаб кулиб юборди.

— Ха-ха-ха! Цалай болакай? Зўр ўйинчоқ эканми?— сўради кейин у қичқириб.

Фабрицио даҳшатдан қотиб қолгап эди. Ҳаммасидап ҳам кўпроқ уни мурданнпг ифлос яланг оеқлари ҳайратга солганди. Бечоранинг бошмоқларини ҳам, қонга белапган йиртиқ иштонидап бўлак барча кийимларини ҳам ечиб олишибди.

— Туш отдан!— деди м^^китант аел.— Бор епига, сен кўникишинг керак... Цара-я!— дея китоб қилди у.— Нақ богаига тегибди!

Чиплэп ҳам ўқ бечораниig бурнтт е'нидап киппб, багаарасининг

абжағини чиқаргапича сўл чаккасидан тешиб чнккаиди. Мурданинг соғ қолгаи кўзи бацрайиб турарди.

— Хўш, нега анграйиб турибсан! Туш отдан!— та: рор. и маркитант аел.— Қани, дўстгинам, унинг олдига боргии-да, кўлини цисиб саломлаш! Валким, у сенга жавоб к.илар.

Жирканчдан Фабриционинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди, бирок, у эгардаи дадил сакраб тушди-да, мурданинг тепасига бо риб, унинг қўлидан тутди ва қаттиқ силкита-силкита кафтинв қўйди. Бирок., кейии гўе қотиб қолгандек сер-райиб туравс унинг от минишга мадори қолмаганди. Фабрициони айниқса мурданинг бацрайиб тургап очиқ кўзи даҳшатга солганди.

«Маркитапт аел мени қўрқоқ экан деб ўйлайди»,— алам б дилидан ўтказди у. Шу тобда Фабрицио бир цадам юрса, йики. тушишипи ҳис этар ва шунинг учун ҳам серрайганича кимир ; г-май турарди. Йигит учун бу даҳшатли дақиқа бўлди, чиидан ҳам ҳозир упинг ҳушидан кетиб йиқилиши ҳеч гап эмасди. Маркитапт аел буни сезди-да, аравасидан сакраб ту шиб чурқ. ҳам этмай, уша бир стакан арок узатди, Фабрицио арокни бир кўтаришда сим:: ичди-да, шундан сўнг отига миниб, индамай йўлга тушди. Маркитант аел унга ора-сира кўз қирииии ташлаб борарди.

— Жангга эртага кирасан, дўстгинам,— деди ае'л ниҳоят,— бугунчалик енимда юр. Ўзинг кўриб турибсан, ҳали солдатлп и« ўрганмоғииғ керак.

— Аксинча, мен ҳозироқ жанг қилишни истайман!— дея ш-тоб қилди қаҳрамонимиз. Йигитнинг ҳози'рги жаҳл аралаш ганириши маркитант аелга яхши аломат бўлиб кўринди.

Тўплариинг гумбурлаши кучая-кучая борган сайин яқиплашиб келаетгандек туюлди. Тўплар тўхтовсиз ўқ узаетгани боисидан овози чўзиқ наърадек эшктилар ва бу узоқ шаршаранинг шовуллаши янглиқ муттасил гулдураш орасида милтиқларнинг нақиллаши қулоққа аниқ чалинарди.

Худди шу пайт улар кичкима бир бутазорга кириб боришди. Маркитант аел рўпаралармдав гурт нафар француз солдати югуриб келшиаетганини кўриб қолди: у аравасидан сакраб тушди-да, йўлдан йигирма к.адамча нарига югуриб бориб, қазиб олинган тўпгак ўрнига яюирипди. «Цўрқоқманми, довюракманми — мана энди кўрамиз»,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио. У маркитант аел ташлаб қочган арава енида тўхтаб, к.иличини к.инидан суғурди. Солдатлар йигитга мутлақо эътибор бермай бутазор четидан, йўлшшг сўл томонидан югуриб кетишди.

— Ўзимизникилар экап,— деди хотиржамлик билан маркитант аел ҳаисираганича араваси енига югуриб келиб.— Агар тагингдаги отипг чопа олганида: «Цани бутазорнинг охиригача от қўйиб боргин-да, ўша ўтлокда кимлар борлигини билиб кел»,— деган бўлардим.

Фабрицио яна илтимос қилишларини кутиб ўтирмай, теракдап битта новда сиидириб олди-да, унинг япроқларини сидириб ташлаб, кучи боряча қирчанғисини савалай бошлади. От аввалига чопа

бошлади, аммо кўп ўтмаеқ яиа эринибгина лўкиллашга ўтди. Маркитапт аел отига қамчи босиб, орқадап елиб кетди.

— Ҳой, тўхта, тўхтасанг-чи!— дея қичқирарди у Фабрициога.

Кўп ўтмай икковлон бутазордан чиқиб, ўтлоқ четида тўхташди. Ҳаммаеқни даҳшатли гумбур-гумбуру ола-тасир тутиб кетгаиди: тўп ва милтиқлар ҳар тарафдаи — ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам, орқа тарафдан ҳам тинмай ўқ узаетганди. Фабрицио билан аел ҳозиргина тарк этишгап бутазор ўтлоққа Караганда, тахминан иккп одам бўйи баланд тепаликка жойлашган экан. Шу боисдаи уларга йирокда бўлаетган жангнипг бир четигииа кўриниб турарди, лекин бутазор еиидаги ўтлоқнинг ўзида ҳеч ким йўқ эди. Минг қадамча нарида ўтлоқни зич толларнинг узун қатори кесиб ўтгаиди, толлар узра осмонга оқиш тутуи ўрлар, бу тутун гоҳо қуюндек айлапа бошларди.

— Эх, полкимизнипг қаердалигини билганимда эди,— деди надоматли оҳангда маркитапт аел.— Тўғри, ўтлоқдан бориб бўлиайди. Ҳа, дарвоқе,— деди у сўпгра Фабрициога,— душман билан дуч келиб қолсанг, унга қилич тиқавер, чопаман деб овора бўлма.

Лекин шу пайт маркитапт аел бояги тўрт нафар солдатни кўриб қолди. Солдатлар йўлнинг сўл томопидаги ўрмондан чиқиб келишаетганди. Солдатлардан бири от миниб олганди.

— Мана сенга от ҳам толилди,— деди аел Фабрициога.— Ҳой, бу еққа кел! Ҳой, сенга айтяпман!— дея қичқирди у от миниб олган солдатга.— Ма, бир стакан арок, отиб ол.

Солдатлар арава томон бурилишди.

— Олтипчи егерлар полки қаерда?— сўради қичқириб маркитапт аел.

— Бу ердан узоқда эмас. Беш минутда етиб оласан, дарахтлар еқалаб оқаетган ҳув апави канал олдида жанг қилишяити. Худди ўша ерда ҳозир полковник Маконни ўлдиригади.

— Менга қара, отиигни беш франкка сотмайсанми?

— Беш франкка дейсанми? Жуда ҳазилкаш экансан-ку, онахоп. Лхир бу офицернинг оти-я! Чорак соатдан кейин беш тиллага сотишим мумкин.

— Дани, менга бир тилла бер-чи,— дея шивирлади маркитапт аел Фабрициониң қулоғига; сўпгра отлиқ солдатнинг енига югуриб бориб буюрди:

— Цани, туш эгардан! Тезроқ! Мана сенга бир тилла.

Солдат эгардан тушди. Фабрицио қувониб шартта отга мингаиди, маркитант аел қирчанғининг эгарига боғлаб қўйилган шинелни ечиб ола бошлади.

— Кани, ер дам бериб гоборларинг-чи!— дея қичқирди у солдатларга қараб.— Нега анқаясанлар? Аел киши ишлаяпти-ю, қараб турганларини-чи...

Устига бегона одам минганини сезган от олдинги оеқларини кўтариб депсиға бошлади. Фабрицио гарчи яхгаи чавандоз бўлсада, отнинг аранг ҳоврини 5осди,



— Яхши арғумоққа ўхшайди,— деди маркитант аел.—О гир кж кўтармаган-да, асовлик қиляпти.

— Генералнинг оти!— дея хитоб қилди отни сотган солдат.— Бунақа тулпорнинг баҳоси йигирма тилла, ўшаям камлик қилади.

— Мана сенга йигирма франк,— деди Фабрицио ҳақиқий тулпорга минганидап боши осмонга етиб.

Шу пайт замбаракдан узилган ўқ бир текисда саф тортган толларга келиб урилди. Фабрицио худди ўроқшшг бир силтови билаи қирқиб ташлапгаидек, майда новдаларнинг ҳар тарафга учишини ҳайрат билан томоша қпла бошлада.

— Ўҳў, тўп бизга яқинлаштириб ўқ узяпти-ку,— деди солдат Фабрициониңг қўлидаи йигирма фраикни ола туриб.

Кундуз соат иккилар эди. Фабрицио ҳозирги гаройнб манзараии завқ билан кузатар экан, кутидмаганда у тўхтагап кедг ўтлоқпинг бурчагидан бир неча генерал, уларнинт ортидап эса йигирма чоғли гусарлардап иборат бир талай суворийлар елиб ўтишди, Фабрициониңг оти кишнаб юборди-да, уч марта олдинги оеЧухарини кўтариб депсинди ва бошиии кескин-кескин силкитгатшча таранг жиловпи силтай бошлади. «Майли, билганини қилсин!» — дея хабллдан ўтказди Фабрицио.

Ўз ҳолига қўйиб берилган от олдинга интилиб, генералларни кузатиб бораетган эскорт[1] га етиб олди. Фабрицио олдинда зар тақилган тўртта учбурчак шляпаии курди. Чорак еоатдаи сўпг у енида от қўйиб бораетган гусарларнинг уч-тўрт оғиз сўзидаи генералларпииг бири машҳур маршал Ней эканлигпни тушунди. Фабрицио бениҳоя қувониб кетди, бироқ у тўрт генералдан қайси бири маршал Ней эканлигини билолмай гаранг эди: йигит ҳозир буни билиб олиш учун ҳеч нимаии аямаган бўларди-ю, аммо сўзлаши мумкин эмаслигини эслаб қолди. Эскорт кечаги жаладаи кейин сув тўлган зоврпи кечиб утиш учун тўхтади, икки четига дарахт ўтқазилган бу зовур боя Фабрицио от харид қилган ўтлоқнинг сўл четига жойлашган эди. Деярли барча гусарлар эгардан тушишди. Зовуриинг қирғоғи апча тик бўЛиб, чети жуда сирпапчиқ эди. Сув ўтлоқ сатҳидан бир ярим қулоч пастроқдан оқарди. Қувончииинг зўридан ҳамма нарсани унутиб қўйган Фабрицио шу тонда отидап ҳам кўра кўпроқ генерал Цей тўғрисида, шоншуҳрат ҳақида ўйлаб тургав эди, қизишиб кетган оти шалои этиб зовурга сакради-ю, баланд соҳилга сув сачради. Генераллардан бирншшг ҳаммаеғи ҳўл бўлиб кетди. Шуида генерал баланд овозда сўкинди:

— Хаҳ, иблис! Лаънати махлук!

Фабрицио бундай ҳақоратдан қаттиқ ракжпди. «Уни дуэлга чақириш мумкинмикин?» дея ўйларди йигит. У ўзининг уичалик бесўнақай эмаслигини кўрсатиб қўйиш иинятида, отдан тушмай туриб, нариги қирғоққа чиқиб олишга аҳд қилди; бироқ қирғоқ жуда тик, балапдлиги бир одам бўйи келардп. Ҳозирги аҳдцдап воз

[1] Эскорт — соцчилар отряди *(тарж.).*

кечишга тўғри келди. Шупдан сўнг Фабрицио отипи нақ тумшуғи баравар сув ичида бир оз ҳайдаб борди-да, ниҳоят, чамаси, мол суғориш учун хизмат қиладиган бир жойни топди ва нишаб қирғоқдан осонгипа юқори кўтарилиб, каналнинг нариги томоиидаги далага чиқиб олди. У бутун эскорт ичида биринчи бўлиб нариги қирғоққа ўтди ва мағрур бир қиефада соҳил бўйлаб отини йўрттириб кетди, гусарлар эса қанча тармашипшасин нариги соҳлгга чиқолмай қийиалардилар, зеро кўп жойларда сувнинг чуқурлиги бир одам бўйи келиб қоларди. Икки-уч от ҳаммаеққа сув сачратиб, сузишга ҳаракат қиларди. Вахмистр ўзини ҳарбийча тута билмайдиган анав'и тирранча тўғри йўл топганини кўриб қолди.

— Ҳой, йигитлар, орқага! Чап томонга юриигլар, ўша ерда чнқадиган жой бор экан!— дея қичқирди у.

Бирин-кетин ҳамма нариги соҳилга ўтиб олди.

Огида далага кириб борган Фабрицио у ерда генералларни елғиз ўзларини курди. Эскорт орқароқда қолиб кетган, тўпларнинг гумбурлаши дақиқа сайин кучаяетганга ўхшарди; Фабрицио гарчи боя ҳаммаеғига сув сачратиб юборган генерал қулогига бақираетгая бўлса-да, унинг овозини аранг эшитди:

— Б у отни қаердан олдинг?

Фабрицио қаттиқ довдираб қолгани учун итальян тилида жавоб бериб юборди:

— *у* Ьо сотрга!о роса *1а* (Уни ҳозиргина сотиб олдим).

— Нима дедииг? Эшитмаяпман!— қичқирди генерал.

Аммо шу пайт гумбур-гумбур чунонам кучайиб кетдики, Фабрицио жавоб беролмай қолди. Очиғи, шу тобда қаҳрамопимиз сира ҳам қаҳрамопга ўхшамасди. Бироқ ҳозир унинг учун қўрқув иккинчя даражали нарсага айланган, энг емони тўплар гумбур-гумбуридан қулоқлари қаттиқ оғриетган эди. Эскортдаги гусарлар отларига қамчи босишди, улар шундоққина канал епидан бошланган ва ҳаммаекда жасадлар чўзилиб етган шудгордаи елиб борикарди.

— Қизил мундирлар! Қизил мундирлар!-— дея шодон қичқиришарди эскорт гусарлари.

Аввалига Фабрицио ҳеч нимани тушунмади, бироқ охири деярли барча мурдаларнинг эгиида қизил мундир борлигини пайқаб қолди. Шу пайт у ногоҳ бу шўрпешона «қизил мундирлар»нинг аксари ҳали тирик эканлигини кўрди-ю, даҳшатдан сесканиб тушди, улар, чамаси, ердам сўраб бақиришарди, бироқ ярадорларга ердам бериш учуп ҳеч ким тўхтамади. Табиатан раҳмдил қаҳрамонимиз оти билан қизил мундирлилариинг биронтасини босиб кетмаслик пайидаи бўлиб борарди. Эскорт тўхтади. Ўзининг ҳарбий вазифасига керагича эътибор бермай қўйгап Фабрицио кан:ф бебахт ярадорга тикилгаиича ҳамон от қўйиб борарди.

— Ҳей тирранча, тўхта!— дея қичқирди унга вахмистр.

Оти жиловини тортиб, ўгирилган Фабрицио генераллардан ўнг:да йигирма қадамча олдинга ўтиб кетганини курди. Генерал-дурбинларини кўзларига тутиб, худди гау томонга қараетгандилар. Фабрицио эскортнинг охиридаги жойига туриш учун отипинг бошиии орқага бурар экан, эпг семиз генерал енидаги бошқа генерал томон ўгирилиб, қаттиқ койиган оҳангда амрона иимадир деяетгапини кўриб қолди. У асли синчков эди, шупипг учун клдрдони бўлиб қолган қамоқхона позирасининг унар-унмасга гапираверма, деганига қарамай, моҳирлик билан қисқагина, тўғри па сип-силлиқ франпузча ибора тузиб, гусарлариинг бирига мурол;аат қилди:

— Енидагига *дакки бераетган* апави генерал-ким?

— Лна холос! Маршал-ку у!

— Цайси маршал?

— Маршал Ней, овсар! Нима, ойдаи тушганмисаи?

Табиатан жиззаки Фабрицио бу ҳақоратдан хафа бўлишни ҳатто хаелига ҳам келтирмади: у болаларча бир завқ билан кўзларнни катта-катта очганича довюраклар довюраги — машҳур «Москва князига» тикилиб турарди.

Бирдан ҳамма отига қамчи босиб, елиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг Фабрицио ўзидан йигирма қадамча олдипдаги шудгор қилинган ер ғаройиб бир тарзда қимирлаб тургапини кўриб қолди. Шудгорнинг жўяклари сувга тўлган бўлиб, уватнинг тепасидаги қои-қора хўл кесаклар негадир осмоига сакраб учарди. Фабрицио бу ғаройиб манзарага бир қараб қўйгач, яна маршалнипг шуҳрати тўғрисида ўйлай бошлади. Орқа томонда кимдир қичқириб юборди: тўп ўқидан ажали етган икки гусар гурс этиб ерга қулашди. Фабрицио ўгирилиб орқасига қарагапида, эскортдан йигирма қадам илгарилаб кетганди. Ҳаммасидан ҳам шудгорда қонга белаииб, ичаклари оеғига ўралашгаиича тинирчилаб етган отпи кўриш даҳшатли эди: жонивор нуқул ўрнидан туриб, бонн^а отлар кетидаи йўртиб кетишга ҳаракат қиларди. Дон лой устида тирқираб оқмоқда эди.

«Эҳ, ниҳоят мепга ҳам ўт очишяпти!— дея ўйлади Фабрицио.— Жангда қатпашяпман!— такрорларди у мамнуният билан.— Энди чинакам ҳарбийман».

Бу пайтда эскорт олға елиб борар экан, қаҳрамонимиз тўп ўқларипинг портлашидан ҳаммаеққа кесаклар учаетганиии тушуниб қолди. Лекин тўп ўқлари учиб келабтган томонга қанча тикилиб қарамасип, у томонда фақат оқ тутуп'ни кўрарди,— батарея апча узоқда, олис масофадан туриб ўқ узмоқда эди,— замбаракларпипг муттасил гумбур-гумбурлари аралаш у яқингинада милтиқларнииг пақиллаетгапини ҳам эшитаетгапдек бўларди. Хуллас <1'пбрицио ҳеч нимани тушунолмай қолганди.

Шу пайт генераллар билан эскорт шудгордан тахминан бир одам бўйи пастликдаги қия чўзилган ва устига сув тўлиб қолган торгина йўлга тушин:

Маршал отини тўхтатди-да, яна дурбинни кўзига тутди. Бу гал Фабрицио уни яхшилаб кўриб олди. Маргаалнинг сочлари оқиштоб, яноқдор кенг ю :;тга-қизил экан. «Бизнинг Италияда бунақа юзлилар йўқ,— дея ўйларди Фабрицио.— Мана, масалаи,

менинг рапгим оппоқ, сочларим зса кўнғирок, мен ҳеч қачон бунақа бўлолмайман!»— хаелан қўшимча қилди у маъюслик билан, Фабрицио учун бу сўзлар: «Мен ҳеч қачон бунақа қаҳрамоп бўлолмайман!»— деган маънони аиглатарди. У гусарларга кўз югуртирди —. биттасини истисно қилганда, бошқа ҳаммасшшиг мўйлови малла эди. Фабрицио гусарларга тикилар, гусарлар эса Фабрициога тикилиб туришарди. Уларнинг бундай тикилишларидан Фабрицио қйзариб кетди ва бундай хижолатпазликдан қутулиш учун бошини ўгириб, душман томонга қарай бошлади. Шунда у қизил одамчаларнинг узун сафини кўриб, уларнинг бундай кичкина кўринишидап қаттиқ ҳайратга тушди: полк еки дивизиялардан иборат бу сафлар унинг назарида иҳота бутачаларидан ҳам пастроқ кўринарди. Нрйзил суворийларнинг бир сафи ҳозиргина маршал бплап эскорт лойни шалоплатиб ўтган қияликдаги ўша тор йўл томон елиб кела бошлади. Тутун улар йўналишидаги нарсаларни кўришга халал бермоқда эди, фақат баъзи-баъзидагина апа шу оқиш тутун ичида от қўйиб бораетган суворийлар кўзга тагаланиб қоларди.

Бирдан Фабрицио душман томонидан тўрт суворий жадал от қўйиб келаетганипи кўриб цолди. «Лҳа, бизга ҳужум қилишяптп!» дся ўйлади у, бироқ кейин ўша суворийлардан иккитаси марталнинг еиига келиб, унга алланималар дейишаетганига кўзи тушди. Бир маҳал маршалнинг епида юрган генераллардал бири душман томон от қўйган эди, унинг ортидан икки гусар билан ҳозиргипа ўша томондан елиб келган тўрт суворий ҳам отларига қамчи босишди.' Кейин уларнинг йўлида торгина бир канал учради, ҳамма упи кечиб ўтгач, Фабрицио бииойидай йигит кўринадиган вахмистрнинг етшда пайдо бўлди. «У билан гаплашиш керак,— дея ўйларди Фабрицио,— эҳтимол, шунда улар менга бундай тикилиб қарашни бас қилишар». У вахмистр билан қандай гаи бошлашпи билмай, узоқ бош қотирди.

— Афандим,— деди ниҳоят Фабрицио,— мен жангда бирипча марта қатнашишим. Айтинг-чи, мана шу ҳақиқий жаигми?

— Шунга ўхшашроқ. Ўзингиз ким бўласиз?

— Мен бир каииташгапг қайнисиман.

—- Исми нима экап ўша капитанпипг?

Цаҳрамопимиз қаттиқ хижолатга тушиб қолди: у бупдай савол берилишини сира ҳам кутмаганди. Хайрият, шу пайт маршал билан эскорт япа от чоптириб кетишди..«г\анақа фраицузча фамнлияни айтсам экап?» дея ўйлади Фабрицио. Ниҳоят у Парижда ўзи ятаган меҳмопхона эгасииипг фамилиясипи эслади, сўигра вахмистрнинг епгинасига от суриб келди-да, овозининг борича қичқирди:

— Каиитап Менье!

Вахмистр тўпларнинг гумбур-гумбурпдан Фабрицнонинг гапини яхши эшитолмади шекилли:

— А-а, капитан Тельеми? Э-э, опзна, упи ўлдиришди,-- дея жавоб қайтарди.



«Офарин!» — хитоб қилди ўзича Фабрицио.— Эслаб қолиш керак: капитан Телье. Энди ўзимни хафа бўлгаидаи кўрсатишим лозим».

— Эй, худойим-ей!— деди у газида аянчли бир ифода намойиш этиб.

Улар пастликдан юқори кўтарилишди-да, ўтлоқ оралаб елиб кетишди: яна теварак-атрофларида замбарак ўқлари. портлай бошлади, маршал суворийлар дивизияси томон от қўйди. Эскорт мурдалар ва ярадорлар орасидан елиб борарди, бироқ бу мянзара қаҳрамонимизга боягидек оғир таъсир қилмай қўй-ганди,— у энди бошқа нарса тўғрисида ўйларди.

Эскорт тўхтаган эди, Фабрицио узоқда маркитант аелпипг аравасини кўриб қолди. Шунда баногоҳ унинг ўша муҳтарам уюшмага нисбатаи камоли меҳри жўш уриб, арапа томон от қўйди.

— Ҳой, қаеққа? Тўхта, деяиман!..— қичқирди уптшг ортидан вахмистр.

«Ҳозир мени нимаям кила оларди у?»— дея дилидап ўтказди Фабрицио ва маркитант аелнинг араваси томон елиб кетаверди. У ўзининг таниши — эрталаб учратгав ўша меҳрибоп маркптапт аелни куриш умидида отини ниқталаб борарди: от ҳам, арава ҳам жуда ўхшаш бўлса-да, лекин эгаси мутлақо бошқа аел бўлиб чиқди, Фабрициога упинг юзи ҳатто баджаҳл ҳам кўрипди. Ар енига келганида Фабрицио маркитант аелнинг кимгадир:

— Цапдай барно йигит эди-я!— деганини эшитиб қолди.

Бу ерда зўраки солдатимизни иохуш манзара кутаетпан коргул, чиройли бир кирасир пигитнинг оеғини кесишаетгадди. Фабрицио кўзларипи юмиб, кетма-кет тўрт стаканча арок ичиб юборди.

— Симиришини қаранг-а, тирранчаглшг!—дея хитоб қилди маркптапт аел.

Ароқдан сўнг Фабрициoнинг миясига ажойиб бир фикр келиб қолди: «Анови гусарлар, эскортдаги ўртоқларимиинг илтдфотини қозонишим керак»,— дея аҳд қилди у.

— Шишада қолган ароқнинг ҳаммасини менга сотипг,—илтимос қилди маркитант аелдан.

— Ҳаммасини дейсапми? Шунча арок ҳозир қапча гуршшши бнласанми? Ўп франк тўлайсаи-а!

Лекин Фабрицио эскорт еиига от қўйиб келганида вахмистр хурсанд бўлиб кетди:

- Э-ҳа!— Бизга ароқ олиб келпбсан-ку! Шу мақсадда йўрғалагапмидинг у еққа! Цапи, узат-чи!

Шиша қўлма-қўл ўта бошлади, сўнгги гусар охир'п ароқпи ичиб тугатгач, шшпапи осмонгп отди-да, Фабрициога қараб:

~ Раҳмат, огайни!— дея қичқирди.

Барча энди Фабрпциога хайриҳоҳлик билан карай бошлади. У елкасидап тоғ қулагандек енгил тортдгк қаҳрпмоинмизинпг кўнгли нозик бўлиб, атрофидагиларпипг дўстоиа илтифотисиз

туролмайдиган одамлар сирасига кирарди. Ниҳоят ҳамроҳлар билан дўстона алоқа ўриатилди ва улар қаҳрамонимизга ортиқ ўкрйайиб қарамайдиган бўлишди! Энди ўзини анча эркин тута бошлаган Фабрицио вахмистрдаи сўради:

— Агар капитан Телье ўлдирилгап бўлса, опамни қаердан қиги'рсам экан энди?

У «Мепье» ўрнига бемалол «Телье» дер экан, ўзини ниҳоятда догули ҳис этарди.

— Бугуп кечқурун билиб оласиз,— дея жавоб қайтарди унга в<:хмистр.

Эскорт япа йўлга тушиб, маршалнинг ортидап пиеда дивизиялар томон елиб кетди. Фабрицио кайфи ошганини сезди, у куп арок, ичгани учун эгарда чайқалиб борарди; бирок шу пайт Фабрицио онасипи олиб юрадиган кучернинг бир вақтлар бергап маслаҳатини эслаб қолди: «Агар кўпроқ ичиб қўйсанг,— деган вди кучер,—олдинги отнинг ортидан юравер ва енингда кетаетган одам нима қилса, сен ҳам шуно қил».

Маршал суворий қисмларга бориб, у ерда анчагина вакт тургач, душманга ҳужум қилишни буюрди, бироқ бизпинг қаҳрам'оЕимиз мапа бир-икки соатдирки, атрофида содир бўлаетган воқеалнрни мутлақо фаҳмлай олмасди. Упинг қаттиқ уйқуси келар ва от бошқаларга қўшилиб йўртиб кетгапида эгар усгида оғир чапқалпб ўтирарди.

Ешрдап вахмистр гусарларга қичқириб қолди:

— Ҳой итваччалар, пима бало, кўрмаянсанларми? Император!

Шу заҳоти гусарлар овозларининг борича:

— *Яшасин император!*— дея ҳайкирпшди.

Бу ҳайқирикпн эгаитган қаҳрамонямаз дарҳол ҳушига келиб, олдиига олазарак қараб қолганини тушувиш унча қийип бўлмаса трак, бироқ у шу дамда эскорт олдида от қўйиб бораетгав генеряляарнигина кўрарди. Имвераторви кузатиб бораетгап драгунларниш каскасидаги узуц укпарлар одамларпинг юзини кўришга халал бермоқда эди.

«Кўролмадим, императорни жанг майдонида кўролмай қолдим! Ҳаммасига мапа шу лаънати арок айбдор!»

Був дай фикрдаи Фабрициопинг кайфи бутунлай тарқаб кетди.

Улар ҳалқоб-ҳалқоб сув босгав йўлга тушишди. Чанқаган отлар тумшуқларини кўлмакларга чўзиб-чўзиб қўярди.

— Ҳозир бу ердан император ўтдими?— дея сўради Фабрицио енпдаги гусардап.

— Ҳа, ўша! Мундири зардўзи эмаси император бўлади. Цандай қилиб кўрмай қолдингиз уви?— хайрнхоҳлпк билан жавоб қилди гусар.

Шу тобда Фабрициопинг жуда ҳам император эскортига етпб олиб, унга қўшилгпси келди. Урушда шундай қаҳрамон билав бирга чапакамига иштирок етиш улкан бахт эмасми ахир! «Меп Францияга худди вту мақсадда келгапмав-ку. Бемалол гоундай қилишим мумкин ҳам: ахир мен фақат отим уларнинг ортидан югуришни тусаб қолгани учунгина бу генералларви кузатиб юрибмав».

Фабрицио янги ўртоқлари — эскортдаги гусарлар унга энди очиқ юз билан карай бошлаганлари учунгина шу ерда қолишга аҳд қилди, у энди бир неча соатдан буен бирга от чоптириб юрган барча бу солдатларни ўзининг яқин дўстлари деб ҳисоблай бошлаган эди. Цаҳрамонимиз улар билан Тассо ва Ариосто қаҳрамонлари янглиғ орамизда олижаноб дўстлик ришталари пайдо бўлди, дегап фикрга ҳам бориб қолганди. Императорнинг эскортига бориб қўшилган такдирда эса, у ердагилар билан япгидан таиишиш керак, боз устига, у ерда уни яхши кутиб олмасликлари мумкин, зеро императорнинг эскортида драгунлар сокчилик қилиб юрибди, Фабрицио эса маршални кузатиб келаетган барча солдатлар каби гусарлар мундирипи кийиб олган. Гусарлар эса энди қаҳрамонимизга шундай мулойим карашардики, бундан упинг боши осмонга етгудек эди: улар Фабрициони ўзларпга ўрток дея ҳисоблай бошлашгапди, Фабрицио ҳам улар учун дунедаги ҳамма ишни қилишга тайер эди, у ана шундай хаеллар огушида юрарди. Фабрицио ўзини дўстлари орасида ҳис этган захоти атрофдага ҳамма парса бир зумда ўзгариб кетганди: шу тобда у дўстларндан баъзи нарсалар тўғрисида жуда ҳам сўраб-суриштиргиси келарди-ю, бироқ ўзиви арапг тийиб борарди. «Йўқ, ҳали япа хиел кайфим бор,— дея таъкидларди Фа&рицию ўзига ўзи.— Иозира айпаи гапларни упутмаслик керак!»

Отряд сойликдан юқорига чиққач, Фабрицио маршал Нейнипг қаергадир ғойиб бўлганини курди. Энди эскортпинг олдида упинг ўрнига озгиндав келган, бўйи баланд, кўриниши салобатли бошқа бир генерал борарди.

Бу генерал граф д' А*** — яъви, 1796 йилнинг 15 май купи лейтенант Робер дея аталгап худди ўша одамнинг ўзгииаси эди. Ҳозир у Фабрицио дель Допгони таниганида боши нақ осмонга етган бўларди!

Фабрициопинг кўз ўягида апчадан буев эвди замбарак ўкларивив1 портлагаидав кора кесаклар учмай қўйганди. Улар кирасирлар полкига яқинлашиб, у эгаллаган марранинг ортида тўхтав1гавида, Фабрицио совутларга сочма ўкларнинг чарсиллаб те) и шини зшити б қолди, бир неча одам ерга қулади.

Эскорт қияликлар орасидаги йўлдан ўтгач, тахминан бир қулсч келадиган балапдликка кўтарилиб, пхудгор қилинган дала бўйлаб кета бошлаганида куеш ботай деб тургап эди. Бир маҳал Фабрицио ортида бир иарсапинг ғалати гурсиллаганини эшитди-ю, орқасига ўгирилиб, тўртта гусариинг от-поти билан кулаб туитанипв курди, генералпинг ўзи ҳам отдан йиқилибди, лекин у ҳаммаеғи қопга беланган бўлса-да, оеққа турди. Фабрицио кулагай гусарларга қаради — улардан учтаси жон талвасасида тииирчилаб етар, от босиб қолган тўртинчиси эса нуқул: «Мени тортиб олпнглар, мени тортиб олишлар!»— дея бақирарди. Вахмистр ва

яла уч гусар генералга ердам бермоқ учун отлардап тушишди. Генерал зса адъютантининг елкасига таянганича бир неча қадам юришга ҳаракат қиларди: у тезроқ оти енидан нари кетмоқчи эди, зеро ўқ еб ерга қулаган от жон аччиғида қаттиқ депсиниб етарди.

Вахмистр Фабрициониң енига келди, шу пайт қаҳрамонимиз орқа томонидан кимдир шундоқ қулоқ остида:

— Фақат мана шу отгива яна чопа олади,— деганини эшптди.

Бирдан Фабрицио оеқларидан ушлашганшш ҳис зтди. Уни аста кўтариб отнинг сағри устидан оширишди-да, қўлтиғидан тутиб ерга туширишди. Цаҳрамоиимиз мупкнб кеткб, ерга йиқилди.

Адъюхант Фабрицио миниб юрган отнинг (вдай г генерал вахмистр ердамида эгарга ўтиргач, отга қамчи босди, омон қолган олти гусар ҳам унииг ортидан *оч* қўйишди. Жиғибийрони чиққаи Фабрицио ўрнидаи сапчиб туриб, «l~oc!гП Ьосгп!» («Ўғрилар! Ўғрилар!») дея қичқирганича уларнинг ортидан югурди. Жанг майдонинипг ўртасида ўғрилар ортидан қувишнинг ўзл кулгили эди.

Кўп ўтмай, эскорт билан генерал, граф д' А*** бир текис саф тортган толлар ортига ўтиб кўздан йўқолишди. Қаттиқ дарғазаб бўлган Фабрицио ўша толлар еиигача юғуриб борган эди, чуқур каналга дуч келди. У канални кечиб ўтди-да, тирмашиб нариги соҳилга кўтарилди ва дарахтлар орасида елиб кетаетган геиерал билан эскортни кўриб, яна сўкина бошлади. Бироқ энди улар. жуда узоқлашиб кетишганди.

— Ўғрилар! Ўғрилар! — дея қичқирардн у энди француз тилида.

Отини ўғирлаб кетишганидан ҳам кўра кўпроқ дўстларининг хиенатидан хуноби ошиб чарчоқ ҳамда очликдан силласи қуриган Фабрицио зовур четига чўзилди. Агар унинг ажойиб отини душман тортиб олганида Фабрицио сира ҳам раняшмаган бўларди, бироқ келиб-келиб ўртоқлари — ўзи астойдил яхши кўриб қолган вахмистр билан туғишган биродарларидек ҳисоблай бошдаган анави гусарлар хиенат қилишгани ва тунаб кетишгани тўғрисидаги фикрдап Фабрициониң дили вайрон бўлмоқда эди. У бундай қабоҳатга чидолмай, мажнунтол танасига суяиив ўтирганича юм-юм йиғлар. Шу тобда у «Халос этилган Цуддус» асарппинг қаҳрамонлари янглиғ мардона, олижаноб дуст лик ҳақидаги чиройли орзуларидан дилида алам билан бирин-котин воз кечмоқда эди. Атрофингда дилларн пок ва олижаноб дўстлар бўлеа. ҳает билан видолашаетган дақиқаларингда улар қўлларикгни қисиб туришса ўлим ҳам мутлақо қўрқинчли бўлмайди! Бироқ атрофингдаги одамлар разил муттаҳамлар бўлиб чиқса, дилипгдаги қаҳрамонона интилишларингни қандай сақлаб қолиш мумкин? Фабрицио ҳар қандай дарғазаб одам каби хиел муболага қиямоқда эди.

Чорак соатдаи сўнг замбарак ўқлари Фабрицио соясида ўтиргун дарахтлар қаторига қадар ҳам етиб келаетгани сезилди-да, у бу аламли хаелларии бир четга йиғиштириб, ўрнидан гурди ва йўл тоиишга уриниб курди. Даршида катта ўтзор бўлиб, ўтзорнинг четидаи иккв енига зич толлар экилган кенг канал чўзилиб кетгапди; Фабрициога бу я?ой таниш кўринди. Шу пайт қандайдир пиедалар қисми канални кечиб ўтди-да, Фабрициодаи бир чақиримча нарида ўтлоққа чиқа бошлади. «Бу ерда ухлаб қолай дебман,— дея хаелидан ўтказди у.— Асирга тушиб қолмасам гўрга эди!» Шундан сўнг Фабрицио канал бўйлаб илдам юриб кетди. Куп ўтмай у солдатларнинг муидирлариии кўриб, кўнглн жойига тушди: аввалига йўлимни кесиб қўйишадими деб қўрққап эди, лекин полк фрапцузларники бўлиб чиқди, Фабрицио солдатларга етиб олиш учун ўнг томоига бурилди.

Фабрицио отини разилларча ўғирлашгани ва хиенат қилишгани тўғрисида ўйлаб рухай азоб чокитп билан бирға зтдч очликдан ҳам борган сари қаттиқроқ қийтталмоқда эди. Ўн минутча юрганидаи, тўғрироғи югургапидан сўнг у гпнтоб билан юриб бораетган полкиипг тўхтаетгатппш кўриб, ниҳоятда қувопиб кетди. Назарида полк шу ерда ҳимоя чизгтғи тпткил этадигаядек туюлди. Бир неча дақиқадап сўнг у солдатлар. орасига кирпо борди.

— Ўртоқлар, мепта бир бурда нон сота олиаздеталарми?

— Уни қара! Бизпи нонвойлар деб ўйлаяптн гпекиллп!..

Шафқатсизларча айтилган бу ҳазттл гап ва солдатларпггнг бараварига заҳархандали кулишларидап Фабрицио бутуплай ловдираб қолди. Демак, уруш сира ҳам Нанолеоинжнт мурожаатпомаларипи жуда кўп ўқигап Фабрицио ўйлагапичалик, птои-гауҳрат шайдоси бўлган қалбларпинг олижаноб ва якдил жунбуптга колиши эмас экап-да?.. У майса устига ўтирдп, тўғрироғи йиқилпб тушди ва бирдан ранги сгқариб кетди. Кесатиқ қилган солдат милтигини даструмоли билан артиш учун ўн қадамча нарида тухтади-да, сўнг Фабрициониң енига келиб, қаҳрамонимизга бир бўлак нон татпладп. Фабрицио унинг нон ташлаганини ҳатто кўрмади ҳам. Шундан сўнг солдат нондан бир тишлам синдириб, унинг оғзига тиқди. Фабрицио кузини очди-да, индамай ноини кавшай бошлади, ниҳоятда силласи қуриганидан у шу тобда бир оғиз ҳам сўз айтишга мажоли етмасди. Ниҳоят, Фабрицио ўзига келиб, солдатга нон ҳақини тўлаш учун атрофга олазарак қаради-ю, ен-верида ҳеч ким қолмагапини курди,— ҳатто назарида ҳозиргина енида турган солдатлар ҳам юз қадамча нарида саф тортиб кетишмоқда эди. Фабрицио беихтиер ўрнидан туриб, улар* нинг ортидан йўлга тушди. У ўрмонга киргач, ҳорғинликдан йиқилай деб, чўзилита учун кулайроқ жой қидириб борар экап, бирдан таниш от билан аравани, кейинроқ эса эрталаб учрат-ан маркптант аелнинг ўзини кўриб қолди.ю, қувониб кетгагашан қичқириб юборай деди. Аел унинг олдига югуриб келди ва Фабрпционпиг аҳволиии кўриб қўрқиб кетди.

— Япа озгина юра оласапми, дўстгипам?— дея сўради кейии у.— lТима, яралапдипгми? Чиройли отипг қапи?

Кўп ўтмай аел Фабриоиопи суяганича арава енига етаклаб

келди, сўнгра унинг қўлтиғидан тутиб, аравага чиқишга ёрдамлашиб юборди. Ниҳоятда чарчаб, силласи қуриган қаҳрамонимиз ғужанак бўлиб етган кўйи қаттиқ ухлаб қолди[1].

## Тўртинчи боб

Фабрицио шу қадар қаттиқ ухладики, уни на милтиқларнинг шундоққина арапа енида тасира-тусйр ўқ узиши, на маркитант аел бор кучи билап савалаб бораетган отнинг елиб-югуриши уйғота олди: полк куни бўйи ғалабага ишониб жанг қилганди, энди бўлса мўрмалахдай епирилиб келгап прусе суворийларининг ҳамласидан орқага чекинди, аниқроғи, Франция томон қоча бошлади.

Ўлдирилган Макопнинг ўрнини эгаллаган полковник, чиройли ва олифта еш офицер прусе қиличининг зарбидан ҳалок бўлди, сочлари оппоқ чол — баталъон командири қўмондонликни ўз зиммасига олиб, полкка тўхташии буюрди.

— Минг лаънат бунақа ишга!— деди у солдатларга қараб.— Республика пайтида душман мажбур қилмагунига қадар ҳеч ким орқасига қараб қочмаеди. Бу жойларнипг ҳар бир қаричини қаттиқ ҳимоя қилинглар, ўлсангиз ўлингу лекин маҳкам турипг!— дся хитоб қилди у ва қаттиқ сўкинди.— Едингизда бўлсин — бу ерда сизлар ўз ватанингиз тупроғини ҳимоя қиляисизлар! Пруссаклар босиб олишмоқчи юртингизни!

Арава тўхтади. Фабрицио ҳам шу заҳоти уйғопиб кетди. Цусш аллақачон ботиб бўлганди. Фабрицио деярли қоронғи тушганипи кўриб, ҳайрон бўлди. Солдатлар тўп-тўп бўлиб, тартибсиз равишда у екдан-бу екқа югуришарди: бу парокаидалик қаҳрамонимизни ҳайратга солди, ниҳоят у одамларнинг эсапкираб қолгапини пайқаган эди.

— Нима бўлди ўзи?— дея сўради у маркитант аелдан.

— Арзимаган гап! Бизни тор-мор қилишди. Прусе суворийлари бизникиларии қиличдан ўтказишяпти. Бор гап шу. Аҳмоқ генерал аввалига, бизнинг кавалерия елиб келяпти деб ўйлагаи эди. Цаии, тезроқ тургин-да, менга шатак қайишларни боғлашга ердамлашиб юбор, от жонивор узиб юборди уларпи.

Ўн қадам нарида тасира-тусир ўқ узилди. Дам олиб, анча тетиклашган қаҳрамонимиз хаелидан: «Мен бўлсам, ҳали чипакамига жанг қилганим ҳам йўқ, куни билап генералларпинг эскортида сокчилик қилиб гордим холос»,— деган фикр кечди.

— Мен жанг қилишим керак,— деди у маркитант аелга.

— Ташвишланма! Ҳали хоҳлаганингча, ҳатто ундан ҳам кўпроқ жанг қиласан. Ишимиз расво бўлди. Обри, дўстгинам!— дея қичқирди у енидан гогуриб ўтаетган капралга қараб.— Баъзи-баъзида мен билан аравамнинг ҳолидаи хабар олиб тур.

— Сиз ҳозир жангга кирасизми?— дея сўради Фабрицио капралдан.

— Йўқ! Оеғимга локлапгап туфли киямап-да, балга жўпайман.

[1] Рага V. Р. у Е. 15. X. 38* *(Муаллифнииг изозщ).*



— Меп ҳам сиз билан борамап.

— Анави ешгина гусарни ҳам ўзинг билан олиб кетишинг мум" кин,— қичқирди маркитант аел.— У гарчи буржуа бўлсаям, лекин довюрак бола.

Капрал индамай тез-тез одимлаб борарди. Ўнтача солдат югуриб келиб упга эргашишди, капрал уларни ўрмон четидаги чакалак билан ўралган йўғон эман енига бошлаб келди~да, ҳамон бир оғиз ҳам сўз айтмай узун саф тиздирди. Ҳар бир солдат қўшнисидап камида ўн қадам нарида марра эгаллади.

— Хўш, энди қулоқ солииглар, йигитлар!— деди капрал ниҳоят сукутни бузиб.—Буйруқсиз ўқ узмапглар. Едингизда. бўлсин, қўлингизда учтадангина ўқ бор.

«Нима гап бўляпти ўзи?» — дея савол берди ўзига ўзи Фабрицио, Ниҳоят капрал билан ел-ғнз қолгач:

— Меииг милтигим йўқ,— деди.

— Биринчидан, гап сотма! Ҳўв анави ерга бор, ўрмон четидан эллик қадамча нарида пруссаклар чопиб ташлаган бироита бечора сол^атни топасан. Унинг милтиғи билан ўқдонини ечиб ол. Фақат кўзиигга қара, ярадорнинг қуролини олиб юрма тағип! Ўлга-1!ига ишонч ҳосил қилганингдагина милтиғи билан ўқдонини ол. Лекин тез қайт, акс ҳолда ўзимизникиларнипг ўқига дучор бўлишинг мумкин.

Фабрицио капрал кўрсатган томонга югуриб кетди ва кўп ўтмай милтиқ билан ўқдон кўтариб қайтди.

— Милтиқпи ўқлагин-да, манави дарахтнипг орқасига ўтиб тур. Фақат едингда бўлсин, менинг буйруғимсиз ўқ узма... Ҳе, итвачча!— дея сўкиниб юборди капрал буйруқ бершпдан тўхтаб.— Ҳали милтиқ ўқлашниям билмас экан-ку!

Капрал Фабрициога милтиғиии ўқлашга ердамлашиб юборди-да, сўнг яна кўрсатма бера бошлади.

— Агар душман устингга бостириб келиб, қилич солмоқчи була етганини кўрсанг, дарахтни папа қилиб, унинг атрофида югурэвер. Отмоқчи бўлсапг, ақинроқ келгунча қўйиб бер, уч қадам қолганида, нақ рўпарасидан, милтиқнинг найзасини мундирига деярли тираб туриб ўқ уз. Манави сабил қиличингни ташласанг-чи! — қичқирди капрал.— Ҳали унга қоқилиб йиқилишинг мумкин ахир!.. Ҳе, жин урсин! Хўи солдатларни беришди-да энди ўзиям бизга!..

Шундап сўнг капрал Фабрициопинг белидан қилични ечиб олди-да, жаҳл билан итқитиб юборди.

— Қани, дастрўмолинг билап милтиқиинг урғичини артиб ташла-чи. Умрингда ҳеч милтиқдан ўқ узганмисан ўзи?

— Мен овчиман.

— Худога шукур-е!— хитоб қилди капрал енгил тортиб тин олар экан.— Муҳими, менинг буйруғимсиз ўқ узма.

Капрал нари кетди. Фабрициoнинг кўнгли анча еришди. «Мана, ниҳоят мен ҳам чииакамига жанг қиладиган, душманни ўлдирадиган бўлдим!— дея ўйларди у.— Бугун эрталаб улар бизни зам-

барак ўқлари билан роса сийлашди, мен бўлсам ҳеч нима қилгапим йўқ, бекордаи-бекорга ҳаетимни хавф остига қўйидим холос, аҳмоқона иш бўлди!»

У ниҳоятда қизиқиб теварак-атрофни кўздаи кечира бошлади. Тез орада ундап сал парирокда етти-саккиз мартача ўқ узилди. Бирок, Фабрицио ҳали ўқ узишга буйруқ олмагани боисидан дарахт орқасида пусиб тураверди. Тун яқиилашиб қолганди. Фабриционнинг назарида у Грианта тенасидаги Трамецин тоғларига айиқ овига чиққандек туюларди. Шу найт у овчилар қўллайдиган бир усулни эслади-да, сумкасидан битта патрон олиб, упинг ўқиШ1 чиқарди. «Агар у кўриниб қолса, дарҳол ер тишлатиш керак бўлади». IIIуни ўйлар экан, Фабрицио милтиқ стволига шомпол билан иккинчи ўқни итариб киритди. Ногаҳон шундоққина дарахт енида ўқ овози янграганди, Фабрицио ҳаворанг мундир кийган суворийни кўриб қолди. Суворий ўиг томонда найдо бўлиб, унинг енидан сўл томонга елиб ўтмокда эди. «У ҳали уч қадам масофага яқинлашгани йўқ,— дея ўйларди Фабрицио,— лекин ўқим хато кетмайди, бунга имоиим комил». Фабрицио милтиқнинг огзини аста бурганича душмапни ҳафсала билан нишонга олиб турди-да, ниҳоят тенкини босди. Суворий от-поти билап ерга рулади. Қаҳрамонимиз ҳамон ўзини овдагидек ҳис этар экан, кувонч билан ўзи ўлдирган ҳайвои томоп югурди. У қулаб тушгап ва чамаси, жон таслим қилаетган пруссакнинг тепасига етап деганида бврдап бошқа икки прусе суворийси от су риб келиб қолишди. Улар Фабрицнони чопиб ташлашга аҳд қилишгани аниқ эди. Фабрицио ўрмонга қараб қочди ва югуришга кулайроқ бўлсин учун милтиғипи улоктириб юборди. Цаҳрамоиимиз ўрмон четидаги бир текис ўсган, йўгонлиги билакдай-билакдай еш эманлардад иборат чангалзорга увини урганида пруссакларнипг унга етиб олишига уч қадам қолган эди. Пруссаклар бу эмаплар олдида бир дақиқа тараддудлапишгач, чангалзорга шатира-шутир бостириб кирйб, ўрмон ичидаги сайҳонликда Фабрициони қува кетишди. Улар яна қаҳрамопимизга етиб олай дейишганида, йўлларинп етти-саккизта йўғон дарахт тўсиб қолганди, Фабрицио ўзини ана шу дарахтлар орасига урди. Шу заҳоти унинг рўпарасида беш-олти милтиқдан бараварига ўқ узилди. Ўқлар шу қадар яқин жойдан узил1ан эдики, милтиқларнинг оғзидан чиққан елкин Фабрицонинг юзипи куйдиряшига сал қолди. Фабрицио шартта эгилиб сўнг яна бошини кўтаргач, қаршисида капрал Обри турганини курди.

— Биттасини ўлдирдингми?— сўради у Фабрициодан.

— Ҳа, лекин милтиғимни йўқотиб қўйидим.

— Ҳечқиси йўқ, милтиқ дегани бу ерда истаганипгча топилади. Гарчи овсарроқ бўлиб кўринсанг ҳам харқалай шоввоз йигиг экансан, кунинг бекорга ўтмади. Лекин манави лапашанглар нишонга уришолмади, сени қувиб келган анови иккитасини қочирнб юборишди, ҳолбуки пруссаклар шундоққина тумшуқларп олдига келишувди. Менгаю кўринмади улар. Ҳай, майли. Энди жўнаб қоламиз, полк шу яқин орада, ўи минутда қидириб топамиз, бундай ;п, нарирокда яхши бир майсазор бор, ўша ерда тўпланиб, ярим доира шаклида ҳимоя чизиғи ташкил қилиш мумкин.

Шундан сўнг капрал ўн солдатдан иборат отряд олдида илдам одимлай бошлади. Икки юз қадамча йўл юришганидан сўнг улар дарҳақиқат каттагина майсазорга чиқишди ва у ерда адъютанти билан хизматкори кўтариб келаетган бир ярадор генералга дуч келишди.

— Менга тўртта одам бериииг,— деди генерал капралга қараб заиф овозда.— Дала госпиталига олиб бормшсин **мени,** оеғимнинг суяклари синган.

— Бо-р-е ўша!.. Ҳайф сен, сенга ўхшаш генералларга,— деа қичқирди капрал.— Бугун ҳамманг императорга хиенат қилдиларинг.

— Нима деяпсиз!!!— ғазаб билан бўкирди генерал.— Мепшгг буйруғимга бўйсунмайсизми ҳали? Ким билан гаплашаетганингизни биласизми ўзи? Мен генерал граф Б*** бўламап, дивизияпгизнинг командириман!

Адъютапт солдатлар томон ташланди. Бироқ капрал уни милтиқ пайзасини елкасига ниқтаб четлатди-да, солдатлари билан йўлида давом этди.

— Бари сен генералларнипг оеқ-қўлларпггни уриб синдирса ҳам кам! Лаънате олифталар! Ҳамманг Бурбонларга сотилиб, императорга хиенат қилдиларинг!

Фабрицио бундай даҳшатли айбномани ниҳоятда таажжуб билан тингламоқда эди.

Кечқуруп еоат ўнга яқин бу кичик отряд бир неча тор кўчадап иборат қишлоқ бўсағасида полкка етиб олди, бироқ Фабрицио капрал Обрининг офицерлар билан гаплашигадан ўзини олиб қочаетганини пайқаб қолди.

— Бу ердан ўтиб бўлмайдигапга ўхгаайди!— дея хитоб қилди капрал.

Бутун кўчаларга пиедалар, кавалерия, эпг муҳими, замбарак сургайдиган арава ҳамда фургоплар тиқилиб кетганди. Капрал Обри гоҳ у куча, гоҳ бу кўчага бош суқиб кўрди-го, лекин улар йигирма қадамдан кейин тиқилинчга дуч келишаверди. Ҳаммаеқдан одамларнинг бақир-чақири, сўкинишлари эшитиларди.

— Бу ерда ҳам биронта хоин қўмондонлик қилаетганга ўхгайди-ку!— дея хитоб. қилди капрал.— Агар душманшшг қишлоқни ўраб олипгга фаросати етса, ҳаммамизни итдек асирга олишади. Орқамдан юринглар, йигитлар.

Фабрицио ўгирилиб қаради — капралнинг ортидан энди фақат олти иафар солдатгина эргашиб келмоқда эди. Улар очиқ дарвозадан кенг оғилхонага киришди, у ердан — отхонага, отхонадаги кичкинагина эшик орқали эса боққа чиқишди. Боғда бирмунча вақт тусмоллаб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга юриб туришди-да, сўнг ихота но!!далари оша кора буғдой пайкалига ўтишди. Сўнг бат^р-чақир ва ғовур-ғувур эшитилаетгап томопга йўналиб яргч

соат ўтар-ўтмас, қишлоқпинг нариги четидаги катта йўлга чи диб олишди. Йўл ёқаларидаги зозурларда ташлаб кетилган милтиқлар қалашиб ётарди. Фабрицио ўзига битта милтиқ танлаб олди. Бироқ, йўл анча кенг бўлса-да, уида қочоқлар, аравалар гау қадар тиқилиб кетган эдики, капрал билан Фабрицио ярим соат ичида бор-йўғи беш юз қадамча олга силжишди холос. Айтишларича, бу йўл Шарлеруа томон олиб борар экан. Цишлоқ жоми соат ўн бир бўлганидан хабар бериб бонг урганида капрал яна тоқатсизлана бошлади:

— Қани йигитлар, юринглар, тағин дала оралаб кетамиз!

Кичкина отрядда эиди фақат уч нафар солдату капрал ҳамда Фабрициоларгина қолишган эди. Улар катта йўлдан бир чақирим ҳам узоқлашмай туриб солдатлардан бири ногоҳ:

— Бўлди, ортиқ юролмайман!— деб қолди.

— Мен ҳам,— дея қўшимча қилди иккинчи солдат.

— Оббо, шуям гап бўлди-ю! Ҳаммамизнинг ҳам силламиз қуриган,— деди жавобан капрал.— Лекин менинг буйруғим билан иш қилинглар, шунда ҳаммаси яхши бўлади.

Капрал кепг дала ўртасидаги уват ёнида ўсган беш-олти туп дарахтларни кўриб қолди.

— Цапи, анави дарахтлар ёнига борамиз!— дея буюрди у. Солдатлар ўша дарахтлар ёнига етиб боришгач, қўшимча қилди:— Мана шу ерда ётинглар, энг муҳими, шовқин қилманглар. Лекин ухлаш олдидан бирор нарса кавшаб олсак ёмон бўлмасди. Кимда нон бор?

— Менда бор,— дея жавоб қилди солдатлардан бири.

— Бу ёққа бер,— амрона оҳангда буюрди капрал.

У нопни беш бўлак қилиб кесди-да, ўзига энг кичик бўлакпи олди.

— Тонготардан ўп беш минутча олдин,— деди у нопни чайнай туриб,— душман суворийлари бостириб нелади. Чопиб ташламасликлари учун бир ёқадан бош чиқариб, чапдаст ҳаракат қилиш керак. Агар тундай кенг далада суворийлардап ёлгиз ўзинг қочиб қутулмоқчи бўлсанг — тамом бўлдим деявер,— бешовлон аса жон сақласа бўлади. Ёнимдан нари жилмай аҳил ҳаракат қилинглар, душманни яқин келтириб ўқ узиш керак, шунда мен сизларпи эртага кечки томон Шарлеруага эсон-омон етказиб боришии ўз зиммамга оламан.

Тонг отишига бир соат қолганида капрал ўз отрядини уйғотди-да, ҳаммага милтиқларни қайта ўқлашнп буюрди. Катта йўлдан худди олисдаги шаршаранинг шовуллаши янглиғ ҳамон шовқин-сурон эшитилиб турарди. Бу шовқин-сурон туни бўйи типмаган эди. Фабрицио капралга қарар экан:

— Худди қўй подасига ўхшаб қочишяпти-я,— деди ўзини соддаликка солиб.

— Ўчир овозингни, мишиқи!— дея ғазаб билан қичқирди капрал.

Унинг бутун армиясини ташкил этган анави уч солдат гўё куфр сўзларки эшитгандек, Фабрициога норози қараб қўйишди. Цаҳрамонимиз миллатни ҳақорат қилган эди.

«Буеғига эиди ошириб юборишди жуда!— дея хаёлидап ўтказди Фабрицио.— Мен бу ҳолатни Миландаги вице-қиролпинг феълатворида ҳам сезган эдим. Улар ҳеч қачон қочишмайди! Йўқ! Мабодо нафсониятларига теккан экан, демак французларга ҳақиқатни айтмаган маъқул. Лекин уларнинг бупдай ўқрайиб қарашларига тупурдим. Кўрсатиб қўяман ҳали уларга».

Отряд йўлга тушди. Улар ҳамон катта йўлдаги қочоқлар оқимидан беш юз қадамча четроқдан юриб боришарди. Тунашгаа жойларидан тўрт-беш чақиримча йўл юришгач, капрал билан упипг отряди катта йўлга туташган боғ кўчани кесиб ўтишди. Бо? кўчанинг икки четида турнақатор солдатлар ухлаб ётишарди., Фабрицио бу ерда қирқ франкка анча дурустгина бир от сотий олди-да, ҳаммаёқда сочилиб ётгаи қурол-аслаҳа орасидан ўзига узун ва тўғри бир қилич танлади.

«Ҳамонки чопиш эмас, санчиш керак экан,— дея ўйлади у,— ҳаммасидан мана шуниси маъқулроқ бўлади».

У шу йўсинда қуролланиб олгач, отига қамчи босди ва тез орада анча илгарилаб кетган капрални қувиб етди.

У оёқларини узангига тираб, чап қўли билан қиличииинг дастасидап гутган кўйи тўрт нафар французнинг ҳаммасига бирмабир кўз югуртиргач:

— Катта йўлдаги анави одамлар қўй подасига ўхшаб... худди *бўридан %уркиган цўй подасига ўхшаб* қочиб боришяити...— деди.

Фабрицио *цўй* сўзини алоҳида таъкидлаб айтди. Бироқ унинг ўртоқлари бир соат илгари бу сўзни эшитганларида қанчалар ғазаблангапларипц бутунлай унутиб юборишган эди. Бу ўринда итальянлар билан французлар орасидаги фарқ намоён бўлганди: французларнинг табиати хушчақчақроқ бўлади, улар воқеалари юзаки қарашади, кек сақлаб юришмайди.

Яшприб ўтирмаймиз, Фабрицио қўй подаси ҳақидаги замзамасидан жуда мампун эди. Отряд дала оралаб йўлида давом этда. Улар у ёқ-бу ёқдан гаплашишганича яна ўн чақиримга яқин йўа юриб қўйишди. Душман кавалерияси кўринмаётганидан ҳайрож бўлган капрал Фабрициога юзланди.

— Сиз бизииig кавалериямиз бўласиз. Тепаликда жойлашгаа ҳув анави фермага қараб от қўйипг, уй эгасидан сўраб кўрсангш-, *пул эвазига* бизга нопушта бермасмикин. Бизнинг фақат беш кипщ эканлигимизпи айтишни упутманг. Агар йўқ деб ноз қиладигад бўлса, упга ўзингизнинг пулингиздап беш франк ширинкома бг^ ринг. Цўрқманг,— понушта қилиб бўлганимиздан сўнг ундан &% чани тортиб оламиз.

Фабрицио капралга қараб унинг юзида шундай бир совуққод хотиржамлик, ҳатто бир қадар маъпавий устунлик ифодаси пж? Қагапи учун итоаткорлик билан буйруқни бажаргани жўнади. Ҳ ма иш боға қўмопдон айтганидек бўлди, фақат Фабрициониң та-

лабига кўра деҳқоига олдипдаи тўлаб қўйилган ўпга беш франк пулшг'тортиб олишмади.

— Бу менииг пулим,— деди Фабрицио ўртоқларига,— кейин иен уни сизлар учун эмас, ўзим учуй тўлаяпмап: бу ерда менинг отимга сули беришди.

Фабрицио бу гал француз тилида щу қадар емои ганирдики, ўртоқларига униикг сўзларида қандайдир такаббурлик бордек туюлди. Бу ҳол солдатларга жуда қаттиқ тегди ва улар кечга яқин унинг боплаб таъзирини бериб қуйиш керак деган хаелга бориб қолишди. Цахрамонимиз уларга мутлақо бегона, ўзларига ўхшамайдиган бир одам бўлиб кўринар, бу эса уларнинг иззат-нафсига тегарди. Фабрицио бўлса, аксинча, уларга меҳр қўя бошлагапди.

Улар чурқ этиб оғиз очмай икки соатча йўл юришди. Бир пайт[3] капрал йўл томон қараб туриб, бирдан қувонч билан:

— Бизнинг полк кетяпти!— дея қичкириб юборди.

Улар шу заҳоти йўл томон югуришди. Лскип, афсуски, бургут сурати туширилгап туғ атрофида бор-йўги икки юзтача одам қолганди. Орадаи кўп вақт ўтмай Фабрицио оломон орасида маркитапт аелпп кўриб қолди: у йиғлайвериб кўзлари қизарган ҳолича пиеда борар экан, ўқтин-ўқтин яна йиглашга тутинарди. Фабрицио атрофга аланглаб қаради-ю, аммо ҳеч қаерда унинг арағасипи кўрмади.

— Тунашди, шилиб олишди, хонавайроп қилишди!— дея қичклрди маркитант аед қахрамонимизнинг нима бўлди, дегаидай саволомуз қарапгага жавобан.

Фабрицио индамай отдаи тугади-да, унииг жиловидап тутгаиича:

— Қани, отга минипг,— деди.

Аел қа-храмонимизни ялинтириб ўтирмади.

— Узангисини калтароқ қилиб бер,— деди у.

Сўнгра эгарга ўрнашибгина ўтириб олгач, Фабрициога тунда бошига тушган кулфат тўгрисида ҳикоя қила бошлади. Цахрамонимиз, гарчи ҳеч нимапи тушунмаган бўлса-да, лекин дўстликлари туфайли жуда диккат билан тинглаган бу беииҳоя узун ҳикоянинг охирида маркитант аел шундай деди:

— Б уни қарагин-а! Келиб-келиб ўзимизнинг французлар мени шундай хонавайроп этишди, дўппослашди, ҳақорат қилигади.

— Наҳотки?! Французлар-а? Меп бўлсам душманлар деб ўйлабман!— хитоб қилди Фабрицио соддадиллик билан. Бундан унинг чиройли, аммо жиддий ва оппоқ юзида қандайдир болаларга хос латиф бир ифода пайдо бўлди.

— Вой тентаккина-ей!— деди маркитант аел кўзларида ега билан жилмайиб.— Лекин хўп ажойибсан-да.

— Шу билан бирга анча шоввоз йигитча экап, битта прусеакни ер тишлатди,— дея қўшимча қилди капрал (Дбпш. У тўс-тўполои ичида тасодифан маркитант аел мияиб кетаетган от енига келиб қолгапдт.

— Фақат сал такаббурроқ!— деди яна капрал.



Фабрицио бетоқат бўлиб қўл силтади.

— Сенинг фамилиянг нима?— дея сўради капрал. Валким, рапорт езиб беришга тўғри келар, шупда сеницг ҳам номипгпи тилга олмоқчи эдим.

— Мениигг фамилиям Вази,— деди жавобан Фабрицио, кейиа бирдан тараддудга тушиб,— йўғ-е, япглишдим — 1эуло,— дея қўпшмча қилди.

Цамоқхона нозираси берган ҳужжатда ана шу Було фамилияси езилган эди: кеча у йўл-йўлакай шу фамнлияни яхпшлаб эслаб қолиш учун дилида тинмай такрорлаб юрди, зеро, қахрамонимиз энди баъзи нарсаларни тушунадиган ва атрофида содир бўлаетгап воқеалардан камроқ ажабланадигап бўлиб қодганди. Гусар Було номига езилган йўл гувоҳномасидан ташқари итальян паспортний ҳам кўз қорачиғидек сақлаб келардики, бу ҳужжат бўйича у олижаноб барометрфуруш Вази фамилиясига ҳам даъво қилиши мумкин эди. Капрал унинг такаббурлигшш айтиб гина қилганида Фабрицио «Мепми ҳали такаббур? Мен барометрфуруш Вазиииng исм-шарифини қабул қилишга рози бўлган Фабрицио Вальсерра маркезино дель Донго бўламан!» деб юборишига сал цолди.

У хаелан «Менинг фамилиям Було экаплигипи яхшилаб эслаб олишим керак, акс ҳолда, қисматим башораг қилабтгап қамоқхонадан қочиб қутула одмайман»,— дея мулоҳаза қилиб турар экан, капрал билан маркитант аел Фабрицио тўгрисида уч-тўр? оғиз гаплашиб олишди.

•— Шунчаки қизиқиб сўраяпти деб ўйламапг,— дедп маркитант аел дафъатан уни сизсирашга ўтиб.— Мен сизга яхншлии қилмокчиман. АЙТИНГ-ЧИ, аслида кимсиз ўзи?

Фабрицио дарҳол жавоб қилмади. У иш билан ҳам, фойдалн маслаҳат билан ҳам ердам бериши мумкин бўлган бошқа садоқатли дўстлар топа олмасам керак, дея ўйлаб қолганди. Цахрамонимиз эса ҳозир бундай маслаҳатга жуда муҳтож эди. «Кўп ўтмай, ҳарбий қалъага кириб борамиз, турган гай, комендант шупда менинг кимлигимни билгиси келиб қолади. Мен гарчи тўртиичи полк мундирини кийиб юрган бўлсам-да, лекип жавобларимдан. ўша полкдаги одамлардан ҳеч кимни ганимаслигимни билиб қолишгач, мени қамоқхонага тиқишади». Фабрицио Австрия фуқароси бўлгапи учун ҳам паспортнинг пақадар муҳим аҳамиятга эга экашшгипи жуда яхши биларди. Ҳатто унинг аслзода, ўтакетган тақводор ва шу билан бирга ғолиб чиққав париш тарафдорлари бўлмиш яқин қариндогалари ҳам паспорт туфайли йигирма мартача гурли кўнгилсизликларга дуч келишган эди. Шу бонсдац ҳам Фабрицио маркитант аелнинг саволидан хафа бўлмади. У бор гайни француз тилида қандай яхшироқ ту шунти риб берсам экан, дея ўйланиб қолди. Қизиқиши ортаетгап маркитант аел эса унга далда бериш ниятида деди:

— Биласизми, капрал Обри билан мен сизга ўзингизни қандай тутиш ҳақида яхши маслаҳат бериши миз мумкин.

— Мен бунга сира ҳам шубҳа қилмайман,— дея жавоб қилди Фабрицио.— Менинг фамилиям Вази, ўзим _£енуядан келганман. Мопинг барноликда машҳур опам бир француз капитанига турмушга чиққан эди. Эндигина ўн етти ешга кирдим, опам Францияни томоша қилипшм, маълумотимни ширишим учуй мени бирмунча вақт ўзиникида яшаб туришимни таклиф қилган эди. Парижга етиб келганимда опам уйдан жўнаб кетган экан. Унинг армия ортидан шу томон йўл олганини билгач, мен ҳам шу ерга келдим. Опамии ҳаммаеқдан қидирдим, аммо топа олмадим. Солдатларга менинг талаффузим шубҳали кўринибди, шу боисдап мени қамоққа олишди. Яхши ҳам енимда пул бор эди, ўша пулдан жандармга қистирган эдим, у менга аллакимнинг 1Іўл гувоҳномаси билан мундирний чиқариб берди. «Туеғингни шиқиллат! — деди хайрлаша туриб.— Фақат хеч қачон менинг фамилиямни тилга олмасликка онт ич».

— Унинг фамилияси нима экан ўзи?— дея сўради маркитант ает.

— Айтмасликка сўз берганман-ку ахир!— деди Фабрицио.

— У тўгри айтяпти,— дея тасдиқлади капрал.— Уша жандарм муттаҳам бўлса керак ҳойнаҳой. Аммо дўстимиз унинг фамилияеини айтмаслиги керак. Лекин анави капитан, яъни поччангизнинг фамилияси нима? Агар биз унинг фамилиясипи билсак, қидириб топишимиз мумкин бўлади.

— Телье, тўртинчи гусарлар полкинипг капитани,—деди жавобаи қаҳрамонимиз.

— Демак, шундай қилиб, сизга хорижийларга хос талаффузингиз панд берибди-да?— бир оз қувлик билан сўради капрал.— Солдатлар сизни жосус деб ўйлашдими?

— Ҳа-да! Буни қаранг, шунақаям аҳмоқлик бўладими?— хитоб қилди Фабрицио кўзлари чақнаб.— Келиб-келиб мен жосусмишман! Император билан французлар деган жойда жонимни ҳам аямайман-ку, ахир! Чидаелмайман бундай ҳақоратга!

— Янглишасиз! Ҳеч қандай ҳақорат йўқ бу ўриида. Солдатлорнинг шубҳаланганларига ажабланмасангиз ҳам бўлади,— дея жиддий охапгда эътироз билдирди капрал.

Сўнгра у насиҳатомуз қилиб, армияда ҳар бир одам биронта ҳарбий қисмга бириктирилган бўлиши ва ўша қисмиинг мундирний кийиб юрипш лозимлигини, акс ҳолда жосус деб ўйлашлари ҳеч гап эмаслигини тушунтириб берди. Маълум бўлишича душман жуда кўнлаб жосуслар юбориб турган экан, бу урушда ҳаммаекни хоинлар тутиб кетганмиш. Фабрициониng кўзи очилди. У сўнгги икки ой ичида бошига тушган барча маломатларга ўзи айбдор эканлигиии энди тушунди.

— Шошмай тур-чи, кел, ҳаммасини ўзи бир бошидан яхшилаб гапириб берсин,— дея капралнинг гапини бўлди маркитант аел. У Фабрициониng кечмишига жуда қизиқиб қолган эди.

Фабрицио бошидан кечирганларини бирма-бир ҳикоя қила бошлади. У ҳикояеинн тугатгач, маркитант аел капралга қараб жиддий оҳангда деди:

— Сирасини айтганда, у ҳали ўспирин бола, ҳеч қандай ҳарбий эмас. Бу урушда бизга хиенат қилишди, душман бизни т< -мор этди, энди шўримиз қурийдиган бўлди. Лекин манави болзкайга жабр бўлади, ҳалок бўлиши ҳеч гап эмас. Хўш нега? Худо деб, ўлиб кетаверадими?

— У солдатлар милтиғини ўцлашниям билмайди ўзи,— дея *цў*шимча қилди капрал,— на ўн икки темпда, на оддий қилиб ўқлая олади. Ўша пруссакни ер тишлатгандаям милтиғини шомпол билан ўзим ўқлаб берган эдим.

— Кейин у дуч келган одамга пулини кўрсатаверади,— гая қўшди яна маркитант аел.— Бизнинг енимиздан нари кетган заҳоти бор буд-шудини шилиб олишади.

— Биронта вахмистр,— дея давом этди капрал,— унинг ҳисобидан май ичиб, кайф-сафо қилиш учун оғайнимизни ўз эскадронига бошлаб кетади. Еки бўлмасам, душман ўз томонига оғдириб олиши мумкин, ахир ҳозир ҳаммаеқни хоинлар тутиб кетган. Биринчи дуч келган одам, бу еққа юр, деб буюрса: бас, у индамая кетаверади. Энг яхшиси, бизнинг полкка киргани маъқул.

— Йўқ, маъзур тутасиз, капрал,— дарҳол эътироз билдирдж Фабрицио.— Пиlзда юришдан кўра от миниб юриш анча қулайров;. Бунинг устига милтиқ ўқлашни билмайман, от минишни зса, ўзингиз кўрдингиз, анча ўрнига қўяман.

Кейинчалик Фабрицио ўзининг бу кичкина путқидан жуда фахрланиб юрди.

Биз қаҳрамонимизнинг бундан буен қандай йўл танламогя лозимлиги хусусида капрал билан маркитант аел ўртасида?» узундан-узоқ баҳсни китобхонга баен этиб ўтирмаймиз. Фабрицяо фақат бир нарсани сезиб қолди: капрал билан маркитант аел баҳелаша туриб, унинг бошидан кечган саргузаштларнинг барча тафсилотларини — солдатлар ундан қандай шубҳаланишгани, қакдаа қилиб жандарм унга йўл гувоҳномаси билан мундирни сотганм, коча у маршалнинг эскортнга қандай қўшилиб қолгани, қандй^ қилиб императорни бир нафас кургани, отини қай йўсинда «ўмариб кетигагани» ва ҳоказо, ва ҳоказоларни ижикилаб, уч-тўрт маротаба гакрорлашарди.

Маркитант аел фақат аелларга хос бир синчковлик билан нуқул ўзининг ердамида сотиб олипгап ўша ажойиб тулиорнинг қаидай «ўмариб кетишгани»ни суриштирарди.

— Демак, бундай қарасаиг, оеғиигдан ушлашди-ю, аста кўтарпб, отнииг сағриси устидан ўтказишди ва ерга ўтқазиб қўйишдя, шундайми?..

«Учовимизга ҳам энди яхши маълум бўлиб қолган битта гайни ҳадеб такрорлайверишнинг нима ҳожати бор ўзи?»— дея ўк* ларди Фабрицио. У ҳалн Францияда оддий одамлар биронта яхша режа тузмоқчи бўлсалар худди ту йўсинда битта гашш шундаа ижикилаб такрорлайверигаларини билмасди

— Ештпгда қанча пулинг бор?— дея бирдан сўраб қолди маркитаит аел.

Фабрицио бир лахза ҳам иккиланмай дарҳол жавоб қайтарди. Қаҳрамонимиз бу аелнинг ҳалоллигига сира шубҳа қилмасди. Фраиция шу жиҳатдан бошқа мамлакатлардаи уступ туради.

— Ч-амаси, ўттиз наполеондор ва беш франклик тўққиз-ўн экю пулим бор ҳали.

— У ҳолда сен эркии қушсан!—дея хитоб қилди маркитант аел.— Тор-мор этилган бу армияни тарк этгин-да, ўиг томон бурилиб, дуч келган биринчи йўлга чиқиб ол ва отиигни қамчилагаича бу армиядан иложи борича узоқлашиб кетавер. Тезроқ оддий одамлар киядиган энгил-бош сотиб олишга ҳаракат қил. Тўққиз-ўн лье йўл юргач, теварак-атрофингда солдатлар кўриимай крлганидан кейин, почта каретасига ўтиргин-да, биронта яхши шаҳарга бор, у ерда бифштекс еб, беш-олти кун дам ол. Фақат эҳтиет бўл, армияда бўлгапингии ҳеч кимга айта кўрма: жапдармлар сени қочоқ сифатида дарҳол қамоққа олишади, сен эсанг, гарчи ажойиб бола бўлсанг ҳам, жаидармларга тўғри жавоб беришга хомлик қиласан. Ява эгпингга ноҳарбий кийим кийган заҳотинг солдатлик йўл гувоҳномасини майда-майда йиртиб ташлагин-ла, ўзингни ўша ҳақиқий Вази фамилияпгни қабул қил. Сеп пима дейсан, у қайси шаҳардан келдим, дея айтсин?— дея сўради аел капралдан.

— Шедьддаги Камбре шаҳриданман, дегапи маъкул. Ўзи яхши шаҳарча. Эшитганмисан у тўғрида? Шаҳарда собор билан Фенелон* ҳам бор.

— Тўғри,— деди маркитант аел.—- Жангда қатнашганинпш ҳеч кимга айтма, Б... шаҳарчаси ва сенга йўл гувоҳномаси сотгап жандарм тўғрисидаю оғиз оча кўрма. Агар Парпжга қайтмоқчн бўлсанг, олдин Версал*га боргин-да, ўша томондан гааҳарга кир, шошилмай худди сайр қилиб қайтаетган одамдек, пиеда юр. Наполеондорларингпи эса панталонииг белбоғига чатиб ол, энг муҳими, бирор нарса харид қилаетганингда ҳамма пулипгпи кўрсатма, қанча тўлаш керак бўлса, шунча чиқариб бер. Ишқилиб, сена лақиллатиб, бор буд-шудипгни шилиб олишмаса бўлгани. Пулсиз қолсапг нима қиласан? Пулсиз қўлингдан ҳеч нима иш келмайди ахир!

Меҳрибон маркитант аел яна узоқ гапирди; капрал биропта ҳам сўз қотишга улгурмай, унинг барча насиҳатларини фақат бош аргабгипа тасдиқларди. Катта йўлдан бораетган тиғиз оломои бирдан қадамини тезлатди-да, сўнг йўл четидаги торгина зовурдап ҳатлаб ўтгаиича сўл томондаги дала бўйлаб тумтарақай қоча бошлади. «Казаклар! Казаклар!» дея бақиришарди ҳар тарафдан.

— Отипгни қайтариб ол!— қичқирди маркитант аел.

— Қўйсангиз-чи, нима деяпсиз!—деди Фабрицио.—Цапи отга қамчи босинг, жон сақланг! Меи уни сизга совға қилдим. Истайсизми, лнги арапа учун пул бераман? Бор пулимшшг ярмися сизники.



— Отингни қайтариб ол, деяпман!— жаҳл билан қичқирди маркитант аел эгардаи сакраб тущмоқчи бўлиб, Фабрицио шартта қиличини қинидан суғурди.

— Ўзингизни маҳкамроқ тутипг!— ден қичқирди у ва қиличнинг ен томони билан отни икки-уч марта урди. Жонявор бир сапчидию қочоқлар орти дай елиб кетди.

Каҳрамокимиз ҳозиргина уч-тўрт миш киши худди черковмаросимидаги деҳқонлардск, тигиз саф тортиб бораетган катта йўлга кўз югуртирди. «Казаклар» деган зндпг ўзидапоқ йўл бир зумда бўшаб, унда тирик жон қсл н, солдатлар. дубулға, милтиқ, қшшч ва бўлак қурол-аслаҳаларии ташлаб қочишганди. Фабрицио ажабланганича ўнг томон бу да, йўл енидаги баландлиги йигирма-ўттиз футча келддигап аа шудгор қилиЕган тепаликка кўтарилди; у бутун цўлип ва олдцда пстапиб етган содийни кўздан кечириб аикди-да, бирок казаклардан асар ҳам кўрмади. «Жуда Балати одамлар-да, бу французалар!— деди у ўзига ўзи.— Лекин мен барибир ўнг томонгя юршпим дозим бўлса, у ҳолда ҳозиршшг ўзидаек жўнаб кўя колеам бўлмайдими?— дея хаелидан ўтказди у.— Қанақалш лиш билмаймаяу аммо ҳамманипг бирданига бундай қочиб кетишилиж бирор сабаби бўлса керак ахир»_.^ Фабрицио ерда етган милтиқлардан биттасинп олди-да, унипг ўқланган еки ўқлапмаганини текшириб кўриб, мурватига норох солди ва чақмоқтошини артиб тозалади. Сўнгра тўла ўқ герилган камарлардан бирипи танлаб, белига боғлагач, яна атрофга кўз югуртирди: яқиндагина гавжум бўлгап бу водийда эпди у танҳо ўзи қолганди. Узоқ-узоқларда ҳамон тумтарақай югуриб бораетган қочоқлар кўриниб қоларди, улар аста-секип дарахтлар ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлишмоқда эди. «Ҳақиқатан ҳам жуда ғалати иш бўлди-да!» — дея ўйларди Фабрицио. Шу пайт Фабрицио кеча капрал қўллаган усулни эслаб, буғдойзор ўртасида ерга ўтирди. У катта йўлдан узоқлашшшш истамасди, зеро, ўз дўстлари — маркитант аел билан капрал Обрини кўриб қолишим мумкин дея умпд қиларди.

Фабрицио далада ўтирар экан, п у липи санаб кўриб, ўзи ўйлаганча ўттиз наполеондор эмас, бор-йўғи ўн саккиз наполеондор қолганига ишопч ҳосил қилди; бироқ ҳали унинг Б*** шаҳарчасидаги қамсқхона нозирасининг хонасидан чиқиб кетиши олдидан гусарлар киядиган ботфорти таглиги остига яшириб қўйган майда бриллиантлари бор эди. Фабрицио наполеондорларни ҳафсала билан жойига яшириб қўйди-да, яна одамларнинг бундай кутилмаганда тумтарақай қочишларишшг сабаблари тўғрисида бош қотира бошлади. «Валким бу менинг учун емоп ало.чатдир?» — дея ўйларди у.— Лекин Фабрицио кўпроқ капрал Обридан ўзи~>'инг чиндан ҳам жангда нштирок этдими еки йўқми, шуни сўраб олмаганидан хафа эди. Фабрициониng назарида ўзи жангда қатнашгандек эди ва агар у ҳозир апа шунга қатъий ишонч ҳосил гшлганида, ўзини иихоятда бахтиер ҳис этган бўлардн.

«Лекин ҳар қала-й,......дея ўйларди Фабрицио,— жангда мен

^андайдир маҳбусииинг номи билан қатнашдим, чўнтагимда ўша-имнг гупоҳномаси, бунинг устига, эгнимда ўшанилг кийим-боши. Бу меиинг келажагмм учун машъум бир аломат. Бу ҳақида аббат Бланес иима деган бўларди? Вечора Було қамоқхонада жон таслии қилибди! Чиндан ҳам мен учун емон аломат бу: умрим қамоцхонада ўтадими дойман!» Фабрицио гусар Булонинг чиндан ҳам айбдор эканлигини билмоқ учун ҳозир хеч нимани аямаган бўларди. У ўша гусар ҳақида эшитган гапларини хаелидан ўтказа бошлади: Б*** даги қамоқхона нозирасипинг ҳикоя қилишича, ўша Булони фақат кумуш қошиқларни ўгирлагани учупгина эмас, балки бир деҳқонпинг сигирини тортиб олгани, деҳқоннинг ўзини эса ўласи қилиб дўнпослагани учун ҳам қамашгап экан. Фабрицио бир куп эмас, бир кун ўзини ҳам гусар Булонинг жиноятига ўхи»аш бирор гуноҳи учун қамоқхонага ташлашларига шубҳа қилмасди. IIIу тобда у ўз дуети, аббат Бланес тўгрисида ўйларди. Эх, зқани энди ҳозир у билан маслаҳатлашиб олиш мумкин бўлса! Сўнгра йигит Париждан жўнаб кетганидан буен аммасига хат е.шагашши эслади. «Вечора Жина!»— дея ўйлади у ва кўзларига *ет* қалқиди. *Шў* пайт Фабрицио нарироқда алланиманинг шитирлаганини эшитиб қолди: қандайдир солдат учта отнинг сувлиғини счиб, жиловидан тутганича буғдойзорда боқмоқда эди: От жониворлар, чамаси, ўлгудай оч кўрипарди. Фабрицио сапчиб ўрнидан турганди, солдат довдираб қолди. Цахрамоиимиз бупи сезди-ю, ўзипи бир дақиқага бўлса-да, абжир гусар қилиб кўрсатишга аҳд қилди.

— Бу отлардан бири меники бўлади, аблаҳ!— дея қичқирди у.— Хўн, майли, овора бўлиб, уни бу ерга ҳайдаб келганинг учун сенга беш франк бераман.

— Пималар деяпсан? Устимдан. куляпсанми?— деди солдат.

Фабрицио олти қадамча наридан туриб упга милтиқ ўқталди.

— Отнинг жиловини бу ёққа чўз, бўлмасам отиб ташлайман!

Солдатнинг милтиғи елкасида осуғлиқ эди, у милтиқии қўлига олиш пиятида кифтини қимирлатди.

— Қимир этиб кўр-чи, нақ чаккангдан дарча очиб қўямап!— хайқирди Фабрицио ва солдат томоп ташланди.

— Ҳай майли, беш франкни берипг-да, учовидан бирини танлаб олаверипг,— деди хижолатга тушиб солдат кимсасиз йўлга маъюс қараб қўяр экан.

Фабрицио чап қўлидаги милтиқпи баланд кўтарди-да, ўнг қўли билан солдат томон учта беш франклик танга итқитди.

— Агар яшашдап умидинг бўлса, отдан туш... Лпави қора отпи пўхталагин-да, қолгап иккитаситщ жиловидан олиб, туеғингии шиқиллат... Агар ғинг десант, отиб ташлайман.

Солдат тўнғиллаганича упинг буйруғини бажарди. Фабрицио қора отпмг енига бориб, аста узоқлапшб бораетгап солдатдан кузини узмай чап қўли билав жиловни ушлади. Солдат эллик қадамча нари кетгач, қаҳрамонимиз чаққоп сакраб, отга минди. У вядигина эгарга ўрнашиб, ўнг оегини узангига суққан ҳам эдики,



енгинасидан ўқиинг визиллаганини эшитиб қолди: солдат унта қаратиб милтиқдан ўқ узган эди. Фабрицио ғазаби қайнаб, у томон от қўйди, бироқ солдат ура қочиб қолди. Бир лаҳзадан сўнг Фабрицио унинг қолган икки отдан бирида елиб кетаетганини курди. «Энди унга етиб бўлмайди»,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио. У сотиб олган от жуда яхши чиқди-ю, лекин жоиивор ўлгудай оч экан. Фабрицио отнинг бошини ҳамон бўм-бўш катта йўлга бурди-да, уни кесиб ўтди ва маркитант аелни ўша ердан топиш мумкиндир, деган,умидда чап томон бурилиб, чоғроқ сойлик томон йўл олди, Бироқ сойликдан ўтиб, тепаликка кўтарилгач, теварак-атрофдаги бутун бир лье масофада бораетгап солдатларнигина курди холос. «Демак, ўша ажойиб, меҳрибон аел билан богақа учрашиш насиб қилмаган экан»,— дея ўйлади у хўрсиниб. Йироқда, йўлнинг ўнг томоиида Фабрицио бир фермами кўриб қолиб, отнинг бошини ўша ёққа бурди. Фермага етиб боргач, иулини олдиндан тўлаб, эгардан тушмай отига сули беришки буюрди: жонивор оч қолганидан охурнииг тахтасини ғажимоқда эди. Бир еоатдан сўнг Фабрицио маркитант аел еки лоақал капрал Обрини к,идириб топиш умидида яна катта йўлдан кетмоқда эди. У атрофга кўз югуртира-югуртира йўл юравериб, охири аллақандай даренипг ботқоққа айланган соҳилига етиб борди. Даре соҳилларини торгина тахта куприк туташтириб турарди. Куприк олдида, йўлнинг ўнг томонида эшик тепасидаги тахтага «Оқ тулиор» сўзлари езиғли елгиз бир ошхона қаққайиб кўрипарди. «Шу ерда овқатланиб оламан»,— дея аҳд қилди Фабрицио.-Кўприкнинг бериги четида у от устида мунғайиб ўтирган қўли боғлиқ бир суворий офицерини кўриб қолди; ундан ўн қадамча нарида отсиз қолган уч нафар суворий трубкаларига тамаки тўлди-ришмоқда эди.

«Э-ҳа, бу одамлар, янглишмасам, отимни ўзим харид қилгандан анча арзонроққа сотиб ол'ишга қодир кўрипишади»,— дея ўйлади Фабрицио.

Ярадор офицер билан уч солдат гўе Фабриционинг яқинлашиб келишииии кутишаетгандек, унга тикилиб туришарди. «Ўша кўприкни бошимга ураманми?— дея ўйларди қаҳрамонимиз.— Яхшиси ўнг томонга бурилиб, соҳил бўйлаб кетганим маъқул, маркитант аел, эҳтимол, ўиғайсиз аҳволдан кутулит учун менга худди ана шу йўлни танлашни маслаҳат берган бўларди... Да, лекин ҳозир қочиб қолсам, эртага ўзимдан ўзим уялиб гораман, бунинг устига отим анча учқур, анави офицерники эса каттиқ ҳолдан тойган кўринади; агар у мени эгардан туширмоқчи бўлса, отимга қамчи босаману жўнаб қоламан». Фабрицио шундай мулоҳаза юритар экан, жиловни тортганича отини секин юрғизиб борарди.

— Илдамроқ юринг, гусар!— амрона оҳангда қичқирди офицер.

Фабрицио бир неча қадам юриб тўхтади.

— Отимни тортиб олмоқчимисиз?— дея қичқирди у.

— Сира ҳам ундай эмас! Бу ёққа келинг.

Фабрицио офицерга тикилиб қаради, бу мўйсафиднинг кўзларидан унинг ҳалол одам эканлиги яққол кў"иниб турарди. Чолнинг чап қўлнни боғлаб, бўйнига осиб олган рўмоли қонга белактанди, ўнг қўлига боғлангап латтадан ҳам қоп сизиб чиққанди. «Агар ўзи тегмаган тақдирда ҳам солдатлари отимнинг жиловидап олишади»,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио, аммо дурустроқ разм солиб, солдатларнинг ҳам ярадор эканликларини курди.

— Виждонингиз ҳақи,— деди елкасига полковниклик эполетларипи таққан ўша офицер,— шу ерда посбон бўлиб туринг-да, дуч келган барча драгун, егер ва гусарларга ана шу ошхонада полковник Лебарон жойлашгани ва у ҳаммага ўз қисмига қўшплиптни буюраетганиии айтаверинг.

Кекса полковник қандайдир маъюс ва гамгин кўрииарди. У биринчи сўзларидан кейиноқ қаҳрамонимизга еқиб қолди. Лекин, шунга қарамай, Фабрицио унга аича оқиллик билан жавоб қилди:

— Галимга қулоқ солишмайди, афандим. Мен жуда ешман. Бу ишда сизнинг шахсан буйруғингиз керак.

— У тўғри айтяпти,— деди полковник Фабрициога диққат билан тикилиб.— Буйруқ ез, Лароз, сенинг ўнг қўлинг соғ-ку ахир.

Лароз индамай чўнтагидан би дафта-рини олди-да, унга аллаиималарни езди, сўнг варақни йиртиб олиб, уни Фабрициога узатди. Полковник қаҳрамонимизга буйруғини яна бир бор такрорлагач, қоида бўйича, икки соатдан сўнг анави уч ярадор отлиқ эскарлардан бири ўрнингизга чиқиб туради, дея қўгаимча қилди. Шундан сўнг у одамлари билан ошхонага кириб кетди. Фабрицио куприк олдида серрайиб туганича уларнинг ортидан қараб қолди. Ўша уч ярадор солдатнинг қиефасидаги унсиз ғам-ғусса уни ниҳоятда ҳайратга солгап эди. «Цандайдир евуз бир жодугар уларни с.ехрлаб қўйганга ўхшайди»,— дея ўйларди қаҳрамонимиз. Ниҳоят Фабрицио икки буклаиган қоғозии ейди-да, қуйидаги буйруқни ўқиди:

«14-нчи армия корпуси биринчи еуворийлар дивизиясинипг иккинчи бригадаси командири, 6-нчи драгунлар полки полковниги Лебарон барча отлиқ аскарлар, драгунлар, егерь ва гусарларга кўприкдан ўтмасликни ва «Оқ тулпор» ошхонасида жойлашган пттаб-квартирасида унга қўшилмоқии буюради.

Буйруқ Сент кўприги енидаги штаб-квартирада 1315 йилнинг 19 июнь куни берилди.

Ўнг қўлидан яраланган полковник Лебарон ўрнига, ҳамда унинг буйруғига биноан

*вахмистр Лароз».*

Фабрицио куприк енида ярим соатча қоровул бўлиб тургач, олти пафар отлиқ егерлар билан уч пиеда аскарнн кўриб қолди.



Цяхрамонимнз уларга пелкоғлшкиипг буйругшш эълоп қнлди.

— Ҳозир қайтиб келамиз.— дея жавоб қилшпди унга от мингав сгерлардан тўрт киши па отларини ниқтаб қўирттқдаи ғизиллагаиича ўтиб котшпди.

Фабрицио қолгаи икки отлиқ билан музокара бошлаб юборди. Улар қизишиб баҳслаша кетдилар, бу орада эса пнеда келган уч егер кўприкдан ўтиб олишди. Отлиқлардан бири Фабрящюдап езма буйруқии кўрсденпши талгб қилди да, сўнг буйруқни уиикг қўлидан олиб, деди:

— Мен ҳозир уни ўртоқларимга кўреатамаи, улар .аабатта қайтиб келишади. Бизни кутиб туринг. Қайтиб келамиз албатта.

Шундай дея у отига қамчи босди, ўртоги упинг ортидап сг қўйди. Бу воқеаларнинг бари бир зумда содир бўлди.

Ниҳоятда дарғазаб бўлган Фабрицио шу пайт ошхопа деразаси енида кўрипиб қолгап ярадор солдатни чақирди. Бу солдатнинг еқасида Фабрицио вахмистрлик нигоонини кўриб қолтан эди. У ошхонадан чиқвб келди-да, Фабрициoнинг ениғa келиб қичқирди:

— Циличпи қинидан суғурипг! Сиз қоровул бўлиб туркбсиз ахир.

Фабрицио буйруқпи бажаргач:

— Улар буйруқни олиб кетиптди,— деди.

— Кечаги мағлубтшт учун жаҳлларя чиққап уларнинг,— деди қовоғини солиб вахмистр.— Мен сизга тўппончаларимдан бирини бераман. Агар яна ганингизга қулоқ солишмаса, осмоига қараб ўқ узинг, мен ердамга келаман еки полковникнинг ўзи чиқади.

Фабрицио буйруқни олиб кетшпгашши эшитгач, вахмистр ажабландб, қогаини чимирганини яққол курган эди, у ўзини қаттиқ ҳақорат қилингапини аиглади ва ўзига ўзи бундаи буен бунақа ўсал бўлмасликка сўз берди.

Вахмистрнинг эгарга осиб қўйиладиган тўипоЕчаеи билан куролланиб олган Фабрицио гердайиб қсрокулликка турди ва кўи вакт ўтмай куприк томон от минган етти гусар яқинлашиб келаетганини кўриб қолди. У гусарларнинг йўлини тўсди-да, уларга полковникнинг буйруғини эълоп қилди. Гусарлар норози бўлиб, очиқдан-очиқ тўнғиллай бошлашди, улардан энг довюраги эеа кўприкдан ўтмоқчи бўлди. Фабрицио маркитант аелииинг чопиш эмас, санчиш керак, деган доно маслаҳатини эслаб, узуй қиличининг учини пастга туширди ва уни буйруқни бажаригадан бўйин товлаетган гусарга ўқталди.

— А-а! Тирранча бизни ўлдирмокчи бўлпг.и!..— дея қичқиришди гусарлар.— Кеча одамларимизни шунча ўлдиришгани камлик қилувдими?

Етти гусарнинг ҳаммаси қиличиии қинидан еуғириб, Фабрицио томон ташланишди, у куним битди, деб ўйлади-ю, лекин боя вахмистрнинг ажабланиб қараганини эслади ва яна пафратланиб қарашларига ўрип қолдирмасликка аҳг қилди. У куприк томон чекинар экан, ҳужум қилаетгаплар1'а қшгач санчишга ҳаракат қиларди. Фабрицио'отлиқ аскарла-риинт оғирлик қилаетган узун ва

тўғри қиличини шу қадар кулгили қилиб силкитар эдики, гусарлар тез орада ким билан жанг қилишаетгашшп фаҳмлаб қолишди: улар энди Фабрициопинг ўзига зарар етказмай, унинг эгнидаги мундирний қиймалаб ташлашга ҳаракат қилишарди. Гусарлар уч-тўрт марта унинг тирсагидан тепасини тирнаб юборишди. Фабрицио эса маркитант аелнинг маслаҳатига амал қилганича зўр бериб қилич тиғини рақибларига санчишга ҳаракат қиларди. У қилич силкитаетиб чиндан ҳам гусарлардан бирининг нанжасидан ярадор қилди. Нўноқ бир тиррацча унга қилич санча олгапидан қутуриб кетган гусар бир ҳамла қилди-да, Фабрициопинг сонини жароҳатлади. Бу фалокат шунинг учун ҳам содир бўлдики, қаҳрамонимиз минган от қўрқиш у екда турсин, чамаси, бу олишувдан завқланар ва ўзи ҳамла қилаетган гусарлар томон ташланарди. Гусарлар эса Фабриционинг ўнг елкасидан енгига аб қон оқаетганини кўриб қолишгач, ўйиндан ўқ чиқмасин қабилида иш тутиб, уни оти билан бир четга суриб боришди-да, сўнг кўприкдан ўтиб, қочиб қолишди. Олишувдан қўли бўшаган Фабрицио тну заҳоти полковникни чақириш учуп осмонга қарата ўқ узда.

Шу пайт куприк томон тўртта отлиқ ва икки пиеда гусар яқиплашиб келишмоқда эди — булар ҳам ўша полкдан экаи; ўқ овози янграганида улар ҳали икки юз қадамча нарида бўлиб, кўприкдаги машмашапи диққат билан кузатишмоқда эди; Фабрицио ўртоқларимизга ўқ узди, деган хаелга борган тўрт отлиқ гусар қиличларини қинидан сугиришди-ю, тўғри қаҳрамонимиз томон от қўйишди; бу чииакам ҳужум эди. Ўқ овозидан огоҳ бўлган полковник Лебарон ошхонанинг эшигини очди-ю, гусарлар от қўйиб келган дақиқада ўзи ҳам куприк тепасига етиб борди ва уларга тўхташни буюрди.

— Ҳеч қаидай полковник йўқ энди бу ерда!— дея қичқирди гусарлардан бири отини ниқталаб;

Полковник ғазаби қайнаб, гапиришдан тухтади-да, ярадор ўнг қўли билан отнинг жиловига чанг солди.

— Тўхта, ярамас солдат!—қичқирди у гусарга қараб.—Меп сени танийман, сен капитан Анриенинг ротасидансан.

— Хўш, нима қилибди?! Қани, капитаннинг ўзи буйруқ берсин менга! Капитан Анриени кеча ўлдиришди,— дея қўшимча қилди у истеҳзо билап иршайганича,— сен бўлсанг, бор ўша...

Гусар шу гапни айтгач, кўприкдан зўрлик билан ўтиб кетишга аҳд қилди ва отини полковникнинг устига қараб ҳайдади. Кекса полковник кўприкка кираверишдаги тош терилган йўлга йиқилиб тушди. Ундан икки қадам наридаги куприк устида ошхона томон қараб турган Фабрицио от туши билан полковникни туртиб юборгани ва кекса офицер жиловни қўлидан қўйиб юбормай ниқилиб тушганини курди; у ғазаби қайиаб, ҳамла қилаетган гусар енига от суриб борди-да, зарб билан қилич санчди. Хайрият, шу пайт гусарнинг оти ерга йиқилган полковник жиловипи қўйиб юбормай пастга тортаетгани туфайли



бир четга қараб сапчиди-ю, Фабрициоииг қўлидаги қиличвиг узун тиғи гусарнинг дубулгасидаи сирпаниб, шундоқ кўзи енидан ярқираб ўтди, қутуриб кетган гусар шартта ўгирилиб, унга қулочкашлаб қилич урди, Қиличнинг тиғи Фабрициопг енгини тетиб ўтиб, қўлига қаттиқ санчилди. Цаҳрамонимиз эгардан қулаб тушди.

Пиеда гусарлардан бири куприк ҳимоячилари^инг иккови ҳам ерга қулаганини кўриб, пайтдан фойдаланди-да, шартта Фабрициoнинг отига мипиб олиб, унинг бошини кўнрик томон бурди ва сағринига қамчи боеди.

Ошхонадан вахмистр югуриб чиқди. У полковникнинг ерда йиқилиб етганини кўриб, командириии қаттиқ ярадор қилишибди деб ўйлади. Шундан сўнг югурганича от ўғрисига етиб олдида, елкасига қилич санчди. Ўгрн эгардан қулаб тушди. Гусарлар куприк устида елғиз вахмистрнинг ўзи қолганини кўриб, отларига қамчи босишгапича елиб кетишди. Пведа гусарлардан бири далага қараб крчди.

Вахмистр ярадорлар еиига келди. Бу пайт Фабрицио оеққа туриб бўлганди: у гарчи кўп қон йўқотган бўлса-да, лекин қаттиқ оғриқ сезмаеди. Полковник ҳам бир амаллаб ўрипдан турди, у жароҳатлапмаган эди-ю, бироқ қаттиқ йиқилгани туфайли хиел карахт бўлиб қолганди.

— Ҳечқиси йўқ!— деди у вахмистрга.— Фақат қўлимдаги аввалги яра оғрияпти.

Вахмистр яралаган гусар жон таслим қилмоқда эди.

— Э, баттар бўлсин!— дея қичқирди полковпик.— Ундан кўра, мен бекорга хавф-хатарга рўбарў қилган манави йигитга қаранглар,— деди у вахмистр ҳамда ошхонадан югуриб чиққан икки солдатга қараб.— Бу ерда эса ўзим соқчи бўлиб тураман ва анави тентакларпи тўхтатиш1-а ҳаракат қиламан. Йигитни ошхонага олиб киринглар-да, ярасини боғланглар, бунипг учун кийимларим орасидан кўйлагимии олинглар.

## Бешинчи боб

Бу воқеаларнинг бари бир дақиқада содпр бўлди. Фабрициoнинг жароҳатлари унча оғир эмас экан, полковникнинг кўйлагини йиртиб, упипг яраларини боғлаб қўйишди. Қаҳрамонимизга ошхонанинг иккинчи қаватидан жой солиб бермоқчи бўлишди.

-— Бу ерда мени парвариш қилишгунча,— деди Фабрицио вахмистрга,— отхонада отим елғиз ўзи зерикади ва у бошқа хўжайин билан кетиб қолади.

— Чиллаки солдат бўлсанг ҳам фаҳм-фаросатвгег дурустку,— деди вахмистр.

Шундан сўнг Фабрицио учун оти боғланган охуршшг ўзига похол туша б, жой ҳозирлаб беришди.

Цаҳрамонимиз ўзини жуда дармонсиз ҳис этарди, шу боисдан вахмистр унга илитилган ви»?о келтириб мчирди-да, сўпг бир

оз вакт суҳбатлашиб турди. Суҳбат чоги у бир неча бор қаҳрамоиимими:щи мақтаб қўйиган эди, Фабриционинг бошв нақ осмонга етди.

Фабрицио фақат азонга яқин уйгонди, отлар чўзиб-чўзиб кшивашар, ер депсиниб, пишқиришарди, отхона тутунга тўлганди. Аввалига Фабрицио бу шовқип-суроншшг қаекдаи эшитилаетгапиии бшюлмай ва ҳатто ўзининг қаерда эканлигини тушунолмай етди, ниҳоят, тутуидав нафаса қайта бошлагач, уйнинг енаетганини фаҳмлади. Бир зумда у отини ечиб ҳовлига олиб чиқдп-ю, шартта эгарга минди. Сўнг бошиии кўтариб, юқорига қара,ᶜш: тутун отхоиа тепасидаги икки деразадан буркcаб чнқмокда эди. Цоп-қора тутун иаға-паға бўлиб буралганича бутун томии қоплаб олганди. Тун давомида «Оқ тулпор» ошхоиаеига камида юз чоғли қочоқ йиғилган бўлиб, ҳамма бақириб-чақириб сўкииарди. Фабрицио дурустроқ разм еолишга улгурган бсш-олти одам ғирт маст эди, улардан бири «Мeиинг отимни қаеққа олиб кетаяпсан?» дея қичқирганича уни тўхтатмоқчи ҳам бўлди. Фабрицио отига қамчи босиб, ошхоиадав бир чақиримча узоқлашгач, орқасига ўгирилиб қаради-да, ортидан ҳеч ким қувиб келмаетгапига ишопч ҳосил қилди. Уй гуриллаб еимокда эди. Фабрицио узоқдан кўприкни танидиюю кейин ярадор экаплигини эслади ва шувдан кейингина қаттиқ тортиб боғланган қўлппииг зирқираб оғриетганини ҳис этди. «Кекса иолковникнинг ҳоли не кечдийкин? У ярамни боғлашлари учун кўйлагиви берган эди». Бироқ бу тонг чоғи қаҳрамонимиз ғаройиб бир тарзда совуққон бўлиб қолганди: у куп қон йўқотгаштдап табиатидаги романтик хислатлар ғойиб бўлганди.

«Ўйг томонга!— деди у ўзига ўзи.— Бу ердан тезроқ узоклап!иш керак!» У отиви хотиржамлик билан соҳил бўйлаб чўзилган *т* кўприкдан паетрокда ўнг томонга бурилган йўлга солди. Шу найт у меҳрибон маркитант аелнинг маслаҳатини эслади. «Қандай ажойиб дуст! — дея ўйларди у.— Қандай софдил инсоп-а!»

Бир соатча йўл юргач, бирдан Фабриционинг дармова қурий бошлади. «Нима бўляпти менга? Маҳот хушимдан кетиб йиқилсам?— дея ўйларди у.— Агар пгундай бўлса, отимни ўғирлаб котишади, кейин ечинтириб олишлари ҳам мумкин. У ҳолда хазинамдан айрилдим!» Унинг ҳозир отпи бошқаришга мадора қолмаганди, қаҳрамонимиз энди фақат эгардан кулаб тушмасликка ҳаракат қиларди; йўл четида ер чопаеттан қапдайдир деҳкоп унинг оппоқ оқариб кетганини кўриб, Фабриционинг енига келди-да, уига кружкада пиво билав бир бўлак жавдар нон узатди.

— Сизга қараб туриб,— деди деҳқон,— «Рангида ранг қолмабди-ку! Кўринишидан кеча катта и«ангда қатнашганлардан бири бўлса керак»,— деб ўйладим.

Цаҳрамонимизга деҳқон жуда вақтида ердрм кўрсатди. Фабрицио поний типглаганида унинг кўз олди қороприлашиб, боши



зйланмоцда эди. Тамадди қилиб олгач, у деҳқонга миинатдорчилик билдирди-да, кейин сўради:

— Ҳозир қаердаман ўзи?

Деҳқон яна озгина йўл юрса, уига ҳар қандаи ердам кўрсатншлари мумкин бўлган Зондерс шаҳарчасига етиб олажагипи тушунтирди. Фабрицио ўша шаҳарчага ҳеч нарсани идрок этмай, фақат отдап йиқилиб тушмасам бўлгапи, дегаи хаел билан кириб борди. У ланг очиқ бир дарвозани кўрди-ю, отини тўғри ҳовлига ҳайдади: бу меҳмонхоиаси ҳам бўлган «Цашлағич» трактири эди. Шу заҳоти уйдан хўпнасемиз раҳмдил бир аел— трактир бекаси югуриб чиқди, у қаҳрамонимизга раҳми келганидан товуши қалтираб уйдагиларни ердамга чақирди. Иккита ешгина қи.ч Фабриционинг қўлтиғидаи олиб, отдап тупшшига ердамлашиб юборишди. Цаҳрамонимиз оеги ерга геккан заҳоти хушидаи кетиб йиқилди. Жарроҳни чақириб келишгаи эди, у қориц билан Фабрициодан қон олди; шундан сўнг йигит бир неча куй давомида ҳеч нимани билмади: у деярли ҳушига келмай етарди.

Сопидаги қидич санчилган жойида йирияг боғлаш хавфи тугилганди. Баъзи-баъзида Фабрицио бир дақиқа ҳушига келар, ана шунда у отига қараб туришни илтимос қилар ва нуқул, яхши ҳақ тўлаймав, доя такрорларди; меҳрибон бька билан унинг қизлари қаҳрамонимизнинг бу гапидан рашкишди. Фабрицио1ш жуда яхши парвариш қилишди, шу боисдан у икки ҳафтадан сўнг аста-секин тузала бошлади. Бир купи кечқурун Фабрицио бирдан уй бекалариниаг негадир ташвишга тушишганипи сезиб қолди. Орадан кўв вакт ўтмай унинг хонасига бир немис офицери кириб келди, немис алланималар ҳақида савол берар, унта Фабрицио билмайдиган тилда жавоб қилишарди. Шунга қарамай, қаҳрамовимиз гап ўзи тўғрисида кетаетганини тушунди-ю, ўзини ухлаетганга солди. Бир оздан сўнг у немис чиқиб кетгав бўлса керак, дея қарор қилди-да, бекаларни чақирди:

— Ўша офицер нега келибди? Мени ҳарбий асирлар рўйхатига киритиб, қамоққа олишмоқчими?

Бека истар-истамас унинг тахминини тасдиқлади.

— Цулоқ солинг, менинг камзулимда пуд яшириб қўйилган,— дея хитоб қилди у естиқдан бошини кўтариб.— Менга фуқароча кийим сотиб олинг, шунда бугун туидаеқ отимга минаман-да, жўнаб кетаман. Кўчада йиқилиб қолиб ўлиб кетишим мумкин бўлган ўша кунда менга бошпана бериб, бир бор ҳаетимни сақлаб қолдингиз. Энди мени яна бир марта қутқаринг! Опамнинг олдиларига қайтишимга ердам беринг!

Шу пайт беканинг иккала қизи йиғлаб юборишди. Улар Фабрициони кутаетган хавф-хатардан ташвишга тушиб қолишгавди; лекин қизлар француз тилини яхши тушунишмасди, шунинг учун ҳам улар қаҳрамонимизнинг тўшаги енига келиб, ундав баъзи нарсаларни сўраб-суриштиришди. Сўнг удар ўқтин-ўктин Фабрициога аянчли қараб қўйишганича оналари билан

фламаид тилида нима ҳақидадир баҳслаша бошлашди; Фабрицио ўзининг қочиб кетиши билан уларга зарар етказилш мумкинлиги, лекин шунга қарамай, улар қаҳрамонимизии деб ўзларини хавф остига қўйишга тайер эканликларини тушунди. У икки қўлини кўксига қўйиб, уларга қизғип миннатдорчилик билдирди. Шу шаҳарчада яшайдиган бир яхудий Фабрицио учун зарур бўлган барча кийим-бошни топиб, кечқурун соат ўпда меҳмонхонага олиб келди; бирок; беканинг қизлари олиб келинган редипготни Фабрициониnг гусарлик камзули билан таққослаб ўлчашган эди, уни бир оз кичрайтириш лозимлигини кўришди. Қизлар дарҳол ишга киришиб кетишди: вақтпи бой бериб бўлмасди. Фабрицио олтин пуллари қаерга яшириб'қўйилганини курсатди-да, уларпи янги олиб келинган кийимнинг астари тагига чатиб беришни илтимос қилди. Кийим-бош било-з бирга яхудий бир жуфт ажабтовур этик ҳам олиб келган эди. Фабрицио сира иккиланмай бу ажойиб қизларга бриллиантларни олиш учун гусарлик ботфортининг қаерини кесиш кераклигини кўрсатиб берган эди, улар бриллиантларни янги этикларнинг таглиги остига яшириб қўйишди.

Кўп қон йўқотгани оқибатида мадори қуригапи боисидан қаҳрамопимиз жуда ғалати бир аҳволга тушганди: Фабрицио француз тилини деярли бутунлай унутиб қўйганди; у уй бекаларига итальянча мурожаат қилар, улар эса фақат фламанд лаҳжасида сўзлашарди, хуллас, суҳбатдошлар айтмокчи бўлган гапларини фақат имо-ишоралар билангина тушунтиришарди. Қизлар бриллиантларни кўришгач, гарчи иккови ҳам табиатан беғараз бўлишса-да, диллари жўшқин завққа тўлди: улар Фабрициони оддий одамларнинг кийимини кийиб олган шаҳзода бўлса керак, дея ўйлай бошлашди. Опа-сингилларнинг кенжаси, қувлик-шумликни билмайдиган Аникен кўнглида кири йўқлиги туфайли Фабрициониnг юз-кўзидан ўпиб олди. Цаҳрамонимиз эса ўз навбатида иккала опа-сингилни дилбар эканликларини тан оларди. Шу боисдан ҳам ярим кечада, жарроҳ унга олис йўл олдидан қувват бўлсин учун бир оз вино ичиб олишига рухсат берганида, Фабрициониnг бу ердан деярли кетгиси келмай қрлди. «Мен учун шу ердан яхширик жой борми ўзи?»— дея ўйларди у. Лекин ҳарқалай кечаси соат иккиларда у ўрнидан туриб, кийимларини кийди. Бироқ, хопасини тарк этар экан, у бекадан о тини бир неча соат бурун тинтув қилиб келган офицер етаклаб кетганини эшитиб қолди.

— Вой, аблаҳ-ей!— дея сўкинди Фабрицио.— Ярадор одамни ҳам туиайдими, лаънати?!

Навқирон итальян файласуф эмасди: у ўша отпи ўзи қандай «харид қилгани» ни ҳатто эсламади ҳам.

Аникен кўзларидан дув-дув еш тўккан қўйи, унинг учун бошқа от еллаганларини айтди. Циз ундан ажралгиси келмай турарди. Улар кўзларида меҳр-муҳаббат билан хайрлашишди. Меҳрибон беканинг қариндошлари бўлмиш икки нафар норғул йигит Фабрициони кўтарио, эгарга миндириб қўйишди; йўлда улар отдан йиқилиб тушмасин учун унинг қўлтиғидап тутиб боришди, учинчи кузатувчи эса йўлда шубҳали патрулларга дуч келиб қолмасин деб бу кичкипа карвопдан бир неча юз қадам олдинда бормоқда эди. Икки соатлардан кейии «Цашлоғич» бекасшнг холаваччасига қарашли уйда дам олгани ' тўхташди. Фабрицио энди сизлар қайтиб кетаверинглар, дея ҳамроҳларидан қаича илтимос қилмасип, улар ўрмондаги йўл ва сўқмоқларни ҳеч ким бизчалик билмайди, деб сира рози бўлишмади.

— Аммо эртага эрталаб менинг қочиб кетганим маълум бўлиб қолади. Ана шунда сизларнинг ҳам шаҳарда йўқлигиигизни кўришгач, сизларга зиен-заҳмат етказишлари мумкин ахир!— дерди Фабрицио.

Яиа йўлга тушишди. Уларнинг бахтига, азонга яқин водийви қуюқ туман қонлади. Эрталаб соат саккизларда кичкина бир шаҳарчага кириб боришди. Йигитлардан бири почта отларини тортиб олишган еки олишмаганини билиб келиш учуп жўнади. Маълум бўлишича, станция назоратчиси отларни хилват жойга яширибди-да, уларнинг ўрнига аллақаекдан рамақижон қирчапғиларни топиб келиб, отхонага боғлаб қўйибди. Отларни яшириб қўйилган бртқоқдан ҳайдаб келиш учун жўнашди. Уч соатдан сўнг Фабрицио руҳи кўтарилиб, анча шалақ бўлса-да, лекин бир жуфт яхти почта отлари қўшилган кабриолетга ўтирди. Беканинг қариндошлари бўлмиш йигитлар билан хайрлашув дақиқаси ғоят таъсирли бўлди. Фабрицио йигитларга ҳақ тўлаш учун қанчалик баҳона қидирмасин, улар пул олишдан қатъиян бош тортишди.

-- Сизга, афандим, ҳозир пул бизга қарагапда кўпроқ керак бўлади,— дея такрорлашарди бу ажойиб йигитлар.

Ниҳоят улар ортларига қайтиб кетишди. Йўлдаги машмашалардан бирмунча ҳаяжонланган Фабрицио улардан меҳрибоп бекаларга дилидаги туйғуларини изҳор этмоққа ҳаракат қилиб езган хатларини бериб юборди. Цаҳрамонимиз бу мактубларнн кўзларида еш билан езганди, ва унинг еш Аиикенга йўллаган мактубида, сўзсиз ишқий оҳанглар сезилиб турарди.

Қолган йўлни хеч қандай саргузаштларсиз босиб ўтди. Амьенга етиб келганида унинг сонидаги қилич санчилган яраси қаттиқ оғрий бошлади; қишлоқ табиби ярани дурустроқ тозаламаган экан, қон олипганига қарамай яра йиринг боғлаетгаиди. Фабрицио вақтини очкўз ва хушомадгўй бир оилага қарашли меҳмонхонада ўтказган икки ҳафта давомида иттифоқчилар Фрапцияни босиб олишди.

Фабрицио бўлса бошидан кечирган барча бу воқеалар тўғрисида шу қадар кўп ўйладики, натижада бошқа бир одамга айлангандай бўлди қолди. У фақат бир жиҳатдангина ҳали ҳам ещ болага ўхшарди: Фабрицио ўзи курган ўша қирғинбарот чиндан ҳам жангмиди ва агар шундай бўлса, бу ўша Ватерлоо жангимиди дея тинимсиз ўзига ўзи савол берарди. Фабрицио

умрида бирипчи бор мутолаадан ҳузур қила бошлади: у ҳамон газеталардан еки ўша жанг ҳақидаги ҳикоялардан маршал Ней ҳамда анави бошқа генералнинг эскорти билап кезиб чиққан ўша жойлариипг тасвириип қидириб топишга умид қиларди. Амьендан у деярли ҳар куни ўзипинг дилкаш дугоналари, «Қашлогич»нинг бекаларига хат езиб турди. Соғайиб кетгач, у дарҳол Парижга кўчиб ўтди. Ўзипинг аввалги мсҳмонхонасида унга онаси ва аммасидан келган йигирмага яқип мактубни тутқазишди. Хатларда аммаларнинг иккови хам тезроқ уйга қайт, лея илтижо қилиштанди. Графиня Ги.етранераиинг сўнгги мактубида қандайдир сирли ишоралар бор эдики, буни ўқиб у қаттиқ тагпвишга тушиб қолди. Бу мактуб Фабрициоииинг барча позик орзу-умидларипи пароканда қилиб юборди. Унинг табиати шуидай хусусиятларга эга эдики, келажакда ўзиии улкан фалокатлар кутаетганига ишонч ҳосил қилмоқ учун биттагина сўзнипг узи кифоя қиларди, у еғига Фабрициопипг тасаввуроти ишга тушиб кетар ва қаҳрамонимизга бу фалокатларнинг мудҳиш тафсилотларипи тасвирлаб бера бошларди.

зииг ҳақингда бизга хабар қилиб езган мактубларипгга асло ммзо чека кўрма,— дея езган эди графипя.— Тўрри Комо кўлига келишни хаелингдан бутунлай чиқариб ташла. ИТвейцария территориясидаги Луганога келиб кўн». Бу шаҳарчага у Кави фамилииси билан келмоғи лозим экан, шаҳарчапинг энг яхши мехмонхоиасида Фабрициони графиняшшг собиқ малайи кутиб турар амиш, у еғига қапдай йўл тутмоқ кераклигини ўша одам айтиб берар экан. Мактубпинг охирида қуйидаги сўзлар езилгаиди:

«Телбаларча қилган ўша ишингни ҳеч кимга билдирма ва энг мухими, епипгда на босма, на қўлезма ҳолда ҳеч қандай қоғоз олиб юрма: Швейцарияда сени муқаддас Маргарита'пинг дўстлари қуршаб юришади. Агар қўлимга пул тушиб қолса,— дея езган эди графиня,— мен Женевага, «Тарози» меҳмонхонасига биронта одамни юбораман, ана шуида сенга ҳозирги хатимда езишим мумкип бўлмаган баъзи тафсилотларни хабар қилишади, зеро, сен уларни бу ерга қайтиб келишингдан аввал билиб олмогинг даркор. Лекин, худо ҳақи, Парижда бир кун ҳам турмай, жўнаб кет: у ерда сени бизнинг жосуслар таниб қолишади».

Фабриционинг хаели турли хаелий тахминларга тўлиб кетди, у эиди фақат бир нарса тўғрисида: аммаси қандай сирли тафсилотларни хабар қилмоқчи эканлиги ҳақида ўйларди. Фабрицио дарҳол Франциядан жўнаб кетди; чегарага етиб олгупига қадар 1;ўлда уни икки марта қамоққа олишди, лекин у бир амаллаб қутулиб кетди; бу кўнгилсизликларга Фабрициопипг итальян г.аспорти ҳамда навқирон чеҳраси ва боғлаб қўйилган қўлига сира қовушмаган «барометрфуруш тужжор» дегап ғалати упвопи саЄаб бўлгапди.

[1] Жаноб Пеллмко*ииг хизмати туфашш бу ном бутун Европага Кошхур бўлиб кетди; Миланда полиция маҳкамаси ҳамда қамокхоиа хкойлашгац куча шуидай аталади. *(Муаллифнинг изоуи).*



Ниҳоят у Женевага етиб келди-да, аммасининг хизматкорп билан учрашди. Аммасининг топшириғига кўра, ўша одам Милан полициясига унинг устидан чақув тушганини хабар қилди. Чақувда езилишяча, гўе Фабрицио собиқ Итальян қироллигида мавжуд бўлгап исенчиларнинг махфий жамияти томонидан Наполеон хузурига қандайдир таклифлар билан жўнатилган эмиш, «Агар саеҳатдан мақсади ўзга бўлганида,— дея езилган эди ча қувда— link бировнинг фамилиясини қабул қилишнинг нима ҳожатя бор эди?» Маркиза дель Донго ҳақиқатни исботлашга уриниб юрганмиш, чуноячи: 1) Фабрицио Швейцариядан хеч қаерга кетмаган; 2) у акаси билан айтишиб қолгану сўнгра кутилмаганда уйдан чиқиб кетган.

Фабрицио бу ҳикояни фахрлапиб тингламоқда эди. «Демак, мепи Наполеопиинг ҳузуридаги элчига ўхшаш бир одам деб ўйлашибди!..— хаел қиларди у. — Гўе мен ўша буюк инсон билан гаплашиш шарафига муяссар бўлганмишмап! Қани энди шу гаплар рост бўлганида!» У етти пушт илгариги аждоди — Сфорцанинг мулозимлари каторида Миланга келган дель Донгонипг набираси боши танидан жудо этилиши шарафига муяссар бўлганини эслади, зеро, герцогнинг ғанимлари уни олиҳиммат каятонларга аълоҳазратнинг таклифларини етказиш ҳамда солдатлар еллаш учун Швейцарияга ўтаетганида қўлга туширишгао экан. Фабрициoнинг кўз ўнгида дель Донголар шан?ара китобидаги ана шу воқеа тасвирланган гравюра намоен бўлди. Малайки сўроққа тутган Фабрицио бир мухим тафсилотни билиб олда, Графиня асло айта кўрма, дея қайта-қайта тайинлаган бўлишига қарамай, у одам жаҳл устида бор гапни айтиб бердя: Милая полициясида унинг устидан чақувни акаси Асканьо ез1ан экая. Бу мудҳиш хабарни эшитиб, қаҳрамонимиз газабинипг зўридаа ўзини йўқотиб қўйди. Женевадан Италияга олиб борадшан йўд Лозанна орқали ўтади; Фабрицио дарҳол йўлга тушишга ва гарчи, нари борса, икки соатдап сўнг Лозаннага дилижанс жўнашз* лозим бўлса-да, бу ўн икки лье келадиган йўлни пиеда боси© ўтишга аҳд қилди. Женевадан жўнаб кетиши панти у файзси» швейцар қаҳвахопаларидан бирида аллақандай йигит билан жанжал чиқарди. Фабрициoнинг айтишича, ўша йигит унга «жуда ғалати» қараган эмиш. Бу гап мутлако тўғри эди, унча-мунча гапга пипагини бузмайдиган ва пулдан бошқа ҳеч нимани ўйламаадигап дурустгина одам бўлмиш ўша женевалик йигит уни телба деб ўйлаганди: Фабрицио қаҳвахопада ўтиргап барча одамларга жаҳл билан ўқраниб қараган ва келтириб беришган бир чашка қаҳвани ўз панталонига тўкиб юборган эди. Бу жанжалд* Фабрициoнинг дастлабки қилган иши бутунлай XVI аср руҳига мованд бўлди: у дуэль ҳақида гап бошлаш ўрнига шартта ханжарини суғурди-да, чавақлаб ташлаш ниятида женевалик йигит томон ташланди. Жаҳл устида Фабрицо ўзига ўрнатилган барча ор-номус қоидаларипи унутиб қўйганди: уинкт қалбида иистинсл бки тўғрироғи, болалик хотиралари уйғонгаи эди.

Графинянинг унп Лугапода кутиб олган ишопчли одами Фабрициога янги тафсилотларни хабар қилиб, қаҳрамонимизнинг газабипи баттар қайнатиб юборди. Фабрициони Гриантада жуда ҳам яхши кўришармиш, у ерда хеч ким оғзидан гуллаб қўймабДй,— ҳамма ўзини унипг Миланга кетганига ишопгандек қилиб кўрсатибди. Агар акаси ўлиб-тирилиб ердам бермагапида, Мигти полицияси унинг ғойиб бўлишига хеч қачон эътибор бермасди.

— Божхона соқчиларига, турган гай, сизиинг белгилариpгизни хабар қилиб қўйишган,— деди Фабрициога аммасининг чонари,— агар биз катта йўлдан борадигаи бўлсак, Ломбардо-Венеция қироллигининг чегарасида сизпи қамоққа олишади.

Фабрицио ва увипг ҳамроҳлари Луганони Комо кўлидан ажратиб турган тоғлардаги ҳар бир сўқмоқни жуда яхши билишарди; улар овчиларга — бошқача қилиб айтганда, контрабандистларга ўхшаб кийиниб олишди, улар уч киши бўлиб, важоҳатлари анча емон кўрипарди; шу боисдан ҳам йўлда учрагаи соқчилар уларга салом беришди-ю, ўтиб кетаверишди. Фабрицио қасрга ярим кечада кириб борди, бу пайтда унинг отаси ва сочига упа сепиб юрадиган барча малайлари аллақачон ухлаб етишгав буларди. Фабрицио сира қийиалмай зовурга тушди-да, ертўла деразасидан қасрга кириб олди; ертўлада уни опаси билан аммаси кутиб туришган экаи, тез орада сипгиллари ҳам етиб келишди. Учрашув завқи, эркалашлар, кўзешлари узоқ давом этди, ўз бахтларига ишонолмай ўтирган бу бахтиер беш одам, ниҳоят, тушунарлироқ қилиб гапира бошлаганларида вақтнинг ғизиллаб ўтганидан далолат бериб, ғира-шира тонг отмоқда эди.

— Аканг сенинг қайтиб келгапингдан хабар топмаган бўлса керак, деб умид қиламан,— деди графиня Пьетранера.— Ўша холис хизматидап кейин у билан гаплашмай қўйгап эдим, мени апча хурмат қилар экап чоғи, бу ҳол иззат-нафсига қаттиқ тегибди. Кеча кечқурун у билан суҳбатлашмоқни лозим кўрдям: ўзимиинг ниҳоятда қувониб юрганимни яширмоқ учун менга бироита баҳона керак эди, акс ҳолда аканг щубҳага тушиб қоларди. У менинг фараз қилинган дўстлигимдаи боши осмонга етганипи пяйқаб қолдим ва кайфиятининг яхшилигидан фойдаланиб, кечки овқат пайти анчагина вино ичириб қўйдим, бугун энди у бирон жойда яшириниб олиб, ўз одати бўйича жосуслик қилмайдиган бўлди.

— Гусаримизни сенинг хоналарингга яширишимиз керак,— деди маркиза,— упинг ҳозир кетиши мумкин эмас. Ҳаяя?оннинг зўридан хаелимизии бир жойга йиғолмаяНмиз, лекип биз анави даҳшатли Милан полициясини қандай алдамоқ йўлини топишимиз лозим.

Худди шундай қилишди ҳам, эртаси куни маркиз билан унинг катта ўғли маркизаиинг қайиисинглисинииг хонасидап чиқмай қўйганини пайқаб қолишди. Биз ўзларини ниҳоятда бахтиер ҳис этаетган бу одамларнинг дилларида қувонч билан бир-бирларини эркалаптлари тасвири устида тўхталиб ўтирмаймиз. Итальяплар-ивнг қалби биз французларникига қараганда жўшқин хаелот туфайли турли шубҳа-гумонлар ва телба фантазияларга берилмоққа мойилроқ бўлади, лекин бунинг эвазига қувонч лаззатини ҳам бизларга қараганда узоқроқ суришади. Ўша куни графиня билан маркиза гўе ақлдан озгандек эдилар. Фабрициониг бошидан кечирган саргузаштларини қайтадан ҳикоя қилиб беришига тўғ-ри келди. Ниҳоят, улар қувончларини яширмоқ учун Миланга яф нашга қарор қилишди, зеро бундан буен маркиз билан унинг ўғли Асканьонинг полициячиларга хос назоратидан пинҳон тутишнииг иложи қолмагандек эди.

Комога қадар улар ўз қайиқларида боришга қарор қилишди, бошқа йўлдан кетишса, шубҳа туғилиши турган гай эди. Бироқ улар Комодаги лангаргоҳга етиб келишганида маркиза бирдан Гриантада жуда муҳим қоғозларни упутиб қолдирганини ^«эслади» ва ўшани олиб келиш учун дарҳол эшкакчиларни жўнатиб юборди. Шу боисдан ҳам улар бу икки хоним мазкур шаҳарда вақтларини қандай ўтказганларйпи хеч кимга айтиб беролмасдилар. Хонимлар эса шаҳарга келибоқ Милан дарвозаси узра қад кўтарган ўрта аср минораси бнида доим мижозларни кутиб турадиган коляскалардан бирини еллагади. Шаҳардап ҳам шу заҳоти жўнаб кетйшдики, кучер хеч ким билан бир оғиз гаплашишга ҳам улгуролмай қолди. Бир чақиримча йўл юришгач, хонимлар таниш овчи йигитни учратиб қолишди. Овчи йигит уларнинг елгиз ўзлари кетишаетганини кўриб, мулозимат билан хоиимларни Миланнинг дарвозасига қадар кузатиб қўйинши таклиф қилдп, зеро ўзи ҳам шаҳар яқинида ов қилиш ниятида кетаетган экаи. Ҳаммаси я?уда яхши бўлиб, хонимлар еш ҳамроҳлари ^билан шодон суҳбатлашиб кетишаетгаи эди, бирдан йўл устипи ўрмон қоплаган хушманзара Сан-Жовани тепалигини айланиб ўтадигаа жойдаги муюлишда уч жандарм пистирмадан югуриб чиқди-да, шартта отларнинг жиловидан ушлади.

— Ох, эрим сиримизии ошкор этибди!— дея хитоб қилди маркиза ва хушидан кетди.

Нарироқда турган жандармерия вахмистри хиел чайқалган қўйи экипаж енига келди-да, маст овоз билан деди:

— Зиммамга юкланган вазифадан хафа бўлсам-да, лекин сизий қамоққа олишга мажбурман, генерал Фабио Конти.

Фабрицио, бу вахмистр мени калака қилиб, генерал дея атади деган хаелга борди. «Бунинг учун ҳали кўрсатиб қўяман сенга»,— дерди у ичида. У пайт пойлаб туриб коляскадан сакраб тушиш ва далага қараб қочиш ниятида жандармларга диққат билан тикилиб турарди.

Графиня вахмистрга қараб ҳар эҳтимолга қарши жилмайганича деди:

— Нималар деяисиз ўзи, дўстгииам? Наҳот ана шу ўн олти яшар йигитчани генерал Конти деб ўйлаетган бўлсангиз?

— Нима, сиз ҳали генералнинг қизи эмасмисиз?— сўради вахмистр.

— Увда менипг отамга яхншлаб разм солипг,— дедй графи пя Фабрициони кўрсатиб.

Жандармлар хохолаб кула бошлашди.

— Ган қайтармасликни илтимос қиламап! Паснортларипгизни кўрсагиш!..— талаб қилди вахмистр ҳамма унинг устидан кулгаиига рашкиб.

~ Миланга боришганида бизнииг хонимлар паспортларини слиб юрншмайди,— деди пинагини бузмай кучер.— Улар ўзларининг Грианта амлокларидан келишянти. Манави ходим — графиня Пьетрансра, аиавилари эса маркиза дель Допго бўладилар.

Довдираб қолгап вахмистр отларнинг жиловидан тутпб турган жандармларнинг енига бориб, улар билая кенгаша бошлади. Уларнинг кенгаяш беш минутча давом этди, бироқ графиня кучерга бир неча қадам нарига юриб, коляскаии сояга ўтказищи учуй ижозат берсапглар, дея уларнинг гапини бўлди. Гарчи эндигина соат эрталаб ўн бирлар бўлса-да, қуеш аевсиз қиздирмоқда эди. Фабрицио қайеи йўлдан қочигаини ўйлаб, чор-атрофга диққат билан қарар экап, дала оралаб ўтган сўқмоқдан чанг босган катта йўлга ўи тўрт-ўн беш ешлардаги бир қизнинг чиқиб келганини кўриб қолди. Қиз юзини ўктии-ўктнн дастрўмоли билап беркитганича икки жандарм ўртасида аста йиғлаб келмоқда эди. Унинг ортидан эса худди шундай икки жандарм соқчилигида озғин, новча бир одам, худди тантанали маросимда қатпашаетган префект янглиғ алоҳида бир виқор билан қадам ташлаб келарди.

— Уларни қаердаи топдинглар?— дея сўради кайфи анча тарақ бўлиб қолган вахмистр.

— Далада қочиб кетишаетган экан. Енларида паспортлариям йўқ.

Вахмистр, чамаси бутунлай довдираб қолганга ўхгаарди: у қамоққа олиши лозим бўлган икки асир ўрнига қўлига бутуп бошли беш киши тушиб турибди. Вахмистр ўз штаби билан бир печа қадам нарига кетди. Асирларнинг олдида у фақат икки жандармпи қолди-рди: улардан бири маҳобатли маҳбусни қўриқлаши, иккинчиси эса отларнинг жиловидан ушлаб туриши лозим эди.

— Жойингда туравер!—дея шивирлади графиня Фабрициога, унинг коляскадан сакраб тушганини кўриб.— Ҳамма иш яхши бўлади.

Жандармлардан бирининг:

— Барибир! Уларнинг паспортлари йўқми? Йўқ. Демак ушлаб тўғри қилдик,— дея бақириши эшитилиб турарди.

Вахмистр эса иккиланиб қолгандек кўринарди,— графиня Пьетраиеранинг фамилияси упи ташвишга солиб қўйгапди: вахмистр граф Пьетранерани танирди-ю, бироқ графнинг ўлимидан бехабар эди.

«Генерал хотишгаи ўринсиз қамоққа олишимни кечирадиган едамлардап эмас!»— дея ўйларди у.

Узоқ давом этган бу муҳокама пайтида графиня коляска енидаги чанг йўл устида турган анави еш қизни гапга сола бошлади,— графиняни унинг ҳусни ҳайратга солган эди.

— Агар қуешнинг тиғида тураверсапгиз бошингиз огрийдя, синъорипа. Манави еқимтой солдат,— дея қўшимча қилди у отларнинг жиловидан тутиб турган жандармга қараб,— коляскага чиқиб ўтиришингизга ижозат беради албатта.

Экипаж атрофида айланиб юрган Фабрицио қизга ердам бериш учун яқинлашди. Фабрицио унинг тирсагидан тутиб, қиз экипажнинг зинасига қадам қўйган ҳам эдики, бирдан унинг коляскадан олти қадамча нарида турган маҳобатли ҳамроҳи кибрҳавоиинг зўридан овози бўғилиб қичқирди:

— Йўлда тураверинг, бировнинг экипаяшга ўтириш одобдан эмас.

Фабрицио унинг буйругини эшитмай қолди. Қиз эса дарҳол орқасига ўгирилиб, зииадан пастга сакради. Фабрицио ҳамон унинг тирсагидан тутиб тургани боисидан, қиз тўғри унинг қучоғига тушди. Фабрицио жилмайиб қўйди, қиз эса лоладек қизариб кетди, у ерга сирпаниб тушди-ю, лекин улар яна бир лаҳза бир-бирларига тикилиб туришди.

«Қамокхонада ажойиб дугонам бўлиши мумкин эди!— дея ўйладв Фабрицио.:— Унинг чеҳрасидан жуда теран фикр юритиши сезилкб турибди!.. Бу қиз катта муҳаббат учуй яратилган».

Уларни енига вахмистр келиб,амрона оҳангда сўради:

— Хонимлардан қайбирингиз Клелия Конти бўласиз?

— Мен,— дея жавоб қайтарди қиз.

— Мен — гeпeрал Фабио Конти бўламан,— хитоб қилди маҳобатли чол.— Мен Парма шаҳзодаси аълоҳазратларишшг камерғерлариман. Унвоним баланд, шу боисдан ҳам менга қаидайдир ўғри одамдек муносабатда бўлишларини мутлақо йўл қўйиэ бўлмайдигая бир ҳол ҳисоблайман.

— Ўтган куни Комодаги лангаргоҳда қайиққа ўтира туриб, сиз полиция инспекторини паспортингизни кўрсатмоқни талаа қидтани учун, жил урсин сени, деб ҳақорат қилибсиз. Бугун эса у си,знк соқчилар билан сайр қилишга жўнатиб, Ячин уришнинг қанақалигипи кўрсатиб қўймоқчи.

— Ўшанда баз соҳилдан сузиб кетгапдик, мен шошиб турувдим, зеро бўрон кўтарилаетган эди. Фуқороча кийинган алла қандай одам лангаргоҳдан туриб, менга қайтинг дея қичқирди, мен унга ўзимнинг кимлвтимни айтдим-да, биз сузиб кетавердик.

— Бугун эрталаб эса Комодан қочиб кетибсиз.

— Менинг унвошшдаги одамлар кўлни томоша қилмоқ учу» Милaндан чиқишгаяпда енларида паспорт олиб юришмайди. Бугун эрталаб Комода менга, шаҳар дарвозаси олдида сизни қамоққа олишади, деб айтигади. Шу боисдан ҳам қизим билан шаҳардан пиеда чиқиб кетдим. Чунки, йўлда Миланга қадар олиб бориб қўядиган биропта экзйпажии учратиб қоларман, дея умни

қилгандим. Миланда эса дарҳол вилоят генерал-губернаторига шикоятнома езмоқчи эдим.

Вахмистрнинг елкасидан, чамаси, ТОР қулагандек бўлди.

— Бўпти, генерал, сиз қамоққа олиндингиз, мен сизни Миланга олиб бораман. Хўш, сиз ким бўласиз?— дея сўради у Фабри[2] циодан.

— Менинг ўғлим,— деди жавобан графиня.— Асканьо, дини-ЕИЯ генерали Пьетранеранинг ўғли.

— Паспорти йўқми, графиня?— сўради вахмистр, дарҳол юмшаб.

— У шу қадар ешки, ҳали паспорт олишга ҳам улгурмаган. Ўғлим ҳеч қачон елғиз саеҳат қилмайди, фақат мен билан бирга юради.

Бу сўроқ пайти генерал иззат-нафсига тегишганидан борган сайин қаттиқроқ ранжиб, жандармлар билан айтишиб турди.

— Ганни кўпайтиришнинг нима кераги бор?— деди жандармлардан бири.— Цамоққа олиндингиз, тамом-вассалом.

Биронта деҳқондан от еллашингизга рухсат бераетганимиз учун раҳмат денг ҳали,— гап қотди вахмистр.-— Бўлмасам, куннипг иссиқлигию йўлнинг чанглиги ҳамда камергерлик унвонингизга қарамай пиеда юришингизга тўғри келарди, биз бўлсак, икки четингизда отда борардик.

Генерал сўкина бошлади.

— Ҳой, яхшиси овозингни ўчир!— дея унинг оғзига урди жандарм.— Цани ўша генераллик мундиринг? Бунақада ҳар қандай фирибгар ҳам ўзини генерал деб аташи мумкин.

Генерал ниҳоятда тутоқиб кетди. Коляскада эса бу орада ишлар жуда юрцшиб кетганди.

Графиня жапдармларга улар худди ўз хизматкорларидек иш бутора бошлаганди. Хоним улардан бирининг қўлига бир экю тут-1.азди-да, икки юз қадамча нарида кўриниб турган майхонадаи виио ва эиг муҳими, совуқ сув келтиришни буюрди. Пайт пойлаб туриб у боядан бери анави тепаликни қоплаган ўрмон томон қочмоқчи бўлаетган Фабрициони тинчитди. «Менинг яхши тўппопчаларим бор»,— дерди нуқул Фабрицио. Дарғазаб генералдан эса графиня қизининг коляскага чиқиб ўтириши учун ижозат олди. Шундап сўнг, одатда ўзи ва қариндош-уруғлари ҳақида гап сотишни яхши кўрадиган генерал хонимларгақизииинг эндигина ўн икки ешга тўлгани, зеро у 1803 йилнинг 27 октябрь куни туғилгаии, бироқ унинг жуда оқила экани, шу боисдан ҳам барча упи, ув тўрт ва ҳатто ўн беш ешда бўлса керак, деб ўйлашини хабар қилди.

«Шунақаям калтабип одам бўладими!»— графиня билан маркизанинг кўзидан ана шу маънони уқиш мумкин эди. Графиняпинг харакати билан бутуп бир соат давом этган музокаралардан < ўнг ҳамма иш тўғри бўлиб кетди. Графиня «Манави ўн франкни олиб қўйинг»,— деганидан сўнг кутилмаганда жандармлардан



бирининг қўшни кишлоқда зарур иши чидиб қолди ва у ўз отвни генерал Контига бериб туришга роси бўлди.

Вахмистр генерал билан жўнаб кетди, қолган ҳамма жандармлар эса саватларга солуғлик тўртта катта шигаани ўртага қўйиб, дарахт тагига ўтиришди. Бу шишаларнп боя майхонага юборилган жандарм бир деҳқон билан бирга кўтариб келганди. Кеккайган камергер Клелия Контига, Миланга қадар етиб олсип, дея илтифотли хонимларнинг коляскасидан жой олишга ижозап берди, жасур генерал Пьетранеранинг «ўғли»ни эса тартиб нозирлари қамоққа олишини ҳатто хаелларига ҳам келтирмадилар. Коляска йўлга тушди. Бир-бирларига назокатли сўзлар айтиш ва ҳозирги кутилмаган можарони муҳокама қилиш билан ўтган бир неча дақиқадап сўнг Клелия Конти ниҳоятда куркам хоним бўлмиш графиня Фабрициога қандайдир ғалати, сукланиб қараетганини пайқаб қолди,— турган гап, у Фабрициониng онаси эмасди. Цизни айникса бу йигитнинг яқинда қандайдир ниҳоятда хавфли бир иш қилиб, қаҳрамонона жасорат кўрсатганига қайта-қайта қилииган ишоралар қизиқтириб қўйди, лекия шундай оқила бўлишига қарамай, Клелия гап нима тўғрисида кетаетганлигини англай олмади.

Циз ушбу павқирон қаҳрамонга ажабланиб разм солар экан, иазарида унинг кўзлари яқинда кўрсатилган ўша қаҳрамошгиклар оловини акс эттираетгапдек туюларди. Фабрицио эса унинг завқ билан қарашидан қизариб ўтирган бу ўн икки яшар қизалоқнинг бениҳоя гўзаллигини кўриб, бир оз хижолатга тушганди.

Миланга етишларига бир лье қолгапида Фабрицио амакисини кўриб кетмоқчи эканлигини айтиб, хонимлар билан хайрлашди.

'— Агар мана шу машмашалардан эсон-омоп қутулсам,—деди у Клелияга,— мен Пармага, унинг галереяларидаги ажойиб картиналарни томоша қилгани бораман. Марҳамат қилиб исмшарифимни эслаб қолсангиз: Фабрицио дель Донго.

— Офарин!— дея хитоб қилди графиня.— Сир сақлашга ҳам жуда уста экансан! Синьорина, илтимос, марҳамат қилиб эслаб қолинг, бу ярамас бола — менинг ўғлим бўлади ва унинг фамилияси Пьетранера, сира ҳам дель Донго эмас.

Кечқурун, вақт алламаҳал бўлганида Фабрицио шаҳарликларнинг севимли сайргоҳи бўлмиш хиебон томон олиб борадиган Ранци дарвозасидан Миланга кириб борди. Икки хизматкорни Швейцарияга жўнатиш пайти қўлларидаги бор жамгармаларини сарфлаб бўлишган маркиза билан унинг қайинсииглиси умуман пулсиз қолишганди, лекин, хайриятки, Фабрициопииг қўлида ҳали бир неча наполеондор билан битта бриллиант бор эди. Шуни сотишга қарор қилишди.

Бу икки хопимни ҳамма танир ва яхши кўрарди. Австрия партиясига мансуб энг нуфузли ва тақводор одамлар полиция бошлиғи барон Биндердан Фабрициониng айби кечирилишини илтимос қила бошладилар. Ушбу жаноблар ўзларининг айтишларича, акаси билан уришиб қолгач, отасияинг уйидан қочиб кет-

гай ўд олтж ешди бир болакайнинг бу қилиғига қай йўсинда жиддий тус бериш мумкинлигини тушунолмай қолишганди.

— Менинг вазифам ҳамма ишга жиддий тус бермоқдир,— дея мулойим жавоб қилди доим маъюс юрадиган ақлли одам бўлмиш Биндер. У ўша кезлари емонликда ном чиқарган машҳур Милан полициясини ташкил этиб, 1746 йили австрияликларни Генуядан қувиб чиқарган* революцияга ўхшаш алғов-далғовларнинг олдини олишни ўзига мақсад қилиб қўйган эди. Пеликко ҳамда Андриан* жанобларииг саргузаштлари машҳур қилиб юборган Милан полицияси ошкора шафқатсизлик килмасди: у фақат муттасил равишда, раҳмсизлик билан қаттиқ қонунларга риоя қиларди. Император Франц П* итальянларнинг жасур қалбига даҳшат солмоқни истарди.

— Меяга навқирон маркезино дель Донгонинг Гриантадан чиқиб кетган саккизинчи март кунидан бошлаб кеча кечқурун Миланга кириб келган ва ҳозир онасининг хоналаридан бирида яшириниб ўтирган бугупги кунига қадар,— дерди барон Биндер Фабрициониег ҳомийларига,— ҳар куни нима иш қилгани ҳақида *гувоулар тасдиқлаган маълумот* беринг — ана шунда мен уни бу шаҳарнинг йигитлари ичида энг еқимтой шумтака деб ҳисоблайман. Лекин агар сиз унинг Гриантадан чиқиб кетгаиидан сўнг ҳар куни қаерда бўлганини аниқ айтиб беролмасангиз, у ҳолда, йигитчанинг олий насл-насабига ҳамда оиласининг дўстларипи қанчалик ҳурмат қилишимга қарамай, уни ҳибс этмоқни ўз бурчим деб биламан. Шундан сўнг у, эҳтимол, император ва қирол аълоҳазратларининг фуқаролари орасида мавжуд саноқли норози одамларнинг тошнириғи билан Наполеоннинг ҳузурига бормаганига ишончли далилу исбот келтирмагунига қадар уни қамоқхонада тутиб туришимга тўғри келади. Яна шунга ҳам эътибор берингки, жаноблар, агар навқирон дель Донго ушбу айбпоманинг

нотўғри эканлигини исботлаб берган тақдирда ҳам, лекин у барибир қонун тақозо этган паспортни олмай туриб, бировнинг номи билан, чегарани кесиб ўтгани учун сўзсиз айбдор ҳисобланади. Зеро у атайлаб оддий бир ҳунарманднинг, яъни ижтимоий жиҳатдан паст табақага мансуб бир одамнинг паспортидан фойдаланганки, бу иш дворянин учун мутлақо номуносибдир.

Мантиқан ниҳоятда пишиқ ушбу изоҳотни полиция бошлиғи маркиза дель Донга ва унинг олийнасаб ҳимоятчиларининг мартабаси талаб қилганидек ниҳоятда одоб ва ҳурмат билан баеп этди.

Маркиза барон Биндернинг жавобини эшитгач, ниҳоятда умидсизликка тушди.

— Фабрициони қамоққа олишади!—дея хитоб қилди у кўзидан дув-дув еш думалаб.— Агар уни қамаб қўйишадиган бўлишса, худо билсин, ўғлим у ердан қачон чиқади! Отаси оқ қилади ахир.

Пьетранера хоним ва унинг келинойиси икки-уч яқин дўстларипи кенгашга чақиришди; уларнинг панд-насиҳатига қарамай,



маркиза ўғлим шу бугув тундаеқ жўнаб кетиши керак, дея цаттиқ туриб олди.

— Лекин ўзинг кўриб турибсан-ку, — дерди графиия,— барон Биндер ўғлингнинг шу ерда эканлигини билади, у сира ҳам евуз одам эмас.

— Ҳа, евуз эмас, аммо у император Фражцнииғ кўнгливи олишни истайди.

— Бироқ, агар барон мартабасини ошириш учун Фабрициони қамоққа олишни фойдали деб ҳисоблаганида, у бу ишни аллақачон қилган бўларди. Фабрициони қочириб юбориш баронга нисбатан ҳақоратли равишда ишончсизлик намойиш этмоқ дегаи маънони апглатади.

— Лекин у Фабрициoнинг ҳозир қаерда яширшшб ўтиргани ўзига маълум эканига ишора қилганида бу билан у бизга очиқойдин қилиб: «Уни яғўпатиб юборинг!»— демоқчи бўлган. Йўқ, мен муттасил: «Чорак соатдан сўнг ўғлимни эҳтимол ҳибсга олишар!»— деған хаел билан яшай олмайман. Барон Биндернинг иззат-пафсини қондириш йўлидаги мақсадлари қандай бўлмасип,— дея қўшимча қилди маркиза,— мамлакатимиздаги ўз гаахсий манфаатлари нуктаи-иазаридан унга эримга ўхшаш олийнасаб одамларга хайрихоҳлик намойиш этмоқ фойдалидир. Баронниег ўғлимни қаердан ушлага мумкинлигини билиши ҳақнда сира яширмай, очиқдан-очиқ айтгави ҳам шундан далолат бериб турибди. Бунинг устига, у ниҳоятда идтифот кўрсатиб, виждонсиз акасининг чақувига биноан Фабрициони қандай икки жиноятда айблашаетганини аииқ баен қилиб берди ва бу ҳар икки жиноят учун қамоқ жазоси хавф солаетганини тушунтирди. Бу билан у бизга: «Балким, сизлар қувғинни афзал кўрареиз? Иетаганингизни ўзингиз танлаб олинг»,— демоқчи эмасми ахир?

— Агар сен қувғинликни танласанг,— дея такрорларди ғрафиня,— биз кейин Фабрициони ҳеч қачон кўролмаймиз-

Маркизанинг ўша кезлари Австрия томонидан таъсис этилган трибуналнинг маслаҳатчиеи бўлмиш эеки дўстларидан бири билан ушбу музокараларда қатнашаетган Фабрицио қатъиян қочиш ниятида эканлигини айтди; чиндан ҳам ўша куни кечқурун у онаси билан аммасини Ла Скала театрига олиб бораетғаж каретага яшириниб, саройни тарн этди. Улар кучерға ишшгашмасди, лекин у, одатдагидек, бир оз қовоқхонада ўтириш учун жўнаб, отларни ишопчли одам бўлмиш малай қўриқлаб қолганида, деҳқон кийимини кийиб олган Фабрицио ка-ретадан сакраб тугади-да, шаҳардан чиқиб кетди. Эртаси купи у худди шундай пинҳона чегарадан ўтиб олди ва бир неча соатдан сўнг Новара яқинидаги Романьянога — онасининг Пьемонтдаги амлокига етиб борди. Бир вақтлар шу ерларда Баярд* ўлдирилган эди.

Ла Скала театрининг ложасида ўтиришар экан, графиня билан унинг келинойиси операни қаичалик диққат билан тинглашганини тасаввур қилиш қийнн бўлмаса керак. Улар театрга либераллар партиясига мансуб бўлган дўстлари билан маслаҳатла-

шиш мақсадидагина боришганди, зеро полиция либералларнинг дель Донголар саройига қадам ранжида қилишини емонликка йўйиши хеч гап эмасди. Яна бир бор барон Биндерга мурожаат эамоққа қарор қилинди; пора бериш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди, ушбу аркони давлат жуда ҳалол одам эди ва бунинг устига, иккала хоним ҳам бутунлай қашпюқлашиб қолишганди. Улар Фабрициони бриллиант сотилганидан кейин қолгаи ҳамма пулни олиб кетишга мажбур қилишганди. Бироқ бароннинг сўнгги сўзини эшитмоқ ҳам катта аҳамиятга эга эди. Дўстлари графиняга Борда фамилияли бир каноникни эслатишди. Анчайин ширинсухаи йигит бўлмиш бу одам бир вақтлар графинянипг кўнглиии овлашга уринган ва кейин разил бир иш қилганди: уринишлари зое кетгач, у генерал <Пьетранерага/хотинищгаг Лимеркати билап алоқаси борлигини чаққан ва бунинг учун манфур бир кимса сифатида уйдан қувиб юборилганди. Аммо энди ўша канопик ҳар куни кечқурун баронесса Биндер билан тарок ўйнар ва турган гап, унинг эри билан ҳам дуст эди. Графиня ўзи учун бу иш қанчали оғир бўлмасин, каноникшшг хузурига боришга аҳд қилди ва эртасига эрталаб, у ҳали уйдан чиқиб кетишга улгурмаган бир пайтда ўзинипг келгани ҳақида маълум қилишни буюрди.

Каноникнинг ягона хизматкори келган хонимнинг фамилиясиии айтганида, ҳаяжоннинг зўридан Бордапинг товуши бўғилиб қолди. У ҳатто анча палапартиш хонаки кийимини тартибга солишни ҳам унутиб қўйди.

— Хоимни ичкарига таклиф қилинг-да, ўзингиз йўқолинг бу ердан,— деди у заиф овоз билан.

Графиня хонага кирди, Борда дарҳол тиз чўкди.

— Бахтиқаро телба сизнинг фармойишларингизии фақат тиз чўкиб тингламоги керак,— деди у.

Ўша тонг чоғи одамларнинг эътиборини ўзига жалб қилмаслик учун атайлаб оддийгина кийиниб олган графиня ниҳоятда дилбар кўринарди. Фабрициониг қувгин қилингани боисидан дилидаги чуқур қайгу, бир вақтлар аблаҳлик қилган бир одамнинг ҳузурига келмоқ учун ўзини зўрлаш — буларнинг баридан унинг шаҳло кўзлари чароқлаб турарди.

— Сизнинг буйруқларингизни тиз чўкиб эгаитишни истайман!— дея хитоб қилди канопик.— Турган гап, сиз мендан бирор ишда ердам сўраб келгансиз, акс ҳолда, бир бечора телбанинг уйига қадам ранжида қилишни ўзингизга лозим кўрмаган бўлардингиз. Бир вақтлар муҳаббат ва рашк ўтида қоврилар эканман, висолингизга етолмай, алам устида сизга нисбатан аблаҳлик қилгандим.

Бу сўзлар дилдан айтилганди ва ҳозирги кунда каноник анча хукмбардор одам бўлиб қолгани учун ҳам жуда мардонавор эшитиларди; таъсирланиб кетганидан графинянинг кўзларига еш келди, унинг қалбини қўрқув ва хўрлик алами эзиб турганди, мана энди бир лаҳзада унинг кўнгли ийиб, дилида умид учқунлари йайдо бўлди. Ҳозиргина у пиҳоятда бахтсиз эди ва бирдан ўзини деярли бахтиер ҳис эта бошлади.

— Қўлимни ўп,— деди у канониккa,— ва ўрнингдан тур. (Италияда «сенсираб» мурожаат қилиш самимий дўстликдан далолат бериши ҳамда уйдан ҳам нозикроц туйғуларни ифодалашипи едда тутиш керак). Мен сендан жияним Фабрициога мурувват кўрсатишпи илтимос қилиб келдим. Сенга эски дўстим сифатида бор ҳақиқатни очиқ айтиб бераман. Фабрицио ҳозир ўн олти ярим ешда, яқинда у мисли кўрилмаган телбалик қилди. Биз Комо кўлининг соҳилидаги Грианта амлокида истиқомат қилардик. Бир купи кечқурун соат еттида Комодан сузиб келган қайиқ бизга императорнипг Жуап кўрфазига келиб тугагани ҳақида хабар олиб келди. Эртасига эрталабоқ Фабрицио ўз ошнаси, барометрфуруш Вази фамилияли бир оддий одамнинг паспортний олиб, Францияга жўнади. Турқи-тароватига кўра Фабрицио барометрфуруш одамга сира ҳам ўхшамайди, шу боисдап ҳам Франция бўйлаб ўн лье ҳам йўл юрмай уни қамоққа олишибди, зеро унинг француз тилини бузиб завқ-шавқ билан гапириши у ердагичарга шубҳали кўрипибди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Фабрицио қамоқдан қочибди-да, Женевага етиб келибди; биз уни кутиб олиш учун бир хизматкорни Луганога..:

— Сиз, яъни Женевага, демоқчисиз,— жилмайиб упипг гапини тўғрилади капоник.

Графиня ҳикоясини ниҳоясига етказди.

— Сиз учун инсон зотининг қўлидан келган барча ишни қиламан,— деди жўшқин оҳангда каноник.— Мен бутунлай сизнинг ихтиерингиздамап. Сиз учун ҳатто телбалик қилишга ҳам тайерман. Ушбу ғариб кулбадан бутуи ҳаетимга еғду сочган хилқат сифат малак чиқиб кетган дақиқадан эътиборан нима қилмоғим кераклигини айтинг.

— Барон Биндсршшг олдига боринг-да, унга Фабрициони туғилган кунидан буен танишингизни ва уни яхши кўришингизни, Фабрицио кўз ўнгингизда ўсганини, зеро бизникига доим бориб турганингизни айтинг; барон билан ўртангиздаги дўстликни шафе келтириб, илтижо қилинг, у ўз жосуслари орқали Фабрициoнинг Швейцарияга жўнашдан олдин назорат остида бўлган либераллардан биронтаси билан қисқа муддатга бўлса-да, бирон марта учрашганми йўқми — шуни текшириб кўрсин. Агар бароннинг ердамчилари уддабурон бўлишса, у бу ўринда фақат болаларга хос енгилтаклик тўгрисидагина гапириш мумкиплигига ишонч ҳосил қилади. Единингизда бўлса керак, албатта, бир вақтлар мен яшаган Дуньяни саройининг башанг бўлмаларидаги деворларда Наполеон зафар қучган жанг манзараларини тасвирловчи гравюралар осиглиқ турарди; жияним ана шу гравюралар остидаги езувларни ҳижжалаб ўқиб, савод чиқарган. У ҳали беш яшар болакай бўлганида раҳматли эрим унга ана шу жанглар тўгрисида ҳикоя қилиб берарди; биз Фабрициoнинг бошига эримнинг дубулгасипи кийдириб қўярдик, болакай унинг катта қиличппи

ерда сургаб ўйнарди. Шупдай қилиб, кунлардан бирида у эримнинг ҳомайси. имдератор Р1аполеоннинг Францияга қайтиб келганидан хабар топади; тентак йигитча узи сажда қиладиган қаҳрамоннинг лашкарига қўшилмоқ учун йўлга отланади, бироқ бунинг уддасидан чиқолмайди. Барондан сўраб кўринг, ана шу. бир лаҳзалик тентаклиги учун у Фабрициога қандай жазони рано кўраркин.

— Мен сизга бир нарсапи кўрсатишни унутибман!— дея хитоб қилди каноник.— Сиз мепинг гуноҳимдан ўтдингиз, ҳозвр, бир оз бўлса-да, бупинг учун муносиб иш қилганимни кўрасиз. Мана,— деди у стол устидаги қоғозларни вароқлар экан,— мана ўгаа разил со!1ог(о нинг (мунофиқнинг) чақув мактуби, имзосига бир қараиг: *Асканьо Вальсерра^ дель Донго* — бу машмашаларнинг ҳаммасини ўша бошлаган. Кеча мен полиция маҳкамасида униш чақув хатини олдим-да, ложангизга кириб-чиқиЯ юрадиган биронта одамни тоипб, ўша орқали бу қоғозниг мазмунини сизга етказмоқ ниятида театрга равона бўлдим. Бу хатдан кўчирплган иусха аллақачон Веиага жўнатиб юборилган. Сиз ана ту душмапга қарши курашмоғингиз керак.

Каноник графиняга чақув хатини ўқиб берди; сўнгра у туш чоги ипюнчли воситачи орқали хонимга хатнинг нусхасипи юборишга ваъда қилди. Графиня дель Донго саройига дилида қувопч билап қайтиб келди.

— *Аввалги абла%* энди жуда инсофли одам бўлиб қолибди! — деди у маркизага.— Бугун кечқурун Ла Скалага борамиз. Те.атрдаги соат чоракам ўн бирни кўрсатганида ложамизда1 я барча одамларни чиқариб юборамиз-да, чироқни ўчириб, эшикпя қулфлаймиз, соат ўн бирда эса ҳузуримизга каноникнинг ўзи келиб, кима ишлар қила олгани ҳақида гапириб беради. Биз у биаан, шу йўл унинг учун хавфсизроқ бўлади, дея келишиб олдик.

Каноник жуда ақлли одам эди, у келишилган пайтда сира кечикмай етиб келди ва ниҳоятда самимият билан бор гапни айтиб берди. Одатда бундай самимият шуҳратпарастлик барча бўлак туйғулардан устун келмайдиган мамлакатлардагина учрайди. Бир вақтлар графипяни генерал Пьетранерага чаққаии ҳақидаги хотира канонпкка қаттиқ азоб бериб келарди; энди у виждон азобидан қутулиш чорасини топди.

Эрталаб графиня унинг олдидан чиқиб кетгач, каноник: «Ана холос... Турган гап, у жияни билан ошиқ-маъшуқ бўлиб қолган!»— дея хаелидан ўтказди. Бу гумондан дилини ҳасратли бир туйғу қоплади, зеро капоникнинг юраги ҳамон графинянинг дардида ениб келарди. «Шундай мағрур аел була ту риб, олдимга ўзи келди-я!.. Бояқиш Пьетранеранинг ўлимидан сўнг ҳар қандай хизматига тайер эканлигимни унга ўзининг собиқ ўйнаши полковник Скотти орқали ниҳоятда одоб сақлаб, назокат билан айттирган эдим, графиня бу таклифларимни даҳшатга тушиб рад этди. Дилрабо графиня Пьетранера бир ярим минг франклик иенсияга яптамоқни афзал курди!—дея эсларди каноник хона



бўйлаб қаяжон ичида у екдан-бу екқа юрар экан.— Кейин эса у Гриантага жўнаб кетди. Ўша муртад зессаЬге[1] маркиз дель Донго енида қандай яшай олдийкин у? Энди ҳаммаси тушуиарли. Чиндан ҳам ўша навқирон Фабриционинг фазилатлари куп жуда; бўйи баланд, қомати самбитдек, лабларида доим қувноқ табассум, ҳаммасидан ҳам кўз қарашларини айтмайсизми; аелларга хумор боқади у. Юзидаги ифода ҳам худди Корреджо* картиналаридаги йигитларникига ўхшайди»,— дея алам билап ўйларди каноник.

«Егаларидаги фарқми?.. Лекин бу фарқ унча катта ҳам эмас. Фабрицио французлар бостириб келганидан сўнг орадан куп вақт ўтмай туғилганди. Едимда, тўқсон саккизинчи йил эди, ўшанда. Графиня эса ҳозир нари борса йигнрма етти-йигврма сэккизларга кирган, соҳибжамолликда ҳеч қандай аел тепг келолмайди унга. Бизнинг мамлакатда сулув аеллар кўп жуда, лекин у барнолар орасида барьто кўринади. Марини, Герарди, Руга, Арези, Пьетрагруалар унга сира ҳам тенглаша олмайдилар... Ошиқ-маъгауклар жамиятдан йироқда, ажойиб Комо кўлининг соҳилида айгаларини суриб юраверадилару, лекин бирдап анави йигитча ҳаммаснддан воз кечиб, Нанолеоннинг қўшипи томоп қочди.„ Дарҳақиқат, нима дейишса дейишаверсину, Италияда ҳамоп мард одамлар бор!.. Азиз ватан йўлида жон фидо қилишга тайер улар!.. Ҳа, ҳа,— дерди унга рашк ўтида қовурилаетган қалби,— акс ҳолда унинг қишлоқда хору зор бўлиб ягаашга ва ҳар куни ов;атланиш пайти анави маркиз дель Донгонинг мурдор башараси ҳамда бир кун келиб отасидан ҳам ўтиб тушиши аниқ бўлиб қолган бадбуруш Асканьони жирканиб бўлса-да, кўришга итоатгўйлик билан рози бўлиб юришига сира ҳам тушуниб бўлмасди... Нимаям дердим, унга ҳалол хизмат қилганим бўлсин. Лоақал энди театрда унга фақат дурбин орқали қарамай, ўзини яқиндап куриш шарафига муяссар бўламан-ку».

Каноник Борда хонимларга бор гапни батафсил тушунтириб берди. Ўша Биндер дилида уларга жуда хайриҳоҳ эмиш, у Фабриционинг Венадан буйруқ келмасидан олдин қочиб кетишига улгурганини эшитиб, жуда хурсанд бўлибди, зеро Биндер ўз ҳукми билап бир ишни ҳал қилиш ваколатига эга эмас экан: бу иш юзасидан ҳам, бошқа барча ишларда бўлганидек, буйруқ кутаетганмиш; у ҳар куни қўлига келиб тушаетган барча маълумотномалардан аниқ нусха кўчиртириб Венага жўнатар ва сўнгра кутиб ўтирар экан.

Фабрицио ўз хоҳиши билан Романьянода сургунда юрар экан, қуйидагиларга амал қилмоғи керак:

\. Ҳар куни кандасиз тушки ибодатга қатнамоғи зарур; ўзига пир қилиб айбр ва монархияга содиқ бир одамни танлаб олмоғи ва кафорат чоғи фақат содиқ фуқароларга хос тўғри туйғуларинигина айтмоги лозим.

[1] Сурбет *(итал.).*

2. Маҳмадоналикда ном чиқаргап биронта ҳам одам билав борди-келди қилмаслиги, урни келиб қолганда кўзғолонлар тўғрисида даҳшат билан, сира йўл қўйиб бўлмайдиган хатти-ҳаракат сифатида гапирмоғи керак.

3. Ҳеч қачон қаҳвахоналарга бормаслиги, ҳукумат томонидан Турип ҳамда Миланда чиқариладиган икки варақадан бўлак биронта ҳам газета ўқимаслиги ва умуман мутолаа қилигага хуши йўқлигини намойиш этмоғи, энг муҳими эса, 1720 йилдан кейип езилган биронта ҳам китобни қўлига ҳам олмаслиги лозим,— жуда бўлмағанда Вальтер Скоттнинг романларини ўқиши мумкип.

— Ва ниҳоят,— дея қўшимча қилди каноник хиел қувлик билан,— Фабрицио ошкора тарзда ўша ерлик биронта гўзалнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилмоғи керак, ул санам албатта тагли-тахтли оиладан бўлмоғи лозим; бу ҳол унинг ақл хусусияти жиҳатидан бўлажак ис'еичиларга хос безовта ва одамови эмаслигидан далолат бериб туради.

Уйқуга етиш олдидан графиня билан маркиза Фабрициога хат езигади ва мактубларида Фабрициога каноник Борданинг барча маслаҳатларини қунт билан баен қилиб беришди.

Фабрицио фитначи бўлишпи сира ҳам истамасди: у Наполеопни яхши кўрар ва дворянлик ҳуқуқига биноан ўзипи бошқаларга Караганда бахтлироқ яшаш учув яратилган деб ҳисобларди, буржуалар эса уига кулгили бўлиб кўрипишарди. Қаҳрамонимиз ўзини коллегиядан олиб кетишганидан буен биронта ҳам китобни очиб кўрмаганди. Коллегияда ҳам у фақат иезуитлар қайта тузиб баен қилиб берган китобларнигина ўқиганди. Фабрицио Романьяно яқинида, машҳур меъмор Сан-Микели* ижодининг энг яхши маҳсули бўлмиш муҳташам саройда истиқомат қила бошлади; бироқ ушбу куркам қасрда ўттиз йилдан буен ҳеч ким яшамасди, шу боисдан унинг барча шифтларидап чакка ўтар ва биронта ҳам дераза зич епилмас эди. Фабрицио такаллуфсизлик билан бошқарувчининг отларини эгаллаб олди ва кун бўйи уларни миниб сайр қиладиган одат чиқарди; у ҳеч ким билан гаплашмас ва жуда кўн хаелга чўмиб, мулоҳаза қиларди. Биронта ашаддий монархистнинг оиласидан ўзига маъшуқа топиш ҳақидаги маслаҳат унга жуда қйзиқ кўринди ва у дарҳол бу маслаҳатга амал қила бошлади. Ўзига пир қилиб Фабрицио епископлик орзусида юрган (Шпильбергдаги пир каби[1])* еш ва маккор бир руҳонийни танлади, лекин шу билан бирга у гўе ҳаммадан пинҳон тутган ҳолда «Конститюсьонель»*ни ўқимоқ учун уч лье масофаии эринмай ниеда босиб ўтарди. Бу газетани эса у ўзи учун кашфиет дея ҳисобларди. «Бу худди Альфиери* ва Дантеларнинг асарлари каби ажойиб нарса экан!»—дея ўқтин-ўқтин хитоб қиларди у. Фабриционинг француз ешларига хос бир жиҳати бор эди: у ўзининг яхши кўрадиган оти ва севимли газетасига андишали маъшуқа сига нисбатан жиддийроқ мупосабатда бўларди. Бироқ унинг содда ва қатъиятга тўла қалбида ҳали *ўзгаларга тащссуб* қилиш истаги *щц* эди, шу боисдан ҳам у кичкипагина шаҳарча Романьяно жамиятида ўзига дуст орттиролмади; у ердаги одамлар Фабрициони такаббур экан, дея ўйлашар ва унипг характери тўғрисида биронта аниқ гап айтиша олмасди.

*«Бу тўнғич бўлмаганидан ранжиган кенжа ўғил холос»,*— дегаи эди у ҳақида руҳоиий пири.

[1] Жаиоб Андрианнинг мемуарларига назар ташланг. Бу мемуарлар эртак каби қизиқ ўқилади ва Тацит* каби тарих саҳифаларидан жой ОЛади. *(Муаллифнинг изо%и.)*



# Олтикчи боб

Очиғини айтгаиимизда, каноник Борданинг рашкипи жуда ҳам асоссиз деб бўлмасди. Фабрицио Франциядан қайтиб келгач, графиня Пьетраперага бир вақтлар ўзи яхши тапигапу лекип ҳозир жуда ўзгариб кетган гўзал нотаниш йигитдек кўринди. Агар Фабрицио севги тўғрисида сўз очганида хоним уни севиб қолиши аниқ эди: ахир унинг кўрсатгап жасорати, кейин ўзи ҳам графинянинг қалбида жўшқин ва, айтиш мумкинки, чексиз завқшавқ уйғотган: эди. Бироқ Фабриционинг ўпичлари ва айтгап гаплари шу қадар маъсум, шу қадар қизгип миннатдорчилик ва самимий дўстлик туйғуларига тўлиб-тошган эдики, графиня упипт деярли фарзандлик меҳридан бирор бошқа маъно қидиргаиида, ўзи ҳам даҳшатга тушган бўларди. «Чипдан ҳам,— дерди ўзига ўзи графиня,— олти йил муқаддам шаҳзода Евгений саройида таниган саноқли дўстларимгина ҳали ҳам мени гўзал ва ҳатто еш дея ҳисоблашлари мумкин. Бироқ унинг учуй мен еши ўтиб қолган аелман ва агар иззат-нафсимга тегишдан қўр]?май, гапнинг ростига кўчадиган бўлсак,— шуичаки кекса аелман». Графиня ўзи қадам қўйиган ҳает палласи тўғрисида шундай фикр юритиб, хатога йўл қўймоқда эди; бироқ унинг бу хатоси оддий танноз аелларнинг хатосига сира ҳам ўхшамасди. «Бунинг устига, унинг ешидаги йигитлар,— дея қўшимча қиларди хоним,— иақт ўтиши аелнинг жисмини қандай емиришини бир оз муболага билан тасаввур қилишади. Эҳтимол, еши улуғроқ одам бўлганида...»

Графиня меҳмонхона ичида шундай кайфиятда у ечдан-бу ечқа юришдап тўхтаб, кўзгуга қаради-да, жилмайиб қўйди. Шуни ҳам айтиб ўтмоғимиз керакки, бир неча ойдан буен анчайин бир ўткир одам Пьетранера хонимпипг кўнглини овлашга қаттиқ ҳаракат қилиб келарди. Фабрицио Францияга жўнаб- кетганидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай хаелан деярли беихтиер, бутунлай у билан бирга бўлган графиня қаттиқ сиқила бошлади. Одатдаги машғулотлари энди унга сира ҳам роҳат бағишламас ва таъбир жоиз бўлса, қандайдир сийқалашиб қолгандек кўринарди; у, Наполеон Италия халқларини ўзи томон жалб этиш ниятида Фабрициони ўзига адъютант қилиб олади, дея хаел сурарди.

«У мсв учун йўқ энди!— дея хитоб қиларди графиня кўзларида бш билап.— Мен упи энди ҳеч қачон кўрмайман! У менга хат езиб туради, албатта, лекин ўп йилдап сўнг уиинг учуй ким бўламан ахир?..»

У кўнгли ана шундай безовта бўлиб, Милаига жўнади. Графиня у ерда Наполеон тўғрисидаги янгиликларни эшитишга ва шу йўсинда билвосита Фабрицио ҳақида ҳам, эҳтимол, бирор гай билиб олишга умид қиларди. Бу сергайрат аел қишлокдаги бир маромда кечадиган ҳабтдан беихтиер сиқила бошлаган эди. «Бу ерда фақат ўлмайсап холос, лекин буни ҳает деб бўлмайди,— дея ўйларди у.— Ҳар куни анави, *сочиеа у па сепганлар* — акам, жияним Асканьо ва малайларининг башараларини кўраверишҳам жонимга тегди! Фабрициосиз кўл сайринииг нима кераги бор менга?» Унипг учун ягона овунчоқ маркиза билан дўстлиги зди. Бирок сўигги пайтларда Фабриционикг онаси, ўзига қарагаида еши анча катта ва ҳаетидап ихлоси қайтган бу аел билан руҳий яқиилик графиняга уича екмай қолганди.

Пьетранера хоним ғалати аҳволга тушиб колди: Фабрицио жўпаб кетди, аелнинг дилида келажакка умид деярли йўқодгавди, қалби эса таскин тоимоққа ва янгиликка иитизор эди. Мил айда у ўша йиллари жуда расм бўлган операга ҳавас қўйди; у Ла Скала театрида, эски дўсти — генерал Скотти ложасини ичидал қулфлаб олиб, елғиз ўзи узоқ-узоқ ўтирарди. Графиня Наполеон ва унинг армияси тўғрисида бирор янги гап эшитмоқ учун учрашиб суҳбатлашган эркаклар унга дағал ва тўпори бўлиб кўринишарди. Уйга қайтгач, у эрталаб соат учга цадар фортепьяно чалиб ўтирарди.

Бир куни кечқурун Ла Скала театрида, Франциядан келгал янгиликларни эшитмоқ учун дугонасининг ложасига кирганида унга пармалик министр-граф Москани таништиришди; министр жуда хушмуомала одам экан, унинг Франция ҳамда Наполеон ҳақида айтиб берган гаплари графиняшшг қалбида янги умид ва ташвишлар уйғотди. Эртаси куни хоним яна ўша ложага кирган эди, у ерда тағин ўша ақлли одамга дуч келди ва спектакль тугашига қадар у билан ҳузур қилиб суҳбатлашиб ўтирди. Фабрицио жўнаб кетгандан буен у биронта ҳам кечани шундай кўнгилли, шундай мароқли суҳбат қилиб ўтказмагаи эди. Унинг кўнлини оча билган одам, граф Моска делла Ровере Соредзана ўша кезлари ўзиининг қаттиққўллиги билан ном чиқарган ва миланлик либераллар золим дея атайдиган машҳур гааҳзода Пармский, Эрнесто IV ҳукуматида ҳарбий министр, полиция министри ва молия министри лавозимларини эгаллаб турарди. Граф Моска ўшанда қирқ-кирқ беш ешларда эди: унинг юз тузилиши хиел дағалроқ бўлиб, у сира ҳам гердаймас, аксинча ўзини содда ва қувнок. тутардики, бу ҳол ўзига ярашиб турарди. Агар у ўзининг эътимодлигини исботлаш учун шаҳзоданинг кўвглига қ-араб, сочига у на сепиб юришга мажбур бўлмаганида жуда куркам кўриниши мумкин эди. Италияда бировнинг нафсониятига тегишдан укча қўрқишмайди, у ерда суҳбат тезда эркин тус олади ва шахсий мавзуга кўчаверади. Агар одам биронтадан ранжиса, кейин ўша кимса билан бошқа учрашмай қўя қолиши мумкин,— бу ҳол ўша одатдарга тузатиш хизматини ўтайди.

— Айтинг-чи, граф, нега сочингизга уна сепиб юрасиз?— дея сўради Пьетранера хоним Моска билан танишганининг учиичи куни.— Келиб-келиб сиздек назокатли, ҳали анча еш ва бунинг устига биз билан бирга Испанияда жанг қилган бир одам сочига у па сепиб юрса-я!

— Биласизми, мен ўша Испанияда ҳеч нима ўғирламаганман, лекин яшаш учун қандайдир маблағ керак-ку ахир! Мен астойдил шон-шуҳ-ратга эришмокпи орзу цилардим, командиримиз, француз генерали Гувьон-Сен-Сирнинг мақташи мен учун оламжаҳон бахт эди. Бирок, Наполеоннинг қулашидан сўнг маълум бўлишича, мен унинг хизматидан ўз мол-дунеймни сову риб юрар эканмап, анчайин хаелпараст бўлмиш отам ўз орзуларида, ўғлим камида генерал бўлади, деган хаел билан Пармада менга атаб сарой қура бошлабди. 1813 йилда менинг бутун бойлигим охиригача қурнб битказилмаган сарой ҳамда пенсиядангипа иборат эди холос.

— Пснсия дейеизми? Менинг эримникига ўхшаб уч ярим минг франкми?

— Граф Пьетранера дивизия генерали эди, мен бўлсам боржйўги эскадрон командири бўлганман. Менга атиги саккиз юз франк пенсия белгилашди, ўшаниям ўзим молия министри бўлганимдан сўнг тўлай бошлашди.

Бу суҳбат чоғи уларнинг енида дунеқараши анча либерал ложа бекасидан бошқа ҳеч ким бўлмагани боисидан гап самимий бир тарзда очиқчасига кетаверди. Пьетранера хонимнинг саволларига жавоб қайтарар экан, граф унга ўзининг Пармадаги ҳаети тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Испанияда, генерал Сен-Сир қўщинларида мен орден ва юон-шуҳратга эга бўлмоқ учун кўксимни ўкларга тутардим, энди бўлса бир неча мипг франклик маош ҳамда ҳашаматли уй учун масхарабозлардек кийиниб юрибман. Ўзига хос шахмат ўйинининг иштирокчиси бўлиб қолгач, мен ҳукмдорларнипг сурбетлигидан ғазабланиб кетдим-да, олий мансаблардан бирина эгаллашга аҳд қилдим ва мақсадимга эришдим. Лекин ҳамон вақти-вақти билан Миланда ўтказишга муваффақ. бўлгап кунларимни ўзим учун энг бахтиер палла деб ҳисоблайман, зеро, ўйлашимча, бу шаҳарда ҳанузгача Итальян армиясининг руҳи сақлапиб келмоқда.

Баттолликда ном чиқарган монархнинг министри бўлмиш бу одамнипг самимият билан сНзтук^ига' гапириши графиняни ўзига жуда қизиқтириб қўйди, хоним, бу аркони давлат кеккайган расмиятчи бўлса керак, деб ўйлаганди, аммо у министр ўзининг

[1] Эркни *(итал.).*

юқори лавозимидан ор қилаетганнии курди. Моска Франция ҳақида узи била олган барча янгиликларни унга етказиб туршн-1ш ваъда қилди; Миланда Ватерлоодан бир ой муқаддам бу катта жасорат эди: ўша кунлари Италия учун ҳает-мамот масаласи ҳал булаетган пайт эди, шу боисдап ҳам барча Милан аҳли умид бки қўрқувдан қалт-қалт титраб турарди. Ҳамма ҳаяжонга тушган ана шу вазиятда графиня ўзи учун ягона даромад манбаи бўлган юксак лавозими устидан беғамлик билан кулиб юрган бу одам тўғрисида кўцроқ нарса билиб олишга ҳаракат қиларди.

Ана шунда Пьетранера хоним у тўғрисида анчагина ғалати ва қизиқарли гапларни эшитди. Граф Моска делла Ровере Соредзана, дейишарди унга, кўп вақт ўтмай Парманинг мустабид ҳокими, Европанинг энг бадавлат монархларидан бири — Раяунцио—Эрпесто 1Ушгаг бош министри бўлармиш. Агар ўзини сипороқ тутганида граф бу лавозимни аллақачон эгаллаган бўлар экап,— айтишларича, шаҳзода бу борада ўктип-ўқтин унга насиҳат қилиб тур ар экан.

— Ҳамонки сизға яхши хизмат қилар эканман, аълоҳазрат, ўзимни қаидай тутишимнииг нима аҳамияти бор,— дея жасурлик билан жавоб берарди шунда граф.

— Бу арзанда ўз бахтига,— дея қўшимча қилишарди графин яхши биладиган одамлар,— анча машаққат билан эриштан. У, аслида анчайин тўғри фикр юритувчи ақлли одаму аммо мустабидлик тахтига ўтиргач, эс-ҳушини йўқотиб қўйган бир монархиинг кўнглига қарашга мажбур. Масалан, ўша мснархнинг дилини, худди қўрқоқ хотинга ўхшаб, доим ваҳима босиб юради. Эрнесто IV фақат уруш пайтидагина жасорат кўрсатади. Жанг пайтлари у йигирма мартача абжир гепералдек, ўз қўшинларики ҳужумга бошлаб боргап. Бирок, отаси Эрнесто Ш нинг ўлимидан сўнг Пармага қайтиб, бахтга қарши, ҳокими мутлақ бўлиб қолгач, у ақл-хушини йўқотиб қўйди ва озодлик ҳамда либералларга қарши бақириб-чақириб нутқлар сўзлай бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай, у барча мени емон кўради, деган хаелга бориб қолди, кейипроқ эса, феъли айниб турган бир пайтда, арзимас гуноҳ қилган икки либералии осишга буйруқ бериб юборди. Бу ишни бир аблаҳнинг — ўз ҳукуматида адлия министрига ўхшаш лавозимни эгаллаб тургап аллақандай Рассининг гапига кириб қилганди. Ўша машъум дақиқадан эътиборан шаҳзоданииг ҳаети кескин ўзгариб кетди, энди у турли бемаъни шубҳаю гумонлардан азоб чекадиган бўлиб қолди.

Унинг сши ҳали элликка ҳам бормаган, бироқ доим дилини комириб келаетган ваҳимадан, агар таъбир жоиз бўлса, ўзини шу қадар олдириб қўйганки, баъзап шаҳзодапи курган одам, саксопда бўлса керак: деб ўйлайди. У айниқса якобинчилар ва уларнинг парижлик йўлбошчиларининг хунук ниятлари ҳақида гапиргаи пайтлари жуда кекса кўринади; Бош фискал (яъни бош судья) бўлмиш арзанда Расси бу ваҳимадан ўз ҳокимига таъсир ўтказиш воситаси сифатида фойдаланар ва шаҳзода хи&я унинг



гапига қулоқ солмай қолабтганини кўрса, шошилинч равитда биронта хаелий евуз фитпани «фош этарди». . Эҳтиеткорликни унутиб қўйган ўттизта одам «Конститюсьонель» газетасининг янги сонини ўқиш учуп йиғилиб қолса борми, Расси уларни дарҳол фитначи дея эълон қилар ва бутун Ломбардияга даҳшат солиб турувчи машҳур Парма қалъасига н^ўнатарди. Улкан Ломбардия водийсида бу қалъа жуда узоқдап кўрипиб турар, зеро, мишмишларга қараганда, унинг баландлиги бир юз саксон фут[1] келарди. Бу минора тўғрисида ҳар хил қўрқинчли воқеаларни ҳикоя қилишарди, шу боисдан ҳам унинг мудҳиш шарпаси одамларни дилига шундай даҳшат солардики, у Миландан Болоньяга қадар бутун водий узра ҳукмронлик қилиб турарди.

— Ишонасизми,— дерди графиняга Пармадап келгап бошқа бир сайеҳ. Шаҳзода ўз хобгоҳида, гарчи у тўртинчи қаватда жойлашган бўлиб, сарой эшикларини саксон нафар соқчи қўриқлаши ва улар ҳар чорак соатда шартли овоз бериб туришларига қарамай, тунлари қўрқувдан қалтираб чиқади. Барча эшикларга ўнтадан қулф урилади, хобгоҳнинг тепаси ва пастидаги хоналарда солдатлар тирбанд,— шаҳзода якобинчилардан шу даражада қўрқади. Агар паркет тахтачаси хиел ғирчиллаб қолса борми, у каравот тагига биронта либерал яширинибди деган хаелга бориб, дарҳол пистолетларига епишади. Шу заҳоти бутун сарой бўйлаб қўнғироқчалар жиринглайди ва павбатчи адъютант полиция министри граф Москани уйғотишга боради. Моска саройга етиб келгач, фитна бўлиши мумкинлигини сира ҳам инкор этмайди,— аксинча, тиш-тирноғигача қуролланиб, шаҳзода билан бирга оромгоҳнинг барча бурчакларини, каравотларнинг тагини тинтиб чиқади,— хуллас, у қўрқоқ кампирга хос ҳар турли аҳмоқона ишлар қилади. Бу эҳтиет чораларипинг бари шаҳзоданинг ўзига ҳам, ҳали у урушда юрган ва одамларии фақат жанг майдонидагина ўлдирган бахтиер пайтлари ниҳоятда пасткашлик бўлиб туголиши турган гап эди. У анча эсли одам эди ва бундай эҳтиет чораларипинг кулгили эканини ўзи ҳам тушуниб турарди; граф Москанинг улкан.нуфузга эга бўлиши ҳам унинг дипломатик маҳоратига асослаиган эди,— шаҳзодага ўз қўрқоқлиги учун хижолат чекмасликка имконият яратиб берарди. Моска полиция бошлиғи сифатида каравотлар, диванлар, столлар, креслолар тагини ва Пармада айтишларича, ҳатто контрабас ғилофларининг ичини ҳам текшириб чиқишни талаб қиларди. Шаҳзода бўлса бунга қаршилик қилар ва ўз министрининг бундай жаҳдper-жадал қилишидан куларди. «Бу ўрипда бизнипг обрў-эътиборимиз масаласи турибди,— дея жавоб қиларди унга граф Моска.— Агар сизни ўлдиришларига йўл қўйиб берсак, якобинчилар қандай заҳарханда ҳажвий сонетлар езиши мумкинлиги тўғрисида бир ўйлаб кўринг. Йўқ, бу ўринда биз фақат сизнинг ҳаетингизни эмас, ўз шаънимизни ҳам ҳимоя қиляпмиз». Тўғри, шаҳзода,

[1] ЗО, 479 сантиметрга баравар ўлчов *(тарж.).*

сфтидяп бу гапга чала-ярим шпоиарди; агар эртаси купи шаҳарда бироята одам, саройда тунни яна бедор ўтказишибди, дейишга журъат этса, бош фискал Расси ўша довюрак ҳазилкагани қалъага жўнатарди; мабодо одам ана шу баланд гўшага, пармаликларнинг таъбири билан айтганда, *елвизакка* тушиб қолса борми,— тамом бўлди деяверинг: у қалъадан фақат мўъжиза туфайлигина омон чиқиши мумкин эди.

Граф Моска ҳарбий одам эди; у Испаикяда қўлида иистолет билан душманнинг йигирма мартача туйқус хужумидан ўзини ҳимоя қилган, шу боисдан ҳам шаҳзода уни ялтоқи ва пасткаш Рассидан афзал кўрарди.

Бахтсиз тутқунларни қалъадаги бир кишили авахтада қаттиқ назорат остида сақлашарди. Бавдиларнинг қисмати тўғрнсида даҳшатли воқеаларни ҳикоя қилишарди. Либералларнинг ишонтиришл&рича, масалап, Рассивинг буйруғига биноан қамоқхона назоратчилари ва руҳонийлар маҳбусларга улардан бирипя фал оқ куни қатл этишга олиб кетажаклариии эълон қилишар экан. Ўша куни маҳбусларга миноранинг бир юз саксон фут баландликда жойлашган саҳначасига чиқишлари рухсат этилгани учун улар бирор жосус ўлимга ҳукм қилииган тутқун ролиня ижро этиб бораетган процессияни тепадан кўриб туришар экан.

Ана шу ва шунга ўхгааш жуда ишонарли яна бошқа йигирмага яқин ҳикоялар Пьетранера хонимнинг дилида қаттиқ қизиқиш уйғотди; эртаси куни у граф Москага, гарчи буни ўзингиз билмасангиз ҳам, лекин сиз ҳақиқий золим экансиз, дея қувноқлик билан ҳазил қилганича, ундаи ана шу воқеаларни еўрабсуриштира бошлади. Бир куни граф меҳмонхонадаги ўз бўлмаларига қайтгач, шундай хулосага келди: «Графиня дилбар аелгина эмас, ажойиб инсон ҳам экан: унинг ложасида ўтирган пайтларимда Пармадаги эсласам дилим эзиладиган баъзи ишларни унутишга муваффақ бўляпман». Евгилтак кўринишига ва назокатли муомаласига қарамай бу министрнинг қалби *француз тахлит эмасди:* у ғам-ғуссаларни *унутиб* юборигаии билмасди. «Агар тўшагининг бош томонида естиқ урнига ўткир тиканлар бўлса, бу тиканларни у синдириб ташламоғи еки возик ва титроқ қўлларини тирнаб қонатганича уларнинг дамини қайтармоғи зарур эди». Итальянчадан таржима қилинган ҳавойи мазкур иборалар учун мени маъзур тутишларини сўрайман. Ушбу кашфиетининг эртаси куни граф Миланда муҳим ишлари кўплигига қарамай вақт жуда секии ўтаетганини сезиб қолди; у бир жойда муқим ўтиролмай каретада шаҳар кеза-кеза отларнинг тинкасини қуритди. Кечқурун соат олтиларда у отга минди-да, графиня Пьетранерани учратиб қолиш умидида Корсога жўнади; у ердан хонимни тополмагач, Ла Скала театрининг соат саккизда очилишини эслади; граф улкан залга кириб борганида у орда нари борса ўнтача одамвинг ўтирганини курди ва шундай эрта келганидан бир оз хижолатга тушди. «Наҳот севиб қолгаи бўлсам?»—дея ўйларди у.— Ешим қирқ бегада ахир, лекин шундай тентакликлар қиляпманки, ҳатто ешгина сублейтепант ҳам бундай қилмишидан хижолат тортган бўларди. Хайрият, бошқа ҳеч ким билмайди буни». У залдан қочиб чиқди-да, вақтни ўтказиш учун театр биносига туташ кўчаларда айланиб, сайр қила бошлади. Ҳар қадамда оқшом найти гавжум бўлмиш қаҳвахоналар учраб турарди; қаҳвахоналар олдидаги йўлакларга столлар қўйилган бўлиб, столлар атрофида ҳангоматалаб одамлар музқаймоқ ейишар ва ўтган-кетганлар ғайбатини қилиб ўтнришарди. Граф эътиборга лойиқ йўловчи эди, шу боисдан ҳам у танишларининг қўлига тушиб қолди. Ҳайдаб юбориш ноқулай бўлган уч-тўртта хира нусха пайтдан фойдаланиб, даста дароз министрга боғлиқ ишларини битказиб олишга ҳаракат қилишди. Ул'ардан иккитаси министрга ўз арзномаларини топширишди, учинчиси эса эзмалик қилиб, сиесий фаолиятга дояр маслаҳатлар бериш билан чекланди.

«Одамнинг ақли уни ухлатмайди, ҳокимият эса сайр қилишга имкон бермайди»,— деди ўзига ўзи граф ва театрга қайтгач учинчи ярусдан ложа олишга қарор қилди: у ерда графни ҳеч ким кўрмайди, шунянгдек графиня Пьетранерани кўришга умид қилиб ўтирган ўша иккинчи ярусдаги ложага бемалол қараб ўтираверипи мумкин бўлади. Нақ икки соат кутишга тўғри келди, бироқ ошиқ бўлиб қолган министрга бу муддат унча узоқ бўлиб туюлмади: ўзини ҳеч ким кўрмаетганига ишончи комил граф бу телбалигидан лаззат.»аниб ўтирарди.— «Кексалик,— дерди у ўзига ўзи хаелан,— авваламбор ипсоннинг мана шундай ажойиб телбаликлар қилолмай қолишида намоен бўлади».

Ниҳоят, графиня найдо бўлди. Граф дурбипчасини кўзига тутганича уни завқланиб кузата бошлади. «Еш, барно, қушдай енгил; уни курган одам, еши, нари борса йигирма бешда, деб ўйлайди,— дея хаелидан ўтказарди у.— Бироқ одамни мафтуя қиладигани фақат унинг ҳуснигина эмас: бундай мусаффо қалбии яна кимдан топиш мумкин ахир?! Уни самимийлик тимсола деса бўлади, у ҳеч қачон *муло%аза цилиб* ўтирмайди, бутун вужуди билан шу дақиқа таассуротига берилади, уни доим янгилик ром этади! Граф Нанининг телбаликлари сабабини энди тушу н дим».

Граф еркин тимсоли кўз ўнгида гавдаланиб турган бахтга қандай эришиш тўғрисида ўйлаганида ўз телбаликларини оқлаш учун ажойиб далиллар топарди. Бироқ у еши ва ҳаетидагн баъзан анча оғир кечган ташвишлар тўғрисида эслаганида ўзининг ҳақлигига ишончи бяр оз сусайгандек бўлиб қоларди. «Қўрқувнинг зўридан эс-хушини йўқотиб қўйган маккор ҳоким уни[1г ҳукуматида министр бўдганим учун меига катта-катта пул тўлаб, фароғатда яшаш имкониятини туғдириб беряпти. Аммо эртага у мени ҳайдаб юборса, камина қашшоқ бир чолга, яъни дунедаги энг аяпчли бир нусхага айланаман. Емон эмас, графиня учун жуда зўр турмуш ўртоғн бўламаи!» Бундай мудҳиш хаеллардап унинг қалби ўртанарди; граф яна графиняга қаради ва

хоним .аги хаелларини гўзғитиб юбормаслик учун, унивг ложасига бормай жойида ўтираверди. «Менга айтишларича, у эрининг қотилини қиличда пимталаб еки ханжар ишлатишни яхши биладигап биронта одамни еллаб гумдон қилишни истамаган анави аҳмоқ Лимеркатидан ўч олиш учунгина Наиини ўвига ўйнаш қилиб олган экан. Мен бўлсам бу аел учун йигщша марта дуэлга чиққан бўлардим!»— дея қалби за'вкка тўлиб ўйларди граф. У ўқтин-ўқтин қоронғиликда еииб турган рақамлари ҳар беш минутда ўзгариб, томошабинларга дўстларнияг ложасига ташриф буюриш вақти келганини кўрсатаетгап театр соатига назар ташлаб қўярди. «Мен унинг ложасида ярим соатдан ортиқ қолишим мумкин эмас,— дерди ўзига ўзи граф,— зеро у билан тапишгаиимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Агар у ерда кўпроқ ўтириб қолсам, сиримни ошкор қилиб қўйишим мумкин; менинг ешимда ва сочларимга манави лаънати упани сепиб юришимда эса ғирт Кассаидр* нииг ўзи бўлиб қолишим , ҳеч гап эмас». Лекин кутилмаганда бир мулоҳаза упи қатъий қарорга келишга мажбур қилди: «Агар у ҳозир биронта одамни йўқлаш учун бошқа ложага чиқиб кетса-чи? Ўзимни буюк бир лаззатдан .маҳрум қилган бўлиб чикмай яна!»

У иккинчи ярусга тушган эди, бирдан ҳозиргипа графиняяи курган ложага деярли киргиси келмай қолди. «Оббо, жуда ғалати бўлди-ю!— дея ўйлади у ўзининг устидан кулиб, зинапояда тўхтар экан.— Журъатсизлик қиляпман, рости, ҳаяжонлаияпман! Ҳолбуки, мана йигирма беш йилдирки, бундай ҳаяжоиланмай қўйгандим».

У ўзини ўзи мажбур этиб, ҳар қалай ложага кириб борди ва ақлли одам сифатида, бундай хижолат чекишидан фойдаланишиинг эвини топди: граф ўзини эркин тутишга ва биронта кулгили воқеани ҳикоя қилиб, ақллилигини намойиш этишга сира ҳам уринмади,— аксинча, журъатсизлигини яширишдан цўрқмай ўз ҳаяжонини атайлаб сездиришга, шу билан бирга кулгили бўлиб кўринмасликка ҳаракат қила бошлади. «Агар бу ҳолатим унга екмаса,— дея ўйларди граф,— мен учун ҳаммаси барбод бўлади. Кандай бемаънилик! Сочига упа сепган, агар ана шу упаси бўлмаса сочининг оқи кўриниб қоладиган журъатсиз хуштор! Лекин мен чиидан ҳам ҳаяжонланяпман ва бинобарин, бу ҳаяжоним фақат уни кўз-кўз қилсамгина кулгили бўлиб кўриниши мумкин».

Бирок, графиня, гарчи Гриантада дастурхон тецасида ўтирган пайтлари рўпарасида акаси билан жияни ва биронта тўмтайган боадаб қўшнисининг упа сепилган бошини кўравериб, жонига тегиб кетган бўлса-да, янги хушторипинг сочларига мутлақо эътибор бермай қўйган эди. Унинг граф ложага кириб келган пайти кулиб юборишдан ўзипи сақлайдиган бир воситаси бор эди: хоним бетоқат бўлиб, Франция тўғрисидаги янгиликларни эшитптига ошиқарди. Моска эса, турган гап, бу янгиликларни ўзи тукиб чиқарар ва доим уларни графиня билан елгиз



колган пайтлардагина айтарди. Бу оқшом граф билан навбатдаги янгиликларни муҳокама қилар экан, хоним суҳбатдопшшшг кўзлари мулойим порлаб турганини курди.

— Менимча,— деди у,— сиз Пармада, қулларингиз орасида юрганингизда кўзларингиз бундай мулойим боқмаса керак,— зеро бундай нигоҳ ҳамма ишларингизни бузиб юборади: ўша бечоралар, энди бизни дорга тортмасалар керак, дея умид қила бошлайдилар.

Италиянинг энг зўр дипломати деб ном чик,арган бу одамнинг табиатида такаббурликдан асар ҳам йўқлиги графинями ҳайратга солди, у ҳатто Москанинг бу хислатида қандайдир жозиба кўргаидек бўлди. Кейии граф ширинсухак одам бўлиб, эҳтирос билан сўзларди, бу боисдап ҳам аел упипг бир оқшом ўзини ошиқи беқарор қилиб кўрсатишни кўнгли тусаб қолган^-дан сира рашкимади,— графиня бу ҳол тупчаки оқибатсиз ўтиб кетади, дея ўйлади.

Бирок, бу муҳим ва жуда хавфли қадам эди; Пармада хонимларнин! кўнглига хуш екмиш министрнипг бахтига графиил Гриантадан эндигина қайтиб келган бўлиб, у ерда хопимпинг акли к,ишлов;нинг зерикарли ҳаетидан бирмунча ўтмаслашиб қолгандек эди. Графиня қишлоқда ҳазил-мутойиба нималигинц унутиб қўйган ва назокатли енгил ҳаетнинг барча ўзига хос жиҳатлари унинг кўзига илоҳий бир янгилик сифатида курина бошлаганди, аел дилида бирон нарсадан, ҳатто отпкқ бўлиб қолган қирқ беш ешли тортинчоқ одам устидан ҳам кулишга майл сезмасди. Сир ҳафтадан кейин эса у графнинг ипгқий даъвосини мутлақо бошқача қабул қилган бўларди.

Ла Скала театрида йўқлаб чиқмоқ учун бирор танишининг ложасига кирган одам у ерда йигирма минутдан ортиқ ўтирмаслиги керак эди. Граф эса бутун кечани Пьетранера хонимпп учратиш бахтига муяссар бўлган ўша ложада ўтказди. «Бу аел,— дея ўйларди у,— менинг қалбимда бшликнинг барча телбаликларини қайта жонлантирди!» Бироқ граф бунинг хапфли экани'-ни ҳис этиб турарди.— «Балким, бу ердан қирқ лье нарида ҳукмроилик қилувчи қудратли подшоҳ сифатида ном чиқарганим учуй бу тептаклигимни кечиришар. Пармада жудаям зерикиб юрамат! ахир!» Аммо у ҳар ўн беш мипутдан сўнг ўзига ўзи, мана ҳозир чиқиб кетаман, дея сўз берарди.

— Шуни очиқ айтишим керакки, синьора,— дерди у кулиб графиняга,— Пармада мен зерикканимдап қаттиқ сиқилиб юраман, шу боисдан ҳам, тўғриси, йўл-йўлакай қувончлардан лаззат олишим узрли ҳол бўлса керак. Шундай қилиб, бир кечагина сизга ўзимни ошиқ қилиб кўрсатмогим учун ижозат бергайсиз, кўркманг, кейинчалик бунинг ҳеч қандай оқибати бўлмайди. Афсус! Бир ҳафтадан сўнг каминангиз барча ғам-ташвишларни ва ҳатто, адолатли равишда айтмогингиз мумкинки, барча одоб қоидаларини унутиб қўядиган бу ложадан жуда йироқда бўламан.

Ла Скала театрининг ложасидаги аиа шу ниҳоятда чўзилиб ғетган ташриф ва агар баен қилсак, эҳтимол, жуда эзмалик бўдиб кўринадиган турли арзимас воқеалардан сўиг граф Моска батамом ошикл беқарор бўлди қўйди, графиня Пьетранера эса, эркак одам барча бошқа жиҳатлари билан аел кишига екса, ешидаги фарқ орада тўсиқ бўлолмайди, деган хаелга бориб қолди. "Чопар юбориб, Москани Пармага чақиртиришганида улар ана шундай кайфиятда эдилар. Чамасн, министрсиз шаҳзоданинг ғўнглига қўркув васваса сола бошлаган кўринарди. Графиня Гриантага қайтиб кетди; бу ажойиб маскан энди унинг кўзига саҳродек бўлиб кўрина бошлади, зеро хаелоти энди бу жойни хонимга ортик безатиб кўрсатмай қўйганди. «Наҳот мен ўша одамга кўнгил қўйиб қолган бўлсам?»— дея ўйларди у.

Моска ҳижрон дардидан азоб чекаетганини самимий изҳор килиб, хонимга мактуб кетидан мактуб йўлларди; графиня учун бу мактублар эрмак эди, шу боисдан ҳам хоним уларни яхши кабул қилди. Гриантага мактубларни етказиб берилгаии учун »очта ҳақи тўлашни §мон кўрадиган маркиз дель Донгопипг и аҳлини чиқармаслик мақсадида граф кичик бир ҳийла ўйлаб •юпди: у мактубларни курьер билан жўнатар, курьер эса мактубларни Комо, Лекко, Варез еки кўл соҳилида жойлашган биронта чиройли шаҳарчанинг почтасига топгаирарди. Граф ўша курьернинг ўзи орқали жавоб олишга умид қилгапди ва бу умиди рўебга чиқди ҳам.

Кўп ўтмай курьернинг келадиган кунлари графиня учун байрам бўлиб қолди; курьер одатда гуллар, мева-чева, турли совғаяар олиб келарди. Тўғри, бу совга-саломлар унчали қимматбаҳо эмасди, лекин улар графиня билан келинойисининг кўнглини кушларди. Хоним графни кўз ўнгига келтирар экан, унинг қандай қудратга эга экаплигини ҳам эсларди; графипя одамлармгнг у ҳақидаги гапларига қизиқиб қулоқ осадиган бўлиб қол*т;* ҳатто либераллар ҳам графнинг иқтидорига тап беригагувчи зди.

Графнинг бмон отлиқ бўлишига асосий сабаб унинг Парма саройидаги ўта роялистлар партиясининг йўлбошчиси дея сава лишила эди. Либераллар партиясига эса ниҳоятда бадавлат ва иаккора, ҳар ишга, ҳатто муваффақият қозониглга ҳам қодир бўлган маркиза Раверси бошчилик қиларди. Шаҳзода ҳокимиятдан четлаштирилган партиянинг умидини бутунлай узкасликка ҳаракат қиларди: зотан у министрликларни фақат Раверси хонимнинг салонига қатнаб юрадиган одамлардан ташкил этган тақдирда ҳам доим ҳукмрон бўлиб қолшпини биларди. Гриантада ушбу фитналар тўғрисида турли тафсилотларни ҳикоя қидишгувчи эди; фаол ва иқтидорли одам сифатида таърифи кетган граф Москанинг бу ерда йўқлиги мутаассиблик ва маъюслик тимсоли бўлмиш сочига упа сег/иш одатини унутишга имкон берарди; зеро бу гапиришга арзимайдиган, шунчаки жузъий бир ҳол бўлиб, саройдаги ҳар қапдай аркону давлат шундай қилишга мажбур эди. Граф Моска эса саройда ниҳоятда катта нуфузга эришганди.

— Сарой жуда бемаъки, лекин аломат жой,— дегуачи эди графиня келинойисига.— У ер худди қизиқ карта ўйинига ўхшайди. Лекин бу ўйиннинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Вист. ўйиниииинг қоидаларидан иорози бўладигап биронта одам топилармикин? Аммо уига ўрганиб қолгаиингдаи кейин харифишни мот қилсапг ҳар қалай хурсанд бўласан.

Графиня тез-тез келиб турадиган еқимли мактубларнинг муаллифи тўгрисида кўп ўйлайдигав бўлиб қолди. Шунинг учун бўлса керак мактуб келгап куни унинг учун байрам бўларди; хоним мактубни ўқимоқ учун қайиққа ўтириб, кўл соҳилида ги биронта хушманзара жойга. Плиньяно, Белано еки Сфопдрат хиебоиига йўл оларди. Бу мактублар Фабрициони соғипиб юрган графиняиинг кўнглига бирмунча таскин бергандек бўларди. Граф уғш ниҳоятда севиб қолганига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди, шу боисдан ҳам бир ой ўтар-ўтмас хоним графни меҳр-мухаГ билан эслай бошлади. Ўз навбатида граф Моска мактубларида истеъфога чиқиб, министрлик лавозимидан воз кечишга ум нинг қолган қисмини Миландами еки биронта бошқа жойдами ўтказишга ҳозир эканлиги тўгрисида упи деярли сидқидилдан ишонтирмоқчи бўларди. «Менинг бойлигим тўрт юз минг фра дан иборат,— дея қўшимча қилганди у,— демак, бизнинг ҳар қалай ўн беш минг ливр рентамиз бўлади».

«Яна ложа, яна ўз каретамиз ва ҳоказолар!»— дея ўйларди графиня. Булар еқимли орзулар эди. Комо кўлипинг соҳили хушманзара жойлар унв яна ўз чиройи билан мафтуи эта бошлади. Кўл соҳилида сайр этар экан, у энди мўъжиза содир бўлиб, яна пгукуҳ ва дабдабага тўла ҳает сари қайтиш имкоиияти найдо бўлаетгани ҳақида орзиқиб ўйларди. У ўзинп яна Мила; ги Корсо кўчасида — бир вақтлар вице-қирол замопаспдо цувноқ ва бахтиер бир ҳолатда тасаввур қиларди. «Яна епп котаман еки лоақал фаол ҳает кечира бошлайман!»

Баъзан жўшқин хаелоти унинг кўз ўнгида воқеликни бо; чэроқ қилиб кўрсатар, бироқ ҳеч қачон у қўрқоқ одамл-а ўхшаб'ихтиерий равишда хом хаелларга берилмасди. Бу жасур аел доимо ўзига ўзи ҳалол муносабатда бўларди.

«Менинг ешимда телбалик қилишга хиел кеч бўлди, ҳасадга кўп жиҳатдан, худдл муҳаббат каби кўзи кўр бўлади, у Миланда ҳаетимиии заҳарл; нинг вафотидан сўнг олижапоб қашшоқлигкм ва иккита катта бойликдан воз кечганим туфайли одамларнияг ҳурматини қозоядим, Азизв Москанинг давлати икки аҳмоқ — Наии билан Лиморкати нинг оегям остига ташлаган бойликнинг йигирмадан бш ҳам гўғри келмайда. Не-не машаққатлар билан уядарилгап гик нафақаси, барча хизматкорлардап воз кс (озмунч! [и бу ҳол!), бешинчи қаватда а хол а, эгаик тагида эса йигирм

карета — буларнинг бари бир вақтлар ғаройиб манзара кашф этганди. Лекин мен Миланга аввалгидек фақат бевалик нафақаси билан борсаму граф Моска истеъфога чиққач, оладигап ўн бет минглик даромадга буржуалар каби тўкин-сочин яшай бошласам, ўзимни қанчалик оғир-вазмин тутмай, кўпгина нохуш дамларни бошдан кечиришимга тўғри келади. Ҳасадгўйларимпинг қўлида даҳшатли курол бор: гарчи аллақачон ажрашиб кетишган бўлишса-да, графнинг хотини бор. Пармада буни ҳамма билади, бироқ Миланда бу ажрашув янгилик бўлади ва бунинг учун мепи айбдор деб ҳисоблашади. Бас, шундай экан, алвидо, куркам Ла Скала театри-ю, алвидо, ажойиб Комо кўли!..»

Агар графинянинг маълум миқдор дав лати бўлганида у келажакдаги барча кўнгилсғ^икларга қарамай граф Москанинг истеъфога чиқиш ҳақидаги таклифини қабул қилган бўларди. У ўзини еши қайтиб қолган ael дея ҳисоблар ва шу боисдан ҳам сарой аҳлидан бирмунча чўчинқираб юрарди. Лекин Алып тоғинвнг бу тарафида инсошшнг ақли бовар қилмайдигап бир хол: граф чиндан ҳам уни деб бажонидил истеъфога чиққап бўларди,— ҳар қалай у севган аелни шу гапга ишонтира олди. У барча мактубларида борган сайин кучайиб бораетган телбаларча бпр жўшқинлик билан Миланда яна бир бор учрагамоқни илтимос қиларди. Ниҳоят у хонимнинг розилигини олди ҳам. «Мен елғон гапиришпи истамайман ва сизни ниҳоятда севиб қолдим, дея онт ичиб ўтирмайман,— деди бир куни Миланда графиня унга.— Агар сизни йигирма икки яшар найтимдагидек севиб қолсам, ўзимни бағоят бахтиер ҳис этган бўлур эдим, лекин мепи нг бшим ўттиздан ошиб кетган. Ўзим абадий дея ҳисоблаган кўпгина нарсаларнинг барбод бўлганини ўз кўзим билан кўрганман! Аммо сизга нисбатан қалбимда дўстона туйғу куртак езган, сизга ниҳоятда ишонаман ва сизни барча бошқа эркаклардан афзал кўраман». Графиня мутлақо самимий сўзлаяпман, дея ўйларди-го, бироқ сўзининг охирида хиел тилегламачилик қилди. Фабрицио агар ўзи шуни истаганида, эҳтимол, унинг қалбида ҳокими мутлақ бўлиб қолиши мумкин эди. Аммо Москанинг назарида Фабрицио ҳали еш бола эди. Тентак йигитча Новарага жўнаб кетганидан уч кун кейин у Миланга келгач, Фабрициoнинг гуноҳидан ўтмоқни илтимос қилиш учун тўғри барон Биндернинг ҳузурига борди. Граф ушбу қувғинни тузатиб бўлмас бахтсизлик дея ҳисобларди.

Миланга Моска елғиз ўзи эмас, балким каретасчда олтмиш саккиз ешли, соч-соқоли нуроний, ғоят озода кийинган, ғоят боадаб, жуда бадавлат, лекин унча аслзода бўлмаган герцог Сансеверина-Таксисни ҳам олиб келди. Герцогнинг буваси Парма давлатининг бош ўлиончиси бўлганди ва шу орқали миллионлаб бойлик орттирганди. Отаси эса Парма шаҳзодасининг ***саройи қошидаги элчиси этиб тайинланганди. Бунинг учун у қуйидаги далил-исботни рўкач қилганди: «Олий ҳазрат сиз ***саройи қошидаги элчингизга йилига ўттиз минг франк тўлайсизу



лекин у ўша саройда анча шукуҳсиз кўриииади. Агар марҳаматингизни дариғ тутмай ушбу лавозимга мени тайинлаганингизда камина сиздан бор-йўғи олти минг франк маош сўраган бўлардим, ўзим эса ***саройида йилига юз минг фраикдан ортиқ сарфу харажат қилардим; бундан ташқари, менинг бошқарувчи.м Пармадаги ташқи ишлар министрлигининг кассасига ҳар йили йигирма минг франк тўлаб турарди. Бу пул билан элчихонага истаган одамингизни котиб этиб тайинламоғингиз мумкинким, камина, агар лозим бўлса, дипломатик сирларга мутлақо қизидмай юраверамап. Мен фақат ўзимнинг ҳали бир оз жайдари диоряндлик унвонимга жило бермоқчиман ва мамлакатимиздаги энг муҳим лавозимлардан бирига эга бўлиб, обрў-эътиборимни оширмоқчиман».

Ўша элчининг ўғли бўлмиш герцог Сансеверипа эҳтиетсизлик оқибатида ўзини ярим либерал қилиб кўрсатиб қўйгаиди, шу боисдан ҳам мана икки йилдирки, ич-этини еб юрарди. Наполеон даврида у ўз аҳдида қаттиқ туриб, хорияедан қайтиб келишни истамагани туфайли икки-уч мкллиондан маҳрум бўлди-ю, лекин барибир Европада тартиб ўрнатилгапидан кейин ҳам бир вақтлар отасининг кўксини безаб турган орден лентасига эриша олмади. Боякшн ана шу нишон дардида куйиб кетганди.

Италияда одамлар севги висолидан сўнг руҳан жуда яқин бўлиб қоладилар. Шу боисдан ҳам икки жазман ўртасида энди ўта самимий бир муносабат пайдо бўлди. Щундан сўнг граф Моска севгилисига соддагииа қилиб деди:

— Мен сизга ҳаетимизни йўлга қўйишнинг икки-уч режасини таклиф қилмоқчиман; уларнинг бари жуда пухта, уч ойдан буен фақат шу тўғрида ўйлайман.

Биринчи режа: мен истеъфога чиқамаку икковимиз ҳу^рматли буржуалар каби Миландами, Флоренциядами еки Пеаполдами,— хуллас, сиз қаерни истасангиз ўша ерда яшай бошлаймиз. Бизпинг ўн беш минг ливр даромадимиз бўлади. Бундан ташқари, шаҳзода ҳам хайр-саховатини дарҳол тўхтатиб қўймаса керак.

Иккинчи режа: сиз марҳамат қилиб, камина маълум қадар ўз ҳукмини ўтказаетган мамлакатга кўчиб келасиз-да, бироита ер-мулкни, масалан, Сакка амлокини сотиб оласиз: По дарессиииг соҳилидаги ўрмонзор тепаликда шундай ажойиб уй бор, бу амлокииг васиқасини бир ҳафтадап сўнг қўлингизга олишингиз мумкин. Шаҳзода сизни саройда ўз ҳимоясига олади. Лекин бу ўрипда жиддий тўсқинликка дуч келамиз. Саройда сизни жуда яхши қабул қилиш а ди, мендап қўрқиштани учуй ҳам биронта одам сизга емон кўз билан қарамайди; бунинг устига, малика ўзини жуда бахтсиз дея ҳисоблайди, мен бўлсам, яқинда сизга фойдаси тегиб қолар, деган ниятда унга йаъзи яхшиликл.ар қилиб^ қўйдим. Аммо сизга битта жуда муҳим тўсиқ ҳақида айтиб қўймоғим лозим: шаҳзода ўтакетган риекор, мен эсам, ўзин-

гизга маълум, пешоаам шўр эканми, ҳамоа қонукий викоҳдаги одам ҳисобланаман. Шу боисдак ҳам сиз майда-чуйда кўвгилсизликларга дуч кедишингиз мумкин. Аммо сиз бевасиз, бу муиосиб ноз*ни эса бошқасига алмаштириш лозим бўладики, ана шу зарурат учинчи таклифимнинг мавзуини ташкил этади. Сиз учун яиги эр қидириб топмоғимиз керак,— турган гап, у мутлақо безарар бўлмоғи лозим. Лекин, биринчидан, у анча картайнб қолган одам бўлмоғи даркор, мени бир кун эмае, бир кун унинг ўрнини эгаллаш умидидан махрум этмассиз ахир. Шундай қилиб, мен герцог Сансеверина-Таксис билан ана шундай ўзига хос битим туанб қўйдим, тўғри, у ҳали ўзининг бўлажак рафвқаси ким эканлигиви билмайди. У фақат ўзини элчи этиб тайинлашларн за отаси каби унинг ҳам елкасига орден лентасиви тақиб қўйишларини билади хол ос. Бўл масам, бояқиш шунивг а^монида ич этини еб юрибди. Агар шу савдойилигини демаса, герцогнииг ў.ш унчалик тевтак эмас — у костюм билан парикни тўғри Париждан олдириб келади. Ундан ҳеч қандай емовлик чиқмайди; герцог лектага муяссар бўлиш узи учун эвг катта шараф эканлигига сндқидилдан ишонади ва бойлигидан ор килиб юради. Бултур лентага сазовор бўлмоқ учун у менга ўз ҳисобидан касалхона очмоқни таклиф қилди; ўшанда мен увивг устидан кулган эдим. Лекин мен манави шартли никоҳни таклиф қилганимда, у менинг устимдан кулиб ўтирмади; тўғри, мев унга биринчи навбатда, Пармага қадам босмайсиз, дея шарт қўйдим.

— Сиз меага одобсиз иш таклиф қилаетганингизни тушунШЮИЗМИ узи?— деди графиня.

— Бвзвивг саройимизда ва бўлак йигирмата пойтахтнинг саройларидаги ахлоқсизликлар олдида буниси ҳеч гап эмас. Мустабид ҳокимиятаивг шуниси қулайки, у халқларнинг кўз олдида истаган нарсасипи табаррук қилиб беради. Ҳамонки одамлар кулгили парсани сезишмас экан, демак у йўқ нарса. Худди шундай, зндп йдгирма йил давомида бизнинг сиесатни якобинчилар олдидагв қўрқув белгилаб беради. Бу қўрқувдап нақ ўтакамиз ерилай дейдв! Ҳар йили биз, тўқсон учинчи йил* такрорлавиб қолмаса гўрга эди, дея юрагимизни ҳовучлаб юрамиз. Қабул маросимларида бу мавзу юзасидан қандай оташин нутқлар йрод этиншмпи ҳали зшитарсиз деган умиддамаи. Ажойиб нутқлар! Дна шу қўрқууии бир оз бўлса-да бартараф этувчи ҳар қандай гап оқсуяк ва риекорлар кўз ўнгида *хушахлоц* бўлиб кўринаверади. Пармада эса оқсуяк ва риекор бўлмаган одам қамоқда еки тез кунда азахта қилинишинв кутган қўйи кўч-кўрониви ҳозирлаб ўтирибди. Кўнглингиз тўқ бўлсин, сизнинг викоҳингиз фақат мен назардан қолган кундагина кулгили бўлиб кўриниши мумкин. Бу битимда ҳеч ким бировга панд бераетгани йўқ, мепимча, энг муҳими ана шу. Ўзингизга маълум, барчамиз шаҳзоданинг саховати билан савдо қиламиз ва шу орқали кун кўрамиз. Шаҳзода эса фақат бир шарт билан ризолик беряпти: бўлажак



герцогиня Сансеверина албатта олийвасаб аел бўлмога лози?*. Утган йили, ҳисобимга кўра, мен министрлик лавозимида бир юз етти минг франк пул сарфлабман, умумий даромздим эса бир юз йигирма икки мингни ташкил этибди; йигирма минг франкии мен Лиоп банкига қўйдим. Мана энди ўзипгиз танланг: Пармада йилига бир юз йигирма икки минг сарфлаб, тўкип-сочин ҳает кечирасиз,— дарвоқе, бу пулнинг кучи Милhandаги пулнипг тўрт юз минг франкига тўғри келади. Лекин бу ўриида анча дурустгина бир одам билан никоҳдак ўтмоғингиз лозим бўлади. Тўғри, сиз уни фақат бир марта никоҳ ўқилаетган пайтдагина кўрасиз. Еки ўн беш минглик рентага Флоренциядами еки Неанолдами мешчанларга хОс камсуқумгина ҳает кечирасиз. Фикрингизга қўшиламан: Миланда ҳамма сизга қойил қолиб юрарди, бу ерда эса ҳасадгўйлар ғийбатингизни қилишади ва эҳтимол, кайфиятиигизни бузишади ҳам. Пармадаги шукуҳли ҳает, умид қиламанки, шаҳзода Евгенийнинг саройини курган ҳатто сиздек бир хоним учун ҳам маълум қадар янгилик бўлиб туюлиши мумкин; бу ҳаетни бутунлай рад этмоқдан аввал упга бир оз разм солиб кўрсангиз емон бўлмасди. Цароримга таъсир кўрсатмоқчи деб ўйламанг яна. Мен аллақачон бир фикрга кслиб қўйганман. Ҳашам ичра елғизликдап сиқилиб ўтиргандав кўра сиз билан бешинчи қаватда яшаганим юз карра афзал.

Жазманлар ҳар куии бу ғаройиб никоҳни муҳокама қилишарди. Графиня Ла Скала театридаги балда герцог Сансевериани курган эди, чол унга анча салобатли бўлиб кўрипди. Хоним билан сўнгги суҳбатларининг бирида граф таклифига хотима ясаб, шундай деди:

— Агар қолган умримизни хурсандчилик билап яшаб, дарров қариб қолмайлик десак, ниҳоят бир қарорга колиши миз керак. Шаҳзода никоҳингизга розилик берди. Сансеверина, помига бўлса-да, лекин куевликка муносиб одам; унинг Пармада ажойиб саройи бор, давлати эса беҳисоб; ўзи олтмиш саккиз ешда-ю, лекин елкасига орден лентасини тақиш дардида юрибди. Бироқ бир қилмиши бунга монелик қиляпти ва унинг ҳаотини заҳарлаяпти: бир вақтлар у ўн минг франк тўлаб, Напо.-^опшгпг Капова* ишлаган ҳайкалиии сотиб олган экап. Унинг, агар сиз ердам қўлини чўзмасангиз, бояқишпи гўрга тиқипга мум] бўлган иккинчи гуноҳи ҳам бор: бир куни у ўзи те.-бароғу лекии виҳоятда истеъдодли шоир Феррапте Паллага йигирма бет наполеондор пул қарз берган экав. Шупдал сўғ5г куп вақт ўтмай бизда Феррантени қатл этмоққа ҳукм қилишдй. Хнппият, бу ҳукм сиртдан чиқарилганди. Ферранте умрида икки Ю!та шоър еяган, ажойиб гаеърлар, мавриди г;елганда уларни сизга у бераман,— Даптенинг асарларидан қолишмайлдт упипг шеърлари. Шундай қилиб, шаҳзода Сансеверипани ***еар« элчи қилиб тайиплайди; жўнаб кетадиган купи герцог сиз б дап ўтади; элчихона дея аталмиш қувгиннинг увивг елкасига орден лентасини осиб қў. масам

қиш шунинг дардида адойи тамом бўлиши мумкин. Сиз учун у бинодардек бир одам бўлади ва ҳеч қачон кўнглингизни ранжитмайди; у истаган шартномага олдиқдан қўл қўйиб бераман деяпти. Бунинг устига, сиз уни аҳен-аҳендагина кўрасиз, агар истасангиз, умуман кўрмаслигипгиз ҳам мумкин. Кейип герцогнинг ўзи ҳам буваси ўлпончи ўтгани ҳамда унинг сохта либерализмини барча эслайдиган Пармада кўринишни хоҳламайди. Бизнинг жаллодимиз Рассининг айтишича, герцог махфий ;равишда шоир Ферранте Палла орқали «Конститюсьонель» газетасига езилиб куйган экаи. Ана бу бўҳтон туфайли шаҳзода анчага довур ушбу никоҳга ризолик бермай юрди.

Агар маънавиет тарихчиси ўзига ҳикоя қилиб берилган ҚЕСсапи батафсил баен этса, буни жииоят дея ҳисоблаш керакмикип? Дисса қаҳрамонлари, аксига олиб, бечора муаллиф мутлақо хуш кўрмайдиган эҳтирослар туфайли ўта ахлоксиз ишлар қилишса упда нима айб? Тўғри, шуҳратпарастликни қовдиришнинг ягона воситаси бўлмиш пулга ҳирс қўйиш барча бўлак эҳтирослардан устун келган мамлакатларда бундай ахлоқсизликлар энди мутлақо учрамайдиган бўлиб қолган.

Биз ҳикоя қилган воқеалардан сўнг орадан уч ой ўтгач, герцогиня Саисеверина-Таксис Пармага кўчиб борди-ю, ўзининг хушфеъллиги ва ақлининг тиниқлиги билан у ернинг сарой аҳлини мафтун қилиб қўйди, унинг уйи, сўзсиз, шаҳарнинг энг олди уйи бўлиб қолди. Граф Моска ҳам ўз ҳукмдорига худди апа шу нарсани ваъда қилган эди. Ҳукмдорлик қилаетан шаҳзода Ранунцио-Эрнесто IV ва унинг хотини бўлмиш малика мамлакатнинг энг аслзода аелларидан икки хоним бошлаб кириб гаништирган герцогиияни илтифот билан қарши олишди. Герцогиня ўзи севган одамнинг тақдирига ҳукмдор бўлмиш шаҳзода ни қизиқиб кузата бошлади: хоним унга еқишим керак дея аҳд қилди ва бу борада ўзи истаганидан ҳам кўра кўпроқ муваффақият қозонди.

Герцогиня баланд бўйли, лекип хиел семизроқ бир одамга рўбарў бўлди; шаҳзоданинг малла сочлари мўйлови ва узун қилиб ўстирган бакеибардларининг ранги сарой аҳлиникг ишонтиринишча, жуда чиройли эмиш — лекин ранги ўнгиб кетган бу соч-соқолки ҳар қандай ўзга даврада «патак» дея аталмиш еқимсиз сўз билан сифатлашган бўларди. Унинг катта, гўштдор юзининг қоқ ўртасида деярли хотинларникига ўхшаш кичкинагина бурни қанқайиб турарди. Бироқ герцогиня шаҳзоданинг қиефасидаги хунук томонлар фақат диққат билан тикилгандагина кўзга татланар экан, дея қарор қилди. Умуман олганда ҳукмдор анчм ақлли ва продаси мустаҳкам одамдек кўринарди. Унинг қаддкқомати ва ўзини тутишида бирмунча улуғворлик сезиларди-ю. аммо шаҳзода суҳбатдошига айниқса салобатли бўлиб кўринишга урипганида негадир бирдан довдираб қолар ва хижолатнинг зўридан оғирлигини гоҳ у оеғи, гоҳ бу оеғига сола бошларди. Лекин шунга қарамай, Эрнесто IV одамларга амрона қарар,



ўзини жуда сиио тутар, гапирганда эса салмоқдор қилиб, сўзларни жой-жойига қўйиб гапирарди.

Моска шаҳзода одамларни доим деворига Людовик XIV нинг бўйи баравар портрети осилган ҳамда флоренциялик усталар ижодининг маҳсули бўлмиш чиройли қадама стол қўйилган катта кабинетда қабул қилиши тўғрисида герцогиияни огоҳлантириб қўйди. Хоним дилида ҳукмдор жуда очиқдан-очиқ тақлид қилар экан, дея қайд қилди: улуғвор нутқи ва нигоҳи билан шаҳзода Людовик XIV га ўхшашга ҳаракат қилар, столга эса у худди портретлардаги Иосиф II га ўхшаб таяниб турарди. Герцогиняга қаратилган биринчи табрик сўзларидан кейинок шаҳзода унга олийнасаб хонимларниинг имтиези бўлмиш *курси %укукидан* фойдаланиш имкоииии бермоқ учун дарҳол креслога ўтирди. Парма саройида қабул чоғи фақат герцогиня, графиня ҳамда испан грандларининг рафицаларигина ўтириш ҳуқуқига эга эдилар; бошқа хонимлар эса фақат шаҳзода еки маликанинг алоҳида таклифидан кейингина ўтиришлари мумкин эди, шу боисдан ҳам мартабалари орасидаги фарқни янада бўрттириб кўрсатмоқ учун олий ҳазратлари герцоглик унвонига эга бўлмаган хонимларни бир оз кутиб туришга мажбур қилишарди. Герцогиня хаелан шаҳзоданинг баъзи дақиқаларда — масалап, бошини мағрур орқага ташлаб, илтифот билан жилмайган кезлари — Людовик XIV га тақлид қиламап деб жуда ошириб юбораетганини қайд қилиб қўйди.

Эрнесто IV одатда Парижда эндигина расм бўлган энг янги бичамдаги фракларни кийиб юрарди,— ҳар ойда унинг ўзи кургани кўзи йўқ Париждан шаҳзодага фрак, редингот ва шляиа юбориб туришгучи эди. Бироқ герцогиияни қабул қилган куни унинг энгил-бошида турли даврларнинг модалари ғаройиб бир тарзда омухта бўлиб кетганди; Парижда тикилган фрак, калтагина қизил панталон, ипак пайпоқ ва Иосиф П портретларидан андаза олиб тикилган ва сиртига тўқа қадалган туфли — буларнинг бари н^уда ғалати кўринарди.

Шаҳзода қабул чоғи Сансеверина хонимга илтифот кўрсатиб, назокат билан суҳбатлашди-ю, бироқ герцогиня ўзига нисбатан унча катта мурувват кўрсатилмагаиини яққол ҳис этди.

— Биласизми нега шундай бўлди?— дея сўради граф Моска хонимдан герцогиня қабулдан қайтиб келгач.— Милан Пармага нисбатан анча каттароқ ва гўзалроқ, шу боисдан ҳам гааҳзода пойтахтлик санамниинг ҳустшга шайдо бўлиб қолган қишлоқига ўхшаб кўринишдан қўрққан. Ҳолбуки у сизни жуда яхши кутиб олади дея умид қилгандим ва бундай умид қилишимга упинг ўзи асос берганди. Сўпгра, имоним комилки, яна бир нарса шаҳзоданинг зардасини қайнатяпти,— бу тўғрида сизга қандай айтишни ҳам билмайман: шаҳзода ўз саройидаги биронта ҳам хоним ҳусн бобида сизга тенг кела олмаслигига ишонч ҳосил қилибди. Ҳар кал ай кеча кечқуруп, уйқу олдидан у ўзининг бош камердинери Порниче билан сирдошлик қилиб ўтириб, фақат шу тўғрида гапи-

рибди. Периичешшг эса мен билан муносабати яхши. Назаримда сарой этикетида кичкина бир революция бўладиганга ўхщайди... Сизга шуни айтиб қўймоғим керакки, саройда менинг бир ашаддий душмаиим бор. Генерал Фабио Конти дея аташади у аҳмоқии. Умри бўйи бир кунгина урушда бўлган ва шу асоеда Буюк Фридрихнинг одатларига тақлид қиладиган бир тентакни тасаввур қилипг-а. Буниси ҳам етмагандек, у киши генерал Лафаиет* нинг олижаноб соддалигига таҳассуб қилмокчи бўладилар, зеро, бизда либераллар партиясининг йўлбошчиси ҳисобланадилар (ўлгурдим бунақа либераллардан!).

— Мен танийман ўша Фабио Контини,— деди герцогиня.— Би з яқинда у билан Комо кўли енида учрашган эдик — генерал ;< пндармлар билан айтишиб тургаиди.

Шундан сўнг у графга ўша кичкина саргузагат тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Ўша воқеа китобхонимизнинг едида бўлса ьерак.

— Бир куп эмас, бир куп, хоним, агар бу ернинг одоб қоидальрини тушуниб етсангиз, бизда қизлар сарой аҳлига фақат турмушга чиққанларидан кейингина таништирилажэкларияи билиб оласиз. Лекин шаҳзодапинг ватанпарварлик туйғуси ту кадар л.ўш уриб, у Парма шаҳрининг барча бўлак шаҳарлардан уступ эканлигини исботлашга шу қадар интиладики, гаров бойлашим мумкин, у ўша Лафайетимизнинг қизи бўлмига ешгина Клелия Контини саройга олиб кирмоқ учун албатта бирон баҳона ўйлаб 1опади. Ўша қиз чиндан ҳам ниҳоятда соҳибжамол ва бир ҳафта бурун шаҳзода ҳукмроплик қилаетгап бутун салтаиатнинг бирин- «, гўзали дея ҳисобланигаи мумкин зди. Аъло ҳазратимиз тўғ-° рисида унинг душманлари ҳикоя қиладигап даҳшатли мишмиш-

Гриаитага қадар етиб борганми-йўқми, буни билмайман: одатда уни евуз одамхўр дея сифаглайдилар Лекип аслида эса вактлар Эрнесто 1Унинг бир телай майда-чуйда фазилатлари булгувчи эди ва шуни ҳам айтиб қўимогим керакки, агар у Ахилл япглиғ ўзига мустаҳкам бўлганида, ҳозкр ҳам иамупали монарх-^ лигича қоларди. Аммо бир купи жаҳли чиқиб, феъли айиаб турган бир пайтда ва бупинг устига, Фропда* воқеаларпдан сўнг орадан эллик йил ўтгач, Версаль яқшшдаги ўзшшнг ота мерос амлокида ешиии яшаб, огники ошаб юришга журъат этган Фрондагшнг қандайдир қаҳрамонишшг бошиии таиидан жудо қняишга бугорган Людовик XIV га таҚЛ! нш истагида Эрнесто ТУ гкки либерални дорга тортишга ҳукм этибди. Яиглишмасам, ўта бадт одамлар эҳтиетсизднк қилиб, белгилангаи кунда бир-бирларининикига меҳмонга келишар ва ўтириб олиб шаҳзодани сўкшпар ҳамда фалакдан Пармага набо йўллапгаи ва шу йўсинда уларня золимпинг зулмидаи қутқариб, ҳукмронга ажал еткозинши илтижо қилишар зкаи. *«Золим»* сўзи тилга оликгани аниқ исботлаб берилган. Расси буни исеь деб атаган ва ўша одамларшгаг ккко- ни ҳам ўлимга хукм қилган. Айтишларича, ўшалардан бирн, ;ҳоятда даҳтатли будган экан. Бу



во1-;еаларнинг бари менга қадар содир бўлганди. Ўша машъум воқеадав буен.—дея қўшимча қилди граф товушини пасайтириб, — шаҳзода *эркак кишига мутлщо ярашмайдиган* восвос дардига мубтало бўлиб қолган. Унинг менга нисбатан илтифот кўрсатишининг ягона сабаби ҳам худди ана шу. Агар аъло ҳазратиинг ана шу восвос дарди бўлмаганида, мени аҳмоқлар ҳукм ўтказадиган ушбу саройда қўрс ва қўпол дея ҳисоблашган бўлардн. Тасаввур қилинг-а! Шаҳзода тўшакка етишдан олдин ўз хоналаридаги каравотларнинг тагини текшириб чиқади ва шафқатсиз полицияни таъминлаб турмоқ учун йилига бир миллион пул сарфлайдики, бу бир миллионнинг кучи Миланда тўрт миллионга тенгдир. Худди ана шу нарса, яъни аъло ҳазратларининг дилидаги ваҳима туфайли мен ҳарбий ишлар ва молия министри бўлиб олдим; полиция эса номига менинг бошлиғим ҳисобланмиш ички ишлар министрига бўйсунади. Шу боисдан ҳам мен бу лавовимга граф Дзурла—Контаринини тайинлашларини илтимос килдим. Бу аҳмоқ одам шу қадар эринмаски, ўз қўли билан кунига саксонталаб расмий хат езади. Бугун эрталаб ундан яна бир мактуб олдим. Граф Дзурла-Контарини ҳузур қилиб унга ўз қўли билан чиқиш номери — 20715 рақамини қўйибди.

Герцогиняни Парма маликаси — доим маъюс юрадиган Клара-Паолинага таништиришди. Малика эрининг ўйнаши борлиги учун (хушрўйгипа маркиза Бальби) ўзини ниҳоятда бахтсиз ҳисоблар ва шу боисдан ҳам руҳсиз кайфиятда юрарди. У қотмадан келган, баланд бўйли, гарчи эндигина ўттиз олти ешга кирган бўлса-да, эллик яшар кўринишдаги бир аел экан. Агар хушбичим рухеорини юмалоқ ва ниҳоятда хиралашиб қолган кўзлариинг саросимали боқиши ҳамда маликанинг ўзига қарамай қўйгали бузиб турмаганида уни гўзал аел дея аташ ҳам мумкин эди. У герцогиня билан шу қадар ийманиб гаплашдики, граф Москанинг саройдаги душманлари бўлмиш баъзи бировлар малика саройга таништирилаетган тортинчоқ аелга, герцогиня эса ҳукмдор хонимга ўхшаб кўринди, дейишгача журъат этишди. Герцогиня ҳайрон бўлди ва ҳатто бу галати аҳволдан қандай қутулиш ҳамда ўзига муносиб ўринни эгаллаш учун нима дейишини билмай хижолатга тушди. У аслида анчагина ақлли аел бўлмиш боякиш маликага бир оз далда бериш учун ўйлаб-ўйлаб охири ботапика тўғрисида сўз очгап эди, бу нутқи бутун рисолага айланиб кетди. Малика бу илмдан анчагина хабардор бўлиб, унинг турли-тумаа тропик ўсимликлар гуркираб ўсиб етган ажойиб гулхоналари бор эди. Герцогиня фақат ноқулай аҳволдан қутулишга урииди-то, бироқ натижада малика Клара-Паолинани ўзига бутуилай ром қилиб олди. Бояқиш малика қабул маросими бошида анча азоб берган ўнғайсизлик ва хижолатдан аста-секин қутулиб, ўзини шу қадар яхши ва эркип ҳис эта бошладики, барча одоб қоидаларига қарши уларок ушбу биринчи қабул маросими бир еоатдан мўлроқ вақтта чўзилиб кетди. Эртаси купи герцогиня турли-тумаа

ғайриоддий ўсимликлар сотиб олишпи буюрди ва барчани ўзининг ботаника шайдоси экаплигига ишонтира бошлади.

Малика кўпгина вақтини Парма архиепискогш монсиньор Ландриани билан бирга ўтказарди. Анчайин аллома ва ҳатто ақлли, жуда ҳалол бу одам ўз руҳоиийлик ҳуқуқига биноан фрейлипа ҳамда икки *мулозимаси* қуршовида ўтирган маликанинг қаршисидаги қирмизи бахмал креслода жуда ғалати кўрипарди. Оппоқ сочларини узун қилиб ўстирган бу руҳоиий чол, уятчанлик бобида, чамаси, маликанинг ўзидан ҳам ўтиб тушардй; улар ҳар купи учрашиб туришар ва ҳар гал қабулнинг бошпда иккови ҳам камида чорак соат чурқ этиб оғиз очмай ўтирардилар. Мулозималардан бири, графиня Альвици бу оғир сукутни бузиб, гапни гапга қовуштириб юборишга усталиги учун ҳам маликанинг алодида илтифотига сазовор бўлганди.

Герцогиня саройга таништириш маросими отасиникидан ҳам бўйи баландроқ, уятчанликда эса онасидан қолишмайдигав валиаҳд шаҳзода олий ҳазратлари ҳузуридаги қабул билан якунлаиди. Валиаҳднинг еши ўп олтида бўлиб, у минералогия фанига жуда қизиқарди. Герцогиияни кўргач, валиаҳд лоладек қизариб кетди ва шундай соҳибжамол хоним билан нима тўғрисида гаплашишни билмай бутунлай довдираб қолди. Навқирон шаҳзода анча келишгап йигитча эди ва бутун вақтини қўлида геологлар болғачаси билан ўрмоиларда ўтказарди. Герцогиня бу унсиз қабул маросимига чек қўймоқ ниятида ўрнидан турган эди, валиаҳд таҳзода бирдан:

— Е тангрим, бунчалар соҳибжамол бўлмасангиз, хоиим!— дея хитоб қилди.

Ташриф буюрган герцогиня бу гапни у қадар одобсизликка йўймади.

Йигирма беш ешли жувон маркиза Бальби герцогиня Саисеверина Пармага келишидаи икки-уч йил бурун *итальянча гўзалликнинг* мукаммал намунаси ҳисобланарди. Ҳатто ҳозир ҳам уиипг шаҳло кўзлари жон оламан дер, таннозлиги ўзига жуда ярашиб турарди-ю, бироқ яқиндан қараганда унинг юзини майда-майда ажинлар қоплагапди. Шу боисдан ҳам маркиза еш кўринадигап кампирга ўхшаб қолганди. Уни узоқдан, масалан, театр ложасида курган одамлар ҳамон маркизани соҳибжамол дея аташар ва партерда утирадигап театр шииаваидалари, шаҳзоданинг дидига қойил қолишарди. Шаҳзода ҳар куни кечқурун вақтипи маркиза Бальбиникида ўтказар, лекин аксарият бутун кеча давомида чурқ этиб оғиз очмай ўтирарди. Шу сабабдан ҳам бояқиш маркиза, шаҳзода менинг енимда зерикиб қоляпти, деган хаелга бориб, ич-этиии ерди. Хоиим ўзини ниҳоятда оқила деб билар ва тишлари садафдек оппоқ эканлигиии билгани учун ҳам доим жилмайиб турарди. Бунинг устига у маккороца табассуми билан сўзларида қапдайдир алоҳида маъно бордек қилиб кўрсатишга урииарди. Граф Моска, босиб келаетган эсноғини ягаириш учун доим шундай жилмайиб юраверганидап унинг юзини ажин қоплаган, дегувчи эди. Бальби барча молия ишларига аралашарди,— подшолик маркизага тегишли *чўталини* тўламай туриб (Пармада ана шундай нозик термин ўйлаб топишганди), ҳатто минг франклик шартнома ҳам туза олмасди. Одамларнинг гапига қараганда, Бальби Англия банкларига олти миллион франк пул қўйган эмиш, бироқ аслида унинг яқин йиллар ичида орттирган бойлиги ҳозирча фақат бир ярим миллионга етарди. Хонимнинг макр-ҳийлаларидан ўзини сақлаш ва уни измидан чиқармаслик ниятида граф Моска молия министри бўлиб олди. Маркизанинг бирдан бир нуқсони унинг қўрқув оқибатида пайдо бўлган қаттиқ хасислигида эди. *«Мен похол устида ўлиб кетаман»* — дегувчи эди у баъзая шаҳзодага. Эрнесто IV га бу гап ҳақоратдек эшитиларди. Герцогиня Бальби саройининг зар югуртирилган даҳлизида эриетган мойи қимматбаҳо мармар столга томаетгая биргина янги шам бниб тургани, салоининг эшиклари эса малайларнинг ифлос қўллари тегавериб ифлос бўлиб кетганини курди.

— У мени худди ҳозир эллик франклик садақа беришларини кутаетган бир одам дек қабул қилди,— деди герцогиня ўз дўстига.

Герцогинянинг муваффақиятларига саройдаги энг қилвир аел, граф Моска партиясининг рақиби бўлмиш партиянинг йўлбошчиси, маккора фитиачи, машҳур маркиза Раверси саройидаги қабул маросими бирмунча рахна солди. Маркиза граф Москани қулатиш найида юрарди. Унинг дилидаги бу истак сўнгги ойлар ичнда айниқса жунбушга келганди: маркиза Раверси герцог Сансеверинанинг жияни эди ва у, янги герцогиня Сансеверинанинг дилрэбо ҳусни мени меросдан маҳрум қилиб қўймаса эди, дея қўрқиб қолганди.

— Раверсидек бир аелдан эҳтиет бўлмоққа тўғри келади,— деганди граф ўз маъшуқасига.— Ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайди у. Мен ҳатто хотиним билан ҳам у ўзига Раверсинипг ошналаридан бири бўлмиш кавалер Бентивольони ўйнаш қилиб олгани учун ажрашиб кетганман.

Бу норғулдан келган, қорасоч, эркакшода, упа-сурмани кэлин суртиб юрадиган хоним доим эрта саҳарданоқ бутун дуру гавҳарларини тақиб олгувчи эди. У бошиданоқ ўзини герцогинянинг душмани дея эълон қилди ва Сансеверина хонимни ўз уйида қабул қилар экан, дарҳол унга қарши уруш бошлаб юборди. ***шаҳридаги герцог Сансеверинадан келаетган хатларга қараганда, у ўзининг элчилик лавозими, энг муҳими эса ниҳоят елкаси оша орден лентасини тақиш умиди пайдо бўлганидан боши осмонда эканлиги мутлақо аен эди. Шу боисдан ҳам унинг қариндошуруғлари герцог миннатдорчилик тариқасида бойлигининг бир қисмини хотинига мерос қолдирмаса гўрга эди, дея қўрқиб қолишди. Бинобарин, у ҳозирнинг ўзидаек хотинини совға-саломга кўмиб ташламокда эди. Раверси хоним бадбурушлигига қарамай саройдаги энг хушрўй йигит — граф Бальдини ўзига ўйнаш қи-

л«б олганди: умуман бу абл нимантки ният қилса, уни рўебга чекармай қўймасди.

Герцогинянинг уйи ниҳоятда ҳашамдор эди. Сансеверина саройи илгари ҳам Пармада ўзининг ҳашамати билан ажралиб турарди. Герцог элчи қилиб тайинланганидан сўнг орден лентаси ҳак.идаги орзусининг амалга ошиши анчайин аниқлашиб қолгач, уйига пардоз бериш учун катта-катта пул сарфлай богалади; герцогиня бу ишларга раҳбарлик қилиб турди.

Граф ўшанда тўғри айтган экан: герцогиняни саройга тапиштиришганидан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, у ерда навқироя Клелия Конти ҳам найдо бўлди; уни канонисса этиб тайинлашди. Бу кутилмаган илтифот графиипг нуфузига путур етказгаидсг? эди. Ана шу зарбани бартараф қилиш учуи герцогиня жамоага ўзининг янги богини кўрсатиш баҳонасида зиефат берди ва ўзкг<* хос бир назокат билан байрамга Клелияни малика этиб тайинлади. У қизни Комо соҳилида орттирган еш дугонам дея атарди. Энг катта шиорларда гўе тасодифандай Клелия исм-шарифкнинг бош ҳарфлари еришиб турарди. Клелия байрамда бирмунча х;;>лга чўмиб ўтирди-ю, бироқ кўл яқинидаги ўгаа кичкина саргузаштни мароқ билан эслаб, герцогиняга қизғин миннатдорчидик билдирди. Айтишларича, у ниҳоятда тақводор бўлиб, хонашшшнликиии яхнш кўрар экан. «Гаров боглашим мумкин, у шунчаки отасидан ор қилади,— дерди граф,— у жуда ақлли кўрипади». Герцогиня бу қиз билан дўстлашиб колди, Унинг дилида Клелияга нисбатан меҳр уйғонганди, хоиим ҳасадгўй бўлиб қўрипишг.и истамас, шу боисдан ҳам у қизяи ўзининг барча сайр-томошаларига жалб этарди; умуман герцогиня графни куршаб турган адоват руҳини юмшатмоқни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Ҳамма герцогиняга табассум билан боқарди; ногаҳоний бўрои кўтарилишидап хавфсираб, муттас'ил зийрак юриш лозим бўлган сарой шароити унинг завқини қўзг'отарди; хонимга ўзи гўе яигадаи яшай ботлагандек туюларди. У графга нисбатан дилида самимий бир меҳр ҳис этардики, бечора мкнистр бундан боши'осмонда эди. Шундай екимли руҳий ҳолатда юрар экан, граф шуҳратпарас пишка доир барча масалаларда ўзини ниҳоятда хотиржам тутди ва герцогиня Пармага кўчиб келганидан сўнг орадан икки ой ўтмасдапоқ у бош мииистр лавозимини эгалладики, бу рансаб соҳибига кўрсатиладиган иззат-эҳтиром онҳазратки;:идан доярли қолишмасди. Графнинг ўз ҳукмдорига бўлган таъсир кучи чексиз эди. Бу иуфузнинг бир исботи Парма аҳлшгапг бариви лол қолдирди.

Шаҳардан ўн ^ўлда, унинг жануби-шарқ томонида бутуп Италияда номи чиққан машъум бир қалъа бор эди — унинг баландлиги бир юз саксон фут келадиган улкал микорлси йирок-йироқлардап ҳам кўриниб турарди. XVI асрпинг бошларида Павел Шнииг* набиралари бўлмига герцог Фарнезелар го.мопидан Римдаги Адриан* мавзолейи шаклида қурдирилтак бу минoранинг сатҳи тну кадар катта эдики, унинг юқорз ида ҳатто қалъа коменданти учун сарой ва Фарнезе минорася дея аталгаи янги қамоқхона ҳам куришганди. Бу қамоқхона Рапунцио-Эрпосто II нинг ўзўгай онаси билан дон олишган катта ўғлш учун бипо қилинганди ва у бутун мамлакатда ўзига хос гўзаллига билан тухрат қозонганди. Герцогиня бориб апа шу қамоқхонапи кўрмокчи бўлди! У қалъага борганида кун жуда иссиқ эди, бироқ нинoранинг тепасида, ер сатҳидан анча балапдликда салқин шабада зсиб турарди. Шу боисдан ҳам герцогиня у ерда бир неча соат қолиб кетди. Унинг учун Фарнезе минорасидаги барча залларнинг эшигини бажонидил очиб беришди.

Минора тепасидаги майдончада герцогиня бир маҳбусга дуч келиб қолди — бу бечора либералнн уч кунда бир марта ижозат этиладиган ярим соатлик сайрга олиб чиқишганди. Пармага қайтгач, ҳали ҳукмдор саройида зарур бўлган хислат — сир сақлашни ўрганиб улгурмаган герцогиня ўз тарихини гапириб берган ўша маҳбус ҳақида барчага ҳикоя қила бошлади. Маркиза Раверси партияси бу гаплар шаҳзоданинг жаҳлини чиқаради, деган умидда герцогипянинг эҳтиетсизлик билан қилган ҳикоясини жлиб олди-да, зўр бериб овоза қилишга тутунди. Зеро Эрнесто IV ўктин-ўқтин жазолашдан асосий мақсад — фуқаронинг дилига ваҳима солишдур, дея такрорлади.

— *Умрбод* — бу даҳшатли сўз,— дегувчи эди у.— Италияда аса у одамларнинг дилига бошқа мамлакатларга Караганда кўпроқ ғулғула солади.

Шу боисдан умрида бирон марта ҳам у ҳеч кимнинг гуноҳидан ўтиб, афв этмаганди. Бироқ мино-рапи кўздан кечирганидан сўнг орадан бир ҳафта ўтгач, герцогиня жазони юмшатиш ҳақида шаҳзода билан министр имзо чеккан фармон олди, бироқ ушбу фармонда ҳукм этилган одамнинг исми қўйилмаганди. Хоним унга қайси маҳбуснинг исмини езиб берса, ўша одамга мусодара қилинган бор мол-мулки қайтариб берилар ва унинг Америкага жўнаб кетмоғи учуп ижозат этилардики, боякиш у ерда умрининг охиригача озоддикда яшамоғи мумкип бўларди. Герцогиня фармонга минорада суҳбатлашган ўша либералнинг исмини езиб берди. Бахтга қарши, у хиел аблаҳ ва журъатсиз бир одам бўлиб чиқди: машҳур Ферранте Паллани худди апа ғпу либералнинг иқрори бўйича ўлим жазосига ҳукм қилишган экап.

Бундай одатдан ташқари афв этиш герцогиня Сапсеверинанинг обрў-эътиборини ниҳоятда огаириб юборди. Граф Моска бахтиерликдан боши осмонда эди, бу унинг ҳаетида ажойиб бир давр бўлиб, ушбу ҳол Фабриционинг такдири учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди: у ҳамон ?1овара яқипидаги Романьянода яшаб, кафоратхонага бориб турар, овга чиқар, ҳеч нима ўқимас ва ўзига берилган кўрсатмага биноан аслзода бир хопимнинг кўнглини овлаб юрарди. Ана шу сўнгги эҳтиеткорлик герцогинянинг хиел зардасини цайнатарди. Кейин граф учун яиа бир номатлуб аломат ҳам бор эди: ўз дўстидан ҳеч пимани ягаирмай, ҳатто дилидаги

галларни ҳам очиқ айтадиган герцогиня унга Фабрицио тўғрисида олдвндан ўйлаб олмай туриб, бир оғиз ҳам сўз айтмасди.

— Агар истасангив,— деди унга бир куни граф,— мен Комо соҳилида истиқомат қилувчи муҳтарам акангизга нома йўллаб, ҳурматли маркиз дель Донгони ажойиб жиянингизнинг гупоҳид&н ўтишларнни илтимос қилмоққа мажбур этипшм мумкин,— мен ва ***дўстларим учуй бу иниш рўебга чиқармоқнинт унча ЮИЙИН жони пут;. Агар Фабрицио— мен бунга сира шубҳа қилмайман — Милан кўчаларида отларини ўйнатиб юрган еш такасалтанглардан ақллироқ бўлса,— ўн саккиз ешли йигит учун шу ҳам ҳает бўлдими? Бекорчилик, келгусида ҳам умрбод бекорчилик! Агар у фалакнинг гардкши бнлан бирор нарсага, масалан, балиқ овяга сидқидилдан ҳавас қўйган бўлса, мен унинг бу ҳавасини ҳурмат қилишга тайерман. Унинг гуноҳидан ўтдилар ҳам дейлик. Хўщ, ту план суш у Миланда нима иш қилади? Англиядан от буюртма қилиб. маълум соатларда кўчага сайр қилгани чиқади-ю, қолгая оайтда мипадиган отичалик ҳам кўрмайдиган бироита иаъшуқас» билан ишратга берилади... Лекин, фармоп берсангиз, мен жияшшшзга шундай ҳает кечирмоқ учун ҳам имконият яратиб беришим мумкин.

— Мен уиипг офицер бўлишини истардим.

— Бир куни келиб маълум аҳамият касб этадиган мансабнинг биринчидан, габиати жўшқинликка мойил, иккинчидан эса, Наполеовга ихлосманд экаплигини намойиш қилиб, унинг цўшинлари сафигда Ватерлоо енида жанг қилган бир одамга ишониб топширишни ҳукмдорга ким ҳам маслаҳат берарди дейсиз? Ўзингиз ўйлаб кўрпнг, агар Наполеон Ватерлоо бнида ғалаба қозонгапида ҳаммамизиииш ҳолимиз нима кечарди?! Тўғри, бизнинг либераллардон қўрқадиган жойимиз йўқ, бирок зски сулолаларга мансуб монархлар фақат Наполеон маршалларининг қизларига уйлансаларгипа ҳукмдорлик қилишлари мумкин бўларди. Шундай қидиб, Фабрицио учун ҳарбийлик касби қафас ичига 'солиб қўйилгая олмахопииng ҳаетидай бир гап: елиб-югураверади-ю, сира ҳам олдиига силжимайдв. Кейин авомдан чиққан содиқ фуқаролар хизмат поғоиасида ўзидан ўзиб кетаетганларини кўриб, ранжиб юради. Бизнинг давримизда ва чамаси ҳали монархлар қўрқувдан дағ-дағ титраб, ҳали диннииг мавқеи тикланмас экан, эллик йиллар давомида еш йигитнипг асосий фазилати унинг жўшқинликка берилмаслиги ва ақллилик балосига гирифтор бўлмаслиги ҳисобланади. Мен бир чора ўйлаб топдим, лекин у бошида сизнипг жаҳлингизни чиқаради, менинг эса бошимни ташвишга қўяди!.. Бу аслида телбалик албатта, аммо мен сизнинг битта табассумингизни кўрмоқ учун ҳар қандай телбалик қилишга тайерман!

— Нима гап экан ўзи?

— Гап бундай. Пармада дель Донголар аждодидан бўлмиш учта архиепископ ўтган, Асканьо дель Донго, у минг олти юз...



қайси йилда мартабага ўтиргани эсимда қолмабди; Фабрицио,— минг олти юз тўқсон тўққизинчи йили ўтирган ва иккинчи Асканьо — минг етти юз қирқинчи йил мартабага эришгап. Агар Фабрицио руҳояий бўлишни истаса ва бу соҳада эзгу-саховат намойиш этса, мен уни бирон жойга епископ, кейин эса бутун Пармага архиепископ қилиб қўяман — унгача ўз нуфузимни йўқотмасам албатта. Бу ажойиб режани амалга оширгунимизга қадар мен мииистр бўлиб тураманми-йўқми?— Эпг катта муаммо аиа шунда. Унга қадар шаҳзода бандаликни бант келтириши еки итлиги тутиб, мендан юз ўгириши мумкин. Бирок қанча бош қотирмайлик, Фабрицио учун сизнинг номинтизга муносиб ягона чора ана шу.

Улар узоқ баҳслашишди: бу режа герцогинянинг дидига унча ўтиришмаган эди.

— Фабрицио учун олий мансабга эришишнииг бошқа пули йўқлигини менга исботлаб беринг,— дерди у.

Граф буни исботлаб ҳам бердя.

— Сиз жиянингизнинг ялтироқ мундир кийиб юра олмаслигига ачиняпсиз,— дея қўшимча қилди у.— Лекин бу ўринда меа ожизлик қиламан.

Герцогиня ўйлаб куриш учун бир ой муҳлат сўради, сўигра хўрсинганича министрнинг оқилона далилу исботларига қўшилди.

— Биронта катта шаҳарда кеккайганича инглиз олтини ўйпатиб юриш қаекда-ю,— дея такрорларди граф,— мен таклиф қилаетгав насл-насабига муносиб олий мансабга эришиш қаекда. Мен бошқа йўлини кўрмаяпман. Афсуски олий насаб одам на врач, на адвокат була олади, бизнинг асримиз — бу адвокатлар замони. Агар истасангиз,— дерди граф,— сиз жиянингизга Миланда энг бадавлат тенгдошларига ўхшаб ҳает кечирнши учун имконият яратиб беришингиз мумкин. Унинг гуноҳидан ўтишларига муваффақ бўлгач, сиз жиянингизга ҳар йили ўн беш, йигирма, ўттиа минг франк пул бериб туришингиз мумкин: зеро, сиз ҳам, мен ҳам пул йиғмоқчи эмасмиз.

Герцогиня табиатан анчайин шуҳратпараст бўлиб, Фабрицио-ЕИНГ ҳаетини бемақсад, айш-ишрат билан ўтказишини истамасди,— у ява граф таклиф қилган режа ҳақида гап очди.

— Марҳамат қилиб, бир нарсага эътибор беринг,— дерди унга граф,— мен Фабрициони оддийгина киройи руҳоний қилиб қўймоқчи, эмасман. Йўқ, аввеламбор у аркони давлат бўлмоғи даркор. Агар истаса, ғирт жоҳиллигича қолиши мумкин, лекиц шаҳзода мени ҳамон ўзи учун фойдали одам ҳисоблаб, мурувватидан маҳрум қилмаса, у бари бир епископ ва архиепископ бўлади. Марҳамат, буюринг, сизнинг хоҳишингиз мен учуй қонун. Бироқ Парма бизнинг арзандамизни паст лавозимда кўрмаслиги лозим. Агар Фабрицио аввалига бу ерда оддий руҳопий бўлса, унинг бирдан кўтарилиб кетиши одамларнинг жаҳлини чиқара-

ди. Пармага у албатта *бинафшаранг пайпоц*[x] кийиб, башанг экядажда кириб келмоғи даркор. Шунда ҳамма жиянингиз келажакда епископлик унвонига сазовор бўлажагини тушуниб қолади ва ҳеч кимнинг жаҳли чиқиб ўтирмайди. Гапимга хўп денг-да, Фаб~рициони улуҳиятдан сабоқ олмоқ учун уч йилга Неаполга жўиатинг; диний академиядаги таътил пайтлари у майли, агар истаса, Париж билан Лондонни томоша қилиб келсин, бироқ ҳозирча унинг Пармада кўриниши мумкин эмас. ->

Бу сўзларни эшитиб, герцогинянииг эти жунжикиб кетди. У дарҳол жиянининг олдига чопар юбориб, у билан Пьяченцада учраишоқчи эканлигини ҳабар қилди. Чопар орқали каттагина пул иа зарур ижозатномалар ҳам бериб юборилгани тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Пьяченцага биринчи бўлиб етиб келган Фабрицио герцогиняга пешвоз чиқди. У аммасини шундай жўшқин бир меҳр билан кучоқладики, герцогинянииг кўзидан дув-дув еш оқа бошлади. Хоним бу учрашув чоғи енида графнинг йўқлигидан хурсанд эди,— муҳаббат риштаси уларни бир-бирига боғлаганидан буен унинг дилида бундай туйғунинг биринчи марта пайдо бўлиши эди.

Фабрицио аввалига аммасини кўриб, кўнгли ниҳоятда ийиди-ю, лекин ўзининг келажаги ҳақида герцогиня тузиб қўйган режаварипи эшитиб, дили сиеҳ бўлди: йигит ўзининг Ватерлоога қочиш воқеаси босди-босди бўлгач, ҳарбий хизматга киришии орзу қилиб юрарди. Герцогиня бир жиҳатдан жуда хурсанд бўлди ва унинг жияни ҳақидаги романтик тасаввури янада кучайди: Фабрицио Италиянипг катта шаҳарларидан биронтасида кунини қаҳвахоналарда ўтказадиган бекорчиларга ўхшаб яшашдан қатъиян бош тортди.

— Ўзинг бир ўйлаб кўргин-а, Флоренциядаги Корсо кўчасидами еки Неаполдами от ўйнатиб юрасан,— дерди унга герцогиня.— Тагингда зотли инглиз оти, кечкурунлари эса — каретада, киборлар даврасига бориш; шинам жиҳозланган квартира ва ҳоказо па ҳоказо...

Ает ушбу нохуш бахтни завқ билан тасвирлар экан, Фабри-" цио бундай ҳаетии ижирғаниб рад этаетганини кўриб турарди. «У — ҳақиқий қаҳрамон»,— дея ўйларди хоним.

— Хўш, ўн йил ана шундай беғам ҳает кечиргандан сўнг иимага эришаману ким бўлиб қоламан?— деди Фабрицио.— Ўрта ягаар кишига айланаман-да, эндигина киборлар даврасига атак-чечак кириб келаетган, мен каби зотдор инглиз отини гижипглатувчи ҳар қандай хушрўй ўспиринга урин бўшатмоққа мажбур бўламан.

[1] Италияда аркони давлатлар қўллаб-қувватлайдигаи еки диний маълумоти бўлган -йигитларни *прелат* ва *монсикъор* дея улуғлашади (бу ҳали епископ дегани эмас) ва улар бинафшаранг пайпоқ. кийиб юришади. Монсиньор бўлмоқ учун руҳонийлик унвонини олиш шарт эмас, бинафшаранг пайпоқни ечиб ташлаб, бемалол уйлаиавериш мумкин. *(Муаллифпинг и<ю%и.)*

Аввалига Фабрицио, ундан кўра Нью-Йоркка жўнаб, Америка фуқароеи, республика солдати бўлганим маъқул, дея ғазаб билан руҳонийлик мартабасини ҳам рад этди.

— У ҳолда жуда ҳам катта хато қиласан! У ерда ҳам бари бир жанг қилишингга тўғри келмайди ва сени яна ўша қаҳвахона шинавандаларининг ҳаети кутади, фақат унда на назокат, на музика, на муҳаббат бўлади,— дея эътироз билдирди герцогиня.— Гапимга ишонавер, Америкада сен ҳам, мен ҳам сиқилиб ударник.

У жиянига Америкада одамлар елғиз бир илоҳ — *долларга* сиғинишларини, бундан ташқари, у ерда сайлов пайти ўз овозлари билан ҳамма нарсани ҳал қилувчи раста дўкондорларп ва ҳунармапдларнинг кўнглига қараб иш қилиш кераклигини тушунтириб берди. Сўнгра улар яна руҳонийлик мартабаси хусусига қайтишди.

— Жаҳл қилгандан кўра,— деди герцогиня,— граф сендаи нима талаб қилаетганини яхшилаб тушуниб ол. Ҳеч ким сени аббат Бланес каби қандайдир ночор руҳоний бўласан деяетгана йўқ. Аждодларинг Парма архиепископтлари бўлишганини бир эслагин-да, шажарамиз иловасида келтирилган .уларнинг ҳаети тўғрисидаги хотираларни ўқиб кур. Шундай олийнасаб зот аввало акобир, олижаноб ва саховатли адолатпарвар бўлмоғи даркор. Унинг пегаонасига азалдаиоқ ўз табақасининг раҳнамоларидан бири бўлмоц битилган. Сен умрипг давомида бир мартапша қувлик қилмоғинг керак бўлади. Ўшанда ҳам ниҳоятда муҳим мақсад тақозо этади буни.

— Шундай қилиб, менинг барча орзуларим читгаакка чиқди,— деди Фабрицио ва чуқур хўрсиниб қўйиди.— Нақадар шафқатсиз қурбоплик бу! Очиғини айтсам, мен илгари мустабид ҳокимлар ўз фойдалари учун йўналтиришлари мумкин бўлган ташаббус ва заковатдек фазилатлардан шунчалар даҳшатга тушадилар деб ўйламагандим.

— Ўйлаб кўр, биронта даъват еки юрак амри завқи баланд одамни курашга жалб этиши ва шунда у бутун умри хизмат қилиб келган кимсаларига қарши чиқиши мумкин.

— Завқи баланд дейсизми?— қайта сўради Фабрицио.—Завқим баланд одам бўлдимми ҳали? Ғалати айбнома-ку. Ҳатто севигага ҳам қодир эмаСман ахир.

— Наҳотки?— дея хитоб қилди герцогиня.

— Ҳа-да. Агар биронта олийнасаб ва тақводор соҳибжамолга жазманлик қилиш шарафига муяссар бўлсам, ўша хоним ҳақида фақат унга кўзим тугагандагина ўйлайман.

Бундай эътироф герцогиняга кучли таъсир қилди.

— Менга бир ой муҳлат бер,— деди Фабрицио,— Новарада С*** хоним ва,~ яна ҳам мушкулроғи,— барча хом хаелларим, бутун орзу-умиддарим билан видолашмоғим керак. Волидамга хат езаман-да, Лаго Маджореникг Пьемонт соҳилидаги Бельджиратега келиб, мен билан учрапгагоини илтимос қиламан. Сўнг-

ра бугунги суҳбатимиздан роппа-расо бир ой кейин пинҳона Пармага келаман.

— Асло ундай қила кўрма!— деди қизишиб герцогиня: у Фабрицио билан учрашган пайти граф Москанинг енида бўлишини сира ҳам истамас эди.

Улар иккинчи бор Пьяченцада учрашишди. Бу гал герцогиня қаттиқ ташвишга тушиб қолганди: саройда алғов-далғов кўтарилган бўлиб, маркиза Раверсининг партияси деярли тантана қила бошлаганди; Пармадаги граф Москанинг ўрнини *либерал* дея аталмиш ўша партиянинг бошлиғи — генерал Фабио Копти эгаллаши ҳам эҳтимолдан холи эмасди; генерал кун сайин шаҳзоданинг арзандасига айланиб бормоқда эди. Улар яна Фабрициoнинг келажагини ҳар жиҳатдан муҳокама қилишди ва ҳатто графиинг қудратли ердамидан маҳрум бўлган тақдирда ҳам қандай йўл тутмоқ кераклиги тўғрисида ўйлаб олишди.

— Шундай қилиб, уч йил умримни Неаполь диний академиясида ўтказар эканман!—дея хитоб қилди Фабрицио.— Ҳамонки меи аввало еш акобир бўлмоғим керак бўлиб, сен мени мўмин семинарист сифатида зерикарли ҳает кечиришга мажбур қилар экансан, бунинг унча кўркинчли жойи йўқ кўринади,— ҳар қалай Романьянодагичалик сиқилмасам керак. У ердаги «киборлар жамияти» мени якобинчи дея ҳисоблай бошлайди. Тасаввур қил-а, қувғинда мен бир нарсани кашф этдим: маълум бўлишича, мен ғирт саводсиз бўлиб, ҳатто лотин тили ва имло соҳасида ҳам кўп нарсаларни билмас эканман. Мен Новарада маълумотимни қандай қилиб ошириш тўғрисида режалар ҳам тузиб қўйгандим. Яхши, Неаполда улуҳиятни жон-дилим билан ўрганаман — бу анча мураккаб фан.

Жиянишшг бу сўзларидан герцогинянинг боши осмонга етди.

— Агар граф билан бизпи қувиб юборишса,— деди у,— Неаполга сени кургани борамиз. Лекин ҳозирча сен рўй бериши эхтимоли бор ўзгаришларга қадар бинафшаранг пайпоқ кийиб юришга рози экансан, граф,— у эса ҳозирги Италияни жуда яхши билади,— сенга мапави гапни айтиб қўймоғимии илтимос қилди: сенга ўқитишадиган нарсаларга ишонишинг ҳам, ишонмаслигинг ҳам мумкин, бироқ *%еч цачон эътироз билдирмаслигинг даркор.* Сен ўзингни картада вист ўйинини ўрганаяпман дея тасаввур қил, шу ўйиннинг қоидаларига қарши эътироз билдирМайсан-ку ахир? Мен графга сенинг тақводорлигингни айтдим, буни эшитиб у жуда хурсанд бўлди,— зеро фоний дунеда ҳам, боқий дунеда ҳам бунинг фойдаси бор. Лекин тангрига имон келтирган тақдирингда ҳам меъердан ошмаслигинг: Вольтер, Дидро, Реналь* ва икки палаталик ҳукуматнинг даракчилари бўлмиш яна богақа телба французлар ҳақида даҳшатга тушиб гапирмаслигинг керак. Уларнинг номларини камроқ тилга од, эслашга тўғри келган тақдирда ҳам ўша жаноблар тўғрисида хотиржам истеҳзоли оҳангда гапир,— уларпинг ақидалари алдақачон инкор этилган, барча хуружлари тамоми аҳамиятини йўқотган. Академияда сенга айтишадиган барча гапларга сўзсиз ишонавер. Едингда бўлсин, у ерда ҳар қандай эътирозингни оқизмай-томизмай езиб оладиган одамлар топилиб қолади; агар ақл билан амалга оширсанг, биронта ишқий можарони кечиришлари мумкин, лекин шубҳаю гумонингни сира кечиришмайди,— еш ўтиши билан севги эҳтирослари сўйиб боради-ю, роқ шаккоклик ўсаверади. Ҳатто кафорат пайти ҳам шу гапни унутма. Сенга Неаполь архиепископи — кардиналнипг ишончли одами бўлмиш епископга тавсиянома езиб беришади; Франц [яга қилган саеҳатинг ва ўн саккизинчи июнь купи Ватерлоо яқинида бўлганингни елғиз ўша одамгагина ҳикоя қилиб беришипг мумкин. Лекин ҳатто ўшанга ҳам ҳаммасини мухтасар гапир. Бошингдан ўтказган саргузаштларингни аҳамиятсиз қилиб кўрсатишга урин, хуллас, кейинчалик, яширибсан-да, дея та;.па қилмасликлари учун қанча лозим бўлса, шунча гапни айт. Ўшайда жуда еш эдинг ахир!

Бундан ташқари, граф сенга яна манави гапни айтиб қўймоқни илтимос қилди: агар миянгга инкор қилиб бўлмас далил, бутун суҳбат мавзуини батамом ўзгартириб юборадиган ажойиб фикр келиб қолган тақдирда ҳам ақлингни кўз-кўз қилишдаа ўзингни тийиб, индамай туравер! Фаросатли одамлар ақлк эканлигингни кўзингдан ҳам билиб олишаверади. Епископ бўлиб олганингдан кейин ақлингни намойиш этишга улгурасан ҳали.

Фабрицио Неанолга аммаси юборган тўрт нафар миланлик хизматкорлар билан одмигина экипажда кириб борди. Академиядаги бир йиллик таҳсилдан сўнг ҳеч ким уни худо ақлли қилиб яратган йигитлар сирасига қўшмади — ҳамма уии тиришцоқ, қўли очиқ, лекин бир оз енгилтакроқ аслзода йигит, дея ҳисобларди.

Фабрицио апчайин қувоичли ўтказган ана шу бир йил герцогиня учун жуда ташвишли бўлди. Граф уч-тўрт марта нақ ҳалокат еқасига бориб қайтди; тез-тез тоби қочиб тургапи туфайли шаҳзода илгаригидан ҳам қўрқоқ бўлиб қолганди ва графи а ишдан бўшатиб, ўша жиркапч хунрезлик учун бутуи айбнк унга юклашдан тоймасди. Ҳолбуки бу жиноят ҳали граф *Сч)ш* министр этиб тайинланишидан илгари содир бўлганди. Шаҳзоданинг ҳақиқий арзандаси Расси бўлиб, ҳоким сира ҳам упдаа ажрашни истамасди. Графга қутку солаетган хатар герцогинянинг қалбида унга нисбатан чуқур меҳр-оқибат уйготди; у Фабрицио тўғрисида бошқа ўйламай қўйди. Графиинг эҳтимолдан ҳоли бўлмаган истеъфосини муносиб бир баҳона би"ан ниқоб^аш учун хоним бирдан Парманинг бутун Ломбардиядагидек хпел рутубатли иқлими соғлиғимга емон таъсир қиляити, деган қарорга келди. Пиҳоят, бир неча бор ғазабга учраган ва бога министр бўлишига қарамай уч ҳафталаб шаҳзоданинг қабулига киролман юрган граф Москанинг қўли баланд келди-ю, либерал дея ном чиқаргап генерал Фабио Контини Расси ҳукм қилган либерал-

лар қамаладиган қалъага комендант этиб тайиилашларига эришди.

— Агар Конти маҳбусларга нисбатан кўнгилчанлик қилса,— дерди граф уз маҳбубасига,— ўз сиесий карашлари йўлида комендантлик бурчини унутган якобинчи сифатида шаҳзоданинг ғазабига йўлиқади. Мабодо шафқатсиз ва қаттиққўл бўлса,— назаримда, унинг шунга мойиллиги бор,— генерал либераллар партиясига ортиқ бошчилик қилолмайди ва у биронта яқин одами қалъага ҳибс этилган барча оилаларнинг нафратига дучор бўлади. У бандаи бечора шаҳзоданинг ҳурматини жойига қўйишга уста, керак бўлса, вазиятга қараб кийимини кунига гурт марталаб алмаштириши мумкин, мулозиматни ўрнига қўяди, бироқ мушкул аҳволга тушса, йўлини топишга ақли етмайди ва албатта ўаипи абгор қилади. Ҳар қалай менга тенг келолмайди у.

Генерал Контининг комендант қилиб тайинлашганларининг эртаси куни (шу билан ҳукумат инқирози тугади) Пармада ашаддий ҳокими мутлақлик йўналишида газета нашр этилажаги маълум бўлди.

— Қанчадан-қанча низоларга сабаб бўлади бундай газета!— деди герцогиня.

— Нима қилибди! Бу ишни жуда яхши ўйлаб топдим,— деда жавобан кулиб граф.— Бора-бора газета раҳбарлигини мендан ашаддий ҳокими мутлоқчилар тортиб олишади,— бу иш мен истамаган ҳолда содир бўлади албатта. Редакторларга яхшигина маош белгилаш ҳақида буйруқ бериб қўйдим. Ҳар томондан бу мансабларга даъвогарлар чиқаверади. Бу иш икки ойча вақтимизни олади, қарабсизки, бу орада менга қутку солган хавф-хатар ҳаммапинг эсидан чиқиб кетади. Нуфузли зотлардан ҳозирнвнг ўзида П. ва Д. жаноблар бу лавозимга ўз номзодларини қўйиююди.

— Аммо ўша газетангизда бемаъни гапларни езишади!

~ Ўзим ҳам шунга умид қиляпман,— дея эътироз билдирди граф.— Шаҳзода ҳар куни эрталаб уни мутолаа қвлади ва монинг қаратларимга қойил қолади,— мен бу газетанинг асосчисиман ахир. У баъзи майда-чуйда гапларни маъқуллайди, баъзилариПР коралайди, қарабсизки у ишга бағишлайдиган вақтнинг икки соати ату йўскнда ўтиб кетади. Газета одамларнинг норозилигига сабаб бўлади, албатта, бироқ жиддий шикоятлар тушадигаи пайтга қадар,— яъни саккиз-ўн ойдан кейин у бутунлай ўша ашаддий ҳокими мутлоқчиларнинг қўлига ўтган бўлади. Жавобив ўшалар беради. Бу партия менга халал беряпти, уларнинг Газеталарига қарши чиқаман. Лекин битта бўлса-да одамни дорга осигога ҳукм қилгандан кўра ғирт бемаъни гапларни езган маъқулроқ. Расмий газетада бемаъни гап босилиб чиққанидан иккп йил кейин, уни ким ҳам эсларди дейсиз? Аммо дорга осилгап одамнинг ўғиллари ва қариндош-уруглари мендан бир умр нафратлапиб юришади. Бу иафрат мендан кейин ҳам йўқолмайди па эҳтимол менинг умримтга қнскартиради ҳам.



Герцогиня доим бирор нарсага ҳавас қўйиб, доим фаол ҳаракат қилишни истар, бекорчиликни ектирмас, заковат бобида эса Парманинг бутун сарой аҳлидан ҳам уетунлик қиларди-ю, бироқ фитиаларда муваффақият қозонмоқ учун унда сабр-тоқат Ви совуққонлик етишмасди. Лекин шунга қарамай, у саройдаги турли партиялар ўртасидаги курашни ниҳоятда қунт билан куватар ва ҳатто шаҳзоданинг кўзида маълум қадар нуфузга эга була бошлаганди. Иззат-эҳтиромда бўлган, бироқ алмисоқдаи қолган одоб қоидалари билан чеклаб қўйилган ҳукмронлик қиявучи малика Клара-Паолина ўзини дунедаги эпг бахтсиз аел дея ҳисобларди. Герцогиня Сансеверина унинг кўнглипи кутариптга ва маликани, ўзингиз ўйлаганчалик бахтсиз эмассиз, дея ишонтирмоққа қарор қилди. Шуни ҳам айтиб қўймоқ керакки, шаҳзода хотини билан кунига фақат ярим соат, ўтанда ҳам тушлик пайти учрашар, баъзида эса унга ҳафталаб ҳам бир оғиа сўз айтмасди. Сансеверина хоним бу муносабатни ўзгартишга аҳд қилди; у шаҳзоданинг юрак чигилини езишга тутупди. Бипобарин, у ўзини бутунлай мустақил тута билар ва тау боисдан ҳам бу борада муваффақият қозопарди. Герцогиня ҳатто ўзж истамаса ҳам Парма саройидаги гиж-ғиж аҳмоқларнинг пафсониятига тегмай туролмасди. Хоним эса уларни мутлақо анмас, шунинг учун ҳам сарой говиндихўрларининг — одатда даромадк беш мингга ҳам етмайдиган ва заволи етган турли граф ва маркизларнинг уни кургани кўзи йўқ эди. Герцогиня бу холнк бирипчи кунданоқ пайқаб қолди ва фақат шаҳзода билан ў* ўғли — валиаҳд шаҳзодага таъсири чексиз бўлган маликанинг кўнглини олишга ҳаракат кила бошлади. Хоним Эрнесто IV нж допо суҳбатлари орқали ўзига ром қила билар ва ҳукмдор унинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ солигаидан фойдалатгиб, саройдаги душманларининг устидан моҳирона кула бошларди. Рассипппг гижгижлагаи билан бемаъни ишлар қилиб қўйган шаҳзода,— қои тўкиб қилинган бемаъниликларни эса сира тузатиб бўлмайди,—ўқтин-ўқтин қўрқувдан дағ-даг титраб юрар, кўжроқ эса зерикиш ва ҳасаддан диққат бўлиб ўтирарди; унинг ҳаетиии қувончли деб бўлмасди, шу боисдан ҳам у бопщалариипг хурсандчилик қилаелтанини кўрса, қаттиқ спқила бошларди; ўзгаларнипг қувончи ғазабини қўзитардн. «Муҳаббатимпзнж пинҳон тутмогимиз керак»— деди герцогипя ўз дўстига. Шунда п сўнг хоним таҳзодага, гарчи графни ҳамон жуда яхши одам деб ҳисобласа-да, ундан анча кўнгли совуганиии таъма қилди.

Утбу кашфиетдан ҳазрати олийларининт бутун бир куп дат вомида боши осмонга егпб юрди. Герцогиня тоҳ-гоҳ гай орасидл аслида ўзи ҳали яз кмайдигав Италия бўйлаб саеҳатга чиқмоқ, Неаполь, Фяоренция, Рим шаҳарларини томогаа моқ ииятида ҳар йили «бир веча ойга таътилга чиқмоқчи» экавлигикй айтиб қўярди. Шаҳзода эса биронта одам унинг пойтажтини тарк этмоқчи эканлигини эшитса, қаттиқ ранжирди,— упин?

энг позик жойи ҳам ана шу эди; ўз давлатининг пойтахтига ҳурматсизлик бўлиб кў-ринадиган ҳар қандай ишдан унинг дили ўртанарди. У ўз ҳукми билан Сансеверина хонимни шаҳарда қолдира олмаслигиии тушунарди. Пармада эса ҳусн ва оқилалик бобида Сансеверина хонимнинг олдига тушадиган аел йўқ эди. А'қл бовар қилмайдиган бир ҳол — итальянларга хос ялқовликка қарамай, унинг *пайшанбаликларига* -тор атрофдаги барча пармалик аслзодалар епирилиб келишарди; унинг қабул кунлари ҳақиқий байрамга айлаииб қолганди; ҳар гал герцогиня биронта яиги ва мароқли эрмак ўйлаб топгувчи эди. Шаҳзода унинг каашанбаликларидан бирортасига боришни жуда ҳам истарди. Лекин бу ишга у қандай қилиб журъат этсин? Оддий авомга ўхшаб ўз фуқаросинииг уйига кириб бораверсинми! Унинг отаси ҳам, узи ҳам бирон марта бўлсин одоб қоидаларини бундай бузишмаган эди.

Пайшанба кунларидан бирида емғир еғиб, совуқ тушди; шаҳзода кечқурун сарой олдидаги тош терилган майдондан ғилдиракларнинг тақа-тукини эшитиб турарди, кареталар Сансеверина саройи томон ўтиб бормоқда эди. Шаҳзодага алам қилди: бошқалар кўнгил очишяпти, хурсандчилик қилишга ҳар қандай фуқарога қараганда кўпроқ ҳуқуқи бўлган ҳокими мутлақ эса юраги ерилгудай сиқилиб ўтирибди! У қўнғироқ чалиб, адъютантини чақирда,— аъло ҳазрат саройидан Сансеверина саройи томон олиб борадиган йўлга зудлик билан ишончли айғоқчилардан ўн-ўн бештасини қўйиб чиқмоқ лозим бўларди. Деярли бир соатча кутишга тўғри келди. Бу бир соат унга бир асрдек туюлди ва шаҳзода бу орада бир неча бор ҳар қандай эҳтиеткорликни уиутиб, ғанимлариинг ханжари тўғрисида ўйлаб ўтирмай кўчага чиқиб кетсаммикин, деган хаелга ҳам борди; ниҳоят у Сансеверина хонимнинг катта меҳмонхонасига кириб борди. Агар бу меҳмонхопада чақмоқ чақнаганида ҳам одамлар камроқ саросимага тушган бўлишарди. Шаҳзода чароғон хоналардан ўтиб борар экан, у ерлардаги ғала-ғовур ва ўйин-кулги бир зумда тиниб, довдираб қолган одамлар унга анграйиб қараб туришарди. Сарой аҳли жуда эсанкираб қолганди, фақат герцогинягина сира ажабланмагандек кўриниди. Ниҳоят меҳмонлар эс-ҳушини йиғиб олишгач, биринчи навбатда муҳим бир масалани муҳокама қила бошлашди: ҳукмдорнинг келиши ҳақида герцогиняни огоҳлантиришганмикин еки бу ташриф йиғилган барча одамлар қатори унинг учун ҳам кутилмаган бир ҳол бўлдими?

Шаҳзода бу ерда вақтини жуда кўнгилли ўтказди, зиефат эса кичик бир воқеа билан якупландики, бу ҳол муҳтарам китобхонга герцогинянинг нақадар кўнгли очиқлиги, шу билан бирга у сафарга жўнамоқчилиги ҳақида устомонлик билан шаъма қи либ, нақадар чексиз ҳокимиятга эришгани тўғрисида далолат бериши мумкин.

Сансеверина хоним хайрлаша туриб ҳар хил назокатли сўзлар айтган шаҳзодани кузатар экан, кутилмагапда миясига келиб қолган бир фикрни худди оддий бир гапдек баен этмоққа журъат қилди.

— Ҳазрати олийлари, агар сиз ҳозир илтифот билан менга айтган назокатли сўзларни маликага айтиб, қувонтирганингизда, мсии ҳуснимга тасанно ўқиганингиздан ҳам кўпроқ бахтибр қилган бўлур эдингиз. Чин сўзим, малика бугун сиз каминага кўрсатган мурувватингиз туфайли менга ймон қарашини сира ҳам истамас эдим.

Шаҳзода унга қаттиқ тикилиб қаради-да, жавобан қуруққина оҳангда:

— Ўйлашимча, мен истаган жойимга бораверишим мумкин,— деди.

Герцогиня қизариб кетди.

— Мен фақат ҳазрати олийларини ортиқча ташвишдан халос этмоқчи эдим, зеро ушбу пайшанбадаги йиғиним сўнггиси бўлади: бирмунча вақт Болонья еки Флоренцияга сафар қилмоцчиман.

Герцогиня меҳмонхонага қайтиб кирганида барча, энди у ҳукмдорнинг чексиз илтифотипи қозонди, дея ҳисоблай бошлади, аслида эса у ҳали Пармада ҳеч ким ва ҳеч қачон юрак ютиб қилолмаган ишни қилишга журъат этганди. Хоним графни имо қилиб чақирган эди, у картада вист ўйнаб ўтирган жойидан туриб, герцогинянинг ортидан мўъжазгииа чароғон меҳмонхонага кирди. У ерда ҳеч ким йўқ эди.

— Сиз жуда ботирлик қилиб юбордингиз,— деди у герцогиняга,— мен сизга бу ишни маслаҳат бермаган бўлардим. Лекин оташин севги ҳукмронлик қиладиган қалбда,— дея қўшимча қилди у кулиб,— бахт туйғуси муҳаббатни янада кучайтириб юборар экан. Агар сиз эртага эрталаб жўнасангиз, мен ортингиздан кечқурун йўлга чиқаман. Бундай тўхталиб қолишимга моли я министрлигини топшириш зарурати сабаб бўлади холос,— бир вақтлар тентаклик қилиб шу дардисар ишни ҳам зиммамга олган эдим; лекин пухта ишланса, ҳар қандай ғазнахопанинг кассасиии тўрт соат ичида топшириб юбориш мумкип. Цапи, юрянг, меҳмонлар олдига чиқайлик-да, азизам, сира тортиниб ўтирмай министрлик гаштини сурайлик,— ахир бу биз Пармада кўрсатаетган сўнгги томоша бўлиши мумкин. Агар ўша зўравоиимиз ўзини ҳақоратланган деб ҳисобласа, ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайди,— буни у *танобини тортиб цўйиш,* дея атайди. Меҳмоилар тарқалишгач, тунда эшикни қандай епиб олиишнгиз тўғрисида гаплашиб оламиз, лекин, менимча, энг яхшиси, По даресининг соҳилидаги Сакка амлокингизга жўнаганипгиз маъқул,— бахтимизга, у ердан Австрия чегарасига қадар ярим соатлигина йўл холос.

Герцогинянинг муҳаббати ва ғурури учун бу ниҳоятда фароғатли дақиқа бўлди:, у графга қараб, кўзларида еш қалқиди. Бу одам уни деб атрофида лаганбардорлар гирдикапалак бўладигаи қудратли министрлик лавозимидан, деярли ҳукмронлар-

никига тенг келадиган иззат-икромдан воз кечяпти ахир. Шундан сўнг у бахтиерликдан кўзлари порлаб, меҳмонхснага чиқди. Барча меҳмонлар унинг атрофида парвона була бошлашди.

— Бахт герцогиняни нақадар ўзгартириб юборибди-я,— дея изир-шивир қилишарди ўзаро аъенлар.— Уни таниб бўлмай қолибди. Ниҳоят ўзини ҳаммадан юқори қўядиган бу такаббур хоним бугун онҳазрат кўрсатгаи чексиз мурувватнинг' қадрига етмоқни лозим топибди.

Кечапинг охирида граф хонимнинг енига келди.

— Сизга бир гаппи айтиб қўймоғим керак,— деди у.

Герцогиняни қуршаб тургап меҳмонлар шу заҳоти чет-четга тарқаб кетишди.

— Саройга қайтгач,— дея давом этди граф,— шаҳзода хотинига унинг олдига кирмоқчи эканлиги тўғрисида хабар қилмоқ*та буюрибди. Маликаниинг нақадар ҳайратга тушганини бир тасаввур қилинг-а! «Сизга бугун Сансеверинаникида кечаний қанчалар кўпгилли ўтказганимни гапириб бермоқ учун келдим,— дебди у маликага.— Герцогиня сизга дуд босган эски саройшш энди қандай қайта пардозлаганипи батафсил гапириб бериитимни илтимос қилганди». Сўнгра шаҳзода креслога ўтириб олиб, қамма меҳмопхоналарингизни тасвирлаб бера бошлабди. У хотинининг олдида йигирма беш минутдан кўпроқ ўтирибди. Малика нувончиииипг зўридан йиғлаб юборибди ва шунча ақлли бўлйшига қарамай, ҳазрати олийларининг самимий оҳангда гапираетган гапларига жавобан бир оғиз ҳам сўз топа олмабдп.

Шаҳзода тўғрисида итальян либераллари нима дейигаса дейитаверсипу лекин у кўп ҳам евуз одам эмасди. Тўғри, апчагина либералларни қамоққа ташлапши буюргапди, бирок бу яшпи кўрққапидан қилганди ва гўе баъзи кўнгилсиз хотираларяв юмтатмоқчи бўлгандек дам-бадам: «У келиб сени ўлдирмоғиви кутиб ўтиргандап кўра, иблисни ўзинг ўлдирганинг маъқул»,— дея такрорларди.

Биз ҳикоя қилгап ўша «пайшапбалик'»пипг я-ртася куни ;;оданинг кайфияти жуда яхши эди, зеро у иккита савоб игя қилтанди: герцогинянинг уйида меҳмон бўлгап ва хотини билан еуҳбатлашганди. Тугалик маҳали у япа маликага ўч-тўрт оғиз "* клиқ сўз айтишни лозим курди,— хуллас Сансеверина хонимнинг «пайптапбалик» лари саройда хонаки тўнтариш ясаган бўлиб, бу ҳол бутун Пармада шов-шув кўтарилишига олиб келгэнди. Раверси хоним даҳшатга тушди, герцогиня эса икки ҳисса кўпроқ қувонмоқда эди: у ўз маҳбубн учун фойдали иш қилди ва шу билан бирга граф уни илгаригидап ҳам кўирок еевипгага игаонч ҳосил этди.

— Буни қарангки, бу ишларпипг бари бехосдап миямга келиб қолган бир фикр туфайли содир бўлди,— дерди у графга.— Турган гап, .Рим еки Неаполда мен эркинроқ бўлардим, аммо. у ерларда бундай қизиқарли ўйип топа олармидим? Йўқ. албатта! Бупинг устига сиз, азизим граф, мени бахтиер қиляпсиз.

# Еттинчи боб

Биз ҳикоя қилганга ўхшаш сарой фитналаривдщг икир-чпкирлари кейинги тўрт йил тарихида ҳам анча катта урин эгаллади. Ҳар баҳор маркиза дель Донго Пармага енида иккала қизи билан келар ва икки ой давомида Сансеверина саройи ҳамда По соҳилидаги Сакка амлокида меҳмон бўларди; бу учрашувлар аксарият қувончли ўтар ва улар Фабрицио тўғрисида кўп гапиришарди; бироқ ана шу тўрт йил ичида граф унинг Пармага келишига бирон марта ҳам рухсат бермади. Герцогиня билан граф бу орада баъзан Фабриционинг ўйламасдан қилган шўхликларвни босди-босди қилиб юборишга ҳам мажбур бўлдилар, лекин умуман олганда Фабрицио энди ўзини анча боақл тутар, берилган кўрсатмаларга амал қилар ва чиндан ҳам улуҳиятдан сабоқ олаетган, аммо мўмин-қобил руҳонийлик намунаси бўлишни хаелига ҳам келтирмайдиган акобир йигит бўлиб кўринарди. Неаполда у антик давр осори атиқаларини ўрганишга қаттиқ берилиб кетди ва кавлаш ишлари билан шуғуллана бошлади, унинг бу ҳаваси дилидаги отга ишқибозлигини деярли сиқиб чиқарди. У ҳатто Мизендаги* кавлаш ишларини давом эттириш учун инглиз зот тулпорларини ҳам сотиб юборди. Мизенда эса император Тиберийнинг еш пайти тасвирланган бюстини кавлаб топди. Антик давр едгорликлари орасида дурдоналардан бири бўлиб қолган бу топилма унинг Неаполда кечган ҳаетидаги энг катта қувонч бўлди. Фабрицио беҳад юксак кайфиятли йигит эди, шу боисдан ҳам у тенгдошларига таҳассуб қилмас, масалан, ўзвнннг ишқий можароларига унча катта эътибор бермас эди. Турган гап, унинг маъшуқалари кўп эди, бироқ уларнинг ҳаммасв Фабрициονинг ҳаетида ҳеч қандай из қолдирмас, шу боисдан ҳам у ешлигига қарамай, севги нима эканлигини мутлақо билмайди, деса бўларди; лекин худди шунинг учуп ҳам Фабрициoнинг ўзини қўироқ севишарди. Унинг ўта совуққонлик билан ҳаракат қилипшга ҳеч нима халал бермасди,— унинг учун ҳамма гўзал ва еш аеллар бир қолипда кўринар, шунинг учун ҳам ҳар бир ишқий можаро олдингисидан фақат янгилик жозибаси билангина устув турарди. Йигитнинг Неаполда таҳсил кўришипииг сўнгги йили шаҳарда донғи чиққав гўзаллардан бири упи деб жуда кўп телбалнклар қилди; аввалига бу ҳол унга эрмак бўлди, кейин эса қаттиқ жонига тегди, шу боисдан у фариштаваш герцогиня д' А*** нипг хира муҳаббатидав қутулиш учун ҳам бу шаҳарни тарк этаетганидан хурсапд эди. 1821 йили Фабрицио битириш имтиҳонларни муваффақиятли топширди; унинг «устози», яъни машғулотлар раҳбари хоч билан тақдирланди. Шундан сўнг Фабрицио ниҳоят ўзи таърифини жуда кўп эшитган Пармани куриш иштиеқида йўлга тушди. Энди уни «монсиньор» дея аташар ва Фабрицио тўртта от қўшилган карета да кетиб борарди; бироқ сўнгги бекатда у каретага фақат иккита от қўшишни буюрди ва шаҳарга кириб боргач, Сан-Джо-

ванни черкони олдида тўхташни илтимос қилди,— унинг аждоди, лотинча «Шаржара»нинг муаллифи — архиепископ Асканьо дель Донгонинг ҳашамдор сағанаси шу ерда жойлашганди. Фабрицио сағана олдида ибодат қилди-да, уни бир неча кундан кейин келади, дея кутаетган герцогинянинг саройи томон пиеда равона бўлди. Герцогинянинг меҳмонхонасида бир талай одам бор экан, лекин тез орада ҳамма тарқалиб кетди-ю, улар елғиз қолишди.

— Хўш, мендан хурсандмисиз?— дея сўради Фабрицио аммасипи қучоқлаб.— Мен бўлсам, сизиинг шарофатингиз билан Новарада полиция маъқуллаган ўйнаш билан диққинафас бўлиб ўтирищ ўрнига Неаполда тўрт йил бахтиер ҳает кечирдим.

Герцогиня ҳайратдан эс-хушини йўқотиб қўйганди: агар у Фабрицproperly кўчада кўрганида танимай қолган бўларди. Униг назарида жияни Италиянинг энг барпо йигитларидан бирига айлангандек кўринди ва ҳақиқатдан ҳам шундай эди: Фабрицюнинг бутун қиефасида қандайдир алоҳида жозиба пайдо бўлганди. Герцогиня упи Неаполга жўнатаетганида Фабрицио шўх бир йигитча эди, доим қўлидан қўймай юрадиган қамчи эса унинг бутун вужудига сингиб кетгандек туютарди, энди бўлса бегоналар олдида у ўзини жуда олижаноб ва вазмин тутарди, бироқ холи қолишгач, хоним жиянининг табиатида япа еш йигитларга хос жўшкинлик курди. У худди моҳир сангтарога сайқал бергаи олмос янглиғ жуда очилиб кетганди. Фабрициодая сўнг бир соат ўтар-ўтмас саройга граф Моска кириб келди. У хиел эртароқ келгандек эди. Фабрицио устозига инъом этилган ГТарма хочи ҳақида унга шу қадар назокат билан гапириб, ўзига кўрсатилган бўлак мурувватлар учун шу қадар одоб билан, шу қадар қизгин миннатдорчилик билдирдики, министр бир қарашдаеқ уни ектириб қолди.

— Жиянингиз келажакда сиз унга олиб берадиган барча олий мансабларга жуда муносиб тушади,— дея шивирлади у герцогинянинг қулоғига.

Министр еш Фабрициониг ақлига тасанно ўқиб, фақат унинг сўзлари-ю ўзини тутигаига эътибор бераетганидагина ҳаммаси кўнгилдагидай эди. Лекин бирдан министр герцогиняга қарадк-ю, хонимнинг кўзларида қандайдир ғалати ифода кўриб қолди. «Йигитча бу ердагиларда яхши таассурот қолдирибди»,— дея дилидан утказди у. Бу фикрдан министрнинг дили ўртанди; чунки графпинг еши *элликдап* ошган бўлиб, бу шафқатсиз сўзларнинг бутун аҳамиятини фақат ошиқи бекарор эркаккина тугаунади. Тўғри, агар графнинг министр сифатида қаттиққўллиги айтилмаса, у жуда олижаноб ва севишга арзийдиган бир одам *дщ*. Бироқ ҳозир «эллик ешли» деган машъум сўзлар унинг бутун ҳаетига қў танка ташлаетгапдек туюлар, графнинг шафқатсизлик қила бошлашига шу ҳам сабабчи бўлиши мумкин э/ п. У герцогиняни Пармага кўчиб ўтишга кўндирганидан буен ўтгап ана шу беш йил ичида ўқтин-ўқтин рашк ўтида қовурилиб юрди. Айниқса бошида шундай бўлди. Аммо бунинг учун ҳеч



қачон жиддий асос бўлмаганди. У ҳатто герцогиня қалбимни забт этиш учунгина жўрттага саройдаги барно йигитлардан бирontasига шундай мойиллик кўрсатяпти, деган мутлақо тўғри хаелга борарди. Масалан, нақ шаҳзоданинг ўзи кўнглини овламоқчи бўлганида, герцогиня уни рад этганига графнинг ишончи комил бўлиб, шаҳзода шу муносабат билан жуда ибратли сўзларни айтганди.

— Агар ҳазрати олийингизнинг барча хутномадли диққат-эътиборларига ройиш қилаверсам,— деди кулиб герцогиня,— графнинг кўзига қандай қарардим кейин?

— Ҳа... Мен ҳам худди сизга ўхшаб хижолат чеккан бўлардим. Азизим граф! У менинг дўстим-ку ахир! Лекин бу тўсиқни бартараф қилиш осон, мен бу тўғрида ўйлаб қўйганман, граф умрбод қалъада қамалиб ўтиради энди.

Фабрицио билан дийдор кўришувдан герцогинянинг қалби ту қадар қувончга тўлган эдики, у кўзидаги ифодани кўриб графнинг кўнглига нима гаплар келиши мумкинлиги тўғрисида мутлақо ўйламай қўйганди. Министрнинг кўнглига келган шубҳаю гумонлар эса унинг дилини ўртай бошлаганди.

Фабрицио Пармага етиб келганидан роппа-расо икки соаг кейин уни шаҳзода қабул қилди. Шаҳзоданинг бундай дарҳол қабул қилиши киборлар жамиятида қандай шов-шувга сабаб бўлишини олдиндан билган герцогиня икки ойдан буен шу тўғрида ижтимос қилиб келарди. Бундай илтифот Фабрициони бошиданоқ алоҳида бир мавқега эга қилиб қўярди, бунга йигитнипг Пармага йўл-йўлакай киргапи ва унинг онаси билан кўришмоқ учун Пьемонтга ошиқаетгани баҳона бўлди. Герцогиня назокат тўла мактуб йўллаб, Фабрицюнинг етиб келгани ва унинг фармойишига мунтазир эканлигини маълум қилганида Эрнесто IV зерикиб ўтиргапди.

«Мана ҳозир олдимизда художўй бир аҳмоқ пайдо бўлади,— дея хаелидан ўтказди у.— Сохти сумбати совуқ еки бадқовоқ бўлса керак ўзиям». Шаҳар коменданти унга Фабрицио кела солибоқ архиепископ бобокалонининг сағанасини зиерат қилгани ҳақида хабар қилиб бўлганди. Фабрицио кирди.^ Шаҳзоданинг рўпарасида баланд бўйли бир йигит пайдо бўлди. Агар оеғидаги бинафшаранг пайпоғи бўлмаса уни офицер деб ўйлаш мумкин эди. Бу жузъий тасодифдан шаҳзоданинг дилидаги зиқлик бир зумда тарқаб кетди. «Ҳа, бундай шоввоз учун мендан анча-мунча мурувват кўрсатишимни илтимос қилишади. У ҳозиргина йўлдан келган ва ҳаяжонланиб турибди албатта. У билан сиесат тўғрисида гаплашиб, ўзимни якобинчи қилиб кўрсатаман. Кўрайлик-чи, нима деб жавоб қиларкин».

Шаҳзода илтифот кўрсатиб ҳол-аҳвол сўрашгач, Фабрициодан сўради:

— Хўш, монсиньор? Неаполь аҳли хушбахтми? Цirolга мехрлими?

— Ҳазрати олийлари,— дея жавоб қайтарди Фабрицио ўйлаб

ўтирмай,—мен кўчалардан ўтиб борганимда қирол аълоҳазратларининг турли полкларига мансуб солдатларнинг қадди-коматларини ғоз тутиб юришларига қойил қолгапман; яхши жамият ўз ҳукмдорини эъзозлаши керак албатта; лекин очиғини айтсам, умрим бино бўлиб ҳеч қачоп тобе одамлар билан улар мендан ҳақ олиб қиладиган хизматларидан бўлак ҳеч нима тўғрисида гаплашган эмасман.

«Жин урсин!— дея дилидан ўтказди шаҳзода.— Жуда қув кўринади-ку! Унга роса ўқитишганга ўхшайди! Сансеверинанинг маҳорати кўриниб турибди шундоқ».

Ҳийла ишлатишга берилиб кетган шаҳзода устомонлик билан Фабрициони тақиқланган мавзуда гапиртиришга ҳаракат қила бошлади. Хатар сезиб сергакланган йигит ажабтовур жавоблар топарди.

— Ўз ҳукмдорига ошкора меҳр изҳор этиш одобсизлик бўлаДЙ. Бизнинг бурчимиз — унга бешак итоат этмоқдур.

Бундай эҳтиеткорликки кўриб, шаҳзоданииг ҳатто жаҳли чиқиб кетди. «Неаполдан бизнинг шаҳарга ақлли одам келганга ўхшайди. Бу тоифа одамларни кургани кўзим йўқ! Ақлли*одамнинг нияти қапчалик яхши бўлмасин, доим бир жиҳати билан Вольтер ва Руссога ўхшаб кетади».

Кечагина мактаб курсисини тарк этган бу йигитнинг ўзияи тута билиши ва жавобларининг бенуқсонлиги негадир шаҳзоданииг жиғига тегди,— унинг тахминлари нотўгри чиққапди. Шу заҳоти у тактикасини ўзгартирди ва жамият ҳамда давлат тузилишининг букш принциплари тўғрисида бир оз гапирди-да, қироатли қшшб,, Фенелоннинг шароитга мос бир неча ҳикмалли сўзларини такрорлади. Бу ҳикматли сўзларни келажакдаги Кабул маросимларида керак бўлади деб унга болалигида ед олдиришганди.

— Угабу прииициплар, албатта, сизпи ҳайратга солаетган бўлса керак, яхнш йигит,—деди у Фабрициога (қабулииiнг бошида Фабрициони «монсиньор» дея атаган ва фақат хайрлапта турибгина уни яна шундай аташга аҳд қилган шаҳзода суҳбат чоғи баландпарғ.оз сўзлар айтаетганида дўстона мурожаат қилиш ўриплироқ бўлади деб хғсобларди),—ҳа, ушбу прииициплар, албатта сизпи ҳайратга солаетган бўлса керак, яхши йигит. Очиғини айтсам, улар мешгаг официоз газетамда ҳар купи ўқипшнгиз мумкшг бўлган *хокими мутлац мадхиясига* (у худдишундай деди!) сира ҳам ўхшамайди. Дарвоке, мен нималар деяпман узи! Бизнинг нўноқ қаламкашлар езган нарсаларни сира ўқимасангиз керак албатта!

— Маъзур тутасиз, ҳазрати олийлари, мен Парма газетасини ўқибгина колмай, балки унда апчагила бамаъии гаплар езилади деб ҳисоблайман, зеро ўша газетапинг минг етта юз ўн бепгинчи йил, яъни Людовик Ўп тўртинчйпинг ўлимидан сўпг содир. бўлган барча воқеалар ғирт аҳмоқлик ва жиноят доган фикрига тўла қўшиламан. Инсон учун лнг катта бахт бу имопписақлаш, бу ҳақида икки хил фикрнинг бўлиши мумкин эмас,. зеро ушбу фароғат абадий сақланаяжак. *Озодлик, адолат, кўпчилик учун бахтли хавт* каби сўзлар қабиҳ ва жиноийдур; улар мунозара ва шубҳа уруғини сочади. Масалан, депутатлар палатаси бу одамлар *министрлар кабинети* дея аталмиш одати пай*шубха билдириш* ҳуқуқига эга. Машъум шубҳаланиш гаглкилотта до бўлган заҳоти инсон табиатининг заифлиги туфайли бу одат ни барча соҳаларга тадбиқ кила бошлайдилар; одамлар Тавротга, черков ақидаларига, анъаналарга ишонмай қўйиш даражасига бориб етадилар ва ҳоказо. Ана унда улар ҳалокатга маҳкум бўлғайлар. Бир дақиқа *худонинг ердаги сояси* бўлмиш ҳокими мутлаққа ишонмаслик одамларга бахт келтирди, дея фараз ҳам қилайлик (бу сохта ва жиноий фикр, лекин шундай бўлсин ҳам дейлик). Бироқ ҳар бир одам йигирма-ўттиз йил яшаши мумкин, аммо ярим аср ва ҳатто борингки, бир асрлик бахт ҳам имонини йўқотган одамнинг абадий қийноққа тушиши олдида ҳеч гай

эмас ва ҳоказо.

Фабрицио едлаб олган сабоғини такрорламай ўз фикрини суҳбатдоши учун иложи борича аниқроқ ва тушунарлироқ қияиб баен этишга ҳаракат қилаетгани яққол сезилиб турарди.

Бир оздан сўнг шаҳзода ўзини содда ва вазмин тутиши ҳамда ақлинипг тиниқлиги туфайли уни хижолатга солаетган бу йигит билан тортишиш фикридан воз кечди.

— Хўп, хайр, *монсиньор,*— деди бирдан у.— Кўриб турибман, Неаполь диний академиясида жуда яхши сабоқ беришибди, тиниқ ақл соҳиби бу эзгу ақидаларни ўзига сингдириб олиш окибатида ажойиб натижаларга эришар экан, бу ҳол мутлақо табиийдур. Яхши боринг.

Шундай дея шаҳзода «монсиньор» га орқасини ўгириб олди.

«Мен бу махлуққа еқмадим»,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио.

«Энди бу йигитчанинг бирон нарсага ишқибозлиги борми-йўқми, фақат шуни билиш қолди,— хаелидан ўтказди шаҳзода Фабрицио чиқиб кетган заҳоти.— Агар ишқибозлиги бўлса, унинг ўзипи тутиши баркамолликнинг худди ўзгинаси. Аммасинипг сабоқларини нақадар моҳирлик билан такрорлагаини қаранг! Худди герцогинянинг гапларини эшитгандек бўлдим. Агар бирон пайт келиб, менинг давлатимда революция содир бўлса, герцогиня худди Неанолда Сан-Феличе* газетани богақаргани каби, «Мониторга» муҳаррирлик қилади. Бироқ ўша Сан-Феличеии, ешлиги ва гўзаллигига қарамай,— у эндигина йигирма беш ешга кирганди,— бари бир дорга осишди. Ўта ақлли хонимлар учун ибрат бу!..»

Фабрицио ўз аммасининг шогирди дея ҳисоблаганида шаҳзода янглишгав эди; тахтда еки унга яқин жойда туғилган ҳатто энг ақлли одамлар ҳам тез орада кузатувчанлик ва сезгирликдан маҳрум бўлиб қолишади, улар одамларнинг ўзлари билан тортвнмай, эркин гаплашиши мумкинлигини ҳатто хаелларига кел-

тиришмайди, зеро буни кўполлик дея ҳисоблашади; улар ўз атрофларида фақат иқобни кўришни исташади-ю, яна одамларнинг чеҳраси ва уларнинг рапги ҳақида фикр юритмоқчи бўлишади. Энг қизиғи, улар ўзларини жуда сезгир ва заковатли деб ҳисоблашади. Масалан, ҳозирги воқеани олайлик: Фабрицио, гарчи «буюк принциплар» тўғрисида ойига бир-икки мартагина эсласа-да, шаҳзодага айтган барча гапларга ўзи ҳам сидқидилдан ишонарди. Заковати ўткир бу йигит ҳаетии яхши кўрарди-ю, бироқ художўй эди.

Ўн тўққизинчи асрпи ром этган озодликка интилиш, янги гоялар ва *кўпчиликни бахтли цилишга тобипиш* унииг назарида ўткинчи русум, *бидъат,* эди. Унинг ўйлашича, ҳар қандай бидъат каби, буниси ҳам узоқ яшамай тезда муқаррар ғойиб бўлиши лозим эди. У фақат, бу бидъатнинг, биронта ўлкада тарқаган ўлат инсон естиғини қуритгандек, кўпгипа қалбларии мажруҳ этиб кетишига ачинарди. Лекин, шунга қарамай, Фабрицио француз газеталарини ҳузур қилиб ўқир ва ҳатто уларни топишда баъзан эҳтиеткорликни ҳам унутиб қўярди.

Шаҳзоданинг қабулидан ҳаяжонга тушиб қайтган Фабрицио аммасига ҳукмдорнинг ҳийла ишлатмоқчи бўлганини гапириб берган эди, герцогиня хитоб қилди:

— Сен дарҳол меҳрибон архиепископимиз, ҳазрат Ландриани ҳузурига бормоғинг керак. У ерга пиеда бор, камтарлик билан зинадан кўтарилгин-да, қабулхонада сабр-тоқат қилиб ўтир, агар сени кутишга мажбур қилишса, янаям яхши, минг чандон яхши. Хуллас ўзингни *хаворийлардек итоаткор* қилиб кўрсат.

— Тушунаман!— деди Фабрицио.— Епископимиз Тартюф экан-да!

— Сираям-да, у жуда саховатли одам.

— Граф Паланцани қатлида қатнашганидан қатъий иазар ҳамми?— ажабланиб сўради Фабрицио.

— Ҳа, дўстгинам, қатъий назар. Архиепископимизнинг отаси молия министрлигининг чшювниги, майда буржуа бўлган; ҳаммасига ана шу нарса сабаб. Монсиньор Ландриани кенг мулоҳазали, ақли тиниқ, самимий ва оқил одам, у эзгу саховатни яхши кўради; имоним комил, агар император Деций* тирилиб келгапида, монсиньор Ландриани ўтган ҳафтада қўйилган операдаги Полиевкт каби азоб-уқубатда ўлиб кетган бўларди. Бу масаланинг бир томони, лекин унинг иккинчи жиҳати ҳам бор; у аъло ҳазрат еки лоақал бош министрга рўбарў бўлганида довдираб қолади, ҳукмдорларнинг салобати босиб, ўзини йўқотади, қизариб-бўзаради ва ҳатто «йўқ» дейишга ҳам тили бормайди. Бутун Италияда бағритош деб ном чиқарган ўша килмипшпинг сабаби ҳам мана шу. Бироқ фақат жамоатчилик фикригина граф Паланца процессининг туб сабабини очиб берганини ҳеч ким билмайди, у бўлса ўзини ўзи кафоратга ҳукм қилиб, *Давид Паланца* исмида нечта ҳарф бўлса, шунча ҳафта қуруқ нон ва су в би лан кун кўрибди. Бу ерда, саройда бош судья еки бош айғчжчи бўлиб ишловчи Расси фамилияли ўта зукко бир аблеҳ иш юргизади. У граф Паланцани ўлим жазосига ҳукм қилдирмоқ учув елиб-югуриб, ҳазрат Ландрианини нақ аврагудек ҳукмни тасдиқлашга мажбур қилди. Ўша ўн икки ҳафталик кафорат найти граф Моска архиепископга ачинганидан, қисман эса қувлик юзасидан, ҳафтасига бир, баъзида икки марта тушликка таклиф қилиб юрди. Кўнгилчан архиепископ унипг раъйига қараб, дастурхон тепасида эл қатори тановул қиларди,— агар у ҳукмрон маъқуллаган қилмиши учун ўзини ўзи жазолаб, белгилаган кафоратга очиқдан-очиқ риоя қилганида ўзини исенчи ва якобинчи деб ҳисоблаган бўларди. Лекин у содиқ фуқаролик юзасидан барча меҳмонлар қатори таом тановул қилган ҳар бир шундай тушликдан сўнг ўзининг рўзасига яна икки кун қўшишини ҳамма яхши биларди.

Монсиньор Ландриани жуда доно одам, зукко олим, лекин унинг битта камчилиги бор: *Монсиньор хамма уни яхши кўрмоғини истайди.* Шу боисдан сен унга хушомад билан қара ва учинчи марта ҳузурига борганингда эса уни чин кўпгилдан яхши кўриб қолганингни изҳор қил. Ахир сен аслзода йигитсан, монсиньор шу заҳоти сенга меҳр қўйиб қолади. Агар у сени нақ зинанинг олдигача кузатиб қўйса, сира ажабланма; ўзингни шундай муомалага кўникиб қолгандек қилиб кўрсат,— бу одам дунега келибдики, киборларга тавозе қилади. Бошқа пайтларда эса доим ўзингни ҳаворийлардек содда қилиб кўрсат; ақлингни тиниқлигп, ҳозиржавоблик намойиш этишни хаелингга ҳам келтирма. Агар сен уни чўчитиб қўймасанг, сени еқтириб қолгач, доим кўргиси келиб юради,— едингда бўлсин, у сени ўзи ташаббус кўрсатиб бош викарйй қилиб қўймоғи лозим. Сенинг бундай тез кўтарилишингдан граф икковимиз ажабланамиз ва ҳатто таъбимиз хира бўлгандек кўринамиз: бизнинг ҳукмдор олдидаги сиесатимиз шуни тақозо этади.

Фабрицио архиепископ саройи томон йўл олди; у ерда йигитнинг жуда омади келди: меҳрибон прелатнинг қулоғи оғирроқ камердинери дель Донго фамилиясини яхши эшитолмади-да, хўжайинининг олдига кириб, еш руҳоний Фабрицио ҳақидагина хабар қилди. Архиепископнинг қабулида бадахлоқлиги учун дакки бермоққа чақирилган бир каноник ўтирганди. Архиепископ учун қўл остидаги руҳонийларни койиб, уларга панд-насиҳат қилиш оғир мажбурият эди, шу боисдан ҳам у бугун шу ташвишдан биратўла қутулиб олмоқ учун беихтиер буюк архиепископ Асканьо дель Донгопинг пабира жиянини қабулхонада чораккам бир соат куттириб қўйди.

Архиепископ каноникии йўлакка қадар кузатиб қўйгач, ўз хонасига.қайта туриб қабулхонада кутиб ўтирган йигитдан: «хўш, нима хизматлар бор эди?»— дея сўради ва бирдап унинг бинафнширанг пайпоқ кийганини кўриб, «Фабрицио дель Донго» исмини эпштди-ю, қаттиқ хижолатга тушиб, узр сўрай кетди. Буларнииг бари қаҳрамонимизга шу қадар аломат кўриийдики, у биринчи ке-

лишдаек ҳазратга меҳр қўйиб қолди ва ҳатто унитг қўлипи тавоб қилди. Архиеиископнипг нақадар даҳшатга тушганиии унинг ҳасрат билан:

— Дель Донгодек одам'ни қабулхонамда куттириб қўйишибди-я!— дея айтган гапини эшитгаи одамгина тасаввур қила оларди.

У узр сўраш маъносида бояги канопикнинг бутун тарихи, унинг қилган гуиоҳи, ўзипи оқлаб айтган гаплари ва ҳоказолар тўғрисида ҳикоя қилиб беришии лозим топди.

«Наҳотки,— дея ўйларди Фабрицио Сансеверина саройи томон қайтар экан,— наҳотки худди мана шу одам бояқиш граф "Паланцанинг қатлини тезлатган бўлса?»

— Хўш, энди иима дейсиз, ҳазрати олам?— сўради кулиб граф Моска Фабрицио герцогинянинг хонасига кириб келгач. (Графяинг ўзи Фабрицио уни «ҳазрати олийлари» дея аташига ижозат бермаганди.)

— Худди осмондан қулаб тушгапдек бўлдим. Одамзотии мутлақо билмас эканмап! Агар ўша чолнинг исми-шарифини билмаганимда, бу одам чумчуқ сўйилишига ҳам тик қараб туролмайди, дея гаров ўйнаган бўлардим.

— Ва бу гаровда ютардипгиз ҳам! — қўшимча қилди граф. Бироқ у шаҳзодапинг еки борингки ҳатто менинг ҳам олдимда биттагипа «йўқ» сўзини айтишга ҳам ОЖИЗЛИК қилиб қолади. Тўғри, унга таъсир қилиш учун менинг мундир кийиб, елкам оша зарғалдоқ тусли леитамии тақиб олишимга тўгри нелади. Агар оддийгина фрак кийганимда, эҳтимол, у гапимга қарши чиққап бўларди. Шу боисдап мен уни доим мундир кийиб, барча орденларимни таққап ҳолда қабул қиламан. Ҳокимият обрўсипи ту шириш бизга тўгри келмайди: француз газеталари бизсиз ҳам уни аичайип бадиом қилипшпти,— *%окимиятга ситиниш* биздан кейин ҳам сақланиб қолиши даргумон; оизнинг зса, қадрли жияпгииам, ана шу ҳурматии кўрмай яшашингиз ва ҳар парсага кўникиб кетаверишингизга тўгри келади.

Граф билаи суҳбатлашиш Фабрициога жуда еқарди: мипистр у билаи сира мугамбирлик қилмай, самимий гаплашган биринчи машҳур одам эди, без устига, уларнинг иккови ҳам антик давр осори атиқалари ва кавлаш ишларига қизиқишарди. Графга ҳам ўз павбатида йигит унинг сўзларини зўр диққат-эътибор билаи тинглаетгаии маизур бўлганди. Бироқ баъзи нарсалар уни безовта қилмоқда эди: Фабрицио Сансеверина саройида яшар, кўп вақтини герцогиня билаи ўтказар ва соддадиллик қилиб бу яқинликдан бахтиер эканлигини сира яширмай юрарди. Бундан тапгқари, Фабрициоиипг кўзлари ниҳоятда чиройли ва типиқ зди.

Ранунцио-Эрпесто IV ҳирсиетидан деярли биронта ҳам аел Г.'йип товламас, шу боисдан шаҳзода анчадан бу(5и герцогииядаи хонимнинг бутун саройга машхур иффати унинг учун истисно килмаганидап хафа бўлиб !шг ақли ва ўзини тута билиши биринчи ўчрашув пайтида&қ унинг ғашига текканини



курган эдик. Шаҳзода герцогиня билан жпяниттинг ўзаро меҳрларини емонликка йўйди ва сарой аеплари орасидаги ивир-шив-'р гапларга диққат билан қулоқ сола бошлади, зеро герцогиня ҳам, Фабрицио ҳам беғамлик билан бу дўстликларини ҳеч кимдан пинҳоп тутишмасди. Кш руҳопийнинг ГТармага келигаи ва упинг алоҳида мурувват билан қабул қилиниши бир ой давомида бутун сарой аҳлини ҳайратга солиб, одамларнинг хаелини банд қилиб юрди, Ана шуида шаҳзоданинг хаелига бир фикр келиб қолди.

Лейб-гвардияда қанча ичса ҳам сира маст бўлмайдиган бир оддий солдат бор эди; ўша гвардиячи бутун вақтини қовоқхоиаЛарда ўтказар ва армиянииг аҳвол-руҳияси ҳақида бевосита онҳазратнтшг ўзига ахборот бериб турарди. Карлоне мутлақо саводсиз оми бир одам эди, акс ҳолда аллақачон унинг упвонини ошириб қўйган бўлишарди. Унга ҳар куни, мииорадаги соат айпи пешин найти бўлганини билдириб занг чалганида саройга келиш буюрилганди. Бир купи пешин пайтига озгина қолганида шаҳзода ўз қўли билаи иккинчи қаватдаги пардозхоиаси енида жойлашган деразалардан бирининг нардасини шартлашилгандек қилиб тушириб қўйди. Соат ўн иккига занг ургаиидан сўпг орадан кўп ўтмай, у япа иккинчи қаватга чиқди. У ерда шаҳзодани Карлопе кутиб ўтирган экан. Цоғоз ва сиеҳдон олиб келган шаҳзода солдатга айтиб туриб, қуйидаги мактубни ездирди.

«Ҳазрати олийлари!

Сиз шубҳасиз жуда доносиз ва сизнинг заковатингиз ту файл я давлатимиз иихоятда яхти идора этилмоқда. Лекин, азизим, граф, сизнинг ажойиб муваффақиятларингиз, тургаи гап, баъзи бировларни ҳасадини қўзгатади; шу боисдап ҳам камина, агар сизнинг зукко ақлиигиз, бир йигит, эҳтимол. ўзи ҳам истамай туриб, аллақайси бир хонимнинг қалбида гаройиб муҳаббат уйготшп бахтига муяссар бўлганини фаҳмлаб олипгишнзга ердам бермаса, эл олдида кулги бўлиб қоласизми, деб қўрқаман. Айтишларича, ўша бахтиер йигит эндигина йигирма уч ешга кирган эмиш, сиз билан биз эсак, қадрли граф, надоматлар бўлсинким, ундаи икки марта каттароқмиз. Кечки ғира-ширада узоқроқ масофадаи қаралса, сиз, граф, анча жозибали эркак кўринасиз; сиз серцазокат, дилкаш ва зуккосиз. Бироқ эрталаб, хонаки шароитда, яқикда келган дўстимиз, шубҳасиз, жозибалироқ кўринади. Биз, аеллар, айни бшимиз ўттиздан ошганидап кейин, навқирои ешлигу рангнииг тиниқлигини айниқса қадрлайдиган бўлиб қоламиз! Бу еқимтой йигитга биронта яхшироқ лавозим бериб, саройга жойлаштм қўйиш кераклиги ҳақида сиздан илтимос қилишмаяптнми ах Хўш, қайси хоним бу тўғрида кўпроқ илтимос қиляпти, хазран--олийлари?»

Шаҳзода мактубни олди-да, солдатга икки эйю мул узатди.

— Бу пул маошипгга кирмайдп,— дедп у қовоғини солиб.— Лекии Г н, бнровга чурқ этиб оғиз оча кўрма, йўқса, қалъага, эяг зах зттдонга ташлайман.

Шаҳзоданинг езув столида сарой аенларидан деярли ҳар бири-

чииг адреси езилган апчагина конвертлар сақланарди. Адреслар ҳам, гарчи ўзи саводсиз ҳисобланса-да, ўша солдатпинг қўли билан езилганди. Шаҳзода керакли адрес езилган конвертин танлаб олди.

Орадан бир неча соат ўтгач, граф Моска почта орқали мактуб олди. Бу мактуб унинг қўлига қачон келиб тегиши аниқ ҳисоблаб қўйилгап эканми, почтальон министрликка кириб, қўлидаги кичкина пакетни ташлаб чикқанипи кўрищган заҳоти граф Москанй аъло ҳазратнинг ҳузурига чақиришди.

Бош министр ҳали ҳеч қачон бундай гамгин кўрипмаганди. Шаҳзода унинг дардли қиефасини томоша қилиб, роҳатланмоқ ниятида хитоб қилди:

— Бугун менга министр эмас, дуст керак! Бошим қаттиқ оғрияпти, шунинг учун ҳам дуне" кўзимга қоронғи кўриниб кетяпти. Сиз билан бир оз суҳбатлашиб, дам олсам девдим.

Ниҳоят ўз ҳукмдори билан хайрлашишга иягозат берилганида бощ министр граф Моска делла Ровеpенинг қандай чидаб бўлмас аҳволда чиқиб кетганини тасвирламоқнинг ҳожати бўлмаса керак. Ранунцио-Эрнесто IV ўзга дилини оғритиш санъатине мукаммал эгаллаб олганди,— бу жиҳатдаи уни ўз ўлжаси билан ўйнашаетган йўлбарсга бемалол таққослаш мумкин эди.

Граф отларга қамчи босишни буюрди; уйига етгач, зинадан юқори кўтарилар экан, у, ҳузуримга ҳеч кимни киритманглар, дея қичқирди ва иавбатчи *аудиторга* айтиб қўйинглар, кетавериши мумкин, дея фармон берди (шу тобда у яқинида биронта ҳам одамнинг бўлишини истамасди), сўнгра расмлар галереясига кирди-да, ичидан қулфлаб олди. Факат шундан кейингииа у, ниҳоят, ғазабига эрк берди ва бутун кеча давомида ўзини қаерга қўйишни билмай галереяда у ецдан-бу ецқа гориб чиқди. У қалбига қулоқ солмасликка ва бутун диққат-эътиборияи бу еғига қандай йўл танламоққа қаратишга ҳаракат қиларди. Ҳатто душмани ҳам унга раво кўрмайдиган даражада дили пора бўлиб азоб чекар экан, пгупдай фикр юритарди.

«Кургани кўзим йўқ бир одам герцогиняниииг уйида яшайди, бутун вақтипи у билан бирга ўтқазади. Оқсочла-рнцнг биронтасидан суриштириб кўрсаммикин? Йўқ. Бу хавфли. У жуда олиҳиммат, хизматкорларидап хайр-саховатини аямайди, шунинг учун ҳам улар бекаларини ниҳоятда яхши кўришади (Эй худойим, уни ким ҳам емон кўрарди дейсиз?). Энг муҳими эса,— дея ғазаб билан такрорларди у қайта-қайта,— нима қиларимии билмайман; рашк ўтида қовурилаетгапимни унга айтсаммикин еки индамай қўя қолсаммпкин?

Агар индамай юраверсам, улар мендан ҳеч нимани яширишмайди. Мен Жинапи яхши биламан — қувлик-шумликдан йироқ аел, қалби нени буюрса, шуни бажарадй, нима иш қилаетганини баъзан ўзи ҳам билмай қолади; агар у ўзини қандай тутишни олдиндан мўлжаллаб қўйса, дарҳол адашиб кетади; ҳаракат қилиш лозим бўлганида унинг миясига янги бир фикр келиб қолади, на-



варида буниси энг яхши фикрдек туюлади-ю, хоним уни дарҳол амалга ошира бошлайди ва шу билан ҳаммасиии бузади қўяди.

Дилимнв ўртаетган изтироб тўғрисида чурқ этиб оғиз очмайман, шунда улар сирларини мендан пииҳон тутиб ўтиришмайди ва мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўраман. Тўғрику-я, лекин дилимдагини очиқ айтсам, эҳтимол, воқеалар ривожини бошқачароқ йўналишга солишим мумкин бўлар; у мулоҳазага бориб қолади ва балким, бу билан кўпгина ишларнинг, энг даҳшатли воқеанинг олди олинар... Эҳтимол, уни жўнатиб юборишар (граф чуқур хўрсиниб қўйди) — у ҳолда мен деярли ютиб чиққан бўламап... Агар бошида Жинаиинг бир оз жаҳли чиқса, уни тинчитаман... Жаҳли чиқади-да, албатта, лекин бунииг аи^аблаиадиган я«ойи йўқ! У ўн беш йил ичида Фабрициога меҳр қўйиб қолган, уни ўз ўғлидек яхши кўради. Менинг бутун умидим ҳам ана шу — уни *у з ўғлидек яхши кўришида.* Аммо Жина йигитча билан у Ватерлоога қочиб кетғанидан буеи кўришмаган эди, Неаполдан эса йигитча мутлақо бошқа одам бўлиб қайтди — айпиқса, унинг назарида шундай. *Бощца одам бўлиб!*— дея такрорлади граф ғазаб билан,— барпо йигит бўлиб қайтди у! Энг муҳими, йигитча жуда соддадил, мулойим кўринади, кўзлари чексиз бахт ваъда қилаетгандек кулиб туради! Герцогиня саройда бундай кўзларни кўришга одатланмаган,— у ерда одамлар бир-бирларига қовоқларлни солиб еки истеҳзо билан қарашади. Мана, масалан, ўзимни олинг,— доим иш билан бандман, меии хўрлаб, масхара қилиш ниятида бўлган бир одамга таъсир ўтказа олганим туфайлигипа ҳокимият тепасида турибмаи,— шуидай экан, менинг нигоҳим қандай бўлиши мумкин? Узим қапчалик яширишга урипмай, у аввало менинг қарилигимии кўрсатиб туради. Менинг қувноқлигим эса доим истеҳзо билан епма-еп юради! Янада очиқроқ қилиб айтай,— бу ўринда энди риекорликдан нима фойда — бу қувноқликдан деярли мустабид ҳокимият ва қаҳр-ғазаб ҳиди келмайдими ахир?.. Айпикса жаҳлимни чиқаришган пайтда ўзимга ўзим: «Нимани истасам, шуни қилавераман!»— демайманми? Кейин аҳмоқона бир мамнуннят билан:— «Мен бошқалардан бахтлироқман, зеро, уларда йўқ нарса менда бор: давлат ишларииинг тўртдан уч қисмида чеклапмаган ҳокимиятга эгаман»,— дея қўшимча ҳам қилиб қўяман... Шундай экан, тан олишим керак — ўзим одатланиб қолган ана шу фикр, шубҳасиз, менинг табассумимга кўланка ташлайди, турган гап, мени ўзига бино қўйгап худбнн одам қилиб кўрсатади. Унинг табассуми эса нақадар люзибали! Йигитчадан ешликиинг тиниқ ва мусаффо бахти уфурабтгандек туюлади ва у бошқаларнинг дилида ҳам бахтиерлик гуйғусини уйғотади».

Аксига олиб, ўша купи кечга яқин осмонни булут босди ва ҳаво дим бўлди,— хуллас об-ҳаво шароити шуидай эдики, бу мамлакатларда одамларнинг ҳис-туйғуларини жунбушга келтирарди, Зҳтироси кучли бу одамнинг дилини уч соатдан буеп ўртаетган ана шу воқеа ҳақидаги барча фикр-мулоҳазаларпи сизга қандай

тасвирлаб берсак экан? Ниҳоят, унинг қалбида оқиллик устун келди, фақат бунга қуйидаги мулоҳазалар сабаб бўлганди:

«Ақлдан озяпман шекилли; бундай қараганда мулоҳаза юритаетгандек кўринамаи, лекин аслида ҳеч қапдай мулоҳаза юрптаетганим йўқ, худди ором қидириб, нуқул у енбошдан бу енбошга ағдарилаетгап хаста одамга ўхшаймап. Бушшг бпрор$_0$чораси бордир ахир? Албатта бор; фақат мен қаттяқ оғриқдан кўзи кўр бўлиб қолган одамдек, уни кўрмаяпман, топа олмаяпман. Демак, барча ақлли одамларниинг *эхтиеткорлик* дея аталмиш оқилона қоидасига амал қплмоқ керак.

Ҳа, дарвоқе, ўша машъум *рашк* сўзини тилга олганим заҳоти ўйаайдиган ролям бир умрга аииқланади қўяди. Бугун нпдамағап тақдиримда хам, эртага бу ҳаққда айтмоқнинг имкопияти найд© бўлади, ҳар ҳолда вазиятпн иа.орат килиб тураман-ку ахир».

Ушбу рухай таигликдан граф шу қадар каттиқ азоб чекдики, агар изткроб яна бир оз чўзилгапяда мяжастршвяг ақлдан озиши ҳеч гай эмасди. У бир неча дақиқа енгил тортгандек бўлди: хотирнга ўша юмалоқ хат келганди. Хўш, уни ким езиши мумкин? Граф таниш исмларии бирма-бир хаелидан ўтказа бошлади. Тахмин ва шубҳаю гумонлар- уни огир хаеллардан чалғитгандек бўлдн. Ниҳоят, у қабулиинг охирида шаҳзодаипнг кўзларя накадар бадхоҳлик билан чақпаб кеттаишш эслади. Ўшапда шаҳзода шундай деганди:

— Ҳа, қадрдоп дўстим, бир парсани тап олмоғимиз керак: бизға пазокатли муҳаббат бахш атадшан шшҳоиа бахт олдида нафси қондирилган шухратпарастднк гашти ва ҳатто чекланмагаи ҳокимият ҳам ҳеч гап бўлмай қолар экан. Мен аввало ҳукмрон эмас, оддий инсонмаи. Шундай экан, камина севиш бахтига муяссар бўлгапида, маъшуқам менипг тимсолпмда ҳукмронни эмас, оддий згасонни кўради.

Граф қувлик билан, ўзига бино қўйиб айтилган бу сўзларни хатдаги *«сизнинг заковатингиз туфайли давлатимиз ищоятда яхши идора этилмоцда»,*— деган жумлалар билан чоғиштнриб курди.

— Ўша хатни фақат шаҳзода езган бўлиши мумкин!— дея хитоб қилди у.— Саройдаги биронта бошқа одам томонидан бупдай жумлаларни езилиши, сўзсиз, ўта эҳтиетсизлик бўлур эди. Хатни аълоҳазратнинг ўзи юборган.

Шундай қилиб, у жумбоқяи ҳал этди. Бирок. Фабрициoнинг нақадар мафтупкор ва барно йигит эканлигини эслади-да, уз топқирлигидан дилида найдо бўлган енгилгина мамнуният ҳам бир зумда ғойиб бўлди қўйди, Бу аламли хотиралар бояқиш графниинг қалбини яна оғир тощдек эза бошлади.

— Ҳамонки унда бор ҳақиқат езилган экан,— дея ғазаб билан хитоб қилди у,— бу юмалоқ хатни ким езганиниинг нима аҳамияти бор? Ахир бу ноз-фироқ бутун ҳаетимнн ағдар-тўнтар қилпб юбо*рхшш* мумкин,— қўгаимча қилди у гўе ўз телбалигини оқлашга трияаетгандек бўлиб.— Агар герцогиня Фабрициони маълум маъ«ода севса, у ҳолда хонимга йигит билан Бельджиратегами, Швейцаристами, дуиепипг иетаган бурчагигами жўиаб кетшпи учуй ш?м ҳам халал бера ол.-фди. У бадавлат аел, лекив йилига борйўғи бир неча луидор сарфлаб яшашга тўтри келгаи тақдирда ҳам чўчимагап бўларди. Бир ҳафтагкяа бурун менга манати ҳашаматли сарой ва маяави барча зеб-зийнат меъдасига текканини аптган эди. Хонимщгаг кўнгли жуда еш ва у янгиликни яхши кўради. Янги бахт эса лоп этиб оеғи остидан чиқиб турибди. У хатарпи сезмай турибоқ қўигил қўйиб қолади, менга раҳм қилиш эса ҳатто хаелига ҳам келмайди. Мен бўлса ниҳоятда бахтсизман!— дея хитоб қилди граф ва алам билан йиғлаб гоборди.

У ўзига ўзи бу оқшом герцогиняниинг уйига бормасликка сўз берди-ю, бирок чидаб туролмади,— ҳали у ҳеч қачон хоиимни шу қадар кўргиси келмаганди. Ярим кечага яқин граф унинг уйига кириб борди; герцогиня жияпи билан елғиз ўтирган экан: кечкурун соат ўнда у барча хизматкорларни тарқатиб юбориб, бўлак ҳеч кимии қабул қилмасликни буюрган эди.

Граф дарҳол бу икки инсон ўртаеидаги позик яқинлик, герцогинянинг бутун қиефасидаги хушбахтликни сезди-ю, унинг рўнирасвда кутклмаган ва даҳшатли бир муаммо кўндалапг бўлди. расмлар ғалереясидаги узоқ мулоҳазалар найти у дилидаги рашк— ни қандай яшириш ҳақида бирон марта ҳам ўйлаб кўрмаган экан.

Граф авзойининг бузуқлпгига нимани баҳоиа қилишпи билмай, шаҳзода бугун мепи емон қабул қилди, негадир барча гапларимга қарши чиқди, деб қўя қолди. Дилида ғам-андуҳ билан герцогиня унинг гаггларипи деярли зшитмаетгани ва куни кечагина тпнимсиз муҳскамаларга сабаб бўладиган янгиликни мутлақо лоқайд қабул қилганиии қайд этиб қўйди. Сўнгра Фабрицтто томон ўгнрилди,— бу йигитнинг соф ломбардияликларга хос чиройли чеҳрасида ҳали у ҳеч қачон бу қадар самимият ва олижанобликии кўрмаган эди. Бупдая ташқари, Фабрицио графпипг кўнгилсизликлар ҳақидаги ҳикоясипи герцогиияга қараганда кўпроқ диққат-эътkбор билан тииглaмоқда эди.

«Ҳақиқатап ҳам,— дея ўйларди граф,— унинг қиефасидан теран меҳрибоилик ва қапдайдир дилрабо ҳает қувончи уфуриб. тура ди. У гўе: дунеда муҳаббат ва унинг қувопчидаи муҳимроқ нарса йўқ, дея§тгандек туюлади. Бироқ ҳатто арзимас бир гарса бўлса-да, акд-идрок талаб қила-диган мавзуда гап кетса, унипғ нигоҳи дарҳол жопланиб, кишини ҳайратда қолдиради ва хижолатга солади.

Ҳамма нарса унга оддийгина бўлиб кўрипади, зеро барча масалаларга пазар-писандсиз қарайди. й тапгрим, бундай душманпя қандай енгсам экан! Жинапинг муҳаббатисиз қандай яшаймая ахир?! Ана, унинг назаримда, аеллар дунеда тенги йўқ, деб ҳясоблашадиган бу навқирои допишманднинг дилрабо, кишини мафтун қулувчи ҳазилларига қандай ошкора завқ билан қулоқ солаетганипи бяр кўрипг!

Дахгсатли бир фикр графниинг юрапШи қаттиқ исканжага ол-

ди: «Ҳозир унинг кўз ўнгида Фабрициога ханжар сапчаман-да, кейин ўзимни ўзим ўлдираман».

У оеқда аранг турган, лекин талваса ичида хапжарининг дастасини маҳкам қисган ҳолда хона бўйлаб у екдан-бу екқа юрди. Герцогиня билан Фабрицио унга эътибор бермай ўтиришарди. Граф бориб, хизматкорга баъзи ишларии буюрйб қўймоқчи эканлигини айтди. Унинг сўзларини ҳатто эшитишмади ҳам; герцогиня Фабрициопинг гапларига қулоқ солганича мулойимгина кулиб ўтирарди. Граф биринчи меҳмонхопага чиқиб, чироқ енига борди-да, чархланганми йўқми деб хапжарииңг дамини текгаириб курди. «Бу йигитга мулойимлик билан яхши гапирмоғим керак»,— дея ўйларди у катта меҳмонхонага қайтиб, уларнинг енига яқинлашар экан.

Графнинг мияси айниб кетмоқда эди,— назарида улар бирбирлари томон эгилиб, унинг кўз ўнгида ўпишишаетгандек туюлди! «Менинг олдимда-я? Йўқ, бундай бўлиши мумкии эмас!~ дея ўйлади у.— Ақлдан озяпман. Ўзимшт босишим керак. Агар қўрслик қилсам, герцогиня фақат нафсонияти ҳақоратлапгапи учуй ҳам у билан Бельджиратега кетиб қолишдап тоймайди; у ерда еки йўлда бора ту риб, уларнинг дилларидаги бир-бирларига бўлгая туйгулариии ифодаловчи сўз огзиларидан чиқиб кетиши мумкип, қарабсизки, бир дақиқада ўртадаги парда кўтарилади қўяди.

Елғиз қолишгач, ўша сўз ҳал қилувчи омилга айланади. Хунт, у жўнаб кетгач, менинг аҳволим нима кечади?.. Агар мен ҳатто шаҳзода қўядиган беҳисоб тўсиқларни енгиб, Бельджиратега етиб борган ва уларга ўзимнипг кари, тўмтайган башарампи иамойиш қилган тақдиримда ҳам бахтиерлиқдан довдираган бу севишганлар орасида ким деган одам бўламдн?

Ахир мен ҳатто шу ерпинг ўзида ҳам бор-йўғи «1егго тсото-йо»ман холос... (ажойиб итальян тили худди муҳаббат учун яратилгандек!). Тегго тсотоо!о (севишганлар орасидаги учинчи шилқим шахс!). Шу аянчли ролии ўйнаетганини тушуниб турган, лекин ўрнйдан туриб чиқиб кетишга заифлик қиладиган ақлли одам учун нақадар огир азоб бу!

Дилидаги ғазаби сиртига тепай деб тургани еки қалбидаги изтироблар башарасида акс этиб қолиши мумкиилигини графнинг кўнгли сезмоқда эди. У меҳмокхонада, у, екдан-бу екқа юрар экан, эшик олдига борди-ю, бирдан мулойим бир оҳангда:

— Яхши қолинглар, бўталарим!— дея қичқирди ва шартта ўзини ташқарига урди.

«Цон тўкилишдан сақланиш керак»,— хаелидан ўтказди у.

Гоҳ Фабрициони нг барча устунликларипи бирма-бир хаелидап ; чамалаб, гоҳ рашк ўтида қовурилиб бедор ўтказилган ўша дахп ли туннинг эртасига граф камердинериии ҳузурига чақиршшш буюрди. Бу йигит герцогинянинг оқсочларидан бири, унинг арзандаси Чекинанинг куиглини овлаб юрарди. Яхшиямки, бу хизматкор оғир-вазмин ва хатто бирмунча хасис, Пармадаги погдгаоликка тегишли уйлардан биронтасида швейцар бўлишни ҳам орзу



қалардя. Граф унга дарҳол ўз маъшукаси Чекинани богалаб келашни буюрди. Хизматкор буйруқни бажарди, бир соатдан кейин эса граф туйқис қиз қаллиғи билан гаплашиб ўтирган хонага кириб борди. Граф уларга глунча олтин бердики, хизматкор йигит билан оқсоч қиз ҳатто қўрқиб кетишди, шундан сўнг у титраб турган Чекинага қаттиқ тикилиб, очиқдан-очиқ сўради:

— Герцогиня монсиньор билан дон олишадими?

~ Йўқ,— дея жавоб қайтарди қиз бир оз ўйлаб тургач.— *Ҳозирча йўц!* Лекии монсиньор тез-тез хонимнинг қўлини ўнади, тўғри, у кулади, лекин бари бир эҳтирос билан упади.

Бу гувоҳлик графнинг кейинги юзлаб аламди саволларига бе~рилган жавоб бўлдики, бояқиш йигит билан қиз ўз муҳаббати учун ваҳимага тушиб қолган бу одам берган пулни бутунлай ҳалоллаб олйшди; охири граф қизнинг рост гапираетгапига ишонч ҳосил қилди-ю, бир оз енгил тортгандек бўлди.

— Бордию герцогиня қачон бўлмасип орамиздаги мана шу гапни билиб қолса,— деди Чекинага қараб,— мен қаллиғингизни йигирма йил муддат билан қалъага қаматаман, шунда сиз уни мункиллаб қолган чол бўлгандагина кўрасиз.

Орадан бир неча кун ўтди, Фабрицио ҳам негадир ташвишга тушиб қолди:

— Гапимга ишонинг, граф Моска негадир менга адоват билан қараяпти,— деди у герцогиняга.

— Унда ҳазрати олийларининг ўзига қийин бўлади,— дея я?авоб қайтарди хоним жахл билан.

Бирок Фабрициониңг дилини хира қилган ташвишнинг асл сабаби бошқа эди. «Мен беихтиер ниҳоятда мушкул аҳволга тушиб қолдим,— дея ўйларди у.—Имоним комилки, хоним ҳеч қачон бу тўғрида сўз очмайди; бу ҳақида жуда ҳам очиқ гапирит уни қаттиқ даҳшатга солади. Лекин бир кун эмас, бир кун кечқурун беғам ўйин-кулгилардан кейин хоним ўз қалбига қулоқ солшб кўради-да, мен тўғримда унга нисбатан бўлган майлимна сезган бўлиши керак, дея ўйлаб қолади,— хўш, ана шундан сўнг унинг кўзида ким деган одам бўламан? Ҳақиқий саз1о (Зшзерре[1]-нинг (Иосифнинг ҳарам ходими Пентефрейнинг хотипига нисбатан кулгили муносабатига шама қилувчи итальян матали) худди ўзгинаси бўлиб қоламан-ку.

Бордию герцогиняга ҳалол ва тўғрисини айтиб, ҳақиқий севгига қодир эмасман десам-чи? Йўқ, бу гапни етиғи билан, назокатли қилиб айтиш қўлимдан келмайди, барибир дағал чиқадя сўзларим. Энди Неаполда яшайдиган хонимга нисбатан дилимдаги оташин муҳаббатни рўкач қилишимгииа қолди. У ҳолда бир кунга Неаполга бориб келишим керак бўлади. Энг яхши йўли шу, лекин овора бўлиб, Неаполга боригаим шартмикин? Парманинг ўзида ҳам биронта бачкана ишқий можаро бошлаб юборишим мумкин-ку. Бу қилиғим унга ёқмаса керак албатта. Аммо мен

Доко йосиф *(итал.).*

севилишга лойиқлипши фаҳмлаш истаги цўқ фароезтсиз зркая бўлпб қолмаслик учун ҳамма нарсага тайерман. Бу қилиғим келажак мартабамга халал бериши мумкин. Начора, хавф-хатарни ' камайтирпш учуй эҳтиеткор бўламан, тилимни тияман».

Фикрга толган Фабрицио учуй эиг алам қиладпган жойп упипг герцогиняни дарҳақиқат астойдил яхши кўриши эди,, «Ўзнм ҳам ўлгудай эпсизман-да!— ?каҳл билап ўзига ўзи таъпа қиларди у.— Хопимга дилимдаги бу гапни ҳеч қачон тушунтирпб, уои чяндан ҳам яхти кўришямни исботлаб беролмаймаи». Ҳозирги аҳволдап" Қутулишиипг чораснни тонолмай ташвишга тушгав йигитнивг дунеси қорояғи бўлиб кетганди. «Е тангрнм! — дея ўйлардв у,— дунеда яхши курган бирдан-бир одамим билап уришиб қолсам, унда аҳволим по кечади?»

Иккипчи томопдаи, Фабрицио эҳтиетсиз айтилган биропта сўз билап ўз бахтиии поймол қилишга журъат этмасди. Унинг ҳаети ниҳоятда жозибали ўтмокда эди. Гўзал ва дилрабо аелнииг самимий дўстлиги унинг дплига роҳат багишларди. Ҳастий нуктаи яазардан купол қилиб Караганда эса герцогинянинг ҳомпйлиги йигитнинг саройдаги нуфузиии анча кўтариб турарди; саройдаги фитиа-найранглар хонимнинг изоҳидан кейин худди комедия каби упга завқ берарди. «Лекип истаган дақиқада бу бахт барҳам ейигаи мумкин,— дерди у ўзига ўзи.— Агар бу офатижон аел билап елгиз ўтказилган қувноқ ва дилкаш кечалар оқибатида янада яқинроқ бўлиб қолсак, у менинг киефамда дўсти эмас, махбубини кўради ва ме'ндап телбаликлар, севги эҳтиросларипи кута бошлайди... Мен эсам упга фақат дўстлигимпи, отапган дўстлик туйгуларипигипа ҳадя эта оламан, лекин муҳаббатпи эмас,—- табиат мови бу ажойиб телбаликдан махрум этиб яратган экап. Шуни деб мен озмунча таънаю дашномлар эшитмадим! Герцогиня д' А***нинг гиналари ҳамон қулоғимда жаранглаб турибди,— хўп, майли ўгаа герцогинянинг гинаси ўзида қолсип! Жина, у мени чипакамига севмайди деб ўйлайди, меп эсам умуман астойдил сева олмайман. У мени ҳеч қачон тушунмайди. Кўпинча сарой ҳаетидан биропта қизиқарли ва ибратли воқеани ҳикоя қилиб берганида, ҳикоя қилганида эса шу қадар қойиллатиб, шу қадар маҳорат билан ҳикоя қиладики, бу борада унта ҳеч қим тент келолмайди,— мен завқланиб кетиб унинг қўлидан, баъзида эса юзидан ўпаман. Хўш, агар у шунақа пайтда қўлимпи маънодор қисиб қўйса-чи, унда нима қиламаи?»

Фабрицио хар куни Парманинг энг мўътабар ва шу билан бирга энг зерикарли салонларига бориб турарди. У герцогинянинг доно маслаҳатларига амал қилиб усталик билан ота-бола шаҳзода, малика Клара-Паолина ва монсиньор архиепископнииг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Бу борада у анчайин муваффақиятга эригади-то, бироқ кўнгли сира таскин топмадн,— у герцогиня билан аразлашиб қолищдан қаттиқ қўрқарди.



## Саккизинчи боб

Шундай қилиб, Фабрицио Пармада пайдо бўлганидан сўнг орадан бир ой ҳам вақт ўтмасданоқ у саройдаги дилсиеҳликларнинг барчасиии татиб курди, ҳаетидаги ягопа бахти — самимий дўстлик туйгуси эса заҳарланиб бўлди. Бир куни кечқурун у мана шу изтиробли хаеллар билан герцогинянинг меҳмонхонасидан чиқиб кетди. Бу ерда йигит ўзига ўзи хоиадон ўйиашига ўхшаб кўринмокда эди. У кўчада сайр қилиб юрар экан, чароғоп бир театрни кўриб қолди-ю, ўша ерга кирди. Руҳоний унвонидагн йигит учун бу эҳтиетсизлик бўлиб, шу пайтга қадар у бундам зркинликка йўл қўймаганди, зеро Парма ҳар қалай бор-йўғи қирк мкпггина аҳолиси бўлган чоққина бир шаҳарча эди. Тўгри, Фабрицио биринчи кунданоқ прелатлик кийимини ечиб қўйганди, кечқурунлари агар киборлар даврасига бориб қўшилмоқ зарурати туғилса, у мотамсаро одмигина қора кийим кийиб оларди.

У театрда кўзга ташланмаслик учун учинчи ярус ложасига билет олди. Гольдони*иинг «Меҳмонхона бекаси» комедиясини қўйиишаетган экан. Фабрицио зал безакларини томоша қилиб, саҳнага деярли қарамай ўтирарди. Аммо зал тўла томошабштлар дақиқа сайин хохолаб кулишарди. Фабрицио бека ролини ижро этаетган ешгина артист қизга назар ташлаган эди, қиз упга еқиб қолди. Цахрамонимиз унга диққат билан тикилди, шуида қиз кўзига хушрўйгина, энг муҳими, самимий кўринди: бу софдил қиз Гольдони у ўйнаетган персонаж учун тўқиган ҳазил-ҳузил гапларга биринчи бўлиб ўзи кулишга тайер эди ва бу гапларни у қандайдир болаларга хос ҳайрат билан талаффуз қиларди. Фабрицио егидагилардан қизнинг исми-шарифиии сўраган эди: «Мариетта Вальсерра»,— дея жавоб қилищди.

«Ие, жуда галати бўлди-ю! У менинг фамилиямни олибдиЬ— дея хаелидан ўтказди йигит.

Фабрицио бошида, шунчаки бирров кириб чиқаман, дея ният қилган бўлишига қарамай, театрда спектаклнинг охиригача ўтирди, Э-ртаси куни у яна театрга келди: уч кундан кейии эса Мариетта Вальсерранинг адресний билиб олди.

Йигит анчагипа овора бўлиб артист қизнинг турар жойини билиб олганидан сўнг, ўша куни кечқурупоқ графнипг у билан жуда илтифот кўрсатиб, мулойим гаплашаетганини сезиб қолди. Рашк ўтида қовурилиб, ўзини арапг босиб юрган бечора граф Фабриционинг ортидан айгоқчилар қўйган ва унинг театрдагя хушторчилигини эшитиб, жуда хурсанд бўлганди. Граф ўзини рақиби билан мулойим гаплашишга мажбур қилган ўша кечаиинг эртасига Фабрицио кимлигипи билдирмаслик учун узуй ҳаворанг редингогда театр яқииидаги эски уйнипг бешинчи қаватидаги Мариетта Вальсерранинг ночоргина хоиасига кириб чиқди. Бупдан хабар топган графнинг нақ боши осмопга етгудек бўлди. Фабрицио ўзини сохта исм билап таншитиргани ва у театрда учинчи даражали роллар ва малаьларни ўйиаб, қишлоқларда ҳам дор-

бозлик қилиб торувчи Жилетти фамилияли аллақандай каллакесариинг рашкини қўзғотганини хабар қилишғач, графнинг қувончи янада ошиб кетди. Мариеттанинг олижаиоб ошнғи бўлмиш ўша Жилетти Фабрициониинг орқасидая роса сўкибди ва уни улдираман, деб дағдаға қилибди.

Опера труппаларини одатда *импрессариолар* ташкил этишади. Импрессариолар унча катта ҳақ талаб қилмайдиган еки ангажаментсиз қолгап хопандаларни бир жойга тўплайдилар ва бундай тасодифан тузилгап труппаиинг умри нари борса икки сезонга етади. *Комедия ширкатларининз* йўриғи бошқа. Ҳар икки-уч ойда бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир жойдан иккипчи ягойга кўчиб юрувчи, труппашшг аъзолари бир-бирларини яхши кўрадигап еки бир-бирларидан нафратланадиган бир оилага айланиб қолганди. Бундай *«ширкатлар»ка* баъзан оилавий муносабатлар шу қадар мустаҳкам эдики, театр томоша кўрсатаетган шаҳарнинт артист қизларга ўч йигитлари бундай л^уфти ҳалолларни ажратиб юборгунча анча овора бўлишарди. Бизнинг қаҳрамонимиз воқеаси ҳам худди шундай бўлди; ешгина Мариетта Фабрициони ектириб қолди, лекип Мариетта ўзини қизнинг* ягона хукмдори деб ҳисобламиш ва упи қаттиқ назорат қилиб юрадиган Жилеттидан жуда қўрқарди. Ўша каллакесар ҳаммаекда монсштьорни улдираман, дея жар солиб юрарди (у Фабрициониг ортидан изма-из юриб, йититнинг исмини билиб олганди). Жилетти севишга номуносиб бўлиб, бўйи найнов, тарашадай озғин, чўтир ва бир кўзи хиел ғилай эди. Лекин унинг театрдаги роллрига мос фазилатлари ҳам бор эди. Одатда Жилетти хамкасблари тўпланған саҳна ортига отилиб кирарди-да, ўмбалоқ ошар, оеғини осмоидан қилиб юрар еки яна биронта кулгили қилиқ кўрсатарди. У саҳнада устига ун сепиб чиқадиган ва ўлгудек калтак ейдиган еки ўзи бошқаларни калтаклайдиган ролларни қойилмақом ижро этарди. Фабрициониниг ушбу олижаноб рақиби ойига ўттиз икки франк маош олар ва ўзини жуда бадавлат дея ҳисобларди.

Граф Моска айғоқчиларидан барча бу тафсилртларни эшитганидан сўнг ўзини онадан қайта туғилгандек хис этди. Унинг кайфияти аввалгидай кўтарилиб, герцогиняпинг меҳмонхонасида илгаригидан ҳам кўнроқ қувноқлик ва лутф намойиш эта бошлади. Лекии граф ўзини ҳаетга қайтарган бу ишқий можаро тўғрисида герцогиняга индамади, албатта. Аксиича, у ҳатто хоним бу тўғрида иложи борича кечроқ билиши чораларипи ҳам кўрйб қўйди. Цолаверса, граф ақл-идрок овозига қулоқ солишни лозим толди. Зеро ақли уни бир ойдан буеи ўз маҳбубаси олдида фазилатлари бачкаиа бўлиб кўрина бошлаган ҳар қапдай жазман дарҳол саеҳатга жўнамоқлиги лозимлигини даъват этиб келарди.

Шундап сўнг граф Моска бирдан қандайдир муҳим бир юмуш билап Волонъяга жўнаб кетди. Министрлик чопарлари унга ҳар купи икки мартадан давлат ишларига тааллуқли қоғозлардан ҳам кўра кўпроқ ешгина Мариеттанинг ишқий можаролари, баттол



Жилеттининг ғазаби ва Фабрициониниг ташаббускорлиги тўғрисидаги япгиликларни етказиб туршнарди.

Граф айғоқчиларидан бирининг талаби билан театрда «Арлекин*, скелет ва пирог» пьесасини кўп марта қўйишди. Жилеттти айникса ана шу пьесада ўз ролини дўндириб ижро этарди (у рақиби Бригелла каттакон пирогни кеса бошлганида шу пирогиинг ичидан сакраб чиқарди-ю, Бригелла уни таеқ билан ура бошларди). Пьесанинг муваффақиятли қўйилиши баҳонасида Жилеттига юз франк пул совға қилишди. Қарзи бошидан ошиб етган Жилетти совға ҳақида ганириб юрмаса .хам бироқ жуда димоғи кўтарилиб кетди.

Азият чеккан иззат-нафси Фабрициони қайсар қилиб 'қўйганди (шу ешда у беихтиер қайсар бўлиб қолганди). Мағрурлиги боисидан у ҳар куни спектаклларга борарди; Мариетта ўз ролини самимият билан ижро этар ва унга завқ бағишларди; театрдан чиққач, у бутун бир соат давомида қизга ошиқ бўлиб юрарди. Фабрициониниг ҳаети хавф остида қолганидан хабар топгаи граф Пармага қайтиб келди. Бир вақтлар Наполеоннинг энг яхши суворий полкларидан бирида солдат бўлиб хизмат қилган. Жилетти чиндан ҳам Фабрициони ўлдиришга отланган бўлиб, кейин қандай. қилиб Ромапьога қочиб' кетиш тадоригипи ҳам кўриб қўйганди. Агар китобхонимиз ҳали. еш бўлса, у графнинг олижаноблигига қойил қолаетгапшшздан жаҳли чиқиши ҳам мумкин. Бироқ Фабрициони қутқариб қолиш учун Болоньядан қайтиб келиш граф учуп ўзига хос қаҳрамонлик эди: кўпинза эрталаблари унинг ранги-рўйи анча сўлғин бўлар, еш ва беғам рақибиниг икки_ юзи эса иақшин олмадек қизариб турарди! Хўш, агар Фабрицио унинг йўқлигида бемаъни бир сабаб билан ҳалок бўлса, графга ким ҳам таъна қиларди дейсиз? Аммо граф тантилик кўрсатиш лозим бўлса-ю, лекин бу ишдан бўйин товласа, бир умр виждон азобида қийиалиб юрувчи камеб одамлар сирасига кирарди; боз устига у герцогиня келиб-келиб унинг айби билан кулфат чекиши мумкинлигиии асло истамасди.

Граф Болоньядан қайтгач, герцогиняни камгап ва ғамгин бир қнефада курди. Бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлганди. Оқсоч қиз Чекина граф берган катта пул жиддийлиги ҳақида далолат бериб турган ўз қилмишидан виждони азоб чекиб, касал бўлиб қолганди, Герцогиня бу қизни яхши кўрарди ва шу боисдан бир куня уни курганиʼ бетобнинг хонасига чиқди, Чекина бундай меҳрибонлик олдида чидаб туролмади; у кўзларидан дув-дув еш тўкар экан, бекасига министрдан олган пулини қайтариб бермоқчи бўлди ва ниҳоят, юрак ютиб, граф унга қандай саволлар бергани ва ўзи қандай жавоб қилгани ҳақида гапириб берди. Герцогиня дарҳол чироқни ўчирди-да, сўнгра^ майли, сени кечирдим, дея Чекинани тинчлантирди. У фақат, бу ғалати суҳбат тўғрисида хеч кимга чурқ этиб оғиз очмайсаи, деб шарт қўйди.

— Бояқиш граф,— дея қўшимча қилди герцогиня ҳазиломуз охапгда,— ҳамма эркаклар қатори кулгили аҳволга тушиб қолишдан қўрқади.

Герцогиня пюшилиб ўз бўлмалар: псди. У &гакж«ш« кириб, зшикни ичидап қулфлаб олгап заҳоти кўзларидан тцрқираб еш чиқиб кетди. Унга ўзшшнг кўз ўнгида туғилиб ўсгап Фабрицио билан ишқий алоқа қилищ мумкинлиги ҳақидаги хаелнияг ўзиеқ даҳшатли бўлиб кўринмоқда эди. Лекин унда пега у увини бундай тутянти?

^Граф келганида герцогиня хафагазак бўлиб ўтиришининг асосий сабаби худди мана шу эди. Хонимнинг графга қарши ва ҳатто Фабрициога ҳам қарши зардаси қайпай бошлади, шу тобда у мипистрни ҳам, жиянини ҳам кўргиси келмасди; назарида Фабрикую аллақандай Мариеттанинг ҳузурида кулгили бир роль ўйнаетгаиидаи унинг жаҳли чиққанди: граф хонимга ҳаммасини гапириб бергапди, зеро барча ошиқлар каби у ҳам ўз севиклисидан сир сақлай олмасди. Герцогиня бундай бахтсизликка кўника олмай қийналарди: буни қарангки, у сажда қилаетган одамнинг ҳам камчилиги бор экан; ниҳоят, графга меҳри товланган бир дақиқада хоним ундан маслаҳат сўради: граф учун бу фароғатли дақиқа, уни Пармага қайтишга мажбур қилгап олижаноблипг эвазпга яхши мукофот эди.

— Буни тушуеиш жуда осон!— дея хитоб қилди кулиб граф.— Еш йигитларнинг кўнгли барча аелларии тусайверади, эртасига эса улар ўша аелларни ҳатто эслашмайди ҳам. Ахир у, яеглишмасам, Бельжиратега бориб, маркизани кўриб келмоқчи эди шекилли? Майли, борса бора қолсин. Унинг йўқлигида труппа дан ўз истеъдодини бошқа шаҳарга бориб памойиш қилишни илтимос қиламан, йўл харажатини ҳам бериб юбораман ҳатто. Мана кўрасиз, тез орада йигит йўлида учрагап бошқа бир жононга оигақ бўлиб қолади; бу ўз-ўзидап маълум ва мен, сирасипи айтганда, Фабриционинг бошқача бўлишини истамасдим ҳам... Сиз, агар керак бўлеа, маркизага хат езиб, ўглини чақиртиршпни илтамос қвлинг..

Граф мутлақо лоқайд оҳангда айтган бу фикр герцогиня учун нажотли бир янгилик бўлди: у Жилеттадан қўрқарди. Кечкурун граф худди гап келиб қолгандай қилиб, Венага Милан орқали курьер кетаетгаиини айтди; уч кундан кейин Фабрицио онасидан хат олди. Йигит рашкчи Жилетти деб Мариеттанинг илтифотидан баҳраманд бўлолмагани учун зардаси қайнаб, онасининг олдига жўнади. Мариетта т а т т а а а, яъни онахопи сифатидаги кампир оркали унга ризолигини билдирганди.

Фабрицио онаси ва сингилларидан бири билан Лаго-Маджоре кўлишгаг ўиг соҳилида жойлашган Пьемонт водийсидаги Бельджиратеда учрашди. Чан соҳил Милан областига, яъни Австрияга қарашли эди. Шимолдан жануб сари чўзилган ушбу кўл параллел Комо кўлидан ўн лье /-арброқда жойлашганди. ТОР ҳавоси, болалиги ўтгаи Комони эслатувчи бу ажойиб кўлнинг улуғвор ва осуда чиройи-,— буларнинг бари Фабриционинг ғазабга айланай деб турган зардасини тарқатиб дилида маҳзуп бир кайфият кўзгатди. Йигит энди герцогиняни чексиз бир меҳр билап эслар,



ундап узокда юрар экан, пазарида ҳали биропта ҳам аелни бу кадар севмагапдек туюларди; у энди герцогинядап бир умрга айрклишни ўзи учун энг катта бахтсизлик дея ҳисобларди, агар герцогиня унинг ту аҳволи руҳиясини билиб туриб, хиел истиғно кялишпи лозим кўрганида еки унга биронта рақибни цариш қўйганида, турган гап, унинг қалбипи забт этган бўларди. Бироқ хоним бундай қатъий ҳаракат қилишни хаелига келтириш у екда турсип, бутун фикр-еди еш сайеҳ билан банддай ўзини-ўзи койиб ўтирарди. Герцогипя дилидаги инжиқликни бемаъни ҳавас дея атар ва бундан ғазаби қайнаб, уни қандайдир даҳшатли жиноят деб ҳисобларди. У графга иисбатан диққат-эътибориии кучайтирди. Бундай илтифотга мафтун бўлиб қолган министр унга иккинчи марта Болоньяга саеҳат қилишни тақозо этаетгап ақлидроки овозига қулоқ солмай қўйди.

Катта қизини миланлик бир герцогга унаштириб цўйган маркиза дель Донго тўй ташвиши билан бўлиб, жонидан яхши кўрадиган ўғлига фақат уч кунгина вақтини ажрата олди; Фабрицио илгари оиасига ҳеч қачон бундай меҳр-оқибат кўрсатмаганди. Фабрицио борган сайин дилини маъюслик қоплар экан, миясига ғалати ва ҳатто кулгили бир фикр келиб қолди-ю, уни дарҳол амалга оширди. Биз йигитнинг аббат Бланес билан маслаҳатлашгиси келиб қолгапиии айтишга аранг журъат этяпмиз. Бу ажойиб қария кучи деярли тенг, бир-бирига зид икки болаларча эҳтирос ўртасида азоб чекабтган юрак изтиробларини тушупмшга мутлақо ожизлик қиларди; бупинг устига унинг Пармада ҳисоблашиш лозим бўлгаи ва ўзи учун мутлақо бегопа манфаатларни сал-нал тасаввур қилмоғи учун бутун бир ҳафта муҳлат керак бўларди; бироқ Фабриционинг дилидаги у билан маслаҳатлашигл истагида ўн олти яшар йигитчалик пайтидаги ўша мусаффо туйғулари жонлангапди. Китобхон гапимнзга ишонармикин? Фабрицонинг кўнглида маслаҳатлагамоқ пияти туғилган экан, бупга сабаб қариянипг садоқатли дуст, оқил одамлигигина эмаеди,— қаҳрамонимизни сафарга чиқишдан мақсади ва сафар давом этган мана шу эллик еоат ичида уни ҳаяжонга солган ҳис-туйғулар шу қадар бемаъни эдики, агар мен бу тўғрида оғиз очмай қўя қолгапимда, сўзсиз, ушбу қиссамиз анча ютиб чиққан бўларди. Фабрицонинг иримчилиги ундап китобхоннинг кўиглини қолдирмасайди деб қўрқаман; лекин, пачора, унинг табиати аслида шундай эди. Бошқа қаҳрамонларимизга Караганда унга кўпроқ сайцал беришпинг ҳожати бормикин? Мен граф Москани ҳам, шаҳзодани ҳам сира безаб кўрсатганим йўқ-ку ахир.

Шундай қилиб, Фабрицио — ҳамонки ҳаммасини яшнрмай гапиришга аҳд қилган экаимиз — онасини Лаго-Маджоренинг Австрияга қарашли соҳилида жойлашган Лавено бандаргоҳига қадар кузатиб қўйди. Маркиза у ерда кечкурун еоат саккизларг* яқин кемадан тушди. (Кўл бетараф ҳисобланарди, шу боисдан соҳилга тушмаган одамдан паспортний сўраб " ўтиришмаеди.) Лекин бутунлай қоронғи тушгач, Фабрицио ҳам иақ кўлнинг бў-

иидаи бошлангап қуврак дарахтзорда Австрияга қарашли соҳнлга тушди. У қлшлоқларда кабриолет хизматини утовчи икки гилдиракли тезюрар енгил арава — *седиола* еллади. Эиди йигит онасининг каретаси ортидак беш юз қадам берида кетавериши мумкин эди; у зпшга дель Донголар хонадонидаги хизматкорлар ливреясини кийиб олганди ва шу боисдан Фабрициошшг паспорт ткни текшириб куриш кўп сопли полициячилар ва божхона амал- /Фрлаpшшнг ҳатто хаблларига ҳам келмади. Маркиза қизи билан тупаб қолиши лозим бўлган Комога чорак лье қолганида • у сўл томоига Вико шаҳарчасини айланиб ўтиб, нақ кўл соҳили бўйлаб яқиида қурилган торгина йўлга олиб чиқувчи бог кўчага бурилди.

Вақт ярим кечадан ошган бўлиб,- Фабрицио йўлида биронта жандармга дуч келиб қолишдан қўрқмаса ҳам бўларди. Йўл дамбадам кичик-кичик бутазорларни кесиб ўтарди; дарахтларнииг шох-шаббалари енгилгина ҳовур қоплаган юлдузли осмон тархида қорайиб кўринарди. Сувда ҳам, осмони фалакда ҳам қандайдир осуда хотиржамлик ҳукм сурарди. Фабрициoнинг қалби табиатнинг улуғвор гўзаллигига дош бера олмади; у тўхтади-да, су в томоп туртиб чиққан қояга ўтирди. Сукунатни фақат майда тўлқинларнинг бир маромда соҳилга келиб чўлп-чўлп урилишигина бузиб турардп. Фабрициoнинг қалби соф итальяпча тахлитда эди, — унинг бу хусусияти учун китобхопдан кечирим сўрайман; йигитнйнг китобхон кўз ўигида хиел қадрини туширадиган бир камчилиги: гоҳ-гоҳ шуҳратпарастликка берилиш одати бор эди; маизараииигулуғвор гўзаллиги эса уиинг дилини яйратиб, дуне *г* ам-гуссаларига хиел беиарво қилиб қўярди. Йигит тун қороиғисида, осуда сукуиат ичра сергак тортиш ва полиция айғоқчиларини едида сақлаш з'арурати бўлмагаи қоя устида танҳо ўтирар экап, кўзларига дилни зиркиратадиган еқимли еш қалқиганини ҳис этди ва кутилмаганда ўз ҳаетидаги энг бахтиер дамларни эсз

Фабрицио герцогиняга ҳеч қачон елғон гапирмасликка аҳд қилди ва шу дак.иқада уни тобиииш даражасида севигаини ҳис этар экап, хоиимга ҳеч қачои сввгиси тўғрисида гапирмасликка, Ҳузурида «севги» с^^зини оғизга олмасликка қасам йчди, зеро, •глар эҳтирос дея атайдигап туйғу унинг қалбига ед эди. Йигит шу дақик,ада, дилини ссуда ҳаловатга тўлдириб турган саховатли ва эзгу туйғулар таъсирида, урни келиб қолган заҳоти герцогиняга ўзининг севиш кобялиятидаи маҳрум эканлиги ҳақидаги бор ҳақиқатни айтмог^ка қарор қилди. Аиа шу мардона қарордан кейин у ўзини елкасидан тоғ кулагандек енгил сезди. «Балким герцогиня Мариетта тўғрисида гапириб қолар? Начора, жажжи Мариетта билан бошца учрагамайман қўяман»,— дея қувноқлик билан и юпатди Фабрицио. /

Купи бўйи ҳаво иихоятда дим бўлганди, азонга яқип салцин тупшб, муздаккина итаббада эса бошлади. Комо кўлининг шимол ва тарц томопида Альп тоғииинг кўкка мағрур бўй чўзиб турган учли чўдқилари тонг шафағида аста қизара бошлади. Ҳатто июнь ойида ҳам қор қоплаб турадиган мазкур ҳайбатли чўққилар бу ерларда доим мусаффо бўладиган ложувард осмон тархида яқдол кўриниб турарди. Альп тоғининг жануб томон, жаннат макон Италия сари чўзилган тизмаларидан бири Комони Гарда кўлидан аяфатиб турарди. Фабрицио бу баҳайбат тоғларнинг барча > ўркачларига кўз югуртириб чиқди; еришиб келаетган тонг шуъласи бу ўркачлар орасидаги водийларни еритиб, даралардан кўтарилаетган енгил ҳовур кўксига ниш ура бошлаганди.

Фабрицио бир оз вақт йўлдан юриб борди; у Дурини ярим оролини ташкил этган тепаликни айланиб ўтган эди, ниҳоят, кўз ўпгида ўзи аббат Бланес билан кўп маротаба юлдузларни кузатиб ўтирган Гриапта кўпғироцхонаси намоен бўлди. «Ўзим ҳам ғирт нодон эдим ўшанда,— дея хаелидан ўтказди йигит.— Ҳатто устозим варақлаб ўтирадиган ўша илми нужумга доир рисолалардаги кулгили лотин тилини ҳам тушунмас эканман. Мен, сирасини айтганда, унинг фақат айрим сўзларинигина тушунганим ва ўзимча бу сўзларни жуда романтик маънода тасаввур қилгапим учун ҳам ўша рисолага эҳтиром билан қарардим».

Аста-секин Фабрициoнинг хаели бошқа мавзуга кўчди. «Хўш, ўша илмда бирон ҳақиқат борми узи? Бошқа илмлардап нимаси билан фард қилади у? Мана, масалан, аҳмоқ ва учар одамлардан бир нечтаси биз *Мексика* тилини биламиз, дея тил бириктириб олишади; бу уларнииг обрў-эътибориии оширади, жамият уларни ҳурмат қилади, ҳукумат эса пул тўлайди. Бу одамларни худди ана шу аҳмоқ бўлганлари ва улар халқларни ғалаенга чорлаб, оташин, олижаноб сўзлар билан руҳлаптириб юбориши мумкинлигидан чўчимагани учун ҳам ҳокимият уларни кўтар-кўтар қилади. Мисол учун ҳазрат Барини олайлик: қандайдир юнонча қасиданинг ўн тўққизта шеърини қайта тиклагани учун Эрнесто IV яқинда унга тўрт минг фрапклик пенсия тайинлаб, ўзининг энг катта ордени билан мукофотлади!..

Е' алҳазар! Бундай тартиботни бемаъни деб аташга ҳаққим борми ўзи? Келиб-келиб мен полишим керакми ҳали?— дея ўйлади у бирдан тўхтаб.— Неаполдаги устозимни ҳам худди шуп< дай орден билан мукофотлашди-ку ахир». Фабрицио ўзини жуда ўнғайсиз сеза бошлади; боядан бери қалбида жўш уриб келаетган эзгу туйғулар ўрнипи ўлжасини олган ўғрининг қабиҳ мампунияти эгаллади. «Хўш, шундай бўлса нима қилибди?» — деди у ниҳоят ўзига ўзи, зеро йигит шу тобда ўзидан норози эди.— Ҳамонки таг-зотим менга ана шу суиистеъмол қилиш ҳуқуқипи берар экан, ўз улушимпи олмаслик ғирт аҳмоқлик бўлур эди. Лекин у ҳолда буни ошкора фош қилишимга бало борми». Бу мулоҳазалар анчайин ўринли эди, лекин бир соат илгари Фабрициoнинг қалбига ҳаловат бағишлаб турган бахтиерлик туйғуси бир зумда сўнди қолди. Имтиезлар ҳақидаги фикр бахт дея аталмиш ўша нозик ниҳолнинг илдизини қуритиб қўйганди.

«Агар илми вужумга ишониб бўлмаса,— дея ўйларди у Зқимсиз хаеллардаи ўзини чалғитиш учун,— агар бу фап математикага дахлсиз фанларнинг тўртдан уч қисми кабп шупчаки дили завада тўла тентаклар билан ўзлари хизмат қиладигап ҳукамолардаи пул олиб турувчи учар муттаҳамларшшг ихтпроси бўлса, у ҳолда нега мен нуқул бир мудҳиш аломат тўғрисида ҳаяжонланиб ўйлайвераман? Ахир мен бир вақтлар Б. қамоқхонасидан мутлақо адолатли авахта қилинган солдатшгнг кийимини кийиб, унинг сафар гувоҳномаси билан чиқиб кетган эдимДа».

Бироқ шу ерга келганда Фабрициoнинг мулоҳазалари боши берк кўчага кириб қоларди,— у юз карра ғовга дуч келса ҳам, лекин уни енгиб ўта олмагапди. Фабрицио ҳали жуда ғўр эди: бекорчи пайтларда унинг қалби хаелан дарров ўйлаб топилган романтик вазиятлар таассуротини бажонидил ўзига сингдириб оларди. У ҳаетий воқеаларнинг асл моҳиятини сабр-тоқат билан англаб етишни ва шу йўсинда уларнипг сабабини тушуниб олишни мутлақо билмасди. Воқелик ҳали йигитга қабиҳ ва ифлос бўлиб кўрииарди. Ҳамма ҳам воқеликка диққат билан разм солмоқни ектиравермаслигини тушуиаман, лекин у ҳолда воқелик тўғрисида мулоҳаза ҳам қилмаслик керак. Айниқса у билан ўз нодонлигингни далил келтириб баҳслашмаслик лозим.

Анчайин ақлли йигит бўлмиш Фабрицио ҳам ҳар қалай аломатларга чала-ярим ишоииш ўзи учун эътиқод, ҳает бўсагасида олйнган кучли таассурот эканини тушунмасди. Ана шу эътиқод ҳақида эсламоқ унинг учун ҳис этмоқ, бахтли бўлмоқ демак эди. Щу боисдан ҳам Фабрицио ўжарлик билан бу аломатларни илмға, масалан; геометрияга ўхшаш *далилу исботли* илмга айлантириш мумкипмикин, деган масалани ҳал этишга уринарди. У ўзи сезган «аломатлар»дан сўнг гўе улар башорат этган бахтли еки бахтсиз ҳодисалар содир бўлмаган пайтларини хотирасида сидқидил тиклашга ҳаракат қиларди. Бироқ йигит мантиқан фикр юритяпмап ва ҳақиқатнинг тагига етишга интиляпмап дея ўйлар экап, гўе" ўша «аломатлар» башорат қилгап бахтли еки бахтсиз ҳодисаларнинг тўғри чиққан найти ҳақидаги хотираларни миясида қувонч билан тикларди ва бундан дили яйраб кетарди. У аломатларга ишончсизлик билдирган ва айииқса улар тўғрисида кинояли гапирган одамни қаттиқ емон кўриб қолган бўларди.

Фабрицио ночор мулоҳазаларига шу қадар берилиб кетдики, ҳатто қанча йўл юрганини ҳам билмай қолди. Бир маҳал бошиии кўтариб қараса, отасининг боғини қуршаган девор олдига келиб қолибди. Баландлиги қирқ фут келадиган бу девор йўлн«нг ўнг томоиида бўй чўзган эди. Тепадаги панжарага пойдевордек қилиб йўнилган тош пирамон уни янада улугвор кўрсатади. «Дуруст,— деди ўзига ўзи совуцкина қилиб Фабрицио.— Чиройли архитектура, деярли румо услубида ишлапган. (Бу ўриида у антик давр маданияти ҳақидаги яқиида орттирган билимиии қўллади.) Сўнгра шу заҳота яшрканиб тескари қар?;и.: у отасининг қаттиққўллиги, эпг муҳими эса, ўзипипг Франциядан қайтиши арафасида акаси Асканьоииг чақувини аслагавди.

«Менинг ҳозирги ҳаетим акамниг ўша ғайритабиий чақуни туфайли бошланди; мен Аскаиводан кафратланишим, жиркапишим мумкип, лекин менинг тақдиримни худди ўша ўзгартириб юборди. Мени бадарға қилишган Иоваррада отамшгаг бошқарувчиси менга энсаси қотиб муомала қиларди, агар аммампинг жазмани кудратли министр бўлмагакида ва агар аммампинг ўзи меҳрибон, оташқалб эмас, бағритош ва пасткаш асл бўлганида, агар у мени ақл бовар қилмайдиган даражада яхши кўрмагапида аҳволим не кечарди ахир? Ҳа, герцогиняпинг ҳам қалби акам билан маркиз дель Донгоникига ўхшаган бўлганида додамии книга айтардим?»

Оғир хотиралардан юраги эзилган Фабрицио энди бўшашиброқ қадам ташларди; ниҳоят, у қасрнинг ажойиб пштоқи олдидагп хандақ спига етиб борди. Бироқ Фабрицио вақт қорайтирган бу улкан иморатга аранғ кўз қириии . ташлади холос. У қадимги меъморчиликкипг бу олижакоб обидасига лоқайд қарардп,— отаси билан акаси ҳақидаги хотиралар шу тобда упипғ қалбини ҳар қандай гўзалликка бефарқ қилиб қўйганди. Ҳозир унинг бутун диққат-эътибори бу муиофиқ ва хавфли душманлар яқшшда сергак бўлиш лозимлигига қаратилгаиди. Тўғри, Фабрицио ошкора нафрат билан тўртинчп қаватдаги бир деразага — ўзи 1815 йплга қадар бир печа йил истиқомат қилган хонашшг деразасига бир дақиқа тикилиб турди. Отасининг феъли болалик хотиротларининг бутун гўзаллигини йўққа чиқарганди. «Мен хонамдан еттинчи март куни кечқурун соат саккизда чиқиб кетгаидим. Ўшанда паспортипи сўраб слиш учун Вазишшг уйига бордим, эртасига эса жосусларнинг қўлига тушиб қолигадан қўрқиб шошилинч жўнаб кетдим. Франциядан қайтгач, бу ерга келганимда, хонамга кира олмадкм — лоақал гравюраларкмга бир назар ташлаб чиқардим-ку. Ҳаммаси акагипамимиг ўша чақуви касофати деб бўлди».

Фабрицио сесканиб тескари қаради. «Аббат Блапес саксон уч ешни у риб қўйган,— дея маъюсгина хаелидан ўтказди у.— Синглимнинг а.йтишича, қария қасрга деярли келмай қўйгапмиш: кексалик дардлари унинг қаддини букиб қўйибди. Аббатнинг танти ва олижаноб қалби еш ўтиши билан сўниб қолибди. Ўзи ҳам қўнғироқхонага анчадан бери чиқмай қўйгап бўлса керак. Мен унинг ертўласига тушиб, чан еки узум эзадигап искашка ортйга яширинаман-да, чолиинг уйғонишини кутиб ўтираман. Боякишнинг уйқусини бузмаганим маъқул. У, чамаси, менинг афт-ангоримни унутиб ҳам юборган бўлиши мумкип. Олти йил-а! Кекса одам учун бу анчагина муҳлат! Мен эски дўстимшшг фақат соясииигина курсам керак. Ғирт болалик қиляпмаи ўзиям: отамнинг қасри дилимда шу қадар нафрат уйғотса-ю, бу ерга келиб ўтирсам-а!»

Фабрицио черков олдидаги майдончага чиқди. У бопгани кўтариб юқори қаради-ю, кўҳиа қўнғироқхонанинг учинчи қаватидаги камбаргина баланд дераза ҳазрат Блаиеснинг фояусидан еришиб турганиии кўриб, кўзларига ишонмай қолди. Чол узи расадхона сифатида фойдаланувчи тахта каталакка кўтарилар экан, одатда шуъласи планисферани кузатишига хадал бермасЛиги учуп фопусни дераза рафига қўярди. Бу юлдузли осмон харитаси қаср олдидаги бир вақтлар апельсин дарахти ўсган катта хумнинг оғзига тортилган зди. Хумнинг тагидаги туйнукка жинчироқ еқиб қўйилар, унинг дуди ингичка тунука найчадан чиқиб кетарди. Найчашшг сояси харитада шимол томонии кўрсатиб турарди. Ана шу ғарибона мосламалар ҳақидаги хотиралар Фабрициоииг қалбини ҳаяжоп ва бахтиерлик туйғусига тўлдириб юборди.

У деярли беихтиер равишда кафтларини оғзига қўйиб, секипгина қисқа-қисқа хуштак чалди. Фабрицио одатда у қўнғироқхонага киритишларини сўраб, шу зайлда ишора киларди. Шу заҳоти йигит расадхона минорасидаи эшикпи қулфлаб турган лўкидонни кўтариш учун бир неча бор арқон тортишгапини зшитди. Фабрицио ҳаяжоннинг зўридан ҳугаини йўкртгувдек бўлиб, югурганича зинадан тепага кўтарилди. Аббат ўзипинг одатдаги жойида еғоч креслода бир кузини қисганича девор квадранти* га ўрнатиқли устурлобга тикилиб ўтирарди. У чан қўли билан Фабрициога, кузатувимни бўлмай тур, дегандек ишора қилди-да, бир дақиқадан сўнг картага аллақандай рақамни езиб қўйди. Сўнгра креслода ўтирган қўйи ўгирилиб, қучоғини очди, қаҳрамошшиз кўзидан дув-дув еш тўкиб қариянинг қучоғига отилди. Аббат Бланос йкгит учун ҳақиқий ота бўлиб қолганди.

— Меп сопи кутган эдим,— деди Бланес улар ҳаяжон билан ҳол-аҳвол сўрдшишгач.

Бу қанақаси бўлди? Аббат пайғамбар мунажжим ролини ўйнаяптими еки чиндан ҳам у Фабрицио тўғрисида кўп ўйлайверганидан илми пужумга оид бироита аломат бу учрашувдан белги бердим

— Мана меиинг ҳам куним битди,— деди аббат Бланес.

— Нега унақа дейсиз?— қўрқиб хитоб қилди Фабрицио.

- _ Ҳа-да, — деди аббат жиддий, лекин мутлакр ғамгинликдан хсли бор охангда.— Сен билан дийдор кўришдим, энди беш ярим еки олти ойдаи кейин иихоятда бахтиер кечган ҳаетшм Соте {асе аl тапсиг cЗеll аПтеп1о (МОЙИ тугаган қора чироқ япглиғ) сўнади. Қазойимга қадар, эҳтимол, бир еки икки ойни сукут сақлаб ўтказсам керак, аиа шундан кейин агар яратган эгам, бандам дорулфанодаги топширган вазифамни бажариб бўлди, дея ҳисобласа омоиатини топшираман қўяман.

Ҳорғинлик ва ҳаяжондан силланг қуриганга ўхшайди, кўзларинг гомилиб кетяпти. Сени кута бошлаганимдан буен асбоблар турадиган катта қутида нон билан бир шиша ароқ сақлаб келаман. Бир оз тамадди қилиб, куч йигиб ол: ҳали яна озроқ гапларимни эшитмоғинг керак. Сенга ҳали кўп гапларпи айтишим мумкин, фақат бунинг учун тун қороиғиси тарқаб, тонг отмаган бўлиши керак; мен ҳозир келажакни анча анид кўриб турибмап, эҳтймол эртага бундай аниқлик бўлмас. Ҳаммамиз ожизмиз, бўтагинам ва бу ожизликни доим назарда тутмоғимиз даркор. Бал ким эртага кекса одамнинг, ожиз бапданинг хаели ажали яқиплагааетгани билан банд бўлиб қолар, ахир кечқурун соат тўққизда сен билан биз видолашмоғимиз керак бўлади.

Фабрицио, одатдагидек индамай унга бўйин эгди.

•— Шундай цилиб,— дея гап бошлади чол,— сен Ватерлоо томонга кетаетганингда аввал қамок.қа тушганинг ростми?

— Ҳа, падари бузрук,— ажабланиб жавоб қайтарди Фабрицио.

— Унда бағоят бахтли экаисаи, зеро энди сен менинг башо•ратим билан огоҳ бўласан, руҳинг эса анча даҳшатлироқ ва қаҳри қаттикрок. бўлган бошқа зиндонга ҳозирлик кўриб қўяди. Чамаси, сен ундан фадат Нчиноят ердамида чиқсапг керак. Лекип, худонипг марҳамати билан ўша жиноятни қилмайсан. Шайтоп данчалик йўлдан оздирмасин, ҳеч қачон жиноят цилма. Наз'аримда, ўзи ҳам билмай туриб сенинг ҳуқукларингии ўзлаштириб олган бир гуноҳсиз одамни ўлдирмоққа к.асд қиладилар. Агар кучли васвасани енгиб, гарчи бу иш номусипгии ҳимояси билан оқланиб кетаетгапдек кўринса-да, қотиллик дилмасанг, хаетинг одамлар кўзида ниҳоятда бахтли бўлгай... Донишманд кўзи билан қараганда ҳам шундай бўлади албатта,— дея қўшимча қилди у бир зум ўйланиб тургач.—Сен бўтам, худди менга ўхшаб, еғоч креслода ўтирган қўйи, ҳар дапдай ҳашамдан йирокда ва ундан юз ўтириб жон таслим этасап, худди менга ўхшаб, дилингда оғир гуноҳ юки бўлмайди.

Сенинг келажагинг ҳақидаги гапларимни гапириб бўлдим, бошқа биропта муҳимроқ парса айта олмайман. Дамокда қанча ўтирасан ярим йилми, бир йилми еки ўн йилми — шуни кўришга уриииб бекорга овора бўлдим. Ҳеч нимани аниқлай олмадим. Эҳтимол, қапдайдир хатога йўл қўйгандирману фалак мени машъум тараддуд ила жазоламоқни жоиз кўргандур. Мен фақат қамокдан сўнг еки, балким, худди у ердан чиқиб келаетганингда ҳозир ўзим жиноят деб атаган воқеапи содир бўлажагинл кўрдим,— хайрият, бу жиноятни сен қилмас экаисан. Бунга ишончим комил. Бироқ сен бапдаи ожизлигингга. бориб, ўша жиноятда иштирок этсанг, менинг барча~~ҳисоби нуя?умларим — хатоларнинг узун силсиласи бўлиб чиқади холос. У ҳолда сен оқ кийинкб, руҳиинг осойипгталикка эришган ҳолда еғоч креслода ўтириб я^он таслим этмайсан.

Аббат Бланес шу сўзларни айтгач, ўрнидап турмоқчи бўлди, ана шунда Фабрицио қарияшшг қанчалар муикайиб қолганипи пайқади: чолиинг оеққа туриб, Фабрицио • томон ўгирилгунига қадар деярли бир дақиқа вақт ўтди. Фабрицио эса унинг қўлтигидан олишга я«уръат этмасдан индамай, қотиб турарди. Аббат уни

самимий меҳр билан бағрига босиб, бир печа бор пешонасидан ўпди. Сўвгра бир вақтлардагидек қувноқлик билап деди:

— Менинг асбобларим орасида ўзингга яхшилаб жой еалгин-да, бир оз етиб ухла. Анави пўстинларимни ола қол; пўстпнларим бир нечта, ҳаммаси қимматбаҳо пўстинлар,— герцогиня Сансеверина уларни менга тўрт йил муқаддам юборган эди. У сенинг келажагинг ҳақида гороскоп — қуръа тузиб беришии илтимос қилганди, мен унга қуръани жўнатмадим, совға пўстинлариии эса олиб қолдим. Келажак ҳақидаги хар қандай башорат хавфли мудохаладир, у башорат қилинган воқеаларни ўзгартириб юбориши мумкин, шуида бу илми-нужум бутунлай пучга чиқади; боз устига, герцогиня жуда дилрабо аел, менинг қуръам эса унинг дилини қаттиқ сиеҳ қилган бўларди. Ҳа, дарвоқе, уйқунгда чўчиб юрма яна: соат еттида топгги ибодатга чорлаб, нақ тепангда жом чалинади. Сал кейинроқ эса, пастки қағатда катта жом бонг уради, унинг даранг-дурингидан бу ердаги барча асбобларим шақирлаб кетади. Бугун жангчи ва фидойи авлие Джиовита байрами. Ўзинг биласан-ку, бизнинг Грианта қишлоғимиз билан катта шаҳар Брешиянинг ҳомийси битта, кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, менинг равеяналик машхур устозим Джакопо Марини шу туфайли кулгили бир хатога йўл қўйган. Бир неча бор у менга руҳонийлик соҳасида катта муваффақиятларга эрингасан, дея башорат қилганди. Устозим, сен катта шаҳар Брешиядаги ажойиб Джиовита черковишгаг нозири бўласан деб ишонтирганди, мен бўлсам бутун умримни бор-йўги етти юз элликта хонадонли Гриантада қавм руҳонийси бўлиб ўтказдим. Цайтанга яхши бўлди! Бундан тўққиз йил муқаддам, агар Брешиядаги ибодатхонанинг нозири >бўлганимда Моравия тепаликларидан бирида жойлашган Шпильберг қамоқхонасида жафо чекишим мумкинлигини билиб олдим. Эртага мен билан тантанали мессада ибодат қилмоқ учун чор-атрофдан йиғилиб келган барча руҳонийларга зиефат бераман. Сенга ана ўша дастурхондан энг сара ноз-неъматлардан чегириб, пастга келтириб - қўяман, лекин сен у ерда мен билан кўришмоқ.ни хаелингга ҳам келтирма,— фақат мен чиқиб кетганимпи эшитганингдан кейингина ўша неъматларни олиб чиқ. Мен билан кундуз куни куришмаслигинг керак, кейин бу ердан соат тўққиздан ошганида, аммо ўнга занг урмасдан олдин чиқиб кетмогинг даркор. Эртага қуеш еттидан йигирма етти мииут ўтганда ботади, мен фақат соат саккизга яқии келаман-да, сени багримга босиб, видолашаман. Эҳтиет бўл! Жомхопа деразасида сени кўриб қолишмаса бўлгани ишқилиб! Жандармларга сенинг белгиларингни айтиб қўйишган, уларга ашаддий золим — акагинанг раҳнамолик қилади. Маркпз дель Донгонинг' анча мазаси қочиб қолган,— дея қўшимча қилди Бланес маъюс бир оҳангда,— агар у сен билан нинҳона уч;тлнганида, эҳтимол, дўлингга озгина пул-мул берган бўлармии;• *ж.* Лекин елгон аралашган хайр-саховатни қабул қилмоқ сендек Г.игитга асло ярашмайди, зеро, бир кун келиб, сен фақат соф



виждонинг ила қудратга эршнадурсап. Маркиз уз ўғли Лскапьони емон кўради, бироқ ушшг бепт еки олта мпллион фрапкдан иборат бойлиги худди ўша ўғлига мерос қолади. Адолат шупи тақопо этади. Сепга бўлса отаптиинг ўлимидан кейин тўрт минг франклик пепсияю хизматкорларингга мотам либоси тиктириш уч5'и эллик чўзйм қора мсвут тегади.

## *Тўққизннчи* боб

Чолнипг гаплари, уларга диққат билан қулоқ солиш ва қаттиқ ҳорғинлик Фабрициoнинг асабларини қўзитиб юборди; анчага довур унинг уйқуси келмасди, кўзи илинганидан кейин эса, эҳтимол, келажагидан белги берувчи алаҳ-жалаҳ тушлар кўра " бошлади. Эрталаб соат ўнда у бутун қўнғироқхопани тутвб кетган, лекин ташқаридан эшитилаетгандек туюлувчп даҳшатли даранг-дурунгдан уйғопиб кетди. Фабрициога уйқу аралаш қиематқойим бошдангандек туюлди, кейин у қамоқхоғз.га тушиб қолдимми деган хаелга ҳам борди; йигит бу шаҳиди аъло Джиовита шарафига чалинаетган катта қўнғироқпипг бонги экаплигипи дарҳол тушунолмай қолганди; қирқ нафар деҳқон қўпғироқиипг тилини арқон билан тортиб тебратмоқда эди. Ҳолбуки бу ишпи ўн киши ҳам бемалол зпласа бўларди.

Фабрицио теварак-атрофни кузатишга қулай, чет кўзлардан пана бир жойни топди. Бундай баландликдан унга барча боғроғлар ва ҳатто отасининг қасридаги ичкари ҳовли ҳам яққол кўриниб турарди. Йигит отасини мутлақо унутиб қўйгап экан. Бироқ бу одамиинг умри тугаетгани ҳақидаги фикр унинг фарзапдлик туйғуларини ўзгартириб юборди. Фабрицио емакхопа олдидаги катта айвонда нон ушоқларини чўқиб юрган чумчуқларга қадар яққол курди. «Бир вақтлар мен қўлга ўргатган чумчуқлариинг авлоди бўлса керак»,— дея хаелидан ўтказди у. Цасрдагғ барча айвонлар қатори бу айвонга ҳам катта-кичик мўндиларга экилган апельсин кўчатлари қўйиб ташлаптанди. Бу маизарадан кўнгли юмшаган йигитга тархи яққол жимир-?кимир соялар ва еркин қуеш шуълалари еритган ҳовли жуда улуғвор кўриниб кетди.

Фабрицио яна отасининг мупкиллаб қолганини эслади. «Бу жуда ғалати бўлди-ку!—дея ўйларди у.—Отам мендан ўттиз беш еш катта, ўттиз бешу йигирма уч — демак у эндигина эллик саккиз ешга кирибди!» Фабрицио уни ҳеч қачон яхши кўрмагал ўша қаттиққўл одамнииг етоқхоиаси деразаларига тикилди кўзларидан еш чиқиб кетди. Шу пайт бирдан сесканкб тушди-ю, эти жимирлаша бошлади,— назарнда отаси етоқхона эшигидап чиқиб, апельсин кўчатлари қўйиб ташлаиган айвондан юриб келаетгандек туюлди. Йўқ, бу камердинер экан. Мана, пастда, қўиғироқхона енида оқ қўйлакли бнр талай қизлар тўп-тўпга бўлиниб, черков маросими ўтажак кўчаларни ғ^изил, сариқ ва ҳаво-

ранг гуллар билап безай бошлагади. Сўнгра Фабриционипг двцдо тини уиинг дилига яқинроқ бошқа бир маязара ўзига жалб этди: қўнгироқхоиадан бир печа лье масофа-да кўлнинг иккала тармоғи яхши кўриниб турарди. Бу ажойиб манзара куп ўтмай уиинг қалбида зиг юксак туйғуларини уйғотиб, барча бўлак нарсаларни упутиб юборишга мажбур қилди. Йигитнинг ^дилида болалик хотиралари жонланди ва қўнгироқхона минорасида қамалиб ўтказган ана шу купи уиинг ҳаетидаги энг бахтли кунларидан бири бўлиб қолди.

Хушбахтлик тунгуси Фабрициони ўз табиатига хос бўлмаган юксак фикрлар чўққисига кўтариб қўйди; у иавкнрон йигитлик пайтида гўе умри тугаб қолган одамдек, ҳаетидаги бутун воқеаларии бирма-бир кўз ўнгидан ўтказмокда эди. «Шуни тап олишим керакки,— бир неча соат ана шундай ширин хаелларга берилиб ўтиргач, хулоса қилди у,— шуни тан олишим керакки, Пармага келганимдан буен мен бирон марта ҳам Неаполдаги Вомеро йўлларида арғумоқ елдириб еки Мизена соҳилларида сайр қилиб юрган пайтларимдагидек осуда, ҳеч қандай қайғу куланка ташламаган қувончни ҳис зтмадим. Баджаҳл сарой^аенлари орасидаги ўша чигал фитналар мени ҳам жаҳлдор қилиб қўйди... Аслида зса мен бировдан нафратланишпи емон кўраман, ҳатто, ўйлашимча, душманларим бўлган тақдирда ҳам, уларни хўрлашдан қувонмасам керак. Дарвоқе, душманимнинг ўзи ҳам йўқ... Шошма, шошма!..— бирдан сергак тортди у,— Жилетти-чи? Демак, душманим бор экан. Ғалати бўлди-ю!— хитоб қилди йигит ажабланиб.— Ўша тасқарани жойи ростопига жўнатиш истаги гўзал Мариеттага нисбатан дилимдаги мойилликка қараганда кучлироқ бўлиб чиқадиганга ўхшайди... Мариеттанинг Неаполда ўзим муҳаббат изҳор қилганимдан кейин севишим лозим бўлган ўша герцогиня д'А*** дан у қадар ортиқ жойи йўқ. Эй худойим, дилрабо герцогиня менга ииъом этадиган ўша узундан-узоқ висол оқшомларини нақадар зерикиб ўтказардим. Аммо Мариетта мени икки марта ўшанда ҳам икки дақиқагагина қабул қилган ва бир вақтнинг ўзида ошхона ҳам саналуьчи ноchоргииа хояада сира ҳам зериккаиим йўқ. Лекин, е парвардигор, боякишлариинг емишини бир кўрсангиз эди-я! Цараб туриб ачяииб кетади одам! У билан таттаaасига кунига учта бифштексдан иборат нафақа тайинласам бўларкан. Жонгинам Мариетта,— дея қўшимча қилди у,— боякиш қиз эътиборимни Парма саройи одат тусига киритган шум хаеллардан чалғитди.

Эҳтимол, герцогииянинг таъбири билан айтганда,^«қаҳвахона шинавандаси» ҳаетини таилаганимда яхшироқ бўлармиди,— янглишмасам, у шупдай қарорга келаетганди ҳам, хоним эса мендан анча ақллироқ ахир. Герцогинянинг саховати орқали еки ҳатто отам тайинлаган тўрт минг франклик пенсион билан онам Лион банкида менинг номимга қўйтаи ўша қирқ минг франкдан олинадиган даромадга мен доим салт отга ҳамда қазув шплари о.уиб бориш ва коллекция тузиш учун бир оз пулга зга бўлишим мум-



кип. Бу ишлар- мен учун доим қувопч манбаи бўлиб келгаи, зеро меп севиш қобилиятидан холи яратилган кўринаман. Умримнипг о^хирида эса Ватерлоо жанг майдонини бориб кўришим мумкин. Ўшанда, эҳтимол, мени отдан чаққон тортиб тушириб, ерга ўтқазиб қўйишгаи ўша ўтлоқни ҳам топиб олармаи. Ана ту зисратдан сўнг тез-тез шу ерга, дунедаги энг чиройли кўл соҳаллarига — ҳар қалай менга шупдай кўрннади — келиб турган бўлардим. Нега энди бахтпи йироқ-йироқлардан излашим керак экан? Ахир мана у, рўпарамда'туркбди-ку!

— Ҳа, айтмокчи!— дея ўзига ўзи эътироз билдиргандай хитоб қилди Фабрицио,— полиция мени Комо соҳилларидан кувгин қилган-ку... Бироқ мен таъқиб ишларига раҳбарлик қилувчи ўша одамлардан анча ешроқман. Бу ерда герцогиня д' А*** ни топа олмайман албатта,— қўшимча қилди у кулиб,— лекип эҳтимол, ҳозир кўчаларни гул билан безаган аиави иавкироп қизлардан бгфовтасини учратарман, чин сўзим, қайтанга упи кўпроқ севиб қолишим мумкин: ҳатто муҳаббатда ҳам риекорлик кўзимга балодек кўринади, бизшшг бойвучча хонимлар эса тамашюда жуда катта кетишади. Наполеон уларга маъпавиет ва барқа^юрлик идеалларини сингдириб кетди.

— Жин урсин! Жандармлар-ку!— дея хитоб қилди у ва ўзипи четга олди. Гарчи Фабрициога қўнгироқларни емгирдан пана қилувчи соябоннинг катта кўланкаси ту шиб турган бўлса-да, йигит биронта одам уни кўриб", таниб қолишидап кўркқб кетганди.— Парад мундири кийган жандармларшшг намойииш!

Чиндан ҳам қишлоқдаги катта кўчанинг охирпда ўнта жандарм кўринганди, улардаи тўрттаси унтер эди. Вахмистр жапдармларни черков маросими ўтадиган бутуи йўл бўйига юз қадам оралатиб биттадан қўйиб чиқди.

«Бу ерда^ мени ҳамма тапийди: агар кўриб қолишса, Комо соҳилидан тўгри Шпильбергга тушаман, апа шунда оеғимга икки юз қадоқли кишанлар уришади. Боякиш герцогиня: учуп катта * мусибат бўлади бу!..»

Фақат йкки-уч дақиқа кейингина Фабрицио, биринчидан, ўзинипг саксон фут баландликда тургаки, иккинчидан эса, ўзи турган жой нисбатан анча қоронги эканини фаҳмлади. Уни таниб қолиши мумкин бўлган одамларнииг кўзпга зса қуеш шуъла сочиб турарди. Бунинг устига улар авлне Джиовита байрами шарафига барча уйлар қайта оқланган кўчаларда аиграмиб сайр қилишарди. Ана шундай асосли далилларга қарамай, деразагд бир парча мато осиб, ўзини жапдармлардан пана қилиб қўймагунига қадар Фабрицонинг итальянча гумондор кўнгли барча бу қувончлардан лаззатланолмай турди.

Ҳийладан бери ҳамма екки қўнгироқнЕнг даранг-дурунги тутиб турарди: черковдан маросим қатиашчилари чиқиб келишарди; мортареттлар пақиллай бошлади. Фабрнцио ўгирилиб қарадию соҳилнипг туртиб чиққан жолида четлари панжарали майдончани курди. У болалигида мортареттлар оеги остида қан-

дай пакпллашипи томоша дашоц учун ўша пагокаралар устсгй тез-тез чиқиб турарди,— шу боисдан ҳам онаси байрам кунлари эрталаб Фабрициопи ўзидап бир қадам ҳам нари жилдирмасди.

Мортареттлар (яъни, митти мортиралар[1]) дегапи ярим қарич-ярпм қарич қилиб қирқилгап милтиқ стволппинг худди ўзгинаси экаплигини айтиб қўймоғимиз даркор. Бундай мортареттларни ясаш учун деҳқонлар 1796 йилдан бошлаб Европа сиесати Ломбарпя водийларига сахийлик билан сочиб ташлаган милтиқларии эринмай териб келишарди; апа шу ярим қаричлик кесмалардан икки юз-уч юзтасини нақ оғзигача порох тўлдиришарди-да, маросим ўтадигаи жойдап сал нарироққа, худди батальон солдатлари-дек, уч қатор қилиб ерга санчиб қўйишарди'ва уларнинг орасига ҳам порох сепиб чиқишарди. Маросим яқинлашиб қолганида апа шу порох сепикли йўлкага гугурт чақиб ташлашарди, апа пгунла ўта тартибсиз ва ниҳоятда кулгили олатасир пақ-пақ бошланкб кетарди; аеллар бундай завқли томошадан қаттиқ сархуш бўлишарди. Мортареттларнинг кўл узра узоқ-узоқларга таралзб, тўлқипларга урилганча аста тинадиган бу пақ-пукидан завқлироқ парсашшг ўзи бўлмаса керак. Болалигида қаҳрамопимизга жуда кўп эрмак бўлгап бу ўзига хос портлашлар боядан бери упинг миясини ғовлатиб турган ўта жиддий хаелларни тарқатиб юборди. У аббат Блапесшшг катта устурлобиии кўзига тутиб, маросимга қарагап эди, упда бораетган эркагу аелларнинг кўпчилигини тапиди. Фабрицио уйидан чиқиб кетганида эндигина ўн бир-ўн икки етада бўлган кўнгина қпзалоқлар ҳозирги кунда бўйи етган, ҳусни жамоли очилган позапин қизларга айланишганди; бу қизларни кўриб, қаҳрамопимизнипг мардлиги тутиб кетди ва ҳозир у ўша нозанинлар билап гаплашиш учун жандармлардан ҳам қўрқмаган бўларди.

Маросим сафи жомхона е'нидан ўтди-да, сўнг орқага қайтиб, черковнинг Фабрициога кўриимайдигап ен эшигидан ичкарига кириб кетди; кўп ўтмай кун исиб, ҳатто миноранинг қоқ тепасида ҳам ҳаво димика бошлади; маҳаллий аҳоли уй-уйига тарқаб, қипглоқ жим-жит бўлиб қолди. Кўл сатҳида соҳилларда жойлашган Беладжио, Менаджио ва ўзга қишлоқлардан келиб, энди уйларига қайтаетган меҳмонларнинг қайиқлари кўзга ташланди; Фабрищто эшкакларнинг шало'плаб сувга урилишини аниқ-тиниқ эшитиб турарди; йигит бу оддийгина овоздан барча ғам-ташвишлар, саройдаги мураккаб ҳаетпинг бутун тиғизликлариии унутиб, дили завққа тўлди. Дани энди ҳозир бепоен осмоп акс этиб турган ана шу осуда кўл бўйлаб қайиқда сайр дилса! Фабрицио пастда жомхонаиипг эшиги ғийқиллаб очилганини эшитиб қолди: аббат Бланеснипг кекса оқсочи Фабрицио учун турли поз-неъматлар солингаи катта сават кўтариб келганди. Фабрицио пастга тушиб у билан гаплашишдан ўзини аранг тийиб қолди. «Ахир у мени деярли аббат Бланесдек яхши кўради,— дея ўйларди йигит,— меи бўлсам кечқурун соат тўққизда бу ердан чиқиб кетаман; у ҳаммаеини сир сақлашга қасам ичади, албатта, шундай экап, иаҳотки қасамиии бир кеча соат бузмай туролмаса?.. Йўқ, унга кўринмаслигим керак,— деди Фабрицио ўзига ўзи эътироз билдириб,— дўстим хафа бўлади, кейин у мени деб жандармларнинг сиқувига учраши мумкин». Шу боисдан Гита хола чиқиб кетгунига қадар Фабрицио ипдамай тепада тураверди. У мазза қилиб овқатланди-да, сўнгра бир оз мизғиб олиш учун нўстинга чўзилди ва шу ухлаганпча фақат кечқурун соат саккиз яримда уйғонди: аббат Бланес йигптнинг елкасидан тутиб силкитмокда эди; қороиғи тушиб бўлгаиди.

Бланес, афтидан, қатткқ чарчаганди ва худди яна эллик еш қариб қолгандек кўринарди. Чолнинг жиддий суҳбат куршпга мадори қолмаганди. У ўзининг еғоч креслосига ўтирди-да, Фабрициога қараб:

— Кел, бир бағримга босай сени,— деди.

Цария шогирдини бир неча бор бағрига босгач, шундай деди:

— Яқиида ажал узоқ умримга чек қўяди, бироц ўша ҳам мен учун манави айриликдек оғир бўлмайди. Мен Гита холангга бир ҳамен пул қолдираман, у тирикчиликка ўша пул дай ишлатиб туради. Лекии унга битта шарт қўяман: мабодо бир кув эмас, бир кун келиб ердам сўрагувдек бўлсаиг, у қолган ҳамма нулни сепга беради. Виламай, шундай буйруқдан кейин у сени деб вилита лоақал тўрт марта ҳам гўшт сотиб олмаслиги мумкии, агар ўзнг бу тўғрпда унга буйруқ бермасапг албатта. Валким, сой бир кун келиб муҳтож бўлиб қоларсан, ана шунда кекса дўстишшшг т\даДІ! куниигга ярайди. Акапгдан шафқатсизликдан бўлак ҳеч пима кутма, жамиятга фойдаси тегадиган иш билап пул тошгатга ҳаракат қил. Олдинда мислсиз, улкан довуллар кўтарилишиии сезиб турибман; эҳтимол, эллик йиллардан сўнг бекорчи одамларни уму*тш* чиқиштирмай қўйишар!.. Сен опанг билан аммангдан маҳрум бўлишинг мумкин, сингилларкнг эса эрларининг измида бўлишади... Ие, жўна, жўна! Югур — бирдан ҳаяжонга тушиб хитоб қилди Бланес жомхонадаги катта соатнинг ҳозир ўига бонг уришидан далолат бериб визиллай бошлаганини зшитгач; у Фабрициога ҳатто ўзини сўнгги марта қучоқлашга ҳам рухсат бермади.

— Илдам бўл! Югур!—дея қичқирди у.—Зинапоядан тушгупингча ўзи бир дақиқа ўтади. Эҳтиет бўл, йиқилиб тун!ма,— хосияти йўқ йиқилишнинг.

Фабрицио зинапоядан елиб тушди-да, майдоп бўйлаб югуриб кетди. У отасиииnг қасри енига етиб борган заҳоти соат ўига бонг ура бошлади. Соатиинг ҳар бир боиги унинг юрагида қаттиқ ҳаяжон туғдирарди. Йигит тўхтади, чупки бир оз ўйлаб кўрмоқчи,— тўғрироги, гарчи кеча у тўғрида аича нохуш ўйлагаи бўлса-да, ҳозир улуғвор кўриниши дилида шавқ-завқ уйғотаетгаи қасрни томоша қилиб, бахра олмокчи эди. Бирдан эркак китпиииг қадам товуши ушгаг хаелларини бузиб юборди; Фабрицио ўгирилиб қараб, нарироқдаги тўртта ж^идармга кўзи тушди. Унинг икккта ажойғб т'"пиончаси бўлиб, йигит уларни тушлик маҳа:-м І,;л'па

[1] Мортира — ўқни тиккалаб отадиган калта стволли тўп. *(тарж.)*

\

ўклаб олганди; Фабрицпо иккала тўпиончапинг тенкисипи кўтариб қўйган эди, чиқиллаган овоз эшитилди; тепкининг бундай чиқиллаши жаидармлардан бирининг диққатини жалб этди ва у қаҳрамошшизни қамоққа олмоқчи бўлди-. Фабрицио ўзига қандай хавф қутқу солаеттанини англади-ю, биринчи бўлиб ўзи ўқ узишга қарор қилди; унинг шундай қилишга ҳаққи бор эди, ахир йигит яхщи қуролланган тўрт нафар жандармга қаршилик кўрсата олмасди-да. йигитнинг бахтига, жандармлар қовоқхоналарни айланиб, маст-аласт маишатбозларии қувиб чиқаришаетган ва ишратхопа эгалари қуйиб берган ароқни ичиб олишган экан; улар ўз вазифаларини бажаришга шошилишмасди. Фабрицио қочиб қолди. Жандармлар: «Тўхта! Ушла упи!»—дея қичқиришганича уни бир оз қувган бўлишди. Кейин яна ҳаммаеқ жимиб қолди. Фабрицио уч юз қадамча югургач, нафасини роетлаш учуй тўхтади. «Тепкиларнинг чиқиллаши мени ҳалок қилишига сал қолди. Герцогиня, ҳойнаҳой, сен ўн йилдан кейин содир бўладиган воқеаларни фараз қилишни яхши кўрасану, лекин шундоқ рўпарангда бўлаетган воқеаларпи кўрмайсан деса керак (агар мен унинг шаҳло кўзлариии куриш шарафига муяссар бўлсам албатта)».

Фабрицио ҳозир ўзи халос бўлган хавфни эслаб, бир сескапиб тушди; у қадашгаи тезлатди, кейин ўзини тутиб туролмай югуриб кетди. Йигитнинг бу иши оқилликка унчалик тўгри келмасди, зеро уйга қайтиб келаетган деҳқонларнинг эътиборини ўзига жалб этарди. Лекин у барибир Грилнтадан бир льеча узоқлашиб, тоғ енбағрига етиб борганидан кейингина тўхтади. У Шпильбергни эслаган эди, ҳатто шу ерда ҳам пешонасини совуқ тер қоплади.

— Роса кўрқиб кетдимми ўзи ҳам!-—деди у товушини чиқариб ва ўз оғзидан чиққан бу сўзларни эшитгач, деярли уялиб кетди. «Лекип Жина менга, сен ўз гуноҳларингни кечиришни ўрганмоғинг керак, деган эди-ку ахир. Мен бўлсам доим ўзимни камолот чўққисига кўтарилган қандайдир афсонавий бир зот билан таққослаб юраман. Нимаям дердим, бу қўрқувпи кечирмогим керак; ҳар қалай ўзимни ҳимоя қилмоққа тайер эдим, агар ўша жандармлар мени қамоққа олиб бориш учуй қатъийроқ ҳаракат қилишганида, тўрттовидан ҳаммасиям омон қолавермасди. Хўш, энди нима қиляпман?— яна ўзидан ўзи сўради йигит.— Буписи энди ҳарбий қоидаларга сира тўгри келмайди. Мен ўз вазифамни бажардим ва чамаси душман қароргоҳида тўс-тўполон кўтарилишига сабабчи бўлдим, лекип, зудлик билан *қочиб* цолиш ўрнига қадрдон аббат Бланеснинг барча башоратларидан ҳам бемаънироқ_ хомхаелларни эрмаК қилиб ўтирибман».

Фабрицио чиндан ҳам энг қисқа йўлдан юриб, қайиғи кутиб турган Лаго-Маджоре соҳилига чиқиш ўрнига ўз дарахтини кўриб кетиш учуй айлана, олис йўлдан кетди. Китобхон, ҳойнаҳой, ФабрициОнинг онаси бўндан йигирма уч йил му^аддам ўтқазган каштан дарахтини қанчалар яхши кўришйни эсласа керак. «Валким акам дарахтимни кесиб ташлашни буюргандир, унинг қўлидан келади бу иш. Йўқ, бундай одамлар позик ҳис-туйғулардан



вирок, бўлишади, бундай қилишни у хаблига ҳам келтирмагаи бўлса керак. Даврок,е, кесдириб ташлаган тақдирда ҳам бу емоялик аломати. бўлмайди!» дея- қўшимча қилди йигит қатъият билан.

Икки соатдан сўнг у ецимсиз бир мапзарани кўриб, дили хира бўлди: ягаинми, шўх болалармм §ш кагатапнинг катта шохларидан бирини синдириб кетибди. Ўша шох осилгатг қўйи қуриб қолибдй.

Фабрицио хапжари билан шохпи кесиб ташлади-да, дарахт тапасига сув кирмасии учун синган жойини текис йўниб цўйди. Тонг отишига яқин қолганди, вакт ғаиимат бўлишига қарамай, йигит севимли дарахтининг тагини юмтпатиш билан овора бўлиб, яна бир соат вақтини ўша ерда ўтказдв, Телбалик билан бошлаган ана шу ишини тугатгач, у тез-тез одимлаб Лаго-Маджоре томон йўл олди. Умуман унинг кайфиятида маъюсликдаи асар ҳам йўқ эди — дарахти гуркираб ўсибди, бақувват шохлар чицарибди ва беш йил ичида деярли икки баравар баланд кўтарилибди. Шохнинг синиши ҳам унга катта зарар келтиролмабди. «Цирқиб ташлаганимдан кейин энди у дарахтга зарар етказолмайди, каштаним қайтанга чиройлироқ бўлади, зеро шох бутоқлари юқориродан бошланади».

Фабрицио тўрт-беш чақирим йўл юрмасданоқ шарқ томонда кўтарилиб келаетган қуепгаинг еркин шуълалари бу ерлардаги машҳур Резегонди Лек тог тизмасипинг ўткир чўққиларипи еритиб юборди. Цаҳрамоиимиз йўлида энди кўплаб деҳқонларга дуч кела бошлади, бироқ у жакгари хаелларга берилпш ўрнига Комо кўли атрофидаги гоҳ улуғвор, гоҳ юракни зиркпратадиган даражада хушманзара ўрмонларни завк, билан томогаа цилиб борарди. Чамаси, бутун дунеда бундан чиройлироқ маскаи бўлмаса керак. Шу билан мен бу ерлар бошқа машҳур сўлимгоҳларга иисбатаи швейцарияликларпинг таъбири билан айтганда, *цўшимча ацча* келтиради демоқчи змасмаи. Тўғри, Фабрициониинг бу аҳволда, Ломбардо-Венеция қироллигииинг жаноб жапдармлари диккатияи ўзига тортиш хавфи туғилиб турган бир пайтда бундай табиат манзараларидан баҳра олиб юриши ғирт болалик эди. «Чегарага Қадар яна икки чақиримдан мўлроқ йўл юриншм керак,— дея ўйлади у ниҳоят,— турган гап, йўлда эрталабки текширувга чиққан миршаб ва жандармларга дуч келаман. Эгнимдаги кийим-бошим нозик мовутдап тикилган, буни кўриб, уларпипг дилида шубҳа туғилади; мендап паспортимки суриштиришади, паспортимда эса кўрга ҳассадек қилиб исми-шарифим езиб қўйилган, қамоққа тушишим аниқ; шундай қилиб қаршимда одам ўлдириш зарурати кўндаланг бўляпти. Агар жандармлар ўз одатлари ўйича, бу ерда жуфт-жуфт бўлиб юришса, улардан бири келиб еқамдан олгунича ювошлик билан кутиб турнб, фақат шундан кейингина ўқ узолмайман-ку, мабодо у йиқила туриб, мени бир сонияга бўлса-да, тўхтатиб қолса, Шпильбергга қамалишим турган гап».

Бунинг устига Фабрицио биринчи бўлиб эҳтимол, поччаси граф Пьетранерапинг собиқ солдатига ўқ узиши мумкинлиги фик-

ридап дахтпатга тушди. У югурганича йўлдан четга чикди-да, баҳайбат каштан дарахтининг кавагига яширинди. У ерда йигит тўппончаларииинг оғзига яна порох солди ва бирдаи ўрмоп оралаб кимдир от мднганича ўша кезлари Ломбардияда жуда расм бўлгап Меркаданте* ариясини куйлаб келаетганипи эшитиб қолди.

«Яхши аломат»,— дея дилидан ўтказди Фабрицио. 'У завқланиб, қандайдир ихлос билан тинглаетган бу куй мулоҳазаларига аралашиб келаетган ғазабни юмшатиб юборди. У йўлнинг иккала томопини диққат билан кўздан кечирди, у ерда ҳеч ким кўринмади. «Ашулачи ўрмон оралаб ўтгап биронта сўқмоқдан келаетганга ўхшайди»,—дея ўйлади у. Қахрамопимиз шуни'хаелидап >тказган ҳам эдикн, йўлга бир суворий, инглиз тахлит анча озода кийипган еш бир малай чиқиб келди; жайдари от минган малай зотдор, лекин хиел озғиироқ бошқа бир отпипг жиловидаи тутиб келарди.

«Эҳ! Цапи эиди меп граф Москашшг, инсонга кутку солгап хавф-хатар доим унинг теварак-атрофидаги одамларга нисбатан бўлгап ҳақ-ҳуқуқииинг мезони бўлиб хизмат қилади деган фикрига қўшила олсам,— дея ўйларди Фабрицио.— Унда анави малайнинг қоқ пешонаспдан отардим-да, шартта зотдор отига миниб олардим, кейии дуиедаги барча жандармларига тупурардим... Пармага қайтиб боргач. дарҳол ўша одамга... еки унинг бевасига пул юборардим... Лекин бу даҳшатли иш бўларди!»

## Ўнинчи боб

Ўзига узи шундай насиҳат қилган Фабрицио Ломбардиядан Швейцарияга олиб борувчи катта йўлга сакраб тушди; бу ерда йўл ўрмоп сатҳидан тахминан бир одам бўйи пастроқдаги қияликдан ўтганди.

«Агар бу одам қўрқиб кетиб, отига қамчи босиб қолса,— дея ўйларди Фабрицио,— мен йўл у стид а қаққайгапимча қолаверамаи. Аҳмоқона аҳвол». Шу дақиқада у анави одамдан ўн қадамча берироқда эди, малай қўшиқ куйлашдан таққа тўхтади. Фабри
[нг кўзларидан қўрқиб кетгапитти пайқади. «Отининг жило
ни орқага буриб юбормаса гўрга эди...» Ҳали хеч қандай қарорга келмай туриб Ф б борди-да, чайир отпипг жиловига чаиг сол/

— Цулоқ солинг, дўстгинам,— деди у малайга қараб,— меи қандайдир қароқчи эмасман. Сизга йигирма франк пул бераман, лектш бунипг эвазига манави отингизни оламатт. Агар қочиб кетмасам, дирищади. Ортимдан ака-ука машҳур контрабандист Ривалар қувиб келишяпти, сиз уларни биласиз албатта. Ривалар мени сингилларининг хонасида кўриб қолишди; ўзимии деразадан ташлаб қочдим. Улар қўлларига милтиқларини олиб, итлари билан меии ўрмондан қидиришяпти. Ака-укалардан бири йўлни кесиб ўтганини кўриб қолдим-да, хув анави йўғон капгтапиипг кавагига яшириндим; лекин барибир изимга тушишади итлар. Меп отипгизга мииамап-да, Комо соҳилидан беш чақпримча нарига елиб кетамаи, сўнг Миланга бориб, вице-қиролпинг оеғига йидиламан. Агар отингизни меига ўз хоҳишингиз билан бериб турсангиз, уни почта бекатида сиз учун икки тилла цўнгиб қолдираман. Лекип хиел бўлса-да қаршилик кўрсатсангиз, сизни манави тўппончадан отиб ташлайман. Мабодо ортимдан жандармларни юборсангиз, императорнинг шталмейстери бўлмиш амакиваччам граф Алари сизнинг суякларингизни майда-майда цилишни буюради.

Фабрицио шундай бичиб-тўқиб, жуда мулойим оҳапгда гапирмоқда эди.

— Ҳа, айтгандай,— дея қўшимча қилди у кулиб,— мен исмимни яширмайман. Маркезино Асканьо дель Донго бўламан; бизиинг ер-мулкимиз Грианта бу ердан узоқ эмас. Хуллас шундай! — деди у овозини кўтариб,— отии берасизми йўқми?!

Саросимага тушиб қолган малай чурқ этиб оғиз очмади. Фабрицио тўипончани чап қўлига олди-да, малай қўйиб юборган жиловни ўнг қўли билан тутиб, шартта отга минди ва унинг сағрипига қамчи босди. Йигит уч юз қадамча йўл юргач, бирдан ўзи ваъда қилган йигирма франкни бермаганини эслаб, отпипг ?киловини тортди. Йўлда ҳамон унинг ортидан от қўйиб келаетган малайдап бўлак ҳеч ким кўринмасди. Фабрицио уни чақириб, даструмолипи силкитди. Малай эллик қадамча нарига келиб тўхтагач, йигит ерга бир ҳовуч кумуш танга ташлади ва йўлида давом этди. Кейии Фабрицио узоқдан малайиинг ердаги тангаларпи териб олаетгапини курди. «Чиндан ҳам жуда эҳтиеткор одам экаи!— дея қувиоқлик билан ўйлади Фабрицио.— Бир оғиз ҳам ортиқча сўз айтмади-я!»

Йигит жануб томонга от елдириб кетди, сўнг хилват жойдаги елғиз 0ир уйда тўхтаб дам олди-да, бир неча соатдан сўнг яна йўлга тушди. Кундуз соат иккида у Лаго-Маджоре соҳилига етиб олди; кўп ўтмай, кўлда сузиб юрган ўз қайиғини кўриб қолди. Йигит келишиб қўйгаиича сигнал берган 'эди, эшкакчи қайиқни соҳил енига ҳайдаб келди. Фабрицио атрофга аланглаб отпи топшириб кетишга биронта ҳам деҳқонии кўрмади. Шундан сўнг у от жониворни ўз ҳолига қўйиб юборди. Уч соатдан сўнг Фабрицио Бельджиратега етиб борди. Бу осуда оромгоҳда у дам олгани тўхтади; йигитииинг димоғи чоғ эди: мўлжаллаб қўйган ҳамма итилари ўнгидан келганди. Унинг бундай хурсандлигипинг асл сабабиии айтайликми сизга? Фабрициониг дарахти гуркираб ўсмоқда эди, кейии аббат Бланес билан бўлгап учрашув унинг кўнглини иихоятда яйратиб юборганди.

«Наҳот қария менга башорат қилган ўша ганлариинг ҳаммасига ўзи ҳам ишонса? Еки акагииам мени унга худосигаям, иблисигаям игаонмайдигап, ҳар қандай қабоҳатдан қайтмайдигаи бир якобинчи қилиб кўрсатдимикип? Бал ким шундан кейии чол меии фақат ўзимга чоҳ қазиган биронта аблаҳиинг бошипи у риб ериш васвасидан сақлаб қолмоқчи бўлгандир?» -

Эртасига Фабрицвго Пармага қайтиб борди-да, ўз оцати бўйича, бутуя саЗҳатииинг барча шшр-чикирларигача ҳикоя қилиб, гердогипя билан графин роса кулдирди.

Уйга кириб келганида Фабрицио Саясеверина саройидаги швейцар билан барча хизматкорлар мотам кийимида юришганини курди.

— Бошимизга биронта жудолик тушдими?— дея сўради у герцог ииядая.

— Номига менинг эрим бўлмиш ўша дилкаш одам куни кечагииа Баденда бандаликяи бажо келтирибди. У бошида келишиб қўйганимиздек, менга ана шу саройни мерос қолдирибди, аммо самимий дўстлик рамзи сифатида бунинг устига ўз бойлигидан яна уч юз минг франк қўшишни васият қилибди. Ана шу пул меня хижолатга солиб қўйди. Мен бу пуллардан унинг жияни маркиза Раверси фойдасига воз кечмоқчи эмасман, зеро бу хоним худонияг берган куни менга қарши бирор фитяа қилиб юради. Сен санъатдан хабардор одамсап, агар яхши бир ҳайкалтарош топиб берсанг, мен ана шу уч юз мингга герцог учун мақбара курдирардим.

Граф Раверси хоним ҳақида ҳар хял кулгили вокеаларки хякоя қила бошлади.

— Мен ҳар хил эзгу ишлар билан ўша хоимнинг кўнглини юмшатмоқчи бўлдим,— деди герцогиня.— Лекин бекорга овора бўлдим. Раҳматли герцогнинг барча жнянларига эса полковник еки генераллик унвонини олиб бердим. Улар бўлса раҳмат ўрнига ҳар ойда менга турли ифлос гапларни езиб, юмалоқ хат жўнатиб турпшибди. Шундай хааларни ўқиши учун ҳатто котиб еллашимга ҳам тўғри келдя.

— Фақат шу юмалоқ хатларшшг ўзи бўлса майли эди-я,— деди граф Моска,— Улар даста-даста қилиб разилона чақув ҳам юбориб туришади. Бу ифлос тўдани йигирма марта судга берипшм мумкин эди, ўзингиздан қолар гап йўқ, тақсири олам,— дея қўшимча қилди у Фабрициога қараб,— менпнг хожатбарор судьяларим ғинг демай уларни қамоққа хукм қилиб беришган бўларди.

— Ҳаммасини ана шу нарса бузади-да,— дея эътироз билдирди Фабрицио сарой аҳли учун жуда кулгили бир соддадиллик билан.— Агар улар виждонан ҳукм чиқаришганида яхширок бўларди.

— Офарин! Ҳамонки сиз ибратли саеҳатларга бориб турар экансиз, марҳамат қилиб мега шундай судьяларнинг адресний беринг. Щу бугунок уйқу олдидан уларга хат езиб юбораман.

— Агар министр бўлганимда судьялар орасида бундай ҳалол одамларнинг йўқлиги нафсониятимга теккая бўларди.

— Сиз, тақсири олам, французларии жуда яхши кўрасиз ва ҳатто бир вақтлар шахсан ўзингиз уларга ердам ҳам кўрсатгансиз; аммо сиз уларнинг бир ҳикматини унутиб қўйибсиз: «Иблисни ўлдир, акс ҳолда иблис сени ўлдиради» — дейишади французлар. Агар судьялар мен айблаган барча кишиларни оқлаб юборавери́шса, эрталабдан кечгача «Француз *революциясининг тарихини»* ўқиб ўтирадиган қизиққон одамларпи қандай бошқаришингизнн бир кўрсак .бўларди. Бундай судьялар учига чиққаи жиноятчиларни ҳам оқлаб юбориш даражасига етишарди-да, кейин ўзларини Брут*дан қолишадигап жойимиз йўқ дея ҳисоблай бошлашарди. Энди бир жиғингизга тегмоқчиман, айтииг-чи, ўзингиз Лаго-Маджоре соҳилида қўйиб. юборган ўша чайир от масаласида нозик виждоиииягиз сизни сира қийнамаяптими?

— Мен от эгасига отиинг йўқолгани ҳақида газеталарда эълои бериш ва уни қидиртириш билан боғлиқ бош'қа барча харажатларини тўлашга аҳд қилдим; деҳқонлар уни тутиб олган бўлишса керак, улар отни эгасига албатта қайтиб беришади. Мен Милан газетасини диққат билан ўқиб бораман ва турган гап, ўша отиинг йўқолгани ҳақидаги эълонга кўзим тушади, унинг белгиларини яхши биламан.

— *Маиави соддаликни царанг!*— деди граф Моска герцогипяга.— Айтинг-чи, тақсири олам,— давом этди сўнгра у кулиб,— агар сиз ўша тортиб олган отда елиб келаеттап пайтингиз жонивор қоқилиб йиқилса нима бўларди? Унда аҳволингиз не кечарди?.. Тўғри Шпильбергга бориб тушардингиз, қадрли жиянгипам, ана унда менинг бутун обрў-эътиборим сизнинг оеғингизга уриладиган кишанларнинг оғирлигини олтмиш қадоққа камайтиришга аранг етарди. Кишининг кўнгли яйрайдигап ўша жойда ўн икки йилча умрипгизни ўтказардингиз, оекларингиз, эҳтимол, шишиб, жонсизланиб қоларди ва уларни авайлаб кесиб ташлашга тўғри келарди...

— Вой, худо ҳақи, бас қилинг бу даҳшатли романингизни,—- дея хитоб қилди герцогиня кўзлари жиққа ешга тўлиб.— Ахир у қайтиб келди-ку...

— Цайтиб келганига мен ҳам сиздаи кам хурсанд бўлаетганим йўқ, гапимга ишоиаверипг!—деди жавобан министр ғоят жиддий оҳангда.— Лекин бу шафқатсиз бола ҳамонки Ломбардияга боргиси келиб қолган экан, пега мендан биронта зарарсиз ном езилган паспорт сўрамади? У ҳолда жиянимизнинг қамоққа олинганипи эшитгап заҳотим Миланга етиб борардим ва у ердаги дўстларим менинг раъйимга қараб, ҳаммасига кўз юмигаар, ҳамда Милая жандармерияси Парма шаҳзодасининг оддийгина фуқаросини қамоққа олибди, дея фараз қилиб қўя қолишарди. От қўйиб, пойга чопгапингиз ҳақидаги ҳикоянгиз жуда еқимли, жуда қизиқарли чиқди.' Бупи бажонидил тан оламап,— дея қўшимча қилди граф энди бир оз шаштидан тушиб.— Ўрмопдан катчга йўлга ҳамла қилиб чиққанингиз менга жуда. еқяпти. Лекин, гап шу ерда қолсину ҳамонки ҳаетингиз ўша малайнинг қўлида экан, сиз унга шафқат қилмасликка ҳаққингиз бор эди. Шу нарса едингизда бўлсишш, тақсири олам, биз сизни бағоят юксак мартабаларга тайерлаяпмиз; ҳар қалай герцогинянинг хоҳиши ана шундай, хонимнинг битта гапшш эса камина ҳеч қачон иккита қилган эмасман, ҳатто энг ашаддий душмапларим ҳам буииинг аксини айтмоққа тили бормайди. Агар ўша тўсиқли пойга маҳали чайир отингиз қоқилиб

тушганида борми, сиз бошимизга ниҳоятда катта мусибат солган бўлардингиз! У ҳолда, чамаси, ўзипгизпинг ҳам ҳалок -бўлганингиз маъқул эди.

— Бугун сиз пегадир ҳамма нарсани фожиага айлантириб юборяисиз, дўстгинам,— деди ҳаяжонланиб герцогиня.

— Лекии атрофимизда фожиали ҳодисалар жуда кўп содир бўляпти,— ўзи ҳам ҳаяялонга тушиб жавоб қилди граф.— Биз ҳамма машмаша сатирик қўшиқлар еки бир-икки йилга қамоқ ҳукми билан тугайдиган Францияда эмасмиз. Тўррисини айтгапда, мен бу ишлар ҳақида бекорга бундай илжайиб гапиряпмап. Хўш, қадрли яшянгинам, вақти келиб мен сизий бирор жойга епископ этиб тайинлашга муваффақ бўлдим ҳам дейлик,— зеро, -мен сизий дарҳол Парма архиепископгш қилиб қўелмайман, албагта,— ҳолбуки бу ерда ўтирган хоним сизга шу лавозимни тилаяпти ва тўғри қиляити ҳам,— хўш, қани айтинг-чи, сиз бизнинг доио маслаҳатларимиздан йироқда ўз епископлик қароргоҳингизда истиқомат қиладигап бўлганингизда қандай сиесатга амал қиласиз?

— Француз дўстларимиияг таъбири билан айтганда, иблис келиб, мепи ўлдиришини кутиб ўтирмай, ўзим уни ўлдириб қўя қоламан,— дея жавоб қилди Фабрицио кўзлари чақнаб.— -Қўлимдан келган ҳамма чораларни қўллаб, ҳатто тўппоичаларии ашлатиб бўлса ҳам сиз муҳайе қилиб берган мавқеии сақлаб қоламаи. Дель Донголар насабномасида аждодларимиздап бири — Гриаита қасрини қурган ўша бобокалонимизнинг тарихиии ўқиб қолдим. Умрининг охирида уииг дўсти — Милан герцоги Галеаццо бобокалоғшмизни қўлимиздаги қалъани кўздап кечириб келишга юборибди — ўша кезлари швейцарияликлар янгитдан бостириб келмоқчи бўлиб туришгаи экан. «Ҳар қалай одоб юзасидан комепдаитга бир веча оғиз сўз езиб берганим маъқул»,— дебди герцог -бобокалонимии кузата туриб. У икки сатр хат езиб, мактубпи ўз элчисига топширибди-ю, кейин уни қайтариб олибди ва конвертга солиб, елимлаб қўйибди. «Шундай қилсак назокатлироқ бўлади»,— дебди. Веспасиан дель Донго йўлга равона бўлибди. Бироқ, кўлдан қайиқда ўта туриб, бирдан кўҳна гонон ривоятини эслабди,— у анча аллома одам экан. Аждодим хатни очиб, ўқиб кўрибди. Унда қалъа комендантига ушбу мактубни элтган элчини дарҳол ўлдириш ҳақида фармон битилган экан. Аждодимизга нисбатаи риекорлик қилган герцог Сфорца ўйинга берилиб кетиб, фаромушлик туфайли мактубнинг сўнгги сатри билан ўз имзоси орасида анчагина жой қолдирган экан. Веспасиан дель Донго ана шу очиқ жойга ўзиии кўл бўйида жойлашган барча қалъаларга бош губернатор этиб тайинлаш ҳақида фармон битибди-да, мактубпшп. бош қйсмини йиртиб ташлабди. У қалъага етиб бориб, езилган лавозимни эгаллаб олгач, комендантни зиндоига ташлатиеди ва герногга қарши у-руш эълон қилибди. Бир кеча йилдаи кейин эса ўз қалъасини улкан ер-мулкка алмаштириб олибдики, бу ер-мулк бизнинг бутун авлодимизни бойитиб юборибди, меига эса у бир куп келиб тўрт минг франклик рента беради.



— Сиз худди академикка ўхшаб гапиряпсиз!— дея хитоб қилдн кулиб граф.— Сиз бизга топқирликнинг ажойиб намунасипи ҳцкоя қилиб бердингиз, бироқ бундай топқирлик намойиш зтиш кмконияти ўн йилда фақат бир марта келади. Кўп ҳолларда ўзи калтафаҳму. лекии доим эҳтиет бўлиб юрадиган кимса хаелоти бон одамлардап устун чиқади. Наполеоннинг Америка соҳилларнга етиб олмоққа уриниб кўриши ўриига ўзина Жон Бул*ниш қўлша топширишига ҳам худди апа шу телб хаелоти сабаб б^лган. Жон Буль ўз идорасида Иаполеоншгсг Фемистокл-ни тилга ояиб йўллаган мактубидан роса кулган бўлса керак. Ҳамма замондарда ҳам ишига пишиқ Санчо Папсалар охир-оЕ^нбатда олижаноб Дон-Кихотлардан уступ келаверадилар. Биронта фавкулодда иш қилмасликка ваъда беринг, шуида имоним комилки, сиз жуда мўътабар бўлмагаи тақдирда ҳам анча ҳурматли епископ бўлиб етишасиз. Лекии мен бояги фикримдап қайтгаиим йўқ: ўша от воқеасида сиз, тақсири олам, енгилтаклик қилгаисиз ва шу боисдаи умрбод қамоққа тугаишингизга бир баҳя қолган.

Фабрицио бу сўзларни эшитиб, сескапиб тушди ва дилипи ташвишли ўйлар чулғаб олди: «Цамоққа тушиш хавфи ана шу воқеага боғлиқ эмасмикин?— дея сўради у ўзидан.— Эҳтимол, мен ўзимна ана шу жипоятдан тийишим керак бўлгандир?»

Аббат Бланеснинг аввалига унинг кулгисини қистатгап авлиеликлари энди Фабриционинг кўзида пшончли башорат тусини ола бошлади.

— Сенга иима бўлди?— ташвишга тушиб сўради герцогиня.— Графпинг гаплари дилингда ғамгии фикрлар туғдирдими?

— Менга янги бир ҳақиқат аен бўлди. Ақл-идроким уига қарши исен кўтариш ўрнига дарҳол қабул қила қолди. Сиз тўғри айтдингиз, чиидан ҳам умрбод қамоққа тушишимга бир баҳя қолгаи эди. Аммо инглизча фракли ўша еш малай кўзимга жуда еқимтой кўриниб кетди. Шундай еш йигитни ўлдиришга одамнинг кўза қиймас экан.

Министр унинг раҳм-шафқатлилигига қойил қолди.

— Жиянимиз ҳар жиҳатдан ажойиб йигит экан!— дея хитоб қилди граф герцогиняга қараб.— Сизга бир нарсани айтиб қўймоғим керак, дўстгинам, сиз ғалаба қозопдингиз ва янглишмасам, ҳаешнгиздаги энг катта ғалаба бу.

«Эҳ! Ҳозир Ма петта ҳақида гап очади»,—дея дилидап ўтказди Фабрицио.

Бироқ у янглишган, граф гапида давом этди:

— Фариштадек соддалигингиз билан мўътабар архиепископимиз ҳазрат Лапдрианини ўзипгизга мафтун қилиб қўйибсиз. Яқиа кунда биз сизни бош викарий'ликка кўтарамиз. Бу комедияпинг энг қизиқ томони шуидаки, анча ҳурматли, меҳнаткаш одамлар бўлмиш учта катта викарий архиепискоига далилу исбот тўла иома йўллаб, сизни ўзларига бошлиқ этиб тайинлагани илтимос қилади-

[1] Викарай — православ оапада епископ муовини *(тарж.)*.

лар. Ўйлашимча, улардан иккитаси ҳали сиз дунега келмасингиздан илгариеқ катта викарий бўлгаи эди. Ўша жаноблар, бириичидан, сизнинг фазилатларипгизни, иккипчидан эса, сизнинг машҳур архиепископ Асканьо дель Донгонинг чевараси экапингизни далил қилиб келтиришади. Учта катта викарийдан энг табарруги сизнинг фазилатларипгизга нгу қадар ҳурмат билан-қарашини билиб қолгаиимдан сўпг мен унинг маршал Сюше Таррагонани қамал қилган яайтдан буен лейтенантликдан нарига ўтолмай юрган жияпига дарҳол капитанлик унвонини олиб бердим.

— Ҳозироқ архиепископнинг олдига бориб, унга бўлган меҳрмуҳаббатингни изҳор қил! — дея хитоб қилди герцогиня.— Шу ҳолингча, сафар либосингда кетавер. Унга синглингни турмушга бераетганларингни айт. Ҳазрат Ландриани синглинг тез кунда герцогиня бўлажагини билганидаи сўнг сени нақ авлие деб ҳисоблай бошлайди. Едингда бўлсин, яқин кунларда сени янги лавозимга тайинлашларидан мутлақо бехабарсан.

Фабрицио шоша-пиша архиепископ саройига равона бўлди ва у ерда ўзини камсуқум ва содда тутди,— бу ишни у жуда осон эплади, ҳолбуки Фабрицио ўзини акобир қилиб кўрсатиш керак бўлганида ниҳоятда қийналарди.

Монсиньор Ландриаииннинг узундан-узоқ ҳикояларини тинглар экан, у нуқул: «Чайир отни жиловидан тутиб келаетган ўша малайга ўқ узишим керакмиди еки йўқмиди?» — дея ўйларди. Акли упга «ҳа» дерди-ю, бироқ, юраги қонга беланганича юзи бужмайиб отдан йиқилаетгаи барно йигитни сира тасаввур қила олмасди. «Тагимдаги от қоқилиб тушган тақдирда менга хавф солган қамоқ жааоси-чи? Бир қанча белгилар типмай башорат қилаетган ўша қамоқмикин бу?» .

Ушбу саволлар шу тобда унинг учуп багоят муҳим аҳамият касб этганди, архиепископ эса типгловчисшшнг ниҳоятда диққат билан қулоқ солишидан хурсанд эди.

## *Ўн* биринчи боб

Фабрицио архиепископ саройидан чиққач, Мариеттанинг уйи томон югурди, у узоқдан вино олиб келиб, ўз ошналари — суфлер ва еритувчилар билан айш-ишрат қилиб ўтирган Джилеттининг дўриллагап овозини эшитди. Фабрицио ишора берган эди, ичкаридаи Мариеттанинг онахони бўлмиш кампир чиқиб келди.

— Янгиликлар бор!—дея хитоб қилди кампир.— Икки-уч актеримизни буюк Наполеоннинг туғилган кунида зиефат уюштирганликда айблашди; бечора труппамизни якобинчилар тўдаси, дея эълон қилишди ва дарҳол Парма тасарруфидап жўпаб қолишпи буюришди,— ана сизга «Яшасин Наполеон»! Лекин, айтишларича, министр бизпинг енимизни олибди. Ҳар ҳолда бизнинг Джилеттининг ҳаменида пул пайдо бўлди,— қанчалигини билмаймяну лекин унинг қўлида бир ҳовуч танга кўрдим. Мариеттага директор Мантуя ҳамда Венецияга дадар етиб олиши учуй беш экм" берди, менга бўлса, бир экю тегди. Мариетта ҳамон сени севади, лекин у Джилеттидан қўрҚади. Уч куй бурун, труппамизнинг сўиггги томоша кўрсатувида йигит ўлгур унга, сепи албатта ўлдираман, деб дагдаға қилди ва дулоқ-чаккасига икки марта шапалок. урди, энг емони эса унинг ҳавораиг рўмолиии йиртиб ташлади. Мариеттага хидди шундай ҳаворапг рўмол совға қилсанг бўларди, гиргиттон, кейин биз уни лотериядаи ютдик деб айтардик. Эртага карабинерлар тамбур-мажори қиличбозлик турнири ўтказар экан. Ҳамма кўчаларга афишалар епиштириб ташлашибди; туриирпинг соат нечада бошланишипи ўқиб кўргин-да, бизникига кел. Джилетти турнирии томоша цилгаии боради албатт^. У ерда узоқ қолиб кетишини билсэк, мен дераза енига келаман-да, сенга ишора қиламан. Бизга яхти совга олиб кел, хўпми? Лекин Мариетта сен деган жойда жонини беради-да ўзиям!..

Фабрицио айланма зина орқали бу жирқанч вайропадан пастга тушар экан, юрак-багри эзилкб кетди: «Ўзим ҳам сира ўзгармабман! Цадрдон кўл бўйида ҳаетга фалсафий назар билан қараб, мулоҳаза қилиб ўтирганимда иияткрим қандай яхши эди. Мана энди ўша яхши ниятлардан асар ҳам р^олмади!.. Ўшаида кундалик икир-чикирлар билан ўралашиб қолгандим. Бироқ буларнипг бари қуруқ орзулар бўлиб, расмана воқеликка рўбарў бўлган заҳотим ғойиб бўлди қўйди».

«Дилимдаги гапни айтадиган пайт кехгди»,—дея ўйлади Фабрицио кечқурун соат ўнлардап ошганда Сансеверина саройига қайтиб келганидан сўнг. Гарчи Комо соҳилидаги бу иш ўзига жуда осон кўрипган бўлса-да, ҳозир ҳеч нимани яширмай, ҳамма гаппи очиқ айтишга юраги дов бермай турарди. «Фақат ўзим учун дуиедаги энг азиз аелнинг жаҳлипи чиқарганим қолади, кейин пўноқ актерга ўхшаб кўриисам керак. Дарҳақиқат мен фақат руҳим кўтарилган пайтлардагина бирор ишга қодир эканман».

— Граф негадир менга жуда яхши муомала қиляпти,— деди у герцогиняга архиепископнинг ҳузурига бориб келгани ҳақида ҳисобот бериб бўлгач.— Назаримда, у мени унча хуш кўрмайди, шунинг учун ҳам унинг бундай гамхўрлигипи айниқса қадрига етмоғим лозим; бирор иш билан унинг яхшилигини қайтаришим керак. У ҳамон Сангиньядаги қазув ишларидан боши осмонга етиб юрибди,— ўтгап куни ўша ерда икки соатгипа вақтини ўтказиш учун от миниб эллик чақирим йўл юрибди. Ишчилар, эҳтимол, у пойдепорипи топган анти.к ибодатхонадан турли ҳайкал сипиқларини қазаб чиқаришар. Граф уларни ўгирлаб кетишмаса эди, деб қўрқяпти. Мен уни хурсанд қилиш учун Саигиньяда бажонидил бир-икки куп туриб беришим, мумкин. Эртага соат бешларда яна архиепкскопнкнг олдига боришим керак, сўнгра кечки салқиндан фойдаланиб, қазув ишлари кетаетгап Сапгиньяга жўпаймап.

Герцогиня аввалига ҳеч нима демади.

— Худди мендаи узоқроқ юриш учуп баҳона излаетгаига ўхшайсап-а,— деди у пиҳоят беозоргина таъна қилиб.— Узинг эпди-

тина Бельджиратедая қайтиб келдинг, энди яна жўнаб кетишга сабаб топянсан.

«Дилимдаги гапларни айтишга жуда яхши баҳон.а топилди,— дея хаелидап ўтказди Фабрицио.— Лекип ўшанда, кўл бўйида эсим жойида эмасди: қалбим завққа тўлиб, самимийликка интилйр эканман, мадҳия охири густоҳлик билан тугашини ўйламабкан, Унга: «Сени чексиз садоқат пла севаман ва ҳоказо ва ҳоказо аммо бошқачасига сева олмайман»,— дейишимга тўғри келади ахир. Бу дегаяим «Сизнинг мекга бўлган муҳаббатингизни кўркб турибмап, лекин эҳтиет бўлинг, сизга худди шундай туйғу билап жавоб қайтаролмайман»,— дейиш билан баробар-ку. Агар герцогиня мени ростдан ҳам севса, буии сезиб қолганимдан жаҳли чиквб кетиши мумкин, мабодо упииг дилида менга нисбатан шуичаки дўстлик туйғулари бўлса, у ҳолда ушбу густоҳлигимдан ғазаби қайпайди... Одатда бундай ҳақоратни иечиришмайди».

Фабрицио шуидайин муҳим мулоҳазалар устида бош қотирар экан, ўзидап ўн қадам нарида фалокатни курган одамдек мағрур бвр қиефада хона бўйлаб беихтиер у екдан-бу екқа юрарди.

Герцогиня йигитга завқ билан қараб ўтирарди. Унипг кўз ўнгида ўсгая болакай, битта гапини иккита қилмайдигап маъкулгииа жияни қаекқа гойиб бўлди,— Фабрицио энди эр етган йигитга айланганди ва бундай йигитяи ўзига ром қилгап аел ниҳоятда бахтиер бўлур эди. Юмшоқ диванда ўтирган хоним ўрнидап турди-ю, эҳтироси жўш уриб, унинг кучоғига отилди.

— Мондан қочиб кетмоқчимисан?

— Йўқ,— дея жавоб қилди йигит рим императорларш а хос бир оҳангда.— Лекин эс-ҳушимни йўқотишни ҳам истамайман.

Бу жавобни ҳар хил тунгунса бўларди. Фабрицио бу дилрабо 'аелпи ҳақорат қилиб қўйишдан қўрққани учуй ҳам дилидаги гап*н&* айтишга юраги дов бермай турарди. У ҳали анча еш бўлиб, ўзиви яхши тута билмас, ақли эса дилидаги гайни ифодалаб бера оладигап сўзлар топишга ожизлик қиларди. Йигит барча мулоҳазала* рипи унутди-да, туйғулари жўш уриб, беихтиер бу дилбар аелпи қучоқлади ва унинг юз-кўзидан ўпа бошлади. Бирок, шу пайт ғилдиракларнинг тақа-туқи эшитилди-ю, ҳовлига графнинг каретаси кириб келди ва шу заҳоти меҳмонхонада унинг ўзи ҳам найдо бўлди; граф ниҳоятда ҳаяжонлапгап зди.

. — Сиз ўзингизга нисбатан нақадар назокатли туйғулар уйғотасиз-а,— деди у Фабрициога қараб.— Йигит бу сўзларни эшитиб, ер ерилса, ерга киргудек бўлди.

— Бугун кечқурун архиенископ саройга борибди; аълоҳазрат ҳар пайшанба упи қабул қилади. Шаҳзода ҳозиргина менга айтиб берди, архиенископ унинг хузурида ҳаяжонлана-ҳаяжонлана ниҳоятда олимона бир нутқ ирод қилибди. Унинг, афтидан, уйида едлаб келган бу нутқи шу қадар чалкаш тузилган эканки, шаҳзода аввалига ҳеч нимани тушу на олмабди! Лекин нутқиннг охирида Ландриани Парма черковииинг равпаци учун моисиньор Фабрицио дель Донгопи бош викарий қиляб, еши йигирма тўртга тўлганида эса коадъготор ва *унинг келажакдаги вориси* этиб тайиплзн мок. зарурлигини айтибди.

— Очиғини айтсам, бундай илтимос мени қўрқитиб юборди,— дея қўншмча қилди граф.— Чоли тушмагур, жуда шошқалок/пж қилибди, шу боисдан ҳам шаҳзоданинг зардаси қайпаб кетад» чг деб қўрқдим, бироқ у менга илжайиб қаради-да, фрапцузчал «Буларнинг бари сизпипг найрангларингиз бўлса керак, аф;шдим»,— деб қўя қолди.

«Худо олдида ҳам, аълоҳазратлари олдида ҳам опт ичиштгя мумкинки,— дея хитоб қилдим мен хушомадгўйларча тавозе Оилан,— келажакдаги ворислик ҳақидаги гапдаи мутлако бехаГман!» Шундан сўпг унга бор ҳақиқатни, яъни бир неча соат буру а сиз билан маслаҳатлашгап ҳамма гапларни айтиб бердим. Кешн», агар аълоҳазрат богдида сизга биронта кичкина епархия бермокни лозим кўрса, уни буток бир марҳамат дея ҳисоблаяжагимгж айтдим. Шаҳзода гапимга ишонди шекилли, ўзини саховатли қилиб кўрсатииши лозим топди ва улуғвор бир соддалик билавг деди:

«Бу расмий иш, архиепископ билан ўзимиз ҳал қиламиз упи, сизпинг дахлингиз йўқ бу ишга. Чол менга узундан-узоқ ва анча зерикарли доклад билан мурожаат қилди, лекин бу докладнииг заминида расмий таклиф бор; меп унга, сиз васийликка олган йигпт ҳали жуда еш ва энг муҳими, менинг са-ройимга яқингинада танииштирилган, дея жуда совуқ жавоб қилдим; кейин бундай қилсак» худди Ломбардо-Венеция қироллигининг эпг кўзга кўрингаи арбо&* ларидан бирининг ўғлини ана шундай гоксак лавозимга тайип* лашни таклиф қилган императорга вексель бўйича қарз тўлаетғай* дек бўлиб кўринамиз дедим. Архиепископ эса жавобаи бу бора .'Я ҳеч қандай кўрсатма олмаганман, дея ишонтира бошлади. Тептакликни қаранг — келиб-келиб шу ҳақида *менга* гапирадими?! Шундай сермулоҳаза одампинг бу қадар андишасизликка йўл қўйипя мени ҳайратга солди, лекин, у мен билан гаплашганида доим ўаяни йўқотиб қўяди, бугуп эса одатдагидаи ҳам кўпроқ ҳаяжонланди; қария йигитчанинг ўша лавозимга тайинланишига ризолттв беришимни жуда ҳам истаетганини яққол кўриб турардим. Унга, юксак доиралардан дель Донгога мурувват кўрсатиш ҳақида ҳо* қандай кўрсатма келмаганини сиздан ҳам яхшироқ биламаи албатта, деб айтдим. Тўғри,— дедим яна,— ўша йигитчанинг фазнлатларини саройимда ҳеч ким инкор этмайди, ахлоқи ҳам ҳар қаи* дай шубҳадаи холи, лекин мен унинг *завқ-шавқца берилмоща* м<н йилми деб қўрқаман, мен эсам бундай телбаларни ҳеч қачоя юксак лавозимларга тайинламасликка аҳд қилганмап, зеро, ҳукмдор уларга биронта ишни топшира олмайди. Ана шупда,— дея давом этди шаҳзода,— яна битта узундан-узоқ серҳаяяадн нутқ тинглагаимга тўғри келди: архиепископ худо йўлига хизмат қилпшдаги жўшқипликни алқаб мадҳия ўқий бошлади. «Ношуд одам,— доя ўйладим мен,— сен потўғри йўл тапладииг. Мен таклифингпи деярли тасдиқламоқчи бўлиб турувдим, бунга ўзинг халал беряпсая,

Сен сафсата сотишдан дарҳол тўхтаб, менга миннатдорчилик билдиришинг керакэди». Бе, қаекда дейсиз! У кулгили бир жасорат билан мадҳия ўқишда давом этар, мен бўлсам бу ерда еш дель Донго учун унча мақбул бўлмаган жавоб ҳозирлаш билан банд эдим. Кейии анча муваффақиятли жавоб топдим ҳам, ҳозир уни ўзингиз эшитасиз: «Монсиньор,— дедим мен,— Пий VII букш папа ва авлие одам эди; барча ҳукмдорлар орасида бутун Европани тиз чўктирган золимга қарши чиқмоққа фақат шу одамгина журъат отган. Лекин, биласизми, у жўшқин одам эди ва Имолияда епископ бўлган найти уз қавмига Цизальпин республикасини мадҳ этувчи ўша машъум *гражданин кардинал* Кьярамонтипинг рўзвомасини езишгача бориб етганди». Боякиш архиепископ эсанкираб қолди, уни бутунлай маҳв этиш учун мен жиддий бир оҳангда: «Хайр, монсиньор, таклифингиз тўғрисида ўйлаб кўраман ва эртага жавоб қиламан»,— дедим. Мен — «Хайр» деганимдап сўнг бечора елвориб анча ўринсиз бўлган бир неча пойма-пой сўзларни айтди. Ана энди, граф Моска делла Ровере, герцогиняга уни хурсапд қиладиган жавобни эртага қолдирмоқчи эмаслигимпи етказсангиз. Ўтиринг-да, архиепископга менинг розилигимни баен қилиб, жавоб езинг. Шу билан тугатиб қўя қоламиз бу гапни». Мен ўтириб жавоб ездим, шаҳзода унга имзо чекди-да: «Буни ҳозироқ герцогиняга элтиб беринг»,— деди. Мана ўша хат, сипьора; шунинг шарофати билан бугун сизни яна бир бор куриш бахтига муяссар бўляпман.

Герцогиня боши осмоига етиб хатни ўқиб чиқди. Фабрицио ғрафнинг узундан узоқ ҳикояси пайти ўзини босиб олишга улғурганди, кутилмаганда бундай юксалиб кетиши эса уни сира ҳам ҳайратга солмагапдек кўринарди; у ҳақиқий акобир сифатида доим ўзини ҳар қандай юксак лавозимга эга бўлишга ҳақли дея ҳисобларди. Шу боисдан ҳам ҳар қандай буржуани ҳовлиқтириб қўядиган бу мурувватни жуда хотиржам қабул қилди. Фабрицио салобатли миннатдорчилик билдирди-да, ганининг охирида графга қараб деди:

— Сарой донишмаидлиги, доим ўз ҳомийингни кўнглига қараб юр, дея ўргатди. Сиз кеча Сангиньядаги қазувда антик давр ҳайкалларининг синиқларини ўғирлаб кетишлари мумкинлигидап хавотирда эканингизни айтган эдингнз. Мен қазув ишларипи жуда яхти кўраман ва агар ижозат этсангиз, бажонидил у ерга бориб, ишчиларни назорат қилиб туришим мумкин. Эртага шаҳзода билан архиепископнинг ҳузурларига бориб, миннатдорчилик билдиргач, Сангиньяга .жўнайверамап.

— Топинг-чи,—деди герцогиня граф Москага қараб,— нега ўша кўнгилчап архиепископимиз Фабрициони бирдан шунақа яхши кўриб қолди?

— Буни топишнинг сира қийин. жойи йўқ,— жияшши капитан қилиб қўйгапнм анави катта викарий кеча менга бундай деди:' «Ҳазрат Ландриани, архиепископ унвон жиҳатидаи коадъютордад юқорироқ туради, деган жуда тўғри бкр маслакка амал қиляпти



ва шу боисдан ҳам дель Донголардан бирининг қўл остида бўлишидан ҳамда ўзи унга ҳомийлик қилиши мумкинлигидан боши осмонга етяпти».— Фабриционинг аслзодалигини таъкидловчи ҳар бир гап архиепископнинг пинҳоний қувончига қувонч қўшади: уни қаранг, шундай бир зот унинг ад'ютанти-я! Бундан ташқари, бпзнинг монсиньор Фабрицио унга жуда еқиб қолибди; чол унинг олдида тортинмас эмиш; ва ниҳоят ҳазрат Ландриани мана ўн йилдирки, Пьяченца епископини жинидан ҳам емон кўради, зеро ўша епископ, гарчи ўзи бор-йўғи бир тегирмончининг ўғли бўлса-да, ВоҚти келиб унга ворислик қилиш, яъни унинг ўрнига Парма архиепископи бўлиб олиш нияти борлигиии сира яширмайди. Ҳазрат Ландрианига ворис бўлишни аҳд қилгач, Пьяченца епископга маркиза Раверси билан яқин ва дўстона алоқа ўрнатибди. Шунинг учуй ҳам архиепископ ўз қўл остида дель Доиголар наслинипг ваЕилига эга бўлиш ва унга амри-фармон қилиб туриш режаси амалга ошмай қолишидан чўчиетган эмиш.

Орадап бир кун ўтгач, эрта тонгда Фабрицио Колорно (Парма ҳукмдорларииинг Версали) рўпарасидаги Сангиньяда қазув ишларини назорат қилиб турарди. Цазув ишлари Пармадан Австрия тасарруфидаги энг яқин шаҳар — Казаль-Маджорега олиб борадиган катта йўл яқинидаги водийда олиб борилмоқда эди. Ишчилар водий бўйлаб чуқурлиги бир ярим одам бўйи баравар узун, лекин торгина хақдақ қазиб боришарди; Римга олиб бора диган қадимги йўл бўйлаб бундай хандақ қазишдан мақсад, ривоятларга Караганда, ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган иккинчи антик ибодатхонанинг вайроиасини топиш эди. Шахсан шаҳзода буюрганига қарамай, деҳқонлар ўз ерларини кесиб ўтгани учуп хандақларга адоват билан қарашарди: майли, пима дейишса дейишаверсину лекин бу одамлар ерни хазина излаб кавлашаяпти, деб ўйлашарди. Шу боисдан ҳам Фабриционинг бу ерга келиши кичкина бир ғалаенпинг олдини олиш учун фойдали бўлди. Бу ерда у ишнинг кетишипи завқ билан кузатар экан, сира зерикмасди, ора-сира биронта медаль ковлаб топишарди, шунинг учун ҳам Фабрицио ер қазувчилар тил бириктириб уни гум қилиб юбормаслари учун уларни кузатиб турарди.

Эндигина тонг отган бўлиб, об-ҳаво жуда яхши эди. Аллакимдан эскигина биротар милтиқ сўраб олган Фабрицио бир нечта тўрғайни отиб туширди; у ҳозиргипа ярадор қилган сўпгги қуш катта йўлга бориб тушди. Фабрицио уни олиш учун югурди ва узоқда Пармадан Казаль-Маджоре яқинидаги сарҳад сари келаетган каретага кўзи тушди. Отлар судралиб қадам ташларди: Фабрицио милтиғиии қайта ўқлаб олгунига қадар шалақ экипаж унинг яқинига етиб келди; шунда йигит бесўнақай Дн^илетти билан кампнр онахони ўртаснда ўтирган навқирон Мариеттапи кўриб қолди,

Джилетти Фабриционинг қўлида милтиқ билан йўл ўртасида ту-ртанини кўриб, у мени ҳақорат қилмоқчи ва эҳтимол, МариІНИ тортиб ҳам олмоқчи, деган хаелх'а брди, У довюрак одам

бўлгани учун хам каретадан сакраб пастга тушди; Джилетти чап қўлида занг босган тўпонча тутиб турар, ўнг қўлида эса қигош қилич бор эди. Одатда у бу қиличдан труппа унга чор-ночор биронта маркизнинг ролини топширган пайти саҳнага чиққанида фойдаланарди.

— А-а! Царокчи! — дея қичқирди Джилетти.—Яхшиям чегара яқинида қўлимга тушдинг. Ҳозир боплаб адабингни бергб қўяман. Бу ерда энди бинафшаранг пайпоғинг ҳам жонингга оро киролмайди.

Фабрицио кунчи Джилеттининг бақириб-чақиришига мутлақо эътибор бормай, еқимли жилмайганича Мариеттага қараб турарди. Лекин у бирдан шундоқ кўкраги олдида занг босган тўг> пончаниит оғзини кўриб қолди-ю, милтиғи билан тўппончапи урди: тўппончадан варанглаб ўқ узилди-ю, аммо у ҳеч кимга жароҳат етказмади.

— Тўхтасанг-чи, аҳмоқ! — дея қичқирди Джилетти кучерга: шу оннипг ўзида у эпчиллик билаи милтиққа чанг солиб, унинг оғзини ўзидан четга қаратди.

Рақиблар милтиқ талашишиб: уни жон-жаҳдлари билап ўзларига тортишарди. Джилетти Фабрициога қараганда анча кучли> роқ эди; у милтиқ стволини гоҳ ўнг қўли, гоҳ чап қўли билан торта-торта бармоқлари борган сари тепкига якиилагааетганди, Фабрицио ўқ узиш ниятида тепкини босиб юборди. У милтиқпипг оғзи рақибииинг елкасидан ярим қарич юқорироққа қараб турганипи яққол кўриб турганди: аммо ўқ барибир Джилеттининг шупдоққина қулоғи енида гумбурлади. У хиел саросимага тушди-ю, лекип дарҳол хушини йиғиштириб олди.

— А-а! Ҳали пешонамдап отмоқчи бўлдпнгми, ифлос?! Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга...

Джилетти қиличини қиндан суғурди-да, шартта Фабрицио томон ташланди. Цуролсиз Фабрициониng ҳаети хавф остида қолганди. У Джилеттидаи ўи қадам нарида тўхтаган карета сари отилди-да, унинг чап томонидан югуриб бориб,*рессорини ушлади-ю, бир зумда очиқ эгяикнинг ўпг егига ўтиб олди. Давангнр Джилетти унинг ортидан югурди-ю, бироқ рессордан ушлаб қолишга ақли етмай, ўзини дарҳол тўхтатолмади ва бир неча қадам нарига ўтиб кетди. Фабрицио очиқ эшик енидан отилиб ўтаетнб, Мариеттанинг оҳистагина:

— Эҳтиет бўл, у сени ўлдиради! Ма, манавини ол!..— деганкни зшитиб қолди.

Шу заҳоти йўл устига овчилариикига ўхшаш узуп пичоқ тўп этиб тушди. Фабрицио пичоқтш олиш учун эгилгап эди, шу пайт ортидап стиб келган Джилетти қиличи билан упинг елкасипя жароҳатлади. Фабрицио қаддипи ростлади; кутуриб кетгап Джилетти қиличнинг дастаси билап увинг юзига урди. Зарба шу ьадар қаттиқ эдики, Фабрицпонипг боти гангиб кетди. Шу дақиқада у ажял еқасша борпб қолгнңди. Бахтига Джилетти жуда яқии турганв учун қилич билан зарба беролмасдп. Ҳушпга келган Фаб-

рицио йўл бўйлаб елиб кетди ва югурган кўйи пичоқпипг қини-ви суғуриб ташлади-да, шартта орқасига ўгирилди-ю, таъқиб қилиб келаетгап душманидан уч қадам масофада тўхтади. Джилетти тўхташга улгуролмай қолди. Фабрицио пичоқни кўтарган вди, Джилетти қиличи билан упипг ҳамласини даф қилса ҳам бироқ бариби-р пичоқнинг тиғи унинг чап юзипи тилиб юборди, Джилетти сапчиб ўзини орқага ташлади, Фабрицио эса сопипинг жазиллаб оғриганини ҳис этди: актер буклама пичоғини очишга улгурган эди. Фабрицио ўнг томоига сакради-да, ўзини ўнглаб олди. Аиа шундан кейин рақиблар олишув учуп қулай масофада бир-бирларига қарши туриб қолишди.

Джилетти бўралаб сўкинарди. «А-а, ифлос, лаънати муллам вачча, ҳозир бўғизлаб ташлайман сени»,— дея хирилларди у. Фабрицио нафаси оғзига тиқилиб, гапиролмай қолганди: қилич дастаси теккан чаккаси қаттиқ оғрир, бурнидан эса дон оқарди. У деярли оигсиз равишда рақибининг бир неча ҳамласипи даф қилди-да, ўзи ҳам бир печа бор зарба беришга уриниб курди: унга бу олишув худди мусобақадек туюларди, хаелида бундай фикрнинг туғилишига томошабинларнипг тўплангани сабаб бўлгаиди: ўттиз чоглик ер қазувчи рақибларни қуршаб олишганди. Аммо улар Фабрицио билан Джилетти бир-бирларига ҳамла қилишар экан, ўқтин-ўқтин бир жойдан иккинчи жойга югуриб ўтишаетганини кўриб, анча нарироқда туришарди.

Олишувнинг суръати пасая бошлагандек эди: ҳамлалар эиди илгаригидек шиддатли эмасди, лекин шу пайт Фабрициoнинг дилидан: «Чаккам я?уда қаттиқ оғрияпти-ку! Башарамнинг абжағипи чиқарганга ўхшайдн, лаънати»,— деган фикр кечди. Бу фикр уни қутуртириб юборди. Йигит пичоғини олдинга чўзганича душмаиига ташланди. Узун пичоқнинг тиғи Джилеттининг ўнг кўкрагига санчилиб, чап елкаси олдидап тешиб чиқди. Худди шу лаҳзада Джилеттининг қиличи Фабрициoнинг тирсагидан юқорироғиии тешиб ўтди. Лекии тиғ шупдоқ терининг остидап ўтган бўлиб, йигит енгилгииа яраланганди.

Джилетти қулаб тушди; Фабрицио душманиииипг пичоқ тутган қўлидан кузини узмай, унга яқинлашди; бирдан бармоқлар езилиб, пичоқ ерга сирғалиб тушди.

«Ўлди аблаҳ»,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио ва упипг юзига қаради. Джилеттининг оғзидан тирқираб қон оқарди. Фабрицио карета томон югурди.

— Кўзгу борми?— сўради у қичқириб Мариеттадан.

Ранги докадек оқариб кетган Мариеттанинг жавоб беришга мажоли келмади. Кампир эса ишпечипи хотиржам очди-да, ундан кўзгуча олиб Фабрициога узатди. Фабрицио юз-кўзини пайпаслаганича кўзгуга қаради: «Кўзим лат емабди,— дерди у ўзича,— шунисигаям шукур». Сўнгра оғзини очиб қаради, тишлари жойида эди.

— Нега бўлмасам юзим бундай оғрияпти?— дея сўради у ўзидан секип.



— Юзингизга қилич дастаси тегибди,— деди жавобан кампир.— Чаккапгиз моматалоқ бўлиб шишиб кетибди; ҳозироқ зулук солиш керак, шунда дарров ўтиб кетади.

— Ҳозироқ зулук солиш керак?—дея такрорлади кулиб Фабрицио ва кўнгли жойига тушиб, ўзини босиб олди.

Шу пайт у ер қазувчилар Джилеттини ўраб олишгани ва унга қўл тегизишга юраклари дов бермай анграйиб туришганини кўриб қолди.

— Унга ердам берсанглар-чи,— дея қичқирди Фабрицио.— Кийимини ечинглар.

У яна алланима демоқчи эди-ю, бироқ шу пайт бошини кўтариб йўлга қарагач, уч юз қадамча нарида олишув содир бўлган жойга шошилмайин яқинлашишаетган беш-олти одамни кўриб қолди.

«Жапдармлар!.; — ўйлади йигит.— Джилеттининг ўлдирилганини кўриб, мени қамоққа олишади. Қарабсизки, камииа шаҳарга фахрий қоровуллар ўртасида кириб бориш шарафига муяссар бўладилар. Раверси хонимиинг ошналари роса мазах қиладиган бўлишди-да! Уларпинг аммамни кургани кўзлари йўқ ахир!»

У яшин тезлигида чўнтагидаги бор пулиии кути ўчиб турган ер қазувчилар томон иткитди-да, сакраб каретага чиқди.

— Шандармларнинг мени қувишларига халал беринглар,— дея қичқирди йигит ер қазувчиларга,— шунда бошиигиздан зар тўкаман! Уларга менда гуноҳ йўқлигини, бу одампипг ўзи *бирилчи бўлиб %ужум цилгани ва мени ўлдирмоцчи бўлганини айтинг.*

— Цапи, отларингга қамчи бос,— деди Фабрицио уеНигтога. Агар ўша одамлар мени қувиб етмасларидан аввал кўприкдан ўтиб олсак, тўрт тилла оласан.

— Бунти!-—дея жавоб қилди аравакага.— Кўрқманг, улар пиеда келишяпти, агар менинг отларим йўртиб чопгап тақдирда ҳам бизга ета олмайдилар.

Шундай дея у отларига қамчи босди.

*«Кўрцманг»* деган сўз қаҳрамоиимизнинг иззат-нафсига тегди,— Дяшлетти унинг юзига қилич дастаси билан урганида йигит чиндап ҳам жуда қўрқиб кетганди.

— Лекин, ййтинг-айтинг отлиқ жандармлар учраб қолмасин,— дея давом этди эҳтиеткор аравакаш Фабрицио ваъда қилгая тўрт тилла ҳақида ўйлар экан,— у ҳолда орти:шздап қувадиган анави одамлар, ушланглар уларни, деб бақиришлари мумкин...

Бу сўзлар «Милтиғингни ўқлаб ол»,— деган.маънойи англатарди.

— Оҳ, жуда жасур экансан, нюигинам аббат!— хитоб қилди Мариетта Фабрициопи қучоқлар экан.

Кампир карета туйнугидан бошини чиқарганича йўлга қараб борарди. Бир оздан сўнг у ўгирилиб, ичкарига қаради.

— Бизни ҳеч ким қувиб келаеттаии йўқ, тақсир,— деди у сo~вуққонлик- билан Фабрициога.— Олдинда ҳам ҳеч ким кўринмади. Лекин Австрия полициясида тирео!^ орасидан кир излайдиган

одамлар ўтиришини биласиз-ку ўзингиз: агар биз По соҳклидаги тўғонга шу алпозда елиб борсак, сизий қамоққа олишлари турган га'п.

Фабрицио туйнукдан бошини чиқарди.

~- Секикроқ ҳайдаиг!—дея буюрди у кучерга. Сўпг кампир томонга ўгирилиб сўради:— Цанақа паспортларингиз бор?

— Ҳар биримизга алоҳида-алоҳида учта паспорт бор,— деди жавобап кампир,— тўрт франкдан тушди улар бизга. Даҳшат! Йил бўйи сафарда юрадиган бечора драматик актерларни ҳам шунақа шилишадими ахир! Манави паспорт драматик актер — жаноб Джилеттининг номига езилган,— энди сизиики бўлади у; мана яна иккита паспорт — мен билан Мариеттаники улар. Лекин бизнинг ҳамма пулларимиз Джилеттида қолди. Энди нима қиламиз бу егига?

— Цапча пулингиз бор эди?— дея сўради Фабрицио.

— Бели синмагап беш франкликдан қирқ экю бор эди,— деди жавобан кампир.

— Йўқ, йўқ! Олти экю билан чада бор эди холос,— дея кулиб кампирнинг гапини тузатди Мариетта.— Менинг севикли аббатпшамни алдамаслик керак.

— Тақсир,— мутлақо совуққонли билан деди кампир,— нима учун сиздан ўттиз тўрт экю ортиқча олмоқчи эканимии ўзингиз ҳам тушунаетгап бўлсапгиз керак. Хуга, сиз учун ўттиз тўрт экю нима деган гап? Биз бўлсак ҳимоячимиздан маҳрум бўлдик. Энди бизга ким квартира қидириб топади, сафарда юрганимизда ким аравакашлар билан савдолашади-ю, ким ҳаммани қўрқитиб ишимизни битиради? Албатта, Джилеттини барно йигит деб бўлмасди, лекин унинг бизга кўп фойдаси тегарди; агар манави қизалоқ зентаклик қилмай, бир кўришдаек сизга огаиқ були б қолмаганнда,— Джилетти хеч қачоп хеч нимани сезгаган бўларди, сиз бўлсапгиз олтин экюларикгизни бизга ҳадя қилиб юраверардингиз. Биз жуда қашшоқмиз, гапимга ишонаверинг.

Фабрицио таъсирланиб кетди; у чўнтагидан ҳамениии чиқарди-да кампирга бир нечта тилла тайга узатди.

— Кўриб турибсиз,— деди у кампирга,— менда бор-йўғи ўн беш тилла қолди: илтимос, бошқа пул сўраб жонимга тегмаиг.-

Мариетта унинг бўйнидан қучоқлаб олди, кампир эса қўлинв ўпа бошлади. Отлар йўртиб боришарди. Олдинда Австрия чегарасиии аиглатувчи қора бўеқ аралаш тарам-тарам бўялган сариқ шлагбаум кўринди. Шунда кампир Фабрициога қараб деди:

— Сиз чегарадан Джилеттининг паспортний чўнтагингизга солиб бир ўзингиз пиеда ўтганиигиз маъқул; биз бўлсак, гўэ кийим-бошимизни тартибга солгапдек, бу ерда бир оз вақт тўхтаб турамиз. Бунинг устига, божхонада бизнинг нарсалари'мизни кўздан кечиришади. Гапимга қулоқ солинг, сиз бундай қилишипгиз керак; Казадь-Маджоредан бамайлихотир юриб ўтинг, ҳатто қаҳвахонага кириб, бир қадаҳ арок ҳам ичиб олинг, шаҳзрдан чиқнб олга! ипгиздан кейии зса ортингизга дарамай қочиб қолиш! Австряяда полиция жуда кўз-қулок. бўлиб юради: у тез орада одам ўлдирилганидан хабар топади, сиз бўлсангиз, бировнинг паспорта билан саеҳат цилиб юрибсиз,— икки йил қамокк.а тушиш учув шунинг ўзи ҳам кифоя. Шаҳардан чиққач, сиз ўнг томонга, По соҳилига қараб юринг-да, қайиқ еллаб, Равенна еки Феррарага қараб қочииг. Австрия тасарруфидаги ерларни тезроқ тарк этинғ. Икки луидорга бироита божхона амалдоридап бошқа паспорт сотиб олишингиз мумкин, йўқса, фалокатга дучор бўласиз: сиз Джилеттини ўлдирдингиз ахир.



Фабрицио Казаль-Маджоре енидаги сол қўирик томоп пиеда жўнади ва йўл-йўлакай Джилеттининг паспортний диққат билан ўқиб чиқди. Қаҳрамонимиз жуда қўрқиб турарди: у граф Москанинг Австрия тупроғига ўтиб қолиши ўзи учун нақадар хавфли экани ҳақидаги сўзларини эслади; мана энди эса йигит икки юз қадам нарида ўша даҳшатли кўирикни кўриб турибди. Бу кўприкдаи у назарида пойтахти Шпильберг қалъаси бўлган ўша машъум мамлакатга ўтиши лозим. Хўш, нима қилиш керак? Пармапииг жанубида жойлашган Моден герцоглиги, алоҳида конвеяцияга кўра, барча қочоқларни унга тутиб беради; бошқа чегара эса Генуя томоидаги тоғлардан ўтади, лекин у ерлар жуда узоқ; упинг машъум саргузашти Пармада тоққа бориб яширивишидан аввалроқ маълум бўлади: шуидай қилиб, фақат По дaресининг чап соҳилига, Австрия тасарруфидаги ерларга утиш керак бўлади. Австрия маъмурлари уни қамоққа олиш ҳақида талабиома олгуиларига қадар, эҳтимол, бир-икки кун ўтар... Фабрицио ўз аҳволини ҳар жиҳатдап чамалаб кўргач, сигара тутатди-да, паспортний еқиб тоборди: Австрия тасарруфидаги ерларда Фабрицио дель Донгодан кўра дайди бўлиб кўринган маъқулроқ эди, зеро уни тинтиб кўришлари эҳтимолдан холи эмасди.

Ўз тақдирини бадбахт Дяшлеттияинг паспортига ишрниб топгаириш зарурагига нисбатан бўлган табиийи жирканишдан ташқари бу ҳужжатпинг бошқа ноқулай томонлари ҳам бор эдщ Фабрициoнинг бўйи, паспортда кўрсатилгандек, беш футу ўн дюйм эмас, нари борса беш футу беш дюйм келарди холос; сўнгра Фабрицио эндигина йигирма уч ешга тўлганди, қиефаси эса ундан ҳам ешроқ кўринарди, Джилетти бўлса ўттиз тўққиз ешда эди. Шуни тая олишимиз керакки, қаҳрамонимиз сол кўприкка тушишга юраги дов бермай, упинг олдидаги тўғон енида ярим соатча айланиб юрди.

Ниҳоят у ўзига ўзи шундай деди: «Меп мана шу аҳволга тушиб қолган одамга нима деб маслаҳат берган бўлардим? Турган гай, кўприкдан ўтавер, дердим. Парма давлатида қолиш хавфли: гарчи ўз ҳаетини ҳимоя қила туриб бўлса-да, лекии бари бир одам ўлдирган кимсаип излаб топиш учуй жандармларии гоборишлари 'мумкин». Фабрицио барча чўнтакларини кавлаштириб чиқди-да, ҳамма қоғозлариии еқиб юборди. У чўнтагида фақат портсигари билан даптрўмолини қолдирди: божхонада нарсаларини кўздан кечиритп вақтини иложи борича қисқартириш керак

эди. У япа ўзига беришлари мумкин бўлган савол тўғриеида ҳам ўйлаб курди, лекин бу сазолга берадиган жавоби анча ишонарсиз чиқмоқда эди: у ўзипи Джилетти исми билан атамоқчи эди-ю, бироқ барча ички кийимларига Ф. Д. инициаллари чатиб қўйилганди.

Кўриб турибсизки, Фабрицио ўз хаелотипинг асири бўлиб қоладиган одамлар тоифасидаи эди — Италияда ақлли одамлар орасида буиақалар куп учрайди.

Жасурлик бобяда Фабрициога тенг келадиган ва ҳатто қаҳрамопимиздек шижоатли бўлмаган француз солдати ҳар хил мушкулотлар тўғрисида олдиндан бош қотирнб ўтирмай хотиржамлкк билан тўғри кўприкка тушаверган бўларди. Фабрицио эса куприк охирида кулранг мундир кийган қандайдир пакана Сир одам унга:

— Полиция маҳкамасига кириб, паснортингизга мухр бостиринг,— деганда сира ҳам хотиржам эмасди.

Идоранинг ифлос деворларига қоқилган йўғон михларда полиция амалдорларининг ег босган шляиалари ҳамда қамчилари осиғлиқ турарди. Атрофида ту жаноблар ўтиргая катта стол вино ва сиеҳ тўкилавериб доғ-дуғ бўлиб кетганди. Икки-учта қалин роестрлариипг кўк чармдан ясалган муқовалари ҳар хил [гдаги доғлардан ола-була бўлиб кўринарди, рўйхатларнинг қорайиб кетган зиҳлари эса саҳифаларга бармоқларнинг изи тушагериб, .исқирти чиққанидан далолат берарди. Кечагина императорпи!1Г таваллуд топган купи муносабати билан реестрлар дастаси устига биаони безаб тургап учта ажойиб дафна чамбараги устмауст тахлаб қўйилганди.

Бу икир-чикирлариинг бари Фабрициони қаттиқ ҳайратга солди, Унинг юраги орқасига тортиб кетди: Сансеверина саройидаги серҳашам хоналарда,. зеб-зийнат ичида яшагани учун у энди гну зайлда жазосиии тортмоқда эди. Цаҳрамонимиз энди ана ту ифлос идорага кпришга, у ерда тобе одам сифатида бўйнипи хам аб туришга ва устига-устак, сўроқ беришга мажбур эди.

Қоратўри, пакана амалдор сап-сариқ қўлини чўзиб, унинг паспортини олди; амалдорнинг галстуги қўйлагига мис тўғногич билан қадаб қўйилганди. «Жапобларнинг кегадир авзойи бузуққа ўхшайди-ку»,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио. Полициячи пасиортяи ўқир экан, қаттиқ ҳайратга тушгани очиқдан-очиқ сезилиб турарди. Амалдор паспортни беш минутча ўқиб ўтирди.

— Йўлда бирон воқеа содир бўлдими?— дея сўради у Фабрициоянг чаккасига тикилиб.

— Кучеримиз тўғондан соҳилга туша туриб, каретамизии ағдариб юбордя.

Орага япа сукут тушди; амалдор саеҳатчимизга ўқрайибўқрайиб қараб қўярди.

«Цўлга тушдим,— дея ўйлади. Фабрицио,— ҳозир у, афсус, декпп сизга иохуш бир гапни айтмоққа мая<;бурмап: «Сиз қамоққа олиндиягиз»,— дейди. Щу дақиқада мантиқан фикр юритишга қодир бўлмай қолган қаҳрамонимизнинг миясида турлитуман режалар пайдо була бошлади. Масалан, эшик очиқ тургапинй кўриб, бир кўнгли қочмоқчи ҳам бўлди. «Шартта кийимимни ечаман-да, ўзимни дарега ташлайман; ҳар қалай, парити соҳилга етиб олсам керак. Бўлар иш бўлди, фақат Шпильбергга тушмасан бўлгани». Фабрицио бу режасининг қанчалик муваффақиятли чиқишини чамалаб кўрар экан, амалдор унга тикилиб қараб турарди; шу тобда икковининг ҳам башарасини . томоша қилса арзирди. Хавф-хатар одамни сермулоҳаза қилиб қўяди,— у ўзининг одатдаги даражасидан анча ю қори кўтарилади, хаелоти бой одам эса бунақа пайтда романтик режалар туза бошлайди. Тўгри, бу режалар жасорат талаб қилади-ю, лекии кўпинча жуда бемаъпи бўлади.

Фабрициониг мис тўғногич қадаган полиция котибининг синовчан қарашига нақадар жаҳл билан чидаб турганини тасаввур қилишингиз мумкин. «Агар уни ўлдирсам,— дерди ичида Фабрицио,—мени йигирма йил каторгага еки ўлим жазосига ҳукм қилишади, лекин ҳар қалай бу Шпильбергга тушиб қолишдап афзалроқ: Шпильбергда ҳар бир оеғингга бир юз йигирма қадоқли кишан уришади, емишинг эса кунига атиги саккиз унция қуруқ нон бўлади. Йигирма йил ўтиришим керак бўлади ўша жаҳаннамда, демак у ердан қирқ тўрт ешимда чиқаман».

Фабрицио шу йўсинда мулоҳаза юритар экан, паспортини еқиб юборгаии ва бинобарип, полиция амалдори қаршисида исенчи Фабрицио дель Доиго турганини сира ҳам билиши мумкип змаслигини унутиб қўйгаиди.

Қаҳрамонимиз, кўриб турибсиз, я«уда қўрқиб кетганди ва агар у шу тобда полиция котибияи қандай хабллар ташвишга солаетганини билганида баттар қути ўчган бўларди. Полициячи Дяшлеттининг ошнаси эди; у актернинг паспортини бегона қўлда кўргач, нақадар ҳайратга тушганини тасаввур қилиш упча қийии бўлмаса керак; у аввалига бу нотаниш одамни қамоққа олмоқчи бўлди, кейии эса Джилетти, эҳтимол, Пармада бирор қилғилик қилиб қўйган бу чиройли йигитга паспортини сотгапдир, дегап хаелга бориб қолди. «Агар уни қамоққа олсам,— дея ўйларди полиция амалдори,—'Джилетти мушкул аҳволга тушиб қолнши мумкин: унинг паспортини сотгани ошкор бўлиб қолади: бошқа томондан эса мен Джилеттининг ошнаси була туриб, унинг паспортини қандайдир бегона бир одамнинг қўлида кўришимга қарамай, қайд қилиб берганимни билиб қолийюа, бошлиқлар ўзимни ҳам жазолашлари мумкин». Котиб ўрнидап турди-да, эспаган қўйи Фабрициога қараб деди:

— Бир оз кутасиз, афандим.

Сўнгра полициячиларнинг одатига кўра қўшимча қилди:

— Аниқлайдиган баъзи масалалар чиқиб қолди.

«Дозир мени қамоққа олиш масаласи чиқиб қолади»,— дел хаелидан ўтказди Фабрицио.

Котиб дарҳақиқат эшикпи епмай, идорадап чиқиб кетди; пас-

порт стол устида цолди: «Мени ҳибс қилшплари аник,— дея ўйиарди Фабрицио.— Яхшиси, паспортни оламан-да, секингина юриб, кўприкдан ортимга қайтаман. Агар жандарм бунинг сабабиси сўраб қолса, Парма давлатинияг сўнгги қишлоғида паспортга белги қўйдиришни унутибман, деб баҳона қиламан». Фабрицио шу хаелда паспортга қўл чўзган ҳам эдики, бирдан мио тўғноғич таққан амалдорнинг аллакимга айтаетган гапини эшитиб, қаттиқ ҳайратга тушди:

— Худо ҳақи, бу иссиқдан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, одамнинг пафаси қайтиб кетяити. Қаҳвахонага бориб, бир чашка қаҳва ичиб келаман. Тамакингизни чекиб бўлгач, идорага киринг, қандайдир чет эллик паспортний қайд қилдиргани кирувди.

Фабрицио оеқ учида юриб, эшик олдига борди-ю, ўзига ўзи: «Ҳай, майли, паспортни қайд қилиб, имзо чекамиз»,— дея хиргойи қилиб келаеттан еш ва хушрўйгина бир котибга тўқнаш келиб қолди.

— Сиз қаерга бормоқчисиз, афандим?

— Мантуя, Венеция ва Феррарага.

— Жуда яхши, Феррара,— дея такрорлади, котиб ҳуштак чалганича, паспортга кўк сиеҳ суртилган муҳрни босди-да, очиқ қолдирилган жойга «Мантуя, Венеция, Феррара» сўзларини езиб қўйди. Сўпгра қўлиии ҳавода ўйнатиб олиб, имзо чекди ва пат қаламини сиеҳга ботириб, имзосига ҳафсала билан жимжима чизди. Фабрицио пат қаламнинг ҳар бир ҳаракатшш кузатиб турарди; амалдор имзосини бир дақиқа завқ билан томоша қилиб турди-да, унга яна беш-олтйта жнмжима қўшди ва ниҳоят паспортни Фабрициога узатди.

— Оқ йўл сизга, афандим,— деди у қувиоқлик билан.

Фабрицио шсшилаетганини билдирмасликка ҳаракат қилиб, кўчага чиққан эди, бирдан аллаким унинг елкасидан тутди: у беихтиер пичоғишшг дастасидан ушлади ва атрофда уйлар бўлмагаиида, эҳтимол, шошқалоқлик қилиб,'бирор ишкаллик бошлаган бўларди. Фабрициоии тўхтатган одам йигитнинг чўчигаиини пайқади-да, у зр сўрагандек деди:

— Сизни уч марта чақирдим, афандим, лекии эшитмадингиз. Текширувдан ўтказадиган нарсаларивгиз борми?

— Даструмолимдан бўлак хеч нимам йўқ. Борадигап жойим жуда яқин, қарипдошларнпнг амлокида озгина ов қилмоқчиман.

Агар шу тобда уидан ўша қариндошларнинг номини сўрагаганида Фабрицио бутунлай довдираб қолган бўларди. Жазирама иесиқ ва ҳаяжоннинг зўридан у қора терга тушган ва По дАресига йиқилган одамдек, жиққа ҳўл бўлиб кетганди... «Актерлар билан тўқнашувга ҳали жасоратим етаркану аммо мис тақинчоқларни яхши кўрадиган котибларии курсам каиалагим учиб кетаркан. Герцогиня учун шу мавзуда сонет езаман».

Казаль-Маджорега стгач, Фабрицио ўнг томоша, По соҳилига олиб тушадиган қандайдир ифлос кўчага бурилди.



«Бахус билан Церера[1] нинг ердамига жуда муҳтож бўлиб қолдим»,— дея хаелидан ўтказди у ва эшиги тепасида таеққа т'ортилгап кулранг матога «Тратторияй— қоЕоқхона деб езилгаи уй томон йўл олди. Кираверишдаги эшикка қовдқхонани куеш тигидан пана қилига учун иягичка гардишга тортилсан, нақ ерга теккудек бўз соябон осиб қўйилганди. Ярим ялаиғоч ва кўҳликкина бека меҳмонни очиқ юз билан қарши'олди. Фабрицио Супи кўриб, хурсанд бўлиб кетди; у дарҳол қаттиқ очиққагоши айтди. Бека унга нонушта ҳозирлар экан, қовоқхонага еши ўттизяардаги бир киши кириб келди; у ҳеч ким билан саломлашмай, худди ўз уйига кириб келгандек, бемалол бориб курсига ўтирди. Кейин у туйқус сапчиб ўрдидан турди-да, Фабрициога мурожаат қилиб деди:

— Ecce!епга, 1а пуепзсо (саломатмисиз, жаноби олийлари).

Фабрицинипг жуда димоғи чоғ эди, гау боисдаи ҳам у ғамгин хаелларга берилиш урпига хаидон ташлаб кулиб юборди.

— Жин урсип! Мен жаноби олийларини қаекдан таиийсан?

— Қўйинг-е, жаноби олийлари! Наҳот мени таиимаган бўлсангиз? Ахкр мен Лодовикомаи ку, герцогиня Сансеверина хонадонида кучер бўлиб хязмат қилганман. Лекии биз ҳар ез борадиган Сакка амлокида мени доим безгак тутарди, шунинг учун ҳам герцогинядан менга нафақа белгилаб,. истеъфога чиқаринша илтимос қилдим ва ишдан бўшадим. Энди давлатманд одаммаи, мен нари борса, бир йжлга ўн икки экгога умид қилипшм мумкин зди, герцогиня бўлса йигирма тўрт экю нафақа тайиялади; хоиим сонетлар езиш учун ҳам бўш вақтингиз бўлипш керак-ку деб айтдилар,— ахборингиз учун, мен шоирман, халқ йўлида шеър езаман. Граф ҳам, мабодо бошингизга бирор корҳол ту шиб қолса, менга мурожаат қилаверинг, деб айтдилар. Мўмиа христиан сифатида Веллей ибодатхоиасини зибрат қилгани жўнаганингизда, монсиньор, камина сизни биринчи бекатгача олиб бориш шарафига муяссар бўдган эдкм.

Фабрицио бу одамга диққат билан тикилди-да, упи аранг таниди: герцогштчшшг уйида у энг башанг кийииадиган кучерлардан бири эди: энди гарчи кучер ўзиии давлатманд одам деб атаетган бўлса-да, бутун кийим-боши йиртиқ бўз қўйлагу бир вақтлар қорага бўялган ва тпззасигача аранг етадиган бўз иготондан иборат эди; бу либосни кўпол бошмоқлар билан расво шляпа тўлдириб турарди; уолига устак у, чамаси, икки ҳафтадан бери соқолини олмас экан. Цуймоқни паққос туширар экан, Фабрицио у билан, ўз тенги билан гаплагааеттандек, суҳбатлашиб ўтирди: Афтидан, Лодовико беканинг ўйнашига ўхшарди. Фабрицио апил-тапил нонушта қилгач, унинг қулоғига шивирлади:

— Сизга айтадиган икки огиз гапим бор.

— Жаноби олийлари, сиз беканинг олдида ҳам бемалол га-

[1] Қадтшгя юяон афшааяпрвда май ҳсмда ози^овк.ат маъбудларя. *(Тар ж.)*

пираверишингиз мумкин; у жуда ажойиб аел,— деди мехр билан Лодовико.

— Хўп, яхши. Дўстларим,—дея гап бошлади Фабрицио сира иккиланмай,— Бошимга мусибат тушди, сизларнинг ердамингизга мухтожман. Бу ишпинг сиесатга сира ҳам дахли йўқ, шунчаки ўйиаши билан гаплашганим учун мени отиб ташламоқчи бўлган бир одамни ўлдириб қўйдим холос.

— Вой, боякишгина-ей!— дея хитоб қилди бека.

— Сиз менга ишонаверинг, жанови олийлари!— деди кучер кўзлари садоқат билан ениб.— Хўш, жаноби олийлари, қаеққа қочмоқчисиз энди?

— Феррарага. Паспортим бор, аммо жандармлар билан мулоқотда бўлишни истамасдим, эҳтимол, улар ҳаммасидан хабар топишгандир.

— Ўша одамни қачон гумдон қилгандингиз?

— Бугун зрталаб, соат олтиларда.

— Кийим-бошингизга қон тегмаганмдкйн, жаноби олийлари?— дея сўради бека.

— Мен ҳам дарҳол шу тўғрида ўйлагап эдим,— гап қотди собиқ кучер.— Кейин эгнингиздаги мовут ҳам жуда иафис экан, бизнипг қишлоқларда бунақа кийим-бош камдан-кам учрайди,— у одамларнинг эътиборини жалб қилиши мумкин. Мен яҳудийнипг дўконига бориб, сизга кийим сотиб оламан. Сизнинг бўйингиз, жаноби олийлари, меники билан деярли баробар экан, фақат сиз хиел хипчароқсиз.

— Худо ҳақи, мени ҳадеб «жаноби олийлари» деяверманг,— ахир бу атрофдагиларнинг диққатини тортиши мумкин.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари,— дея жавоб қилди кучер, тратториядан чикиб кетар экан.

— Тўхтанг, тўхтанг!— қичқирди Фабрицио.— Пулни қаекдан оласиз? Цайтинг!

— Нега пулпинг ташвишини қиласиз?! — деди бека.— Унинг олтмиш етти экю пули бор, шу пулларнинг бари жаноби олийларинипг мугакулларини осон қилит учуй ишлатилиши мумкин. Ўзимнинг ҳам қирқ экюга яқин пулим бор,— дея қўшимча қилди аел товушини пасайтириб.— Шу нулни чин кўнглимдан сизга таклиф қиламан. Бошига шупақа иш тушгапида одамнинг енида пули бўлмай қолиши мумкин.

Фабрицио тратторияга кириб қолганида исиб кетгапи учун эпгадаги редипготни ечиб қўйган эди.

— Агар биронта одам кириб қолса, устингиздаги нимча туфайли кўнгилсизлик содир бўлиши мумкин. Жуда пафис *инглиз газламаси* экан. Унга ҳар қапдай одам эътибор беради. .

Шундай дея бека бизнинг қочоққа эрининг қора бўз нимчасипи олиб берди. Ичкари ҳовлидан тратторияга башанггина кийинган баланд бўйли бир йигит кириб келди.

— Бу мепинг эрим бўлади,— дея тушунтирди бека.— Пьетро-Антопио,— деди у сўнгра эрига 1^араб,— меҳмонимиз Лодо-<



викопигтг дўсти экан. Бугуп эрталаб у дареиииг иариги соҳилида бир мусибатли иш қилиб дўйибди. Энди Феррарага қочиб кетмоқчи.

— Майли, дареддан ўтқазиб қўямиз,— деди жавобан эри эҳтиром билан.— Карло-Джузенпенинг цайиғи бор.

Куприк олдидаги полиция маҳкамасида к.аҳрамонимиз нақадар қўрқиб кетганини нечоғли оддий тасвирлаган бўлсак, унинг табиатидаги бошқа бир заиф томонини ҳам шунчалик самимият билан тан олиб қўя қолайлик: қаҳрамонимизиинг кўзларига еш қалқиди,— бу деҳқонлар кўрсатаетган теран меҳр-одибатдап унипг кўнгли ийиб кетганди; шу билан бирга у аммасининг нақадар серсаховат эканлигини ҳам эслаганди; шу тобда Фабрициони бу ажойиб одамларнинг бошидан зар сочгиси келарди.

Дўлида катта тугун кўтарганича Лодовико қайтиб келди.

•— Демак, алвидо, дўстгипам экан-да?— дея хушфеъллик билан сўради ундан беканинг эри.

— Гап унда эмас!— ташвишга тушиб жавоб қайтарди Лодовико.— Сиз тўгрингизда, жаноби олийлари, ҳар хил гап тарқала бошлабдй. Катта кўчадан бизнинг у1со1о' томон бурилгапингизпи одамлар кўриб қолишган экан. Ўшанда атрофга аланг-жалаиг қараган экансиз,— яширинмоқчи бўлгапингиз шундоқ сезилиб қолибди.

— Тезрок! Етоқхонага чиқинг,— деди беканинг эри.

Иккала деразасида ойна ўрнига хом сурп тортугли, шинам етокхонада баландлиги нақ одам бўйи баравар тўртта кенг ва катта каравот қўюгли эди.

— Тезроқ, тезроқ бўлинг!— дея шоширарди Лодовико.— Бу ерда яқинда ишга тайинланган битта сурбет н«андарм бор, ўша аблаҳ сиз пастда курган анави хушрўйгина жувонга гаилқимлик қилган эди, мен йўлни назорат қилгани чиққанингда каллангдан ўқ ейишинг мумкин, дея унинг танобини тортиб қўйдим. Агар ўша итвачча сиз жаноби олийлари тўгрингизда эшитиб қолса, бизга фириб беришга урипади ва Теодолинанинг тратториясини смон отлиққа чиқариш учун ҳам сизни шу ерда қамоққа олишга ҳаракат қилади.

— Ўҳў! Ўша дайди, демак, ўзини ҳимоя қилибди-да?— гап қотди Лодовико Фабриционинг қонга белангап кўйлаги ва яраларига боглапган рўмолчаларни кўргач.— Сизни қамоққа олишади! Бупинг учун далилу исбот етиб ортади. Мен бўлсам, кўйлак олмаган эдим!..

У такаллуф қилиб ўтирмай, шкафпи шартта очди-да, уй эгасипинг кўйлакларидан бирини олди. Кўп ўтмай, Фабрицио бадавлат деҳқоннинг ўзи бўлди қўйди. Лодовико миҳда осиглиқ. балиқчилар тўрини олди-да, Фабриционинг кийимларини балиқ солинадиган саватга жойлади, сўнг зинадан югуриб пастга туш-

[1] Торкўча.^ипи.^.

ли ва орда эшикдан тапщарига чидди. Фабрицио унинг ортидая эргашди.

— Теодолина!— дея дичдирди Лодовико доводхона енидан ўтар экан.— Тепада қолган нарсаларни йиғиштириб дўй. Биз толзорда кутиб турамиз, сен бўлсанг, Пьетро-Антонио, тезрод дайид юбор. Яхши ҳад тўлашади, деб айт.

Лодовико Фабрициони камида йигирматача зовурдан ўтиш-1а мажбур дилди; кенгрод зовурлар устига одам ўтганда эгиладиган узун-узуп тахталар ташлаб дўйилганди. Лодовико Фабрициoнинг ортидан юриб, бундай кўприкчалардан ўтар экан, уларни бир четга олиб дўярди. Сўнгги зовурдан ўтишгач, Лодовико ундаги тахтани айникса хурсанд бўлиб тортиб олди.

— Энди нафас ростласак ҳам бўлади,— деди у.— Анави исдирт жандарм жаноби олийларини дўлга тушириш учун айланасига ўн чақдрим югуриб келиши керак бўлади. Ие, рангингиз жуда оқариб кетибди-ку!— деди у Фабрициого ўгирилиб қарагач.— Яхшиям, чўнтагимга бир шиша арок солиб олган эканман.

— Ҳа, ягуда яхши қилган экапсиз: сопимдаги яра сирдираб оғрий бошлади, бунинг устига куприк олдидаги полиция маҳкамасида апча кўрқиб кетгандим.

— Қўрцмай бўларканми!— деди Лодовико.— Ахир кўйлагннгиз донга беланганди! Ҳайронмап, тағинам полициячилар билан хотиржам гаплашибсиз! Ярадор одамнинг аҳволини яхши тушунаман. Ҳозир сизни салқин бир жойга бошлаб бораман, ўша ерда бирор соат ухлаб оласиз. Агар дайид тоиигаса, бизни олиб кетгани ўша ерга келишади. Мабодо топиша олмаса, бир оз дам олганингиздан кейин яна икки лье пиеда юриб, тегирмопга етиб оламиз, у ерда эса менга албатта қайиқ беришади. Сиз, жаноби олийлари, менга Караганда анча ўдимишлироц одамсиз... Герцогиня бу бахтсизликдан хабар топгач, иихоятда ташвишга тушади: унга, жиянингиз оғир ярадор бўлди, деб айтишади. Кейин, эҳтимол, гўе сиз ўша одамни хиенаткорона ўлдирганингиз ҳадида ҳам гапиришлари мумкин. Маркиза Раверси, турган ган, аммангизнинг дилини сиеҳ дилиш учун ҳар хил емон гаплар тардатишга ҳаракат қилади. Герцогиняга икки энли хат езиб юборсапгиз бўлармиди, жапоби олийлари?

— Уни дандай етказиш мумкин?

— Биз борадиган тегирмонда батраклар кунига ўн икки су пул ишлашади. Пармага бир ярим кунда етиб борса бўлади,— демак, хатни элтувчига бундай йўл учун тўрт франк ва бошмоғининг таглиги едирилганй учун яна икки франк,— ҳам маси бўлиб олти франк тўланади. Агар мендек фақир одам юборса,— олти франк, аммо у аслзода бир жанобнинг топшириғи билан жўнаса, ўн икки франк тўлаш лозим бўлади.

Улар қалип ўсган зирк ва мажнунтол соясидаги дам олиш жойига етиб боряшгач, Лодовико сиеҳ билан догоз олиб келиш учуп яна бир соатли йўл юришга мажбур бўлди.



— Е дудратингдан, бу ер нақадар яхши-я!— дея хитоб дилди Фабрицио.— Алвидо, менинг лавозимларим! Мен энди ҳеч қачон архиепископ бўлмайман.

Лодовико цайтиб келгач, Фабркционинг цаттид ухлаб етганини кўрди-ю, уди уйғотмай цўя долди. Цайиқ фақат кунботарга яқин келди; Лодовико уни узоддан кўриб, Фабрициони уйғотди. Шундан сўнг цаҳрамоиимиз иккита хат езди.

— Жанобп олийлари,— деди иймаиибгипа Лодовико,— сиз мендан адллиродсиз, шу боисдан сизга яна баъзи нарсаларни айтсам, дилингиз рапжийдими деб дўрдяпмап...

— Мен сиз ўйлаганчалик аҳмоқ эмасман,— деди жавобан Фабрицио.— Нимаии айтигаипгиздан цайъий назар, сиз кўз ўпгимда доим аммамнинг содиқ хизматкори ҳамда мепи балодап дутцариш учун кўлингиздап келган ҳамма ишни қилган инсон бўлиб қоласиз.

Лодовикога далда бермоц учун анча овора бўлишга тўғрн келди, ниҳоят у юра'к ютиб, дилидагини айтганида эса гапини беш мипутга чўзилган узундан узок муцаддимадан бошлади. Фаб-рицио аввалига тоқати тод бўлди-ю, аммо кейин ўйлаб қолди: «Хўтп, ким айбдор бунга? Ўзимиз сабабчимиз. Аммамнинг извошини ҳайдагав бу кучер бизнинг птуҳратпарастлигимизни кўп кузатган». Садоцат туйғуси ҳар цалай Лодовикони дилидаги гапни очиқ айтишга мажбур қилди.

— Сиз Пармага жўнатадигап мана шу икки хатни кўлга туширмод учун маркиза Раверси ҳеч дандай пулни аямагап бўларди. Улар сизнипг уз қўлипгиз билан езилган, бинобарик, сизга цариш ашевий далил була олади. Эҳтимол, сиз жаноби олийлари, менинг таклифимни пожўя сипчковликка йўярсиз ва балким, герцогиияпи менипг кучерларга хос ажи-буяш хатимни ўқишга мажбур дилмодда ор циларсиз, лекин, ҳар цалай сизнипг хавфсизлигикгизпи ўнлаганим туфайли ҳам, гарчи буни одобсизлик деб ҳисоблашипгиз мумкин бўлса-да, сиздап бир парсанв сўрамоцца журъат этаман: ана шу икки хатни, жаноби олийлари, сиз айтиб турсапгизу мен езиб берсам, дандай бўларкин? Ана шунда фацат мендангина тубҳа цилинтди, менипг учун эса бунинг дўрдинчли жойи йўд,— агар зарур бўлиб долса, мен, у киши бир дўлида сиеҳдопу бир дўлида тўппонча билан хилват бир жойда йўлимни тўсди ва шу хатларни езишга мая?бур дилди, деб айтаман.

— Қўдингизпи берипг, азизим Лодовико!— дея хитоб дилди Фабрицио.— Сиздек дўстимдан сир садламаслигимпи исботламод учуп эса, мана, ўша иккита хат,— уни олинг-да, кўчириб езинг.

Бундай ишопчдан Лодовиконинг боши осмопга етди, аммо у **бир** неча мисрани кўчириб езгач, дайиднипг даре сатҳида анча тез сузиб келаетгапини пайдаб долди.

— Агар сиз, жапоби олийлари,— деди у Фабрипиога цараб,— ўаипгиз айтиб тургапингизда, мен хатларии тезрод езиб тугатгав б улар дим.

Лодовико хатларви езиб бўлгач, Фабрицио биринчи хатнинг охирги миорасига «А», вккинчисипикига эса «Б» ҳарфлариня илова қилди-да, сўнгра кичкинагина қоғоз парчасига «А билап Б га ишонинг» дея езиб, уни ғижимлади. Хатни элтувчи ана шу қоғозни кийиминипг бирор жойига яхшилаб яшириб қўймоғи лозим бўларди.

Цайиқ яқинлашиб, эшкакчиларнинг ғовур-ғувур овозлари эшитила бошлади; Лодовико бегона номларни атаб, эшкакчиларии чақирди; улар жавоб беришмади-ю, аммо беш юз туаз* нарироққа сузиб боришгач, бирснта божхона соқчиси кўрмаяптимикан, дея атрофга олазарак бўлиб қарашганича соҳил енига келиб тўхташди.

— Меи хизматингизга тайерман,— деди Лодовико Фабрициога қараб,— Истасангиз, хатларингизни Пармага ўзим элгаб берамап, еки сизий Феррарага кузатиб қўяйми?

— Яхшиси, мени Феррарага кузатиб қўйинг. Сиздаи шу тўғрида илтимос қилишга журъат этолмай турувдим. Ахнр биз соҳилга тушганимиздан сўнг, шаҳарга иаспортни кўрсатмай кириб олишга ҳаракат квлишимиз керак. Сизга очиғиии айтсам, Джилетти номп билая саеҳат қилиш заруратидан ниҳоятда таъбим тирриқ бўляпти, бошқа паспорт сотиб олишим учун эса сиздан бошқа ердам берадиган одампи бипмайман.

— Нега бу тўғрида Казаль-Маджореда айта қолмадипгиз? Бир жосусни танийман, у менга ажойиб паспорт сотган бўларди, кейип унча қимматга ҳам тушмасди, кари борса қирқ еки эллик франк пул оларди.

Кайиқни ҳайдаб келган икки эшкакчидан бири По даресининг ўвг соҳилида туғилган бўлиб, Пармага саеҳат қилмоқ учун унга чет зл паспорти керак бўлмасди,— хагни апа шу одам элтиб берадиган бўлди. Эпшак эшишни яхши биладигав Лодовико упинг шериги билан зшкакка ўтириб, қайяқни мўлжадлашая мапзилга қадар ўзи ҳайдаб боражагини маълум қилди.

— По даресининг қуйи оқимида қуролланган[1] полиция баркасларйга дуч келишямиз мумкин, лекин уларга чан бераб кетаман.

Йўл давомида улар ўн мартадан кўпроқ кичкийа-кичкжна ясси ороллардаги толзорлар орасита яширинмоққа мажбур бўлдилар. Сўигра полиция кемаларйнинг назорахпда сузиб кетаетган бўш баржалар карвогшнинг ўтиб кетишини кутиб, уч марта соҳилга чиқиб туришларига тўғри келди. Лодовико ана шу бўш ва^тдан фойдаланиб, Фабрициога ўзинииг бир неча соиетини ўқиб берди. Бу соиетларда изҳор қшшнган туйғулар самимийдек кўринарди-ю, бироқ улар гўе сўзлар орасида ўз кучиии йўқотиб, сийқалашиб қолгандек туюларди,—- бу аҳволда уларня щеърг'шаклига солишдан фойда йўқ эди; қазиқ, 1 туйғулари ва ҳаетни ўзйга хос бир тарэдд идрок ота билиши билан ажралиб гуради-. ган ушбу собиқ кучер қўлига қалам олди деғунча жўнгина, совуққоп бир шоигхга айланарди. «Киборлар нида оса биз



бунинг аксини кўрамиз,— дея ўйларди Фабрицио,— унда, ҳозир барча назокатли қилиб гапиришни бялади, бироқ одамларнинг дили бўм-бўш». Йигит бу содиқ хизматкорнинг сонетларидаги грамматик хатоларни тузатиб, уни бениҳоя хурсанд қилиши мумкинлигини тушунди.

— Дафтарчамни бмронта одамга кўрсатган кезларим нуқул менинг устимдан кулишарди,— деди Лодовико,— Лекин сиз, жаноби.олийлари, марҳаматингизни аямай, қийип сўзларяи менга ҳарфма-ҳарф айтиб туриб ездирсангиз, раразгўйларнииг ОҒЗЙТ га урган бўлардик: истеъдодни грамматика яратмайди-ку ахир.

Фақат учинчи купи тун пайтигииа Фабрицио Попте-Лаго-Оекуродан бир лье берироқдаги зирксорга эсон-омон етиб олди. Зртасига кун бўйи у канопзорда йгаириниб ўтирди, Лодовико эса елғиз ўзи Феррарага жўнади; Феррарада у камбагал яҳудийнинг уйидан бир хонани ижарага олди. Яҳудий агар тилини тййнб юр'са, бу ўринда яхшигина пул ишлаб олипга мумкинлигини дарҳол тушуниб қолганди. Кеч тушиб, қош қорайган пайтда Фабрицио аллақайси деҳқопдап омонатга олияган отда Феррарага кириб борди,— у пиеда юролмай қолганди: даредап сузиб келишаетган пайти унинг бошини офтоб урган бўлиб, Джилетти билан олишувнинг бошида қилич зарбидан жароҳатлашан еони ва елкасидаги яралари газак олгани боисидан иситмаси кўгарилиб кетганди.

## Ўн иккинчи боб

Уй эгаси бўлмиш яҳудий ишончли бир жарроҳни топиб келди, Жарроҳ ҳам бу ўрипда мўмайгина пул ишлаб олиш мумкиплигипи сезиб, Лодовикога *виждон амрига* биноан ўз укам дея атаетган бу йигитнинг жароҳатлари тўғрисида полицияга хабар к,илмоққа мажбур эканлигини айтди.

— Цонундап кўз юмиб бўлмайди,— дея қўшимча қилди жарроҳ.— Укангизшшг айтишича, у гўе* цўлида пичоц билан зинадан йиқилиб тушгаиида ўзиии шундай ногаҳон жароҳатлаган эмиш. Лекин одам ўзини бундай ярадор қилити сира ҳам мумкин эмас.

Лодовико виждони позик жарроҳга совуққина сҳангда, агар вйждои амрига қу-нюқ соладиган бўлсангиз, мен, яъни Лодовико Феррараки тарк этмокдан аввал сизга пичоқнинг тиғи қандай таъсир қнлиши мумкинлигини ўз қўлим билан кўрсатиб қўямаи, деб жавоб килди. Сўнгра у ана шу суҳбат тўғрисида Фабрициога айтган эди, йигит уни койиб берди. Энди фурсатпи бой бермап, бу ердан қочиш керак эди. Лодовико яхудийга, бемор учун тоза ҳавода нафас олиш фойдали бўлади, дея айтди-да, кўчага чиқиб, извога топиб келди ва дўстлар бу хонадонни бир умрга тарк этишди.

Паснортнинг йўқлиги туфайли қаҳрамонларимизпипг бупчалик тативйшга тушишлари ҳақидаги ҳикоямиз, эҳтимол, китоб-

хопга бир қадар чўзияиб кетгандек туюлар: Францияда, масалан, ҳозир одамлар бу тўғрида унчалик ташвиш чекиб ўтиришмайди, аммо Италияда, айниқса По даресинияг соҳилларида, паспорт масаласи турган-битгани ғирт даҳмаза. Феррарадан гўе сайр қилгани кетаетгандек, эсон-омон чиқиб олишгач, Лодовико извошга жавоб бериб юборди-да, ўзи бошқа дарвозадан шаҳарга қайтди ва куп ўтмай у ердан седиола еллаб қайтди. Бу енгилгина извош эгаси билан у ўн икки лье масофага олиб бориб қўйиш ҳақида байлашиб олгаиди. Болоньяга етигаларига озгина қолганида дўстлар извошчига боғ кўчадан юриб, Флорепциядан Болопьяга олиб борадиган йўлга чиқиб олишни буюришди. Тупни улар. ўзлари аранг излаб топишган энг ночор қовоқхоиада ўтказишди. Эрталаб эса Фабрицио ўзини бир оз пиеда юришга қодир ҳис этди. Шу боисдан ҳам улар Болоньяга гўе сайр қилиб қайтаетган одамлардек кириб боришди. Джилеттини паспортини улар еқиб юборишди: актернинг ўлими ҳақидаги хабар, турган гап, бу ерга ҳам етиб келгапди, шунинг учун ҳам ўлган одамниг паспортини кўрсатиб қамалгандан кўра, паспортсиз юргапи учун ҳибсга олиниши хавфсизроқ эди.

Болоньядаги бой хонадонларда ишловчи икки-уч хизматкорни таиийдиган Лодовико разведкага жўпади. У танишларига Флорепциядан келаетгани, йўлда у билан бирга келаетган укасн топг отмасдап олдин иссиқ тўшакдан туришга эрингани боисидан аллақайси қовоқхопада қолиб кетганипи ҳикоя қилиб берди. У укаси билан қуеш найзага келиб, кун исиган пайт ўзи дам олмоқчи бўлган бир қишлокда учрашамиз, дея келишиб олибди. Лекин укасидан ҳадеганда дарак бўлавермабди. Шуидан сўнг Лодовико орқасига қайтибди-ю, укасини йўл устида чала ўлик ҳолда етганини кўрибди: аллақандай одамлар укаси билан жанжал чиқариб, уни тош билан уришибди, кейин пичоқлашибди ва бунипг устига бор буд-шудини шилиб кетишибди. Укаси чиройли йигит эмиш, отларни бошқаришни, уларга қарашни билармиш, кейин хат-саводи ҳам борми'ш: у биронта яхши хонадонга хизматга кириш орзусида юрганмиш. Лодовико, агар урни келиб қолса, яна укам йиқилиб тушгач, қароқчилар икковимизнинг кийим-бошимиз ва паспортларимиз солинган тўрвани олиб қочишибди, дея қўшимча ҳам қилмоқчи эди.

Фабрицио Болоньяга етиб боргач, қаттиқ чарчаганипи ҳис этди, бироқ„ енида паспорти бўлмагани туфайли меҳмонхонага боришга журъат этмай, улкап Сан-Петроне черковига кириб борди. У ер салқингина экан; орадан кўп ўтмай, у анча тетиклашиб қолди. «Ўзим ҳам яхшиликни билмайдиган шаккок одам эканман,— дея хаелидап ўтказди у,— черковда, худди қаҳвахонага кирган одамдек дам олиб ўтиришимни қаранг!» У дарҳол тиз чўкди-да, фалокат босиб Джилеттини ўлдириб қўйган дақиқадап бошлаб, уни ўз паноҳида сақлаб келаетган худога шукрона айта богалади. Казаль-Маджоредаги полиция маҳкамасида уни тайно қолигаганида ўзига қандай хавф қутқу солиши мумкинлш я» ни эсласа, ҳали-ҳаля юраги орқасига тортиб кетарди. «Ўша котиб нақадар шубҳа билан қаради-я, монга,— дея ўйларди Фабрицио,— у паспортимпи уч мароталаб ўкиб чиқди. Ҳайронман, нега у менинг бўйим сира ҳам беш футу ўн дюйм чиқмаслиги, ўзим ўттиз тўққиз ешдаги одамга мутлақо ўхшамаслигим ва юзимда чўтирдан асар ҳам йўқлигини сезмай қолди экан? Секга қай йўсинда шукрона айтсам экан, эй парвардигор! Ожиз банданг пойингга йиқилмоқни хаелига ҳам келтирмай юрибди-я! Такаббурликни қаранг,— ўзимча бандаи ожиз мени комига тортишга тайер тургав Шпильбергдан питрак ақлим туфайлигина халос бўлдим, деб ўйлаб юрибман!»

У Еиҳоятда кўнгли ийиб, худопигт чексиз марҳамати тўғрнсида бир соатдан мўлроқ вақт ўйлаб ўтирар экан, Лодовикопинг қандай қилиб енига келгани ва олдида тўхтагашши пай^амай қолди. Ниҳоят, Фабрицио кафтларини юзидан олиб, бошшш кўтарган эди, содиқ хизматкор унинг еноқларидан дув-дув еш оқаетганини курди.

— Бир соатдан кейип келннг,— деди унга анча қўрслик билан Фабрицио.

Унинг тақвосини ранжитмаслик учун Лодовико йигитшшг бундай қўпол муомаласшш кечириб қўя қолди.

Фабрицио ўзи еддан биладиган етти тавба-тазарру оятларипи бир неча бор такрорлади-да, ўз ҳаетидаги янги вазиятга алоқадордек кўринган баъзи сўзлар ҳақида узоқ ўйланиб қолди. У тангри олдида кўпгина гуноҳлари учуй тавба қилди, лекин бу ҳол гал а ги туюлар ди; у ўзининг архиепископ бўлиб о лиш ниятини сира ҳам гуноҳ ҳисобламасди. Ҳолбуки унинг бу пияти бош мииистр бўлмиш граф Москаиипг бу унвон ҳамда у таъминлаб берадиган серҳашам ҳает герцогипяпинг жияни учун жуда муносибдир, деган бнргина фикрига асосланганди. Тўрри, Фабрицио бу унвонга ўлиб-тирилиб интилмасди, лекин бари бир йигит бу тўғрида мипистрлик портфели еки генераллик мартабаси ҳақида ўйлагандек фикр юритарди. Герцогшшнинг- бу режаларииии амалга оширишда иштирок этмоқ аввало ўзшшнг виждонига доғ тушириши мумкинлиги эса унинг ҳатто хаелига ҳам келмасди. Бу ўривда милаплик иезуитларвинг панд-насиҳатлари туфайли унипг опгига сиигиб кетган тақводорликнинг ғаройиб бир хусуспяти ўз та-ьсирини кўрсатмокда зди. Бундай тақводорлик одамви *диний ацоидлс:рда кўрсатилмаган бирон нарса тўғрисида ўйлаш,* имкониятидап маҳрум этар ва айниқса ннсовштг ў.шга ўзи баҳо беришини гуноҳи азим ҳисоблар, зеро, бу прогесгаитлик сари қўйилган биринчи қадам дея ҳисобланарди. Цандай гуноҳлари борлигини билмоқчи бўлган одам бу тўғрида ўз руҳонийсидан сўраб кўриши еки *Кафорат маросимига ҳозирлик» дея аталмиш китобда босилган гуноҳлар рўйхатини k&y&aи кечириши лознм бўларди. Фабрицио лотин тилида тузилгап бу рўйхатпи еддан билар, зеро, уни Неаполь диний академиясида қайта-қайта ўқийвериб, хотирасига жо қилиб олганди. Энди у хае-

лан ўша рўйхатни такрорлар экан, «котиллик» бобига етгач, одам ўлдириб қўйгани учун афсус-надомат билан худога тавба қида бошлади. Тўғри, у бу ишни атайлаб эмас, ўз ҳаетининг муҳофазаси йўлида қилди. Бироқ *симония* (чсрков мартабаларини пулга сотиб олиш) гуноҳини изоҳловчи барча бўлак пунктларга у мутлақо эътибор бермай ўтиб кетди. Агар унга Парма архиепископининг бош викарийси мартабаси учун юз экю тўлашпи таклиф қилишганида, Фабрицио даҳшат билан бундай хаелни рад этган бўларди. Бироқ;, гарчи анчагина ақлли бўлиши, энг муҳими эса, мантиқан фикр юрита олишига қдрамай, граф Московнинг нуфузидан ўзииинг манфаати йўлида фойдаланиш ҳам симониянинг худди ўзгинаси эканлиги қаҳрамонимизниг бирон марта ҳам хаелига келмади. Мана сизга иезуитлар тарбиясининг маҳсули: улар ўз шогирдларини ойдек равшан нарсаларга ҳам эътибор бермасликка ўргатишади. Тамагирлик ва парижликларга хос киноя муҳитида ўсгаи француз сира лоф қилмай Фабрициони риеко-р дея аташи мумкин эди, ҳолбуки қаҳрамонимиз шу дақиқада кўнгли ийиб, ниҳоятда самимият билан худо олдида тавба қилиб турарди.

Фабрицио фақат ўзини кафорат келтиришга тайбр дея ҳис этганидан кейингина черковдан чиқиб кетди. У эртагаец биропта , руҳоиий олдига бориб, кафорат келтиришга аҳд қилганди.

Лодовико Сан-Петроне черковининг пештоқи олдидаги майдоп ўртасида қад кўтариб тургаи айвон зипасида уни кутиб ўтирарди. Худди чақмоқ чакиб, емғир ёққанидан сунг ҳаво тозалангаии каби Фабриционинг ҳам қалбини қувонч қоплаб, дилида каидайдир хотиржамлик пайдо бўлганди.

— Ҳозир аҳволим анча яхши, жароҳатларимни деярли сезмаяпман,— деди у Лодовиконинг енига келиб.— Лекин, аввало, боя черковда нимадир демоқчи бўлганингизда қўрс жавоб қилгаиим учун сиздан кечирим сўрамоқчиман. Ўшанда ўз виждоним билан суҳбатлашаетгап эдим. Хўш, ишларимиз қалай кетяпти?

— Жуда соз кетяпти ишларимиз. Мен бир квартирани ижарага олдим, тўғри, уни жаноби олийлари учун жуда ҳам муносиб деб бўлмайди — бир ошнамнинг хотинига царашлй уй, лекин бекаси тушмагур, қўҳликкина ва бунинг устига, шу ерлик полициянинг бош айғоқчиларидап бири билан яқинлиги бор экан. Эртага, паспортимизпи ўғирлаб кетишди, дея арз килиб бораман, арзномамни хайрихоҳлик билан цабул қиладиган бўлишди; фацат полицияиинг Казаль-Маджорега юборадиган сўроқ мактуби учун почта хара?катларини тўлаш лозим бўлади. Полиция уша сўроқ мактубида Казаль-Маджоре маҳкамасидан у ериинг жамоасида Пармадаги герцогиня Сапсеверина хонадонида Фабрицио исмли укаси хизмат цилувчи аллақапдай Лодовико Сан-Микели деган одам яшайдими, йўқми, дея суриштириб кўрар экан. Ҳаммаси жойида энди. 81ато а са\ю11о («жонимиз омон колди» маъносини англатувчи итальяп мак.оли).

Фабрицио дарҳол жиддий тортди; у Лодовикодан бир фурсат



кутиб туришни илтимос қилди-да, деярли югурганича черков томон йўл олди ва у ерга киргап заҳотй шартта тиз чўкиб, тавозе билан тош тахтани ўпди: «Ахир бу мўъжиза-ку, эй парвардигор!— дея шивирлади у кўзларида еш билан.— Бурч йўлида имон келтирганимни курган заҳотинг мени фалокатдан халос этдинг. Эй карами кенг худо, эҳтимол, бирор кун келиб мени олишув пайти ўлдиришар, бандаликни бажо келтирар чоғим ҳозир қалбим лиммо-лим бўлган шукронамни бир эсла!» Дили ниҳоятда к.увончга тўлгаи Фабрицио ўша етти тазарру оятларипи яна бир бор ўқиб чиқди. У черковни тарк этмоқдан.аввал Биби Марьямнинг сурати туширилган катта бут олдидаги баланд темир тагликка ўрнатилган темир учбурчак енида ўтирган кампирнинг олдига борди; учбурчакнипг зихларига бигизчалар ўрнатилган бўлиб, одатда зиератчилар уларга Биби Марьямнинг Чимабуэ* •мўйқаламига мансуб машҳур тасвирига топиниб, ёққан шамларини санчиб қўйигаарди. Фабрицио учбурчак енига келганида, унда фақат еттита шам ёқуғлиқ турарди,— қаҳрамонимиз бу ҳолни дилида қайд этиб, бўш пайтида бу тўғрида ўйлаб кўришга аҳд к.илди.

— Шамлар неча пул туради?— дея сўради у кампирдап.

— Донаси икки байокко.

Чиндан ҳам шамлар ингичкагина бўлиб, узунлиги пари борса бир қаричгина келарди.

— Бу учбурчакка яиа қанча шам к.ўйса бўлади?

— Олтмиш учта,— еттитаси еқуглиқ турибди-ку.

— «Аҳа!—дея ўзича хитоб қилди Фабрицио.—Олтмиш учу етти — ҳаммаси бўлиб, демак, етмишта,— буяй ҳам эслаб қолиш керак».,

У шамлар учун пул тўлади-да, биринчи етти шамни ўз цўли билан бигизларга санчиб ёқди, сўнгра тиз чўкиб, бут олдида сажда килди ва ўрнидан турар экан, кампирга қараб деди:

— Худо мени ўз паноҳига олгани учун шукропа тариқасида қўяяпман бу шамларни.

— Очимдан ўлай деяпмап,— деди Фабрицио Лодовикопинг олдига чиқиб.

— Майхонага сира ҳам киришимиз мумкин эмас. Яхгаиси, уйга бора қолайлик. Бека нонушта учун бирор егулик харид қилиб келар; турган гап, у йигирма су уриб қолади, аммо ўз ижарагирига сидқидилдан хизмат қила бошлайди.

— Демак, яна бир соат очлиқдан қийналиб юришим керакми?— деди Фабрицио ва болаларча бир беғамлик билан кулганича Сан-Петроне черкови енидаги қовок,хонага кирди.

У стол енига ўтирди-ю, нариги стол олдида аммасининг катта хизматкори Пепени кўриб, қаттиқ ҳайратга тушди. Бир вақтлар уни кутиб олгани Женевага худди ана шу одам борган эди. Фабрицио унга, индамай ўтиравер, дегандай ишора килди-да, апилтапил овқатланиб олгач, мамнуният билан жилмайиб ўрнидан турди. Пепе унинг ортидан ташқарига чиқди. Цаҳра-

мопимиз учинчи марта Сан-Петроне черковига кирди. Лодовико одоб сақлаб майдонда қолди ва аста у ёқдан-бу ёққа юрганича уларни кута бошлади.

— Эй, худойим-ей! Монсиньор, яраларипгиз қалай, тузалиб қолдими? Герцогиня жуда хавотир одяпти. Биринчи купи хошш, жияпимни ўлдиришиб, По дарёсидаги биронта оролга ташлаб кетишган бўлишса керак, деган хаелга ҳам бориб қолганди. Мен ҳозироқ унинг олдига биронта одам жўиатаман. Сизни олти куидан буен қидириб юрибман; Феррарада уч куп юрдим, барча меҳмонхоналарга кириб чиқдим.

— Менга паспорт олиб келдингизми?

— Бир эмас, учтасини олиб келдим, шаноби олийлари: биттасига бутун исм-шарифингиз билан барча унвонларипги;!, иккинчисига фақат исмингиз езилган, учинчиси эса, Жузеипо Босси исмли бир одамнинг номига битилган: ҳар бир паспортда иккита маршрут кўрсатилган ва сиз, жаноби олийлари, хоҳласангиз, Флоренциядан, хоҳласангиз Моденадан келдим, деб айтаверишипгиз мумкин. Фақат аввал шаҳар ташқарисига чиқиб, сайр қилиб келишингиз керак бўлади. Агар «Пилигрим» меҳмонхонасида тўхташни жазм этсангиз, графни хурсанд қилган бўлардиш"из, зеро, меҳмонхона эгаси унинг ошнаси эмиш.

Фабрицйо гўе тасодифаи ўнг томонга бурилди-да, боягина ўзи шам ёқиб кетган жойга борди; унинг нигоҳи чексиз миннатдорлик билап Чимабуэ Биби Марьямга қадалди. Сўнгра у тиз--чўкди ва Уеиега қараб деди:

— Худога шукрона келтирмоқчиман.

Пене ҳам унинг енига тиз чўкди.

Черковдан чиқишгач, Пепе Фабрицнонипг садақа сўрагаи биринчи тилапчига бутун бир олтин тайга берганини кўриб қолди. Тиланчи гну қадар бақириб-чақириб мипнатдорчилик билдира бошлади1Ш, одатда Сан-Петроне майдонида ғужғон ўйнайдигап турли-туман тиланчилар галаси бу олиҳиммат йигит томоп енирилпб келишди. Барча ўша наполеоидордан ўз улушпии олитпни истарди. Хотин-халаж тўс-тўполонда омади чопгап ўша тиланчи енига ўта олмагапи боисидан Фабрицйонинг олдига югуришди. Улар қий-чув кўтариб, қаҳрамонимиздан, ўша нанолеопдорни барча йўқсил бандалар бўлиб олишсин деган мақсадда берганингизни тасдиқланг, дея талаб қилишарди. Пепе олтин тутқичли ҳассасини еилкитганича улар жаноби олийларига хиралик қилмасликларипи буюрди.

— А-а! Жаноби олийлари!— дея япа қаттиқроқ уввос солишдн хотинлар.— Бизга ҳам беринг. Вечора хотинларга ҳам битта наполеондор садақа қилинг!

Фабрицйо қадамини тезлатди, теварак-атрофдаги барча кучалардан йиғилиб келган эркагу аел тиланчилар унинг ортидан ешфилишдн; шу топда улар худди ғалаен кўтаргап одамларга ўхгаагаарди. Ниҳоятда исқирт ва сурбет бу оломон нуқул «Жаноби олийлари! Жаноби олийлари!» дея бақипаплп.



Фабрицйо бир амаллаб оломон ичидан чиқиб олди: бу манзара унинг хаелотини осмону фалакдан ерга тушириб қўйди. «Бадтар бўл,— дерди у дилида ўзига ўзи,— авомнинг енига йўллашнинг иима хожати бор эди?»

Икки тиланчи аел уни Сарагосса дарвозасига қадар таъқиб қилиб боришди. Улар шу дарвоза орқали шаҳардан ташқарига чиқишди. Ниҳоят, ана у ерда Пепе тиланчи аелларга бир неча тайга ташлади-да, ҳассасини силкитиб ўдағайлагапича уларпи қувиб юборди. Фабрицйо хушманзара Сан-Микеле-ин-Боско тепалигига кўтарилди-да, шаҳар истеҳкомларининг ташқарисида жойлашгаи қасабаларни четлаб ўтиб, сўқмоқ йўлга тушиб олди. У сўқмокдан бет юз қадамча юргач, Флоренция йўлига чиқди. Сўнгра ана шу йўлдан шаҳарга қайтди ва полиция котибига киброна бир қиефада паспортини узатди. Бу паспортда Фабрицонинг барча аломатлари жуда аниқ кўрсатилган бўлиб, у илоҳиет факультетининг студенти Жузеппе Босси номига езилган эди. Фабрицйо паспортюшг ўнг бурчагида гўе тасодифан томган сиеҳга ўхшаш кичкинагина қизил доғни кўриб қолди. Икки соатдай сўнг бир айғоқчи унинг изидан тушди: Фабрицонипг ҳамроҳи Сан-Петроне майдонидаги тиланчилар тўдаси олдида уни *«жаноби олийлари»* дея атаганди, паспортда бўлса хизматкорларига уни «жаноби олийлари» деб аташга асос бўладиган биронта ҳам унвон кўрсатилмаганди.

Фабрицйо изидан айғоқчи юрганини пайқаб қолди, лекин бу ҳол унинг кулгусини қистатди холос,— у энди на полиция тўғрисида, на паспортлар ҳақида ўйлар ва бу машмашалариинг барини худди болаларга ўхшаб эрмак қилиб юрарди. Пепега унинг енида қолиш буюрилганди, бироқ у Фабрицонипг Лодовикодан хурсанд зканлигини кўриб, герцогипяга хушхабарни ўзи етказишга аҳд қилди. Фабрицйо икки азиз дўстига узундан-узоқ иккита хат езди, сўнгра бирдан муҳтарам архиепископ Ландарианига ҳам нома езмоғим керак, дея ўйлаб қолди. Джилетти билан олишуви аниқ ва батафсил баен қилинган бу мактуб қарияга ниҳоятда кучли таъсир кўрсатди. Меҳрибон архиепископ кўнгли ийиб, мактубни шаҳзодага ўқиб бермоқ учун дарҳол саройга равона бўлди. Шаҳзода лутфан мактубни охиригача эшитмоқни лозим курди: у ўша навқирон «монсиньор» мудҳиш қотиллик килиб қўйиб, анди ўзиии оқламоқчи бўлаетгапини билмоқчи эди. Зеро, маркиза Раверсининг беҳисоб дўстлари бутун пармаликлар фи шаҳзодага ҳам, Фабрицйо ўзи билан кўҳликкипа Мариеттани талашишга журъат этган арзимас бир актерни ўлдирмоқ учун ўттиз чоғлик деҳқонларни ердамга чақирибди, деган фнкрни уқтириб қўйишган эди. Мустабидлар саройида ҳар қандай устомон фитначи бир зумда ҳақиқатнинг оеғини осмоидан килиб кулити мумкин. Парижда эса одатда бу юмушни мода бажаради.

Ьу қанақаси бўлди?— деди шаҳзода архиепископга.— Бунақа^ ишларни бировларнинг қўли билан қилиш мумкин, лекин ўз қули билан одам ўлдириш ахлоқсизлик ахир. Кейин Джилеттц-

га ўхшаш масхарабозларни ўлдиришмайдя — уларни сотиб олишади.

Фабряцио Пармада бўлаетган ишлардан мутлақо бехабар эди. У ерда эса аслида масала тириклигида ойига бор-йўғи ўттиз икки франк пул ишлайдиган чакана бир актернинг ўлими ниҳоятда ўнг йўналишдаги ҳукумат ва унинг бош министри — граф Москапинг истеъфога чиқишига сабаб бўладими-йўқми зайлида қўйилган эди.

Джилеттипинг ўлимидан хабар топгач, герцогинянинг ўзини ниҳоятда мустақил тутиши нафсониятига теккаи шаҳзода бош чақимчи Рассига тафтпшпи бир вақтлар либералларга қарши қандай ўтказилган бўлса, худди шу йўсинда олиб боришни буюрди. Фабрицио, ислзода одам қоиундан юқорирок туради, дея ҳисобларди, бироқ у рлийнасаб одамлар ҳеч қачон қонун жазосига ҳукм қилинмайдиган мамлакатларда фитна ҳатто шундай одамларга қарши ҳам жуда қудратли экапини билмасди. Фабрицио ўқтин-ўқтип Лодовикога, мутлақо бегуноҳ экаплигим тез кунда расман тасдиқланади, дея такрорларди ва уиинг бундай ишончи ўзининг чиндан ҳам бегуноҳ эканлигига асослангап эди. Бир куни Лодовико унга эътироз билдиршнга журъат этди:

— Жаноби олийлари, сизнй тушунолмай қолдим! Шундай ақллп, шундай аллома одам була туриб... нега бу гапларни менга айтяпсиз? Ахир мен содиқ қулингизман. Бекорга менинг олдимда бундай эҳтиеткорлик киляпсиз, жаноби олийлари. Бунақа гапларни барчанипг олдида еки судда айтиш керак.

«Бу одам мени қотил деб ҳисоблайди ва шунга қарамай мени яхгаи кўради»,— дея хаелидан ўтказди бундай кашфиетдан лол қолган Фабрицио.

Непе жўпаб кетганидан сўнг, орадаи уч кун ўтгач, у худди Людовик XVI пайтидагидск устига ипак тизимча боғлаб, муҳр боснлган катта бир пакет олиб, қаттиқ ҳайратга тушди. Ушбу нома *Парма епархиясининг бош викарийси, каноник, хазрат монсиньор Фабрицио делъ Донго* ва ҳ. к. номига йўлланган эди. «Наҳот бу унвоиларииng бари ҳамон менга тааллуқли бўлса?»— дея ўйлади йигит илжайиб.

Архиепископ Лапдрианининг иомасини мантиқ ва типик, фикр юритиш намунаси деса бўларди. Мактуб камида катта форматдаги ўн тўққиз саҳифадан иборат бўлиб, унда Джилеттипинг ўлими туфаили Пармада содир бўлган барча воқеалар жуда аниқ баен қилиб берилганди.

«Магарам маршал Ней қўмондонлигидаги француз армияси шаҳарга яқинлашиб келгани тақдирда ҳам одамларга бу қадар қаттиқ таъсир қилмаган бўларди,— дея езгаиди Фабрициога меҳрибоп архиепископ. — Герцогиня билан мени истисно қилганда, қадрли бўтагинам, барча одамлар сиз ўша масхарабоз Джилеттини атайлаб ўлдиргапсиз, деб ҳисоблашяити. Гарчи шундай фалокат содир бўлган тақдирда ҳам бундай машмашаларни икки юз луидор па олти ойлик саеҳат ердамида осонгина босди-босди 1\илиб юбориш



мумкин эди; бироқ Раверси шу магамагаадан фойдаланиб, граф Москани қулатмоқчи. Жамоа сизни мудҳиш қотиллик гуноҳи учун қоралаетгани йўқ, фақат *ущувсизлик цилганингиз* боисидан еки, тўғрироғи, биронта ви1ога (елланма қотилга) мурожаат этмай, густоҳликка йўл қўйганингиз туфаили айбситяпти. Мен сизга атрофимдаги одамлардап эшитган гапларнинг моҳиятипи баен қилиб бермоқдаман. Эсласам, тинимсиз надомат чекаетгап ушбу фалокатдан сўнг мен ҳар куни шаҳримизнинг энг эътиборли хонадошгаридан учтасига канда килмай бориб турибман. Зеро, мақсадим: урни келиб қолса, сизни ҳимоя этмоқ имкониятига эга бўлмоқдур. Эҳтимол, ҳали ҳеч қачон таигри менга ато этган калом айтиш иқтидоримни тну қадар ўрпида ишлатмагандирман».

Ана шундан сўнг Фабрициоиинг кўзи очилди; герцогиня дил изҳорларига тўла бир талай хатларида бўлаетган воқеаларни унга баен қилиб беришни лозим топмаганди. Хоним нуқул агар у тез кунда Пармага ғолиб сифатида қайтмаса, ўзи ҳам у ерни бир умрга тарк этажаги ҳақида онт ичарди. «Граф сен учун инсои зотининг қўлидап келадиган ҳамма ишни қилади,— дея езганди у архиепископнинг номасига илова қилинган хатида.— Узим ҳақимда сўзлайдиган бўлсам, Сенинг ажойиб саргузаштларинг туфаили менинг характерим ўзгариб кетди: энди мен банкир Томбопе каби хасис бўлиб қолдим; барча ишчиларнинг жавобини бериб юбордим ва бундан ташқари графга бор мол-мулкимни хатдан ўтказдирдим. Маълум бўлишича, бойлигим ўзим ўйлаганимдан камроқ экан. Ажойиб инсон бўлмиш граф Пьетранерапинг ўлимидан сўнг, дарвоқе, сен Джилетти каби арзимас бир одам билан олишиб ўтиргандан кўра, раҳматли графнинг қотилларидан қасос олганингда яхшироқ бўларди,— менинг ихтиеримда бир минг икки юз франкли рента билан беш минг франкли қарз қолтаиди; айтмоқчи, яиа менинг Париждан келтирилган ўттиз жуфт оқ атлас туфлиларим ва кўчага кийиш учун бор-йўғи бир жуфт богамоғим бор эди. Биласанми, герцог менга васият қилиб қолдирган ўша уч юз минг франкни деярли олишга қарор қилдим, едингда бўлса, аввал мен бу пулни унга ажойиб сағана қурдириш учун сарфламоқчи эдим. Дарвоқе, сенинг энг катта душманинг, тўғрироги менинг душманим,— маркиза Раверси бўлади. Агар Болоньяда зерикаетган бўлсанг, бир оғиз айтсанг кифоя,— сени кургани борамап. Сенга яна тўртта вексель юборяпман» ва ҳ. к., ва ҳ. к.

Герцогиня Фабрициога Пармада унинг иши хусусида қандай фикр туғилгани ҳақида бир оғиз ҳам сўз езмаганди: аввало у жиянига таскин беришни истарди, бундан ташқари эса, у .Джилетти каби арзимас бир кимсанинг ўлими унча аҳамиятга молик эмас ва дель Донголар авлодига мансуб бир одам учун бу иш гуноҳ ҳисобланмайди, дея ўйларди. «Бизнинг аяододларимиз қанчадаиқанча Джилеттиларпи нарига дунега равона қилишган,— дерди у графга,— ва ҳеч ким бу ишлари учун уларни айблаб ўтирмаган».

Шундай қилиб, Фабрицио воқеаларнинг асл моҳиятини биринI оор тасаввур қилгач, иихоятда ҳайратга тушди; у архиепископ-

нинг помасини синчиклаб ўқий бошлади; бахтга қарши архиепископнинг ўзи ҳам Фабрицио анча нарсалардан хабардор бўлса керак, дсб ўйлар эди. Аслида эса упдай эмасди. Фабрицпо маркиза Раверсииинг таитанаси аввалабмор ўша машъум олишувни ўз кўзи билап курган гувоҳларнинг йўқлигига асослаиганипи тушупди. Пармага бу ҳақида бирипчи бўлиб хабар етказгап камердинер олишув содир бўлган пайтда Сангииья қишлағиецшғ майхонасида ўтирган экан; Мариетта билап унинг онахопи бедарак йўқолишибди, ўшанда уларни олиб борган кучерпи эса маркнза огзини мойлаб қўйибди ва у энди Фабрициопи ғирт қотилга чиқариб ғувоҳлик бераетганмиш.

«Тафтиш ишлари жуда сир сақланаетган бўлишига қарамай,— дея езарди меҳрибон архиепископ ўзиниинг Цицерон*га хос баланд парвоз услубида,— ҳамда унга бош чақимчи Расси раҳнамолик қилаетган бўлса-да, мен ўша кучернинг езма равишда берган учта гувоҳлигини ўқиб чиқишга муваффақ бўлдим. Дарғазаб бўлган шаҳзоданинг топшириғига биноан тафтиш ишларига раҳбарлик қилаетган ўша маккор ва сотқин Расси тўғрисида эса фақат мўмин христианларга хос юмшоқ кўнгиллигимгина бундан ҳам ғмонроқ гапиришимга йўл қўймайди, лекин ушбу нусха айблал>вчиларни худди қуенни қувган ит каби шафқатсиз таъқиб этипш билан ном чиқаргапдур. Ўша палид кучернинг гувоҳликларшга ўқигач, унинг ўзига ўзи зид гапларни айтганини кўриб Снчшҳоя қувоттдим. Ҳамопки мен ушбу помани ўзимпинг бош викарийим, келажакда епархияга мениииг ўрнимда раҳбарлик қилувчи ўриибосаримга йўлламоқда эканман, унга ўша осий банда истиқомат қулувчи қавм.пинц руҳонийсини ҳузуримга чақиртирганимни ҳам маълум қилиб қўймоқчиман. Сизга кафорат еирини сақлага шарти билан шуии айтиб қўяйки, қадрли бўтагинам, ўша руҳонийга номи юқорида зикр қилинган кучернинг хотини орқали маркиза Раверси унга неча экю ииъом этгани ҳам маълум бўлибдур; маркиза кучер дай сизга тухмат қилмоқни талаб қилибди, дея таъкидлашга журъат этмайман, лекин шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Пул кучерга маркизашшг ҳузурида бағоят номупосиб хизматни утовчи бир руҳоний орқали берилган эканким, мен ўша ноқобил ҳамкасбимизга иккинчи бор қавми ила тоат-ибодат ўқимоқпи тақиқлашга мажбур бўлдим. Ўзим кўришни лозим топган бошқа тадбирлар ҳақида ҳикоя қилиб сизни толиқтирмоқчи эмасман, зеро, сиз мендан шундай ҳимоятни кутмоққа ҳақлидурсиз, бинобарин, бу менинг бурчим ҳамдир. Собор капитули*даги ҳамкасабангиз бўлмиш бир каноник ички ишлар мипистрн граф Дзурланинг уйида «ушбу арзимас иш юзасидан (у бадбахт Джилеттининг ўлдирилишини назарда тутмоқда эди) сизий нг гуноҳингизни исботланган» дея ҳисоблашини айтмоққа журъат этди. Урни келганда шуни ҳам айтиб ўтмоғим керакки, ушбу зот нуқул фалакниие гардиши билан елғиз ўзи эга бўлиб қолган отамерос ер-мулклар ўзинииг нуфузини бағоят юқори кўтариб туриши ҳақида сафсата сотишни яхши кўрадилар. Мен ўша каноникни ҳузуримга чақиртирдим-да, учта катта викарийларим, ғазначим ҳамда цабулимни кутиб ўтир1ан икки руҳоний ояднда упдап ўз биродарлари бўлмиш бизларга, ҳамкасбларимдан бирипинг жиноятига тўла ишонамаи, дея айтган гани қандай далилу исботларга асосланган ҳақида изоҳ беришни талаб қилдим.

Ярамас қандайдир пойма-пой гапларни гапиришдан нарига ўтолмади; ҳамма упга қарши ғалаен кўтарди ва, гарчи мен борйўғи бир неча оғиз сўз айтиш билан чекланиб қўя қолган бўлсамда, у йиғлаб гоборди ва ўзинииг адашганига чин кўигилдаи иқрор бўлди; шундан сўнг мен ўзим номимдан ҳамда ўша суҳбат чоги ҳозир бўлган бошқа одамлар номидан бу гапларнинг барини сир сақламоқпи ваъда қилдиму, лекин унга сўнгги икки ҳафта давомида айтган гапларингиз туфайли туғшшши мумкин бўлган сохта тасаввурни бартараф қилмоқ учуй қўлингиздан келган ҳамма ишни қиласиз, дея шарт қўйдим.

Сизга, чамаси, аллақачон маълум бўлган гапларни такрорлаб ўтирмайман, қадрли бўтагинам. Қисқа қилиб айтганда, сиз ерга тугагап овчилар пичоғини олиб, ўзингизга бехосдан ҳужум килган ўша одампинг ҳамласидаи ҳаетингизни ҳнмоя қилмоқ учун ишлатгапингизда граф Москанинг қазув ишларида иштирок этаетган ва Раверсинииг таъкидлашича, гўе сиз жиноий ишингизда кўмакчи қилиб еллаган ўша ўттиз гурт деҳқондан ўттиз иккитаси зовур ичида бўлиб, ўз иши билан машғул экан. Зовур тенасида турган икки ер қазувчи бошқаларга қараб: *«Монсиньорни ўлдиришяпти!»*— дея қичқиришибди. Фақат ана шу икки сўзнинг ўзиеқ сизиинг мутлақо бегуноҳ эканлигингизни бутунлай исботлаб беряпти! Энди бу еғини эшитинг! Бош Зақимчи Рассинииг айтншича, ўша икки ер қазувчи қочиб кетишгапмиш! Бундан ташқарв зовурииптг ичида бўлган ўттиз икки деҳқондан саккиз кишини топиб келишибди; бирипчи сўроқда улардан еттитаси: *«Монсиньорни ўлдиришяпти!»*— дея қичқиришганиии аниқ эшитдик, деб гувоҳлик беришибди. Кеча ўтказилган бешинчи сўроқ найти эса ўша одамлардан бештаси, бу гапни ўзимиз эшитдик, еки буни бизга ўртоқларимиздан биронтаси гапириб бердими, аниқ эслолмаймиз, дея гапларини ўзгартиришибди. Буии мен орқаваротдан суригатириб билиб олдим. Ҳозир одамларимга ўша ер қазувчиларнинг қаерда туришини аииқламоқни бугор дим. Токи қавм руҳонийлари уларга, агар бир неча экю деб ҳақиқатга хиенат қилсапгиз, охиратингизни куйдиргайсиз, дея гап укдиришга ҳаракат қилгайлар».

Номасидан келтирилгап парчалардан кўриниб турибдики, меҳрибон архиепископ тафсилотларга жуда кўп урин бериб юборибди. Мактубининг охирида у лотин тилига ўтиб, шундай гапларни илова қилибди:

«Ьу саъй-ҳаракатларнинг бари министрликиии ўзгартиришга уринипшииг худди ўзгинасидир. Агар сизни жавобгарликка тортадиган бўлишса, е ўлим жазоси еки каторгага ҳукм қилишади.

У ҳолда бу ишга мен аралашаман ва архиепископлик кафедрасидан туриб сизнинг мутлақо богуноҳ эканлигингиз, зеро, сиз фақат қароқчининг тажовузидан ўз ҳаетингизни ҳимоя қилганингиз ҳақида баенот бераман ва ииҳоят, ҳозирга душманларингиз тантана қилар экан, Пармага қайтмоғингизни ман этганимни эълон қиламан. Мен ҳатто жамоа олдида бош чақимчига лаънат ўқишга ҳам қарор қилиб қўйдим. У гаунга муносибдур, зеро, қанчалар кўп одам ундаи пафратланса, шупчалар кам одам уни ҳурмат қилади. Ва, ниҳоят, чақимчи ўзинииг адолатсиз ҳукмиви чиқаришидан бир куп олдии герцогиня Сансеверина шаҳарни, эҳтимол, умуман Парма давлатини та-рк этади; у ҳолда граф, сўзсиз истеъфо беради. Ана шупда, эҳтимолдан ҳоли эмаским, министрликни гeпeрал Фабио Конти эгаллайди ва маркиза Раверси тантана қилади. Бу ишимизнинг энг емон томони шуидаким, сизнинг бегуноҳлигингизни исботлаш ҳамда гувоҳларнипг оғзиии мойлаб, сотиб олинишига монелик қилиш, бу соҳада керакли тадбирларни кўришга қодир бўлган биронта корафта одамга топширилмаганидир. Граф бу вазифани ўзим бажараяпман деб ўйлаяпти, бироқ у шу қадар катта акобирки, барча икир-чикирларга эътибор бера олмайди: боз устига, полиция мипистри сифатида у бошида сизга қарши қатъий чоралар куриш ҳақида буйруқ бермоққа мажбур бўлган. Ниҳоят, сизга қандай қилиб айтсам экан? Бизнинг *%умоюн ощазратимиз* сизнинг айбдор эканлигингизга тўла ишоняпти, еки ҳар қалай *атайлаб шундай ишонч намойиш этяпти* ва бу ишга қандайдир дарғазаблик киритяпти.

(Ҳумоюн онҳазратимиз ва атайлаб шундай ишопч намойиш этяпти сўзлари грек тилида езилганди, бироқ Фабрицио архиепископнинг шу сўзларии езмоққа журъат этганидан пиҳоятда таъсирланиб кетди. У қаламтарош билан ўша сатрни мактубдан қирқиб олди-да, уни дарҳол еқнб юборди).

Фабрицио шу қадар ҳаяжоплапиб кетгапдики, хатни ўқишдан йигирма мартача тўхташга мажбур бўлди. У қалбида миннатдорлик туйғуси жўш уриб, архиепископга дарҳол саккиз саҳифадан иборат жавоб мактуби езди. Кўз ешлари қоғозга томмаслиги учун унинг ўқтин-ўқтин бошини кўтаришига тўғри келмоқда эди. Эртаси купи йигит хатпи конвертга солмоқчи бўлиб турганда унинг ўта дуневий бесар тилда езилганини пайқаб қолди. «Уни лотии тилига таржима қилиб езиш керак,— дея қарор қилди йигит,— шунда муҳтарам архиепископга назокатлироқ кўринади». Бироқ Фабрицио Цицероннинг услубига ажойиб тарзда тақлид қилиб езилган жпмжимадор ва узун жумлаларни ҳафсала билан таҳрир қилар экан, бир куни архиепископ Наполеон тўғрисида гапира туриб, нуқул уни Буонапарте* дея атаганипи эслаб қолди. Ана шунда қалбидаги кечагина кўзларидан дув-дув еш оқизган мутаассир ҳаяжон бир зумда ғойиб бўлди қўйди. «Эҳ, Италия қироли!—дея хитоб қилди у.— Тириклигингда сенга содиқлик тўғрисида озкунча одам онт ичмади, мен ўлимингдан кейин ҳам сенга содиқ юрибман. Архиепископ мени яхши кўради, албатта, лекип мени



у дель Донго эканим, узи эса майда бир буржуапинг ўғли бўлгапи учун яхши кўради». Итальян тилида таъсирли қилиб езилган шундай мактуб бекор кетмасин учун Фабрицио унга баъзи зарур ўзгартишлар киритди-да, хатни граф Москага жўпатиб юборди.

Худди ўша куни Фабрицио кўчада навқирон Мариеттана кўриб қолди; қиз қувопганидаи лoладек қизариб кетди ва ортимдан юринг, дегандек ишора қилди. Кўп ўтмай, у кимсасиз бир портик'ка кирди: у ерда қиз маҳаллий аеллар одатда бошига епиб шрадиган қора тур пардани юзига тушириб олди: Мариеттани ҳеч ким тапий олмасди; сўнгра у шартта орқасига ўгирилди

— Бу қанақаси бўлди?— деди қиз Фабрициога.— Сиз кўчада бемалол юрибсизми?

Фабрицио Мариоттага бошидан ўтганларни ҳикоя қилиб берди.

— Е қудратингдан! Сиз Феррарада бўлдингизми? Ахир мен у ррда сизни қидирмаган жойим қолмади! Биласизми, мен онахоним билан уришиб қолдим; у мени Веиецияга олиб кетмоқчи бўлди, лекин мен сизнинг у ерга ҳеч қачон бормаслигйнгизни тушупардим, чунки сиз австрияликларнинг қора рўйхатига тушгансиз. Мен тилла маржонимпи сотдим-да, Болоньяга келдим, бу ерда мени бахт кутаетгани, сизни учратажагимни кўнглим сезиб турган эди. Кампир икки кундаи кейин ортимдан етиб келди. Шу боисдан сизий меҳмонхонамизга чақирмайман: ярамас кампир япа^сиздан пул сўраб, хиралик қилади, унинг бу қилиги учун шундай уяламапки... Ўша даҳшатли кундан буеп (қайси кунни назарда тутаетганимни биласиз) биз дурустгииа яшадик, лекин бари бир сиз берган пулларнинг чорагини ҳам сарфлаб улгурмадик. Сиз яшаетгап «Пилигрим» меҳмонхоиасига боришни истамасдим,— мен ўзимни *кўз-кўз цилишга* қўрқаман. Тинчроқ кўчадап ижарага биронта хона топинг. Мен Ауе Мапа соатида (ғира-шира пайтда) ана шу портик тагида кутиб тураман.

Циз шу сўзларни айтдию қочиб кетди.

## Ўн учинчи боб

Ана шу дилбар нозанин бехосдан пайдо бўлди-ю, барча жиддий фикрлар бир зумда уиутилди қўйди. Фабрицио Болопьяда дилида осуда бир қувонч билан, роҳат-фароғатда яшай бошлади. Ҳаетиии тўлдириб турган нарсадан шодон қониқиш туйғуси соддалиги туфайли герцогиняга йўллаган мактубларида ҳам сезилиб турардики, хоним бундан бирмунча ранжиди ҳам. Фабрицио бунга аранг эътибор берди; у фақат ўз соатининг циферблатига қисқартма сўзлар билан шундай деб езиб қўйди: «Д. га йўллаган мактубларимда, *мен прелат бўлган кезларим, мен рууоний бўлган пайтларимда,* каби сўзлар езмаслигим керак,— *бундан унинг эюаули чщяпти»*. У ўзига жуда еқиб қолган иккита от сотиб олди; Мариетта Болоньяпинг атрофларидаги ажойиб манзаралардан бириии томоша қилмоқ учун у билап шаҳар ташқарисига

'.Катта бииога туташиб солинган колоннали пешайвон *(тарж.).*

сайр қилиш иетагипи билдирганида бу отларни ижарага ошнгаЗ извошга қўшишарди; деярли ҳар оқшом Фабрицио ўз маҳбубасини Рено шаршараси енига олиб борарди. Шаҳарга кайтишаетганида улар ҳар гал маълум даражада ўзини Мариеттанинг отаси деб ҳисоблайдиган меҳмоидўст Крешентииипинг майхонасида тўхташарди.

«Агар қаҳвахоналар шинавандасинипг хаети шунаца бўладиган бўлса, бундай ҳает бамаъиии одам учун сира ярашмайди, дея уни чиндан ҳам бекорга рад этган экаиман»,— дерди ўзига ўзи Фабрицио. У ўзининг қаҳвахопага фақат «Копститюсьонель»ни ўқиш учунгина кириши, Болоньядаги киборлар жамиятида уни ҳеч ким танимаслиги ва шу боисдап ҳам шухратпарастликни ўзи-[1] нилг хузур-ҳаловатига ҳеч в-андай алоқаси йўқлиги ҳақида унутиб қўймокда эди. Йигит Мариетта билан бўлмаган кезлари, сиз уни астрономия курсини тинглаетган обсерваторияда кўришингиз мумшга бўларди; профессор уни жуда яхши кўрарди. Фабрицио якшаиба кунлари профессор рафиқаси билан Монтаньоладаги Корсо кўчасида ўзини кўз-кўз қилсии учун унга ўз отларини бериб тургувчи эди.

У ҳеч кимнинг, ҳатто энг арзимас одамнинг ҳам дилини ранжитгиси келмасди. Мариетта унинг кампир билан учрашишини сира ҳам истамасди; аммо бир куни, қиз черковга чиқиб кетганида, Фабрицио таттааанинг олдига келди; йигит хонага кириб келганини кўриб, кампир ғазабишшг зўридан бўғриқиб кетди, «Мана энди ўзимшшг ҳакиқий дель Донго экаплигимпи кўрсатадиган пайт келди»,— дея қарор қилди Фабрицио.

— Ангажементи бор пайтида Мариетта ойига қанча пул ишлади?— сўради у виқор билан худди ўз қадрини биладиган парижлик йигит Буфф театрининг балконига кириб келган пайтидагидек қилиб.

— Эллик экю.

— Сиз ҳар допмдагидек елғоп гапиряпсиз. Ростини айтинг, бўлмаса худо ҳақи, мендан бир сантим ҳам ололмайсиз.

— Хўп, яхши... Пармада, фалокат босиб, сиз билан танишиб қолгунимизга к,адар трупиамизда у йигирма икки экю оларди; кейип мен ҳам ўн икки экю ишлардим; тўғри, биз икковимиз ишлаган пулимизнинг учдан бир қисмини ҳимоячи ва ҳомийимиз -бўлмиш Джилеттига берардик, лекии деярли ҳар ойда Джилетти Мариеттага биронта нарса совға қиларди. Чамаси, бу совға камида икки экю турарди.

— Яна елғон! Масалан, сиз фақат тўрт экю олардингиз. Аммо агар сиз Мариеттани хафа қилмай, унга яхши муносабатда бўлсангиз, сизга ангажемент таклиф киламан, мени импрессарио деб ўйлайверинг; ҳар ойда мен шахсан сизга ўн экю ва Мариетта учун йигирма икки экю тўлаймап; лекин мабодо Мариеттанинг йиғ^ лагапини курсам,— мен ўзимни синган деб эълон қиламан.

— Вой киздақа калондимоғдан ўлгурдим! Сизпинг бундай ҳотамтойлигингиз туфайли биз хонавайрон бўламиз-ку ахир,— дея



жавоб килди кампир илопдек заҳрппи сочиб.— Биз бутуп *аУ\'\amen\onu* (таниш-билишларни) йўцотиб қўямиз. Вир куп эмас, бир куп фалокат босиб, жанобн олийларининг ҳомишгаклаӣидап маҳрум бўлиб кшгганимизда, бизни биронта ҳам труппа тапимай куяди, ҳяммаси тўлган бўлади ва биз апгажементсиз қоламиз. Спзпи деб очдан ўламнз-ку бунакада.

— Э-э, жин урсин сени!— деди Фабрицио ва тапщарига чпкди.

— Йўқ, пега жин ураркан мени, лаънати имонсиз, жин сизни уради. 1\араб туринг ҳали, полицияга бориб, сизнинг дипдав к.айтгап епископ эканлигипгизни ва Жузеппе Босси исми шарифига ҳеч қапдай алоцапгиз йўқлигипи айтиб бермасам юргаи экаиман.

Зппаиоядап бир печа погопа пастга тушган Фабрицио орк.асига к.айтди.

~ Биринчидан, полиция мепинг ҳакгщий исмимни сендан ҳам яхширок. билади. Лекин барибир мени бориб чак.санг, агар шундай ифлослик қилсапг,— деди у анча жпддий оҳапгда,— сен билан Лодовико гаплагаиб қўяди. У сенинг ўи-ўн беш жойипгдан дарча очиб қўядики, ярим пил умрингни касалхонада ўтказасан, бунинг устига, япа тамакисиз ўтирасан.

Кампирпинг ранги оқариб кетди ва у Фабрицио томоп ташланиб, унинг қўлипи ўпмоқчи бўлди.

— Розиман! Марпетта икковимизга ғамхўрлик қилмоқчи бўлгапипгиз учун катта раҳмат сизга. Жуда юмшоққўнгпл кўрингапипгиз учун меи сизни овсарроқ деб ўйлабмап. Биласизми, бошқалар ҳам шундай япглишишлари мумкип. Менииг сизга маслаҳатим, ўзингизпи сипорок, тутинг.

Сўнгра у аломат бир сурбетлик билап қўпгамча килди:

— Шу тўғрида бир ўйлаб кўринг ва яхши маслаҳатим учуа бизга бирар яхши совға пшлинг: кит қиличини ялангочлаб келяпти, мен билан Мариеттага ажойиб иглиз мовутидап тикилган биттадаи яхши салоп[1] олиб берсангиз емоп бўлмасди. Шундай салоп Сан-Петропе майдонидаги семиз савдогарнйнг дўконида сотиляпти.

Дилрабо Мариеттапипг муҳаббати Фабрициога пазокатли дўстликнипг барча кувончларини ҳадя этмокда эди ва баъзан Фабрицио беихтиер, шундай бахтни герцогинянинг оғушида ҳам топпшим мумкин эди, дея ўйлаб қоларди.

«Лекии жуда қизиқ. бўлиб чикяпти,— дерди у ўзига ўзи баъзап,— мен муҳаббат дея аталмиш ўша эҳтиросли, бутун вужудпп қамраб оладиган ҳаяжонни мутлақо ҳис этолмаяпман! Тақдирнинг тақозоси билан Новара ва Неаполда учрагап аелларнинг биронтаси ҳам ҳатто сисол чоғларининг илк дамларида ҳам мета зотлп, аммо хали нотаниш отни миниб сайр килган пайтимдан кўпрок, хузур багпшладимикин? Наҳот одамлар севги дея атай-

[1] Аелларпинг XIX аср охирларида, XX аср бошларида расм бўлгая кепг пальтоси. *(Тарж.)*

диган ўша нарса яна елғон бўлиб чикса? Мен севаман, албатта, лекин бу ҳол кечқуруп соат олтида иштаҳам қапдай очилса, худди шундай бир гап бўлиб қоляпти! Наҳотки е*лғончилар апа шупдай жўнгина ҳирсдан Отеллонинг муҳаббати, Танкред*пинг севгисини яратишгап бўлса? Еки менипг тупрогим ўзга одамларникига Караганда бошқачарок жойдан олинганми? Наҳот менинг қалбим шундай эҳтиросдан маҳрум бўлса? Хўш, нега? Езмишим шуми энди!»

Неаполдаг айниқса, сўнгги пайтларда Фабрицио ўз ҳусии жамоли, насл-насаби, аслзода мухлисларининг сажда қилиши билан мағрур аелларни кўп учратганди. Фабрициони деб ўз мухлисларидаи юз ўгирган ўша аеллар унга елғиз ўзлари ҳукмронлик қилишни исташарди. Фабрицио уларниig бундай ниятларини сезди дегунча, сира гапни чўзиб ўтирмай, дарҳол орани очиқ қилиб кўя қоларди.

«Бирок,— дея ўйларди у,— бир кун эмас, бир куп мен васвасага учиб, герцогиня Сапсеверина дея аталмиш ўша дилрабо аелнинг яқинлиги каби қайноқ лаззатни тотиб кўргудек бўлсам, ўзи учун олтин тухум қилиб бераетган товуқни сўйган аллақайси калтабин француздан сира фарқим қолмайди. Назокатли туйғулар бахш этиши мумкин бўлгаи ягона бахтга мен герцогиня туфайли эришдим: унинг дўстлиги ҳаетимнинг маъносиии ташкил этади. Усиз ким эдим ўзи? Новара яқинидаги вайрона қасрда бемаъии ҳает кечиришга маҳкум этилган бечора бир қувғин эдим холос. Едимда, кузги емғир иайтлари кечқуруп уйқуга етиш олдидан устимга чакка ўтишидаи чўчиб, бошим узра каравотга очиқ соябон ўриатиб қўйишга тўғри келарди. Бошқарувчининг отларини миииб юрардим, у меиинг насл-иасабимни ҳурмат қилгапи учупгииа бунга тоқат қиларди-ю, бирок меҳмондорчилиги чўзилиб кетди, деган хаелга бо риб колганди: отам менга бир минг икки юз франк

• мояна тайин этганди в а якобинчини едириб-ичираетгани учун ўзини жуда гуноҳ иш қиляпман дея ҳисобларди. Маъшуқаларимга арзир-арзимас совға қилиш имкониятига эга бўлмоғим учун боякиш онам билап сингилларим янги кўйлак харид дилолмай юри-. гаарди. ЯГу йўсинда сахийлик қилишдан юрак-бағрим ўртанарди. Кейин одамлар ҳам менинг цатшок. эканлигимни пайцаб колишганди:'теварак-атрофдаги дворян йигитларниииг менга раҳмлари кела бошлагапди. Бир кун эмас, бир куй биронта олифта муваффақиятсизликка учраган еш якобинчига меисимай муомала килиши мумкин эди,— ахир барча бу жанобларнинг кўзида мен худди шундай якобинчи эдим-да. Мен бироптага к.илич санчган еки ўзим унинг қиличндан жароҳатланган бўлардим ва бунинг оқибатида Фенестрелло* калъасига туткуи қилинардим еки ўша-,ўша бир минг икки юз фрапклик пеисгюн билан яна Швейцарияга ~ кочишимга тўғри келарди. Ана шу барча фалокатлардан фориғ бўлиш бахтига мен герцогиня туфайли эришдим, бунинг устига у мени шу қадар яхши курадики, аслида хоним эмас, мен унн шундай яхши кўришим керак эди.

Мени тунд ва хафагазак бир аҳмоққа айлаптириб дўйиши мумкин бўлган бемаъни ва аянчли ҳает чаигалидан қутулиб чиқдим; мана, тўрт йилдирки, катта шаҳарда истикомат дилянман; менинг ажойиб извошим бор, одатда вилоятда илдиз отадиган тубан ҳис-туйғулар ва ҳасад нималигини мутлақо билмайман, Аммагинам ҳатто керагидан ҳам ортикроқ меҳрибонлик қилади,— у мени, нега банкиримдан кам пул оляпсаи, деб койиб ҳам қўяди. Оаҳотки мен ана шу ажойиб мавцеимдан бир умрга маҳрум бўлишни истасам. Наҳотки еруғ дунедаги ягона дўстимдан айрилиб қолишни хоҳласам? Нимаям дердим, бунинг учун, эҳтимол, бутун дунеда бекиес бўлган ўша дилрабо аелга *елғон гапириш* кифоя, ўзимнинг энг қадрдон дўстим бўлмиш ўша аелга, гарчи муҳаббат нималигипи билмасам-да, *«Сени севаман»,*— десам бас. Ана шундап кейин у севги эҳтирослари цалбимга бегона эканлигини жиноят ҳисоблаб, кун бўйи менга таъна қилиб юради. Мариетта эса, аксинча, қалбимда нималар бўлаетганини ҳис эта олмайди, у менинг эркалашларимни юрагидан чицаетган жўшқинлик дея тушунади ва йигит мени ниҳоятда севади, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам ўзини энг бахтиер аеллардан деб ҳисоблайди. Аслида эса одамлар, чамаси, муҳаббат дея атайдиган ўша позик ҳаяжонни мен фақат Бельгия чегараси яқинидаги Зопдерс қовокхонасида, навқирон Аникен яқинидагина хиел ҳис этгандим».

Энди биз мипг афсус-надоматлар билан Фабрициопинг энг бўлмағур нншларидан бири ҳақида ҳикоя қилиб бермоғимиз керак бўлади; ана шундай осойишта ҳает ичра манфур шуҳратпарастлик бирдан унинг муҳаббат туйғусидан мутлақо холи юрагига ниш урди-ю, қаҳрамонимиз анчагина бўлмагур ишлар қилиб қўйди. У билап бир пайтда Болоньяда сўзсиз аеримизнинг энг яхши хонандаси ва эҳтимол, замонамизиинг энг қайсар аелларидап бири бўлмиш машҳур Фауста Р*** ҳам истиқомат қиларди. Венециялик ажойиб шоир Бурати ўша кезлари бу аел тўғрисида князлардаи тортиб кўчадаги дастер болаларга қадар ҳамманинг оғзида достон бўлган бир машҳур ҳажвий сонет езганди.

«Бир куннинг ўзида истак билдирмоқ Еа рад этмоқ, севмоқ ва нафратланмок, фақат хиенатдангина бахтини топмок, гарчи киборлар я?амияти унинг ўзига сажда қилса-да, жамият сажда қиладигап маъбудани назар-писанд қилмаслик,— бу нуқсоиларнинг барини Фаустадан топурсан. Қарама бу сув илонга! Уии курсант, унутарсан борлиғинг буткул. Бахтинг чопиб, куйлашини эшитсанг агар, ўзингни ҳам унутасан, қарабсаик^ кўз очиб юмгунга қадар, муҳаббат сени бир вақтлар Цирцея Улисс* ҳамроҳларини қандай аҳволга солган бўлса шу кўйга солади қўяди».

Ушбу гузаллик мўъжгзаси ўша кезлари еш граф М*** нинг энли чакка соқоллари ва ўта такаббурлигига шу қадар шайдо бўлиб қолгандики, ҳатто унинг бениҳоя рашкчи эканлигига ҳам тоқат қилиб юрарди. Фабрицио графни Болонья кўчаларида кўрганди ва унинг хеч кимни менсимай, томошабинларга, менинг ҳуснимни кўриб қойил қолинглар, дегапдек от ўйиатиб юришидан

гагҳоятда энсася қотганди. Еш граф анча бадавлат эди па пимаики кўпглимга келса, шупи қилаверишим мумкии, деб ҳисобларди. Бироқ ўзипиигушбу рrероlеп2е'си атрофдагиларпипг адоватитш қўзғотгаии боисидап, доим у кўчага Брешня атрофларидаги амлокларидап чақнртириб олгап ва эгнига ливрея кийдирпб қўйгап беш-ўита ЬиП лар (каллакесарлар) қуршовида чиқардн. Бир купи Фабрицпо Фаустанипг куйлашини эшитмод учув конпертга борганида уиинг пигоҳи бар печа бор графнинг ўкрайган кўзларига дуч келнб қолди. Фабрициопи машҳур хонапдапипг еқимли овозидаги фариштаппарпикидек латофат лол қолдирди — бупдай овозпп у илгари ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди; ўша кезлари бир маромда ўтаетган хиел зерикарли ҳаети тарҳида хопанда упга бир неча дақиқа юксак бахт ҳадя этгандек бўлди.

" «Наҳот севиб қолгаи бўлсам?» дея дилидан ўтказди Фабрпцио. Синчковлиги туфайли шу туйғуни татиб кўрмоқ ва бунинг устига, ҳар қандай тамбур-мажордан ҳам баджаҳлроқ кўрииадигаи туркн билан ҳамманинг кўнглига ваҳима солиб юрадигап графпинг лшғига тегмоқ ниятида қаҳрамонимиз болаларга хос шўхлик билап граф М*** Фауста учун ижарага олган Тапари саройи олдида тез-тез сайр қила бошлади.

Фабрицио бир куни кечқурун Фаустанинг эътиборини жалб этишга ҳаракат қилиб, Танари саройи епидан ўтар экаи, у графпинг дарвоза олдида тўплапиб турган ЬиПларинипг овозларипи атайип баралла қўйиб қаҳқаҳа отишгапини эшитиб қолди. У ғизиллаб уйига борди-да, яхшилаб қуроллапиб олди ва япа бир бор сарой епидан ўтди. Деразаииинг панжарадор қопқаси ортига яширинганича уни кўзатиб турган Фауста йигитшшг жасоратига тая берди. Фаустапи дупедаги жамики эркаклардап қизғанадпган граф М*** ҳаммадап кўпроқ упи жаноб Жузеппе Боссидан рашк қила бошлади ва ғазаби қайпаб, ҳар хил аҳмоқона пўписалар егдирипгга тутипди. Шуидан сўнг қаҳрамонимиз ҳар куни эрталаб упга қуйидаги мазмунда икки энли-икки эили хат юбор'а бошлади:

«Турли хира оашшаларни қириб ташлайдиган жаноб Жузеппе Боссп «Пилигрим» меҳмонхопасида истиқомат қилади, виа Ларга, № 79».

Ўзининг беҳисоб давлати, насл-пасаби ва ўттизта хизматкорипипг ҳеч нарсадап тап тортмаслиги туфайли иззат-ҳурматда юршпга одатланиб қолган граф М*** бу хатларнинг маъносини тушупишни ўзига лозим кўрмади.

Фаустага эса Фабрицио мутлако бошқача маъподаги мактублар йўлларди. Граф М***, эҳтимол, маҳбубаси ўз илтифотидая дариғ тутмагаи рақиби атрофига айгоқчилар к5'йиб ташладп; авваламбор у йи.гитнинг асл исмини, кейипроқ эса маълум сабабларга кўра Фабрициокинг Пармада кўриниши мумкип эмаслигини билиб олди. Орадан бнр печа куп ўтгач, граф М***, упипг ЬиНларп, ажойиб тулпорлари ҳамда Фауста Пармага равопа бўлишди,

Ўиинга берилиб кетган Фабрицио эртасигаеқ улариииг ортидап йўлга тушди. Меҳрибон Лодовико упи бу ииятидан қайтар-[1] моқчи бўлиб бекорга овора бўлди: Фабрицио чақирилмаган иасиҳатгўйини койиб берди, шундан сўнг ўзи ҳам анча мард йигит бўлмиш Лодовико уни қайтанга кўпроқ ҳурмат цила бошлади; бупипг устига, ушбу саеҳат унга Казель-Мадяедрсда яшайдиган ўша нозапип ўйнаши билан висол кўришиш имкониятини берарди. Лодовиконинг саъй-ҳаракати билан Наполеон полклариииипг ўнтача собиқ солдати жаноб Жузеппе Боссига хизматкор сифатида елланишди. Фабрицио Фаустанинг ортидан жўнаймаи, дея телбаларча қарор қилар экан, ўзича шундай ўйларди: «Фақат полиция министри, граф Моска ва герцогиня билан учрашмасам бўлгани,— шунда елғиз ўзимнигина хатарга қўямап. Кейинчалик эса Жипага, ўзим ҳали ҳеч қачои татиб кўрмагап ажойиб туйғу, муҳаббатпи излаб бордим у ерга, деб айтаман. Ахир чиндан ҳам доим, ҳатто уни кўрмаган пайтларимда ҳам Фауста тўгрисида ўйлаб юрибмап... Хўш, нимани севаман ўзи? Унинг ўзиними еки товуши ҳақпдаги хотиранимими? >>

Черков мартабалари ҳақидаги барча орзу-умидларипи бир четга йиғиштириб қўйган Фабрицио мўйлов ва деярли граф М***никидан қолишмайдиган қилиб чакка соқол ўстирди. Бу ҳол унинг ташқи қисфасини бирмунча ўзгартириб юборди. Қароргоҳни у ўта эҳтиетсизлик қилмаслик учун Пармада эмас, шаҳарга яқин бир я?ойда — аммасишшг чорбоғи жойлашган Сакка томоп олиб борувчи йўл устидаги ўрмоп ичига яширингап қишлоққа қурди. Лодовиконинг маслаҳатига кўра, у қишлоқдагиларга ўзини овга муккасидан кетган, шу мақсадда йилига юз миит франк пул сарфлайдиган қизиқ табиатли одам бўлмиш баданлат ва аслзода бир инглизнинг камердииериман, дея таништнрди. Унинг айтишича, хўжайини ҳозир Комо кўлида хоибалиқ тутиб юргаимиш ьа тез кунда бу ерга етиб келармиш. Фабрициoнинг бахтига, граф М*** Фауста учун ижарага олган чиройлигина уй шаҳарииframework жанубий чеккасида, худди ўша Саккага олиб борадигаи йўл устида жойлашганди ва Фаустанипг деразалари қалъашгаг баланд минораси епидан ўтгап ва дарахтлари калин ўсган ажойиб хиебонга қараганди. Бу хилват қасабада Фабрициопи ҳеч ким танимасди; у граф М***нинг ортидан айғоқчилар қўйди ва бир куни рақиби офатижон хонанданинг олдидан чиқиб кетганида куппакупдуз куни сира тап тортмап, Фаустанинг кўчасида пайдо бўлди,— тўғри, у учқур тулпор миниб, яхшилаб қуроллапиб олганди. Шу заҳоти Фаустанинг деразаси остига қўлларида контрабаслари билан сайер машшоқлар етиб келишди, Италияда эса буядай машшоқлар орасида ҳақиқий артистлар учраб турадп; улар аввал сарахбор ижро этишди-да, сўнгра гўзал нозаншшинг шарафига анча ўрнига қўйиб кантата куйлашди. Дераза олдида Фауста пайдо бўлди ва у куча ўртасида от ўйнатиб турган сулукатли йигитга дархол эътибор берди албатта: йигит аввал соҳибя?амол

[1] Сурбетлиги *(ўтал.)*.

хоиапдага бога эгиб, таъзим қилди, кейин эса маъподор қилиб кўз тикди. Фабриционинг ўта инглиз тахлит кийиниб олганига қарамай, нозанин дарҳол ўзипинг Болоньядан жўнаб кетишипинг сабабчиси бўлмиш ўша жўшқин мактублар муаллифипи таппб қолди. «Жуда аломат йигит экан-ку!— дея хаелидан ўтказди у.— Унга ошиқ бўлиб қолдим шекилли. Менинг юз луидор пулим бор, ўша ярамас граф М*** билан' орапи очиқ қилиб кўя қолсам бўлмайдими? Хўш, унинг нимаси яхши ўзи? Турқи совуқ хизматкорларини айтмасангиз, унда па фаҳм-фаросат, на бирон ажпб томони бор».

Эртаси куни Фабрицио Фаустапинг ҳар куни эрталаб соат ўн бирда шаҳар марказига — ўзининг бобокалогш Аскапьо дель Допгопинг сағанаси жойлашган худди ўша Сап-Жовашш черковига ибодат кил гани боришини билиб олди-ю, у ерда пай до бўлишга журъат этди. Тўғри, Лодовико унга қаердандир худди инглизларшшг сочига ўхшаш ажойиб малларапг парик топиб келганди. Фабрицио бу ясама сочининг олов рангипи қалбида гуриллаб епаетган аланга тимсол эканини тасвирлаб сонет езди. Аллакимпинг саховатли қўли упииг фортепьяиоси устига қўйиб қўйган Су сонет Фаустага жуда сқди. Бу типч қамал бир ҳафтача давом этди-ю, бироқ Фабрицио шунча саъй-ҳаракатига қарамай, бирор жиддийроқ натижага эришолмади: Фауста уни қабул қилишдан бош торгмоқда эди. Фабриционинг қилмаган тептаклиги қолмади. Фауста кейинчалик қаҳрамонимизга ундан чўчигаилигипи айтди. Фабрициони Пармада муҳаббат дея аталмиш ўша туйғуии татиб куриш умидигииа ушлаб турарди, бироқ кўпинча у зерикиб юрарди.

— Тақсир, кета қолайлик энди,— дерди пукул унга Лодовико.— Худо ҳақи, сиз сира ҳам ошиқ эмассйз, ўта совуққонлик ва ақл-идрок билан иш қиляпсиз ахир!.. Бунинг устига ҳеч нимага эришганингиз ҳам йўқ. Номусшшг зўридан ҳам қочиш керак бу ердан!

Жаҳл устида Фабрицио Пармадан жўнаб қолмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин кутилмагапда Фаустаниг герцогиня Сапсеве-рипаникида куйлашини эшитиб қолди. «Валким, бу ажиб овоз қалбимда ўт еқар»,— дея ўйлади у ва қиефасини ўзгартириб, қўрқмасдан, ҳамма уни жуда яхши танийдиган ўша саройга кириб борди. Концерт охирлай деб колган пайт катта меҳмонхонанинг эшигида хўжайинини кузатиб келган хизматкорларга ўхшаб кийиниб олган бир одам пайдо бўлганида герцогиняпинг нақадар ҳаяжон-) а тушганипи тасаввур килаверинг. Хоним дарҳол графни қидириб топди. Ана шундан кейингина бош министр унга Фабрициопинг телбаларча килмиши тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Граф йигитнинг бу тентаклигига анчайин хайрихоҳ бир муиосабатда вди. У Фабрициопинг герцогиняпи эмас, балки бошқа бир аелни севиб қолганидан жуда хурсанд эди; бироқ сиесатдан бўлак барча масалаларда у ҳалол одам бўлиб, доим герцогиняпинг бахъа — менинг бахтим деган қоидага амал қиларди.



— Меп Фабрициони бу тентаклиғидап қутқарамап,— деди у ўз маъгпуқасига.— Агар уни сизнинг уйингизда қамоққа одишса, ғанимларимизвинг нақадар тантапа қилигаларИни бир тасаввур этвпг-а. Шу боисдан ҳам бу ерга юздадан кўпроқ одачшаримии бошлаб келганман, кейин сивдан сув минорасининг калитини хам бекорга сўраб олганим йўқ. Фабрицио ўзича Фаустага ошиқу беқарор бўлиб қолдим, деб ўйлаб юрибди, лекип шу пайтга қадар уни граф М***дан ўзига оғдириб ололмаянти. Граф эеа бу таптиқ нозаниннв шоҳона бир зеб-зийнатга кўмиб ташлаган.

Герцогиня чурқ этмай, қулоқ солиб ўтирди-ю, бироқ дилидаги ранж-алампи яшира олмади. Демак, Фабрицио ҳақиқий севгига қодир бўлмаган шупчаки енгилтак йигит экан-да.

— У биз билап учрашинп-ш истамабди-да! Бу қилиғини энди хеч қачоп кечирмайман!— деди у ггаҳояг.— Меп бўлсам, унга ҳар куни Болопьяга хат езиб юрибман!

— Аксинча, унинг сир сақлаши сабабини яхши тушуниб турибман,— дея эътироз билдирди граф.— Фабрицио бу қилиғи туфайли бизпинг обрўйимизга путур етказишни истамаган. Барча бу саргузаштлар ҳақида кейинчалик унинг ҳикояларини эшитиб, кулиб юрамиз ҳали.

Тентак Фауста дилидаги гайни ягаиришпи билмасди. Барча арияларини нигоҳи билан хизматкорлар кийимини кийган баланд бўйли йигитга бахтида этгап ўша концертпинг эртаси куни у граф М***га потаниш мухлиси тўғрисида гапириб берди.

— Сиз уни қаерларда учратяпсиз?-— дарғазаб охапгда сўради граф.

— Кўчаларда, черковда,— дея жавоб қилди саросимага тушиб Фауста.

У гау заҳоти ножўя гап айтганини тушунди-ю, хагосиии тузатмоқ бки лоақал Фабрициони шубҳадан холи қилмоқ ниятида қандайдир кўк кўз ва малласоч йигит тўғрисида гап сота бошлади. Унинг айтишича, ўша йигит шубҳасиз инглиз бўлиб, анча бадавлат ва жуда ҳам эпсиз экан. Эҳтимол, у бироита гпаҳзода бўлиб чиқиши ҳам мумкин эмиш. «Шаҳзода» сўзини эшитган заҳоти зеҳни пастроқ бўлгаи графнипг хаелига, рақибим Парманинг валиаҳд шаҳзодасининг худди ўзгинаси бўлиб чиқиши мумкин, деган фикр келиб қолдики, бу ҳол унинг иззат-нафсига жуда' хуга еқарди. Доим шаҳзоданинг сайр қилишига ижозат бермоқдап олдин бутуп бир мажлис қуриб, маслаҳатлашнб оладиган беш-олти гувернер, гувернер ердамчилари, мураббийлар ва ўзга соқчилар иазоратида юрадиган бу маъюс йигитча еиига яқинлашмоққа рухсат беришгаи ҳар қандай кўҳлироқ аелга ғалати бир суқлик билан қарарди. Герцогинянинг саройидаги концертда унвопига мувофиқ барчадан олдинда, офатижои Фаустадаи уч қадам нарида ўтирар экан, шаҳзода унга худди ана шундай Караганди ва бупдан граф М*** нинг қаттиқ жони чиққалди. Бу шухратпараст тентакнинг валиаҳд шаҳзода менга рақиб бўлиб қолибди, дегап аҳмоқона хаели Фаустаниг қаттиқ кулгисини қўзғатди. Шундан

сўпг жувон жазм<анинипг тахмишши бажонидил тасдиқлаб, ўзини гўлликка содганича унт» бар талай уйдирма тафсилотларии қалаштнриб ташлади.

— Демак, ўша йиг-ит. Фарнезелар наслига мапсуб экан-да? — дея сўради у. — Сизнинг пасл-насабянгиз ҳам шунақа кўхнами?

—- Нималар деяпсиз?! Шунақа кўхпами!.. Бизнинг авлодда никоҳсиз туғилгап болалар бўлган эмас[1].

Фалакнинг гар диши билан граф М*** бирон марта ҳам сохта рақибини яқинрокдан кўрмаган эди, шу боисдан упинг хаелида мениг;г мухолифим шаҳзода, деган еқимли фикр қаттиқ ўрпашиб қолди. Чиидан ҳам нозаиинпинг кўнглини овлаш сиесати Фабрициошгиг Пармага келишини тақозо этмаган найтларда у кўпроқ вақтиии По соҳилидаги Саккага яқин ўрмонларда ўтказарди. Фаусташшг муҳаббати учуй валиахд шаҳзоданинг ўзи билан му* боҳаса киляпмап деган хаелга борганидап буеп граф М*** нипг димоги янада кўтарилиб кетди, лекин шу билан бирга у анча эхтиеткор бўлиб қолди; у Фауста дан ўзини вазмин тутишни қаттиқ ту риб плтимос қилди. Ҳар қандай қалби эхтиросга тўла кунчи ошиқ каби граф ўз махбубаси олдида тиз чўкди ва очиқдан-очиқ қилиб, агар Фаусгса ўзини ўша навқирон мухлиси — шаҳзоданинг хирсига курбон қилса, менинг шаънимга доғ тушади, дея айтди.

— Бу иима деганингиз? Нега энди «қурбон» бўлар эканмап? Агар уни ўзим севиб қолсам-чи? Ҳали биронта ҳам шаҳзода билан ошиқ-маъшуқлик қилгап эмасман.

— Агар упинг хиралиги олдида таслим бўлсангиз,— дея эътироз билдирди граф гакаббурлик билан,— мен, эҳтимол, шаҳзодадан қасос олишга ожизлик қиларман, лекин сиздан албатта ўчимни оламан.

У гаундай дея эшикии қарсиллатиб епди-да, кўчага чиқиб кетди. Агар ҳозир Фабрицио шу ерда бўлганида у сўзсиз зафар қучган бўларди.

— Агар ҳаетдан умидингиз бўлса,— деди граф М*** кечкурун спектаклдан сўнг Фаустани уйига кузатиб келар экан,— эхтиет бўлинг, мен бир кун эмас, бир кун шаҳзода сизнинг ҳузурингизга кирганини эшитиб қолмай. Мен у жип ургурга қарши ҳеч нима кила олмайман! Аммо сизнинг бошингизга ит купини солишим мумкинлигини эслатмаганингиз маъқул!

«Ах, жонтинам Фабрицио!— хаелап хитоб қилди Фауста.— Сени қаердон тчшиппии мумкинлигини билсам эди!..»

Гўдаклигиданоқ хушомадгўйлар қуршовида ўсган ещ бадавлат йигитнинг азият чеккан иззат-нафси уни ҳар кўйга солиши мумкпп. Граф М*** нинг Фаустага нисбатан самимий ишқ-эхти-

[1] Фарпезслар наслидан бўлмиш биринчи герцог, ўз фазилатлари билан допг таратган Пъетро-Дунджи, маълумки, авлие папа Павел III цинг гайридопуиия ўгли бўлган. *(Муаллифпинг изо%и).*



роси борган сайип тийиқсиз тус олиб борарди: уни ҳатто ҳозир ўзи истиқомат қилаетган мамлакат ҳукмдориинг елғиз ўгли би-

I курашиш хавфи ҳам тўхтата олмади. Бироқ шаҳзодапи бир куриш еки лоақал ўз айғоқчилари орқали ўша йигитнинт шаҳзода ; -анлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилишга унинг фаҳм-фаросати етмади. Граф рақибига ҳужум қилмоққа журъат этмади-ю, аммо уни калака қилмокчи бўлди. «Бу қилиғим учуй мепи Пармадап бир умрга қувғин қилишади,— дерди у ўзига ўзи.— Майлч! Мепга бари бир!» Агар граф М*** рақибиниг аҳволи ҳақида азмойиш олиб кўрганида, у бояқиш шаҳзоданинг саройдан фақат одоб қоидаларининг хафагазак қули бўлмиш уч-тўртта чолиинг қуршовидагина чиқишини, бечоранипг ижозат этилган елғиз эрмаги — мииералогия билан шуғулланиш эканлигидан хабар топган бўларди. Фаустаниг доим Парма киборларп ғужғон ўйнайдиган мўъжазгина сароГшни ту ну куп аигоқчилар кузатиб туришарди. Граф М*** га ҳар еоатда нозаиннинг нима иш қилаетгани, акт муҳими эса, унинг атрофида нималар бўлаетгани тўғрисида ахборот бериб туришарди. Бу эхтиет чораларини қўллашда рашк ўтида қовурилаетган графиинг чаидастлигини тан олмогимиз керак: бошида қайсар Фауста ўзининг қаттиқ назорат остига олинганини мутлақо сезмади ҳам.

Айғоқчиларнинг ахборотидан граф М*** Фаусташшг деразаси остида ўқтин-ўқтип бошига малларанг парик кийган ва ҳар гал ҳар хил либос кийиб келадиган аллақандай бир йигит пайдо бўлиб туришини биларди. «Сўзсиз, бу шаҳзода,— дея ўйларди М***,— акс ҳолда, нега буиақа турли-туман кийипиб келади? Лекин, жин урсии, келиб-келиб мепдек одам енгилиб ўтираманми унга. Агар Венеция республикаси ҳуқуқимшг поймол этмаганида, мен ҳам ҳозир валиахд шаҳзода бўлардим.»

Авлие Стефан байрами купи айгоқчиларнипг ахборотлари анча ташвишли тус олди: Фауста нотаниш йигитга анчайии илтифот намойиш эта бошлаганди. «Мен ҳозирнинг ўзидаеқ бу аел билан жўнаб кетишим мумкин!— ўйларди М***.— Лекин, худо ҳақи, бу қанақаси бўлди!.. Болоньядан мен дель Донго ту файли қочиб кетгандим, бу ердан эса шаҳзодани деб қочаманми?.. У ҳолда ўша йигитча нима дейди? У хали мени қўрқди деб ўйлаши ҳам мумкин!.. Э-э, йўқ, хомтама бўласан! Мен ҳам аелзодалик бобида упдан қолишмайман!...»

М*** ғазабининг зўридан ўзини қаерга қўйишни билмаеди-ю, бкроқ дард устига чипқон деганларидек, масхарабоз Фаустага кулги бўлишдан қўрққани учун рашк ўтида қовурилаетганини яширишга мажбур эди. Шундай қилиб, авлие Стефан байрами куни нозанин Фаустаниг ҳузурида бир еоатча вақтипи ўтказгач, хоннм Сан-Джованни черковидаги тушки ибодатга боришиучун отлана бошлаганини кўриб, граф еоат ўн бирларда у билан хайрлашди. Фаустаниг очиқ юз билан қабул қилишини бугун У ўтакетган риекорлик дея ҳисоблаганди. Граф М*** уйига қайтди-да, одатда диний академия студентлари кийиб юрадиган эс-

кигина қора кийимни кийиб олди ва тўғри ўша черковга қараб югурди. У ўзига черковнинг ўнг қанотидаги учинчи бутхонани безаб тургап сағаналардап бирииипг ортидан жой таплади; ўз сағанаси устида тиз чўккан тош кардинал қўли тагидаи бутун черковпи бемалол кузатиши мумкип эди. Бутхонага еруғлик ўтказмай турган бу ҳайкал уии яхши пана қилиб турарди. Тез орада у черковга Фаустанипг кириб келганини курди. Жувон унинг кўзига ҳали хеч қачоп бу қадар офатижон бўлиб кўриимаганди; ниҳоятда шукуҳ билан кийинган хопимпи киборлар жамиятига мапсуб йигирма чоғли мухлислари қуршаб олишгапди. Нозанип-пинг кўзлари қувоич билан порлаб, ғупча лабида табассум жилваланиб турарди. «Шубҳасиз, бу ерда у маҳбуби билан учрашиш ниятида,— дея ўйларди рашк ўтида қовурилиб бечора граф,— мепи деб у, эҳтимол, севгилисини анчадан бери кўрмагандир». Вирдан Фаустанинг нигоҳи бахтиер порлаб кетди. «Мепинг рақибим шу ерда,— дея хаелидап ўтказди М*** ва унинг азияг чеккап иззат-нафси ғазабиии янада жунбушга келтирди.— Қиефасини ўзгартирган шаҳзоданипг қаршисида ўзим ҳам жуда аянчли кўринсам керак!» Лекин у теварак-атрофга қанчалар аланглаб қарамасин, рақиби ҳеч қаерда кўриимасди.

Фауста эса ўқтин-ўқтин бутун черковга кўз югуртирар экан, муҳаббат 15а бахт туйғусига тўла нигоҳини М*** яшириниб тургап ўша қоронғи бурчакка қадарди. Эҳтиросга тўла қалбда муҳаббат енгилгина имо-ишорани ҳам бўрттириб кўрсатади ва уни ушбу ишоралардан жуда бемаъни хулосалар чиқаришга мойил қилиб қўяди; бояқиш М*** охири, Фауста мени кўриб қолди ва яширинишга қанча уринмай, рашк ўтида епаетганимпи сезиб, позик қарашлари билан энди менга тасалли бермоқчи ва шу билап бирга гина ҳам қилмоқчи, дея ўзини ишонтириб қўйди.

*М**** ортнга ўтиб яшириниб турган кардиналнинг сағанаси Сан-Джовани черковининг мармар полядап тўрт-беш фут юқорироқда жойлашган эди. Ибодат соат бирга яқип тугаб, диндорлар тарқаб кетщнди, бирок. Фауста кибор олифталарнинг жавобиии бериб юборда ва ўзи гўе* яна бир оз ибодат қилмоқчи бўлгапдск, черковда қолди; у ўз курсиси епида тиз чўкди-да, кўзларида назокат ва ишқ ўти жилваланиб М*** томон тикилди; черковда одам анча камайиб қолганди, шуиинг учун ҳам Фауста энди лоақал одоб юзасидан ҳам бутун черковга кўз югуртириб ўтирмай, ишқ тўла нигоҳини кардиналнинг ҳайкали томон қадаб турарди. «Қандай мислсиз пазокат!»— дея ўйларди граф, у мепга тикиляпти, деган хаелга бориб. Пиҳоят, Фауста ўрнидан турди-да, иккала қўли билан қандайдир ғалати ншора қилди ва илдам одимлаганича ташқарига чиқиб кетди.

Муҳаббатдан сархуш бўлгаи ва дилидаги телбаларча рашкдан деярли қутулган М*** кузатув маконини тарк этди. У дарҳол маҳбубасипинг саройига етиб бормоқчи ва унга ўз мипнатдорчилигини изҳор этмоқчи эди. Бироқ кардиналнинг сағанасини айлапиб ўтди-ю, туйқус қора кийим кийган аллақандай бир йигитни



кўриб қолди. Ўша баттол шундоққина эпитафия[1] олдида тиз чўкиб турар, шу боисдан ҳам кунчи граф боя қанча алангламасии, уни кўра олмаганди.

Йигит ўрнидан турди-да, тез-тез юриб эшик томон йўл олди. Ташқарига чиқиши билан йигитни кўрининга ғалати етти-саккизта давангилар қуршаб олигади. М*** упинг ортидан югурган эди, эшик олдида рақибини қўриқлаб турган ўша давангилар гўе бехосдан қилгандек, унинг йўлини тўсиб қўйишди. Граф ниҳоят ўша давангилар ортидан кўчага чиққанида ҳашамсизгипа бўлса-да, лекин бир жуфт ажойиб отлар қўшилган каретапипг эшиги шарақлаб епилгапини курди холос. Тулнорлар елиб кетишди-ю, карета бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

М*** ғазабининг зўридан жони ҳалқумига келиб, уйга қайтди; кўп ўтмай унинг айғоқчилари етиб келишди-да, совуққонлик билан бугуи ўша сирли хуштор руҳонийлар жуббаситш кийиб, Сан-Джоваипи черковининг қоронги бутхоиасига кираверишдаги сағана олдида тиз чўкиб, тақво аамойиш этганини хабар қилишди. Фауста черков деярли бўшаб қолгуиича ўша ерда бўлибди; кета туриб эса ўша нотаниш йигитга қараб қандайдир пмо-ишора қилибди: у иккала қўлини кўксида қовуштириб, гўе йигитни бағрига босгандек қилиб кўрсатгаимиш. М*** бевафо маҳбубасипинг уйи томон отилди. Фауста биринчи марта ўз хижолатини яширолмай қолди ва ошиқ бўлиб қолган ҳар қандай аел каби елғонни қалаштира бою лади. Лелнинг айтишича, у одатдагидек, Сап-Джованни черковига борганмишу бироқ у ерда ўзини таъқиб қилиб юрган ўша хушторипи кўрмагапмиш. М*** ғазабининг зўридап ўзини йўқотиб, маъшуқасипи болахоиадор қилиб сўкди-да, ҳаммасини ўз кўзи билан кўргапини айтиб берди; граф аелга айб қўйиб, қизишган сари Фауста елғонни кўпроқ қалаштирарди. Пиҳоят граф ўзини тутиб туролмай, шартта ханжарини қиипдап сугурди-ю, аелнинг тепасига келди. Бироқ Фауста сира ҳайиқмай деди:

— Хўп, яхши. Менга айб қўйиб, айтгаи гаплариигизпинг ҳаммаси рост. Лекин мен сизнинг телбаларча жасоратингиз ўч олишга даъват зтиши мумкинлигини ва бунинг оқибатида икковимиз ҳам ҳалок бўлишимизни ўйлаганим учун ҳам уни сиздан яширмоқчи бўлгандим. Бир нарсани яхшилаб эслаб олинг, мепинг кўнглимии овламоқчи бўлиб юрган ўша одамнинг иродасига, пазаримда, ҳеч ким тўсқинлик қилолмайдш Ҳар қалай мана шу мамлакатда ҳеч ким унга қаршилик кўрсата олмайди.

Сўнгра Фауста графга унинг олдида ўзининг ҳеч қандай то~белик жойи йўқлигини шама қилди ва сўзининг охирида, чамаси, энди Саи-Джовашш черковига бошқа бормаслигини айтди. М*** Фаустани ниҳоятда севарди, у маъшуқаси олдида ўзини ожиз ҳис этди,— ахир еш жувоннинг қалбида ишва билан муloҳазакорлик уйғунлашган бўлиши мумкин эди-да. Граф бир кўнг-

[1] Цабр тошига езилгаи хат *(тарж.)*.

ли Пармани тарк этмоқчи ҳам бўлди; навқирон шаҳзода қавча-лик қудратли бўлмасип, унинг ортидан таъқиб этиб. боролмасди, мабодо борган тақдирда ҳам уларнипг ҳуқуқлари тепг бўлпб қо-ларди. Бироқ; ғурури яна унга бундай жўнаб қолиши қочишнинг ўзгинаси бўлиб кўринишини эслатди ва М*** бу тўғрида ўйла-масликка ҳам аҳд қилди.

«У ҳатто жоигипам Фабрициoнинг Пармада экаилигипи хае-лига ҳам келтирмаяпти,— дея қалби завққа тўлиб ўйларди но-занип хонанда,— энди биз уни бемалол товлаб юраверишимиз мумкип!»

Фабрицио ўзининг бундай омади юришгапидап мутлақо бе-хабар эди; эртаси куни у Фаустанинг барча деразалари тақа-туқ беркитиб қўйилганини курди ҳамда нозаниниинг ўзини ҳеч қа-ерда учрата олмади. Шундап сўнг йигит бу ҳазил жуда чўзилиб кетди, дея қарор қилди. Ана шунда унинг виждони азоб чека бош-лади. «Мен граф Москани қандай аҳволга соляпман ўзи?! У по-лиция министри-ку ахир. Унинг мен билан тили бир деб ўйлаш-майдими! Менинг бу ерга келишим унинг мартабасидан маҳрум қилиши мумкин! Бироқ шунча саъй-ҳаракатдан кейип қамалдап воз кечсам, бир кун келиб муҳаббатни излаб, ўзимни не кўйлар-га солганимни ҳикоя қилганимда герцогиня нима дейди?»

Йигит бу ўйиндан воз кечмоқни хаел қилиб, бир куни ўзига панд-насиҳат қилганича Фаустанинг саройи билан қалъа ўртаси-даги серсоя хиебонда тентираб юрар экан, бирдан миттигипа бир одам изига тушганини пайқаб қолди. У сўзсиз айғоқчи эди. Фаб-рицио таъқибдан қутулиш учун бир неча кўчаларнн кесиб ўтди, бироқ ўша митти одам унинг изидан қолмай эргашиб келаверди. Фабрицио тоқати тоқ бўлиб, Парма соҳили бўйлаб чўзилган бўм-бўш кўчага қараб югурди,— у ерда қаҳрамонимизнинг одамлари пистирмада туришарди; хўжайинларининг ишораси билан улар пистирмадан югуриб чиқишди-да, бечора митти айроқчини ушлаб олишди. Айғоқчи уларнинг олдида тиз чўкиб, шафқат сўради: бу Фаустанинг оқсочи Беттина эди. Уч кун қамалиб ўтиргач, боя-қиш қиз ўзи ҳам, бекаси ҳам ниҳоятда қўрқишадиган рашкчи графнинг ханжарига дучор бўлмаслик учун эркакча кийиниб олиб-ди-да, Фабрициони излаб, кўчага чиқибди. Фауста унга ўзи Фаб-рициони жуда ҳам севишини ва у билан висол кўришиш истагида енаетганини, бироқ энди Сан-Джованни черковига ортиқ бора ол-маслигини айтиб қўймоқни топширибди. «Хайрият-е!— дея хае-лидан ўтказди Фабрицио.— Яшасин қатъият!»

Оқсоч қиз кўҳликкина эди, бу ҳол Фабрицoнинг ўта ахлоқий фикр-туйғуларини чалғитиб юборди. Циз унга Фабрицио ўша ке-ча сайр қилган хиебон ва бўлак барча кўчалар граф М***нинг айғоқчилари томоиидан ўткинчилардан пинҳона пухталик билан гўриқланаетганини хабар қилди. Улар уйларнинг биринчи қава-ти еки болахоналардан жой ижарага олиб, панжара ортига яши-ринганича чурқ этмай бўм-бўш кўринадиган кўчадаги барча во-



қеаларни куаатиб туришар ва у ерда айтилаетган барча гапларга қулоқ солишарди.

— Агар айроқчилар менинг овозимни таниб қолишса,— деди навий ҳол Беттина,— саройга қайтган заҳотим мени чавақлаб ташлашади, эҳтимол бечора бекамни ҳам шу кўйга солишар.

Цизнинг ҳаети хавф остида эканлиги уни Фабрициoнинг кў-зида яна ҳам жозибалироқ қилиб кўрсатди.

— Граф М*** ғазабининг зўридан қутуриб юрибди,— дея да-вом этди қиз,— синьора Фаустанинг айтишича, унинг қўлидап ҳар қандай иш келармиш...— Бекам мепга сиз билав истаган жо-йингизга қочиб кетишга рози эканликларипи айтиб қўйишни буюрдилар!

Сўпгра Беттина йигитга авлие Стефан байрами купи содпр бўлган воқеаки гапириб берди. М*** ўша куни жуда қутуриб ке-тибди, зеро, граф ўша куни Фабрициога ниҳоятда ошиқи беқарор бўлган Фаустанинг унга эҳтиетсиз гермилиб тикилгапи ва ишо-ралар қилганини ўз кўзи билан курган экан. Граф маъшуқаси-нинг сочпни тутамлаб, ханжар санчмоқчи бўлибди. Агар Фауста ўшанда эсанкираб қолиб, ўзини дадил тутмаганида ҳалок були-ши аниқ экан.

Фабрицио соҳибжамол Беттинагга шу атрофда ижарага олгап мўъжазгина квартирага бошлаб келди. У қизга ўзининг туринлик бир аъеннинг ўгли эканлиги, ҳозир отасининг Пармага келган-лиги, шу боисдан ҳам жуда эҳтиет бўлмоғи лозимлиги тўғриси-да гапириб берди. Бунга жавобан Беттина кулиб юборди ва саз ўзингиз айтгапингизга нисбатан каттароқ одамсиз, дея эътироз билдирди. Қаҳрамонимиз бу дилрабо оқсоч қиз уни валиаҳд шаҳ-зоданинг худди ўзгинаси деб ўйлаетгаиини дарҳол тушуна олма-ди. Фауста уни севиб қолгани боисидан ҳам Фабрициoнинг ҳае-тини хавф остига қўйишдан чўчиганди,— у оқсоч қизга қаҳрамо-нимизнинг исмини айтмай, унга нуқул шаҳзода тўғрисида гап сотганди. Фабрицио ниҳоят бу соҳибжамол қизга, ҳа, тўғри топ-дингиз, деб айтишга мажбур бўлди.

— Лекии, агар менинг кимлигимни билиб қолишса,— дея қў-шимча қилди, йигит,— у ҳолда мен, бекангни нақадар севишимни неча бор исботлаб борган бўлишимга қарамай, у билан ортиқ кў-ришолмай қоламан, отамнинг министрлари эса — мен у аблаҳ-ларнн бир кун эмас, бир кун албатта ҳайдаб юбораман,— синь-ора Фаустага мамлакатни тарк этиш тўғрисида буйруқ юбори-шади, ҳолбуки, хопим бу ерга келиб, барчага лаззат бағиш-лади.

Азонга яқин Фабрицио ҳамда еш камеристка Фауста билап висол кўришмоқпинг бир неча режасини тузиб чиқишди; йигит Лодовико билап яна бир уддабурон соқчисини чақиришни буюрди ва улар Беттина билан келишиб олгунларига қадар, Фаустага девонавор мактуб езди, вазият фожиавий муболағалар қилишга йўл қўярди, Фабрицио, турган гап, бу имкошгятдан фойдаланиш-ни лозям топди. Йигит еш •шаҳзоданинг муомаласидап жуда кўнг-

ли тўлгап дилрабо камеристка билан фақат тонг отганидан кейип-гипа хайрлашади.

Энди Фауста уз маҳбуби билан ҳамма иш тўғрисида келишиб олганидап сўнг Фабрицио фақат нозанин уни қабул қилиш имкониятига эга були б, бу тўғрида унга ўзи ишора қилгандагина деразаси енига яқинлатиши ҳакида қатъий қарор қилишди. Бироқ, Беттинага ошиқ бўлиб қолгап ва Фауста билан ўз ншки можароси тез кунда нихоясига етажагига имони комил бўлгаи Фабрицио Пармадан икки лье нарида жойлагагап қинтлоқда тоқат қилиб ўтира олмади. У эртаси куниек, ярим кечага яқин от миниб, ишончли йигитлари қуршовида Фаустанинг деразалари енига келди. У нозанин хонанданинг шарафига сўзларини хиел ўзгартириб ўша кезлари жуда расм бўлган бир арияни ижро этмоқчи эди. «Назаримда, ошиқлар шундай қилишади, шекилли»,— дея ўйларди у.

Фауста висол кўришмоққа розилик берган дақиқадан буен бутун бу можаро Фабрициога жуда чўзилиб кетгапдек туюла бошлаганди. «Йўқ, мен мутлақо ошиқ эмасмап»,— дилидан кечирди у Фаустанинг деразаси остида арияни анча бузиб ижро этар экан.— Беттина, менимча, юз карра еқимтойроқ, ҳозир мени Фауста эмас, утла оқсоч қиз қабул қилганида қайтапга кўпроқ хурсанд бўлардим». Зерика бошлаган Фабрицио отининг бошини орқага бурди-да, ўзи яшаетган қигшгоқ томон йўл олди. Аммо Фаустанинг саройидан бега юз қадамча нарида аллақаекдан йигирма чоғлиқ одам югуриб чиқиб, уларнипг йўлини тўсишди. Тўрт киши Фабрицио минган отнинг жиловидан тутди, иккитаси эса унинг қўлларига чанг солишди. Лодовико билан Фабрициoнинг соқчиларига ҳам ҳамла қилишди, бироқ улар тўппончаларидан бир неча бор ўқ*узиб, қочиб қолишга улгуришди. Бу ишларнинг бари бир зумда содир бўлди. Кейин шу заҳоти, кўчага аллақаекдан қўлида машъала тутган эллик киши чиқиб келди. Уларнипг бари жуда яхши қуролланиб олганди. Фабрицио, гарчи уни маҳкам ушлаб туришган бўлишса-да, отдан сакраб тушди ва одамларнинғ орасидан ериб чиқмоқчи бўлди: ҳатто, худди исканжага олгандек, унинг қўлидан қаттиқ тутиб тургаи бир одамни жароҳатлади хам; у одам эса Фабрициопи қаттиқ ҳайратга солиб, тавозе билан шундай деди:

— Бу жароҳат учун, аълоҳазрат, сиз менга яхшигина пенсия тайинлайсиз албатта. Тахт ворисига қарши қилич яланғочлаб, давлат жиноятчиси бўлганимдан кўра мен учун қайтанга шуниси яхши.

«Тентакликнинг жазоси ана шу,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио,— ўзим учун мутлақо нохуш гуноҳни деб шунча машмаша бошлашнипг нима кераги бор эди?..»

Ана шу кичкинагина тўқнашув тугагап заҳоти уқали либос кийган бир неча хизматкор пайдо бўлди. Улар тилла суви югуртирилган ва бачкана қилиб бўялган тахтиравон кўтариб келишганди — одатда бундай беўхшов тахтиравонда карнавал кезлари масхарабозларни олиб юришгувчи эдилар. Қўлида хаижар тутгаи олти киши тунпинг салқин ҳавосида товушингиз бўғилиб қолиши мумкин, дея «аълоҳазратдан» тахтиравонга чиқиб ўтиришии ил тимос қилишди; улар ҳар икки гапнинг бирида «шаҳзода» сўзиии деярли бақириб такрорлашганича Фабрициoнинг хурматини жойпга қўйиб гапиришмоқда эди. Намойиш йўлга "-ушли. Фабрицио чамалаб кўриб, кўчада машъала тутган одамлар эллик кишидан кўпроқ эканлигини аниқлади. Туп соат бирлар бўлиб қолганди. Уйлардаги барча одамлар деразалар енига енирилиб келишди. Маросим анча тантанали кўрипарди.

«Мен бўлсам граф М*** ханжарларини ишга солади деб қўрқиб юрибман,— дея ўйларди Фабрицио.— У бўлса, мени калана қилиш билан чекланди. Табиати гау қадар нозик деб сира ҳам ўйдамаган одим. Лекин у мени шаҳзода деб ўйлаяпти. Агар мснинг бор-йўғи Фабрицио дель Донго эканлигимни билиб қолса борми,— ханжарнипг тигига дучор бўлишим тургап гап!»

Элликта машъалачи ва йигирмата қуролланган ЬиН Фаустанинг деразаси остида анча вақт туришди-да, сўнгра шаҳар бўйлаб тантанавор юриб кетншди. Улар эн! чиропли саройлар енида тўхтаб-тўхтаб боришарди. Тахтиравопнипг икки чегида одимлаб бораетган баковуллар ўқтин-ўқтип бор овозлари билан аълоҳазратларипинг биропта амр-фармоилари йўқми, дея сўрашарди. Фабрицио сира ҳам эсапкираб қолмагаиди; у машъалаларпи еруғида Лодовиконинг ўз одамлари билан намойиш ортидан эргашиб келаетганини кўриб қолди.

«Лодовиконинг бор-йўғи саккизтами, унтами одами бор,— дея ўйларди Фабрицио.— Шу боисдан ҳам у ҳозир ҳужум қилишга журъат этмай турибди». Фабрицио тахтиравондан бошипи чиқариб қарар экан, бу масхарабозларнинг барча ижрочилари тиштирноқларигача қуролланиб олишганини кўриб турарди. У «хизматларипи бажо келтирмоқ учун» қўйилган баковулларнинг ҳамма гапларига сохта ҳазил билан жавоб қиларди. Тантанавор юриш икки соатдан буен давом этарди. Бир пайт Фабрицио улар Сансеверина саройи л^ойлашган кўчага бурилишаетганипи пайқаб қолди. Маросим ўша кўчанинг муюлишига етиб келганида, Фабрицио тахтиравоннинг олд қисмига ўрнатилган эшикчани шартта очиб, даста устидан ерга сакраб тушди-да, юзига машъала тутган югурдаклардан биршга хаижар у риб қулатди. Лекин ўзининг ҳам елкаси хаижар тиғидан жароҳатланди: иккинчи югурдак машъала билан унинг соқолини хиел куйдириб қўйди, бироқ қаҳрамонимиз Лодовиконинг олдига етиб олганди.

— Ур уларни! Машъала тутганни уравер!— дея қичқирди у.

Лодовико қиличини ишга солиб, қаҳрамонимизнинг изидан қолмай таъқиб қилиб келаетган икки кишининг ҳужумидан уни халос этди. Фабрицио Сансеверина саройининг эшиги олдига югуриб борди. Синчков дарбон дарвоза ўртасидаги баландлиги ярим одам бўйи келадиган дарчапи очиб, машъала юришига ҳангманг қараб турарди. Фабрицио ана шу дарчадан шўнғиб кир-

ди-да, уни ичидан беркитиб қўйди ва ғизиллаб югурганича боғни кесиб ўтиб, унинг иариги четидаги эшикдан бўм-бўш кўчага чиқди. Бир соатдан сўнг шаҳар ортда қолди, эртасига эса Модепн герцоглиги чегарасидаи ўтиб, хавф-хатардаи қутулди. Кечқурун эса у Болопьяга етиб келди.

«Ана саргузашту мана саргузашт!— дея ўйларди у=— Меп ўша позанин би лап бирон марта гаплаша олмадим ҳам!»

Фабрицио дарҳол граф билан герцогиняга мактуб езиб, улардан узр сўради. Хатлар жуда эҳтиеткорлик билан езилган бўлиб, уларда фақат ўз қалбидаги ҳис-туйғуларигина баен этилганди ва душманларига дастак бўладиган ҳеч қандай гап йўқ эди.

«Мен севгинииг ўзига ошиқ бўлибман,— дея езган эди у герцогиняга,— упи татиб кўрмоққа нақадар интилганимпи билсангиз эди! Лекип, чамаси, табиат мени севмоқ ва бу йўлда дард чекмоқ қобилиятидан маҳрум қилтап кўрипарди. Мен ҳирс лаззатини туйишдан нарига ўтолмайман» ва ҳоказ -

Бу саргузашт Пармада нақадар шов-шувга сабаб бўлганини тасаввур қилишнипг ўзи қийип. Бу сирга ҳамма қизиқиб қолганди. Машъалалар ҳамда тахтиравонни кўпчилик кўрганди. Бироқ кимни ўгирлаб кетишибди? Кимга бундай алоҳида иззат-икром кўрсатишибди? Эрталаб шаҳарнинг ҳамма казо-казолари жой-жойида эди!

Тутқин қочиб кетган кўчада яшовчи авомнинг айтишича, кимдир у ерда бир одампинг жасадипи кўргапмиш; бирок, тонг еришиб, шаҳарликлар уйларидан ташқарига чиқишга журъат этишганида улар. тош кўчада тунги олишувдап далолат берувчи қоп изларинигииа кўришди. Куни билан бу кўчага йигирма мингдан мўлроқ ҳангоматалаб кишилар келиб кетишди. Итальян шаҳарларида яшовчи одамлар турли алмойи-алжойи томошаларни кўравериб кўзлар пишиб кетган, бирок, улар *нима воцеа содир бўлганини* доим аниқ билишади. Бу ўринда эса, орадан^ бир ой ўтиб, машъала сайли мишмишларнинг ягопа мавзуи бўлмаи қолгандан кейип ҳам граф Москанинг эҳтиеткорлиги туфайли ҳеч ким граф М***дан Фаустани тортиб олмоқчи бўлган одамнинг комини билолмади. Цасоскор ва кунчи ўйнашнипг ўзи эса ўша сайлнинг бошидаеқ шаҳардан қочиб кетганди. Фаустани граф Москанинг буйругига биноан қалъага қамашди. Герцогиня бу кичик адолатсизлик устидан анча вақт кулиб юрди. Бирок; граф глаҳзодапинг синчковлигига чек қўймоқ учун шуидай қилишга мажбур бўлганди, акс ҳолда, Фабрициoнинг номи маълум бўлиб колиши мумкин эди.

Пармада ўрта аср тарихипи езмоқ учун шимолдап келган аллақандай олим одам пайдо бўлиб қолди; у кутубхоналардан қадимги қўлезмалар қидириб юрарди ва граф бунинг учун унга тегишли рухсатномалар езиб берганди. Бироқ ҳали анча еш бўлган бу олим йигитнинг салга жаҳли чиқадигап одати бор эди; масалан, у Пармада барча менинг устимдан куляпти деб ўйларди. Тўғри, кўчадаги болалар баъзан олимнинг елкасигача патила-патила бўлиб тушган малла сочларипи ажаблапиб томоша қилпшгапипа унинг ортидан югуриб юришарди. Ушбу аллома яна, меҳмонхонада меидан уч баробар кўп ҳақ олишяпти, дея ҳисоблар ва бирор арзимас нарса харид қилар экан, доим «Старк хопимнинг саеҳати»* китобидан унинг баҳосипи текшириб кўрарди. Бу китоб яқипда йигирманчи марта нашр қилинган эди, зеро, тадбиркор инглизлар курка гўшти, олма, бир стакан сут ва ҳоказоларпинг баҳосини ана шу китобдан билиб олишгувчи эди.

Фабрицио беихтиер тахтиравонда сайр қилган худди ўша купи малласоч тарихчи меҳмонхонада кечки тамадди пайти арзимас бир шафтоли учун ундап икки су талаб қилгаи «камерьере»дан пиҳоятда ғазабланиб, чўнтакда олиб юриладиган иккита кичкина тўппончасипи чиқарган эди. Уни қамоққа олишди: епида ҳатто кичкина тўпнонча олиб юриш ҳам катта ?киноят ҳисоблапарди.

Серзарда олим повча ва озғин бир йигит эди. Эртаси куни эрталаб граф Москанинг хаелига бир фикр келиб қолди: у шаҳзодага, граф М***дан Фаустани тортиб олишга урипгап ва шуиинг учун калака қилинган довюрак йигит ана шу бўлади, деб айтишга қарор қилди. Чўнтагида тўппонча олиб юрган одам Парма қонунлари бўйича уч йил каторгага ҳукм қилиниши керак эди-го, бироқ бу жазо ҳеч қачон тадбиқ қилинмасди. Олим икки ҳафта қамоқда ўтирди. Унинг олдига фақат адвокатнигина киритишарди. Адвокат олимпи қўрқоқ ҳукмдорлар ҳуфия қурол олиб юришга қарши чиқариб қўйган шафқатсиз қонуплар билан роса қўрқитди. Сўнгра унинг олдига иккинчи адвокат келиб, олимга граф М*** ўзининг номаълум рақибини мажбуран сайр қилдиргани тўғрисида гапириб берди. Полиция шаҳзоданинг олдида ўша рақибнинг номипи аниқлашга ожизлик қилаетганини бўйнига олгиси келмаетгап эмиш.

— Фаустага хуштор бўлганингиз, унинг деразаси остига бориб, романс айтаетганингизда элликта қароқчи сизни банди қилиб, тахтправонга ўтқазишгани ва бир соатдан кўпроқ гааҳар айлаитириб юришгани, лекин ниҳоятда одоб билан муомала қилишгани тўғрисида иқрор бўлинг. Бунинг нафсониятингизга тегадигап ҳеч қандай жойи йўқ. Фақат шу гапни айтсангиз бас. Шундай қилсангиз, полицияни мушкул аҳволдан қутқарасиз, шундан сўнг сизни дарҳол почта каретасига ўтқазишади-да, чегарага қадар олиб боришади ва оқ йўл тилашади.

Олим бутун бир ой гапга кўнмай ўтирди, шаҳзода шахсап ўзи сўроқпи кузатмоқ учун икки-уч марта упи ички ишлар министрлигига олиб келишни буюрмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ кейин бу нияти хаелидан кўтарилди. Тарихчи қамоқда ўтиравериб «айбини бўйнига олишга» қарор қилди. Шундан сўнг уни чегарага қадар кузатиб қўйишди. Шаҳзода эса граф М***нинг рақиби ўша малласоч олим дегап гапга қатъиян ишонганича қолаверди.

Содиқ Лодовико билан Болоньяда бошпана топган Фабрицио граф М***ни қидириб топиш учун ҳамма чораларпи қўллади ва ўзинипг шов-шувга сабаб бўлган ўша тахтиравон сайлидап сўнг

орадап уч кун ўтгач, граф хам Флоренцияга олиб борадиган йўлга яқин бир жойда, ТОР орасидаги қишлоқда яширингани ва унинг енида ЬиНларидан фақат уч кишининг борлигини аниқлади. Эртаси куииек граф сайр қилиб қайтаетганида уни ғозларига ниқоб тутган ва ўзларини Парма полициясининг изқуварлари деб атагап саккизта сувори ушлаб олди. Графнинг кўзларини боғлаб, ТОР орасига яна икки льеча олиб боришди-да, меҳмонхопага жойлаштиришди. Меҳмонхонада унинг ҳурматини жуда жойига қўйиб, олдига ажойиб дастурхон езишди. Таповвул найти унга энг яхши итальян ва испан виноларидан қуйиб беришди.

— Мени давлат жиноятчисн сифатида қамоққа олдипглар* ми?— дея сўради граф.

— Асло ундай эмас,— дея мулозимат билап жавоб қилди Лодовико юзидан ниқобини олмай.— Сиз оддий бир одамни елланган қароқчиларингиз орқали тахтиравоида сайр қилишга мажбур этиб, ҳақоратлагансиз. У эртага эрталаб сиз билап дуэлга чиқишии истаяпти. Агар сиз уни ўлдирсангиз, ихтиериигизга иккита учқур от, пул ва Генуя йўлидан бормоғингиз учун сафар ҳужжатлари берилади.

— Ўша жанжалкашнинг исм-шарифи нима экап?— дея сўради даргазаб бўлиб граф.

— Унинг фамилияси Бомбаче. Цурол танлаш ҳуқуқи сизга берилади. Олишувга жуда ҳалол ва яхши одамлар гувоҳ бўлишади: лекин е сиз, еки рақибипгиз албатта ўлиши керак.

— Ахир бу қотиллик-ку!—капалаги учиб хитоб қилди граф.

— Худо сақласин! Бу сиз тунда Парма кўчалари бўйлаб сайр қилишга мажбур этган худди ўша йигит билан ҳает-мамот жанги бўлади, хол ос. Агар сиз тирик юрсангиз, у ўзини бир умрга исиодга қолган деб ҳисоблайди. Икковингиздан бирингиз еруғ дунеда ортиқча бўлиб қолгансиз, шунинг учун ҳам уни ўлдиришга ҳаракат қилинг. Сизнинг ихтиерипгизда қилич, шамшир, тўппояча — хуллас, бир неча соат ичида топиш мумкии бўлган барча қуроллар бўлади — шошилиш керак ахир, Болоньяда полиция жуда яхши ишлайди, чамаси, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилган бўлсангиз керак. Сиз ҳаммага кулги қилган ўша йигитнинг номуси учун зарур бу дуэлга полициянинг ҳалал бермоғига йўл қўймаслигимиз лозим.

— Ахир ўша йигит валиаҳд шаҳзода эмасми?

— У худди ўзингизга ўхшаган оддий бир одам, ҳатто сизчалик бадавлат ҳам эмас, лекин у ҳает-мамот жангига чиқишингизви талаб қиляпти ва сизий шундай қилишга мажбур ҳам этади,— шуни унутманг.

— Мен дунеда хеч кимдап қўрқмайман!—дея хитоб қилди граф М***.

— Жуда соз. Рақибингиз бу гапни эшитиб ғоят хурсапд бўлади,— деди жавобаи Лодовико.— Эртага тонготар чоғи сиздан ғаабланишга ҳамма асоси бўлган одамдап ҳаетингизни ҳимоя қилишга тайер туринг,— у сизга шафқат қилмайди. Такрорлайман:



қурол таплаш ҳуқуқи сизга берилган. Васиятингизни езиб қўйинг.

Эрталаб соат олтиларда граф М***га понушта беришди-да, сўнг уни қамаб қўйишган хонанинг эшигини очиб, қигалоқ меҳмонхопасининг ҳовлисига таклиф қилишди. Ҳовли иҳота ва анча баланд девор билан ўралган бўлиб, тақа-тақ беркитилган дарвозага қулф урилганди.

Ҳовлининг бир четига стол қўйилганди: графни апа шу стол енига таклиф қилишди. Граф стол устида бир неча шиша вино билан арок, иккита тўппопча, иккита шамшир, иккита қилич, когоз ва сиеҳдон турганиии курди. Меҳмонхонанинг ҳовлига қарагаи деразаларидан йигирма чоғлик < деҳқонлар қараб туришарди.

Граф уларга қараб, ҳасрат стилан қичқирди:

— Цутқаринглар! Мени ўлдиришмоқчи! Ердам берипглар!

— Сиз янглишяпсиз еки одамларни алдамоқчисиз! — деди жавобан ҳовлининг бошқа томонида, худди ўшандай қурол қўйилган стол енида турган Фабрицио. У фракини ечиб қўйгаи бўлиб; юзига одатда қиличбозлик залларида ишлатиладигап сим ниқоб тутиб олганди.

— Марҳамат қилиб, юзингизга сим ниқоб тутиб олсангиз,— дея қўшимча қилди Фабрицио,— у олдишиздаги столда турибди; сўнгра қилич еки тўппонча олиб, менга яқинроқ келипг. Цурол танлаш ҳуқуқи, кеча айтилганидек, сизга берилган.

Граф М*** турли баҳоналарни рўкач қила бошлади. Чамаси, унинг сира ҳам жанг қилгиси йўқ эди. Фабрицио эса, гарчи улар ҳозир Болоньядан йигирма чақиримча нарида жойлашгап ТОР қишлоғида туришгаи бўлишса-да, полициянинг келиб қолишидан хавотирда эди. Ниҳоят, у қаттиқ ҳақорат қилиб, графнинг жаҳлини чиқаришга муваффақ бўлди; рақиби шартта' қилични олди-да, Фабрицио томон юрди. Олишув анча суст бошланди.

Бир неча дақиқадап сўнг дуэль даҳшатли ғала-ғовур туфайли тўхтаб қолди. Қаҳрамонимиз бу қилмиши туфайли умрбод бўҳтонларга сабаб бўлиши мумкинлигини жуда яхши тушунарди. Ў гувоҳлар топиб келиш учун Лодовикони қишлоққа юборганди. Лодовико қўшни ўрмонда ишлаетгаи келгинди дарахт кесувчиларни еллади. Улар, бу одам бизни ўз душманининг таъзирини бериб қўйиш учуп еллади, деган хаелда бақириб-чақиришгапича епирилиб келишди. Меҳмонхонага етиб келишгач, Лодовико уларга, ҳеч ким ғирромлик қилмаянтими, у еки бу рақиб тақиқланган усулларни қўлламаяптими,— шунга яхшилаб қараб туринглар, дея илтимос қилди.

Ана шу гувоҳларнинг бақириб-чақириши туфайли тўхтаб қолгап дуэль яна анча вақтгача қайта бошланмай турди. Фабрицио яна графнинг нафсониятига тегди.

— Граф,— дея қичқирди у,— сурбет одам довюрак бўлмоғи керак. Биламан, сиз учуп қийин бу иш, сиз кўпроқ елланган қароқчиларнинг қўли билап иш юритишни афзал кўрасиз.

Бу ҳақоратдан графнинг яна ғазаби қайнаб кетди; у анча

вақт Неаполда машҳур Патистииига карашли қиличбозлик залага қатнагапи ва бундай густоҳлигп учуп Фабрициопинг таъзирипи бериб қўйиш қўлидан келигаи тўғрисида бақприб чақпра бошлади. Нпҳоят, ғазабплинг зўрпдан тутоқшэ, граф рақибига анчаштн шиддат билан ҳужум қилди, бироқ бу ҳол Фабрициопинг чапдастлик кўрсатиб, унинг кўксига қилич санчигаига халал пера олмадики: бояқиш граф бу зарбашшг оқибатида бир неча ой курпа-тушак қплиб етадиган бўлди. Лодовико ярадорга ердам курсатар экан, унти- қулоғига шивирлади:

- Агар олишув ҳақида полицияга хабар қиладиган бўлсапгиз, сизий етган жойингизда чавақлаб ташлашпи буюрамап.

Фабрицио Флоренцияга қочиб ўтди; у Болоньяда барчадан яширппио юрганди, шу боисдан фақат Флорепцпядагипа герцогиня пинг ўпкалаб езган мактубини олди. Хонпм уйидаги копцертга кслгапида Фабрицио у билан ҳатто икки оғиз ҳам гаплашишни ловим кўрмагани учун жиянини сира кечира олмаслигини хабар қилибди. Фабрицио граф Москанинг ниҳоятда самимнят билаа езилган дўстоиа мактубларипи ўқиб, боши осмонга етди. У графнинг дуэль мупосабати билан Фабрициопинг ҳар қандай гпубҳадан холи қшшб қўймоқ учун Болопьядаги дўсларига мактуб йўллаганини тушуниб қолди. Полиция жуда холис иш юритибди: унинг аниқлашича, икки хорижий одам қилич билан жанг қилишибди; улардан фақат бири — жароҳатланган одамнипг (граф М***нинг) кимлиги маълум экан. Дуэль ўттизтадан кўпроқ деҳқонларпипг кўз ўпгида бўлиб ўтибди. Олишувпинг охирида гувоҳлар енига қишлок. руҳонийси ҳам келиб қўшилибди. У дуэлчиларни ажратиб қўяман деб бекорга овора бўлибди. Полиция ҳужжатларида Жузеппе Боссипинг номи тилга олинмаганди, шу боисдан ҳам фалакпинг гардиши билан чинакам ва юксак муҳаббат менга хеч қачон насиб қилмас экан, дея қатъий ишонч ҳосил қилган Фабрицио дуэлдан сўнг орадан икки ой ўтгач, Болоньяга қайтмоққа журъат этди. Қаҳрамонимиз бу тўғрида герцогипяга батафсил мактуб сзиб гоборди. Узоқ вақт елғиз гориш уиипг жопига текканди, Фабрицио энди граф ҳамда аммаси билан ширин суҳбат куриб ўтказадигап ўша дилрабо оқшомларни қўмсаб қолганди. Уларни тарк этгач, дўстона улфатчилик қувончларидан ҳам маҳрум бўлганди.

«Муҳаббат пималигипи татиб куриш ҳамда Фауста билап бўлган бутуи ана шу можаро туфайли шупча похуш вокеаларга дуч келдишод,— дея езган эди у герцогиняга,— агар ўша танпоз ҳамоп илтифот кўрсатган тақдирда ҳам мен ваъдасштипг устидап чиқмоғиви талаб қилмоқ учун йигирма лье ҳам йўл гормаган бўлардим. Фаустанинг ортидан, айтишларига қарагавда, у ниҳоятда муваффақият билан концерт бераетгап Парижга эргагаиб кетасанми, деб бекорга хавотир олибсиз. Бироқ сиз ҳамда меҳрибои ва самимий дўстим бўлмиш граф билан биргпна кечани бирга ўтказмоқ учун мен дуненинг нариги четига ҳам борган бўлардим».



# ИККИНЧИ ҚИСМ

«Республика, республика, дея айюҳанпос солиб бизга монархиялардан энг яхшисишшг саховатидан баҳрамапд бўлмоққа халал бермок.-чилар...»

«Парма ибодатхонаси»

*(XX111 боб),*

## Ўн тўртинчи боб

Фабрицио Парма яқинидаги ўша қишлоқда муҳаббат туйғусини татиб куриш дардида юрар экан, бош фискал[1] Расси унинг шундоқ яқипида юрганини ҳатто хаелига ҳам келтирмай қаҳрамопимизпинг иши бўйича тафтиш ишларини олиб боришда давом этарди. Расси бу ишда худди либераллар нроцессидагидек йўл тутди: у ўзини гўе Фабрициони ҳимоя қилувчи гувоҳларни топа олмаетгандек кўрсатди-ю, аслида эса дўқ-пўписа қилиб, уларнипг юрагипи олиб қўйганди. Ниҳоят, устомонлик билаН деярли бир йилча иш олиб борилгач, Фабрицио Болоньяга қайтганидан сўнг орадап икки ойлар вақт ўтаркан, жума куни хурсапдлигидап боши осмонга етган маркиза Раверси ўз меҳмопхонасида ҳаммага, бир соат бурун еш дель Донгога ҳукм чиқарилди, эртага бу ҳукм тасдиқлаб имзо чекмоқ учуп шаҳзоданинг ихтиерига топширилади, дея эълоп қилди. Орадап бир неча дақиқа ўтгач, ғанимнинг бу сўзлари герцогииянинг қулоғига етди.

«Бу дейман, графнинг айғоқчилари» жуда емон ишлайдигап кўринади-ку,— дея хаелидаи ўтказди у.— Ахир бугуп эрталаб у, ҳукм камида бир ҳафтадан кейин чиқарилади, деганди. Эҳтимол, граф менинг азиз бош викарийимни Пармадап узокроқда тутиб туриш ниятидадир? Аммо,— дея ўйлади у хиргойи қилгапича,— у бари бир ҳузуримизга қайтиб келади ва бир кун эмас, бир кун бизга архиепископ бўлади».

Герцогипя қўнғироқ чалди.

— Барча хизматкорларни, ҳатто ошпазларни ҳам меҳмонхонага тўпланг,— деди камердиперга.— Кейин шаҳар комендантининг олдига бориб, икки жуфт почта оти еллашга ижозат олинг.

[1] Суд органларини пазорат қилувчи амалдор *(тарж.).*

Бу отлар ярим соатдан кейин менипг экипажимга қўшилгап бўясин.

Барча оқсочлар унинг кўч-кўронини сандиқ ва қутиларга жойлай бошлашди, герцогинянинг ўзи эса сафар либосипи кийиб олди-ю, аммо графга хеч нимани хабар қилмади: хоним уни бир оз калака қилиш имконияти туғилганидан ниҳоятда хурсанд эди.

— Дўстларим,-— деди у тўпланган хизматкорларга,— мен бечора жияним тез орада сиртдан жазога ҳукм қилинажагини билиб қолдим. Унйнг бутун гуноҳи ўз хаетини қутурган бир одамнинг ҳужумидан ҳимоя қилгани холос: Джилетти уни ўлдирмокчи бўлган экан. Фабрициoнинг ниҳоятда мулойим ва юмшоққўпгил йигит эканлигини ҳаммангиз жуда яхши биласиз. Мен бундай қаттиқ ҳақоратга чидаб туролмайман ва Флоренцияга жўнаб кстаман. Сизлардан ҳар бирингиз яна ўн йил давомида ўша-ўша маошингизпи олиб тураверасизлар. Агар мухтож бўлиб қолсанглар, бу ҳақида менга езиб юборинглар. Мабодо бир цехин пулим қолган тақдирда ҳам уни сизлар билан баҳам кўраман.

Герцогиня дилидагини гапирмокда эди. У сўнгги сўзларии айтганида хизматкорлар йиғлаб юборишди; хонимнинг ўзининг ҳам кўзларида еш милтиради, у хаяжонли бир оҳангда қўшимча қилди:

— Мен билан епархиямизнинг бога викарийси Фабрицио дель Донго учун худога ибодат қилинглар: эртага уни каторга ишлари еки ўлим жазосига ҳукм этишади,— ҳар қалай бунисини ўтакетган аҳмоқлик деса бўлади.

Йиғи кучайиб, аста-секин исенкор қичқириқларга айланди; герцогиня каретага ўтирди-да, шаҳзода саройи томон ҳайдашни буюрди. Кеч бўлиб қолганига қарамай, у навбатчи адъютант — генерал Фонтана орқали шаҳзодадан ўзини қабул қилишини сўради. Адъютант хонимнинг сарой қоидаларига хилоф равишда сафар либоси кийиб келганини кўриб допг қотиб қолди. Шаҳзода унинг қабул қилмоқни сўраб, келишини кутганди ва шундай бўлишини пайқаб, олдиндан завқланиб ўтирганди.

«Ҳозир ўша шаҳло кўзлардан қандай қилиб дув-дув еш оқишини кўрамиз,— деди ўзича у кафтларини бир-бирига ишқар экан.— У афв этишларини сўраб келган. Ўша мағрур соҳибжамол ҳам ялипиб келадиган кун бор экан-ку. Жуда тоқат қилиб бўлмай қолгапди ахир — қачон қарама, доим бурни осмонда! Иафсониятига хиел тегиб қўйисам борми, маънодор қарайдиган кўзлари гўе менга: «Сизпиит сичқоннинг инидек Пармангизга қарагаида Неаполь еки Миланда яшагап юз карра афзалрок»,— дея айтаетгандек кўринади. Мапа.энди, гарчи мен Неаполь еки Миланнинг ҳукмдори бўлмасам-да, ниҳоят, бу аслзода хоним фақат мен ҳал қилишим мумкин бўлган масала бўйича елвориб келди ва у илтимосини қондиришимни жуда ҳам истайди. Мен доим, жияпи бизпинг юртимизга келгач, шу баҳонада хонимнинг попугипи пасайтириб қўйишим мумкин бўлади деб ўйлардим».

Шаҳзода ана шундай хаеллар ва дилига хуш еқадигап тах^



минлардан жилмайгапича хона бўйлаб у е'қдан-бу 8кқа юрар экан, генерал Фонтана худди кўрикка чиққан солдат каби эгаик олдида ғоз қотиб турарди. У шаҳзодапинг кўзлари нақадар ялтираб тургапини кўрар экан, герцогинянинг сафар либосида келганини эслади-ю, монархия қулаяцти, деган қарорга келди. Уни айникса шаҳзоданинг сўпгги гапи бениҳоя ҳайратга солди.

— Герцогиняга айтипг, чорак соат кутиб турсия,— деди шаҳзода.

Генерал-адъютант парадга чиққан солдат янглиғ ғоз қотганича орқасига ўгирилди. Шаҳзода яна жилмайиб қўйди.

«Ўша мағрур хонимни қабулхонада куттириб қўйишим,— дея хаелидаи ўтказди у,— Фонтана учун жуда ғалати кўриняпти, Жуда соз. «Чорак соат кутиб турарkансиз», деганида генералнинг башарасидаги ҳайрат ифодаси тез орада кабинетимда тўкилажак таъсир кўз ешларига ҳозирлик кўрсатиб қўяди.

Ана шу чорак соат шаҳзодага бениҳоя ҳузур-ҳаловат бахш этди: у кабинет бўйлаб бир маромда, дадил-дадил қадамлар билан у еқдап-бу еққа юрарди, у ҳукмронлик туйғусидап лаззатланмоқда эди.

«Биронта ҳам ўринсиз гап айтмаслигим керак. Герцогиняга нисбатан дилимдаги ҳис-туйғулар қандай бўлмасин, мен унинг саройимдаги энг аслзода хонимлардан бири эканлигини унутмаслигим лозим. Цизиқ, Людовик XIV ўз қизлари бўлмиш маликалар билан улардан норози пайтларда қандай гаплашган экан?» Шаҳзода буюк қиролнинг портретига тикилиб қолди.

Энг қизиғи шунда эдики, шаҳзода Фабрициони афв этиши еки этмаслиги тўғрисида ва афв этгудек бўлса, буни қандай ифодалаши ҳақида сира ўйлаб кўрмади. Ниҳоят, орадан йигирма минутча вақт ўтгач, содиқ Фонтана яна эшик олдида пайдо бўлди. Бироқ чурқ этиб оғиз очмай тураверди.

— Герцогиня Сансеверина кириши мумкин!— дея қичқирди шаҳзода ясама бир улуғворлик билан.

«Ҳозир кўз еши бошланади»— хаелидан ўтказди шаҳзода ва гўе шундай томошага ҳозирлик кўргандек, чўнтагидан даструмолини олди.

Герцогиня ҳали ҳеч қачон бу қадар енгил ва бу қадар гўзал кўринмаганди, ҳозир уни курган одам еши йигирма бешга ҳам бррмаган бўлса керак деб ўйларди. Унинг оеғи гиламга тегартегмас, енгил одимлаб келишини кўриб, бояқиш адъютант ақлдаа озай деди.

— Мени афв этмоғингизни ўтиниб сўрайман, ҳазрати олийлари,— деди герцогиня қувноқ оҳангда ўзининг жарангдор ва мулойим товуши билан,— мен сарой учун анча муносиб бўлмаган либосда келмоққа журъат этдим, лекин сиз, ҳазрати олийлари, ҳеч қачон мурувватингизни аямай мени эркалатиб юборгапсиз, умид қиламанки, ҳозир ҳам илтифотингиздап дариғ тутмассиз.

Герцогиня ўзи учун жуда еқимли бўлган ушбу мапзарадан, лаззатланмоқ ниятида бу гапларни-атайин шошилмай, секин айт-

ди: гпаҳзпдапипг башарасида бениҳоя ҳайрат акс этди-ю, бирсқ у ҳамон -ботики мағрур кўтнрганича қўлиии стол устига қўйиб-улуғвор *бщ>* •циефйда турартги. У лол бўлиб серрайганича турар экан, ўқтпн-ўқтЕн чайяялаб:

— Цанақасига? Нега энди?— дея қнчқириб қўярди.

Герцогиня эса узр сўраб бўлгач, гўе ҳурмат юзасидап шаҳзоданинт жавобат п айтишини кутгандек, бир оз сукут сақлаб турди-да, сўиг қўгаимча қилди:

— Ҳазрати олийларп саройга сафар либосида келгаяим учун мешшг бир қошиқ қошшдаи кечгайлар, деб умид қиламан.

Бироқ пту сўзларни айтар экан, герцогинянинг истеҳзо тўла кўзлари шу қадар егғаб турарднки, шаҳзода унинг нигоҳига дога беролмай пшфтга тикшгаб олди. Одатда у қаттиқ хижолатга тушганида шунднй қиларди.

—- ^яиақасига? Нога энди?— дея хнтоб қилди у яна бир бор, сўнгра тили аранг калимага келиб, қуйидаги жумлаяи ўйлаб топди:

— Ўтиринг, герцогиня, марҳамат!

У анчайин илтифот кўрсатиб, ўзп креслони хонимнинг енига су риб қўйди; -герцогиня бундай назокатдан хпел кўпгли юмшаб, кўзидаги газаб алангаси бир оз пасайгандек бўлди.

— [\анакас11га? Пег-а энди?— дея такрорларди шаҳзода гўб креслог-п-пл мусгаҳкамлигшш текпшриб кўраетгандек, ўтирган жойида безонта бўлиб кимирлар экан.

— Мен хо : *ч\б* кетяпмаи. Почта отларида сафар қилмоқ учун туши салқнпдан фойдаланмоқчиман,— чам-аси, бу ерга апча пакт қайтпб келмасам керак, шу боисдап, ҳазрати олийлари, сизппнг тасарруфинтиздаги мамлакатии, бет йил давомида мета кўрсатган илтифотларингиз учун миннатдорчилик изҳор этмасдан турттб, ] гага эп кўрмадим.

Фақат ана щундан кейингина шаҳзода унинг ииятини ниҳоят тушупди-ю, ранги оқарпб кстди: тахмини нотўғри чиққан пайтлари бутуп дунеда ундан қаттиқроқ азоб чекадиган одамнинг ўзи топилмасди; сўнгра- у кўз ўпгида осиғлиқ турган Людовик XIV-кинг портретига муиосиб ҳолда улуғвор бир киефага кирди.

«Хайрият-е,— дедй дилида герцогиня.— Ўзинипг эркак киши вканлигиии эслади ниҳоят!»

— Бундай тўсатдан жўнаб кетитшгизнипг сабаби нима?— дея сўради шаҳзода анчайин қатъий оҳангда.

— Кўпдан буеп шупдай ниятим бор эди ўзи, уии амалга оширмоқпи тезлатишга эса эртага ўлим жазоси еки каторга ишларига ҳукм қняияажак моисипьор доль Донгонинг қаттиқ ҳақорат этплиши мажбур қилди.

— Хўш, қайси шаҳарга жўнамоқчисиз?

— Неаполга жўнаш ниятим бор.

Сўнгра у ўрнидап турар экан, қўшимча қилди:

— Энди фақат сиз ҳазрати олийлари билан хайрлашмоғим



ва илгарилари меига кўрсатган мурувватларипгиз учун эҳтиром ила ташаккур изҳор этмоғим қолди.

Герцогиня қатъий оҳангда шу гапни айтач, шартта эшик томои йўл олди. Шаҳзода бир лаҳзадан сўнг ҳаммаси барбод бўлишини тушуниб қолди: агар бу машмашанипг олдини олинмаса, кейин у билан муросага келиш мумкин бўлмай қолади: герцогиня аҳдидан қайтадиган аеллардан эмас. Шаҳзода унинг ортидан югурди.

— Лекин ўзингиз жуда яхши биласиз, герцогиня,— деди у аелиинг қўлидап ушлаб,— мен сизни доим дўстингиз сифатида яхши кўрганман, бу туйғуга бошқачароқ тус бермоқ эса фақат сизга боғлиқ эди, Цотиллик содир бўлган, буни инкор этиш мумкин эмас. Мен ушбу ишни тафтиш этмоқни энг яхши судъяларимга топширдим...

Бу сўзларни эшитгач, герцогиня бошини мағрур кўтариб, қаддини ростлади, энди унинг нигоҳида на ҳурмат, на ҳатто назокатдан асар қолганди: шаҳзоданинг қаршисида ҳақоратланган аел турар ва бу ҳақоратланган аел унинг ғирром ва ноинсоф эканлигини жуда яхши билиши ойдек- равшан эди. Хоним кўзларида ғазаб ва ҳатто нафрат билан ҳар бтр сўзни допа-дона қилиб деди:

— Менинг жияним ва бир талай бошқа одамларни ўлим жазосига ҳукм қилган фискал Расси ва бўлак муртад р^отиллар помини энди ҳеч қачон эшитльаслик учун сиз ҳазрати олийларининг тасарруфидаги бу мамлакатни бир умрга тарк этаман. Агар сиз, ҳазрати олийлари, уни алдамагап кезлари ниҳоятда зукко ва мурувватли ҳукмдор ҳузурида кечирган сўнгги дақиқаларни афсус ва надомат билан эслашимпи истамасангиз, менга минг экю пул еки ордепга сотилган ўша аблаҳ судьялар тўғрисида эслатмасликни ўтиниб сўрайман.

Ўз қадрини билиб ва энг муҳими, жуда дилдап айтилган бу сўзлардаи шаҳзоданинг вужудида титроқ турди: бир лаҳза у тўғридан-тўғри биронта айбнома қўйиб, нафеониятимга янада қаттиқроқ тегса-я, деб қўрқиб кетди. Лекин умуман олганда шаҳзоданинг дилида ҳозир бирмунча §қжмипи ҳис-туйғулар ҳукмрон эди,— у герцогипяга маҳлие бўлиб қолганди, зеро, шу дақиқада аелнипг бутун қиефасида улуғвор бир гўзаллик барқ уриб турарди.

«Е тангрим! Нақадар гўзал бўлмаса!— дея ўйларди шаҳзода.— Бундай дилрабо аелнинг баъзи гуноҳларини кечириб ҳам туриш керак бўлади, чамамда, бутун Италияда хам бунақаси топилмаса керак. Ҳай, майли, нозик сиесат юритамиз ва эҳтимол, вақти келиб, бир куни у менинг ўйнашим бўлиб қолар. Анови қўғирчоқ маркиза Бальби бу санамнинг тирноғига ҳам арзимайди. Бунинг устига ўша маркизанинг яна бечора фуқароларим ризқидан ҳар йили камида уч юз минг франк пул ўғирлашини айтмайсизми? Лекин герцогиня ҳозир нима деди?— бирдан эслаб қолди у.— Янглишмасам, у «Меиипг жияним ва бир талай бошқа одамларпи ўлим жазосига ҳукм қилган»,— деб айтди, шекил-

ли?» Шундап сўнг шаҳзодапинг дилида ғазаб тунгуси устун келди-ю, эиди у хукмдорларга хос кибр-ҳаво билап сўзлай бошлади:

— Хўш, хошш, сизнинг бу ерда долишингиз учун мен нима қилмоғим керак?

— Бу иш сизиинг цўлингиздан келмайди,— дея жавоб қилди герцогиня аччиқ истеҳзо ва очиқдан-очиқ нафрат билан.

Шаҳзода ғазабининг зўридан ўзини йўқотиб қўяй деди-ю, бирок, хукмдорлик ҳунарида орттирган кўп йиллик тажрибаси к.аҳрини тийишга ердам берди.

«Бу аелни забт этмоғим лозим,— дея ўйлади у,— бу ўз олдимдаги бурчим мeиинг, кейин эса уни нафратим билан яксон этаман... Агар у ҳозир кабинетимдан чиқиб кетса, уни бошқа ҳеч қачон кўролмайман».

Бироқ шу дақиқада шаҳзода дилидаги чексиз нафратдан маст эди, шу боисдан ҳам «ўз олдидаги бурчи» га мос келадигап ва шу билан бирга герцогиняни унинг саройни дарҳол тарк этмок. ниятидан қайтарадиган сўзларни топа олмасди.

«Ниятимни амалга оширмоққа иккинчи марта уринишим, мумкин эмас,— дея ўйларди шаҳзода,— у ҳолда, герцогинянинг^ кўзига кулгили бўлиб кўринаман». У эшик олдига туриб, герцогипянинг йўлини тўсиб қўйди. Шу пайт шаҳзода кимдир эшикни оҳиста чертаетганини эшитиб долди.

— Цайси аблаҳ,— дея ўшқирди у бор овози билан,— яна қайси аблаҳ менинг жонимга тегмок.чи бўлиб келди!

Эшик очилиб, бечора генерал Фонтанашшг қути учган башараси кўринди; у к.ўрк,увдан дағ-дағ титраганича аранг деди:

— Граф Моска зоти олийлари сиз ҳазрати олийларидан лутфан қабул қилмоғингизни сўраяитилар.

— Киритинг!— деди қичқириб шаҳзода ва граф Моска кабинетга кириб таъзим башо қилгач, унга қараб деди:

— Мана, марҳамат, кўриб қўйинг! Герцогиня Сансеверина ҳозирнинг ўзидаеқ Пармани тарк этиб, Неаполга кўчиб кетмоқчи. Бунинг устига, менга нисбатан густоҳлик қиляпти.

— Нима?!— дея хитоб цилди Моска ранги дув ўчиб.

— Бу қанак.аси бўлди? Ҳали сиз унинг бу ниятидан бехабар эдингизми?

— Мутлақо хабарим йўқ! Мен герцогинянинг ҳузуридан кечқурун соат олтида чикиб кетгандим, ўшанда унинг жуда димоги чоғ эди.

Ушбу жавоб шаҳзодага ниҳоятда кучли таъсир кўрсатди. У аввало графга тикилиб қаради ва унинг ранги оқариб кетган башарасидаги ифодани кўриб, Москанинг рост гапираетгани ва герцогинянинг дадил режасига унинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунди.

«У ҳолда,— дея ўйлади шаҳзода,— мен ундан бир умрга маҳрум бўлиб цоламан. Лаззат ҳам, интиқом ҳам бир вақтнинг ўзида мeиииг ихтиеримдан қочиб кетяпти. Неаполда у жияни Фабрицио билан Парманинг кичкинагина ҳукмдорининг бепиҳоя газаби тўғрисида эпиграммалар тўқиб юради».

У герцогиияга қаради; аелнинг қалби шу тобда ғазаб ва беҳад йафратга тўла эди, унинг граф — Москага қадаган нигоҳи за қимтилган лабларида дўстидан қаттиқ ихлоси қайтгани сезилиб турарди. Гўе упинг бутун қиефаси «Разил тура!» деяетгандек туюларди.

«Шундай қилиб,— дея ўйларди шаҳзода герцогиняга диқдат билан тикилар экан,— уни мепинг давлатимга қайтаришнинг бу воситаси ҳам иш бермади. Бир дагшқадаи сўнг агар кабинетдаи чиқиб кетса, мeи ундан бутунлай маҳрум бўламан. Худо билсин, Неаполда у менинг судьяларим тўғрисида не гаиларни айтаркан... Унинг ақли ва фалак бу аелга инъом- этган инонтириш қобилиятиии назарда тутилса, барчанинг унга ишониши турган гап. Уни деб мен тунлари тўшакдан саичиб туриб, жиноячилар кириб олишмаганмикин, дея каравотнинг тагини текншрадиган кулгили золим сифатида ном чиқараман...»

Шаҳзода хийла ишлатди-да, гўе ҳаяжонини босиш учун кабинетда у екдан-бу ек.қа юраетган киши бўлиб, яна эшик олдига бориб олди. Ундан уч қадам нарида, ўнг томонда, ранги қув ўчган, руҳи тушган граф турарди. Граф шу қадар дағ-дағ титрардики, цабулнинг бошида герцогиня ўтирган, кейинроқ эса шаҳзода жахл устида апча нарига итқитиб юборган ўша креслонинг суянчигига таяниб олишга мажбур бўлганди. Графиинг қалбида муҳаббат ҳукмрон эди. «Агар герцогиня жўнаб кетса,— дея ўйларди у,— мен ҳам ортидан йўлга чиқамап. Лекин у мони кўрмок.ня истармикин? Масала ана шупда».

Шаҳзоданинг сўл томонида эса герцогиня кулларини кўксида мағрур қовуштирганича унга виқор билан синовчан тикилиб турарди; ҳозиргина аелнинг гўзал чехрасида ял-ял ениб турган қизили йўдолиб, энди ранги хиел заъфаронлашганди.

Шаҳзода қабулига келган бу икки кишидан фарқли ўлароқ қип-қизариб кетгаЕгди ва анча ташвишга тушган кўринарди; у чан қўли билан доим фраки остидан елкаси оша кенг лентада тақиб юрадиган орден крестини асабий юлқилар, ўнг дули билан эса нудул иягини силарди.

— Нима қилиш керак?— деярли беихтиер равишда сўради шаҳзода графдан барча масалалар бўйича у билан маслаҳатлашиш одатига кўра.

— Ростини айтсам, нима деяримии ҳам билмай қолдим, ҳазрати олийлари,— дея жавоб килди граф худди ҳозир жони узиладиган бир одамдек.

Моска бу гапни шу дадар қийналиб, шу дадар нафаси ичи[-а тушиб айтдики, буни кўриб, бутун цабул давомида нафсопияти цаттик, азият чекиб ўтирган шаҳзода биринчи бор тетик тортди. Бу кичкинагина қувонч унга иззат-нафсини к/шдирадигап ганни ўйлаб топишга ердам берди.

— Нимаям дердим, маълум бўлишича, учовимизнинг орамиз.

да энг мулоҳазали одам ўзим эканман, Майли, мен мартабамни ҳам, помимии ҳам унутай-да, сизлар билан дуст сифатида гаплашай.— Сўнгра у Людовик XIV нинг ажойиб давридаги мурувг.атли ҳукмдорларга моҳирона тақлид ҚЕлганича илтифот билап жилмайиб, қўшимча килди:— Мен ўз дўстларига мурожаат қилаетган дуст сифатида гапираман. Герцогиня, сиз бир оз шошилиб қабул қилгап қарорингизни унутмоғингиз учун нима қилмоқ керак?

— Очиғини айтсам, буни ўзим ҳам билмайман,— деди чуқур хурсиниб герцогиня.— Билмайман. Парма мени даҳшатга солянки.

У бу сўзлари билан шаҳзодаиинг нафсониятига тегмоқчи эмасди, дилидаги гайни самимий айтаетгани шундоқ сезилиб турарди.

Граф ялт этиб шаҳзодага қаради: сарой аъепи сифатида у қаттиц саросимага туглиб қолганди; сўпгра граф кўзларида илтпжо билан шаҳзодаги тикилди. Шаҳзода ўз қадрини сақлаб, совуқконлик билан бир оз сукут қилиб турди-да, сўнгра графга қараб деди:

— Кўриб турибман, дилрабо дугонапгиз мутлақо- зс-хушини йўқотиб қўйибди, буни тушупса бўлади; у ўз жиянппи ҳаддан ортиқ севади.— Шупдай дея у герцогиня томопга ўгирилиб, назокатли жилмайгапича унга хиел тикилиб турди-да, гўе биронта комедиядан цитата келтиргандек ҳазил оҳангида сўрадп:

— Хўш, бу шаҳло кўзлар кулсин учун нима қилмоқ керак?

Бу орада герцогиня айтмокчн бўлган г^лларипи ўйлаб олганди; у худди ультиматум топшираетгапдек, вазминлйк билан дснадона қилиб деди: '

— Аълоҳазрат, сиз менга илтнфотингизпи аямай хат езиб бермоғингиз ва одатдаги хайрихоҳлигингяз билан унда Парма архиепискoнлпииг блрппчи бош викарпйси Фа^рпцио дель Донгопинг айбдор эканлигига мутлақо игаонмаслигишизии, шу боис ҳукмпи зътибориигизга ҳйвола зтпшганида уни тасдиқламаслигкнгиз ва ушбу адолатсиз суд йти хеч қаидай оқибатга эга бўлмаслигини баен этмогиигиз лозим.

— Нима? Адолатсиз дейсизми?!— хитоб қилди шаҳзода кипқизариб, яна ғазабга минар экан.

— Гапим ҳали адо бўлгани йўқ,— деди герцогиня қадимги Рим аелларига хос бир ғурур билан,— Шу бугун кечқурупоқ,— ҳозир зса соат ўн бирдап чорак ўтди,— дея қўптимча қнлд'й у соатига қараб,— шу бугун кечқурупоқ сиз, ҳазрати олийлари, маркиза Раверсига бугун кечга яқин у ўз меҳмонхонасида гал сотган ўзига маълум ўша процесснттт.т машаққатли югур-ютурларидап дам олмоқ учун қишлоққа жўнаб кетмоқни масла ҳат курилишгиз ҳақида хабар қилмоқпи буюрасиз.

Шаҳзода ғазабининг зўридан ўзини қўярта жой тополмай, кабинет бўйлаб у екдан-бу еққа юрарди.

— Қаерда кўргансиз бунақасини? — дея хитоб қилди у.— Цанақа аел ўзи бу киши! Шунақаям хурматсизлик бўладиьш ахир!

Герцогиня бқимли бир табиийлик билан деди:

— Аълоҳазрат, сизни хурматсизлик билан ҳақорат қилиш ҳеч қачон ҳатто хаелимга ҳам келмаган бўларди. Сиз, ҳазрати олийлари, ҳозиргипа ўз дўстларига мурожаат қилаетган дуст сифатида гапиряпмап дедилгиз. Дарвоқе, менинг сира ҳам Пармада қолиш истагим йўқ,— дея қўшимча . қилди у графга қаттиқ нафрат билан қарар экан.

Аелнинг ана шу нигоҳи шаҳзодани унинг талабига рози бўлмоққа мажбур қилди; шу пайтга қадар у иккилаииб тургғанди. Тўғри, айтган сўзлари билан у қандайдир ваъда бераетгаядек туюлганди, бироқ у сўзларга жуда кам аҳамият берарди.

Шундан сўдг улар яна бир-икки оғиз гаплашиб туришди-да, ниҳбят! граф Моска герцогиня талаб қилган ўша илтифотли хатни езиб бермоқ хақида буйруқ олди. Граф «Бу адолатсиз суд инга ҳеч қапдай оқибатга эга бўлмайди», сўзларили езмай қолдирдл.

«Шаҳзоданинг ҳукмни таедиқламаслик ҳақидаги берган ваъдаси ҳам етади»,— дея ўйларди граф.

Шаҳзода хатга имзо чеккач, кўз қараши билан унга миннатдорчилик билдирди.

Граф катта хатога йўл Қўйди: шаҳзода қаттиқ чарчаган бўлиб, шу тобда ҳар қандай мажбурият остига имзо чекиб бергап бўларди. У екимсиз аҳволдан қутулишпинг жуда яхши йўлини топдим деб ўйларди, боз устлга, бу машмашада унинг учун: «Агар герцогиня жўнаб кетса, бир ҳафтадан кейин саройим жуда ҳам зерикарли бўлнб қолади»,— деган фикр энг муҳим эди. Граф ҳукмдорилинг сапали ўзгдртиргани ва хатиилг тагига эртанги куннинг саиасини қўйганини пайқаб қолди. У еоатига қаради: соат милдари қарийб ярим кеча бўлганини кўрсатарди. Министр еапапинг бундай ўзгартирилишини ҳар қандай яхши ҳукмдорга хос бўдмиш расмий аникликка интилиш оқибати дея қарор қилди. Маркиза Раверсини бадарға қилиш масаласига келгалда, л!аҳзода бупга қарши ҳеч қандай эътироз билдириб ўтирмади,— у оддмларни алоҳида бир мамнуният билап қувғипга жўпатаверарди.

— Генерал Фонтана!— дея қичқирди у зтникии қия очиб.

Генерал кириб кедди; унинг юзида шундай кулгили бир ҳайрат ва оинчковлик акс этиб турардики, граф билан герцогипя бир-бирларига қувпоқ қараб қўйишди. Бу кўз қарашлари уларни муросага нелтирди.

— Генерал фоцтана,— деди шаҳзода,— колоннада остида кутиб тургдн мешшг каретамга ўтиринг-да, тўғри маркиза Раверсининг олдига борипг, хизматкорга ўзингиз ҳақингизда хабар қилмоқни буюринг; агар у уйқуга етган бўлса, мепинг номимдао борганцнгизци билдирингда, тўғри бтоқхонага киринг ва унга мана шу еўзларди (ха, болхқача қшщб змас, худди малашусўз-

ларни) айтипг: «Маркиза Раверси, ҳазрати олийлари эртаг'а-эрталаб соат саккизга қадар Веллейядаги амлокипгизга жўнаб кетмогингизни буюрадилар. Пармага қачон қайтишингиз мумкиплигини ҳазрати олийларининг ўзлари хабар қилармишлар».

Шаҳзода герцоги пянинг кўзларига боқди, бироқ хоним шаҳзода кутганидек унга миннатдорчилик билдириш ўрнига, эҳтиром билан чуқур таъзим қилди-да, тез-тез одимлаганича кабинетдан чиқиб кетди.

— Жуда аломат аел-да!—дея хитоб қилди шаҳзода граф томонга ўгирилиб.

Граф маркиза Раверсининг қувғин қилинишидан хурсанд эди, зеро, бу ҳол унинг миниистрлик раҳбари сифатидаги фаолиятини осоилаштирарди. У шаҳзода билаи яиа ярим соатча суҳбатлашиб ўтирди. Моҳир сарой аъени сифатида у ҳукмдоркинг иафсониятига тасалли берди ва уни Людовик XVI нинг ҳаети ҳақидаги латифалар мажмуасида ҳам шаҳзода бугун бўлажак тарихчилари учун ҳозирлаб қўйганидан гўзалроқ саҳифа топилмаслигига ишонтирганидан кейингина таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Герцогипя уйига қайтгач, ҳеч кимни, ҳатто графяи ҳам қабул қилмасликпи бугорди-да, хонасига кириб, ичидан қулфлаб олди. У елгиз қолиб, ҳозирги воқеа тўғрисида ўйлаб кўришни петарди. Герцогиня ўз ғурурнга тасалли бермоқ пиятида тусмоллаб ҳаракат қилди, бироқ буииииг оқибатида қандай қарорга келмасин, уни қатъият билан бажарган бўларди. Ҳатто ҳозир, ҳаяжони босилиб, бафуржа фикр юрита бошлаганидан кейин ҳам у ўзидан сира ўпка қилмас, қилмишидан асло афсусланмаеди,— табиати ўзи шунақа эди; ана шу феъли туфайли герцогиня ўттиз олти ешида ҳам саройдаги энг дилбар аел ҳисобланарди.

Хоним гўе узоқ саеҳатдан қайтиб келган одамдек, Парма унга қандай ҳузур-ҳаловат бағишлаши мумкинлиги тўғрисида ўйлай бошлади; кечқурун соат тўққиздан ўн биргача аса бу мамлакатни буткул тарк этажагига имопи комил эди.

«Вечора граф! Шаҳзоданинг олдида менинг жўнаб кетмоқчи эканлигимдан хабар топгач, жуда ғалати аҳволга тушиб қолди... Сирасини айтганда, у жуда дилкаш ва қалби тоза одам. Барча миниистрлик лавозимларидан воз кечиб, менинг ортимдан жўнаган бўларди... Лекин шундай қилса"арзойдиям-да: ахир беш йил давомида у мени бевафоликда айблашига сабаб бўладиган биронта иш қилмадим. Хўш, меҳроб олдида никоҳдан ўтган қапча аел ўз эрию ҳукмдорларига шундай деб айта олиши мумкип? Тўғри, мен уни алдагим келгани ҳам йўқ ўзи,— у калои-димоғликни ҳам, расмиятчиликпи ҳам билмайди, менинг олдимда доим ўз қудратидан хижолат чекабтгандек туюлади... Ўэ ҳукмдори олдида у боя жуда кулгили кўрииди-да ўзиям; агар у ҳозир шу ерга келганида юз-кўзларидан ўпган бўлардим... Бироқ портфелидан ажралиб, истеъфога чиққаи собиқ миниистрнянг кўпглини хушлашга сира ҳам рози бўлмаймаи,— бу бедаво дард; одам ундан ўлиб қутулади. Ешлигида министр булиб қолиш жуда катта бахтсизлик бўлса керак ўзиям! Унга езиб юбориш керак: шаҳзода билан орани очиқ қилишдан олдин мен бу тўғрида қандай ўйлашимни аниқ билиб олсин. Лекин хизматкорларим тўғрисида унутибман-ку. Ажойиб одамлар...»

Герцогиня қўнғироқ чалди. Оқсочлар ҳамоп кўч-кўронни сандиқларга жойлашмоқда эди: карета эшик олдида турар, хизматкорлар унга юк ортишарди; қўли бўш -бўлгаи барча бўлак хизматкорлар каретани қуршаб олишган бўлиб, барчасишшг кўзида 6ш милтирарди. Герцогиняга бу тафсилотларни Чекипа айтиб берди. Муҳим пайтларда беканинг олдига фақат ана шу қиз кира оларди.

— Ҳаммани юқорига чақир,— деди унга герцогиня.

Бир дақиқадан сўнг унинг ўзи қабулхонага чиқди.

— Менга,— деди у,— жиянимга чиқарилган ҳукмга онхазрат (Италияда шундай дейишади) имзо чекмайди, деб ваъда қилишди. Мен ҳозирча сафаримни қолдираман. Бу янги Қарорни ўзгартиришга душманларимкинг кучи етармикин, йўқмикин,— буни кўрамиз ҳали.

Хизматкорлар бир оз вақт жим туришди-да, сўнг «Яшасин бизнинг герцогииямиз!— дея қичқиришганича қаттиқ чапак чала бошлашди.

Цўшки хонага ўтигага улгурган герцогиня қарсаклардап сўнг саҳпага чиққан актриса каби яна хизматкорлари олдида найдо бўлди. У еқимли таъзим қилиб:

— Дўстларим, ғоят миннатдорман сизлардан!— деди.

Шу дақиқада у бир оғиз сўз айтеа борми, хизматкорларнинг бари саройига ҳамла қилиб боришлари ҳеч ган эмаеди. Герцогиня собиқ контрабандачи ва жуда садоқатли одам бўлмиш форейторлар[1] дан бириии ишора қилиб чақирди. Форейтор унинг ортидан чиқди.

— Бадавлат деҳқонга ўхшаб кийингин-да, бир амаллаб шаҳардан чиқиб ол; кейин седиола еллаб, зудлик билан Болопьяга я«ўна. Шаҳарга Флоренция дарвозасидан гўе* сайр қилиб қайтаетган одамдек пиеда кириб бор. «Пилигрим» меҳмопхонасида Фабрициопи қидириб топасан-да, унга бир пакетни берасан. Накетни сенга ҳозир Чекина олиб келади. Фабрицио яшириниб юрибди; Болоньяда у Жузеппе Босси номи билан яшаяпти; енгилтаклик қилиб унинг сирини ошкор айлаб қўйма, Фабрициони танишингни ҳеч кимга билдирма; менинг душманларим, эҳтимол, сенинг ортингдан айғоқчи қўйишар. Фабрицио сени бир неча соат еки бир неча кундан кейин қайтариб юборади; қайтаетганингда бирон хатти-ҳаракатинг билаи унинг кимлигини билдириб қўймаслик учун янада эҳтиетроқ бўл.

[1] Каретага қўшилгап отлардаи бирини миниб, уларни бешқариб борувчи хсучор *(тарж.).*

— Аҳа! Маркиза Раверсипинг одамлариии айтяпсиз-да?—< дея хитоб қилди форейтор.— Тумшуқларини тиқиб кўришсинчи. Агар истасангиз, биз уларнипг боплаб таъзирларини бери--шимиз мумкин.

— Ҳозир ҳожати йўқ. Балким, кейинроқ... Агар ҳаетдан уми* дкнгиз бўлса, менинг буйруғимсиз ҳеч қандай машмаша бошламанглар.

Герцогиня Фабрициога шаҳзодапииг тилхатидаи иусха кўчнртириб юбормоқчи эди; хоним ўзини тийиб туролмай, жиянивдшг кўпглини очишга ва унга ана шу тилхат олиниши би лан якунлааган саҳпа тўғрисида бир-икки оғиз ҳикоя қилиб беришга аҳд қилди. «Бир-икки оғиз» сўз ўп бетлик хатга айлапди. Ниҳоят у форейторни чақиришии буюрди.

— Шаҳардап сен фақат эрталаб соат тўртларда, дарвозалар очилгандап кейингипа чиқа оласан,— деди у.

— Меи катта новдап чиқиб кетишпи мўлжаллаяпман, упда сув одамнинг бўйнидан келади, лекин чиқиб кетиш мумкин.

— Йўқ,— дея эътироз билдирди герцогиня.— Эпг садоқатли хизматкорларимдан бирининг безгакка мубтало бўлишига вўл қўя олмайман. Монсиньорнинг уйида биронта одамни таннйсапми?

— Кучернинг срдамчиси менинг ошиам бўлади.

— Манави хат ҳазрати бузрукворга етказилиши керак. Ҳеч кимга сездирмай, унинг саройига киршн-да, камердинернинг олдига бошлаб боришларини илтимос қил. Фақат моисиньорнн уйготиш керак эмас. Агар у етоқхоиасига кириб кетган бўлса, ўша саройда тунаб қўя қол; одатда у тонготарда ўрнидан гуради, шунинг учун ҳам сен эрталаб соаг тўргда қабулини сўра; унга менинг юборганимни айтгйн-да, ҳазратнинг дуосини олиш учун олдига бор ва унга манови пакетии бер. Ундаи зса, эҳтимол, у Болоньяга юбормоқчи бўлиб турган хатни ол.

Герцогиня монсиньорга шаҳзода мурувват билан езиб берган хатииг асл нусхасини бериб юбормоқда эди ва ушбу тилхат архиепископнинг бош викарийсига дахлдор бўлгани учуп бу ҳужжатни епархиянинг архшшда сақлаб қўйяшни илтимос қилди. У я па жиянининг ҳамкасблари бўлмиш жаиоб катта вика рий ва канониклар бу когознинг мазмуни билан ганиш мокни исташар, деб умид билдирди, ҳамда бу ўрияда қагтиқ сир сақлапиши лозим, албатта, дея шарт қўйди.

Герцогинянинг моксиньор Лаидрианига йўллаетган ушбу номаси жуда самимий оҳангда бзилднки, бу ҳол меҳрибон буржуани ўзига ром қилмоғи лозим эди. Аммо унинг бу дўстона мактубинипг тагига

*А нжелина-Корнелия-Изотта*
*Вальсерра делъ Донго*
*герцогиня Сансеверина*

дея чеккан имзоси оз эмас, кўн эмас уч мнсрани ташкил зэ?дн.



«Ҳамма исмларимпи анчадан буен бундай санамагандилг ўзим ҳам, яиглиптмасам, охирги марта раҳматли герцог билан тўйимиз купи ва никоҳ шартномасига имзо чекаетганимда шупдай езгандим,— деди ўзича герцогиня илжайиб.— Бирок, бундай одамларга фақат ана шупақа баландпарвоз упвоплар билангина екиш мумкин,— буржуаларнипг кўзига кулгили нарсалар ажойиб кўринади». Бугупги кунии муносиб тугатмоқ учуп герцогиня ўзини тийиб туролмай, бояқиш графга ҳам хат езигага аҳд қилди ва уз таъбири билап айтганда *«соуибцирон билан муносабатида цўлланма тарщаси назарда тутмоти учун»* соби^ министрнинг кўнглипи хушлашга мутлақо қодир эмаслигшш баен қилиб берди.

«Шаҳзодадап жуда қўрқар экансиз; у билан мулоқот қилигн бахтидан маҳрум бўлгаиипгиздап кейин эса, чамамда, меи сизий даҳшатта солишимга тўғри келади шекилли».

У хатпи дарҳол графга элтиб беришпи буюрди.

Шаҳзода эса ўз павбатида эрталаб соат еттида нВДв шил ар министри граф Дзурлани ҳузурита чақиртирди.

— Барча подеета*ларга,— деди у,— дворянин Фабрицио дель Донгопи ушлаш ва қамоққа олиш ҳақнда қатъий фармон н>бп-})инг. Бизга хабар қилишларича, у, эҳтимол, тасарруфимиздаги мамлакатга келмоққа журъат этиши мумкин эмитп. Ўша қочоқ ҳозир Болонт.яда эмига ва бнзнинг судимизпи калака қилиб юргапмиш; уни танийдиган айтоқчиларни олинг-да, бирипчидан, Болоньядан Пармага қадар бутун йўл четидаги қишлоқларга, иккинчидан, герцогинянинг Саккадаги саройи ҳамда Кастельиуовадаги уйи атрофита. учинчидан эса, граф Москанинғ чорбоғи теварагига қўйинб чиқипг. Мен сизий ғоятда допо одам деб била май ва граф Моска қанчалар заковатли одам бўлмасип, ундан ўз онҳазратттитизнинг буйруғини сир сақлай оласиз, дея умид қиламан. г^ингизда бўлспн, Фабрииио дель Донго қамоққа олипмоғи даркор,— менинг истагим шу.

Мянистр чиқиб кетган заҳоги кабинетга яншрин эшик орқали, ҳар қадамда боши ерга теккудек бўлиб, илтоқплик билао таъзим қилганича боға фискал Расси кириб келди. Бу аблаҳиииг башарасини мойбўеқлар билан чизса арзирди,— бу багаара унинг мурдор вазифасига жуда мос тушарди: кўзларинииг олазарак қаранги ўзинингт қандай вом чиқарганидан хабардор экаплигини кўрсатар, бироқ сурбетлик билап ишшайиб туриши одамларпипг пафратига қарши куранта олишидан далолат беради.

Модомики бу амалдор тез орада Фабрициошшг тақдирига катта таъсир кўрсатар экан, у ҳақида уч-тўрт огиз гапириб ўтмогимизга тўгри келади. У балапд бўйли одам бўлиб, ақли зукко экаплигппи ифода этиб тура^игап кўзлари апча чиройли эди, бироқ юзини чечакдан қолгап чўтирлар бузиб турарди. Ақл масаласига келгапда, Рассипи апча доно ва зийрак одам дейиш мумкин эди; у юриспрудепцияпипг сув қилиб ичиб юборган, дея тт

олишарди, бироқ бу соҳада Расси ҳаммасидан ҳам кўпроқ топқирлиги билан барчани ҳайратга соларди. Эпг чигал суд ишларида ҳам у бир зумда айбланувчини истаса қамоққа ҳукм қиладиган, истаса, оқлатиб юборадиган қонун йўлини осонгина топа оларди; у айниқса прокурорлик ҳийлалари билан ном чиқарганди.

Шундай одами бўлгани учуп ҳатто буюк давлатлар ҳам Парма шаҳзодасига ҳавас қилса арзийдиган бу кимсанинг битта камчилиги бор эди: у аркони давлатларга яқин юриб, улар билан сухбатлашишпи ва масхаравозлик қилиб, улариинг кўнглини хушлашни яхши кўрарди. Ўша аркони давлат Рассининг гапларидандми е унинг ўзидан куляптими еки сурбетлик билан унинг хотини аския қиляптими, бу одам учун бари бир бўлиб, фақат хукмдори кулса ва бетакаллуф муомала қилишни лозим кўрса бас эди. Баъзан шаҳзсда ўзининг бош судьясини яна қандай қилиб хўрлашни билмай қолган кезлари унинг орқасига теиард-У; агар у қаттиқроқ тепса, Расси йиғлай бошларди. Бироқ у масхарабозлик қилишга шу қадар ўч эдики, худонинг берган куни уни калака қилиб юрадиган министрпинг меҳмонхопасига бориб турарди. Ҳолбуки у ўз меҳмонхонасида бутуи мамлакатнинг судьяларига зуғум қилиб вакт ўтказиши мумкин &ди. Бироқ Расси ўзига алоҳида мавқе яратиб олганди: энг'густоҳ аристократ ҳам унинг нафсониятига тега олмасди, зеро, куни бўйи эшитган ҳақоратлари учун у оғзига келганини гапиравериш имтиезидан фойдалаииб, ўша ҳақоратлар тўгрисида шаҳзодага ҳикоя қилиб бериш орқали ўч оларди: тўғри, бу ҳикоялари учун мукофот тариқасида у баъзан қаттиқ тарсаки еб қоларди, бироқ Расси бунга сира хафа бўлмасди. Шаҳзода ҳатто кайфиятн жуда бузилган пайтда ҳам бога судьяси билан бундай «улфатчилик» қилса кўнгли очиларди,— бундай кезларда у фискални зрмак учун таҳқирлаб ўтирарди. Кўриб турибсизки, Расси худди сарой аъени бўлига учун яратилган одам эди: у на иафсониятни, на қадр-қимматни билар, на бирор ҳақоратга хафа бўларди.

— Аввало сир сақлансин!— қичқирди шаҳзода Рассининг таъзимларига жавоб бермай, гарчи барча билан жуда мулойим муомала қилса-да ўта қўпол оҳангда.— Ҳукм қайси сана билан белгиланган.

— Кечаги куп билан, ҳазрати олийлари.

— Нечта судья имзо чекди?

— Бешовлоннинг ҳаммаси.

— Қандай жазо белгиладинглар?

— Қалъага йигирма йил қамагага ҳукм қилдик,— менга ўзингиз гаундай буюргандингиз, ҳазрати олийлари.

— Ўлим жазоси барчанинг газабини қўзғотгап бўларди,— деди шаҳзода худди ўзи билан ўзи ганираетгандек оҳангда.— Афсус! Ўша калоидимог хонимнинг попугини сасайтириб қўйсак емон бўлмасди. Лекин у дель Донго ахир, бу помпи эса Пармада деярли кстма-кет ҳукмронлик қилган учта архиепископ дель Донголар туфайли жуда эъзозлашади. Демак, йигирма йил қалъага қамалади, дейсизми?

— Шундай, ҳазрати олийлари,— деди жавобан Расси ер ўигувдек таъзим қилар экан.— Ундан олдип эса ҳазрати олийларининг иортретлари рўпарасида туриб, жамоа олдйда тавба қилмоғи керак. Бундан ташқари, ҳар жума куни ва катта бай рам арафаларида рўза тутмоғи даркор: унга фақат нон билан суп берилади, *зеро, жиноятчи мункир одам сифатида ном чицарган.* Келажакда катта мартабалар эгалламасин учун бу гап ҳам ҳукмга киритилгап.

— Езинг,— деди шаҳзода:— «Ҳазрати олийлари жиноятчинипг онаси маркиза дель Донго ҳамда аммаси герцогиня Сансеверинанинг жипоят рўй берган пайтда улариинг ўгли са жияни ҳали жуда еш бўлгапи, бунинг устига бахтсиз Джилеттиипг хотинини телбаларча севиб қолганп ҳақида айтиб, қилган ожизона илтимосларини илтифот билан назарда тутган ҳолда, бундай евузликдан даҳшатга тушганига қарамай, йигирма йилга қалъага қамашга ҳукм қилинган Фабрицио дель Донгонинг қамоқ муддатини ўн икки йилга тушпрмоқни лозим кўрдилар», Берипг, имзо чекамап.

Шаҳзода фармошшнг тагига кечаги куннинг санасини қўйиб, имзо чекди-да, уни Рассига узатар экап, деди:

— Имзоимнинг тагига шундай илова езипг: «Ушбу ҳукмдаи хабар топган герцогиня Сансеверина ҳазрати олийларининг оегига яна бош уриб боргани сабабли, шаҳзода жиноятчига ҳар ҳафтаиипг пайгаапба кунлари қалъанинг авом Фарнезе минораси дея атамиш тўртбурчакли мипораси майдончасида бир соат сайр қилмоғига ижозат айладилар». Энди имзо чскипг,— деди шаҳзода,— аммо едингизда бўлсин: шаҳарда қандай миш-миш тарқалмасии, бу ҳукмни сир сақланг! Қалъада икки йил қамоқпи таклиф қилган ва ўзининг бу бемаъни таклифини еқлаб гай сотган анови маслаҳатчи дель Капитанига менипг маслаҳатимни айтиб қўйииг, қонун ва жазо мажмуаларини яна бир бор ўқиб чиқсин. Демак келишдик, марҳамат қилиб, тилингизни тийиб юрасиз. Ҳайр.

Расси бир неча марта етти букилиб таъзим қилди-ю, бироқ шаҳзода уига қие боқмай тураверди.

Бу воқеа эрталаб соат еттида содир бўлди. Бир неча соатдан кейин эса бутун шаҳар бўйлаб ва барча қаҳвахоналарда маркиза Раверсининг қувғин қилингани ҳақида хабар тарқалди. Барчанинг огзида ана шу муҳим ҳодиса эди. 1\1аркизанинг ғазабга йўлиқиши бурмунча вақтга кичкина нгаҳарлар.ва кичкина саройларнинг муқаррар душмани бўлмиш хунобликни тарқатиб юборди. Ўзшш энди мипистр деб хаел қилиб юрган генерал Фабио Копти бод касалини баҳоиа қилиб, бир неча кун қалъадан чиқмай ўтирди. Буржуалар, улариинг ортидан авом халқ ҳам шаҳзода монсиньор дел Допгони албатта Парма архиепис-

кони этиб тайипласа керак, дея қарор қилиб қўйди. Цаҳвахо--наларда айер сиесатдонлар ҳатто ҳозирги архиепископ, ҳазрат Ландрианига бетоблигини баҳопа қилиб, истеъфога чиқиш буюрилган, бупинг эвазига мукофот тариқасида унга, чамаеи, тамаки моцополиясидан тушадиган даромад ҳисобидап каттагипа пенсия белгилашса керак, дейишгача бориб етишганди; бу мишмишлар архиепнскоининг ҳам қулоғига етиб, уни жуда ташвишга солиб қўйди ва қарияннинг қаҳрамоиимизшшг тақдирига елибюгуриб қилаетган ғамхўрлиги бир неча кунга анча сусайиб қолди. Икки ойдан сўнг бу муҳим янгилик кичкииа бир хато билан Париж газеталарида ҳам пайдо бўлди: улариинг езишларича архиепископ қилиб «герцогиня Саисеверинанинг жияни граф Моска» ии тайинлашмоқчи бўлишган экан.

Маркиза Раверси Велейя амлокида ғазабининг зўридан ўзини қаерга қўярини билмай ўтирарди. У ўз душмапларидан фақаг ҳақоратли сўзлар билангина ўч оладиган продаси суст аеллардав эмасди. Кавалер Рискара билан унинг яна учта дўсти маркиза қувгин қилипган заҳоти хонимнинг буйруғи билан бадарга қилинган маркизани зиерат қилишга ижозат олмоқ учув шаҳзоданилг хузурига боришди. Шаҳзода илтимосгўйларии жуда яхши қабул қилди, улариинг Велейяга бориши эса маркиза учув жуда катта юпанчиқ эди. Иккинчи ҳафтанинг охирига бориб, унинг меҳмонхонасида ўттиз чогли одам йиғилиб қолди — буларнинг бари либераллар министрлигада бирон мартабани орзу қилиб юрган кишилар эди. Ҳар купи кечқурун маркиза ўа тарафдорлари орасидаги энг билимдон одамлар билан барча қоидаларга риоя қилган ҳолда кецгаш қурарди. Вир куни у Парма ва Болоньядан бир талай хат олди-да, кечқурун етоқхонасига барвақт кириб кетди. Севимли ка-меристкаси унинг олдига аввал барчага маълум ўйнаши — нлҳоятда хушсурат аммо сира эътибори йўқ вигиг бўлмиш граф Бадьдини, бир оз кейвнроқ эса унинг ўтмишдоши — қорачадан колган, уддабуров ва евуз бир одам — кавалер Рискарани бошлаб кирди. Ўз фаолиятини Парманинг дворянлар коллегиясида геометрия фанп бўйича ренетиторликдан бошлагап Рискара ҳозир давлат маслаҳатчиси ва кўпгина орденларнинг кавалери бўлиб олга.нди.

— Менинг яхши бир одатим бор,— деди маркиза ўз хутпторларига,— доим ҳамма қоғозларни сақлаб қўяман. Эндя бу одатимнинг фойдаси те.гадиган бўлди. Мана, Саисеверинанинг турли мавзуларда менга езгап тўққизта хати, Гену яга боринглар-да, у е.рда каторга адщщдов одамлар орасида собиқ бир нотариусни топипг,— унинг фамилияея, янглишмасам, буюк венециялик шоирникига ўхшаб, Бурати эди, еки бўлмасам Дуратидир. Граф Бальди, едув столи енига. ўшрнng-да, мен айщб тур.адигав ;ови ганларии езинг:

«Миямга яхши бир фикр келпб қолди, уни сепга хабар қилмоққа шонщламаи. Меп Кастельпуово яқинидаги кулбамга бормоқчиман. Агар у ерга келиб, бир кун вақтишни мен билан бир1а ўтказсапг, бошим осмонга етарди; энди бупинг унчали хавфли жойи йўқ, деб ўйлайман: бўлиб ўтган барча воқеалардап сўнг қора булутлар тарқала бошлади! Аммо тўғри Кастсльпуовога келма — йўлда тўхтаб ўт; сени хизматкорларпмдап бири кутйб туради, улариинг бари сени жуда яхши кўришади. Бу кпчик саеҳат учун, турган гап, Босси фамилиясиии сақлаб қолгапипг маъкул. Айтишларича, сен таркидуне қилгаи роҳпбларга ўхшаб катта соқол қўйганмишсан, Пармада эса сени фақат бош викарий сифатйда соқол-мўйловингни олиб, силлиқ бўлиб юрган пайтингда кўришгап». Тушундингми, Рискара?

— Жуда яхши тушундим. Лекин Генуяга бориш, мстшмча, ортиқча сарфи ҳаражат бўлади. Мен Пармада ҳам худди шўндай одампи таний``мап. Тўгри, у ҳали каторгада эмас, лекин шу котити бўлса, тезда у ерга тушити аниқ. У Саисеверинанинг хатини бсплаб ўхшатиб беради.

Бу сўзларни эшитиб, граф Бальди чпройли кўзларини катта очди: у маркизанипг ниятини эндигина тушунган эди.

— Лекин сен Парманинг ана шу йстеъдодли, муиосиб фукаросини танир экансан, ҳар қалай у ҳам сени таписа керак. Сансеверина бўлса унинг ўйнаши, руҳоний пири еки дўстипи сотпб олиши мумкин. Йўқ, яхшиси менинг бу айбга қўшилмайдиган хазклимни орқага сурсак сурамизки, ўзимизни бнронта хавфли тасодифга гирифтор қилиб ўтирмаймиз. Роиш бола бўлиб, йкки соатдан кейин йўлга тушинглар, Генуяда ҳеч кимга кўринманглар ва тезроқ қайтиб келинглар.

Кавалер Рискара кулиб юборди-да, ПолйшййеЛ*га ўхшаб «Йўлга отланамиз! Йўлга отлапамиз!»—дея мингиллаб, хйргойи қилгап кўйи масхаравозлардек ирғишлаб сакрагакяча хонадап чиқиб кетди. У Бальдпни ўз маҳбубаси билан блғиз қолдирмоқчи эди.

Орадап беш куп ўтгач, Рискара маркизанипг ҳузурига унинг суюклиси — ҳаммаеғи шилиииб кетгап граф Бальдиии бошлаб кирди: йўлни олти льега қисқартирмоқ учун уни хачйрга Шни#, тоғдан ошиб ўтишга мажбур қилишганди; у энди пуқул, бошимдан олтин сочсангиз ҳам узоқ саеҳатга бормаймап, дея такрорЛарди. Бальди маркизага хоним унга аГгшб туриб еЗдир'ган хатпинг уч иусхаси ҳамда Рискара тўқиган ва худдн ўгпа қўл билан озплган беш-олти бошқа мактубларни узатди,— кейинчалпк уларнинг ҳам фойдаси тегиб қолиши мумкин эди. Ўша хатлардан бирида шаҳзоданинг тунлари қўрқиб чиқиши, ҳамда унинг ўйнаши, маркиза Бальдининг қоқ тараша эканлйгй ва унинг ўз суяклари билап ҳар қандай кресло ўрипдигйнй бир зумда тешлб юбориши мумкиплиги жуда кулгили қилиб тасвирланганди. Бу хатларяинг барини курган одам улариинг герцогиня Сапсеверипа қўли билан езилганига сира ҳам шубҳа қилмаедй.

— Энди аниқ билиб олдим,— деди маркиза,— упипг суюкли дўсти Фабрицио Болопьяда еки унга яқин жойда яшар экан.

— Менинг жуда мазам йўқ!— хитоб қилди граф Бальди унинг

гаттини бўлиб.— Худо ҳақи, иккипчи саеҳат қилишга мени мажбур этманг еки ҳеч бўлмаса бир неча кун дам олиб, даволаншнимга ижозат беринг.

— Ҳозир сизий бу ишдан халос этаман,— деди Рискара ва ўрнидан туриб, маркизанинг қулоғига алланималарни шивирлади.

— Хўп, яхши,— дея жавоб қилди маркиза жилмайиб.— Тинчланинг, сиз умуман ҳеч қаеққа бормайсиз,— деди у сўнгра Бальдига ва ўйнашига анчайин нафрат билан қараб қўйди.

— Ташаккур! — дея хитоб қилди граф чин кўнгилдан хурсапд бўлар экан.

Ҳақиқатан ҳам Рискара почта каретасида елғиз ўзи жўнаб кетди. Болопьяда икки кун яшаб улгурмасданоқ у Мариетта билан коляскада келаетган Фабрициони кўриб қолди.

«Жин урсин!— деди ўзича Рискара. Бўлажак архиепископимиз деймап уят деган нарсани билмайди шекилли. Бундан герцогиняни хабардор қилиб қўйиш керак,— хурсанд бўлиб кетганидан боши осмопга етса керак ўзиям!»

Рискара Фабрицнопинг изидап тушиб, унинг қаерда яшашипи осонгпна билиб олди; эртаси куни Фабрицио почта орқалн Гепуяда ҳозирлангаи хатни олди,— мактуб унга бирмунча қисқа езилгандек кўрипди-ю, аммо дилида ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. Каҳрамонимиз герцогиня ҳамда граф билан дийдор кўришажагиви ўйлаб, ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди ва Лодовико уни тўхтатиб қблишта қанча уринмасин, почта бекатида от еллади-да, дарҳол йўлга тушди. Ортидан бир қаича масофа нарида кавалер Рискара ҳам эргашиб келаетгаяини эса Фабрицио ҳатто хаелига ҳам келтирмасди. Рискара Пармадап олти лье берироқда ва Кастельиуовопинг тундоққина биқинида жойлашган бекатга етиб кел1анида қамоқхона олдида каттагина оломон тўплапгаиини кўриб, қувониб кетди; у ерга ҳозиргипа қаҳрамонимизни олиб келишгапди, зеро, почта бекатида отиии алмаштираеттанида уни граф Дзурла юборган энг кучли айғоқчнлардан иккитасини таниб қолганди.

Рискарапинг бит кўзлари чақнаб кетди; у тиришқоқлик билан бу қишлоқда содир бўлган барча воқеаларни суриштириб билдида, дарҳол маркиза Раверсига чопар юборди. Сўнгра, шу ердаги ўзига хос черковии томоша қилмоқчи ва гўе Пармиджанино*нинг шу атрофда кимиингдир қўлида бўлган каргииасини қидириб топмоқчи бўлган одамдек кўчаларда изғий бошлади. Ниҳоят шу ернинг подестасига дуч келди. Подеста дарҳол давлат маслаҳатчисига ўз ҳурматини изҳор этди. Рискара омади келиб, шундай фитначини қўлга туширган подестага унинг маҳбусни дарҳол Парма қалъасига жўнатмаганидап ҳайратга тушганини айтди.

— Ҳали жаидармлар унинг бир гала дўстлари билан жанг қилишга мажбур бўладиларми деб қўрқаман,— деди Рискара совуққиа қилиб,— улар ўтган куни аъло ҳазратнинг тасарруфидаги ерлардан ўтиб олишига ердам бсрмоқ учун бу жииоятчини қидириб юришганди,— исенчилар ўн беш чоғли одам бўлиб, япа ҳаммаси от миниб олгапди.

— 1п1е1П§епУ раиса![1]— дея хитоб қилди подеста Қувлик билан.

## Ўн бешинчи боб

Икки соатдап кейин қўлга кишан урилган бояқиш Фабрицио-' пи седиолага ўтқазишди-да, узуй занжир билан ўриядиққа боғлагади ва саккизта жандарм соқчилигида Парма қалъасига я?ўпатишди. Соқчиларга бу карвон ўтиб бориши лозим бўлган барча қишлоқлардаги жандармларпи ҳам ўзлари билан бирга олиб кетиш буюрилгапди; бу эътиборли жииоятчини нақ подестапинг ўзи кузатиб бормоқда эди.

Кечқурун соат еттиларга яқин седиола пармалик барча болалар ва ўттизта жандарм қуршовида чиройли хиебонни кесиб ўтдида, бир неча ой бурун Фауста яшагап саройни ортда қолдириб, ниҳоят цалъанинг та гаки дарвозаси енига етиб борди. Худди гау пайт генерал Фабио Копти қизи билан қалъадан чиқиб келмоқда эди. Комендаптнинг каретаси Фабрицио борлангап седиола пи ўтказиб юбормок учун кўтарма куприк олдида тўхтади. Генерал, қалъа дарвозасиии беркитиб қўйинглар, дея қичцирди-да, каретадап тушди ва кимни олиб келишганини билиш учун идорага кириб кетди; у седиолага маҳкам боглаб қўйилган ва узоқ йўл давомида шундай ўтираверйб, қўл-оеги бугунлай увигаиб қолгап маҳбуспи танигач, қаттиқ ҳайратга тушди: тўртта жандарм Фабрии.иопи седиоладан туширишди-да, қўлларида кута риб, қамоқхопа идорасига олиб киригади.

«Шундай қилиб, магаҳур Фабрицио дель Донга эпдн менинг ихтиеримда бўлар экан-да, дея хаелидан ўтказди шуҳратпараст комендант.— Бу йигит айтиш мумкипки, бутуи бир йил давомида Парманинг кибор/.ар жамияти диққат марказида бўлган ўша Фабрицио дель Доиго-ку ахир!»

Генерал Фабрицио билан саройда, герцогинянинг меҳмопхонаси ва ўзга хонадонларда кямида йигирма мартача учрашгап бўлса-да, ҳозир, турган гап, у Силан таниш экаплигипи ҳеч кимга сездирмади: у обрўсига нутур етишидан қўрқарди.

— Кастельнуово қигалоғининг мухтарам подестаси угабу маҳбуспи менга топширгани ҳақида батафсил протокол тузинг,— дея қичқирди у қамоцхона котибига к.араб.

Турқи совуқ, натаксоқол ва жангари кўрипишли котиб Барбоне янада гердайиброқ ўтирди: уни курган одам немис қамоқхона нозирининг ўзгинаси дерди. У, бошлиғим асосан герцогиня Сансеверинаяинг апби билан ҳарбий минисгр бўлолмай цолди, дея ҳисоблагани боисидан маҳбусга одатдагидан ҳам кўнолрок, муомала қилди. У Фабрициога У(н* деб мурожааг этар, Италияда эса фақат хизматкорлар билан гаплашгандагииа шундай дейиларди.

[1] Анлли одамга бир огиз сўз кифоя *(лаг.).*

— Мои муқаддас Рим черковининг прелати ва сизнинг епар-« хияигиз бош викарийси бўламаи,— деди қатъият билан Фабри* цио.— Дол аверса, исми шарифимпииг ўзиеқ сизнинг менга нисбатан ҳурмат билан муохмала қилмоғингизни тақозо этади.

— Ҳеч нимани билмайман!— густоҳлик билан эътпроз билдирди котиб.— Шундай олий унвоиларингиз борлиги ҳақида ҳужжат да ерликлариъ-гь'зпи кўрсатинг.

Фабрициоиинг енида ҳужжатлари йўқ эди, шу боисдан ҳам у индамаЙ қўя колдд. Генерал Копти котибнинг қандай протокол эузишини кузатар экаи, бу одамнинг чиндан ҳам Фабрицио дель Допго экандигини тасдиқлаш заруратидан қутулмоқ ниятида маҳбусга қарамай турарди.

Отасини кутнб каретада ўтирган Клелия Конти бирдан қоровулхонада қаттиқ тўс-тўиолок кўтарилганини эшитиб қолди. Котиб Барбоне протоколга сурбоглик билан маҳбуснинг ташқи қиефасини батафсил езар экан, унинг Джилетти билан олишув пайтида яралаигап жопларидаги чаидиқлар бадащшнг қаерда вканлигини аниқлаш учун маҳбусга кўйлагини ечипши буюрди.

— Мен буйруғй, I бажара олмаймап, жаноби котиб,— лея жавоб қилди Фабрдцир адаадли плжайиб,— кищандар халал берянти.

— Қаиақасига?! — ўзици соддалнкка солиб, хитоб қилди генерал.-— Маҳбус ҳамон кишанбандми? Цалъашшг ичида-я? Буииси уставга хилоф, бунинг учун алоҳида фармон керак. Унинг қўлцдап кишанларии ечинг.

брицио уига қараб қўйди. «Хе, мудофдқ,— дея хаелидан ўтказди у.— Бир соатдан бери қўлпмга кшлан урилгани ва у менга жуда халал бераетганинп куриб турибди-ю, эпдн бўлса, ўзини ҳанратга тушгандек қилиб кўрсатяпти».

Буииси уставга хилоф, бунинг учуд алоҳида фармоп керак. Унинг Фабрицио герцогиня Сдисэверицавинг жняпи экаилнгипи билишгач, эпди ўлиб-тирилиб уига меҳрибонлнк кўрратишга уринишар ва бу ҳол котибнинг қўполлигини янада бўрттириброқ кўрсатарди. Чамаси, буви кўриб Барбопепинг жаҳли чиқиб кегди шекилли, у қимир этмай турган Фабрициога қараб ўщқирдд.

— Хуга, нега серрайпб турнбспз! Капи, қимирлапг! Котиллигс қалаеттаингизда бечора Джилетти қаерицгнзни жароҳачлагааиўрсатипг бизга.

Фабрицио бир сакрашда котибнинг олдига бо риб, унинг башарасига шундай тареаки тунщрдшш, Барбоне стулдан генералГнинг оеги остига қулаб тушди. Жав р Фабрициошшг қўлларита чанг солишди, бироқ у қарщиляк кўрсатмади; гкиералнипг ўзи ва Фабрициoнга соқчнлик қилиб турган икки жандарм бурцидап тиркираб қон оқаетган Барбоиени ўрнлддн турга.зрб цўйящди. Кираверишда турган икки жандарм маҳбус қечмоқчи доган хаелга бориб, шартта эшнкпи ела бошлашди.

Соқчилар бошлиги бўлмиш бригадир қалъа ичида тургав еш дель Донгонинг қочиб кета оладаслигшш тущундр/Щ. Шундай бўлса-да, у жандармлик табиатига кўра «қоида юзасидан» дераза олдига борди. Ана шу очиқ деразадан икки қадам нарида генералпинг каретаси турарди. Клелия идорадаги қайгули манзарани кўрмаслик учун каретанинг бурчагига бекиниб олганди: у шовқин-суронни эшитгач, каретадан бошини чиқариб қаради.

— У ерда нима бўляпти ўзи?— дея сўради қиз бригадирдан.

— Сизга айтсам, синьорина, еш Фабрицио дель Допго сурбет Барбоненинг башарасига боплаб тарсаки туширди.

— Нима? Камоқхонага жаноб дел Донгони олиб келишдими ҳали?

— Ҳа, худди ўшани,— деди жавобан бригадир.— Бечора йигит аслзода бўлгани учун ҳаммамиз ҳам роса овора бўлдик. Сиз биларсиз деб ўйловдим, синьорина...

Клелия здди деразадан кузини узмай турарди. Столни куршаб турган жандармлар хиел четга ўтишгач, қиз маҳбусни курди.

«Биз у билан Комо қўли яқинидаги йўл устида учрашгандик,— дея ўйлардп у.— Ўшандан сўнг уни биринчи марта шу ерда, шундай ночор аҳволда кўришим кимиинг хаелига келибди дейсиз... У менга қўлини узатиб, онасининг коляскасига чиқариб қўйганди. Енида герцогиня ҳам бор эди... Эҳтимол, уларшшг орасидаги севги ўша кезлари бошлангандир?»

Китобхонга шуни айтиб қўймогимиз даркорки, маркнза Раверси ва генерал Конти раҳбарлик қиладиган либераллар лагерида Фабрицио билан герцогиня ўртаснда ишқий алоқа борлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, дея атайлаб гап тарқатишгаиди; Шу боисдан либераллар ўзлари қаттиқ емон кўришадигаи граф Москани орқаваротдан лақма сифатида масхара қилиб юришарди.

«Шундай қилиб,— дея ўйларди Клелия,— у здди тутқин ва бунинг устига — ўз душмаиларининг асири; ахир граф Моска, ҳатто фаришта бўлгаи тақдирда ҳам унинг қал вага қамалишидан ичида хурсанд бўлиши лозин».

Цоровулхонада жаидармларяинг бирдан дўриллаб кулишгани эшитилди.

— Джакопо,— дея ҳаялюнланиб сўради бригадирдан қиз,— у ерда пима бўляити?

— Генерал маҳбусдан, нима учун Барбоиени урдингиз, деб сўрадилар; монсиньор Фабрицио бўлса хотир?камлик билан: «У мени қотил деб атади, мени шундай унвоп билан аташга ҳуқуқ берадиган ҳужжат ва ерлиқларини кўрсатсин»,— дея жавоб қилди. Бу гаипи эшитиб ҳамма кулиб юборди.

Хат-саводи бўлган қамоқхона назоратчиларидан бири Барбоненинг ўрпига ўтирди; Клелия котибнинг жяркаич башарасидаги қонни ар панича цоровулхонадап чиқиб келгантши курди; Варбоке бўралаб сўки.чарди. «Мен бу итвачча Фабрициони ўз [{улйм билан бўгиб ўлдпрамап,—дея бўкирарди у.— Мен уни жаллодга бериб бўпмап» ва ҳоказо ва ҳоказо. У Фабрициопн куриш учун

ядора деразаси олдида тўхтади-да, янада қаттиқроқ сўкина бошйади.

— Цани, ўтинг, ўтипг,— деди унга бригадир,— синьоринашшг олдида шундай сўкинишингиз яхши эмас.

Барбоне бошини кўтариб, каретага қаради: унинг кўзлари Клелиянинг кўзлари би лай тўқнашди-ю, қиз даҳшатдан қичқириб юборди. «У Фабрицюни ўлдиради!— дея ўйлади у.— Дон Чезарени огоҳлантириб қўйишим керак». Дон Чезаре унинг амакиси ва шаҳардаги энг ҳурматли руҳонийлардан бири эди. Акаси бўлмиш генерал Копти, доп Чеза.рега қамоқхопаиинг бош руҳонийси ва экбноми лавозимини олиб бергаиди.

Генерал каретага ўтирди.

— Уйда қола қолмайсанми?— дея сўради у қизидан.— Сарой олдида апча вагт кутиб қолишингга тўғри келадими деб қўрқаман. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳақида ҳазрати олийларига ахборот бермогим лозим.

Шу пайт идорадан учта жандарм қўригида Фабрицио чиқиб келди,— уни ўзига ажратилган камераси томон олиб кетишмоқда эди; Клелия ундан кузини узмай турарди. Йигит карета енига келганида қиз отасига жавоб қилди:

— Мен сиз билан бораман.

Фабрицио шундоқ еигипасида айтилгап бу сўзларни эшитиб, бошини кўтарган эди, кўзлари Клелиянинг нигоҳига дуч келди. Ҳаммасидан ҳам уни қизнинг чеҳрасидаги маъюслик ҳайратга солди.

«Комо кўли енида учрагаганимиздан буен у жуда очилиб кетвди,— дея ўйларди Фабрицио.— Рухсорида пақадар теран фикр ифода этитаини қаранг!.. Уни герцогиняга ўхшайди деб жуда гўгри айтишган экан. Чеҳраси нақ паривашнинг ўзгинаси-я!..»

Башараси қонга беланган котиб Барбоне карета олдида бекорга ўралашиб турмагап экан, у Фабрициоиинг соқчиларига тўхтанг ясгаидек ииюра қилди-да, каретанипг орқасидан айланиб ўтиб, генерал ўтирган томондаги эшикча олдига гогуряб келди.

— Маҳбус қалъа ичида туриб зўравоплик цилда,— деди у.— Шушшг учун ҳам уставпинг бир юз эллик епинчи параграфи асосида уни уч кун муҳлатга кшпапбанд қилиб қўйиш керак эмасми?

— Йўқолинг кўзимдан!— дея қичқирди генерал; бусиз ҳам мазкур қамоққа олиш воқеаси унинг юрагига ғулгула солиб қў!'!-ганди. Герцогиня билан граф Москага ўчакишнинг ппма кераги бор? Граф бу ишга қандай қарайди ҳали? Лслида аллақапдай Джилеттинсшг ўлдкрйлиши арзимаган иш, уни фақат фитна-фасод йўли билангина шундай шигаириб юборишди.

Апа шу қисқа вақт пчида Фабрицио соқчилар ўртасида ғурур ға мардлик тимсолидек қаддини гоз тутиб турди; юзидаги йигитлик латофати, лабларининг пафрат билаи илжайиб туриши уни ўраб олгап жандармларпиит тўпори башараларидан жуда кескин фарқ қиларди. Бирок, бу унинг ташқи қибфаси эди, кўзларида зса Клелиянинг мусаффо гўзаллиги олдида лол бўлиб қо'лгани аке этарди холос. Циз ҳамои чуқур хаелга чўмганича карета дарчасидан унга қараб турарди; йигит хиел жилмайиб, унга ҳурмат билан таъзим қилди-да, бир зумдан сўнг деди:

— Янглишмасам, синьорина, бир вақтлар сиз билаи Комо кўли енида учрашиш тарафига муяссар бўлгандим ва ўшанда ҳам биз жандармлар қуршовида эдик.

Клелия қип-қизариб кетди ва хижолатга тушганидап жавобан бир оғиз ҳам сўзлйта олмади.

«Унинг қиефаси қанчалар олижаноб, уни ўраб тургаи одамлар эса нақадар дагал ва тўпори кўринади»,— дея ўйлаб тургаи эди қиз Фабрицио унга ҳозирги гапни айтганида. Шу тобда Клелиянинг қалбини чуқур ҳамдардлик ва деярли назокат туйғуси қамраб олгандики, у йигитнинг гапига жавоб бермоққа ожизлик қиларди. Бироқ шу пайт қалъанинг бош дарвозаси сунбасини қаттиқ шарақлатиб бир четга суришди,— зоти олийларииинг каретаси бир минутдан ортиқ кутиб қолганди. Тош гумбаз остида сунбанинг бундай шарақлаши шу қадар кучли акс-садо берардики, мабодо Клелия жавобан бир оғиз сўз айта олган тақдирда ҳам, Фабрицио бари бир уни эшитмаган бўларди.

Улар кўтарма кўприкдан ўтишган заҳоти отлар йўртиб кетйшди ва Клелия каретада ўтирар экан, хаелан ўзига ўзи деди: «Чамаси, унга жуда овсар бўлиб кўринган бўлсам керак,— кейиа бирдан шундай дея қўшимча қилди:— Йўқ, фақат овсаргина эмас. У мени, сўзсиз, насткаш экан, деб ўйлайди, ўзи маҳбус, мен эса қалъа комендантининг қизи бўлганим учун ҳам жавоб қилмадим, деган хаелга боради».

Юксак қалб соҳибаси бўлмиш Клелия шуни ўйлар экан, дили қаттиқ ўртанарди.

«Аҳ, қандай қабоҳатга йўл қўйдим-а,— дея ўзини койишда давом этарди қиз.— Ахир биз у билан биринчи марта, ўзи айтганидек, «ўшанда ҳам жандармлар қуршовида» учрашганимизда мен қамоққа олингандим, ўшанда у менга ердам берганди ва мени катта кўнгилсизликдан сақлаб қолганди. Ҳа, тан олишим кераЕС, мен жуда емон иш қилдим: ҳам қўполлик, ҳам нонкўрликка йўл қўйдим. Вечора йигит! Энди унинг бошига бахтсизлик тушади ва ҳамма энди унга фақат кўрнамаклик қилаверади. У бўлса ўшандаеқ менга: «Марҳамат қилиб номимни эслаб қолинг!»— деганди. Ҳозир у мендаи жуда нафратланаетган бўлса керак ўзиям. Одоб юзасидан ҳам биронта ширин сўз айтсам бир ерим камайиб қолармиди! Ҳа, чиндан ҳам жуда бағрдтошлик қилдим. Агар унинг онаси ўшанда мени колякасига ўтқазиб олмаганида, жандармлар қўрмгида чанг йўлдан пиеда юришга ва ҳатто ундан ҳам баттарроғи, биронта отлиқ жандармга мингашиб олишга мажбур бўларди м; отам ҳам ўшанда қамоққа олинганди ва мен ҳимоячисиз қолгандим. Ҳа, жуда разил иш қилдим. Шундай танти йигит, турган ган, менинг бу қилмишимдан ниҳоятда ранжиган бўлса керак, Унинг олижаноблиги билан менинг пасткашлигим ўртасидаги

фаркви каранг. У ўзини накадар мағрур тутди-я! Қандай хотиржамлик! Нақ разил душманлар куршовида турган қахрамоннинг ўзгинаси дейсиз. Герцогиня уни нега бу қадар эхтирос билан севишини энди тушундим. Агар у даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фалокатга учраган пайтдаки ўзини шундай тутса, қалби бахтга тўлган кезлари қандай латиф кўринаркин!..»

Цалъа комендантининг каретаси саройнинг катта эшиги олдида бир ярим соатча туриб қолди, лекин шунга қарамай, генерал, ниҳоят, саройдан қайтиб чиққанида қизига бу вақт бир зумда ўтиб кетгандек туюлди.

— Аълоҳазрат қандай қарор қилди?— дея сўради Клелия.

— Сўз билан «қамоқхоиа», кўзи билан эса «ўлим» деяпти!

— Ўлим! Е раббим!— хитоб қилди Клелия.

— Жим бўл!— жаҳли чиқиб тўнғиллади генерал.— Еш боланинг саволига жавоб бергап ўзим аҳмоқмаи.

Бу пайтда Фабрицио уч юз саксонта поғонали зинапоядан Фарпезе минораси — қалъанинг бош минораси юқори майдончасига қурилган янги қамоқхона томон чиқиб бормоқда эди. Йигит ўз тақдиридаги бу катта ўзгариш ҳақида бирон марта ҳам ўйлаб кўрмади, тўғрироғи уни аниқ тасаввур қилишга уринмади. «Кўз карашини айтмайсизми!— деди у хаелан ўзига ўзи.—Нақадар маъполи қарайди у кўзлар! Нақадар чуқур ҳамдардлик акс зтди уларда! Диз гўе менга: «Бутун ҳает — мусибатлар силсиласи. Бошингизга тушган кулфатдан кўн ҳам хафа бўлавермапг! Ҳаммамиз ҳам бу ерут дунеда изтироб чекмоқ учун яшаймиз!» — деяпгандек туюлди. Нақадар тикилиб қаради-я, менга ўша шаҳло кўзлар, ҳатто отлар ҳаммаекпи гумбурлатиб дарвоза равоқининг тагидан ўтаетганда ҳам у мендан кузини узмали!»

Фабрицио бошига тушган мусибат тўғрисида мутлақо упутиб қўйганди.

Клелия отаси билап бир неча хонадонларга кириб чиқди; бошида муҳим жиноятчининг қўлга тушганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Икки соатдан сўнг эҳтиетсизлик қилиб қўйган боякиш йигитни барча сарой аъенлари шу ном билан атай бошлашди.

Бу оқшом ҳамма Клелиянинг одатдан ташқари жопланиб кетганипи пайқади, бу дилбар қизга эса худди ана шундай жр-иланиш, атрофидаги нарсаларга қизиқиш етишмасди. Одатда унинг хуснини герцоги нянинг ҳусни билан солиштиришганида Клелиянинг ана шундай хаелпаришонлиги ва ҳамма яарсага бофарқ қараетгандек кўрипиши туфайлигина одамлар унинг рақибасини юксакроқ баҳолашарди. Расмпятчиликни хуш кўрадиган Англия ва шуҳратпараст Францияда, эҳтимол, бунинг мутлақо аксинд афзал кўришган бўларди. Клелня Контининг бокира қизларга хос сарвиравон қомати жуда позик эди, чеҳраси эса Гвидо* чизган суратлариинг ажойиб натураларшш эслатарди; яширмаймиз, антик давр грек аелларига хос гўзаллик намуналари билан таққослаганда унинг юз бичими бирмунча йирикроқ кўринар, қандайдир ўзига хослиги билан кишини мафтун этадиган лаблари эса еш болаларникидек дўрттайиб турарди. Бокиралик ва олижаноб туйгулар ажойиб тарзда акс этиб турадиган бу чеҳранинг бутун жозибаси шунда эдики, у қанчалик ўзига хос, қапчалар гўзал бўлмасин, жонсиз грек ҳайкаллариииг юзига сира ҳам ўхшамасди. Герцогиняпинг рухсорида эса барча одамлар ўзларига жуда яхши таниш бўлган соф ломбард гўзаллигинииг тимсолини кўришарди; унинг одамларга Леонардо да Винчининг гўзал «Иродиадалари» чеҳрасидаги позли табассум ва хумор маъюсликни эслатарди.

Герцогиняпинг табиати қанчалик жўшқин, ақли қанчалар зийрак ва мароқли суҳбат чоги тасаввурида найдо бўлган барча нарсалар тўғрисида қанчалик эҳтирос билан сўзлай олса, Клелия атрофидаги одамларга нафрат билан қарашиданми еки қандайдир мавҳум нарсалар орзусида юрганиданми, шунчалик хотиржам ва хаяжонлардан ҳоли кўрииарди. Анча вақтгача одамлар, у роҳиба бўлиб мопастирга кетса керак, деб ўйлаб юришди. Йигирма ещда бу қиз балларга нафрат билан қарар ва уларга отаси билан фақат итоатгўйлик юзасидан ҳамда унинг шухратпараст мапфаатларига зарар етказмаслик учупгииа борарди.

Табиатаи тўпори бўлмиш генерал ўзига ўзи шундай дерди: «Фалак мецга ниҳоятда соҳибжамол қиз ато этди, аълоҳазратимиз тасарруфидаги мамлакатда уига тенг келадигани йўқ, ўзи жуда серфазш. бирок рундав мепга пима фойда? Афтидан, юксалишимга унинг ердами тегмайдиганга ўхшайди. Ўзим сўққабош ода-л [зимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, менга эса жамиятда қўллуб юборадигая, сиесий мартабаларга эришмогнм учуп мешшг қоодщиятларим ва энг муҳими, министрликна бошқаришга қодир зкашшгимни исботлаб беришим учун нуфузли салоиларда таянч бўладигав қаривдош-уруғ кердк. Хўш, буеғи нима бўляпти? Чиройли, доно, тақводор қизим саройда яхши қабул қилияган биропта йнгат ҳурмат билан унинг кўнглини овлашга урина бошлади дегунча дарров тумтайиб олади; куезликка номзодни кавушини тўғрилаб қўйганидан кейин эса чеҳраси очилади ва янги даъвогар найдо бўлмагунига қадар ҳатто қувноқ кайфиятда юради. У саройдаги эиг сулукатли йигит граф Бальдини рад этди; графиинг ўрннга мамлакатимиздаги энг бадавлат одам — маркиз Крешенци найдо бўлди, қизим бўлса, бу одам билан ҳаетим бахтсиз кечади, деб оеглпп тпраб олнпти».

«Сирасини айтгапда,— дерлий ўзича баъзан гет-"" • I - қизимиинг кўзлари герцогцняцикига ь;ара1-аида анча няройдиррк, улар айиицса чукур ҳис-туйру ифода этганида жуда иорлаб котади. Лекин бу ажиб ифодани кцм қўряити-ю, ким уидая бахра оляити? Киборлар жамиятида хеч ким уни кўрмайдн, ҳолбуки буида!) латофагнинг кадрига ўша ердапща етишлари мумкпп. Қизим бўл-

са фақат мен билан елғиз сайрга чиққанида биронта исқирт ялапгоеқнинг қашшоқлигини кўриб, раҳми келгандагипа дилидаги ҳис-туйғуларини яширмайди. Баъзан унга, бугун кечқурун боришимиз керак бўлган меҳмопхонада ҳам шундай самимият намойиш қилсанг-чи, дея тайинлаб ҳам кўрдим. Қаекда дейсиз! Агар у меп билан биронта киборнинг меҳмонхопасига боришни жоиз кўрса, унинг гулдай тиниқ чеҳрасига дарҳол такаббурлик ва совуқ бир итоатгўйлик ифодаси тўиади қўяди».

Кўриб турибсизки, генерал кўпгилдагидек куев топиш учуя ўлиб-тирилиб ҳаракат қиларди... лекин шу билап бнрга унинг ҳозирги мулоҳазаси ҳам тўғри эди.

Одатда сарой аҳлинипг дилида теран туйғулардан ном-нишон ҳам бўлмайди, аммо улар ўзгаларнинг кечиималарини алоҳида бир синчковлик билан кузатиб юришади: шу боисдан ҳам улар герцогиня айникса қиз ўз орзу-умидлари оғушига ғарқ бўлиб, ҳеч нимага парво қилмай қўйиган найтларда Клелияга кўпроқ эътибор бериши ва уни гапга солишга уринишини сезиб қолиотдй. Клелиянинг маллатоб-кўнғир тусдаги сочлари унинг онпоқ юзини нафис бир тарзда ўраб турарди. Бироқ пешанасининг тузилишига диққат билан разм солган ҳар қандай фаросатли одам қизнинг қомати ҳамда ўзини тутишидаги олижаноблик сийқа позу карашмага сира ҳам ўхшамаслиги ва у барча сийқа нарсалардан ниҳоятда нафратлаигани учун ҳам ўзини бундай такаббур тутишини англаб олган бўларди.

Бу атрофдагиларга нисбатан эътиборсизлик эди-ю, лекии асло қалбан лоқайдлик эмасди. Генерал Контини калъа комендант қилиб тайинлатганидан буен Клелия шундай балапдликда қурилгао гўшасида ўзини бахтиер еки ҳеч бўлмагаида купейна кўнгилсизликдан фориғ ҳис этарди. Улкап миноранпнг юқорв майдончасига қурилган комендант саройига кўтарилмоқ учун беҳисоб зияноялардан чиқиб бориш зарурати хира меҳмонларни бездириб қўйганди. Шу боисдан ҳам Клелия худди монастирдагидек елғизлик гаштини суриб юрарди, зеро бир вақтлар ана шундай бахтга эришмоқ учун қиз бир кўнгли роҳибаликни ҳам орзу қилганди. Низ елғизлик қувончи ва орзу-хаелларини ўаининг эрлик хуқуқига биноап унинг ички дупесига тўпорилик билап бостириб кирадиган биронта йигитнипг инжиқлигига бўйсундириш лозимлигини ўйласа, юраги орқасига тортиб кетарди. Мабодо елғизлик Клелияга бахт ато қилмаган тақдирда ҳам ҳар қалай уни кўпгипа оғир таассуротлардап холи қиларди.

Фабрициони қалъага олиб келишган куни герцогиня билан Клелия ички ишлар министри бўлмиш граф Дзурланинг уйидагй эиефатда учрашиб қолишди. Барча меҳмонлар уларнинг атрофига тўпланишди. Бу оқшом Клелия ўз ҳусни таровати билап герногинядан устун келмоқда эди. Унинг кўзларида қандайдир чуқур бир туйғу ифодаланиб турардики, қиз буни деярли яширмасди; Клелиянинг нигоҳида шу тобда ҳам ачиниш, ҳам қаҳр-ғазаб акс этмоқда. Гоҳо-гоҳо герцогивянинг ўзини шодон



тутиши ва ажойиб ҳозиржавоблиги Клелиянинг қалбига чуқур қайғу ва деярли даҳшат солаетгаидек туюларди. «Унинг маҳбуби, қалби ниҳоятда юксак ўша барно йигит қамоққа ташланганини билганидан сўнг,— дея ўйларди Клелия,— бу аел роса ўкириб йиғласа керак! Оиҳазратнинг уни ўлимга маҳкум қилган нигоҳици айтмайсизми!.. О, мустабид ҳоким! Цачон Қутуларкин Италия сенинг зулмингдан? О сотқин, муртад одамлар! Ундай десам, ўзим-чи!.. Қамоқхопа нозирининг қизиман!.. Ўзим ҳам жуда муносибман шу олий унвонга, Фабрициопинг гапига ҳатто я^авоб беришни ҳам лозим тоимадим. У бўлса бир вақтлар менга катта яхшилик қилганди. Ҳозир у жинчироқ олдида елғиз ўзи ўтирганича мен тўғримда нималарни ўйлаетганийкин?»

Шу фикрдан қалби ҳаяжонга тўлган Клелия ички ишлар министрининг катта қандиллар еритиб турган меҳмонхонасига ғазаб билан қараб турарди.

Уларнинг суҳбатига қўшилиш илинжида бу икки машҳур соҳибжамолни куршаб турган сарой аъенлари эса ўзаро шундай мулоҳаза юритардилар.

— Ҳали ҳеч қачон улар шундай очилиб, шундай самимият билан суҳбатлашмаган эдилар. Эҳтимол доим бош министрга нисбатан одамларнинг адоватини даф қилиш дардида юрадиган герцогиня Клелияга биронта яхши куев топгандир.

Уларнинг бу гумопларипи шу иайтга қадар ҳали ҳеч ким кузатмаган бир ҳол тасдиқлаетгандек кўринарди: Клелиянинг кўзлари ениб турар, уларда ҳатто, шундай аташ жоиз бўлса, герцогиняиинг кўзларидагига нисбатан кўпроқ эхтпрос акс этаетгандек туюларди. Герцогинянипг ўзи ҳам ҳайратга тушди ва, шуни тан оляшимиз керакки, бу одамови қизнипг қиефасидаги мутлақо янгича бир латофатни кўриб қойил қолди. Бир соат давомида у Клелияни завқ билан кузатиб юрдики, одатда аеллар камдаи-кам пайтлардагина ўз рақибаларининг ҳусни тароватига бундай мамнуният билан қарайдилар. «Нима гап бўлди ўзи?— дея ўйларди герцогиня.— Клелия ҳали ҳеч қачон бундай ғўзал ва айтиш мумкинки, бундай дилкаш кўринмагапди. Далби уйғониб қолмадимикин мабодо? Лекин у ҳолда бу бахтсиз севги бўлиши керак,— унинг бундай жонланиб юришида қандайдир ғам-андуҳ сезиляпти. Одатда бахтсиз муҳаббат камган бўлади. Эҳтимол, Клелия киборлар орасида муваффақиятлари билан бевафо ериинг дилини ўрташга ҳаракат қилаетгандир?..» Шундан сўнг герцогиня атрофда турган йигитларга диққат билан разм солиб чиқди. Бирок аел йигитлардан бироптасининг юзида алоҳида бир ифода сезмади — одатдагидек, уларнинг башарасида озми-кўими қониққан шухратпарастлик туйғуси акс этиб турарди.

«Бу қандай мўъжиза бўлди!— дея ўйларди герцогиня сирнинг тагига етолмаганидан юраги сиқилиб.— Граф Моска қаекда қолди ўзи? Бу ўринда унинг ўткир ақли керак, Йўқ, япглишмабман:

Клелия псгадир менга алоҳида бир диққат-эътибор билан тикилиб турибди. Наҳот у разил лаганбардор отасипинг буйруғини бажараетган бўлса. Юраги тоза бу навқирон қиз ҳам тамагирлик йўлида шундай паст кетиши мумкин деб сира ҳам ўйламаган эдим. Валким генерал Фабио Континипг графга биронта муҳим илтимоси бордир?»

Кечқуруп соат ўнларга якип герцогинянинг дўстларидан бири унинг енига келди-да, паст овоз билан хонимга алланима деди, герцогинянинг рапги докадек оқариб кетди. Клелия унинг қулидап тутиб, маҳкам қисиб қўйди.

— Миннатдорман. Ҳаммасини энди тушулдим... дилингиз пок қиз экансиз,— деди герцогиня ўзини аранг босиб.

Бироқ у мана шу бир неча огиз сўзни аранг айта олди, Лекин шунга қарамай, герцогиня ўрнидан туриб меҳмопхона эшигига қадар кузатиб қўйгап уй бекасига мулойим табассум қилди,— одатда бундай иззат-икром фақат маликаларгагпна кўрсатилар ва шу боисдан ҳозирги аҳволида бу ҳол герцогипяга қаттйқ таҳқирлашдек кўринди. У графиня Дзурлага жилмайиб қарадн-ю, бироқ,, қанча урииМасин, унга бир огиз ҳам сўз айта олмади.

Герцогинянинг энг нуфузли кибор аҳли тўплаяган гавжум меҳмопхоналардан ўтиб боришини кузатар экан, Клелиянинг кўзлари жиққа ешга тўлди. «Каретага ўтириб, елғиз ўзи қолгач, бу бечора аелпипг ҳоли не кечаркин?— дея ўйларди Клелия.-- Уни кузатиб қўйсаммикин? Йўқ, унда хира бўлиб кўринаман. Журъат қилолмайман... Бироқ уни нақадар севишларинп билганнда торгина каталакда жинчироқ олдида ўтиргап бебахт маҳбуснинг кўнгли қанчалар кўтарилган бўларди! Уни машъум елғизликка маҳкум этдилар. Бизлар бўлсак бу ерда — муҳташам меҳмопхопаларда кўпгил очиб юрибмиз. г^апдай даҳшат! Унга кафтдаккина хат киритишнипг бирор йўли бормикин! Е тапгрим! Бу отамга хиенат қилиш деганй-ку. икки партия орасида қолгаи отамййнг аҳволи жуда мураккаб ахир! Агар отам герцогинянинг нафратига дучор бўлиб қолса, унда ҳоли не кечади? Ахир бош минйстр гергогинянинг чизгап чизиғи бўйича иш қиладй-ку. Граф Моска давлат ишларининг тўртдая уч қисмида ҳукмбардор одам. Бошқа томондан эса шаҳзода қалъада бўлаетгап йшла рип муттасил кузатиб юра- - ди, у ҳазиллашиб ўтирмайди, қўрқувнинг зўридан бағритош бўлиб кетган.. Аммо Фабрицио-чи. ҳаммадан ҳам ўшанга ачинади одам! (Клелия энди ортиқ «синьор дель Довго» дея атамай қўйгапди). Унга сердаромад лавозимдан ажраб колншга қараганда анча даҳшатлироқ хавф кутқу соляпти! Гсрногиня-чи! Муҳаббат нақадар қудратли куч-а! . Нега энди ўша аслзода мунофйқлар ^у аелни офатижон деб аташади? Ахир барча одамлар севиш ва севнлиш иқтидори заифлашиб қолган кекса аелларга ачипишади-ку... Ҳозир унинг қай аҳволга тушганпни бир умр унутолмайман энди. Нақадар ранги бўзарнб кетди-я! Маркиз Н. унга ўша шум забаряй келтирганида герцогинянинг порлаб тургап шаҳло кўзлари бир зумда сўниб, ғам-аидухга тўлди қўйди! Чамаси, Фабрицио улкап муҳаббатга муносиб йигит экан!»

Ана шундай хаеллар Клелиянинг бутуи вужудини қамраб олди-ю, атрофдагилар унинг кўнглини олмоқчи бўлиб айтгая хушомад гаплари кизга янада хунукроқ эшитила бошлади. Бу гаплардан қутулмоқ ниятида у шоҳи дарпарда тутилгап очиқ деразa енига борди. Клелия бу овлоқ жойда енимга келишга ҳеч ким журъат этмайди, дея уми-д қилганди. Дераза ортидаги боғда шундоқ ернииг ўзига апельсин дарахтлари ўтқазилганди,— тўғри, қиш кезлари уларнинг устини епиб қўйишгувчи эди. Клелия апельсин гулипипг ҳидига тўйинтап ҳаводан лаззатланиб нафас олар экан, аста-секип кўнгли тинчлана бошлади. «У сўзсиз жуда келишган, барно йигит,— дея ўйларди у.— Лекин бари бир шундай мағрур аелнинг қалбида у қандай қил-иб шу қадар эхтиросли туйғу уйғота олдийкин?.. Ахир бу аел кўнглини овламоқчи бўлганида нақ шаҳзодани-нғ ҳам раъйига қараб ўтирмаган. Агар ўшапда герцогиня шаҳзодаиинг кўнглини олтанида борми, унинг тасарруфидаги бу мамлакатда қиролича бўлиб қолиши мумкин эди... Отамнинг аитишича, онҳазрат шу қадар ошиғу бекарор бўлиб қолгап эканки, бир кун келиб боши очилиб қолса, ҳатто упга уйланишни ҳам хаел қилиб торган экан... Фабрицони эса герцогиня анчадан буеп севади! Комо кўли яқииида учрашгапимизгаям беш йилча бўлиб қолди... Ҳа, беш йил,— дея тасдиқлади у бир оз хаел суриб тургач.— Гарчи ҳали егагина қизалоқ бўлиб, болалигимга боргаким ва кўпгипа нарсаларни идрок эта олмагапимга қарамай, ўшапдаек бу ҳол мепи пиҳоятдэ ҳайратга солгапди. Ахир онаси ҳам. герцогиня ҳам ўшанда Фабрициога очнқдан-очиқ завқ билан тикилиб ўтиришганди-да!..»

Клелия боядап бери ўлиб-тирилиб уни гапга солишга уринаетган йигитлардая биронтаси ҳам балкон томон келишга журъат этмаганипи кўриб, дилида қувониб қўйди. Улардан бири, маркиз Крешепци қиз томон бир печа қадам юрди-да, лекин қарта ўйнайдигав стол енида тўхтаб қолди.

«Агар хонашшиг деразаси олдида,—дея ўйларди Клелия; — бутун комендант саройидаги соя тушиб турадиган ягона жойла ана шундай чиройли апельсин дарахтлари ўсиб турганида эди, ўй-хаелларим буичалик ғамгин бўлмасмиди. Мепинг кўз олдимда эса доим Фарпезе мипорасинипг йўнилган харсанглари қақ.-қайиб туради. Аҳ!— қўрқувдав юраги орқасига тортиб хитоб дилди у,— балким, уни худди ўша минорага қамашгандир! Дон Чезаре билан тезроқ гаплаша олсам эди! У отамга ўхшаб бағритош эмас. Ҳали қалъага кайтаетгапимизда отам, турган гай, менга ҳеч пимани айтмайди, лекин мен ҳаммасини дон Чезаредап билиб оламан... Менинг жамгариб қўйган пулим бор, еғоч пақирларга ўтцазилган бир неча апельсин дарахти сотиб олишим мумкии; агар уларни деразам олдидаги усти очиқ айвопга қўйдиреам, бу дарахтлар Фарнезе минорасининг харсангларини кўзимдач ана қилиб қўяди. Бундан буен ўша минора кўзямга янада жирканчр(|ц

кўринади, энди мен у қуеш нуридап маҳрум қилган тутқунлардап бирини танийман ахир!.. Мен уни уч марта — бир бор саройда, маликашшг туғилган куиига бағишланган балда, кейин буғун жандармлар уни қалъага олиб киришаетганда ва анави разил Барбоне, уиинг қўл-оеғига кишан уриш керак, дея тиқилинч қилаетган пайтда ва яна беш йил бурун, ўша Комо кўли яқинида кўргаиман. Ўшанда у менга жуда ўктам ва шаддод йигитча бўлиб кўрингалди. Жандармларга сира тан тортмай қарагапини айтмайсизми! Кейин йўл бўйи ойиси ва аммаси билан бир-бирларига қандайдир ғалати кўз ташлашиб боришди. Шубҳасиз, ўша куни уларнинг ҳаетида қандайдир ғаройиб воқеа содир бўлган зеро, ораларида аллақандай сир бордек туюлганди; едимда, ўшанда мен ҳатто, у ҳам жандармлардан қўрқаяпганга ўхшайди, дея ўйлагаидим...— Клелия бир сесканиб тушди.— Ўзим ҳам ғирт тентак эканман. Герцогиня шубҳасиз ўша пайтдаек унга кўнгил қўйған... Ўзларининг безовта бўлиб турганига қарамай, хонимлар бегона ҳамроҳлари билан бир оз эл бўлиб олишгач, Фабрицио бизларни роса кулдирган эди! Мана бугун у мен билан гаплашмоқчи бўлди, мен бўлсам унга жавоб беришни ҳам лозим курмадим... Тажрибасизлик ва тортинчоқлик қурсин... аксарият бу ҳислатлар энг разил қўрқоқликка ўхшаб кетади. Ешим йигирма бирга кирибди-ю, бари бир ана шупақа лалайгапман!.. Бошимии олиб монастирга роҳиба бўлиб кетишим керак, деб жуда тўғри ўйлагап эканман. Фақат тўрт девор ичида ҳает кечириш учунгина ярайдиган кўрипаман... «Пима қилганда ҳам қамоқхона нозирининг қизи-да!» — дея ўйлаетган бўлса керак у мен тўЧримда. У мепдан нафратланиши турган гай. Герцогиняга хат чиқариш чорасини топган заҳоти хонимга менинг унга нисбатан қандай ҳурматсизлик қилганимни тасвирлаб беради, албатта.

Шундаи сўнг герцогиня мени мунофиқ қиз зкап деб ўйлайди ва бугунги ҳамдардлигимга ишонгани учуй афсусланиб юради»...

Клелия, чамаси, деразанинг чўяп панжараси енига келиб турмоқ учун кимдир унинг енига яқинлапзаетганипи иайқаб қолди; қиз гарчи бунинг учун ўзидан жаҳли чиқса ҳам, таъби хира тортди. Зеро ҳозир ўзи гард бўлиб турган ўй-хаеллар қиз учуй латофатдан холи эмасди. «Бунча хира бўлмаса бу одам!—дея хаелидан ўтказди Клелия.— Шошмай турсин, уни шундай кутиб олайки!» Циз яқинлашиб келаетган одамга такаббурлик билан ўгирилиб қаради-ю, унинг архиепископ экашшгини курди,— боякиш чол яккакифт бўлиб, ийманибгина дераза енига иқинлашиб келмоқда эди. «Бу авлие одам одоб деган нарсани билмас экан,— дея ўйлади у.— Бир бечора қизнинг жонига тегмоқнинг нима кераги бор? Осойишталик менинг елғизгина қувопчим-ку ахир!» о Циз архиепископга ҳурматини бажо келтириб таъ:зим қилди-ю, бироқ унинг нигоҳида ҳамон такаббурлик акс этиб турарди. Шу пайт архиепископ бир дай сўраб қолди:

— Синьорина, машъум янгиликдан хабарингиз борми?



Клелиянииг нигоҳи бир зумда ўзгарди-қўйди, бироқ, кўзлари бунинг бутунлай. тескарисини айткб турган бўлса-да, у отасининг юз карра тайинлаган гапига амал қилиб, гўе ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдек, лоқайдгина жавоб қилди:

— Ҳеч нимадан хабарим йўқ, монсиньор.

— Менинг бош викарийим, ўша қароқчи Джилеттининг ўлимида мутлақо бегуиоҳ бўлган бахтиқаро Фабрицио дель Донго Болоньяда қамоққа олинибди. Болоньяда у Жузеппе Босси номи билан яшаб юрганди. Уни сизнипг қалъантизга банди қилибдилар, қалъага эса бечора йигитни аравага занжирбанд қилган ҳолда олиб келибдилар. Қалъа хизматчиларидан бири бўлмиш Барбоне исмли баттол Фабрициога нисбатан зўравонлик қилмоқчи бўлибди. Ўша аблаҳ бир вақтлар тугишган укасини ўлдирган ва кейинчалик афв этилган бир жииоятчи экан. Бироқ менинг навқирон дўстим ҳақоратга чидаб ўтирадиган одамлардан эмас. У ўша мурдатни бир уриб ерпарчин қилибди. Бунинг учун Фабрициони йигирма фут чуқурликда қазилган зипдонга ташлашибди, боз устига оеқ-қўлига кишан уришибди.

— Кишан уришгани йўқ!

— А-а! Демак баъзи нарсаларни билар экансиз!— хитоб қилди архиепископ ва унинг ажин босган юзидаги тушкунлик ифодаси бир зумда ғойиб бўлди қўйди.— Келинг, тезроқ ганлашиб олайлик, ахир биронтаси келиб, суҳбатимизга халал беришя мумкин. Илтифотипгизни аямасангиз-да, менинг манави пасторлик узугимни ўз қўлингиз билан дон Чезарега бериб қўйсамгиз.

Қиз узукни олди-ю, бироқ йўқотиб қўймаслик учун уни қаерга қўйиигани билмай иккиланиб қолди.

— Уни бош бармогингизга тақиб олинг,— деди архиепископ ва ўзи узукни қизнинг қўлига тақиб қўйди.— Узукни бериб қўйишингизга умид қилсам бўладими?

— Ҳа, монсиньор.

— .Ҳозир сиздан бир нарсани илтимос этгум. Магар.ам сиз уни бажармоқнинг имкони йўқ дея ҳисоблаган тақдирингизда ҳам бу гапни сир сақламоққа ваъда беринг.

— Сўз берамаи, монсиньор,—деди жавобан Клелия, бироц архиепискогшинг бирдан ниҳоятда жиддий гортиб, тунд қиефага киргапини кўрди-ю, бутун вужудида гитроқ турди.— Зеро муҳтарам архиепископимиз мсшга ўзларининг ҳам, менинг ҳам шаъгшмта дог туширадиган бирор иш буюрмасалар керак ахир,— дея қўшимча қилди у.

— Дон Чезарега айтиб қўйинг: мен ўз ўғлимдек бўлиб қол* ган муридимни унинг ихтиерига топширдим. Менга маълум бўлишича, Фабрициони қамоққа олган ўша айгоқчилар унга ҳатто оятлар китобиии олмоққа ҳам имкон бермабдилар, шу боисдан ҳам мен дон Чезаредан унга ўзиникини бериб турмоқни илтимос қиламап. Ва агар муҳтарам амакингиз эртага ҳузуримга биронта одам юбормоқии жоиз кўрса, мен ул киши Фабрициога бериб турадшаи оятлар мажмуаси ўрнига бошқасини бериб юбора-

ман. Мен яна дон Чезаредап ҳозир манови чиройли бармоқда тақилган узукни монсиньор дель Допгога бериб қўймщни илтимос қилардим.

Шу пайт кизини олиб кетиш учун уларнинг олдиларига генерал Конти келди-ю, архиепископнинг путқи бўлиниб цолди.— Улар бяр оз гаплашиб туришди. Бу циска суҳбат чоғи кекса руҳошш ўзишшг дурустгипа дипломат эканлигини намойиш этди. У калъага туткун килинган янги бандипинг номипи мутлақо тилга рямай туриб, шундай бир мавзудан сўз очдики, сира қийпалмай маънавий ва сиссий ўгитларини айтиб олмоқнинг уддасидан чиқдп- Масалан, унипг айтиншча, сарой ҳаетида шундай бир кескин дакикалар бўлар эканки, бундай пайтда жуда таникли зотларнннг хам тақдири бир еқли бўлиб цолар экан. Шу боисдап ҳам куп жиҳатдан жамият пиллапоясидаги ҳар хил ўрпига кўра пайдо бўладиган сиесий ихтилофларни шахсий адоватга айлантирмок айни'Кса хавфли эмиш. Фабрициoнинг кутилмаганда цамоққа олишгати туфайли ҳаяжонга тушгаи архиепископ қизишиб кетиб, ҳатто, одам ўз маисаби, ўз мавкеипи ардоқламоғи керак, албатта, бирок, ҳеч қачон кўнгилдан чиқариб бўлмайдигаи ишларга йўл кўйиб берпш орқали баъзи одамларпйнг кучли нафратиго дучор бўлмоқ ҳам ўта эҳтистсизлик бўлур эди, демокдача етиб борди.

Генерал каретага чикиб, қизининг еиига ўтиргач, упга қараб гнундаи деди:

— У етеяра пўписа кнлди, шекилли... Мендек бир одамга пўписа қилмоқчи бўлди-я!..

Шуидан сўнг Фабио Конти жимиб қолди ва йигирма минут давомида бошқа чурц зтиб оғиз очмади.

А>рх$и-ппскоидан пасгорлик узугини олгач, Клелия, каретада уйга қайтаетганимизда монсиньор плтимос дилган бу арзимас юмуш ҳақпда отамга айтиб қўяман, дея қарор қилганди, *Строк,* гепералпниг «пўписа» ҳақида жаҳл билан айттан ганидан сўнг у отасттепиг узукни тортнб олипгига птубҳа килмай қўйди. Шупдап сўнг у чап қўли билан узукни пана қилиб, бармоқларипи маҳкам кнсди. Ичкп иишар миииистрлигидав то қалъага қадар бутун йўл давомида у, отамга ҳеч гап айтмаслик жиноят бўлмасмикин, дея *бот* қотириб борди. У ниҳоятда такводор, жуда тортинчоқ ьпз бўлиб, одатда бир маромда тепадиган юраги ҳозир кўксида гупиллаб уриб турарди. Ниҳоят, қалъа дарвозасининг тепасидаги минорадаи соқчининг «Ким у келаетгая?»— дея кдчкиргани ҳам эшитилди-ю, аммо Клелия ҳамоп отасипинг кўнглғнн пшггадиган сўзлар топа олмади,— у отасининг *йўц* дея жавоб қилишида-н жуда қўрдардн. Диз бундай сўзларпи уч юз олтмпга поғопадан иборат зинапоялан кўтарилиб, комендант саройи томон бораетганида ҳам топа олмади,

Уйга қайтиб келгач, у дарҳол амакиси билан гаплатпди, бирок, дон' Чезаре уни койиб берди ва биронта юмушни зиммасига олпшдап бога гортди.



# Ўн олтинчи боб

— Ана энди кўрасан!— дея хитоб қилди генерал укаси доп Чезаре билан учрашгач. — Энди герцогиня менга панд бериб, маҳбусни цочириб юбориш учун юз минг пулипи ҳам аямайди.

Лммо биз Парма қалъасиипнг минорасига банди килинган Фабрициони маълум муддатга тарк этмоғимиз лозим бўлади. Сокчилар уни мижжа кокмай қўриқлашарди. Кейинроқ унинг бпига қайтганимизда биз йигитни, гарчи хиел турқи-таровати ўзгарган ҳолда бўлса-да, лекин ҳамон ўша бандихонада ўтирганипи кўрамиз. Ҳозир эса биз аввало саройдаги воқеалар билан шуғуллан- моғимиз лозим. Зеро қаҳрамопимиз тақдирини ҳийлаю пайранг- ларга тўла фитналар ҳамда бахтиқаро ҳимоячисшнг оташип муҳаббати ҳал қилмоғи даркор. Фарнезе минорасининг уч юз тў"цсонта погонасидан кўтарилиб, комендантнинг шундоқ, кўз ўнгида жойлашган қамоқхонага кириб борар экан, ушбу дак,иқаниьт муқаррар келишидан чўчиб юрган Фабрицио бошига тушган кулфат тўғрисида ҳатто ўйлаб кўришга хам улгурмагаиипи иайқаб қолди.

Герцогиня эса, граф Дзурланикидаги зиефатдан !^айтиб келгач, оцсочларш а жавоб бериб юборди-да, ечипиб ўтирмай ўзини тўигакка ташлади.

— Фабрицио!— дея ўкириб хитоб дилди у.— *Фабрицио душманларимиз цўлида ва эутимол, мени деб унга оту ичиршиар.*

Ўзишшг соддадпл таассуротларинпнг қули, ўзи ҳам билмай туриб павцирон маҳбусни бепиҳоя севиб 1^олган бу телба аел шундай қарорга келгач пададар изтиробга тушгапини не сўзлар билан тасвирласак экан. У алмойи-алжойи гапларни айтиб кцчкпрар, ғазабипинг зўридан тўшакда илоидек тўлғанарди-ю, бироц кўзларпдан бир томчи ҳам еш тўка олмасди. Хоним, елгиз қол!;ш захотим ўкириб йиғлай бошласам керак, дея ўйлагапди ва шу боисдан ҳам оқсочларига жапоб бериб юборгапди. Аммо бошга мусибат тушганида кўнгил бўшагишнинг ягона чораси бўлмиш кўз ешлари батамом қуриб битгаидек эди. Бу магрур аел ҳозир чексиз ғазаби ва шаҳзода олдидаги хўрлик тунгуси царшисида ночор бир аҳволга тушиб қолганди.

«Қандай хўрлик, қандай ҳакорат бу!— дея мипут сайин хитоб қпларди у.— Бу ҳам етмаганидек, Фабрициoнинг ҳаети хавф сстида, мен эсам цасос ололмайман! Йўқ, шаҳзода шошмай туринг ҳали. Сиз мени ўлдиряпсиз. Яхши. Бу иш кўлингнздай келади. Лекин қараб туринг, мен ҳам сизни ҳалок этаман. Аҳ, Фабрицио!.. бечорагинам Фабрицио, наҳот шу билан сенипг муткулипг осон бўлса?

Мен Пармани тарк этмоқчи бўлган ўша куп билап бугуши куп ўртасидаги фарқни қаранг, ўшандаям мен ўзишш бахтсиз деб юрибманми... Қандай кўрлик! Ўшанда мен фақат ўзим одатлапиб қолган ҳаловатли турмушдан воз кечмоқчи бўлиб юрибман-у, лекип бутун таадиримпи бир ецлик циладиган воқеапипг

яқинлашиб келаетганини билмай қолибман. Лхир ўшанда граф сарой аъеиларига хос манфур лаганбардорлигига бориб, шаҳзода шуҳратпарастлик юзасидан имзо чекиб юборган мана шу машъум тилхатдан *адолатсиз хукм* сўзларини тушириб қолдирмаганида биз бу балодан қутулкб қолган бўлар эдик.

Очиғини айтганда, ардоқли Иармангизни тарк этгум, дея пўписа қилганимда, эпчилликдан ҳам кўра кўпроқ омадим келгани туфайли унинг шаън-шавкатига таъсир кўрсата олдим. Лекин ўшанда шуидай қила олардим, зеро эркин қуш эдим! Энди-чи! Е тапгрим, қуллик деб шугш айтсалар керак-да? Энди мен занжирбанд бўлиб, бу разил ғурбатхонадап қутулкб чиқишга ожиздурман. Ахир Фабрицнони кўпгина олижаиоб одамлар учун ўлим муқаддимаси бўлган қалъага банди этишди-ку, мен бўлсам ўша махлуқни ортиқ жиловлаб тура олмайман: махлуқ эпди мен унинг горини тарк этишимдан кўркмай қўйиган! Унинг ўзига яраша фаҳм-фаросати бор, шу боисдан мен ҳеч қачон юрагим занжирбаид этилган ўша жирканч минорадан йироқда яшай олмаслигимии тушунадя. Иззат-нафси азият чеккани туфайли бу золим эпг қабиҳ ишлардан ҳам қайтмаслиги мумкин, қилган бемаъни тафқатсизлигидан эса унинг ғурури лаззатланади холос. Эҳтимол, у яна менинг кўнглимни овламоқчи бўлар ва «Вечора қулингиздан марҳаматингизни дариғ тутманг еки Фабрицио ҳалок бўлади» деб қолар. Ннмаям дердим, Юдифнинг[1] ўша кўҳна тарихи такрорлаиади!.. Ҳа, лекин мен шундан кейин ўзимни ўзим ўлдираман, Фабрициони эса қатл этишади. Эси паст валиахд — бўлажак ҳокими мутлақ билан разил жаллод Рассилар Фабрициони мепин! шеригим сифатида дорга осадилар.

Герцогиня *ЦАТТЩ* инграб юборди: чорасизлик тунгуси унинг изтироб чекавериб ҳолдан тойган қалбини ўртамоқда эди. Олдинда милт этган еруглик кўринмасди. Ўн минутлар давомида у худди ақлдан озган одамдек тўшакда тўлғониб етди. Ниҳоят бу даҳшатли руҳий ҳолатдан хонимшшг батамом силласи қуриди-ю, у ухлаб қолди. Бир оздан сўиг у чўчиб уйгонди. ва тирсагини естиққа тираб бошиии кўтарди: туш кўрибди, тушида шаҳзода герцогииянипг кўз ўнгида Фабрициoнинг бошиии танидан жудо қилишпи буюрибди. Шу тобда аелнинг атрофга телбалардек олазарак бўлиб қараганиии бир кўрсаигиз эди! Охири буларниг бари туш эканлиги, снида на шаҳзода, на Фабрицио борлигига ишонч ҳосил қилгач, у яна тўшакка чалқанча йиқилди-ю, хушидан кегишига хиел қолди. У шу қадар ҳолдан тойган эдики, ҳатто ўгирилиб етишга ҳам мажоли қолмаганди. Е тангрим! Бу кунимдап ўлганим яхши эмасми!— дея шивирларди аел.— Йўқ, йўқ! 1\андай қўрқоқлик! Фабрициoнинг бошига кулфат тушганнда уни елғиз қолдириш-ку бу! Мен алаҳсираяпман, Эс-ҳушимни йиғиб, ўзимни босиб олмогим керак. Ўзим гўе атайлаб барпо қил-

[1] Дадимги ривоятларга кўра, Юдифь цсмли қйз ўзига зулм қилган Олофернинг кўксига ханжар санчгап. *(Тарж-)*





гап бу аҳволни совуққоплик билан таҳлил қилиб кўрмоғимиз лазим. Эҳ, қандай машъум хатога йўл қўйдим-а! Ўз қурбонлариииаг барини башарасидан танийдиган мустабид ҳоким саройи қогаяда яшашни ким қўйибди эди менга! Ўз фуқоросининг ҳар қандай нигоҳи унга ўз ҳукмига нисбатан ҳақорат бўлиб туюлади-ку ахир. Бахтга қарши, Миландан бу ерга кўчиб ўтаетганимизда аа мен, на граф ўйлаб кўрибмиз бу тўғрида. Мен бизни олдинда, гарчи гаукуҳи пастроқ бўлса-да, лекин шаҳзода Евгений ҳукмронлик қилган .ажойиб пайтлардагидек назокатли саройшшг ҳузур-ҳаловати кутяпти, дея ўйлагандим.

Биз унинг барча фуқароларини башарасидан танийдиган золимииинг ҳукми қандай оканлигини узоқдан ту риб мутлақо тасаввур қила олмас экапмиз. Мустабид ҳокимиятнипг ташқи шакли бошқа тузумларга ҳам ўхшаб кетади: масалаи, унинг ҳам еудьялари бор. Бироқ ушбу судьяларнинг бари Рассига ўхшайдк. 1'асси эса евуз махлуқниииг ўзгинаси! Агар шаҳзода буюрса, у ўз отасипи ҳам дорга осишдап тоймасди ва буни мутлақо табиий бир ҳол деб ҳисобларди. Буни у «бурчни бажаринь) дея атагаа бўларди. Рассига пора берсаммикин? Лекин бунинг учун меиипг етарли маблағим йўқ. Хўш, мен, бадбахт аел, унга қанча гаклиф қилишим мумкин? Пари борса юз минг франк. Лммо, айтишларига қарагапда, фалак бахтиқаро Игалиядан юз ўгириб, ша*-зодани ханжарнинг гигидан омоп сақлаб қолган ўша муваффақиятсиз суиқасддап сўиг аълоҳазрат унга қутичада ўп минг цехин совға қилиб юборган экан. Кейин иорага учармикин узи? Шу пайтга қадар бу махлуқ одамларпинг кўзида фақат нафрат кўриб келарди, энди бўлса у ўзгаларииинг гшгоҳида қўрқув ва ҳатға ҳурмат. ифодасини кўради ва лаззатланиб юради. У ҳали ноляция мшшстри ҳам бўлиб кетиши мумкин. Хўш, нега бўлмасин вкан? Ана ўшанда бу мамлакат аҳолиеипинг тўртдаи уч қисмш унинг олдида жилпанглаб, хушомад қиладиган, кўвглини олишга уринаднган, упинг ўзи аълоҳазратдан қапчалар қўрқса, уодаш шунчалар чўчяйдиган бўлиб қолишади.

Ҳамонкп ана шу жирканч Пармасидан қочиб кетолмас эканман, Фабрициога қўлимдан келгаиича ердам беришим керак. Лекин тўрт девор ичига қамалиб олиб, ҳасрат чекиб ўтираверадигаи бўлсам,— унда Фабрициога қандай ердам беришим мумкин? Шупдай экан, тишингпи тишингга к.ўй, *бадбахт аел!* Ўз бурчингпи бажар, аслзодалар йиғинларида ўралаш-иб юр, ўзивтни Фабрицио тўғрисида бошқа ўйламай қўйгандек қилиб кўрсат. Келиб-келиб сени упутгандек қилиб кўрсатаманми ўзимни!,, Эҳ, азивим, фариштам менинг!»

Шу сўзлэрни дигвдев ўтказгач, гершк'птяианғ кўзля ридав; дув-дув еш оқа бошлади,— пиҳоят унинг йиғлашга ҳоли калганди, Бир соатдан сўнг, йиғлай-йағлай бир оз кўнгли бўшагач, у мияси равшанлагаа бошлаганини пайқаб, хиел тинчиди.

«Қапи зндя учар гилам топсам-у,— дея орзу қиларди у,— Фаб-* рициони қалъадап олиб қочсам ва у бялаа бирга бизаи гаъқиб

этишмайдигап биронта фаровои ўлкада,— масалап, Иариждл ядеш-ринсам. Аввалига биз у ерда, отасининг ишончли вакили кулгили тарзда канда қилмай юбориб турадиган бир минг икки юз франк-дан иборат пенсионга яшаб турардик. Бор мол-мулкимни сотганим-дан сўнг мен юз миг франк тўнлашим мумкин эди». Герцошия хаелан Пармадан уч юз лье парида кечиши мумкин бўлган ҳае-тини бярча тафсидотлари билан тасавлур қилиб курди ва бу ши-рин орзулар унинг қалбига бир лаҳза роҳат .бағишлади. «У ер-да,— дея ўиларди ael,— Фабрицио бошқа бир дом билан ҳарбий хизматга елланиши мумкин эди. Жасур французларнинг

10 ироп I а

полкида иавқирон синьор Вальсерра кўп ўтмай шуҳрат қцзонэр-ди ва ниҳоят ўз бахтини топган бўларди».

Бу ширин хаеллардан унинг- кўзларига яиа еш цалқиди, бк-роқ бу эпди еқимли кўз ешлари эди. Демак, қаердадир ҳали ҳам бахт деган иарса бор экан! У яна анчага довур ана шундай тот-ди орзулар оғушида етди,— бояциш ael машъум воқелпк тўғри-сида эслашнииг ўзиданоқ ваҳимага тушарди. Лекин, пиҳоят, тоиг яқинлашиб, ериша бошлаган осмои тархида боғдаги дарахтлар-винг купгирадор учлари кўриниб қолгач, у ўзини анча босиб ол-ди. «Бир коча соатдан сўнг,— дея ўйлади у,— жанг майдоняга киришимга, ҳаракат қилишимга тўгри келади. Ана ўшанда би-рор нарсадан ғавабим -қайнаса еки шаҳзода Фабрицио тўғрясида гап очиб қолса, ўзимни тутолмай қолишим мумкин. Демак, ҳознр-нинг ўзидаеқ иаисалга солнб ўтирмай бирор қарорга калишим керак. Агар мени давлат жиноятчиси дея эълон қилишса, Расгя саройимдаги барча иарсаларни «мусодара қилишни» буюрадя. Шу .ойнинг биринчи купи граф икковимиз, одатдагидек, полицияга асқотяб қолиши мумкии бўлган барча қоғозларни едиб юборган-дик... Бўл масам гр&фнинг ўзи полиция министри ахир,— кулгиля ҳолни қаранг!.. Мспинг анча кимматбаҳо учта бриллиантим бор. Эртагаец Грнантадаги собиқ эшкакчи.м Фульдженцио Женева-га жўнайдп ва уларни ишончли қўлларга •топширади. Агар Фаб-рицио бироп кун келиб *цояш&га* муваффақ бўлса (,е яратпш эгам, ўзмпг мадад кил!— шундай дея у чўқиниб дўйди), маркиз дель Доиго, тургап гай, ўзининг одатдаги ўта иасткашлигига бо-риб, долуний монах •таъқдб остига олган одамга ризқи рўз учуй пул юбориб турипши гуноҳ ҳисоблайди. Бироқ Фабрицио ана шу брилдиантларни олади-ю, бир бурда нонга зор бўлмай яшайди.

Граф билан эса муносабагани узиш керак .бўлади. Содир бўлган ооде&дан сўнг у билан кўришиб, овлоцда учрашиб ту-ришии ҳат-то тасаввур хам дцлолмаймап. Вечора! У табиатан си-ра ҳам евуз эмас, аксиича; лекин у заиф одам. Унинг қалби юк-сакликка парвоз этолмайди, шу боисдан бизга теиг келолмайди, Фабрицио1 Бечораганам'! 4^ани *тщ* бир лаҳзага бўлса-да, шу ,ерга келиб долсанг-у, бизга дутду еолаетган хавф-хатарни даи-дай дилиб даф этиш тўғриеида маслаҳатлашиб олсак.

Графпянг цўрдодларча эҳггиеткорлиги меяипг барча рел^ала- <; римни ба{:бод этцши иумкин, *шиш* уци ўзимга дўншб ҳалок этиш-



дап не ҳожат?.. Ахир... калондимоғ золим мени дамодда тидипги ҳеч гай эмас. Мени исенчи дея эълон дилишади. Бўни рост дилиб кўрсатишнинг ҳеч қийин жойи йўд. Агар мени қалъага банди қилишсаю у ердагиларга олтин бериб, Фабрицио билан ҳеч бўлма-са бир лаҳзагика гаплашиб олсам, биз биргалашиб сира чўчимай жаллоднинг олдига борган бўлардик. Ҳай майли, бу телба-кезик хаелларни бир четга цўйиб турайлик. Расси шаҳзодага мени шун-чаки заҳарлаб ўлдиришни маслаҳат беради, зеро мешгаг Парма кўчаларида ўлимга ҳукм этилганлар аравасида пайдо бўлишим аълоҳазратпиг кўнгли нозик фуқароларини изтиробга солиши мумкин. Вўлмағур гай! Яна роман! Нимаям дердим, мендек бир бахтиқаро ael учун бундай хом хаеллар узрли ҳол бўлса керак. Барча бу тахмину гумонлар ичида энг тўғриси шаҳзода мени қат'л этишга ҳукм қилмаслиги бўлса керак. Лекин у мени осонгина қа-моцқа тиқиб қўйиши мумкин,— бунинг учуи у саройимиинг бироп бурчагига шубҳалн қоғозларни яшириб қўйинши буюрса кифоя, бояқиш. Л... га шундай пайраиг ишлатишганди-ку ахир. Ана шун-да уч нафар судья бўлса бас. Улар ҳатто ўтакетган аблаҳ бўлмас-ликлари ҳам мумкии, зеро уларга «ашевий далиллар» ва бир гала сохта гувоҳларни рўбарў қилишадн... Бшюбарии, мени қатл эт-моққа ҳукм қилишлари мумкин, шаҳзода эса чекейз раҳм-шаф" қат намойиш этиб ҳамда камина бир замонлар ул кйшииинг сарой аъеилари сафида юрганини эътиборга олиб, ҳукмни юмгаатадн ва қатл этмоц ҳақидаги ҳукмни далъага ўн йил қамаш л;азоси билап алмаштиради. Мен бўлсам, маркнза Раверси ва ўзга душмаила-рим эл оғзига достон қилиб юрган ўта қайсарлшимга бориб, си-ра тап тортиб ўтирмай оғу ичамаи-қўяман. Ҳар цалай авом бу гап-га дарров ишона қолади. Имоним комилкц, Рассипинг ўзи қамоқ-хонага келиб, шаҳзоданинг номидан менга бир шишача стрихнин ски Перуджа афъюнидап совға дилади.

Ҳа, граф билан муносабатпи очиқ-ойдип узмоқ керак, уни ўзим билан ҳалок этишни истамаймап — бу ўта қабиҳлик бўлур эди, бояқиш мени чип дилидан северди. Фақат, сарой аъепннипг қал-би ҳақиь;ий севгига кодир, дея ишонишим мен томондан хиел тел-балик бўлди холос. Шаҳзода, тургап гап, мепи қамоцқа тидиш учун бироп баҳона топади — у жамоат фикрини Фабрпциога хай-рихоҳ қил-иб қўйиш-имдан чўчийди. Граф ор-номусли одам, у дар-ҳол саройдагп тўнкалар ҳайрат ичра, телбалик бу, ден атайдигап ипши қилади яъни саройни тарк этадн. Шаҳзодадап тилхат та-лаб этган ўша оқшом мен ҳокими мутлакни ҳақорат қилдим. Эн-дм иззат-пафси азият чеккан гааҳзодадап ҳар қап'дай қабиҳликпи кутишим мумкин. Ахир тожу тахт эгаси уни саросимага солган ўша аччиқ дацйқалараи ҳеч унута олармиди дейсиз? Шундай ци-либ, агар. ,мен граф билан муносабатпи узеам, у Фабрициога ер-дам бермоц учун жуда қулай имкопиятларга эга бўлади. Лекин бирдан у менинг қароримдан қаттиқ ранжиб, ўч олишни истаб колса-чи? Йўғ-е, нималар денпмап ўзи! Вуидай фикр ҳатто унинг хаелига ҳам келмайди. У шаҳзодамизга ўхшагаи пасткаш одам

емас. Граф дили ўртапиб бўлса-да, биронта разил фармонга имзо чекиб юбориши мумкин, лекин ҳар далай упинг ор-номуси бор. Кейин пима учун ўч олиши керак экан у мендан? Беш йил мобайнида уии севгаиим, дилини оғритадиган биронта иш дилмаганим, энди бўлса унга: «Азизим граф, мен сизни севишимдан бахтиер. эдим, аммо ўша аланга сўнди. Сизни ортид севмайман, бирод дал-Сингиз покиза эканлигини биламан ва сизни бир умр хурмат диламан. Сиз доим менинг энг ядин дўстим бўлиб доласиз»,— деяпганим учуими?

Виждони тоза одам буидай самимий гапга нима деб жавоб бери гии мумкин?

Мен ўзимга бошда жазман топаман. Ҳар далай киборлар жамиятида шундай деб ўйлашади. Мен ўша жазманимга: «Аслида аълоҳазрат Фабрициони ўша дилган тентаклиги учун жазолаб жуда тўғри иш қилди, лекин таваллуд топган куни шарафига у жияиимнипг гугюҳидаи ўтади ва упи озодликка чиқариб юборади,— деб айтаман. Шу йўсинда мен вадтдаи ярим йил ютаман.

Апови сотдин судья, ўша разил жаллод Рассини ўйиаш қилиб олсам, назаримда энг маъдул иш бўларди... бундай шарафга эга бўлса, упинг учун киборлар жамияти сари йўл очиларди... Фабрицио, азизим, кечир мени, қўлимдан келмайди... Ҳазар диламан ахмр ундан. Паҳотки! Қўли граф П. ва Д. ларнинг қонига беланган бир ваҳший билап-а! У енимга яқинлашгани заҳоти даҳшатга тугаиб, хушимдаи кетсам керак... Йўд, ундан кўра шартта пичодни сламан-да, ўша муртаднинг юрагига саичаман... Йўқ, дўлимдан келмайдиган ишии талаб қилма мендан!

Ҳа, муҳими — Фабрициони унутмоқ даркор. Кейин шаҳзодага дарши газабимни сира ҳам сездирмаслигим керак. Ўзимни аввалгидек дувнод кўрсатмоғим лозим; менинг дувнодлигим ўша пасткашларга хуш едади: биринчидан буни онҳазрат ироддасига итоат этига деб ҳисоблашади, иккинчидан эса мен энди уларни масхара килмай дўяман, ва кичкинагина фазилатларини кўкларга кўтариб мадтай бошлаймаи,— граф Дзурланинг, масалан, учбурчак шляпасидаги опнок патини мацтайман: бояқиш шу натни ©либ келиш учун атайлаб Лионга чопар юборган ва энди бу билап жуда фахрлаииб юрибди.

Еки ўйнашни Раверси лагеридан танласаммикин?.. Агар граф пстеъфога чиддудек бўлса, ҳокимият бу партия дўлига ўтади; Раверсинипг ошпаларидан биронтасини қалъага комендант этиб тайинлашади, Фабио Конти эса бош министр бўлиб олади. Лекин ажойиб маслаҳатчига ўргаииб қолган, ўзига яраша фаҳмфаросати бўлган, одсуяк одам бўлмиш шаҳзода дандай қилиб ўша эшак билан давлат ишларини муҳокама қилади? Ахир ўша аҳмоқ. умр бўйи муҳим бир масала — аълоҳазратлари лейб — гвардиясидаги солдатлар мундирининг олд барига еттита тугма қадаш керакми еки тўққизтами?— деган муаммо хусусида бош қотирчшдап нарига ўтмаган-ку! Ўша тўпори махлудларпинг барчаси менга ҳасад қилишади — сен учун хавфли парса ана шу, азизим Фабрицио! Зеро сенинг ҳам, менинг ҳам таддиримизни ана шу тўпори махлуклар ҳал дилишади ахир. Шундай экан, графнинг истеъфо беришига йўл қўймаслик керак; у хўрликларга чидагап тақдирда ҳам хизмат қилавермоғи даркор! У хаелида, истеъфо бермод бу бош министр дилиши мумкин бўлган энг катта дурбон, деб ҳисоблаб горибди! Шу боисдан ҳам ҳар гал кўзгуга дараб, ўзининг дариб бораетганини фаҳмлаганида менга ана шу дурбонликни таклиф дилади. Демак у билан муносабатни бугунлай узишим керак, фадат уии мнгшстрлик лавозимидан воз кечмасликка мажбур этишнинг бошда чораси долмагаидагина ярашиш мумкин. Мен, албатта, у билан жуда дўстона хайрлашаман, бирод у ялтоди бир хушомадгўйлик билан *адолатсиз $укм* сўзларини езмай тушириб долдирганидан буен бир неча ой давоми.^а у билан учраша олмайман, акс ҳолда ундан нафратлана бошла-[1] шим мумкин. Ҳал дилувчи ўша окшомда менга унинг адли не керак эди? Уидан кўра мен ўз датъиятим туфайли эришган ва ўзим айтиб турган худди ўша сўзларии езса бўлмасмкди. Йўд, лаганбардорлик дилиш одати устун келди. Эртаси куни у бундай бемаъни доғозии имзо чектириш учун аълоҳазратга бера олмасдим, бу ўринда «афв этиш ҳадида фармон» керак эди, дея ишонтпрмодчч бўлдтг. Эй худойим, Фарнезе дея аталхмиш бундай кекчи ва калондимоғ одамларга такаллуф дилиб ўтиришнинг нима кераги бор эди?!»

Бу фикр герцогинягошг >азабини янада дайпатиб юборди.

«Шаҳзода мени алдади,— дея ўйларди у.— Алдаганда ҳам жуда аблаҳлик билан алдади!.. Бу одамни кечириб бўлмайди; адли шунчалар зийрак, фаҳм-фаросати юксак бўлишига дарамай у пасткаш одам. Биронта одам уни ҳадорат дилмодчидек туюлса, у ниҳоятда дўпол ва разил бўлиб долишини граф икковимиз жуда кўп кузатганмиз. Лекин Фабрициопинг жшюяти сиесатга дахлдор эмас-ку, — бундай одам ўлдириш водеалари аълоҳазратларнинг музофоти бўлмиш бу бахтиер ўлкада юзлаб учрайди; бунинг устига граф менга Фабрициопинг бегуноҳ эканлиги тўғрисида анид далиллар тўпладим, дея онт ичганди.

Джилетти ўзига яраша жасур одам экан, чегарадан икки дадам берида иттифодо учрашиб долгач, у бирдан бахтиер ракибини 1умдон дилиб кетмодчи бўлган».

}"ерцогиня Фабрициони гуноҳкор дея ҳисоблаш учун данчалия • асос борлиги тўғрисида узод бош дотирди, тўғри, унинг жяянидея ги'лзода одам сурбет бир масхарабознинг таъзирини бераман деб ўлдириб дўйган таддирда ҳам хоним буни унчалик катта гуноҳ санамаган бўларди, бирод изтироб чекиб етар экан, у Фабрициода гуноҳ йўдлигини исботламод учун анча курашишга тўғри келипшни фаҳмлади. «Йўд,— дея датъий дарор дилди у ниҳоят,— мана рад этиб бўлмайдиган далилу исбот: Фабрицио худди раҳматли Пьетранерага ўхшаб доим ҳамма чўнтакларида дурол олиб юрарди, ўша куни эса унинг дулида бир оғизли арзимас ов милтиғи бўлган, ўшаниям у дандайдир ер дазувчидан олган экан.



17-258

Шаҳзодадаи меии алдагани, алдагаида ҳам разиллик билап алдагани учун нафратланаман: у афв этиш тўғрнсида тилхат езиб берди, кейин эса бечора болани Болоньядан ўғирлаб колишня буюрди. Лекип буннпг учун жазосини тортади ҳали у!»

Соат бешларга який изтироб чекавериб ниҳоятда ҳолдан тойган герцогиня қўпгироқ чалиб оқсочларини чақирди; улар бекаларини кўриб, қичқириб юборишди: герцогиня каравотида кўзларини юмганича кийими-ю дуру жавоҳирларини ечмагап ҳолда, худди ҳашамдор қилиб безатилган ўлим тўшагида етган марҳумга ўхшаб, ранги докадек оқариб етарди. Аеллар аввалига, бекамиз ҳушидаи кетибди, деб ўйлашди-ю, аммо ҳозиргина унииг ўзи қўнгироқ чалиб чақиргапини эслашди. Ора-сира унинг қотиб қолган янокларидин еш томчилари думаларди; у, мени ечинтириб, тўшакка етқизишлар, дея шпора қилди.

Министр Дзурланикидаги кечадан сўнг граф герцогинянинг саройига икки марта келди-ю, бироқ уни қабул қилшнмади; шундан сўнг у хонимга хат езиб, буеғига қандай йўл тутиш ҳақида ундан маслаҳат сўрамокчи эканлигини баен этди; наҳот шундай ҳақоратдан кейин ҳам министрлик лавозимида қолавериши керак бўлса? Граф яна шундай сўзларни илова қилди: «Фабрицио бегувох, лекин, ҳатто у гуноҳкор бўлган тақдирда ҳам, мени огоҳлантирмай туриб, уни қамоққа олишга қандай журъат этишди? Ахир унга ҳомийлик қилишимни барча билади-ку!»

Герцогиня унияг хатини фақат эртаси куни ўқиди. Граф *эзгулик, саховат* доган тушунчаларни тан олмасди. Яна шуни ҳам қўшимча қилишимиз мумкинки, либераллар тушунчасидаги эзгулик (яъни кўпчиликни бахтиер қилишга интилиш) унинг назарида мунофиқлик г>ди. У аввало граф Моска делла Роверени бахтиер қилмоқни ўз бурчи деб ҳисобларди, бироқ у ниҳоятда ор* иомусли одам эди ва истеъфога чиқиш ҳақида сидқидилдан гаиирарди. У герцогиняга умрида бирон марта ҳам елғон ганирмаганди. Аммо шунга қарамай хоним унинг хатига мутлақо эътибор бермади. У қарор қабул қилган, *ўзимни Фабрициоий унуггапдек цилиб курсатаман,* деган қарорга келгандики, ўзига нисбатан бундай жабр-зулмдан сўнг унга дунедаги барча гаплар бефарқ бўлиб қолганди.

Эртасига эрталаб граф Сансеверина саройига ўн мартача келиб кетгаидан сўнг, ниҳоят, пешинга яқин герцогиня уни қабул қилди. Аелни кўриб графнинг қалби ларзага тушди. «Унинг еши қирқда,— дея хаелидан ўтказди граф,— кечагина еса у ниҳоятда павқироп ва офатижон бўлиб кўрингапди. Клслия Конти билан узоқ суҳбатлашиб турганида у худди ўша қнздек навниҳол-у, лекин анча дилбарроқ кўринганини ҳамма гапирди ахир». Герцогинянинг овозида ҳам, гапириш оҳангида ҳам худди ташқи кўринишидагидек кескин ўзгариш содир були бди. Унинг бундай локайд, ғазабдан асар ҳам бўлмаган, инсоният дардларига мутлақо бефарқ оҳапгда гапиришини эшитиб графнинг ранги оқариб кетди: шу тобда граф ўлими олдидан у



бклан рози-ризолик тилашмоқчи бўлган марҳум бир дўстини аслади.

Фақат бир неча минутдан кейингина герцогинянинг тили калимага келди. У сўлғин кўзларини графга тикди.

— Ажрашайлик, азизим граф,— деди у хаста овоз билан, лекин иложи борича мулойимроқ гапиришга ҳаракат қилиб.— Ажрашайлик. Шундай қилмоқ даркор. Худо шоҳид, биргаликда ўтказган ана ту беш йил давомида мен сизни ранжитадиган биронта иш қилмадим... Диққинафас Гриаитада ғам чекиб, сиқилиб ўтириш ўрнига сизнипг шарофатингиз ила бу ерда шукуҳли ҳает кечирдим. Сиз бўлмаганингизда мен бир неча йил эртароқ қариган бўлардим. Лекин ўзим ҳам сизни бахтиер қилишга пнтилдим. Сизни ниҳоятда қадрлаганим учун ҳам, французларнинг таъбири билан айтганда «иноқликип йўқотмай» ажралишмоқчиман.

Граф ҳеч нимани тушунмади; герцогиня гапини бир неча бор такрорлашга мажбур бўлди. Шундан сўнг граф ранги қув ўчпб, унинг естиғи енига тиз чўкди-ю, қаттиқ ажаблапган, кейин эса виҳоятда умидсизликка тушганида доно ва ошигу шайдо одамнинг дилига келиши мумкин бўлган барча гапларни тўкиб солди. У ўқтин-ўқтин истеъфога чиқшшш ва ўз маҳбубаси билан Пармадан узоқдаги биронта овлоқ ерга кўчиб кетишни таклиф қиларди.

— Сиз менга Фабрициоий ўз ҳолига ташлаб, бу ердан жўиаб кетишни таклиф қиляпсизми ҳали?— дея хитоб қилди герцогиня бошини естиқдаи кўтариб.

Аммо Фабрициопипг исмини эшитгач, графнинг руҳи тугаиб кетганини кўриб, у бир дақиқа сукут сақлаб турди-да, сўнг жазманининг қўлиии оҳиста қисиб қўшимча қилди.

— Азиз дўстим, сизни бутуп борлигимпи унутиб қўйиш даражасида ошиғу беқарор бўлиб севардим, дея олмайман. Назаримда бу қадар севмоқ учун ипсониинг еши ўттиздан ошмаган бўлиши керак, мен эсам аллақачон бу чегарадан ўтиб бўлганмаш Эҳтимол, мен тўғримда сизга, у Фабрициоий севади, деб айтишгандир,— биламаи, ўша *дажжол* саройда шундай мишмигалар тарқатишганди («дажжол» сўзини айттажида упинг кўзлари суҳбат бошлангапдан буен биринчи марта ялтираб кетди). Худо шоҳид, Фабрициопинг ҳаетикн шафо келтириб онт ичаманки, орамизда ўзгалардап пинхон тутиладигаи биронта^ ҳам иш бўлмаган. Уни фақат опаси сифатида сепардим, деб айтишга ботинолмайман,— мен уни, агар таъбир жоиз бўлса, ўз табиатимга кўра севаман. Мен унинг матонатини яхши кўраман. Бу матонат шу қадар олижаноб ва шу қадар табиийки, чамамда, буни ўзи ҳам сезмайди. Едимда, қалбимдаги бу тунгусу Ватерлоодан қайтиб келгакидан сўнг туғилгапди. Гарчи еши ўн еттидан ошган бўлса-да, ўшанда у ҳали бутунлаи бола эди; ҳаммасидан ҳам кўпроқ у, мен чнндан ҳам жангда қатнашдимми, агар қатнашган бўлсам, гарчи биронта бата-

рея еки душман колониасига қилинган ҳужумда иштироғ? эшаган бўлсам-да, жанг қилдим деб айта оламанми, дея ташвишга тушганди. Биз бу муҳим масалани у билан жуда куп муҳокама қилгапдик, мен униит нақадар самимий йигитча эканлигшш ана ўшапда сезгандим. Цалбининг нақадар юксак эканлигнии менга • ўшанда намойиш этганди у. Уиинг ўрнида бошқа акобир йигитча бўлгапида елғонни моҳирлик билан қа~лаш!ириб ташлаган бўларди! Едингизда бўлсин, агар у бебахг бўлса, мен ҳеч қачон бахтиер бўлолмайман. Мепинг дилимдаги гапларни худди ана шу сўзлар билан ифодалаш мумкин, ҳар қалай ўзим унинг сиймосида шуидан бўлак хислатни кўрмайман.

Хонимнипг шундай самимият билан, дилдан чиқариб айтган гапларидан хиел руҳлапган граф унинг бармоқларини ўимоқчи бўлган эди, герцогиня сесканиб қўлини тортиб олди.

— Ҳаммаси тамом бўлди,— деди у,— ешим ўттиз еттига тўлди, мен қарнлик бўсағасида турибман, унинг муқаррар яқинлашиб келаетганини ҳис эта бошладим ва, эҳтимол, тез срада гўрга кирсам керак. Айтишларига қараганда, инсон ўли« ми олдидан жон талвасасига тушар экан, мен бўлеам ўша тах;-ликали онлар тезроқ кела қолса дейман. Далбимда қариликиинг энг емон аломатларини сезяпман: юрагим бу мудҳиш бахтсизликдап музлаб қолди, мен ортиқ сева олмайман. Мен учуй, азизим граф, сиз энди бир вақтлар жуда азиз бўлган одамнинг шарпасисиз холос. Яна очиқроқ қилиб айтишим мумкин: фақат миннатдор бўлганим туфайлигина сиз билак шундай муломим гаплашяиман.

—' Эпди ҳолим не кечади?— дея такрорларди уига нуқул граф.— Мен сизни Ла Скала театрида учратган ўша биринчи кунларга қараганда ўп чандон кўпроқ севамап ахир.

— Азизим граф, ҳозир севги тўғрисида ҳар қандай гай менга зерикарли ва ҳатто одобсиз бир парсадек эшитилади, Ҳай, майли,— дея қўшимча қилди герцогиня жилмайишга уриниб,— мард бўлипг. Сиз ақл-заковатли, доно, шароитга қараб йўл тута биладиган одамсиз ахир; кўпчилик сизни адолачли равишда Италияшгаг сўнгги асарларидаги энг моҳир ва ўткир снесатчиларидан бири деб ҳисоблайди. Илтимос, мени ҳам ана шу фазилатларишиздан дариғ тутманг.

Граф ўрнидан турди-да, бир печа дақиқа индамай хона ичида у еқдан-бу еққа юрди.

— Бунинг иложи йўқ, азизим,— деди у, ниҳоят.— Менинг қалбимда чексиз муҳаббат ўти ловиллаб енмоқда, сиз бўлсангиз, менга ақл-идрок билан иш тутишни таклиф қиляпсиз. Менинг ақл-идроким қолмади энди.

— Ўтинаман сиздан, муҳаббат ҳақида гапирманг,— деди яел қуруққина цилиб биринчи бор овозида қандайдир туйғу акс этар экан.



Граф ўзининг дили ғам-ғуссага тўлиб турганига кдрамай унга тасалли бермоқчи бўлди.

— Шаҳзода мени алдади!— дея хитоб қилди герцогиня Москанинг унга далда бермоқчи бўлиб келтираетган далилу исботларига эътибор бермай.— Алдагаидаям пиҳоятда номардлик билан алдади!

Шу гапни айтган заҳоти хонимнинг докадек оқариб турган юзига қон югурди. Бироқ граф ҳатто дилида нафрат аланга олгаи шу дақиқада ҳам герцогиня қўлини кўтаришга мажоли келмаганиии иайқади.

«Е тангрим! У касал бўлиб қолганга ўхшайди-ку... У ҳолда бу қандайдир оғир хасталикнинг бошланиши бўлиши керак». Шуидан сўнг қаттиқ ташвишга тушган граф Пармада ва бутун Италияда энг яхши врач бўлмиш машҳур Радзорипи чақиришни т аклиф қилди.

— Демак, сиз менинг нақадар ғусса чекаетгаиимни бегона одамга кўрсатиб, уни хурсанд қилмоқчимисиз? Бу нима — дўстнинг маслаҳатими еки хоиннинг найраигими?

Шундай дея у графга қандайдир ғалати қараб қўйди.

«Тамом!— даҳшат ичра дилидан ўтказди граф.— У мени ортиқ севмайди ва ҳатто менинг оддийгиа ҳалол одамлигимга ҳам шубҳалана бошлабди».

— Цулоқ солинг,— дея шоша-пиша гап бошлади у,— мен аввало сизга шу қадар кулфат келтирган ўша қамоққа олишнинг тафсилотларини билмоқчи бўлдим. Жуда ғалати бўлиб чиқяпти! Ҳанузгача бирор гапни аниқроқ билолмадим. Мен шаҳарга энг яқин почта бекатидаги жандармлардан суриштириб кўришни буюрдим; улар фақат маҳбусни Кастельнуоводап қандай олиб келишганини кўришибди ва ўзлари ҳам седиолапи ь;уриқлаб бориш ҳақида буйруқ олишибди. Шундан сўнг мси дарҳол Брунони сафарга жўнатдим, унинг садоқати ва тиришқоқлигипи яхши биласиз; унга барча бекатлардан ўтиб, Фабриционипг қандай қамоққа олинганини билиб келиш буюрилган.

Фабрицио исмини эшитгаи заҳоти герцогиня бир сесканиб тушди.

— Кечирасиз, дўстгииам,— деди у графга қараб гапиришга мажоли келиши биланоқ.— Бу тафсилотлар мени жуда қизиқтиради. Ҳаммасини иложи борича батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Гап бундай, синьора,— деди граф хонимнинг хиел бўлсада, рухини кўтармоқ учуй бепарво оҳангда гапиришга харакат қилиб.— Мен ишончли бир одамни юбориб, у орқали Брунога Болоньяга қадар боришни буюрмоқчиман: эҳтимол, навқирон дўстимизни худди ўша ерда қамоққа олишгапдир. У сўнгги марта сизга қачон хат езганди?

— Ўтган сешанбада, беш кун бурун.

— Хатни почтада очиб ўқишмабдими?

— Йўқ, очишмаган кўринади. Сизга шуни айтиб қўяйки, хат расво қоғозга битилган бўлиб, адреси аел кишининг қўли билаи езилганди. Кейнн у оқсочимнинг қариндоши бўлмиш кир ювувчи бир камиирнинг номига юборилганди. Кампир, бу хатлар шупчаки ишқий мактублар бўлса керак, деб ўйлайди,— Чекипа хатларпи келтириб бергани учун унга ҳеч нимани тушунтирмай ҳақини тўлаб юбораверади.

Граф ишчан бир оҳангда гапириб, герцогиня билан Фабрициопи Болонъяда қачон қўлга олишганлари тўғрисида муҳокама юрита бошлади. Фаросати шунчалар юксак бўлишига қарамай у гапипи аллақачон худди ана шундан бошлаш кераклигини эндигина тушунди, зеро бебахт аел бу тафсилотларга жуда қизиқиб қолди ва бир оз овуягандек бўлди. Агар граф герцогиняни шу қадар севмагапида бу гаппн у хонага кирган заҳотиеқ тушунган бўларди. Орадан кўп ўтмай герцогиня садоқатли Бруного дарҳол янги кўрсатмалар юбормоқ учун уни саройидан чиқариб юборди, Гаидан гап чиқиб, шаҳзода герцогиняга тилхат езиб бергапида ҳукм чиқарилганмпди еки йўқми, деган савол туғилиб қолди. Жина бу баҳопада дилидаги гапларни айтиб олишга аҳд қилди.

— Шаҳзодага имзо чектириш учун езган ўша тилхатингизда,— деди у графга қараб,— *«адолатсиз %укм»* сўзларини тушириб қолдирганингиз учун сизни езғирмоқчи эмасман. Зеро сизнинг табиатингизда сарой аъенининг инстинкти ўзлигини I ўрсатган ва сиз беихтиер ҳукмдорингизнипг манфаатипи дугоннигизнинг манфаатидап устун қўйгансиз. Сиз ўз фаолиятиигиз!га аллақачон мепипг ихтиеримга топширгансиз-у, бироқ табиатингизии ўзгартира олмагансиз. Сиз министрлик роли учун катта истеъдодга эгасиз, аммо барибир дилингизда ўша сарой аъенининг инстипкти қаттиқ ўрнашиб олган. Ўша тилхатда *«адолатсиз»* сўзини тушириб қолдириш билаи сиз меии ҳалок этдингиз, лекин бари бир сиздан сира гинам йўқ; ҳаммасига сизнинг иродангиз эмас, ўша инстинкт айбдор.

Едингизда бўлсин,— дея қўшимча қияди у гап оҳангини ўзгартирар ва фармонбардор бир қиефага кирар экан.— Едингизда бўлсин, Фабрициони қамоққа олиииишидан мен мутлақо ь;айғу чекаетганим йўқ. Пармани сира ҳам тарк этиш пиятим йўқ ва дилим шаҳзодага нисбатан эҳтиромга тўла. Сиз одамларга шу гапларни айтмогингиз лозим, мен эсам сизга бошқа бир гапни айтмоқчиман: мен энди бу еғига ўз билгимча иш тутмоқчиман ва шу боисдан сиз билан иноқликни йўқотмай, яғших меҳрибоп дуст сифатидэ хайрлашмоқчиман. Мени ешлик била з аллақачон видолашган олтмиш яшар кампир, дея ҳисоблай қояияг, энди мени дунеда ҳеч нима қизиқтирмайди, мен энди се»?гига қодир эмасман. Лекин мени деб мартабангиздаи маҳрум бўлсангйз мен ўзимии ҳозиргидан ҳам кўпроқ бахтсиз деб ҳисоблайман. Келажакдати режаларим учун, эҳтимол, меп ўзимни ешроқ жазшга тонгендек қилиб кўрсатарман; мабодо шундай гапни эшитсангиз ранжиманг. Фабрициопипг бахтипи ўрта1а қўйиб онт ичишим мумкинки,— шу домни тилга олар экан, у бир лаҳза сукут қилиб турди,— шу ўтган беш йил ичида сизга бирон марта ҳам бевафолик қилмадим. Жуда катта муҳлат бу!— деди у жилмайишга уриниб; герцогинянинг қонсиз юзи хиел титради-ю, бироқ лаблари қимтилганича тураверди.— Онт ичаман, бу гап ҳатто хаелимга ҳам келмади. Мана, бор гапни ҳам айтдим. Энди мени ҳоли қўйинг.

Граф Сансеверина саройидан жуда умидсизликка тушган ҳолда чиқиб кетди. Моска герцогиня у билан алоқани узишга қатъиян аҳд қилганини яхши тушунар ва шу билан 6-ирга ўзи бу аелви ҳеч қачон бундай қаттиқ севмаганини ҳис зтарди. Биз бупдай ажиб ҳолларни ҳали кўп кузатамиз, зеро Италиядап ташқарида буни тасаввур қилиганинг ўзи қийин. Уйга қайтгач, граф Кастельнуово ва Болонья томон олиб борадиган йўллар бўйлаб яна олтита чопар жўнатди. «Иш' ҳали бу билан тугамаслиги мумкин,— дея ўйларди бояқиш граф,— шаҳзода ўша машъум тилхат езилган куни густоҳлик қилишга журъат этгаии учун герцогинядан ўч олиш мақсадида бадбахт йигитчапи қатл этмоқни буюриши мумкин. Мен ўшанда хоним жуда ҳаддидан ошганини тушунгандим ва унинг хатосиии тузатаман деб ўта аҳмоқликка йўл қўйдим: *«адолатсиз %укм»* сўзларини тушириб қолдирдим, ҳолбуки шаҳзодани фақат ана шу сўзларгина жиловлаб турити мумкин эди... Ундай десам, бу ноинсоф одамларни нимаям жиловлай оларди дейеиз? Шубҳасиз, бу мениит умримдаги эпг катта хато бўлди. Мен ўзим учун ҳает риштаси бўлмиш энг қадрли нарсани фалакнинг гардипгата топширдим. Энди ўйламай қилипган бу ишнинг оқибатини тузатмоқ учун устомонлик қилиншм керак. Аммо ўз номусини хиел букиб бўлса-да, ҳеч парсага эриша олмасам, бу золимнинг саройини тарк этаман. Кўрамиз, олий сиесатчи номига ва Ломбардиянинг қонуний қироли бўлишга даъво қилиб юрган бу одам менсиз нимага э?ишаркин. Фабио Конти — гирт аҳмоқ, Расси эса қонуний расмиятчиликка риоя қилгаи ҳолда ҳокимиятга екмайдиган одамларни дорга осишдап бошқасини билмайди».

Агар Фабрициога бериладигаи жазо қалъага тутқун қилиш билап чекланмаса, министрлик лавозимидан воз кечишга қатъиян карор қилар экан, граф ўйланиб қолди: «Майли, бу одамнинг шоншавкатига қарши чиқиб, бахтиерлик лаззатидан маҳрум бўлсам була колай, ҳар қалай, ор-номусни сақлаб қоламан-ку... Министрлик портфелидан қўлимни ювиб қўлтигимга урдим, демак, энди бугун эрталаб асло йўл қўйиб бўлмайди, дея ҳисоблайдиган ишларни ҳам истаганимча қилаверишим мумкин. Масалан, Фабрициони қочириб юборищ учун инсон зотинииг қўлидан келадигав барча ишларни қилишга уриниб кўраман... Е тангрим!— дея ўзича хитоб қилди граф мулоҳаза юритишдан тўхтаб, гўе' ногаҳои бахт мапзарасини кўриб қолган одамдек, кўзларини катта очар

екав — Герцогиня қочириб юбориш ҳақида чурқ этиб огиз очмади. Наҳотки у ҳаетида биринчи марта одатдаги самимийлигидан чекинган бўлса? Балким у менинг шаҳзодадан юз ўгиришмни истаетгани учун шунда ажрашаман деяпгандир. Э, худойим-ей! Истаган дақиқада юз ўгирамап ўша золимдан!»

Шундан сўнг графиипг нигоҳида одатдагидек нозик, истеҳзоли бир ифода пайдо бўлди. «Муҳтарам фискал Расси Европанинг кўз ўнгида обрўйимизни тўкадиган ҳукмлар чиқаргапи учун аълоҳазратдан пул олиб туради, аммо бундай одам менинг иулларимдан ҳам ҳазар қилмаса керак, бунинг эвазига эса у камипага ўз ҳукмдоршшнг сирларини айтиб беради. Бу махлуқнинг ўйнаши билап руҳоний- пири бор, бирок, ўйнаши \ Iчшетган шаллақи бир ает, у билан ганлашиб бўлмайди,— эртасигаеқ учрашувимиз ҳақида бозордаги барча кўкчи хотипларга айтиб беради».

Умид учқуни пайдо бўлганидан руҳланиб кетган граф ўзипипг енгил одимлаетганидан ҳайратга тушиб, собор томон йўл олди; у дилидаги маҳзунликка қарамай жилмайиб қўйди: «Мана министрлик вазифасидан воз кечишнинг шарофати». Собор, кўпгина итальян черковлари каби, икки кўчани бирлаштирувчи йўлак хизматини ўтарди. Граф узоқдан архиепископнинг клирос томон кетаетгап катта викарийларидав бирини кўриб қолди.

— Бахтим бор экан, сизни кўриб қолдим,— деди унга граф.— Илтифотипгизни аямай, бод касали бор бир одамни ҳазратнинг олдиларига кўтарилмоқ учун манови зиналардан чиқиш заруратидан халос этсангиз. Агар ўзлари пастга тушсалар камина ул кишидан бағоят миннатдор бўлардим.

Графнинг бу илтимосидан архиепископнинг боши осмонга етди: унинг Фабрицио ҳақида министрга айтмоқчи бўлган анчагина гаплари бор эди. Бироқ министр «анчагина гапларнинг» бари шунчаки қуруқ мулоҳазалар эканини тушуниб қолгани боиси-' дан қарияга қулоқ солиб ўтирмади.

— Айтинг-чи, Сан-Паоло черковининг викарийи бўлмиш аббат Дуньяни қанақа одам?

— Калтафаҳм, лекин ўлгудай шуҳратпараст,— дея жавоб қилди архиелископ,— ор-номус йўқ даражада ва ўта қашшоқ, зеро топгани турли ишқибозликлар йўлида совурилади.

— Жин урсин, монсиньор!— хитоб қилди министр.— Бировни таърифлашда нақ Тацитнииг узи бўлиб кетар экансиз! — дея кулиб юборди у ва архиепископ билан хайрлатди.

Министрликка қайгач, у дарҳол аббат Дуньяниии чақиртиришни буюрди.

— Сиз менинг муҳтарам дўстим, бош фискал Рассининг руҳоний пири зкансиз. Уидан сўраб кўринг-чи, менга айтадиган гапи йўқмикип?— Шундай дея граф ортиқча такаллуф қилиб ўтирмай Дуньяниии чиқариб юборди.



## Ўн еттинчи боб

Граф ўзини ортиқ министр деб ҳисобламай қўйганди. «Кў* райлик-чи,— деди у хаелан,— оиҳазратнинг ғазабига йўлиққанимиздан сўнг,— ахир менинг истеъфога чиқишимни ҳамма шундай деб атайди-ку,— қаича от тутиш имкониятига эга бўларкинмиз?» Шундан сўнг у ўзининг бойлигиии аниқ ҳисоб-китоб қилиб курди. Министр этиб тайинланганида унинг 80000 франк пули бор эди; энди хомчўт қилиб кўрса, бутун бойлиги 500000 фрапкка ҳам етмас экан. Буни кўриб у ниҳоятда ажабланди. «Демак, менинг йиллик даромадим йигирма мингдан ошмас экан,— дея хаелидан кечирди у.— Очигини айтгаида, ўзим ҳам жуда режасиз одам эканман-да! Бўлмасам Пармадаги ҳар қандай буржуа мен тўгримда, унинг юз эллик минг ливр даромади бор, дея қаттиқ ишонса керак! Шаҳзода зса бу борада ўша буржуалардан сира қолишмайди. Кейинчалик менинг факирликда яшаетганимни кўргач, ҳамма, бойлигини яширишга жуда уста экан, деб юради. Майли, хечқиси йўқ!—дея хитоб қилди у.— Мен ҳали яна уч ойча министр бўлиб турамап ва бойлигимнп икки ҳисса кўпайтириб оламан».

Шуларни ўйлар экан, граф, герцогипяга хат езиш баҳонаси топилди, дея хурсанд бўлиб кетди ва муносабатлари ўзгаргаиндан сўнг бундай жасоратини оқлаш учун хатида рақам ва ҳисоб-китобни қалаштириб ташлади. «Бизнинг йиллик даромадимиз бор-йўги йигирма минг франкдан иборат бўлади,— дея езди у,— аммо бу маблагга Неаполда учовимиз — Фабрицио, сиз ва мен бемалол кун кўришимиз мумкин. Фабрицио, икковимиз битта отпи навбатма-иавбат миниб юраверамиз...» Министр хатни эндигина жўиатиб юборган ҳам эдики, бош фискал Расси келганипи хабар қилишди. Граф уни одобсизлик қилиш даражасида меисимай қабул қилди.

— Бу қанақаси бўлди, афандим?— деди у.— Сиз менинг ҳимоятимда бўлган бир фитначини Болоньяда қамоққа олишни буюрибсиз; бу ҳам етмагандек, сиз унинг бошини танидан жудо қилмокчй бўлиб юрибсизу лекин менга ҳеч нимаии хабар қилмаяпсиз! Ҳеч бўлмаганда менинг ўрнимга тайинланан^ак одампинг исмини биларсиз ахир? Ким у? Генерал Контими еки ўзингизми?

Расси довдираб қолди. У киборлар доирасига мансуб одамлар билан муомала қилишга одатланмаган эди ва граф ҳазиллашаяптими еки жиддий гапиряптими, шуни тушунолмай гаранг эди; у шолгомдек қизариб кетди ва алланималар деб минғилладн. Граф Рассини саросимага солиб қўйганидан ҳузур қилиб, унга тикилиб турарди. Расси кутилмаганда бир сескапгандек бўлди-да, кейин жиноят устида граф Альмавиванинг қўлига тушиб қолгаи Фигаро каби бетакаллуф жилмайиб, хитоб қилди:

— Худо ҳақи, граф, гапини айлантириб ўтирмайман! Хўш,

зоти олийлари, мабодо, ҳамма саволларингизга ҳеч вимани яшир-май очиқ-ойдин жавоб берсам, менга нима инъом этасиз?

— Авлие Павел крести (бу Парма ордени) еки пул бераман. агар сиз пул мукофотини олмоқ учун бирон баҳона тонсашиз, албатта.

— Менга авлие Павел кресги маъқул, — бу орден дворянлик уивовини беради.

— Бу қаиақаси бўлди, муҳтарам фискал, сиз фақир дворян-лик унвонларимизнинг бирор аҳамияти бор деб ўйлайсизми?

— Агар мен дворян бўлсам, — дея жавоб қилди Расси уз касби-корига муносиб ҳолда беҳаелик билан тиржайиб,— агар дпоряи бўлсам, мен дорнинг сиртмоғига юборгаи одамларнинг к,ариндош-уруғлари мени емон кўришади-ю, лекин нафратла-нишнайди.

— Хўп яхши, — деди граф.— Мен сизни одамларнинг наф-ратидая кутқараман, лекин сиз ҳам мени ғофилликдан халос этинг. Фабрициони нима қилмоқчисиз?

— Чин сўзим, шаҳзода қаттиқ саросимага тушган. У дилрабс Армида* пииг шаҳло кўзларн сеҳрига бершщб (одобсизлик қилает-1аиим учун маъзур тутасиз, аммо онҳазрат айнан шундай деди), — ҳа, унинг ўзини ҳам мафтун зтган ўша шаҳло кўзларшшг сеҳрига берилиб, сиз сира ўйлаб ўтмрмай унинг сарошшн тарк этишиигиздан қўрқяпти, Ломбардия билан боғлиқ ишларни эса фақат сиз бир еқлик кила оласиз. Янаям очиқроқ қилиб айтай — Су ўринда сиз учун шундай катта мукофотларга сазонор бўляш имконияти туғиляптшш, ўлай агар, бунинг учуй менга бемалол авлие Павел крестини бериб юбораверсангиз бўлади,— дея қў-шимча қилди Расси товушини пасайтириб.— Агар сиз Фабрпцио дель Донгонинг такДирига аралашмаслик еки ҳеч бўлмаса шаҳ-зода билан бу тўғрида ғайрирасмий гаплашмасликка рози бўлсаи-гиз, шаҳзода сизга давлат мукофоти тариқасида нодшоҳликка қарашли ерлардан олти юз минг франклик ажойиб бир амлск еки уч юз минг экю пул инъом этмоқчи.

— Мен упдан бирор каттароқ нарса умид кидгандам, — дея гап қотди граф. — Фабрициопинг ишларига аралашмаслик — бу гсрцогинядан ажраб қолиш дегани ахир.

— Ҳа-да, шаҳзода ҳам худди шундай деди. Гап орамизда қол-син-у, у гердогинядан ниҳоятда дарғазаб. Фақат у, ҳамоики тул қолган экансиз, сизнинг ўша дилрабо хоним билан ажралиш эвазига ўзининг амакиваччаси, эндигипа эллик ешга кирган пен-са малика Изоттапинг қўлини сўраб қолишингиздан чўчияши.

— Буни қаеқдан била қолибди у! — дея хитоб қилди граф.— Ҳукмдоримиз ўз музофотидаги энг доно одам-да, ўзиям.

Қари маликага уйланиш каби бу аҳмоқона фикр графниег етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди, сарой этикети-ю, айяикса унинг жонига текканди. У хаелга чўмиб қўлидаги олтин тамаки-донни кресло енида турган мармар столчага тўқиллатиб ура бош-лади. Расси буни хижолат чекиш аломати деган хаелга борди-нҳ.



фойдали битим тузиш имконияти тугилиб қолганидаи кўзларн ялтираб кетди.

— Ўтнbackman сиздан, граф,— дея хитоб қилди у,— агар олти юз минг франклик ўша амлокни еки пул мукофотини қабул қилмоқчи бўлсангиз, илтимос, зоти олийлари, воситачи қилий фақат мени олинг. Мен бўлсам, — қўшимча қилди у овозини пасайтириб, — шаҳзодадан пул мукофотининг миқдорини кўпай-тириш еки инъом зтилган ерга ўрмондан каттагина қисмини қў-шиб беришни илтимос қиламан. Агар сиз, зоти олийлари, қамоқ-қа олинган ўша мишиқи тўғрисида шаҳзода билан юзхотир қи-либ, юмшоқроқ гаплашишга рози бўлсангиз, миннатдор бўлгая ватан, эҳтимол, амлокка қўшимча қилиб, ўзларини герцоглик унвопи билан тақдирлар. Такрорлаймая, зоти олийлари, шаҳзода-иипг ҳозир герцогиняни кургани кўзи йўқ, лекин ўзи шу қадар довдираб қолганкн, камина баъзан бу ўринда у менга айтишга ботинмаетган биронта сир йўқмикан, деган хаелга бориб қолян-ман. Аслида бу вазият биз учун олтин конидек бир гап, башарти мен сизга онҳазратнинг энг пинҳончй сирларини сотиб турсам, албатта. Мен эсам бу ишни сира қўрқмай қилаверишям мумкин, зеро шаҳзода мени сизнинг ашаддий душманингиз деб ҳисоб-лайди. Нима бўлганда ҳам гарчи герцогинядан жаҳли ч.иқиб юр-ган бўлса-да, унинг Миланга ҳам ҳуғмдорлик қилиш ҳақидаги муқаддас орзуларини елғиз сизгина рўебга чиқаришингиз мум-кинлигиини тушунади. Буни барча билади-ку ахир. Онҳазратнинг сўзларини айнан такрорлашга ижозат этасизми, зоти олийлари?— дея сўради қизишиб кетган Расси.— Жумладаги сўзларнинг қай тартибда жойлашишининг ўзида ҳам баъзап шунчалар маъно яширинган б}'ладики, биров ҳикоя қилиб берганида бу маъно йўқо-либ қолиши мумкин, сиз бўлсангиз, бу ўринда эҳтимол, мен илға-маган нарсаларни тушуниб оларсиз.

— Ижозат, истаган гапингизни гапираверинг,— деди граф ҳамон хаелга чўмганича олтин тамакидонни столга тўкилдадкгб урар экан,—ижозат этиш у еқда турсин, ҳатто сиздан миннатдор бўламан.

— Менга крестдан ташқари наслий дворянинлик ҳақида ерлиқ беринг, шундан бўлак ҳеч нима керак эмас менга. Шаҳзодага бу тўғрида гап очганимда у нукул: «Сендек бир аблаҳни дворянин қилиб бўлармишми? Э, йўқ! Эртасигаеқ дўконни епишга тўғри келади: Пармада бошқа ҳеч ким дворянликни илтимос қилмай қўяди», — деб ;кавоб беради. Хўп, бу гапни қўйиб турайлик-да, Милап ишларига қайтайлик, — шаҳзода уч кунгина бурун мана бундай дедй: «Ўша доғулидан бошқа ҳеч ким бизниит интригала-римизни боплаб ўрнига қўя олмайди. Агар мен уни ҳайдаб юбор-сам еход унинг ўзи герцогинянинг ортидав жўнаб котса, мен бир кун келиб бутун Италияшшг севимли ва халқпарвар ҳукмдори бўлиш орзусидан воз кечишимга тўғри келади».

Шу сўзларни эшитгач, граф енгил тортиб тин олди. ефлбри-цко ўлмайди!» — дея хаелидан ўтказди у.

Расси умри бино бўлиб бош мииистр билан бундай самимий суҳбат қуришта муяссар бўлмаганди; ҳозир унинг боши осмонда эди: эҳтимол, у бутун мамлакатда разиллик ва пасткашлик тимсоли бўлиб қолган Расси исмидан қутуладиган кун яқиилашиб қолгапдир. Авом қутурган итларга Расси деб от қўярди; яқицда қапдайдир солдатлар ўртоқлари уларни «Расси» деб ҳақоратлагаии учун дуэлга чиқиб жанг қилишибди. Бирон ҳафта хам бу машъум исмни ҳажвий сонетларпинг шафқатсиз мисраларига жо қилинмасдан ўтмасди. Рассининг мактабда таҳсил кўрадиган ўн олти ешли беозор йигитча бўлмиш ўғлипи исми тарифи шундай бўлгани учуй қаҳвахоналардан қувиб чиқаришарди.

Ўз мавқеининг ана шундай еқимсиз яшҳатлари ҳақидаги хотиралар Рассини эҳтиетсизлик билан дилидагини айткб юборишга даъват этди.

— Менинг бир амлоким бор,— деди у ўтирган стулини мипистриинг креслосига яқинроқ суриб, —- у жойнииг номи Рива. Мен барон Рива бўлишпи истардим.

— Меиимча, буни амалга оширса бўлади,— деди мииистр.

Рассининг боши айлапиб кетди.

-— Агар шундай бўлса зоти олийлари, хиел одобсизлик бўлсада, сизиипг дилингиздаги орзу-ниятларингизни топишга уриниб кўраман: сиз малика Изоттапи никоҳингизга олмоқни истайсиз,— бу олшканоб шуҳратпарастлик. Онҳазрат билан қариндош бўлиб қолганингиздан кейии эса унипг ғазаби сиз учун қўрқинчли бўлмай қолади, сиз уни жиловлаб оласиз. Сиздан яширмайман, шаҳзода сизнинг малика Изотта билан никоҳ қуригаиигиздан жуда чўчиб юрибди, аммо бу ишни амалга оширишни эпчил одамга топширсангиз ва унга *яхшигина %ак тўласаигиз,* муваффакият қозонишга умид қилса бўлади.

— Қадрли барон, мен муваффақият қозонишимизга мутлақо умид қилмайман ва у ерга бориб менинг иомимдан айтадиган гаплариигизпи олдипаноқ рад этаман; бироқ давлатимизда менипг эътиборимни оширадиган ушбу муқаддас никоҳ тузилиб, орзуларим ушалган куни меп сизга ўз маблағимдан уч юз минг франк совға қиламан еки шаҳзодага сиз пул мукофотидан афзалроқ кўрадиган бирор йўл билан ўз илтифотини намойиш этмокни маслаҳат қиламан.

Китобхонга бу суҳбат, турган гап, жуда чўзилиб кетганден туюлади, бироқ биз тағин ҳам бу музокараларнинг фақат ярминигина унинг эътиборига ҳавола этяпмиз — музокара яна икки соат 1 давом этди. Расси кабинетдаи қувониб боши осмонга етган ҳолда I чиқиб кетди, графнииг дилида эса Фабрициоии қутқаришга бўлгаи умкди янада мустаҳкамланди ва у истеъфо беришга қатъиян қарор қилди. У, Расси ва генерал Конти каби кимсаларни ҳокимият тепасига чиқариб, ўзимнинг қадримни оширишим зарур, дея ўйларди ва шу йўсинда шаҳзодадан қандай ўч олишини кўз олдига ^ келтириб, ҳузур қиларди.

«Жин урсшГ ўша шаҳзодани, у герцогиняни ўз музофотидан ҳайдаб юбориши мумкин, лекин у ҳолда бир кун келиб Ломбар/\,ияннг конституцион қироли бўлишдан ҳам умидини узаверсин».

Шаҳзоданинг режаси бемаъни хомхаел эди, аммо у гарчи анча фаҳм-фаросатли одам бўлса-да, бу тўғрида шу қадар кўп ўйлайверганидая, орзупинг рўебга чиқишига жуда ишопиб қолганди.

Цувончининг зўридан маст бўлган граф фискал билан қилган суҳбати тўғрисида гапириб бермоқ учун герцогинянинг ҳузурига югурди. Аммо уни қабул қилишмади; дарбон нақ герцогинянинг ўзидан олинган бу буйруқ тўғрисида унга айтишга аранг журъат этди. Граф маъюс тортиб, ўзипипг министрлик резиденциясига қайтди: бу зарба шаҳзодашшг сирдоши билан қилинган суҳбатидан сўнг дилини қоплаган бутун қувончини бир зумда сўндирдиқўйди. Унинг к.ўли ҳеч даядай ишга бормас эди ва шу боисдан гамгин бир ҳолда суратхонани айланиб юрарди; кутилмаганда чорак соатдан сўнг унга қуйидаги мактубпи келтириб беригади:

«Азиз ва меҳрибон дўстим, ахир сиз билан биз фақат дўстмиз, шунинг учун ҳам сиз меникига бир ҳафтада уч мартадан кўп келмаслигингиз керак. Икки ҳафтадан сўнг эса биз, гарчи бу учрашувлар мен учуй ҳамон ўз лазизлигипи йўқотмаган бўлсада, ойига икки мартагина юз кўришадигап бўламиз. Агар менинг кўнглимни олмоқчи бўлсангиз, биз ажралишгаиимизни элга ошкор қилинг, мабодо сизни деярли илгаригидагидек севигаимни истасангиз, унда ўзингизга бопща маҳбуба танланг. Мен бўлсам буеғига ҳавойи ҳает кечирмоқчиман: киборлар ўтказадиган йиғинларга қатнаб юраман ва умид қиламанки, дилимдаги ҳасратни унутишга ердам берадиган биронта ақлли одамни топамаи. Дуст сифатида эса қалбимдаги биринчи ўринни доим сиз эгаллайсиз, албатта, лекин энди одамларнинг мен тўгримда, у графнииг зук^ ко ақли билан иш цилади, дейишларини ортиқ истамайман. Энг муҳими, ҳамма сизнинг қарорларингизга менинг мутлақо таъсир қилмай қўйганимни кўрсин. Хуллас, азизим граф, едипгизда бўлсии, сизни ҳамиша ўзимнинг энг қадрли дўстим, ҳа, фақат дўс* тим, деб ҳисоблайман. Ўтинаман, ўтмишга қайтиш ҳақида сира ҳам умид қилманг,— ҳаммаси тамом бўлди.

Дўстона туйғуларим эса доим сизнинг ихтиерингизда».

Бу сўнгги зарба графнииг охирги умидларини ҳам пучга чиқарди ва иродасини тамоман букиб қўйди; у ўзининг барча лавозимларидан воз кечишини баен этган ҳолда услубинн жуда келтириб истеъфога чиқиш ҳақида арзнома езди-да, шаҳзодага бэриб қўйинг, деган илтимос билан уни герцогиняга жўнатди. Герцогиня арзномани тўрт бўлиб йиртганича упи ўша чопарнинг ўзи биланоқ графга қайтариб юборди. У фақат саҳифанинг бурчагига «Йўқ, йўқ, минг марта *йўқ!»* — дея езишини лозим топди холос.

Мипистрнинг нақадар умидсизликка тушганини сўз билан тасвирлаш қийин эди.— «У ҳак,— дея таъкидларди граф ўзига ўзи минут сайии.— Нега энди *адолатсиз %укм* сўзларини тушириб

ғ,олдирдим? Бундап ортиқ бахтсизллк бўладими ахир! Зҳтймол, шу машъум хато ту файли Фабрициони қатл этишар, у ҳолда мекинг ҳам фақат ўлишим керак бўлади». Шаҳзоданинг ўзи чиқармагунича саройда кўринишни истамагани боисидан у дилидаги ҳасратни енгиб, Рассига авлие Павел ордени ҳамда наслий дворянлик иитьом этилиши ҳақида онҳазратга имзо чектириш учун уз қўли билан амри фармон тайерлади; амри-фармонга у бундай мукофот учун асос бўлган сабаблар батафсил баен этилган ярим <,аҳифали ахборот хати илова қилди. Сўнгра қандайдир дардли бир мамнуният билап бу иккала ҳужжатдан нусха кўчирди-да, уларни герцогиняга жўнатди.

У севгилисининг келажакда қапдай ҳаракат қшгаш режаларини билолмай гаранг эди.— «Буии ҳали ўзи ҳам билмаса керак,— дея ўйларди у.— Бир нарса аник: у менга уз қарорини эълоп қилди ва ҳоч қачон ундап чекинмайди». Герцогиняга у ҳеч қандай айб қўя олмасдц ва шу боисдан ҳам ўзини япада бахтсизроқ ҳис этарди. «У мени севиб, катта илтифот кўрсатди, энди бўлса хатога йўл қўйганим учун мендан кўнгли совиди. Тўғри, мен бу хатога беихтиер йўл қўйдим, аммо унинг оқибати даҳшатли бўлиши мумкин. Шундай экан, менга ноляшни ким қўйибди?»

Эртасига эрталаб граф герцогинянинг яна киборлар жаадиятига аралаша бопмаганидан хабар тоиди: бир кун бурун у қабул куни бўлган барча хопадонларга кириб пиқибди. Агар улар бигонта хонадонда учрашиб қолишса, графнинг ҳоли не кечади? У билан энди қандай гаплашади? Ўзини қаидай тутмоғи керак? Гапланшай бўладими ахир?

Кейинги кун ундан ҳам ғамгинроқ ўтди: ҳаммаеқда Фабрициони тез орада қатл этишармиш, дегап миш-миш тарқалди; бутун шаҳар ҳаяжонга келди. Одамлар яна, шаҳзода маҳбусшшг олий насл-пасабига ҳурмат юзасидан мурувват кўрсатиб, унинг ботики танидан жудо этиш орқали қатл этмоқни буюрибди, дея қўшимча қилишарди.

«Унинг қотили менман,— дея ўйларди граф.— Энди герцогиня билап бирон кун келиб юз кўришмоқдан умидимии узаверсам ҳам бўлади».

Ана шу мантиқий мулоҳазага қарамай, у ортиқ чидаб тура олмади ва уч марта герцогинянинг эшиги олдидан ўтди. Тўғри, у одамларнинг зътиборини ўзига жалб этмаслик учун хонимнинг саройи томон пиеда жўнади. Умидсизликка тушганидан граф ҳатто унга хат езишга ҳам журъат этди. Сўнгра икки марта Рассининг олдига одам юборди; фискал келмади. «Аблаҳ менга хиенат қилди», — дея ўйлади граф.

Эртаси куни эрталаб учта муҳим янгилик Парманинг бутун киборлар жамияти ва ҳатто оддий фуқароларни каттиқ ҳаяжонга солди. Фабрициони тез орада қатл этилажагига энди ҳеч ким шубҳа қилмай қўйганди; бу янгилик енига яна бир ғалати янгилик қўшилди: герцогиня мутлақо қайғу чекмаетган эмиш. Узини тутишига қараганда, у ҳатто навқирон маҳбубига унча ачинмабтгаи ҳам эмиш; декан Фабрициoнинг қамоққа олиниши пайтига тўғри келиб қолган қандайдир жиддий хасталик туфайли ранги-рўйининг оқариб кетганидан позу-карашма билап фойдаланастганмиш. Бу аломатлардан авом буржуалар оқсуяк хонимнинг нақадар тошбағир эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. Граф Моска билан ҳам герцогиня фақат одоб юзасидан, Фабрициoнинг руҳини шод айлаш учунгина муносабатни узганминг. Қандай ахлоқсизлик!— дея хитоб қилишарди ғазаб билан пармалик япсенистлар.— Буниси ҳам етмагандек,— иясоннинг ақла бовар қилмайди! — герцогиня сарой аҳлидан бўлмиш барно йигитларнинг хушомадшш жон қулоғи билан тинглаетган эминг. Хонимнинг ўзини тутишидаги ғалати томопларидан яна бирл унинг маркиза Раверсининг ўйнаши бўлмиш граф Бальди билан шўх-шодон суҳбатлашиши ва графнинг Веллейя амлокига танда қўйиши ҳақидаги ҳазил-ҳузул гапларп бўлди. Фабрициoнинг қатл этилажаги майда буржуа билан авом халқни қаттиқ газабга солмоқда эди, зеро бу ажойиб одамлар, бечора йигит граф Москанинг рашки туфайли нобуд бўляпти, дея ўйлашарди.

Саройда ҳам графга кўц эътибор беришар, бироқ у ерда уня мазах қилишарди. Чиндан ҳам биз юқорида айтган учинчи муҳим янгилик бу графнинг истеъфога чиқиши бўлди: ҳамма алдангап жазман устидан куларди. Ахир эллик олтига кириб, еши бир жойга бориб қолган одам бераҳм танноз дардида ажойиб мансабларини қурбон қилиб ўтирса кулмай бўладими? Ҳолбуки ўша танноз аллақачон бошқа еш маҳбуб билан кўнглини хушлаб юрарди. Фақат архиепископгина у билан ҳатто маслаҳатлашиб ҳам ўтирмай ўзи ҳомийлик қилган бир йигитнинг бошини танидан жудо қилишмоқчи бўлаетган бу мамлакатда бош министр бўлиб қолаверишга графнинг орняти йўл қўймаслигини тушунди еки, тўғрироғи, фаҳм-фаросати билап буни англай олди. Графнинг истеъфога чиқишини эшитгач, генерал Фабио Контининг бод касали дарҳол тузалди-қўйдики, биз бу тўғрида кейинроқ, бутун шаҳар унинг қайси куни ва қай соатда қатл этилишини билишга уриниб юрган бир пайтда бечора Фабрициoнинг қалъада қандай вақт ўтказганини тасвирлаетганимизда ҳикоя қилиб берамиз.

Эртаси куни графнинг ҳузурига содиқ хизматкори Бруно кириб келди. Едингизда бўлса, граф уни Болоньяга жўнатиб юборган эди. Брунони кўриб графнинг бир дақиқа кўнгли бузилиб кетди: у герцогинянинг деярли розилиги билан бу одамни Болоньяга жўнатган ўша дамда ўзини бахтиер ҳис этганини эслаганди. Бруно Болоньядан ҳеч нимани билолмай қайтибди: у Лодовикопи қидириб тополмади, зеро Кастельнуово қишлоғишшг подестаси уни авахтага банди қилиб қўйган экан.

— Мен сизни яна Болоньяга жўнатаман, — деди граф, — герцогиня бояқиш Фабрициoнинг бошига тушган бахтсизликнинг барча тафсилотларини билишни истайди. Кастельнуовода

брнгадирга, жандармлар постининг бошлиғига мурожаат қилинг...

— Йўқ, йўқ! — дея хитоб қилди граф ўз буйруғини ўзи бекор қилиб, — яхшиси дарҳол Ломбардияга жўнапг ва барча воқеапависларимизга кўпроқ пул улашинг. Мен улардан одамни руҳлантирувчи маълумотлар олмоғим керак.

Брупо бу тошциригқнинг маъносипи жуда яхши тушупди ва ўтириб ўзига сафар гувоҳномасини сза бошлади. Граф сўяг-ги йўл-йўриқлар кўрсатаетгап бир пайтда упга бир хат келтириб топширигади. Бу мактуб, турган гап, бошдан-оеқ сохта эди-ю, аммо шупдай иборалар билап езилгап эдики, унда гўе меҳрибон бир одам дўстона ердам сўраетгандек туюларди. Бу одам, шубҳасиз, шаҳзоданинг худди ўзгинаси эди. Граф Москаниг истеъфога чиқиш иияТида эканиии эшитгач, у дўстидан министрлик постини тарк этмаслик ҳақида ўтиниб сўрабди; бу ҳақида у ораларидаги дўстлик, ватаига қутку солаетган хавф-хатарпн шафе келтириб илтимос қилибди ва ҳукмдор сифатида истеъфо бермасликни буюрибди. У яна қирол*** унинг ихтиерига иккита қироллик ордени юборгани тўғрисида хабар қилибди — улардан бирини шаҳзода ўзига олибди, иккинчисиии эса ўзининг қадрдон дўсти граф Москага юбораетган эмиш.

— Бошимга тушаетган барча бахтсизликларга ана шу ҳайвон айбдор!— дея ғазаб билап хитоб қилди граф Бруноии қаттиқ ҳайратга солиб. — Яна унинг риекорлик билая мени аврамокчи бўлгаиига ўласанми! Биронта аҳмоқни қармоққа илинтириш учун ўзи билан бирга бунақа мунофиқона ибораларнипг сон мипгтасини ўйлаб чиқарганмиз-ку ахир!

Граф жавоб езди. Хатида у саломатлигининг мазаси қочгапи ва министрликдаги сермашаққат вазифаларини узоқ вақт бажаришга кўзи етмаслиги, шу боисдан ўзига инъом этилаетган орденви ҳам ола олмаслигини баен этди. Унинг бениҳоя ғазаби қайнаган эди. Бир минутдан сўиг фискал Рассининг келгани ҳақида хабар қилишди. Мниистр уни жуда илтифотсиз кутиб олди.

— Хўш! Мен сизий дворянин қилиб қўйдим, шуиинг учун ҳам дарҳол сурбетлашиб кетдингиз, шекилли! Нега кеча бевосита бурчингизни адо этгани — менга миннатдорчилик билдиргани келмадингиз, жаноби бетамиз?

Рассига ҳацоратлар таъсир қилмасди: шаҳзода худонинг берган куни у билан шу оҳангда гаплашарди. Лекин у барон бўлишни истарди, шунинг учун ҳам усталик билан ўзини оқлай кетди. Расси учун бунипг ҳеч қийип жойи йўқ эди.

— Кеча шаҳзода кун бўйи мени езув столи енидан турғазмади, шу боис саройдан ташқари чида олмадим. Барча прокурорларники каби хатим ниҳоятда хупук бўлишига 1^арамай, мен, ҳазрати ©лийлариииng буйруқларига биноаи, узундап-узоқ ва бемаъии дипломатик ҳужжатлардаи бир талай нусха кўчирдим. Назаримда, бундай топшириқ беришдан ягона мацсад мени асирликда ушлаб туриш эди. Фақ,ат кечқурун соат бешларга яқин, очимдап ўлай деганимдан кейингина шаҳзода, ниҳоят, менга жавоб берди, лекин тўғри уйга кетишнн ва кечқурун ҳеч қаеққа чиқмасликни буюрди. Чиндан ҳам шаҳзоданинг гаахсий воқеанависларидан ўзим яхши танийдиган икки жосусярим кечагача кўчамиз.ча айланиб юришди. Бугуи эрталаб карета чақиртирдим-да, мени соборга олиб боришни буюрдим. У ерга шошилмай кирдим, кейип черковнинг ичидан ғизиллаганимча югуриб ўтдим. Мана ҳузурингизда турибман. Зоти олийлари, ҳозир мен дунеда ҳаммадан ҳам кўпроқ сизнинг кўнглингизни олшнни истайман*

— Мен бўлсам, жаноби фнрибгар, гарчи я^уда усталик бнлан тўқиган бўлсангиз-да, бу уйдирмаларянгизга ишонмайман. Уч кун бурун сиз мен билан Фабрицио тўғрисида гаплашишдан бош тортдингнз. Гарчи сиздек бир кимса учун ҳар қандай касам шунчаки бир баҳона эканлиғини тушуисам-да, сизнинг виждонингиз, сир сақлаш тўғрисида ичган қасамингизга ҳурмат билан қарадим. Бугуп мен ҳақиқатни билмоқчиман. Ўша бадбахт йигитни комедиант Джилеттшшпг котили сифатида ўлим я^азосига ҳукм этплгани ҳақидаги бўлмағур мишмишлар қаердак чиқди?

— Бу мишмишларни, зоти олийлари, сизга ҳеч ким меидан яхшироқ тушуптириб боролмайди, чунки уларни онҳазратнинг буйруқларига бипоан ўзим тарқатгапмаи. Чамаси, кеча у бу тўғрида сизга хабар қилиб қўймаслигим учун ҳам мени куни бўйи асирликда тутиб ўтирди. Щаҳзода меиииг ҳали ақлдан озмаганимни билади шу боисдан ҳам орденимни сизнинг олдингизга олиб келишимга ва уни кўксимга ўз қўлиигиз билан тақиб қўйишингизни илтимос қилишимга сира шубҳа қнлмайди.

— Гаппи кўп чўзмай ишга ўтинг!— дея қичқирди граф.— Етар шунча валақлаганингиз.

— Турган гап, шаҳзода монсиньор дель Донгошшг ўлим жазосига ҳукм қилишларини жуда ҳам истарди, аммо, хабарингиз бор, уни фақат йигирма йил қамоқда кишаибанд ҳолда ўтиришга ҳукм қилдилар, ҳукм чиқарилган куннипг эртасигаеқ шаҳзодаиииг ўзи бу жазоии черков ўйлаб чиқаргаи барча ақидалар — я^ума куни фақат нон билан сув истеъмол қилиш ва шунга ўхшаш хоказо чеклашларга қаттиқ риоя қилган ҳолда ўн икки йил қалъага банди қилиш билан алмаштирди.

— Ҳа, уни фақат қалъа қамоғига ҳукм қилишганипи жуда яхши билардим, худди шунинг учун ҳам уни яқин кунларда қатл этая»аклари ҳақидаги мишмишлар мени қаттиқ ташвишга солди. Беихтиер граф Паланцани қандай устомонлик билан қатл эттириб юборганингизни эсладим.

— Крестни менга ана ўшанда беришлари керак эди!— сира хижолат чекмай хитоб қилди Расси.— Дастакни боссам бўлди эди, бинобарин онҳазрат унинг ўлимини ихтиер айлаганида ўша дастак қўлимда эди; лекин ўша кезлари ҳали аҳмоқ эканман, эиди бўлса ақлим кириб қолди, орттирган тая?рибамга суяниб, сизга бир маслаҳат беришга журъат этаман: ҳеч қачон мендан ўрнак олманг.

Бундай қиес қилиш Рассининг суҳбатдошига бориб тургаи сурбетлик бўлиб туюлди ва у фискалнинг кетига тенишдан ўзини аранг тийиб қолдн.

— Аввалამбор,— дея гап бошлади яна Расси юристларга хос мантиқ ва ҳақорат таъсир қилмайдиган одамларга хос сурбетлик билап,— аввaламбор, ўша дель Донгони қатл этиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас: шаҳзода бунга журъат қилмайди, — замона ўзгарган! Бундап ташқари, мен энди дворянинман, умид қиламанки, сизнинг ердамингизда барон ҳам бўлиб оламан, шунипг учун ҳам қўлимни булғашни истамайман. Ўзингизга маълум, зоти олийларп, жаллод фақат мендангина буйруқ олиши мумкин, мен эсам сизга онт ичиб айтаманки, кавалер Расси ҳеч қачон синьор дель Донгони қатл этиш ҳақида буйруқ бермайди.

— Ана шунда кавалер Расси жуда ақлли иш қилган бўлади!— деди граф упга хўмрайиб қарар экан.

— Лекин бир нарсани айтиб цўймоғвм даркор,— деди Расси илжайиб.— Меп фақат қонуний равишда қатл этишларига жавоб берамап, мабодо синьор дель Донго тўсатдая қорнида оғриқ туриб ўлса, буни асло мендан кўрманг. Шаҳзода негадир Сансеверинани жуда емой кўриб қолган (уч кун бурун Расси албатта «герцогиня» доган бўларди, аммо энди у, шаҳардаги ҳамма одамлар қатори, хонимнинг бош министр билан муносабатни узганини биларди). Граф шундай одамнинг огзидан герцогинянинг исмини унвонсиз эшитиб донг қотиб қолди. Бу ҳолдан унинг хурсаид эмаслигиии тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. У Рассига қаттиқ иафрат билан қараб қўйди. «Фариштагинам, азизам,— дея дилидан ўтказди у,— сенга бўлган муҳаббатимни фақат сенинг иродапгга кўр-кўрона итоат этиш билангина исботлашим мумкин».

— Сизга очиғини айтсам,— деди у фискалга,— герцогинянинг инжиқликлари билан менинг ишим йўқ; лекин, ҳамонки бу ерга келиб ишларимизпи чигаллаштириш ўрнига Неаполда тмнчғива ўтираверишн лозам бўлган ўша тирранча Фабрициони менга худди ана шу герцогиня ташгштирган экан, мен министр бўлиб турган пайтимда унинг ўлдирилишини истамайман. Сўз бераман, у қамоқдан чиққанидан сўнг бир ҳафта ўтгач, сиз барон бўлиб оласиз.

— У ҳолда, граф, мен фақат ўн икки йилдан кейингипа барон бўлар эканман, зеро шаҳзода ниҳоятда газабга минган ва унинг герцогиняга бўлган нафрати шу қадар кучлики, у ҳатто бу туйгусини яширишга ҳаракат қиляпти.

— Жуда катта илтифот бу. Ҳамонки, бош министри герцогиняни ортиқ ҳимоя қилмас экан, ҳазрати олийлари ўз нафратларини яшириб вима қиларднлар? Лекин бари бир мени насткашликда, энг муҳими эса — рашк қилишда айблашларини истамайман. Ахир герцогиняни бу ерга кўчиб келишга ўзиМ кўндирганман-ку. Едингизда бўлсин, агар Фабрицио қамоқда ўладиган бўлса, сиз барон була олмайсиз ва имоним комилки, сизни чавақлаб кетишадм. Лекин бу арзимас гапларни қўйиб турайлик. Гап бошқа



скда: мен ўз бойлигимни ҳисоблаб кўрдим, маълум бўлишичз, нари борса йигирма минг даромадга эга эканмаи. Шу боисдан ҳам камина ҳазрати олийларидан истеъфога чиқариш тўғрисида илтимос қилмоқчиман. Неаполитания қиролишшг хизматига кириш умидим бор. Неаполь — катта шаҳар, у ерда ҳозиргн пайт мен учун жуда зарур бўлган кўнгилхуши топиладг!, Пармадек бефайз бир жойда эса уларни излашдан фойда йўк. Уlен бу ерда фақат сизнинг кўмагингиз билан малика Изоттага уйлаисамшпа қоламан ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Суҳбат ана шу зайлда яна узоқ давом этди. Ниҳоят, Расси ўрнидап тургаиида, граф ўзини ниҳоятда бепарво кўрсатиб деди:

— Биласизми, айтишларига қараганда, Фабрицио мени алдаб, герцогинянинг ўйнашларидап бири бўлиб олган экан. Мен бу елгон-яшнқ гапларга мутлақо ишонмайман ва уларнинг нотўғри экаплигини исботламоқ учун сиздан мапови ҳаменни биропта одам орқали Фабрициога бериб қўйишни илтимос қиламап.

— Қўйинг-е, граф,— ҳаменга назар ташлагач қути ўчиб хитоб қилди Расси.— Бу жуда катта пул-ку, устав бўйича эса...

— Бу пул, азизим, сизга «катта» кўриииши мумкин, албатта,— дея гап қотди граф нафратомуз оҳангда.— Сиздек бир мешчан одам, мабодо қамо£\даги дўстига ўн цехин юборса, ўзини хонавайрон бўлган ҳисоблайди, мен бўлсам ана шу олти мипг фрапкнинг ҳаммаса Фабрициoнинг қўлига тегишиип ва энг муҳими қалъадаги биронта ҳам одам бу тўғрида хабар топмаслигини истайман.

Қўрқиб кетган Расси эътироз билдирмоқчи бўлган эди, бпроқ граф бетоқатлик билан унинг ортидан эшикни епиб олди. «Супдай одамлар учун,— деди у ўзига ўзи, —дағаллик — бу — ҳукмдорлик аломати». Шу гапни дилидан ўтказганидан сўнг акобир министр шундай бир бемаъни иш қилдики, бу тўғрида сизга ҳикоя қилишга ҳам уяласан кищи. У езув столи еннга югуриб борди-да, унинг тортмасидан герцогинянинг кичкика портретний олиб, устма-уст ўпа бошлади.

— Кечир мени, фариштагинам,— дея хитоб қилди у.— Сен ҳақингда ҳурматсизлик билан гапирганида мен ўша ь'флосии деразадап улоқтириб юборишим керак эди; фақат сенга итоат этганим учунгипа шундай тоқат қилиб турибмаи. Лекин шошмай турсин, ҳали жазосини тортади у!

Портрет билан ана шундай узоқ суҳбат к оп сўнг, дили ҳасратга тўлган бўлса-да, графнинг миясига кулгили бир фикр келдики, у болаларча жўшқинлик билан бу фикрни дарҳол амалга оширди. У барча нишонлари тақиғлпк мундиринв келтиришини буюрди-да, уни эгнига кийиб, кекса малика Йэоттанинг саройига равона бўлди. Шу пайтга қадар у маликаникига фақат янги йил мукосабати билангина ташрцф буюргвчи эди. Малика уни бир талай итлари қуршовида, худди ҳозир шаҳзоданннг саройига боришга отланиб гурган одамдек, башанг кийинган ва ҳатто дуру жавоҳирларшш таққан ҳолда қабул

қилди. Граф, бемаврид келмадимми, ҳазрати олиялари бирор жойга отланиб турганга ўхшайдилар, дея гумонипи айтди; ҳазрати олиялари, Парма маликаси уз қадрини сақлаш учун ҳам доим шундай кийиниб юриши керак, дея лутфан жавоб қилдилар. Қайғули ўтастган ана шу кунлар ичида графғшнг биринчи бор димоғи чоғ бўлиб, кайфияти кўгарилди. «Бу ерга келганим яхши бўлди, — дея ўйлади у, — шу бугунок унга севги изҳор қилишим керак». Ўзининг зукко ақли билан ном чиқарган ва. шу билан бирга бош министр бўлгап бу одамииiг хопадонига қадам ранжида қилганидан маликапипг боши осмопда эди: бечора қариқиз бупдай ташрифларга одатланмаган эди. Граф гапни оддий бир дворянин билан подшоҳлар оиласига мансуб одамлар орасида доимо осмон билан ерчалик тафовут бўлишини баен цилувчи моҳирона муқаддимадан бошлади.

— Лекин сулолани фарқлай билиш керак,— деди малика. — Масалан, француз қиролининг қизи тожу тахтга ворис бўлишпи ҳатто орзу ҳам қила олмайди, аммо Парма сулоласида аҳвол бошқача. Шу боисдан Фарнезе наслидан бўлмига хонимлар ҳар қачон ва ҳар ерда ҳатто ташқ'л қиефаларида ҳам ўз қадр-қимматларини сақламоқлари даркор; гарчи мен ҳозир, кўриб тургаиингиздек, бечора бир малика бўлсам-да, ким билсин, эҳтимол, бир кун келиб мегганг бош министрим бўларсиз.

Кутилмаган бу фикр ўзининг бемаъпилиги билан графга яиа бир дақиқа қувноқ кайфият багишлади.

Бош мипистрнинг оташин севги изҳорини эшитиб, шолғомдек қизариб кеттан малика Изоттанинг хонадонини тарк этгач, граф сарой чопарига дуч келиб қолди: шаҳзода, дарҳол хузуримга етиб келсин, деб бугорган экан.

— Мен касалман,— дея жавоб қилди министр шаҳзодага нисбатап одобсизлик намойиш этиш имконияти туғилганидан қувониб.

«О-о! Мепипг қонимни қайнатишга қайнатиб, энди ўзингизга хизмат қилишимни истайсизми! Йўқ, шаҳзода, билиб қўйинг, бизнинг асримизда фалакнинг гардиши билаи ҳукмдор бўлиб қолишпинг ўзи камлик қилади, мустабидлик ролида муваффақият қозонмоқ учун зукко ақл ва кучли ирода ҳам керак бўлади».

Бу касалпииг соппа-соғ кўрипишидан ниҳоятда ҳайратга тушган чопарни жўпатиб юборгач, граф шаҳзодага ўчакишиб, генерал Фабио Копти учун жуда эътиборли бўлган икки сарой аъенининг хопадонига кириб чиқди. Ҳаммасидан. ҳам кўпроқ мпиистрни бир нарса ваҳимага солар ва унинг иродасини букиб турарди: айтишларига қарагапда, қалъа коменданти бир замонлар шахсий душмани аллақайси капитэнни «перуджа суви» ердамида гумдон қилиб юборган экан.

Граф бир ҳафтадан буен герцогинянинг қалъа билан алоқа ўрнатишга уриииб, талай-талай пул сарфлаб юрганини биларди. Бироқ упинг пазарида алоқа ўрнатишга умид қилмаса ҳам



бўларди: қалъадагилар ҳозирда жуда сергак эдилар. Биз бу бадбахт аелнинг у ердагиларни пора бериб, сотиб олиш учун қилган барча уринишларини китобхонга ҳикоя қилиб ўтирмаймиз; боякиш жуда умидсизликка тушгапди. Унинг сидқидилдап содиқ бўлган ҳар хил ердамчилари кўп эди, бироқ, назаримнзда, майда мустабидларнинг саройида фақат битта юмушни: сиесий маҳбусларни қўриқлаш ишини аъло даражада бажаришарди. Герцогипянииг олтип совуриши шунга олиб келдики, қалъада ҳар хил амалдаги қамоқхона хизматчиларидан ўн кишини ишдан қувиб юбордилар.

## Ун саккизинчи боб

Шундай қилиб, маҳбусга қанчалар содиқ бўлингмасип, герцогиня билан бош министр унинг аҳволини енгиллаштириш учун деярли ҳеч нима қила олмадилар. Шаҳзода қаттиқ ғазабга мингапди, Фабрициога адоват билан қарайдиган сарой аҳли ва киборлар жамияти унинг боп1ига тушгап бахтсизликдан қувопишарди: улар йигитга доим омад кулиб бокишини кўра олмасдилар. Гарчи герцогиня олтинни ҳовучлаб сочаетгап бўлса-да, у қалъапи қамал қилишда ҳеч ннмага эриша олмади. Маркиза Раверсн билан кавалер Рискара худонинг берган купи генерал Фабио Контига бирор маслаҳат бергани келишарди: комендантнипг заиф иродаси ердамга муҳтож эди.

Юқорида тилга олиб ўтганимиздек, қамоқнинг биринчи куни Фабрициоии комендант *саройига* жойлаштиришди. Бу мўъжазгина чиройли иморат ўтган асрда Ванвителли** чизмалари бўйича баландлиги бир юз саксоп футли доира шаклидаги улкан миноранинг юқори майдончасига бино қилинганди. Хайбатли миноранииг қоқ тепасида туянинг ўркачи янглиғ қаққайиб турган бу кичкина саройнинг деразасидан Фабрицио далалар ва олисдагм Альп тоғларини курди; сўнгра қалъанинг шундоқ енгинасидан шиддатли Парма даресининг ҳайқириб оқишини томоша қилди. Парма шаҳардан ўн чақиримча нарида ўн томон бурилиб, По дар^сига қуйилади. По кўм-кўм далалар орасида кумушранг тасма янглиғ буралиб оқар, унинг сўл соҳилида олис-олисларда эса Фабрицио Италияни шимол томондан ўраб турган тоғ тизмасииинг ҳар бир чўққисиии яққол кўриб турарди. Цуеш жизғинагини чиқарган бу водийнинг ўртасида ўша юксакликдаги абадий қорлар ҳатто жуда иссиқ келган август ойида ҳам дилда соя-салқии жойлар ҳақидаги сархуш хотираларни уйғотар ва гарчи ўша тоғлар Парма қалъасидан юз чақиримча нарида жойлашган бўлса-да, унинг ҳар бир бурмаси яққол кўзга ташланиб турарди. Чиройли комендант саройининг деразасидан кўринаетган бу кенг манзаранипг жанубий қисмини Фарнезе минораси тўсиб турардики, бу минорада Фабрициога атаб камера ҳозирлашмоқда эди. Китобхоннит* едида бўлса керак, бу иккинчи минора ҳам бош минорaниiг

юқори майдончасида қад кўтарганди. Уни Тезейнинг* ўғли Ишюлитдан фарқли ўлароқ ешгина угай онасининг севгисини рад этмаган валиахд шаҳзодага атаб қуршнғанди. Малика бир печа соатгина касал бўлиб етибди-ю, тўсатдан вафот этибди, шаҳзода эса фақат ўн етти йилдап кейин, отасининг ўлимидан сўнг, тахтга ўтирнш арафасидагипа озодликка чиқибди. Бир соатлардан сўнг Фабрициони кўчириб ўтказишган Фарнезе минораси бош минорашшг тепа майдончасида худди беўхшов ғурра каби эллик футча баландликка бўй чўзган бўлиб, унинг ҳаммаеғига яшинқайтаргичлар ўрнатиб ташланганди. Чор атрофдан кўриниб турадигап бу қамоқхонани қурдиргач, хотинидан норози бўлгап шаҳзоданинг дилида ғалати бир истак пайдо бўлди: у ўз фуқаролари бу миноранинг қадимдан мавжудлигига ишонтиргисп келиб қолди ва шу боисдан унга Фарнезе минораси дея пом қўйди. Гарчи Парма шаҳрининг ҳамма чеккалари ва чор атрофдагд водийлардан тош терувчилар харсанг кетидан харсапг қўйиб, бу бешбурчак иншоотни кундан-кун юқори кўтаришаетгани яққол кўриниб турган бўлса-да, минора қурилиши ҳақида гапириш тақиқлапган эди. Унинг кўҳналигинн исботлаш учун кенглиги бор-йўғи икки фут ва баландлиги тўрт фут келадиган эшик тепасига машҳур лашкарбоши Алессандро Фарнезе* Геприх IV ни Париж деворлари енидан чекинишга мажбур этгани тасвирланган ажойиб барельеф ўрнатилганди. Фарнезе минорасининг пастки қавати жуда қулай жойлашган бўлиб, бўйига ва энига цирк, қадам келадиган заляи ташкил этарди. Унинг ҳаммаеғига устунлар қўйиб ташланганди, аммо бу устунлар анча пастак эди, зеро бу кенг залнинг баландлиги нари борса уч одам бўйи келарди. Залга қоровулхона жойлашганди, унинг ўртасида эса устунлардан бирига чирмаштириб, темирдан ишланган ва кенглиги бор-йўғи икки фут келадиган енгилгина зина ўрнатилганди. Фабрицио соқчиларининг оғир қадам ташлашидан тебраниб турган ана шу зинадан иккинчи қаватга кўтарилди. Иккинчи қаватда ажойиб хоналар жойлашган бўлиб, уларнинг баландлиги йигирма футдан кам эмасди. Қачонлардир бу хоналар еш шаҳзода учун жуда ҳашамдор қилиб жиҳозланганди: бу ерда у ўн етти йил яшаб, умрининг энг гуллаган даврини ўтқазганди. Иккинчи қаватнинг нариги четида янги маҳбусга дабдабали қилиб безалган ибодатхонани кўрсатишди: унинг деворлари ва гумбаз шаклидаги шифтига қора мармар тахтачалари қопланган, деворлар бўйлаб эса мутаносибликка риоя қилган ҳолда қора устунларнинг бежирим қатори саф тортганди. Деворларнинг ўзи эса оқ мармардан ишланган улкан бош чаноқлари билан безатилгаиди. Чаноқлар худди шундай оқ мармардан ясалган ва кесишиб турган икки суяк устига ўрнатилганди.

«Улдиришга журъати етмаган номард одамлар нафратияинг зўридан шундай найрангларни ўйлаб топишади!— дея хаелидан ўтказди Фабрицио.— Менга буларнинг барини кўрсатаетган иб« лисларнинг ҳийласини қаранг!»



Худди боягидек устунга чирмаштириб ишланган айланма темир зина қамоқхонанинг учинчи қаватига олиб чиқардики, генерал Фабио Конти ўзининг бутун истеъдодларини бир йилдан бери ана шу қаватдаги баландлиги деярли уч одам бўйи келадиган хопаларни қайта қуришга сарфламоқда эди. Аввало унинг раҳбарлигида бир вақтлар шаҳзодапипг хизматкорлари истиқомат қилган бу хоналарнинг деразаларига йўғон темир панжаралар ўрнатишди. Ўша деразалар бош минорашшг тош тахталар терилган майдончаси сатҳидан ўттиз фут юқорида жойлашганди. Иккитадан деразаси бўлгап бу хоналарнинг ҳар бирига фақат бинонинг ўртасидан ўтган тор ва қоронғи йўлакдапгина кирса бўларди; бу йўлакда Фабрицио кетма-кет жойлашган ва нақ гумбазга қадар бўй чўзган зилдек темир панжара эшиклардан учтасини курди. Бу ажойиб иншоотларнинг чизма ва лойиҳаларини тасдиқлатиш баҳонаси билан генерал икки йил давомида ҳар ҳафта ҳукмдорнинг қабулига кириб туриш шарафига муяссар бўлгаиди. Бу камералардан бирига банди қилинган фитначинипг қамоқхона хизматчиларининг зулмидан шикоят қилншга деярли асоси йўқ эди-ю, лекин шу билан бирга у ҳеч ким билан гаплаша олмас ва унинг ҳар бир ҳаракати ташқарига яққол эшитилиб турарди» Генералнинг буйруғига биноан ҳар бир хонага уч фут баландликда худди курсига ўхшатиб, йўғон эман тўсиклар ўрпатишди,— комендантнинг бу гениал ихтироси уни полиция министри лавозимига номзод қилиб қўйганди. Ана ўша тўсинлар устиг? генерал тахтадан баландлиги ўн фут келадиган акс-садо берувчи камералар қуришни буюрди; бу камералар миноранинг фақат деразалари бўлган деворигагина туташган эди, қолтан уч томонндан эса қамоқхонанинг катта-катта йўиилган харсанглардан қурилган деворлари билан камеранинг тахта деворлари орасида кенглиги тўрт фут келадиган йўлак қолдирилгаиди; эман, қарағай ва енғоқ тахталаридан ясалган ўша деворлар темир болтлар ва беҳисоб михлар ердамида жуда мустаҳкам қилиб қоқилганди.

Фабрициони ана шу камералардан бирига олиб киришдн. Бу генерал Фабио Конти ижодининг энг яхши маҳсули эди. Комендант уни бир йил бурун қурдирганди ва унга «кўр-кўроиа итоат9 деб шоирона ном қўйганди. Йигит югуриб дераза олдига борди. Панжара ортида ажойиб манзара кўриниб турарди, унинг фақат бир бурчагинигина шимоли-ғарб томондан уч қаватли комендант саройининг томи тўсиб қўйганди. Дарвоқе, саройнинг биринчи қаватида қалъа гарнизонининг маҳкамаси жойлашганди. Фабрициониpг диққатини аввало учинчи қаватдаги деразалардан бири ўзига тортди. Бу деразада у турли-туман қушлар солиб қўйилган чиройли қафасларни кўриб қолганди. Қамоқхона хизматчилари унинг атрофида ивирсиб, камерани ҳозирлашар экан, йигит қушларнинг гўе ботиб бўлган қуешнинг сўнгги нурларини олқишлаетгандек, берилиб сайрашларини мароқ билан эшитиб гурди. Вольеранинг деразаси Фабрицио турган жойдан йигирма беш футча нарида ва олти футча пастроқда жойлашган эди, гаунииг учун ҳам йигит

қафаслар қўйилган хонапииг ҳатто ичкарисига ҳам пазар ташлай оларди.

Ўша кеча ой тўлкшгап пайти бўлиб, Фабрицио ўз камерасига кириб келгапида, у уфқпинг ўнг томонидан, Альп тизмалари узра Тревизога яқин бир жойда улуғвор сузиб чиқмоқда эди. Соат эндигипа тўққизлар бўлгапди, ғарб томонда ҳали уфқ узра қизгиш шафақ ўйнаб турар, уннг тархида эса Монте-Визо ҳамда Альп тизмасининг Пиццадап Мон-Сеиис ва Турингa қадар саф тортган ўзга чўққилари яққол кўзга ташланарди. Фабрицио бошига тушган бу кулфат тўғрисида мутлақо ўйламасди; бу улуғвор мапзара уни ҳаяжонга солган ва қалбини завққа тўлдирган эди. «Клелия Конти апа шупдай фусункор дунеда яшар экап-да! Шундай хаелпараст ва қалби теран қизга бу маизара ҳаммадан кўпроқ лаззат бағишласа керак. Бу ерда одам ўзини гўе Пармадан тўрт юз чақнрим наридаги кимсасиз тоғларда юргандек ҳис этар экан». Фабрицио қалбида турли-туман туйғулар уйғотаетган бу манзарани томоша қилиб, ўқтин-ўқтин комендантнинг чиройли саройига назар ташлаганича дораза енида икки соатдан мўлроқ вақт турди-да, кейин бирдан: «Наҳот шу қамоқхона бўлса? Мея бўлсам ундан қўрқиб юрибман!»— дея хитоб цилди. Маҳбусларга ҳар қадамда учраб турадцган кўнгилсизлик ва дилсиеҳликлар тўғрисида мутлақо ўйламай қўйган қаҳрамонимиз қамоқхонаси атрофидаги фусункор дуненинг жозибасига ғарқ бўлган эди.

Бирдан унииг ширин хаелларини даҳшатли тўс-тўполон бўлиб юборди: қафасга ўхшайдиган акс-садо берувчи тахта камера силкина бошлади; қий-чув, тўс-тўполопнинг енига бирдан яна итнинг қутуриб акидлаши ва қапдайдир ҳайвонларнинг чийиллаши қўшилди. «Нима гап ўзи! Наҳот ҳозирнииг ўзидаек, бу ердан қочиб кетишим мумкин бўлса?»— дея ўйлади Фабрицио. Бир минутдап сўнг у қаҳқаҳа отиб кула бошлади. Йигит шу қадар завқ билан кулардики, чамаси, бу қамоқхонада ҳали ҳеч ким бундай хохолаб кулмаган бўлса керак. Генералнинг буйруғига биноан, Фарнезе минорасининг учинчи қаватига алоҳида хавфли жиноятчиларни қўриқлаш учун қамоқхона хизматчилари билан бирга қопоиғич инглиз итини ҳам чиқаришардики, бу ит туплари Фабриционинг каталаги атрофида топқирлик билан қурилган йўлакка пойлоқчилик қилиши лозим бўларди. Ит ва қамоқхоиа соқчиси маҳбуснинг ҳар бир қадамини эшитиб туриш учун хонанинг йўнилган тошдан ясалган поли билан камеранинг тахта тўшамаси орасидаги пастаккина бўшлиққа жойлашмоқлари керак эди.

Бироқ «Кўр-кўрона итоат» камерасида Фабрициога қадар юзға яқин улкан каламушлар истиқомат қилиб келишгап экан. Одамлар пайдо бўлишганида улар ҳар тарафга тумтарақай қочишди. Спаиел билан инглиз фокстерьерининг дурагайи бўлмиш бу ит қўримсизгина бўлса-да, лекин жуда чаққон экан. Уни тахта камеранинг тагига боғлаб қўйишган эди. Аммо атрофида каламушларнинг изғиб юрганини сезган ит уларга қараб отила бошлади ва калласини бўйинбоғдан чиқариб олишнинг уддасидан чиқди. Аиа





шупда кулгили жанг соднр бўлди ва унинг ола-тасири Фабрицновинг ширин хаелларини бўлиб қўйди. Биринчи ҳамладан омоя қолган каламушлар тахта камерага қочиб киришдп; ит уларни ортидап қувиб, тош тахталардап Фабрицонинг каталагпга олиб чиқадиган зинанинг олти поғонасини бир сакрашда босиб ўтди. Даҳшатли тўс-тўполон кўтарилди, камера тагидаги тўсинига қадар силкиниб турарди. Фабрицио телба одамга ўхшаб қотиб-қотиб куларди. Қамоқхона хизматчиси Грилло уига қўшилиб хохолаганича эшикни епиб қўйди. Камерада ҳеч'қандай мебель бўлкай, ит каламушларни бемалол таъқиб этавериши мумкин эди; каламуш қирувчининг ҳамласига бурчақда турган чўяв печка хиел халал берарди холос. Ит ўзиниг -барча душманларини қириб тугатгач, Фабрицио уни енига чақирди-да, боншнп силаб қўйди ва чамаси, ўзи ҳам унга еқиб қолди. «Агар б у ит бирон кун келиб, менинг девордан ошиб ўтаетганимни кўрса, ҳуриб ўтирмайди»,— дея хаелидаи ўтказди Фабрицио. Бироқ бумдай позик сиесат фақат баҳона эди: унинг шунчаки ит билан ўйнашгиси кслаетгапди, зеро ҳозир руҳи жуда енгил тортганди. Унинг қалбида ҳали ўзи ҳам ўйлаб кўрмаган қандайдир сабабга кўра пинҳоний бир қувонч ҳукмрон бўлиб қолганди.

Ит билан ирғишлайвериб, бир оз ҳаллослаган Фабрицио қамоқхопа хизматчисидан сўради:

— Отингиз нима?

— Грилло. Устав йўл қўйган барча ишларда зоти олийларинииг хизматларига тайерман.

— Гап бундай, азизим Грилло, Джилетти исмли бир одам катта йўлда меня сўйиб кетмоқчи бўлди. Мен ўзимни ҳимоя қила туриб, уни ўлдириб қўйдим. Агар ҳаммасини қайтадан бошлаган тақдирда ҳам мен барибир ўлдирган бўлардим. Лекип шуига қарамай, ҳозирча ҳузурилгизда меҳмон эканман, кунларимни хурсандчилик билан ўтказмоқчиман. Салсеверина саронига бориб, менга ич кийим олиб келиш ҳақида бошлиқларингиздан рухсат олинг-да, кейин менга асти харид қилиб келинг, фақат кўпроқ бўлсин.

Асти Альфьериииng ватани Пьемоитда тайерланадигаи вишилловчи вино бўлиб, қамоқхона хизматчилари тоифасидан бўлмиш шинавандалар уни жуда қадрлашарди. Ана шундай шинавандалардан ўнга яқин киши ҳозир шаҳзоданипг собиқ бўлмаларидаги зарҳал бериб ишланган мебеллардан баъзи анжомларии Фабрицонинг камерасига ташиш билан банд эдилар; уларяинг бари асти харид килишга тааллуқли сўзларни хотираларига эҳтиром билан жойлаб олдилар. Шунча ҳаракат қилишларига қарамай биринчи тунда улар Фабрициога уича яхши шароит яратиб беришолмади, бироқ йигит ҳозир, кури пиши дай, бир тиша винонинг йўқлигигагина ачипади, холос.

— У яхши йигитга ўхшайди,— дейишарди бир-бирларига қамот^хона хизматчилари.— Ишқилиб жалоби бошлиқлар яцинларинипг унга пул юбориб туришига монелик қилмасалар бўлгани.



Елғиз ўзи қолиб, тўс-тўполондан сўнг бир оз ўзига келгач, Фабрицио яна ҳайратга тушди: «Наҳот шу қамоқхона бўлса?» — дея сўради у ўзидан ва Тревизодан Монте-Визога қадар кенг уфққа, Альп тоғ тизмалари устини қор қоплаган чўққилар, юлдузлар ғужғон ўйнаетган осмон ва ҳоказо, ва ҳоказоларга бирма-бир кўз югуртирди. «Қамоцхонада ўтказадиган биринчи туним шу бўлса керак-да, энди? Клелия Континипг бундай самовий елғизликни хуш кўриши сабабини энди тушундим: бу ерда инсон ўзини пастда бизнинг бутун диққат-эътиборимизнп жалб қилиб турадиган майда фисқи-фужурлардан минг чақирим чжсакроқда ҳис этар экан. Агар деразамнинг остида курган хув анави қушлар ўшаники бўлса, демак унинг ўзини ҳам кўраман... Цизиқ, у мени кўриб қолгач, қизариб кетармикин, йўқми?» Шундай муҳим масалаларни ўзича муҳокама қилар экан, маҳбус тун алламаҳал бўлгандагина ухлаб қолди.

Ҳали ҳеч қандай дилсисҳлик бўлмаган қамоқхонадаги ана шу биринчи тундан сўнг эрталаб Фабрицио фақат инглиз йти Фокс билапгипа суҳбатлаша олди, қамоқхона хизматчиси Грилло унга ҳамон очиқ юз билан қараетган бўлса-да, бу хусусда янг фармойиш олгани боисидан унга бир оғиз ҳам сўз билап жавоб қилмади, маҳбусга ич кийимини ҳам, астини ҳам олиб келмади...

«Клелияпи кўрармикинман? — дея ўйлаганди Фабрицио уйқудан уйғонгач. — Валким, бу қушлар мутлако бошқа одамиикидир». Қушлар тонг отиши биланоқ туғур-чуғур сайрашипи бошлаб юборган бўлиб, бундай юксакликда ҳавони ўшаларнипг овозигина тутиб кетганди. Шуларни айтмаганда, атрофда ҳукм сураетган теран сукупат Фабрицио учун латиф бир янгиликдек туюлди. У қўшни қушларнинг тонгни олқишлаб сайрашларини завқ билан тингларди. «Агар булар ўшанинг қушлари бўлса, қиз албатта уларни кургани келади, ана шунда мен уни деразадап кўраман». Йигит Альп тоғининг улкан силсиласини яна томоша қила бошлаган эди, Парма қалъаси унга тоғнинг пастки тизмасига қарши қўйилган зарбдор истеҳкомдек туюла бошлади; бироқ унинг нигоҳини ўқтин-ўқтин вольера хизматини ўтайдиган кенг ва еруғ хоианиғ ўртасига қўйилган ажойиб қафаслар ўзига тортаверди. Қафаслар лимон ва кизил дарахт еғочи ҳамда тилла суви югуртилган симлардан ясалган эди. Кейипчалик Фабрицио саройнинг учинчи қаватида эрталаб соат ўн бир'дан кундузи соат тўртгача фақат апа шу хонадагина соя бўлишини билиб олди: Фарнезе минораси уни қуешнинг тиғидан тўсиб турарди.

«Агар ўзим кўришга умид қилаетган ва, эҳтимол, менинг иигоҳимдаи қизариб кетадиган мулойим ва хаелчан чеҳранинг ўриига,— дея ўйларди Фабрицио,— биронта оқсочнинг бадқалдоқ, тўпори башарасипи курсам, роса ҳафсалам пир бўлади-да ўзиям,— қушларга қарашни биронта оқсочга топшириб қўйган бўлишларн мумкин-ку ахир. Лекип мабодо Клелияни курсам, у менинг қарабтганимни сезармикин? Ростини айтганда, ҳар қандай сипогарчи-

ликпи йигиштириб қўйиб, унинг кўзига кўринишга ҳаракат қилишим керак. Ҳозирги аҳволим менга биропта имтиез бериши керак-ку ахир; кейин биз бу ерда киборлар жамиятидан узоқда, мутлақо елғизмиз. Мен — маҳбусмап, яъни бундап буеп генерал Конти ва унга ўхшаган аблаҳлар «қўл остимдаги кишилар» дея атайдиган одамлар сирасига кирамаи. Лекин у шу қадар ақлли еки, тўғрироги, шу қадар қалби юксакки, чамаси, граф айтганидек, отасининг мансабидан нафратлапгани учуй ундан ор қилади. Балким, шуиинг учун ҳам у ҳамиша маъгос юрар. Шундай олижаноб қиз ҳасрат чекади-да, албатта! Бундай олиб Караганда эса, мен унипг учуп мутлақо бегона одамман. Кеча у мепипг таъзим қилишимга нақадар назокат билаи жавоб қилди-я. Комо соҳилида бу қиз билаи биринчи бор учрашганим яхши эсимда. Ўшанда уига шупдай дегандим: «Бир куй келиб сизиипг ажойиб картиналарипгизни томоша қилиш учун Пармага бораман. Марҳамат қилиб исм-шарифимии зслаб қолияг: Фабрицио дель Донго». Эҳтимол у менинг исмимни унутиб ҳам юборган бўлса керак. Ахир ўшанда ешгина қизалоқ эди!..

Лекин бу қанақаси бўлди?— дея ҳайрат ичра савол берди ўзига Фабрицио ҳозирги хаелларидан чалғиб.— Дилимда мутлақо ғазаб ҳис этмаяпмап! Наҳот меп қадимги давр донишмандларнга ўхшаган ниҳоятда матонатли одам бўлсам? Балким, мен ўзим ҳам билмаган ҳолда қаҳрамондирман? Рост-да,— мен қамоқхонадап жуда қўрқардим, мана энди қамалибману лекин бу ҳақида ҳатто қайғуришпи ҳам упутиб қўйибман. Қўрққанга қўша кўринади, деб тўғри айгишган экан. Буни қаранг-а! Қамоққа тушиш — бу катта бахтсизлик эканига ўзимни ўзим ишонтирмогим керакка ўхшайди, зеро, у аббат Бланес айтганидек, ўн ойми еки ўн йилми давом этиши мумкин. Бу янги, кўзим ўрганмаган шароит, эхтимол, мен бу ерда ҳис этишим лозим бўлган хафачиликдан эътиборимни чалгитабтгандир. Ва, балким, менинг иродам ва ақлимга боғлиқ бўлмаган яхши кайфият бир дақиқадан сўнг ғойиб бўларда, дилимпи, табиий, ғам-ғусса қоплар?

Ҳар ҳолда қамоққа тушиб қолгач, ўзимни ўзим хафа бўлишга мажбур этишим кераклиги жуда ғалати кўриняпти. Худо ҳақи, биринчи тахминим тўғрига ўхшайди: назаримда, менинг иродам жуда кучли бўлса керак».

Фабрициониng хаелини қопқа ясаш учун деразалари ўлчагани келган қалъа дурадгори бўлиб қўйди; Фарнезе қамоқхоиасидан биринчи марта фойдаланишаетган бўлиб, шу пайтга қадар унга апа шу муҳим мослама ўрнатишни унутишган экан.

«Демак,— дея ўйлади Фабрицио,— мен тез кунда шундай ажойиб манзарани томоша қилиш имкониятидап маҳрум бўлар эканман». Сўнгра у шундай жудоликни ўйлаб, ўзини хафа қилшпга уриниб курди.

— Менга қаранг,— деди у бирдан дурадгорга,— демак мен види анови чиройли қушларни бошқа кўрмас эканман-да?

— Цайсиларини айтянсиз? Ойимқизнинг қушлариними? У жуда яхши кўради бу қушларни,— деди дурадгор мулойим оҳангда.— Улар билан хайрлашаверинг: дунедаги барча бошқа нарсалар қатори, уларни сиздан яширишади, тўсишади, пана қилиб қўйишади.

Дурадгорга ҳам, қамоқхона хизматчилари қатори, маҳбуслар билаи сўзлашмоқ қатъияп мап этилганди, бироқ бу одам Фабрициониng ешлигига ачиниб кетди; у йигитга ташқаридан иккала деразанинг таглигига ўрнатиладиган бу қопқалар тепа томон қиялаб кетишини ва улар маҳбусга фақат осмонпинг бир парчасинигина кўришга имконият беришиии тушунтириб қўйди.

— Сизнипг дилингизпипг ташвишини қилишяпти,— деди у,— хаелларингиз ғамгинроқ бўлиб, тезроқ тавба қилишингизни исташади. Генерал яна бир нарсани ўйлаб топган,— дея қўшимча қилди дурадгор,— у деразаларнинг ойнасини мой суртилган қогоз билан алмаштирмоқчи.

Фабрициога суҳбатдошининг истеҳзо билан заҳархаида қилиб гапириши жуда еқиб қолди,— Италияда бундай одамлар камдан-кам учрарди.

— Бу ерда бир қуш боқсам емон бўлмасди, шунда камроқ зерикармидим дейман,— мен қушларни жуда яхши кўраман. Илтимос, синьорина Клелия Контининг оқсочидан менга битта қуш харид қилиб беринг.

— Ие, сиз синьоринани танийсизми ҳали?— дея хитоб қилди дурадгор.— Ҳатто унинг исмини ҳам биласизми?

— Шундай машҳур соҳибжамол қиз тўғрисида эшитмаган одам борми ўзи? Лекин мен у билан шаҳзоданинг саройида шахсан учрашиш шарафига муяссар бўлган эдим.

— Боякиш синьорина бу ерда жуда зерикади,— деди дурадгор,— шунипг учун ҳам доим ана шу қушлари билан овуниб юради. Бугун эрталаб эса у еғоч челакларга ўтказилган иккита чиройли апельсин дарахти сотиб олишни ва уларни мигюранинг эшиги олдига, шундоқ сизнинг деразангиз остига қўйишни буюрди,— агар пирамоп бўлмаганида сиз уларни бемалол кўрардингиз.

Дурадгоршшг бу хабарини эшитиб Фабрицио хурсаид бўлиб кетди; у узрли баҳоиа топиб дурадгорга бир оз пул берди.

— Демак, мен икки марта гуноҳ қилдим, —деди дурадгор.— Ҳам сиз билан гаплашдим, зоти олийлари, ҳам берган пулингизни олдим. Индиига деразага қопқа қўйгани келганимда, чўнтагимга қуш солиб келаман. Агар елғиз ўзим келмасам, гўе' беихтиер қилгандек, уни камерапгизда чиқариб юбораман. Яна сизга оятнома келтириб беришга ҳам ҳаракат қиламаи. Бу ерда диний қоидага биноап ибодат қила олмаслигингиздан қўиглингиз жуда хира бўлса керак ахир.

«Шундай қилиб,— деди ўзига ўзи Фабрицио елғиз қолгап заҳоти,— бу ўшанинг қушлари, аммо икки кундан сўпг мен уларни бошқа кўролман қоламан». Шуларни ўйлар экан, унипг юзида маъюс бир ифода пайдо бўлди. Мана, ниҳоят, вольера деразасига қарай-қарай кутавериб кўзи тўрт бўлган Фабрицио пешинга яқин

Клелияпи кўриб қолди-ю, бениҳоя севиииб кетди. Қиз хопага қушларипи боқиш учун кирган эди. Фабрицио панжарасинияг йўғон симларига епишиб, нафасини ичига ютгакича жимиб қолди. Клелия бошини кўтариб унга қарамасди-ю, аммо йигит унинг хатти-ҳаракатидан, гўе у кимнингдир тикилиб тургапини сезгандек, ўзипи аллапечук воқулай сезаетганини пайқаб цолди. Вечора қиз қанча уринмаоин, кеча жандармлар қоровулхонага олиб кетишаетгапида йигитпинг лабларида жилваланиб тургап ўша нозик табассумни сира упута олмасди.

Клелия ўзинииг ҳар бир хатти-ҳаракаткпи қаттиқ пазорат қилаетгандек кўринса-да, вольеранинг деразаси олдига келгаиида бирдан лоладек кязариб кетди. Папжарага епишганича унга тикилиб турган Фабрициониниг хаелига, қизпинг эътиборини ўзпмга жалб қилмоқ учун темир чивиқларни хиел уриб қўйсаммикин, деган болаларча бир фикр келди; лекин шу заҳоти ўзинииг бундай одобсизлпк қилиши мумкинлигидан даҳшатга тушди. «У ҳолда қиз бир ҳафтача вольерага келмай қўяди ва қушларга қараш учун ўзининг ўрнига оқсочини юбориб туради. Қилмишимга яраша жазо берган бўлади шунда». Пеаполда еки Новарада у бундай ис.тиҳола қилиб ўтнрмаган бўларди.

У сукланиб тикилганича қнзниег ҳаракатларини кузатарди. «Турган гап,— дерди Фабрицио ўзига узи,— ҳозир у, гарчи игувдоқ рўпарасида жойлашган бўлса-да, бу бадбахт деразага ҳатто назар ташлашни ҳам лозим кўрмай хонадан чиқиб кетади». Бироқ маҳбусга тепадан яққол кўриииб турган хонанинг нариги бурчагидаи дераза енига қайтар экап, қиз ортиқ чидаб туролмай у томон кўз қирини ташлади. Фабрицио ўзини қизга қараб таъзим қилишга ҳақли ҳисобламоги учун шунинг ўзй кифоя эди. «Ахир биз бу ерда блғиз ўзимиз-ку!»—дея таъкидларди у ўзига ўзи далда бермоқ учун. Унинг таъзимипи кўриб, қиз тўхтади-да, ийманиб ерга заради; сўнгра Фабрицио Клелияпинг бошини кўтариб унга қарагани ва рўйирост ўзини мажбур этиб, етсирагап ҳолда сипогина таъзим бажо қилганини курди. Вироқ қиз кўзларини сукут сақлашга мажбур эта олмасди: чамаси, унинг ихтиеридан ташқари бу кўзлар ту дақиқада йигитга ниҳоятда ҳамдардлик билаи тикилиб турарди; Клелия қип-қизариб кетди, қизиллик ҳатто унинг елкаларига ҳам югурди. Фабрицио бупи яққол курди, зеро иссиқ хонага киргач, қиз елкасидаги қора тур рўмолини олиб қўйганди. Ўзининг таъзимига жавобан Фабрициониng беихтиер кўзлари ениб кетганини кўриб, Клелия баттар хижолат чекди. «Агар уни ҳозир мен кўраетганимдек, яқиндан кўрганида, бечора герцогиня нақадар бахтиер бўларди»,— дея хаелидан ўтказди қиз.

Фабрицио, хайрлашиш маъносида унга яна бир бор таъзим қиламан, дея хиел умид қилганди, аммо йигитнинг иккинчи марта бундай илтифот намойиш этишидан қутулиш учун Клелия, гўе қушларга қараетган одамдек, қафаслар енидан юриб, жуда усталик билан эшик томон чекинди. Ниҳоят у хонадан чиқиб кетди; фабрицио дераза олдида қотиб турганича қиз ҳозиргина чиқиб кетган эшикдан кузини узмасди; у бошқа одам бўлди-қўйди.

Шу дақиқадан эътиборан йигит фақат бундан кейин, ҳатто ўша даҳшатли қоиқалар упдан комендант саройини тўсиб қўйган тақдирда ҳам қизни қандай кўриб туриш ҳақида ўйлай бошлади.

Кеча кечқурун, уйқуга етишдан олдин, у ўзини еқимсиз ва зерикарли бир иш билан шугулланишга мажбур этиб, енидаги пулларнинг талайгииа қисмини камерапинг турли бурчакларини безаб турган каламуш цнларига яшириб чиққаиди. «Бугун эса соатни яшириш керак. Айтишларига қараганда, сабр-тоқат ва соатнинг тишли пружннаси ердамида еғоч у екда турсин, ҳатто темирни ҳам арраласа бўлар экан. Демак, мен қопқани арралашим мумкин». Йигит соатни яшириш учун анча овора бўлди-ю, аммо бу иш унга сира ҳам малол келмади; у дурадгорлик соҳасидаги ўз билимларини эслаб, туйнук очишпи турли йўллари ҳақида бош қотирмоқда эди. «Агар усталик билан ҳаракат қплинса,— дерди у ўзига ўзи хаелан,— қонқанинг эман тахтасидан бир нарчасини бемалол арралаб олса бўлади, —арралаганда ҳам дераза таглигига тиралиб турадиган тахтадан арралаш керак; шунда мен ўша тахтачани олиб, кейин лозим бўлгаиида яна епиб қўяверардим; майли, Гриллога енимдаги бор пулимни беришим мумкин, фақат у менинг бу ҳийламдан кузини юмиб турса бўлгани». Эидн Фабрициониng бутун бахти ана шу режасини амалга ошириши еки ошира олмаслигига боғлиқ бўлиб қолганди, шу тобда у бўлак бирон нарса тўғрисида ўйлай олмасди. «Агар уни кўриб туришга муваффақ бўлсам, мен ўзимии бахтиер ҳисоблаймаи... Йўқ,— дея хатосини тузатди у дарҳол,— яна мен уни кўрастгашшни Клелия ҳам кўриб туриши керак». Тупи бўйи у дурадгорлик санъатидаги кашфиетлар тўғрисида ўйлаб чиқди ва, чамаси, Парма саройи, шаҳзоданииг газаби ва ҳоказо, ва ҳоказолар ҳақида бирон марта ҳам эсламади. Яна шуни тан олмогимиз керакки, у герцогиня ҳақида ҳам, унинг шубҳасиз ҳасрат чекиб ўтиргани тўғрисида.хам сира уйламасди. У тоқатсизлик билан тонг отишини кутарди; бироқ дурадгор бошқа келмади: афтидан, қамоқхонада у либерая ҳисобланар экан. Унинг ўрнига қозоғидан қор еғйб турадиган бошқа бир дурадгорпи юборишибди. Фабрициониng уни қўлга олишга уриниб қилган барча хушомадларига бу бадқовоқ одам тўнғиллаб жавоб қиларди.

Фабрицио билан алоқа боғлашга тинимсиз ҳаракат қилаетган герцогинянинг баъзи уринишларидан маркиза Раверсининг беҳисоб жосуслари хабар топиб қолишганди. Шу боисдан маркиза худонипг берган купи генерал Фабио Контининг дилига ваҳима солиб қўрқитар, унинг пззат-нафсига тегиб, маҳбусга қарши гижгижлатарди. Пастки қаватнинг катта >стуили залида олти сол-датдан иборат соқчилар постини таъсис этишди. Бу соқчилар ҳар саккиз соатда алмашиб туришарди. Бундан ташқари комендант йўлакдаги учта темир эшикнинг ҳар бири олдига соқчи қўйиб чиқди. Фабрициониng олдига кириб турадиган елғиз қамоқхона

хизматчиси бўлмиш боякищ Гриллонинг эса Фарнезе минорасидан бир ҳафтада бир мартагина ташқари чидишига ижозат берилгандики, бундая дурадгор я^уда хафа эди. У Фабрициога ўзининг норози эканлигини шама цилган эди, йигит жавобан донолик билаи «Кўпрок, асти ичаверинг, дўсттияам»,— деди-да, унинг кўлига пул тутк.азди.

— Биласизми, бизга барча дайғу ҳасратларимизда овупчок. бўлган шу винони ичишни ҳам *тщщлэб* қўйшптан!—- дея жаҳл билан хитоб қилди Грилло товушини фак.ат маҳбус эшитадиган даражадагииа кўтариб.— Устав бўйича пулингизни олишдан бош тортншим керак эди... Лекин, майли, олсам ола к,олай... Аммо сиз пулни бокорга сарфлаяпсиз: сизга ҳеч нимани айта олмайман. Назаримда, гуноҳингиз каттага ўхшайди,— сизяи деб қалъада чунонам тўс-тўполои бўляптики, асти қўяверасиз... Қилар ишии герцогиня қиляпти-ку; жазосини биз бочоралар тортяпмиз,— уч кишини ищдан ҳайдаб гоборищди.

«Пешинга цадар қоиқани қўйиб улгуришармикип, йўқми?» аяа шу муҳим масала устида ўйлайвергапидан Фабрицнонинг юраги гупиллаб урар, унга вак.т жуда чўзилиб кетгандек туюларди; йигит қалъа мияорасидаги соатииng ҳар ўн беш минутда бонг уришини саиаб ўтирди. Ниҳоят соат чоракам ўн иккига бопг урди-го, аммо к,опқани келтиришмади. Клелия кушларга карагани вольерага чик.ди. Чорасизлик Фабрициониng қалбига буюк бир жасорат бахш этди, Клелияни ортиқ кўролмай қолиш хавфи унинг назарида барча таомиллардан устундек туюлдики, йигит қизга қараб имо-ишора билан қопқани арралашини кўрсатди. Тўгри, маҳбус учун ўта исенкор бўлган бу ишорани кўриши биланоқ қиз к,исқагина таъзим кллди-да, дарҳол хонадан чикиб кетди.

«Бу нимаси бўлди?— дея ҳайратга тушиб ўйларди Фабрицио.— Наҳот у зарурат юзасидангияа к.илган шу ишорамда қабиҳ бир беҳаеликии куриш даражасида идроксиз бўлса? Мен бу шпора билан ундан фак.ат кушларга қараетгапида баъзи-баъзида ҳатто улкан қопқа билан епиб қўйилгаи тақцирда ҳам менинг деразамга иазар ташлашни илтимос қилмоқчи эдим, холос; мен унга, сизий кўрига бахтига муяссар бўлмоқ учун инсонииng цўлидан келадиган ҳамма ишни қиламан, демоқчи эдим. Э худойим, наҳот у мени сурбет дея ўйлаган бўлса ва эртага вольерага келмаса?» Фабрицнонинг тунни бедор ўтказишга мажбур қилган бу гумони тўғри чиқди. Эртаси куни Клелия вольерада фадат соат учда пайдо бўлди. Бу пайтга келиб, маҳбуснинг иккала деразасига катта-катта қогщаларпи ўрнатиб бўлишганди; қопқаларни бўлак-бўлак қилиб, бош миноранинг майдончасидан деразa панжараларига боғлангап ғалтак ва арқоплар ердамида кўтаришганди. Тўғри, Клелия ўз хонасидаги панжара ортига яширингапича дили ҳасратга тўлиб, ишчиларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турди; у Фабрициониng бениҳоя ташвишга тушганини якк.ол кўриб турарди, аммо шунга қарамай ўзига берган сўзининг устидан чик.а олди.

Клелия ашаддий либерал эди; ўсмирлик пайтида у отасинииг либералларча ваъзхонликлариии жуда жиддий қабул қиларди; бироқ генерал Конти фақат ўз мартабасини ўйларди, шунинг учун ҳам қиз сарой аъенларининг лаганбардорлигини емон кўрар ва никоҳга нафрат билан қарарди. «Иақадар ноқобил қизман! — дея ўйларди у.—Дилимда мен отамни халок қилмоқчи бўлабтгаа одамларнинг тарафини оляпман. Фабрицио қонқани арраламоқчи эканини ишора цилишга журъат этди!.. Аммо бутун шаҳар упя тез кунда к,атл этишлари ҳақида гапиряпти,— дея ўзига ўзи эътироз билдирарди қиз бу фикрдан юраги орқасига тортиб.— Эҳтимол, ўша даҳшатли кун эртагаеқ келар! Бизпинг ҳукмдорлардек золим одамларнинг қўлидан ҳамма иш келади! Фабрициониng кўзлари нақадар эзгулик билан боқади кишига, ундаги қаҳрамояларча хотиржамликгш айтмайсизми! Лекин бу кўзлар кўп ўтмай абадиятга юмилиши мумкин. Е тангрим, герцогиня роса азоб чекаетган бўлса керак! Айтишларига Караганда унинг жуда руҳа тушиб кетганмиш. Унинг ўрнида мен бўлганимда қаҳрамон қиз Шарлотта Корде*га ўхшаб шаҳзоданинг кўксига ханжар санчгаи бўлардим».

Цамоққа тушганининг бутуп учинчи куни Фабрициониng жуда ғазаби қайнаб юрди. Аммо у фақат Клелияни кўра олмаяпгашк учунгина шундай газабланмоқда эди. «Жаҳли чиқибди, лекин шунга арзийдиган иш қилганим йўқ-ку ахир... Клелияга упи севишимни айтсам бўлар экан,— дея ўйларди у, зеро қалбида шу туйғуни кашф этишга улгурганди.-— Йўқ, менинг қамоқ тўғрисида мутлақо ўйламаслигим ва Бланеснинг башоратларини инкор этаетганимнинг сабаби сира ҳам қалбимнинг улуғворлигида эмас экан. Даҳрамонликка даъво қилмасам ҳам бўлади. Жапдармлар мени қоровулхонага олиб кетишаетганида Клелия менга нақадар назокатли бир ҳамдардлик билан қарагани кўз ўнгимдан сира нари кетмаяпти. Ўша нигоҳ менинг бутун ўтмиш хаетимни учириб ташлагандек бўлади. Шундай жойда бундай оху кўзла] кўрасан деб ким ҳам айта оларди! Бунинг устига кўз ўпгимда Барбоне ва жанобн комендаитнинг мурдор башаралари турган бир пайтда-я! Бу жирканч махлуқлар орасида кўзимга фируза осмон кўрингандек бўлди. ШуНдай гўзалликни севмай, уни кўришга интилмай туриб бўлармишми? Йўқ, қамоқхонада дуч келаетгак барча бу майда кўнгилсизликларга беиарво қарашимнинг сабаба мутлақо қалбимпинг улуғворлигида эмас экан». Фабрициониng хаелоти тезлик билан барча имкониятларии бирма-бир иазар ўтказди-да, ниҳоят, озодликка чиқиш ҳақидаги фикр устида тўхтади. «Шубҳасиз, герцогииянинг меҳри мени деб мўъжиза, яратади. Нимаям дердим, унга ўлганимнинг куиидан миннатдорчилик билдираман холос. Одатда бундай жойга қайтмайдилар! моқдан чиққан заҳотим Клелияни деярли ҳеч қачон кўролмай ган бўлиб қоламан,— ахир биз жамиятнинг ҳар хил доираларш а мансубмиз. Хўш, аслини олганда мен учун қамоқхонанинг нимаси емон экан? Агар Клелия гуноҳимдан ўтиб, менга ортиқ ғазаб қилмаса, фалакдан яна иимани тилайин ахир?»

Соҳибжамол қўшнисини кўра олмагаи ўша куни қаҳрамони-•мизи-инг миясига ажойиб бир фикр келди: у қопқани тасбеҳнинг учига осилган темир крест билан пармалай бошлади. Бундай тасбеҳни қамоққа тушган заҳоти барча маҳбусларга беришгувчи эди. «Валким, бу эҳтиетсизликдир, — дея дилидан ўтказди у ишга кнришар экан,—дурадгорлар меига, эртага ўрнимизга бўеқчилар келишади, деб айтишганди. Цопқада тешикни кўриб қолишса, ўша Оўеқчилар нима дейишаркин? Лекин агар шундай таваккал қилмасам, эртага Клелияни кўролмай қолэ.ман! Бу қанақаси бўлди! Вир куп бўлеа-дд, уни кўришдан уз ихтиерим билан воз кечаманми ҳали, бунинг устига унинг жаҳли чиқиб кетган бир пайтда-я!» Ўн беш соатлик қаттиқ меҳнатдан сўнг Фабрицио муносиб тақ•дирлапди: у Клелияни курди ва бундай бахтнинг устига-устак, маҳбус уни кўриб турганидан бехабар қиз деразаси еиида анчага довур қаҳрамошшизни тўсиб қўйиган қопқага тикидиб турди. Бу орада Фабрицио унинг кўзларида раҳмдиллик ва ҳамдардлик 1уйғуларини уқиб улгурди. Вольерани тарк этиш олдидан Клелия қушларини мутлақо унутиб қўйди ва бир неча минут унинг деразасига қараб қолди. Унинг дили изтиробга тушганди: шу тобда у герцогиня тўғрисида ўйлар экан, қайғу-ҳасратда қолган бу аелга сидқидиддан раҳми келарди-ю, лекин шу билан бирга уни емон кўра бошлаган ҳам эди. У дилидаги чуқур маъюслик •сабабяни узи ҳам тушуна олмас ва ўзидан ўзи жаҳли чиқарди. Фабрицио ўша куни икки-уч марта қопқани жуда ҳам сил кит п кедци; у.нияг иазарида ўзини бутунлаи бахтиер ҳис этмоғи учун фақат бир иарса — Клелияга уни кўриб турганини сездириш еяипшай тургандек эди. «Йўқ,— дея ўзини ўзи тергади у,— у жуда тортпнчоқ, оғир-вазмин ққз ва агар уни осонгина кузатаэтгашшни сезиб қолса, турган гап, кўзимдан ғойиб

бўлади>.

Эрззаси куни унинг бахти кўпроқ чонди (муҳаббат деган нарса .нималардан бахтни пзлаб топмайди дейсиз!.), Клелия улкан қопқага .маъшс тикидиб турар экан, Фабрицио темир крест билан пармадаб очган туйнукдан бир бўлак симни чиқариб, уни қимирлата бошлади; Клелия бу ашораси би пан унинг «Мен шу ердамаа ва сизий кўриб турибман» демоқчи эканлигини тушунди.

Бундан квйипги купдарда эса қаҳрамопамизшшг омада келмади. У улкан қоиқадан кафтдеккина тахтачани аррадаб, туйнук очмоқчи эди. Шуада у истаган пайтада ўша тахтачани олиб, қизнинг дийдорини кўриши, қиз ҳам унга кўз ташлаши ва Фабрицио, фақат имо-ишора билан бўлса-да, унга дилидаги туйғуларини изҳор қилиши мумкин бўларди.

Бирок, йигит соат пружинасидан темир кресги билан бир амаллаб тишли қилиб олган кичкинагина аррачанинг ғичирлаши Гриллони безовта қилиб қўйдики, қамоқхона хизматчиси бир неча соатлаб унинг камерасида ўтирадиган бўлиб қолди. Лекин бунинг эвазига Фабрицио қиз билан мулоқотда бўлвшига монелик қилувчи ташқи тўсиклар кўпайган сари Клелияхинг қуйгли бўгааб бораетганини пайқаб қолди. Йигит ўша бир бўлак сим ердамида ўзи ҳақида эслатганида қиз види ерга қараб олмаяпгани, ўзини ьушларга қараетгапдек қилиб кўрсатмаяпганини яққол кўриб турарди. Фабрицио унинг минорадаги соат роппа-роса чоракам ўн иккига занг урганида вольерага кириб келишини дилида мамнуният билан қайд қилиб қўйди. У ҳатто бундай аниқликка мен туфайли риоя қилиняпти деган хаелга ҳам бориб қолди. Хўш, вега? Бу фикр унга оқилона эмасдек кўрииади, бироқ муҳаббат бепарво кўзлар мутлақо кўра олмайдиган позик ишораяарни ҳам илгай билади ва улардан беҳисоб хулосалар чиқаради. Масалан, Клелия маҳбусни кўрмай қолганидан буен вольерага кириб к ши билаиоқ богаитш кўтариб, унинг деразасига қарарди. Ушбу ҳодисаларнинг бари Пармада ҳеч ким Фабрициони тез кунда қатл этишларига шубҳа қилмай қўйган ўша машъум купларда содир бўлганди, — бу гаплардан фақат йигитнинг ўзигина бехабар эди; аммо Клелиянинг хаели уззукуи ана шу даҳшатли фикр билан банд эди, шу боисдан ҳам у энди юраги маҳбусга нисбатан ҳамдардлик туйғусига тўлиб-тошгани учун ўзидан шна қилармиди дейсиз? Бу йигит тез кунда ҳалок бўлади-ку ахир! Ҳалок бўлгапда ҳам, турган гап, озодлик иши учун ҳалок бўлади! Дель Донголар авлодидан бўлмиш бир йигитни фақат қандайдир масхарабозга қилич санчгани учун қатл этиш бу бемаъни галку ахир! Тўғри, бу хушрўй маҳбус бошқа аелпи севарди! Клелия ўзини бениҳоя бахтсиз ҳис этар ва нима сабабдан бу йигитнинг қисматига, шу қадар ачинишини ўзи ҳам тушунмай, ўйларди: «Агар уни қатл этишеа, мен монастирга қочиб кетамап ва ҳеч қачон шаҳзоданинг саройига қадам босмаймаи, — бу одамларни курсам даҳшатта тушамаи. Сермулозамат қотиллар уларнинг бари!»

Фабрицио қамоққа тушганинининг саккизинчи куни қизни қаттиқ хижолатга солган бир воқеа содир бўлди. У маъгос хаеллар оғушида маҳбуснипг доразасини епиб қўйган қопқага тикилиб турарди,— ўша куни йигит ҳали ўзииинг тириклиги ҳақида биронта ҳам белги бермаган эди; бирдан қопқада одамнииг кафтидаи хиел каттароқ туйнук очилди-ю, қиз Фабрициoнинг кўзларини кўриб қолди: йигит унга шодон тикилганича кўзлари билан салом бермокда эди. Кутилмаган бу синовга дош беролмай қолган Клелия дарров қушлари томоп ўгирилди-да, уларпи парварнш қила бошлади; бироқ қиз шу қадар қалтирар эдики, ногаҳон қушларига келтирган сувини тўкиб юборди. Фабрицио унинг нақадар ҳаяжонга тушганипи сезмай иложи йўқ эди. Клелия бу аҳволга токат қилиб тура олмади ва югурганича гольерадан қочиб кетди.

Фабрицнонинг ҳаетида бу ҳеч нима билан қиеслаб бўлмамдиган ая^ойиб дақиқа бўлди. Агар шу тобда унга озодликии таклиф қилишганида, нмгит дилида сурур билап уни рад этган бўларди.

Кейинги куй эса герцогиняга чексиз ғам-ғусса келтирди. Бутуц

шаҳар Фабрициопинг куни битгапига сира шубҳаланмай қўйиганди. Шундан сўнг маҳбусга совуқ муносабат иамойиш этишга Клелиянинг қалбида матоиат етишмай қолди, бинобарип унниг юрагида бундай совуқликнинг ўзи ҳам йўқ эди; у вольерада бир ярим соатча гориб, Фабрициопинг барча имо-ииюралариии диққат билан кузатди ва ўқтин-ўқтин илиқ ва самимий ҳамдардлик акс этиб турган кўзлари билан бўлса-да, упга ўзи ҳам жавоб қилиб турди.

Бу орада у йигитдан кўз ешларияи яшириш учун бир неча бор тескари қараб ҳам олди. Бироқ упинг аеллик ишваси имошиоралар тилшганг мукаммал эмаслигини жуда яхши ҳис этиб турарди: агар улар сўзлашиш имкоииятига эга бўлишгаиида қиз ҳийла ишлатиб бўлса-да, Фабрициониг герцогиняга бўлгаи туйғуларииии билиб олишга урингаи бўларди! Клелия энди ўзини деярли алдамай қўйганди; у Сансеверина хонимни жуда емон кўриб қолганди.

Бир куни тунда анчага довур аммаси тўғрисида ўйлаб етгап Фабрицио хотирасида герцогинянинг қиефаси нақадар ўзгариб кетганиии пайқаб қаттиқ хайратга тушди: эпди йигит учун у вллик сшли аелга айланганди.

— Худога шукур-е!—дея хитоб қилди у қувониб,—яхшиямки унга ҳеч қачон муҳаббат тўғрисида гапирмаган эканман! — Илгари уни қандай қилиб соҳибжамол дея ҳисоблаб юрганипи энди унинг ҳатто ўзи ҳам тушунолмай қолганди. Бу жиҳатдаи олганда хушрўйгина Мариетта ҳақидагн хотиралар қайтанга камроқ ўзгарганди: у ҳеч қачон Мариеттага бўлгаи севгисини қалбига ҳам таалуқли деб ўйламаганди, ваҳолонки кўпипча у, менпнг бутун қалбим герцогиняга бағишланган, деган хаелга бориб юрарди. Герцогиня д' А*** билан Мариетта энди унга ўзининг бокира ва заифалиги билан кишини ром этадиган икки сулув париваш бўлиб кўринарди-ю, бироқ Клелия Контининг г-жойиб сиймоси унинг бутун вужудини қамраб олган бўлиб, қалбини деярли ларзага солмоқда эди. Йигит бундан буен ҳаетидаги бутун бахти комендантнинг қизига боғлиқ бўлиб қолгани ва шу билан бирга худди апа шу қиз уни дунедаги энг бахтсиз одам қилиб қўйиши ҳам мумкинлигини жуда яхши ҳис этарди. Ҳар купи Фабрициопинг дилини ваҳима босарди: хўш, қизнипг продасига кура, унинг катъий қарорига биноан қаҳрамонимиз унинг яқипида тотнб курган бу ғаройиб мўъжизавор ҳаетга бирдан чек қўйилса нима бўлади? Ахир йигитнинг қамоқхонада ўжазган ана шу икки ой вадти шу қизнинг шарофати билан жуда ҳузур-ҳаловатли ўтди-ку. Худди ана шу икки ой ичида генерал Фабио Конти ҳафтасига икки марта шаҳзодага ахборог бериб турди:

— Ҳазрати олийлари, ор-номусимни ўртага қўйиб айтаманки, маҳбус дель Донго бироита ҳам тирик жонни кўрмаяпти. Унинг жуда руҳи тушиб кетган. г\ачон цараманг 6 ҳасрат чекиб ўтиргаи, е ухлаетган ҳолда кўрасиз.



Клелия қушларининг енига баъзан бир неча дақиқага бўлса-да, кунига икки-уч марта келарди. Агар Фабрицио уни шу цадар қаттиқ севмаганида қиз ҳам уни севишини жуда яхши тушунган бўларди, бироқ у гумонсирашини қўймай қийналарди. Клелия вольерага фортепиано қўйишни буюрди. Хушоҳанг садолар ердамида ўзининг келганини Фабрициога хабар қилиш ва деразасининг остида у еқдан-бу еққа юриб турган соқчиларнинг диққатипи чалғитиш учун бармоқларини клавишлар узра югуртирар экан, у кўзлари билан маҳбуспииг саволларига жавоб қиларди. У фақат битта саволга ҳеч қачои жавоб қилмас ва ҳатто баъзан вольерадан қочиб кетиб, куни бўйи цорасини кўрсатмай қўярди: бу хол одатда Фабрицио имо-ишоралар билан дилидаги туйғуларикч изҳор қилганида содир бўларди, зеро йигитнинг севги изҳоршш тушунмаганликка олиш қийин бўлиб, қиз бу ўринда аҳдига жуда мустаҳкам эди.

Шундай қилиб, гарчи торгина каталакка қамаб қўйигап бўлсада, Фабрициопинг бутун фикри-знкри «У мени севармикин?» деган муҳим савол билан бўлиб, у жуда фаол ҳает кечирмоқда эди. Қайта-қайта шубҳа Остиға олингап кўплаб кузатувлар асосида охири йигит: «Унинг бутун хатти-ҳаракатлари «йўқ» деяпти, бироқ кўзлари беихтиер менга меҳри бсрлигини сездириб қўяяити», —деган қарорга келганди.

Клелия дилидаги муҳаббатипи унга ҳеч қачоп ошкор қилмаслигига қатъий ишонарди ва бундай хатардан сақланиш учун Фабрициониг кўплаб изҳорн илтижоларини жаҳл билан рад этарди. Ваҳолонки бечора маҳбус суҳбат қуришнинг ана шу камчил воситалари билангина чекланишга мажбур эканлиги Клелиянинг қалбида унга нисбатан раҳм-шафқат қўзғотиши лозим, туюларди. Йигит Клелия билан писта кумир бўлакчасини кафтига суриб, ҳарфлар езиш орқали сўзлашмоқчи бўлди — бундай қимматбаҳо топилмани у печканипг ичида кўриб қолганди. Фабри] кафтига ҳарф кетидан ҳарф езиб ўчирар ва шу йўсинда су: ташкил этарди. Бу кашфиет суҳбатлашиш ва ўз фикрйни аниқроц баен этиш имкониятини икки ҳисса кўпайтиргаи бўларди. Унинг деразаси Клелиянинг деразасидан йигирма беш футча нарида жойлашган бўлиб, комепдаит саройи олдида у еқдан-бу еққа юриб турган сергак соқчиларнинг боши узра овоз чиқариб гаплашяш аича хавфли эди. Фабрицио қизнипг севишига шубҳа қиларди; агар севги соҳасида хиелгина тажрибаси бўлганида эди, унинг барча шубҳаю гумоплари таркалиб кетган бўларди; бироқ шу пайтга қадар ҳали биронта ҳам аел унинг қалбини забт эта олмаганди; бунинг устига йигитнинг битта сирдаи хабари йўқ эдики, мабодо бу гапдан хабар топгаиида у қаттиқ умидсизликка тушган бўларди: шу кунларда Клелия Конти билан саройдаги энг бадавлат одам бўлмиш маркиз Крешенци ўртас*даги никоҳ масаласи ҳал бўлмоқда эди.

## Ўн тўққизинчи боб

Шу пайтга қадар муваффақият қозоняб келаетган граф Москавинг йўлида, бош министрнипг тез кунда қулашидан далолат бераетгандек, тўсатдан кўндаланг бўлган катта мушкулотлар генерал Контининг шуҳратнараст орзуларини жунбушга келтирди. Шу боисдан у энди ҳар куни қизига, агар бироятасини таплаласанг менинг мансабга эришувимга тўсқинлик қилган бўласан, қиз бола дегани йигирма ешда турмушга чиқиши керак, сенинг тентакларча қайсарлигинг туфайли бизни қўллаб-қувватлайдиган одамлардан айрилиб қоляпмиз, бу ҳалокатли аҳволга чек қўйиш керак ахир, дея дағдаға қиларди.

Отасининг дақиқа сайин кучаяетган ғазабидан Клелия волиерага қочнб қутуларди: у ерга олиб чиқадиган зина тор ва тик бўлиб, оеғида бод каеали бўлган комендант учун бу жиддий тўсиқ эди.

Бир нема ҳафтадан буен Клелиядинг қалби қаттиқ саросимага тушган ва дилида нелар кечаетгащши ўзи ҳам тушунолмай қолгаи бўлиб, қиз, гарчи ҳали қатъий' жавоб бермаган бўлса-да, отасининг талабига деярли кўниб қолганди. Бир куни генерал жаҳл устида қичқириб, қизини сира уялиб ўтирмай Пармапинг энг диққинафас монастирларидан бирига жўиатиб юборажаги ва у то бирoнтасини танламагунича ўша ерда сиқилиб ўтираверажагини хабар қилди.

— Ўзингизга маълум, хоиим афандим, пасл-насабимиз қавчалик кўхпа бўлитига царамая, даромадилшз олти минг ливрга ҳам етмайди, маркиз Крешенци эса ўз бойлши устидап йилига юз минг экю даромад олади. Сарой аъенларннинг ҳаммаси бир овоздан, у жуда хушфеъл, мулойим йигит, дейишянти; шу пайтга қадар у биронта ҳам Одамни ранжитмаган экан; ўзи жуда келишган йигит, буиииг устига еш ва шаҳзоданинг меҳрини қозонгад. Ростини айтеам, шундай куевдан ғирт телба одамгина юз ўгиради. Агар бу ишни биринчи қнлишичгиз бўлганида, ҳай майли, еқмаса еқмабди-да, дея тан берган бўлардим, аммо сиз беш-олтита шунақа куевларнинг таклифини рад этдингиз, Яна қанақа куевлар депг!.. Ҳаммаси саройдаги казо-казо одамлар!.. Етар шунча теитаклик қияганяншз! Марҳамат қидиб айтивг-чи, маошнмиииг ярми миқдорнда иафақа тайинлаб истеъфога чиқариб юборишеа, аҳволипгиз не кечади? Биронта уйнинг учинчи қаватига кўчиб ўтгашшизни кўргаиида душманларимизнинг боши осмонга етмайдими ахир! Келиб-келиб неча маротаба министр қилишмоқчи бўлган меидек бир одам-а!.. Йўқ, жии урсин! Кўнгил бўшлчк қилиб, Кассандр ролини жуда кўп ўйнаб юбордим. Қани, далилу исботи билан тушунтириб беринг менга. Сизни ўз севгисига муносиб курган бечора маркиз Крегаепцинииг пимаси еқмаяпти сизга? У сизга ҳеч қапдай сенсиз уйланишга рози бўляпти ва иикоҳ шартномасида номипгазга ўттиз минг рента ездириб қўйишни ваъда қиляпти ахир. Бундай пулга мен дурустроқ квартирани ижарага олишим мумкин. Қайсарлягингиз сабабиии яхшироқ тушунтириб беринг, акс ҳолда, жии урсин, сизни икки ойдан кеиин маркизга зўрлаб бериб юбораман!..

Клелияниig дилига бутун бу нутқнинг фақат бир жойи — уни моиастирга жўнатиб юбориш ҳақидаги таҳдид қаттиқ таъсир қилди. Демак, Фабриционинг ҳаети қил устида турган бир пайтда уни қалъадан жўнаб кетишга мажбур қилишади. Ваҳолонки йигитни яқин орада қатл этишлари ҳақидаги мишмишлар саройда ҳам, шаҳарда ҳам ой сайип кучайиб борарди. Клелия ў&нга ўзи қанчалик насиҳат қилишига уринмасии, бундай мудҳинз синовга — Фабрициoнинг ҳаети учун титраб-қақшаб турган бир пайтда ўртага жудолик солишга журъат этолмаеди. Унинг назарида бу жуда катта бахтсизлик бўлур эди, ҳар калан яқип ймллар ичида қиз бундан оғирроқ кулфатни тасаввур қила олмаеди.

Қиз Фабрициодан жудо бўлишии истамас экан, бу келажакда унинг ннмадандир умидворлигидан далолат бермаеди, асло, у герцогиня бу йигитни севйшини билар ва қалби кучли рагак ўтида қовуриларди. У муттасил барча таҳсип ўқийдиган бу аелнинг устинлиги ҳақида ўйларди. Клелия Фабрицио билан мулоқотда ўзини ўта сипо тутипзи, зҳтиетсизлик билан биронта сўз айтиб, дилидаги туйғусини ошкор қилишдан қўрққапи туфайли йигитни фақат имо-ишоралар тили билангина чекланишга мажбур этгани уми йигит билан герцогиня ўртасидаги муиосабатнинг асл моҳиятияи суриштириб билиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйганди. Қиз Фабрициoнинг қалбида ўзга бир аел у билан рақобат қилишини ўйлаб кун сайин қаттиқроқ изтироб чекар ва кун сайин йигитни дилидаги туйғулар ҳақида бор ҳақиқатни айтишга мажбур қиладиган мавзудан гап бошлаб, ўз дилини вайрон қилишдан кўпроқ чўчирди. Бироқ унинг ҳақиқий днл изҳорини эшитганида эди, қувончининг зўридаи Клелияиинг боши осмонга етган буларди. Ҳаетини заҳарлаб келаетган ўша машъум шубҳаю гумонлар тарқалгапида эса бахтиерлик туйғусидан ўзини қўярга жой тополмай қоларди.

Фабрицио енгклтак йигит эди; у Иеаполда ўйиашларинн тез-тез алмаштириб турадиган ҳавойи одам сифатида ном чиқарганди. Иболи қизларга хос тортипчоқлигига қарамай, Клелия уни кановисса дея эълон қилиб, саройга таништирганларидан буен, ўзи ҳеч нимани сўраб-суриштирмагап тақдирда ҳам, фақат киборлар орасидаги гап-сўзларга қулоқ солиб юриб, унга уйланмоқчи бўлган ҳар бир йигитнииг қапақа одамлигиии билиб олганди. Энди буеғипи эшитинг! Фабрицио ишқий можаролар бобида ўзта барча йигитларга қарагаҒда енгилтакроқ экап. Мана энди у қамоққа тушиб, зерикиб утирибди ва эрмак ўгун суҳбат қуриши мумкин бўлган ягона аелнинг кўпглини овлагага тутинди.

«Ўтакетгап *жирканч,* лекии шу билан бирга ўз-ўзидан аеп гай эмасми бу ахир?» —дея алам билан ўйларди Клелия. Агар у ҳатто очиқдан-очиқ гаплашиб, Фабрициoнинг гериогиняпи ортиқ сев-

май қуйганини билгаи тақдирда ҳам йигитнинг гапларига ишона олармиди? Хўп майли, у йигитнинг сидқидилдан гапираетгашпа нди ҳам дейлик, амхмо уиинг вафо қилишига инониб бўлади-ми? Бу гапларнкнг устига устак қиз Фабриционинг руҳонийлик мартабаси анча кўтарилгани ва тез орада у уйланмасликка қасам ичажагини ўйлаб дили ўртанарди. Келажакда уии ўзи учун таи-лаган ана шу йўлда гоксак обрў-эътибор кутмайдими ахир?

«Агар менинг тарикча ақл-идроким қолганида, — дея муло-ҳаза юритарди бояқиш Клелия,— ўзим унинг енидан қочишим, менн узоқроқ бир монастирга жўнатинг, деб отамга ўзим елвори-шим ксрак эди. Аммо бахтга қарши, қалъадан узоқлашиб, бпрор бир монастирга тушиб қолиш ҳақидаги фикршшг ўзи мени даҳшатга солади ва ана шу даҳшат менинг бутун хатти-ҳарака-тимни идора этиб туради. Шу даҳшат ту файли мен муғамбирлик қилишга, қабоҳатга юз ўгириб, елгон ганиришга, ўзимни маркиз Крешенцинипг ошкора хушомадипи илтифот билан қабул қилает-г-андек кўрсатишга мажбур бўляпман».

Клелия жуда сермулоҳаза қиз эди ва умри бино бўлиб ўйла-масдан биронта иш қилмагаиди. Энди бўлса упинг бутун хатти-ҳаракати бориб турган телбаликнинг ўзгинаси эди. Бу аҳволдан унинг нақадар изтироб чекишини эса тасаввур қнлсапгиз керак!.. Қиз сира ҳам пуч орзуларга берилмас, бундан эса унинг дили бат-тарроқ ўртанарди. У ўзидан кўп жиҳатдан устун бўлган ва сарой-нииг биринчи соҳибжамоли ҳисобланадигая бир ael қаттиқ сева-диган йигитга мехр қўйиб қолганди. Бу йигит эса ҳатто боши очиқ бўлган тақдирда ҳам барибир лшддий кўнгил қўйишга қодир эмасди. Клелия эса энди умрида шу йигитдан бошқа ҳеч кимни сева олмаслигини жуда яхши ҳис этиб турарди.

Шундай қилиб, Клелиянинг виждони қаттиқ азоб чегаюқда эди, бироқ у ҳар куни, гўе қандайдир қудратли бир куч мажбур этаелтандек, вольерага канда қилмай чиқиб турар ва у ерга кирди дегунча кўнгли алланечук енгил тортарди. Виждон азоби бир печа дақиқага жимиб қоларди-ю, қиз юрагини ҳовучлаганича Фабри-ционинг деразасини тўсиб турган улкан қопқадаги туйнукиипг очйлишини кута бошларди. Баъзап соқчи Грилло камерада ўтириб келар, ана шунда маҳбус ўз дугонаси билан имо-ишорадан иборат суҳбатини бошлолмай хуноб бўларди.

Бир куни кечқурун, еоат ўп бирларда Фабрицио қалъада қап-дайдир галати тўс-тўполон бошланганини эшитиб қолди; одатда у ь;оронғи тушгач, бошини ўзипипг ўша туйнукчасидан чиқарган кез-лари «уч юз поғошпдаги ҳар қандаи товуш қулоғига анпқ-тиниқ эшитиларди. Цалъадагилар ички ҳовлидап думалоқ минорашшг сатҳига тош терилган ва комендант саройи ҳамда Фабрицио бай-ди қилипгаи Фариезе минораси жойлашган майдонча томои олиб чиқувчи узун зииапояни аиа гауняегй «уч юз погона» деб аташарди.

Зинапоя тахминан бир юз саксоп поғона тепаликда кенг ҳов-лиииинг яшгубидаи шимол томоига қараб буриларди; бу ерда торги-на темир куприк бўлиб, унинг ўртасида доим соқчи турарди. Соқчиларни ҳар олти еоатда алмаштириб туришарди. Комендант саройи билан Фариезе минораси томон олиб чиқадиган бошқа йўл йўқ эди, кўприкдап ўтадиган одамларга йўл бериш учун эса соқчя ўзини четга олиб, куприк папжарасига еиишганича ғужанах бўлиб туриши керак эди. Комендант калитини доим чўнтагида олиб юрадигап мурватни икки марта буралса бас эди, кўприкиинг бир томони дарҳол пастга тушиб, юз футча баландликда муаллақ осилиб қоларди; аиа шу эҳтиет чораси туфайли ўз саройига ки-риб олган комендантга ҳеч кимнинг қўли етмас ва шу билан бирга Фарнезе минорасига ҳам ҳеч ким ўта олмаеди: бутун қалъада шундан бўлак зинапоянинг ўзи йўқ эди, қалъадаги барча қудуқ-ларнинг арқонини эса комендант адъютанти ҳар куни кечаси генералнинг кабинетига келтириб берардики, у ерга фақат унииг етоқхонаси орқали ўтиларди. Фабрицио банди қилинганшшг биринчи куниеқ минорага чиқишнинг ниҳоятда мушкуллигики яхши англаганди. Кейин, ўз дамоқхонаси билан мақтанигапи ях-ши кўрадиган қамоқхона хизматчиларининг одатига кўра, Грилло ҳам йигитга бу ҳақида кўп гапириб берганди. Шундай қилиб, Фабрицио бу ердан қочиб кетишга умид ҳам қилмай қўйгаиди. Бироқ у аббат Блаиеснинг бир ҳикматли сўзини эслади: «Эр ўз хотинининг иффатини сақлаш тўғрисида ўйлаганига Караганда жазман маъшуқасининг висолига етиш ҳақида кўнроқ бош қоти-ради; қамоқхона нозири кулф-калитининг мустаҳкамлигн тўғриси-да ташвиш қилишига нисбатан маҳбус қочишни кўпроқ орзу қи-лади; шундай экан, барча тўсиқларга қарамай жазман билан маҳ-бус муваффақият қозонмоғи лозим».

Ўша кечада Фабрицио темир кўприкдан ўтаетган бир талай одалшарнинг дўпир-дўпирини аннқ эшитди. Бу кўприкни япа «Қул куприк» деб ҳам аташарди, зеро бир замонлар далматинлик қул шу кўприкда тургап соқчини пастга итқитиб юбориб, қалъа-дан қочган экан.

— Кимнидир олиб кетгани келишди! Эҳтимол, мени ҳозир дор тагига олиб боришар. Еки балким, қалъада исен кўтарилгандир... Бупдан фойдаланиб қолиш керак.

Фабрицио қуролини ҳозирлаб, яшириб қўйган жойларидан олтинларини ола бошлади-ю, лекин бирдан тўхтаб қолди. «Мисон зоти жуда бемаъии махлуқ-да ўзиям!— дея хитоб қилди у.— Мепипг бу хатти-ҳаракатимни кўрса, кўзга кўринмас томошабии ннма деган бўларди? Наҳот бу ердан қочмоқчи бўлсам? Агар ҳат-то Пармага қайтган тақдирда ҳам у ерда нима қиламаи? Ахир эртаситаеқ Клелиянинг енида бўлмоқ учун бор имкониятни ишга солиб, бу ерга қайтишга ҳаракат қиламан-ку. Агар бу исен бўлса, фурсатдан фойдаланиб, комеидаитнинг саройига киршпга уриниб куриш керак; эҳтимол, омадим чопиб Клелия билан сўзлашиб олармаи ва ҳатто бу тўс-тўполонда унинг қўлипи ҳам упишга журъат этарман. Геперал Конти табиатан бадгумонлиги ва шу-нингдек шуҳратпарастлиги туфайли сарой атрофига бош нафау соқчи қўйган: тўртта соқчи тўртта бурчакда, биттаси эса эшпк

олдида турибди; лекии, хаирият, т'уп жуда зимистон». Фабрицио соқчи Грилло билан иинглиз йти Фокснинг нима қилишаетганини билиш учуй оек учида юриб камерадан чиқди; Грилло тўртта арқонга боғлаб, устига йўғон тур қоплангап ҳўкиз тери — белан-чакда қотиб ухларди. Фокс кузини очиб, ўрнидан турди ва аста Фабрициониинг енига келиб, унта эркалана бошлади.

Маҳбус секингина қадам ташлаганича олти поғонадан юқори кўтарилиб, ўзининг тахта каталагига кирди. Фарнезе миюраси-ЕИНГ этагидан, кираверишдаги эшикнинг ш.ундоқ рўпарасидаи эшитилаетган шовқин-сурон борган сайди кучаймоқда эди. Фаб-рицио Грилловинг уйғониб қолиши мумкиплигидан чўчиб турар-ди. У барча қуролларини ҳозирлагапича, бугунги тунда катта саргузаштларга дуч келаман, шекилли, доган хаелда жанг қилиш-1а шай бўлиб турар экан, бирдан ажойиб симфония сарахборининг садоларйни эшитиб қолди: кимдир генерал еки унинг қизн шара-фига серенада уюштирибди. Фабрицио ўзини тутолмай қотиб-қо-тиб кула бошлади: «Мен бўлсам ўнгу сўлдан келган душманларга ханжар санчмоқчи бўлиб юрибман! Цалъада исен кўтариш еки би-ронта одамни ўғирлаб кетиш учун қамоқхоиага камида юа книш-иинг бостириб кириши олдида серенада куйлаш нима бўлибди!»

Созандалар куйии жуда ўрнига қўйиб ижро этишмоқда эди, Фабрицио уларнинг машқини ҳузур қилиб тикглади: ахир у шун-ча ҳафталардан буен ҳеч қандай қўигилхуши билмай, сиқилиб ўтирган эди-да; кўнгли ийиб кетган йигитнинг кўзига еш қалқиди ва у туйғулари жунбушга келиб, хаелан севиклиси Кяешшга ди-лидаги муҳаббатини энг оташин сўзлар билан изҳор эта бошлади.

Эртасн купи Клелия вольерага кириб келганида йигитга у жуда ғамгин ва сўниқ кўринди. Фабрицио қизнинг кўзларида шу қадар бир ғазаб ҳис этдики, ҳатто кечаги серенада тўғрисида сўрашга хам ботинмади,— у одобсиз бўлиб кўринишдан чўчиган эди.

Клелиянинг ҳасрат чекишига жиддий асос бор эди. Серенада-ми унинг шарафига маркиз Крешепци уюштиргап экан: б-ундай очиқ-ойдин хушомад тўйнинг яқинлашиб қолганидан далолат берувчи ўзига хос расмий хабар эди. Ўша купи соат тўққизга қадар сабот билан қаршилик қилган.Клелия фақат отаси, дарҳол монастирга жўнатиб юбораман, дея дўқ урганидан кейннгина таслим бўлди.

«Эвоҳ! Мен уки бошқа кўрмайманми ҳали!» — дея хаелан хи-тоб қиларди у кўзларидан шашқатор еш оқар экан. Ақл-идроки эса унга эътироз билдирмоқчи бўлиб бекорга овора бў/ларди: «Хўш, кимни бошқа кўрмайман деб ҳасрат чекяпсап? Кўрмасанг, сенга кулфатдан бўлак ҳеч нима тухфа этмайдшан, герцогинянинг жазмани бўлгап, Неаполда ўзига унта ўйнаш орттириб, уларшшг барига бевафолик қилган енгилтак бир йигитни кўрмайсап холос; агар тепасида ойболтасини кўтариб турган ўша ҳукмдап қутулиб қолса, дарҳол руҳоаийлдк уивониня '
бир шухратпарастни кўрмайсап! У қалъа,,, аиш

унга қарашим гуноҳи азим ҳисобланади; дарвоқе, унинг туғма бебурдлиги мени бундай васвасадан ҳоли қилади. Ахир униг учун мен ким бўлибман? Цамоқдаги диққинафасликдан бир нечл соатга қутулиш воситаси, шуичаки кўнгилхушиман».

Бироқ Фабрицио учун таҳқирли бўлган барча бу ўй-хаеллар ичида Клелия бирдан йигитнинг жандармлар уни қамоцхонл маҳкамасидан Фарнезе миюраси томон бошлдб кетишаетган най-тидаги кўз қараши, ўша иайтдаги табассумини эслади. Шундаи сўнг қизнинг кўзларидан яна тирқираб еш чшшб кетди.

«Азиз дўстгинам, сен учун иималар қилишга тайер эканлигим-ии билсанг эди! Биламан, сен мени ҳалок этасан. Езмишимнинг узи шу экан. Бугун кечқурун ўша жирканч серенадани қабул қи-лишга рози бўлиб, мен ўзимни ўзим ҳалок этдим!.. Лекии буиинг эвазига эртага эрталаб сенинг кўзларингни кўраман».

Бироқ қиз ўзп севиб қолган навқирон маҳбусни деб буюк қур-бонлик қилгаи, унинг барча нуқсонларини кўра-била туриб, севги-си йўлида ўз келажагиии қурбон этган худди ўша куниинг эртаск-*тз* эрталаб Фабрицио уп'инг эътиборсиздек кўринишидан қатти»| изтиробга тушди. Улар фақат имо-ишора билан сўзлашишарди, аммо Фабрицио ҳатто шундай такомиллашмаган тил билан ҳам хиел бўлса-да, Клелиянинг қалбига қўл солиб кўрйшга уринганн-да эди, қиз кўз ешларини ортиқ тийиб туролмай қолар ва дилида-ги унга нисбатан бор туйғуларини тўкиб солган бўларди. Бироц бундай қилиш учун Фабрициода жасорат етишмади, у Клелияви хафа қилиб қўйишдан жуда қўрқарди,— ахир қиз уни қаттик жазолаши мумкин эди-да. Хулласи калом, Фабрициониг ҳақиқий севги бобида ҳеч қандай тажрибаси йўқ эди, йигит шу пайтга қадар севги изтироблари қанақа 65'лишини мутлақо билмасдя. Сереиададан сўнг Клелия билан қиладиган илгариги дўстона суҳбатларини қайта тикламоқ учун у бутун бир ҳафта овора бўлди. Вечора қиз — дилидаги туйғуларини ошкор қилиб қўймас-лик учун ҳам шундай совуққонликни қалқоп қилиб олганди. Фабрициога бўлса қиз кундан-кунга ундан узоқлаш1*6 борастгап-дек туюларди.

Фабрициониг қамоққа тушгаиига деярли уч ой бўлди. Унинг ташқи дуне билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди-ю, бироқ у ўзиша сира ҳам бахтсиз ҳис этмасди. Бир куни эрталаб Грилло камера-да апчага довур ивирсиб юрди. Фабрицио ундян қандай қутулиш-ни билмай хуноб эди; ниҳоят, у ўша машъум қопқадан арралай олган ва балапдлиги бир фут келадигаи иккита кичкипа туйнуак-ни очиш имкояиятига эга бўлганида минорадаги соат ўн нвкм яримга занг чалган эди.

Клелия вольерада Фабрициониг деразасига тикилиб турардя; унинг кўзлари киртайиб, чеҳраси бениҳоя ғамгин кўринарда. Фабрициони кўргач, қиз шу заҳоти, ҳаммаси барбод бўлди, дегая-дек ишора қилди-да, югуриб фортеииано еиига борди ва гўе ўша кезлари жуда расм бўлган бир операдаи речитатив куйлаетгац-дек, унга дилидаги ташвишини айта бошлади, Қиз гоҳ қаатш^

"умидсизликка тушганидан, гоҳ деразаси тагида у екдаи-бу екқа •юриб тургап соқчиларнинг тушуниб қолишидаи чўчиб, ўктин-'ўқтин куйлашдан тўхтаб қоларди.

«Е тапгрим, ишқилиб тирикмисиз?! Ўзингга минг қатла шукр, эй худо!. Бу ерга келган кунингиз сиз сурбетлиги учун Барбоне исмли бир қамоқхона хизматчисини жазолаган эдингиз. Барбоне ўшандан сўнг ғойиб бўлгакди ва қалъада узоқ вақт кўриимай юрган.эди. Ўтган куни у япа пайдо бўлиб қолди. Кечадан буси, у сизни заҳарламоқчи эмасмикин, дея дилимни ваҳима босган. V нуқул сизга таом пиширмладиган ошхонада ўралашиб юрибл,и. Ҳеч нарсани аниқ билмайман. Аммо оқсочимнинг айтишича, бу баттол одампиг ошхонада ўралашиб юришдан асосий мақсади сизнинг ҳаетингизга қасд қилиш ЭМЕШ. СИЗНИ кўрмай қолганимдаи қаттиқ ташвишга тушган эдим. Ҳатто сиз ҳалок бўлдингпз, деган хаелга ҳам бордим. Меп япги кўрсатма бергунимга қадар овқат емай туринг. Сизга озгина шоколад етказиб бериш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Ҳар ҳолда бугун кечқурун, соат тўққизларда, агар худонинг марҳаматя билан қўлингизда чилвириигиз бўлса еки чойшапни йиртиб тасма қила олсангиз, уни деразадап апельсин дарахти устига туширинг. Мен унга арқон боғлайман. Уни тортиб олганингиздан кейин ўша арқониинг учига боглаб, сизга нон билан шоколад узатаман».

Фабрицио қамоқхона печкасидан топиб олган бир парча писта кўмирни кўз корачиғидек авайлаб сақларди; ҳозир у Клелиянипг ҳаяжоида эканлигидан фойдаланиб, кафтига ҳарф кетидан ҳарф еза бошладики, бу ҳарфлардан қуйидаги сўзлар ташкил бўлди:

«Сизни севаман ва фақат сизни кўриб тургапим учун ҳам ҳаетхш қадрлайман. Муҳими, қоғоз билан қалам юборсангиз».

Фабрицио умид қилганидек, Клелиянинг чеҳрасида акс зтиб турган кучли ваҳимагина йигитнинг ошкора тарзда «Сизни севаман» дея езган сўзларидан сўнг қизни суҳбатга чек қўйишдан тўхтатиб қолди,— у қаттиқ норозилик билдирди, холос. Фабрицио топқирлик билан қўшимча қилди: «Бугун шамол авча қаттиқ эсяпти, сизнинг мени лутфан огоҳлантириб куйлагап ҳозир ги гавингизни яхщи эшитолмай қолдим; фортепиано садолари сўзларни босиб кетди. Масалан, қандайдир оғу ҳақида куйлаДйигиз. Бу нима дегапи?» Бу сўзларни ўқигач, Клелиянинг дилиии баттар ваҳима босди; у шоша-пиша китобдан йиртиб олинган саҳифаларга йирик-йирик ҳарфлар еза бошлади; Фабрицио уч ойлик беҳуда рворагарчиликдан сўнг, ниҳоят, суҳбат қурипшинг шундай кўнгилдагидек усули ўрнатилганидан бениҳоя кувониб кетди. Бирок. у шундай қўл келган ҳийласини ишлатишда давом этаверди. Энди қизни хат езишиб туришга кўндирмоқ учун у минут сайин ўзини Клелия қоғозга езиб унга кўрсатаетган ҳарфлардан ташкил тоиавтган сўзларни тушунмаганга соларди.

Ниҳоят, Клелия отасининг овозипи эшитиб қолди-ю, вол7зерадан қочиб кетди,— қиз ҳаммасидац ҳам кўпроқ генералнинг бу ерга чиқиб қолишидан қўрқарди. Табиатан бадгумон одам бўлгани туфайли отаси вольеранинг деразаси билан маҳбуснинг деразасига урилган қопқа орасидаги масофа анча яқинлигидан жуда норози эди. Туйнукда Фабриционинг боши кўринишидан бир неча дақиқа аввал, дилини қаттиқ ваҳима қоплаб тургап пайтда Клелия, бир кўнгли, тошга қоғоз ўраб, деразанинг қопқадан тенадаги очиқ қисмига қараб отмоқчи ҳам бўлди,— агар, фалакнинг гардиши билан, шу пайт камерада Фабрициони қўриқлаб турадиган соқчи бўлмаса, бу алоқанинг энг қулай усули бўларди.

Маҳбус чойшапни йиртиб, шоша-пиша тасма ҳозирлай бошлади; кечқурун, соат ўнларга яқип Фабрицио аниқ-тиниқ тўқиллаган овозни эшитди: уникг деразаси тагидаги апельсип дарахти ўтказилган еғоч пақирни уриб тўқиллатишмоқда эди; йигит тасмани пастга туширди-да, сўпгра уни тортиб олди. Тасмага узун ва ингичка арқон уланган бўлиб, арқоннинг учига эса шоколад солинган пакетча ҳамда найча қилиб ўралган қоғоз билан қалам боғлаб қўйилганди. Буни кўриб йигит хурсандлигидан боши осмонга етди; у яна арқоннипг учини пастга туширди-ю, бироқ бошқа ҳеч нима ололмади,—• афтидан апельсин дарахтлари енига соқчи яқинлашган бўлса керак. Лекии шундай ҳам Фабрицио қувончининг зўридан маст бўлаезганди; йигит шу заҳоти ўтириб Клелияга узундап-узоқ хат еза бошлади ва мактубни тугатиши билапоқ уни арқоннинг учига боғлади-да, деразадан пастга тушнрди. Келиб хатни олишармикии, деган хаелда у уч еоатдан мўлроқ кутди. Бу орада бир неча бор арқонии тортиб, хатга ўзгаришлар киритди. «Агар Клелия хатимни бугун кечқурун мени заҳарлашлари мумкинлиги ҳақидаги мишмишлардан ҳаяжонланиб турган бир пайтда ўқиб чиқмаса,— дея ўйларди йигит,— эртага, эҳтимол мен билан хат езишиб тўришни ҳатто хаелига ҳам келтирмас».

Клелия эса, ўзи истамаса-да, отаси билан меҳмонга боришга мажбур бўлганди; кечаси соат ўн икки яримда ҳовлига карета кириб келганида Фабрицио буни деярли тушуниб қолганди,— у энди комендантнинг отларппи тақасииинг тўқиллашидаи тапийди-1ан бўлиб қолганди. Сўнгра у гепералнипг майдончадан ўтганини, соқчиларнинг милтиқларини шарақлатганларича унга салом берганларини эшитиб турди; бир неча дақиқадан сўнг эса у билагига ўраб етган арқонпинг аста силкинганини сезиб, ниҳоятда қувопиб кетди. Арқонга алланимани боғлашди-да, тортипши шпора қилиб, икки марта силтаб қўйишдп; арқопга боғланган нарсани тортиб олиш осон эмаеди,— деразанинг шундоқ тагида туртиб чиққан кепг пирамон халал бериб турарди.

Фабрицио бир амаллаб тортиб олгая ўша юк рўмолга ўралган графиндаги сув бўлиб чиқди. Шунча пайгдан буен елғизлнкда сиқилиб ўтирган бечора йигит қалби завқ-шавққа тўлиб, рўмолиа устма-уст ўпа бошлади. Рўмолга қадаб қўйилган хатни кўриб қолганида эса унинг нақадар ҳаячонга тушганини сўз билан тасяир-

лаб бўлмасди — бундай мактуб ҳақида йигит озмуича орзу қилганмиди.

«Фақат мана шу сувдап ичиб, фақат мен юборган шоколаддан таиовул қилипг; эртага сизга нон юбормоқ учун қўлимдан келгап ҳамма ишни қиламан; нонниng сиртига сиеҳ билан белги қўйиб чиқамап. Бу гашга сизга айтмоқнипг ўзи даҳшат, лекин билиб қўйинг, чамаси, Барбонега сизни заҳарлаш топширилганга ўхшайди. Қалам билан езган ўша мактубингиздаги гапларнинг менга нақадар оғир ботиши мумкинлигини наҳот тушунмасангиз? Тўррисипи айтсам, агар сизга даҳшатли х-авф қутқу солиб турмаганида шу гаиингиздан кейин сизга хат езмаган бўлардим. Бугун герцогиняни кўрдим; у ҳам, граф ҳам соғ-саломат юришибди, лекин хоним жуда озиб-тўзиб кетган. Кейинги хатларингизда ўша мавзудан бошқа гап оча кўрманг,— паҳотки жаҳлимни чиқишиии истасапгиз?»

Бу мактубиинг герцогиня ҳақидаги жумласи Клелиядан апча олиҳиммат бўлишни талаб қилдп. Сарой аҳлиииинг бари синьора Сансевериииа маркиза Раверсинипг собиқ жазмани — хушрўй граф Бальдига ўз саховатини инъом этди, дея ҳисоблашарди. Ҳар қалай граф, гарчи маркиза олти йил давомида унга ҳақиқий оналик кплган ва киборлар орасида унга мавқе яратиб берган бўлса-да, ўргада жанжал чиқариб, маъшуқаси билан очикдап-очиқ муносабатни узганди.

Клелия қисқача мактубини қайтадан кўчириб езишга мажбур бўлди,— хатпинг бириичи нусхасида герцогиня тўғрисидаги акобир ғийбатчиларпинг мишмишлари, упинг янги ишқий можароси- ] а ипюра қилингаидек бўлиб қолганди.

«У ҳолда ўта пасткпшлик қилган бўламан-ку ахир! — дея хитоб қилди у дилида.— Фабрициога у севадиган аел ҳақида емон 1апларпи етказиш пасткашлик бўлмай иима бўларди!..»

Азонлаб ҳали тонг отмасидан апча илгари, Фабрициониng камерасига Грилло кириб келди-да, стол устига огиргина бир тугунни қўйиб, чиқиб кетди. Тугунда сиртига патқалам билан белгилар қўйиб ташланган залворлигина юмалоқ нон бор экан. Фабрицио ҳар бир белгини устма-уст ўпа бошлади: у севиб қолганди. Тугунга нондан ташқари яна қоғозга ўралган олти минг цехин пул ва виҳоят, яп-янги ажойиб оятнома солинган экан; оятноманинг ҳошиясига энди Фабрициога таниш бўлиб колгап ҳуснихат билан қуйидаги сўзлар езилганди;

*«Оғу!* Сувни, винони, бўлак барча таомларни истсъмол қилишдан ўзингизни тийинг; тушки овқатни оғзиигизга ола кўрманг, уни итга едиришга ҳаракат қплинг; шубҳалапаетгапипгизни билдирманг, акс ҳолда ғапимлар бошқача усул қўллашади. Худо ҳақи, ниҳоятда эҳтиет бўлинг, енгилтакликка асло йўл қўймант».

Фабрицио ўзи учун ғоят қимматли бўлган бу сатрларпи шошапиша'ўчириб ташлади,—улар Клелияга зарар келтирнши мумкин эди; сўнгра у оятноманинг бир талай варақларини йиртиб олди-да, уларга ҳар бир ҳарфни ҳафсала билан чизиб, бир неча нусхада алнфбо езиб чиқди; сиеҳни у вино билан пистакўмир кукунидан ясаган эди. Пешинга яқин Клелия вольерада пайдо бўлиб, деразадан икки қадам нарида тўхтаганида барча ҳарфлар қуриб бўлганди.

«Энди энг муҳими,— дея ўйларди Фабрицио, —у менга алифбодан фойдалапишимга ижозат берса бўлгани».

Хайриятки, Клелиянинг ўзи ҳам маҳбусга уни заҳарлаш учун бўлаетган уринишлар ҳақида анчагина ганларни айтиши керак экан; оксоч аеллардан биринипг йти Фабрициога атаб пиширилган овқатдан егач, ўлиб қолибди. Шундай қилиб Клелия алифбо ишлатишга ижозат бермадигина эмас, балки ўзи ҳам ҳақиқий сиеҳ билан езилган ажойпб алифбо тайерлаб қўйибди. Ана шу усул ердамида бошланган суҳбат, гарчи бундай ҳарфлар ердамида сўзлатиш анча қийин бўлса-да, бир ярим соат давом этди,— Клелия вольерада бундан ортиқ туролмасди. Суҳбат давомида Фабрицио вкки-уч марта тақиқланган мавзудан гап очмоқчи бўлди; шунда Клелия, гўе қушларини парвариш қилиш едига тушиб қолгандск, ҳеч қандай жавоб қилмай бир дақиқа кафаслар олдига кетиб қолаверди.

Фабрицио кечқурун сувнинг енига боғлаб сиеҳ билан езилган алкфболаридан бирини чиқариб юбориш ҳақида упинг ваъдасипм олишга муваффақ бўлди, зеро бу ҳарфлар узоқдан яхшироқ кўрикарди. У, албатта, қизга узундан-узоқ хат езди-ю, бироқ мактубида позик туйғуларини ҳар қалай қизнинг жаҳлипи чиқарадигап даражада изҳор этмасликка ҳаракат қилди. Унинг бу ҳийласи муваффақиятли чиқди: қиз мактубни қабул қилиб олди.

Эртаси куни, алифбо ердамида қурилган суҳбат чоғи, Клелия уядан ҳеч нима ҳақида ўпкаламади; у йигитга заҳарлаш хавфи камайгаиини хабар қилди: комендант саройидаги ошпаз хотинлар-ЙЙЯГ жазманлари Барбонени тутиб олиб, ўласи қилиб дўппослашибди,— афтидан, унинг энди ошхонага киришга юраги бетламаеа керак. Клелия Фабрициога уни деб отасининг дорилари орасидан зиддя-заҳар ўғирлашга журъат этгани ва унга ана шу дорини юборажагшш хабар қилди; лекин ҳозир энг муҳими — мабодо таъми ғалатироқ бўлса, ҳар қандай таомни ҳам тановул қилишдан бош тортиш керак экан.

Клелия дон Чезаредан Фабрициога етказилган олти минг цехин пул қаекдан келгани ҳақида анча суриштириб кўрди-ю, бироқ ҳеч нимани аниқлай олмади; ҳар қалай бу яхшилик аломатн эди: маҳбусга нисбатан қаттиққўллик бир оз бўшашганди.

Заҳарланиш хавфи қаҳрамопимизнинг ошиқ-маъшуқлик бобидаги ишларини жуда юриштириб юборганди; тўғри, йигит Клеггиядан севги изҳорига ўхшаш биронта ҳам сўз эшита олмади, аммо у қиз билан дўстона яқинликнинг ўзиданоқ бахтиер эди. Эрталаблари, гоҳида эса кечқурун ҳам улар алифбо ердамида узоқ-узоқ суҳбатлар қуришарди; ҳар куни кечқурун, соат тўққизда, Клелия ундан узоқдан-узоқ хатлар ол'ар ва баъзида унга қисқаги.иа мактуб билан жавоб қиларди; у йигитга газеталар ва ҳатто

китоблар ҳам юбориб турди, Гриллонипг эса шу қадар кўнглини олишган эдики, у энди худонинг берган куни камерага Клелияиипг оқсочи берадигап нон билан винони олиб келадиған бўлиб қолганди. Фабрициога кўрсатилаетган барча бу меҳрибончиликлардан қамоқхона хизматчиси, комендант Барбонега еш монсиньорни заҳарлашни буюрган одамларнинг ниятини маъқулламас экан, дея хулоса қилиб қўйиганди; Грилло, атрофидаги барча ўр•юқлари қатори, бу ишдан жуда мамнун эди, зеро қамоқхонада «Монсиньор дель Донгонинг кўзига бнр қарасанг бас, у сенга шу заҳоти пул беради»— қабилидаги миш-миш тарқаганди.

Фабрициошшг ранги кетиб, у ўзини анча олдириб қўйигаиди, камерада мутлақо ҳаракатсиз ўтираверишунинг соғлиғига емоп таъсир қилмокда эди-ю, аммо йигит ҳали ҳеч қачон ўзини бу қадар бахтиер ҳис этмаганди. Унинг Клелия билан қураеттан суҳбатлари ииҳоятда самимий, баъзида эса жуда қувноқ ўтарди. Бундай дақиқаларда Клелия дилидаги ғашлик в а виждон азобини унутиб қўярди. Бир куни қиз эҳтиеткорлшши унутиб қўйиб, унга шундай деди:

— Сизнинг ўзингизни сипо тутишингизга қойилман. Мсн қалъа комендантининг қизи эканлигим едингизда бўлгани туфайли бирои марта ҳам озодликка чиқиш истагингиз ҳақида гапирмадингиз.

— Дилимда бундай бемаъни истак туғилишидан худо сақласин,— дея жавоб қилди унга Фабрицио.— Агар мен ҳатто Лармага қайтган тақдиримда ҳам сизни қандай кўраман? Бундан буеп дилимдаги бор гапни сизга айтиб турмасам ҳаетиинг мен учун ҳеч қандай маъниси қолмайди... Йўқ, дарвоқе, сизга дилимдаги бор гапни айта олмас эканман: ахир сиз жуда қатъий гартиб жорий этдингиз-ку. Лекин бари бир, сизнинг шундай бағритошлигингизга қарамай, бир кун бўлса ҳам сизни кўрмай яшаш мен учун кони азоб бўларди. Менинг қамоқхонага банди қилинишим масаласига келсак... Очиғини айтсом, мен ўзимни ҳаетимда ҳали бирон марта ҳам бу қадар бахтиер ҳис этмаган эдим! Бахтимни қамоқхопада топдим, десам жуда ғалати эшитилар экан, тўғрими?

— Бу ҳақида жуда кўп гапиршп мумкин,— дея жавоб қилди Клелия чеҳраси бирдан жиддийлашиб, деярли ғамгин бир қиефага кирар экан.

— Бу нима доганингиз?— ташвишга тушиб сўради Фабрицио. — Наҳот қалбингизшшг бир бурчагидан. не-не машаққатлар билан эгаллаган ўша озгина жойдан ҳам маҳрум бўлсам... Бу дунедаги елғиз қувопчимдан ҳам ажраламаими ҳали!

— Ҳа,— деди жавобан қиз.— Гарчи сизий киборлар жамиятида анча ҳалол одам деб ҳисоблашса-да, менга шунчаки кўнгилхуши учупгина муҳаббат изҳор қиляисиз, деб ўйламоқ учун тўла асосим бор. Лекин бугун мен бу тўғрида гапиришни истамайман.

Қизнинг кутилмагаида айтган бу гапи суҳбатдошларни қат*



тиқ изтиробга солиб қўйдики, ўқтин-ўқтин улариииг икковининг ҳам кўзида еш милтиллай бошлади.

Бош фискал Расси ҳамон ўша тавқи лаъпат исмидан қутулиш ва барон Рива дея аталиш орзусида юрарди. Граф Моска эса ўа иавбатида жуда устомонлик билан бу сотқин судьянинг ўлиб-тирилиб бароилик унвонига интилишиии қўллаб-қувватларди. Шунипгдек у шаҳзоданипг Ломбардияга конституцион қирол були5 олиш ҳақидаги телбаларча орзусипинг тагига ҳам ўт пуркаб турарди. Фабрициониig ўлимиии кечиктирига учун у ўйлаб топгаи ягона восита ана шу эди.

Шаҳзода Рассига шундай дегувчи эди:

— Икки ҳафта умидсизликдан изтироб чеккач, икки ҳафта умидвор бўлиб юрсин... Сабр-тоқат билан шу тактикага амал қилсак, биз ўша хопимшшг кибр-ҳавосини пасайтириб қўямиз. Гоҳ қаттиққўллик, гоҳ мулойимлик билан тарбият қилинса, энг асов от ҳам ипакдек мулойим бўлиб қолади. Шу йўлдан оғишмай бораверинг.

Шундай қилиб, Пармада ҳар икки ҳафтадан сўиг, Фабрициони тез кунда қатл этишармиш, деган мишмишлар тарқаларди. Бу мишмишлар герцогипянинг дилини ўртарди. Графни ҳам ўзи билан бирга ҳалок этмасликка қатъиян қарор қилгани боисидан у бош миниистр билан ойига икки мартагина юз кўришарди. Аммо бу бадбахт одамга нисбатан қилаетган шафқатсизлиги оваsига у тинимсиз ҳасрат чекиш жазосига маҳкум бўлиб қолганди. Граф шу кунларда ўлиб-тирилиб герцогипянинг кўнглини овлашга ҳаракат қилиб юрган хушрўй Бальдига нисбатан дилини ўртаетган рашк туйғусига қарамай, маъшуқасиии кўрмаган кезлари унга хат езиб, бўлажак барон Риванинг саъй-ҳаракати билан қўлга киритган барча маълумотларни хабар қилиб турити ҳам фойда бермади,— герцогиня Фабрицио ҳақида ўқтин-ўқтин тарқалиб турадигап даҳгаатли мишмишларга фақат граф Москадек ақли зукко валқалби теран бир одам муттасил енида бўлгаи тақдирдагина допт' бериши мумкин эди. Бальди ҳуснидаи бўлак биронта ҳам фазилати бўлмаган арзимас одам эди, унинг суҳбатлари хонимнинг ҳаетини кони азобга айлаптиргаи ўша қора хаеллардан эътиборини мутлақо чалғита олмасди.

Бош министр устомонлик билан ўйлаб топилгап ҳар хил баҳсналарни ишга солиб, шаҳзодани Ранунцио-Эрнесто IV бу ажойиб мамлакатнинг конституцион қироли бўлиб олиш ҳақидаги телбаларча орзусини амалга ошириш йўлида ишлатган турлн мураккаб фитпалардан далолат берувчи ҳужжатлар йиғилган архивни Ломбардиянинг қоқ ўртасида, Саронога яқин бир жойда истиқомат қилувчи бир дўстга ишониб топширишга ва қоғозларни унинг қасрига кўчириб ўтказишга кўндирди.

Архивда шаҳзода ўз қўли билан езган еки имзо чеккан йигирматадан кўпроқ махфий ҳужжатлар бор эди. Мабодо Фабрициониnг ҳаети жиддий хавф остида қолгудок бўлса, граф аълоҳазратга сирини фош қиладиган бу қоғозларни уни бир оғизгипа

сўзи билан йўқ қилиб юборишга қодир бўяган буюк бир давлатнинг ихтибрига топширажагини айтиб, пўписа қилмоқчя эди.

Граф Моска бўлажак барон Ривага тўла ишонар ва фақат оғу ишлатишлари мумкинлигидан қўрқарди; Барбоненинг суиқасди министрни шу қадар ташвишга солиб қўйдики, у бир қараганда телбаликдек туюладиган бир ишни қилишга журъат этди. Бир купи эрталаб у қалъа дарвозаси енига борди-да, генерал Фабко Контини чақиришни буюрди; генерал қалъа дарвозасининг тепасидаги майдончага тушиб келди;—у билан ўша майдончада дўстона сайр қилар экан, граф қисқа ва совуқ мулозаматдан сўнг деди:

— Агар Фабрицио шубҳали бир тарзда ҳалок бўлса, унинг ўлимини мепдан кўришади; шунда мен кунчи деб ном чиқараман ва ҳаммага кулги бўламанки, бу ҳолга асло токат қилолмайман ва бунинг учуп ҳеч кимни кечирмайман. Хуллас, у биронта касалга мубтало бўлиб, дунедан кўз юмса, меидан гумон қилмасинлар учун сизни ўз қўлим билан ўлдираман. Имонингиз комил бўлсин бунга.

Генерал Конти ўзининг жасоратини пеш қилиб жуда яхши жавоб берди-ю, аммо графнинг ўша топдаги кўз қараши бир умр хотирасига -жойлашиб қолди.

Орадан бир неча кун ўтгач, худди граф билан келишиб олгапдек, Расси ҳам эҳтиетсизлик билан шундай бир иш қилдики, бупдай дангалчилик унинг тоифасидаги одамларга сира ҳам хос эмаеди. Фамшшяеини ўзгартиришта умид пайдо бўлганидан буен Расси жамоанинг унинг исми-шарифига нисбатан эл оғзида достон бўлган нафратига мутлақо тоқат қилолмай қолганди. У генерал Контига Фабрициони ўн икки йил муддат билан қалъага бан; и қилиш ҳақидаги ҳукмнинг расмий нусхасини жўнатди. Қонуш а кўра бу иш Фабрицио қамоққа келтирилганининг эртаси куниеқ қилшшши керак эди, аммо махфий чоралар ўлкаси бўлмиш Пармада ҳукмдорпинг алоҳида фармони бўлмай туриб адлия хизматчиларикинг бундай қилишлари ўта густоҳлик ҳисобланарди. Чиндан ҳам, агар ҳукмиинг расмий нусхаси суд маҳкамасидан ташқари чиққудек бўлса, ҳар икки ҳафтада хонимнинг дилига даҳшат солпб, шаҳзоданинг ўз таъбири билан айтганда, герцогинянипг «кибр-ҳавосини пасайтириб чуйш» мумкин бўлармиди. Генерал Фабио Коити фискал Рассидан ўша расмий пакетни олишидан бир куп аввал, комендантга, котиб Барбоне бемаҳалда қалъага қайтиб келаетгаипда қандайдир одамлар уни роса дўгшослашибди, дея хабар қилишган эди; буии ашитиб генерал, кжсак доираларда энди Фабрициони йўқ қилиш фикридан қайтишибди, шекилли, деган қарорга келди-да, шаҳзоданинг навбатдаги қабулига борган чоги эҳтиеткорликка амал қилиб, қалъада ҳукм нусхасини олишгани ҳақида чурқ этиб оғиз очмади. Бу ҳол Рассини телбаларча қилмиши учун муқаррар жазодан сақлаб қолди. Вечора герцогинянипг бахтига, граф Барбоненинг укувсизлик билан қилган суиқасди, унинг шахсан ўч олишга уриниши эканлигини тушуниб қолди ва



биз юқорида тилга олган у сул билан. ўша котиб иинг ақлини киргизиб қўйишни буюрди.

Торгина каталакка қамалгаинининг бир юз ўттиз олтинчи купи, пайшанбада, қамоқхона хўжалигинипг бошқарувчиси, меҳрибон дон Чезаре Фабрициони Фарнезе миιорасининг майдончасига сайр қилдириш учун олиб чиқди. Қаҳрамонимиз бу ҳолдан ҳам кувонди, ҳам ҳайратга тушди; бирок; Фабрицио соф ҳавода ўн минут юрмасданоқ бирдан мазаси қочиб қолди. Бу ҳолдан фойдаланиб дон Чезаре уни ҳар куни ярим соатдаи сайр қилдириш ҳақида ижозат олишга эришди. Бу ўйламасдан қшшнган иш эди: бундай тез-тез сайр қилиб туриш натижасида қаҳрамопнмиз анча қувватга кириб қолди. Аммо у энди ўз куч шш суиистеъмол қила бошлади.

Цалъада серенада иячро этиш ҳамон давом этарди; майдакаш комендант бу серепадалар Клелияни маркиз Крешеици билан боглаб тургани учунгина уларга дош бериб келарди, зеро қизининг феъли-атворидан чўчинкираб юрарди: генерал қизщщнг. ўаига мутлақо ўхшамаслигиии хиел тушунар ва муттасил унти биронта тслбалик қилиб қўйишидан қўрқиб юрарди. Масалаи, қизи мопастирга қочиб кетиши мумкин эди, у ҳолда бечора комендант суяпчиқсиз қоларди. Бироқ шу билан бирга у шубҳасиз, нияти бузуқ либераллар учун мўлжаллапган энг пастки ертўла — казематларга қадар эшитиладиган бу музика садоларининг шартли ишора бўлиб хизмат қилишидан қўрқарди. Бунинг устига музикачиларпинг ўзлари ҳам унга шубҳали кўринигаарди. Шу боисдан серенада пиҳоясига етган заҳоти унинг ижрочиларини комендант саройипипг кундуз куни қалъа гарнизонининг маҳкамаси хизматини ўтайдигап пастки хоналарига қамаб қўйишар ва эртасига эрталаб, кун ейилиб кетганидан кейингина чиқариб юборишарди. Комендантнинг шахсан ўзи «кул куприк* устида туриб, озодликка чиқариб юбориш олдидап уларнинг чўнтакларини қандай тинтишларини диққат билан кузатар ва, агар кимда ким — биронта маҳбусга нисбатан кичкина бўлса-да, топгаириқ олиб келса, ундай одампи дарҳол дорга остираман, дея қайта-қайта пўписа қиларди. Шаҳзоданинг ғазабига йўлиқишдан қўрққани учуп ҳам генерал бу иўписасипи амалга оширишга қодир эканлигини эса ҳамма биларди. Шу боисдан маркиз Крешеици тунни қамоқхонада ўтказш ридап жуда порози горгаи музикачиларга уч ҳисса кўпроқ ҳақ тўлашга мажбур бўлмоқда эди.

Герцогиня жуда қўрқиб қрлгап ана шу одамлардан бирими комендаптга хат элтиб беришга кўидиргунича анча овора бўлди. Фабрициога йўлланган бу мактубида герцогиня тақдирдан зорланган эди, зеро Фабрициониңг қамалганига мана олти ой ҳам бўлай деб қолибди-ю, аммо дўстлари ҳамон у билан сира ҳам алоқа ўрната олишмаетган эмиш.

Уша музикачи қалъага кирган заҳоти генерал Фабио Коптинипг оеғига йиқилди-ю, қандайдир нотаниш руҳоний синьор дель Донгога бир хат бериб қўйишии жуда елвориб илтимос қилгани,

шу боисдап ўзипи йўқ дся олмагаии, аммо бурчига содиқ одам сифатида ўша мактубни тезроқ зоти олийларинипг шахсан ўз қўлларига топширмоқчи эканлигиии айтди.

Бу гаппи эшитиб зоти олийлари жуда хурсанд бўлиб кетди; у герцогииянииг нақадар катта имкониятларга эга эканлигиии билар ва ўзига панд беришлари мумкиплигидан қўрқарди. Комендант тантанавор қиефада хатни шаҳзодага кўрсатди. Хатни ўқиб чиққач, аълоҳазратнинг боши осмоига е'тди:

— Апа, кўрдингизми?!^ Идора этишда собитқадамлик билан мен ўзим учуй ўч олдим. Ўша димоғдор аел мана олти ойдирким изтироб чекиб юрибди. Бир-икки кундан кейин биз дор қурмоқпи буюрамиз. Ана шуида хаелоти бой бу хоним, турган гап, ўша дор павқир.оп дель Донго учуй қуриляпти деб ўйлайди.

## Йигирманчи боб

Бир купи, кечаси соат бирларда, Фабрицио дераза таглигининг тахтасида чўзилиб, қопқадан ўзи арралаб очган туйнукдан бошинй чиқаргапича осмоидаги беҳисоб голдузлар ва Фарнезе минорасидап кўриииб турган поенсиз кенгликларни томоша қилиб етарди. По дареспнинг қуйи оқи^и ва Феррара томон чўзилиб кетган кепг водийга кўз тогуртирар экан, у тасодифан кичкина бўлса-да, легат яққол кўзга ташланаетган бир чироқни кўриб қолди. Чироқ, чамаси, қапдайдир минорада еқиб қўйилгапди. «Бу чироқ пастдан кўрипмаса керак,— дея хаелидап ўтказди Фабрицио,— миноранинг бўртиб чиққан деворлари упи тўсиб турибди; афтидан, бу чироқ билан қаидайдир лироқ яедйга сигнал беришаетганга ўхшайди». Бирдаи у қисқа-қисқа муддатдан сўнг чироқнинг гоҳ ўчиб, гоҳ яна енаетганини пайқаб қолди. «Биропта қиз қўшни қишлоқдаги маҳбуби билан суҳбат қиляпти». У чироқиипг тўққиз марта ўчиб епганиии саиади. «Бу 1 ҳарфи»,— дея қарор қилди йигит. Чиндан ҳам 1 итальян алифбосинииг тўққизиичи ҳарфи эди. Сўнгра, орадан анчагина вақт ўтгач, чироқ ўн тўрт марта ўчибенди. «Бу п ҳарфи». Орадан яна бир оз вақт ўтди ва чироқ бир марта ўчиб енди. «Бу — а, демак, янглишмасам — *Зпа* сўзи келиб чиқади.

Чироқнинг бундан кейипги ўчиб еиишларидап — МА РЕ1Ч-8АА А ТЕ сўзлари ташкил тонгапини кўргач, Фабрициоиипг нақадар ҳайратга тушгани ва қувониб кетганини тасаввур қилсангиз керак:

Демак: *«Яхина сени ўйлаяпти»*.

Йигит шу заҳоти лампанипг қопқадаги туйиук олдига келиб, жавоб килди:

«ФАБРИЦИО СЕНИ СЕВАДИ».

Суҳбат эрта тонгга қадар давом этди. Бу воқеа Фабрицио қамалгапипинг бир юз етмиш учинчи туни содир бўлди. Фақат шундап кейингипа йигит, мана тўрт ойдирким, ҳар купи кечаси упга шуидай сигналлар бериб туришганини билиб олди. Бироқ уларнипт бундай суҳбатларини четдан кўриб, тушуниб қолишлари мумкин эди. Алоқа ўрнатилганининг ана шу биринчи тупидаеқ улар биргаликда турли қисқартмалар кирита бошлашди: чироқ уч марта ўчиб енса — бу «герцогиня» деган маъпони англатади, тўрт марта §нса — «шаҳзода», икки мартасида эса «граф Моска» дегани бўлади. Икки марта қисқа ва икки марта узоқ енгапи «қочиш» маъносини англатади. Улар бундан буен сирдан воқиф бўлмаган одамларии чалғитиш учуй ҳарфларнинг алифбода одатдаги жойлашиш тартиби ихтиерий равишда ўзгартириладиган «а!1а топаса» дея аталмиш кўҳна шифрни ишлатишга қарор қилишди: масалан: ўша шифрда *а* тартиб бўйича ўнинчи, б эса учинчи қилиб жойлаштирилганди; шундай қилиб, чироқнинг ўн марта ўчиб eниши *а* ҳарфипи, уч мартаси эса *б* ҳарфини англатарди ва ҳоказо; сўзлар орасида чироқ узоқроқ ўчиб турарди. Улар яна эртага кечаси соат ўн иккидан ошганидан сўнг суҳбатни давом эттиришга келишиб олишди; бу гал шаҳардан бир чақиримча нарида жойлашган минорага герцогиняиинг ўзи келди. Фабрицонинг сигпалларини кўргач, унинг кўзлари жиққа ешга тўлди: бу орада хоним уни неча бор ўлдига чиқарган эди ахир! Герцогиня чироқ ердамида упга жавоб қилди: «Сепи севаман! Бардам бўл. Умидимиз бор. Соғлиғипгни эҳтиет қил. Камерапгда мушакларингни машқ қилдир, билагинг бақувват бўлмоги керак».

«Мен уни Фауста саройимда куйлаган кечадан буен кўрмаган эдим; ўшапда у меҳмопхона эшиги олдида эгнига хизматкорлар ливреясини кийган ҳолда пайдо бўлгап эди,— дея ўйлардн герцогиня.— Бизни бошимизга шундай ишлар тушади, деб кпм ҳам айта оларди ўшапда!»

Герцогиня сигналлар орқали Фабрициога у тез кунда *шаузоданинг мурувкати билан* озодликка чиқажагиии хабар қилди (бу сигиалларни бегоиа одамлар ҳам тушуниши мумкин эди), кейин эса яна упга пазокатли сўзлар йўллай бошлади. Шу тобда хонимпииг йигитдан сира ажралгиси келмасди. Фақат тонг ериша бошлаганидан кейипгина Фабрициога илгариги хизматлари учун герцоганяиинг ишончли одами бўлиб қолган Лодовико, ниҳоят, уни сигналларни тўхтатишга кўндирди, зеро уларни ганим кўзлар ҳам кўриб қолипш мумкип эди. Яқинда озодликка чиқажаги ҳақидаги бир неча бор такрорлангап хабардан Фабрициошшг қалбини чуқур маъюслик қоплади. Эртаси куни Клелия бу маъюсликни пайқаб қолди ва эхтиетсизлик билан унинг сабабини сўради.

— Чамаси, герцогииями қаттиқ раижитишга тўғри келадиганга ўхшайди.

— У сиздан нимани талаб қиляпти-ю, сиз унииг қандай илтимосини бажаришдан бош тортяпсиз?— дея сўради дарҳол ниҳоятда қизиқиб қолган Клелия.

— У менинг бу ердан қочишимни истаяпти,— деди жавобан йигит,— мен эсам бу ердап кетишга ҳеч қачон рози бўлмайман.

Клелия унга бирор сўз билан жавоб қила олмади. У фақат йигитга бир тикилиб қаради-да, кўзларидан дув-дув еш оқа бош-

лади. Агар Фабрицио ҳозир унинг яқинида бўлиб, дилидаги туйғусидан гап очгацида, чамаси, қиз бутун муҳаббатипи тўкиб сочгап бўларди. Қаҳрамонимиз бўлса, у мени севармикин, дея шу қадар шубҳаланиб юрардики, ўқтин-ўқтин қаттиқ умидсизликка тушарди. У энди Клелиясиз ҳаети фақат изтироблардан иборат бўлипш ва бир умр ҳасраТ'чекиб ўтишини жуда яхши биларди. Цалби ҳали севги иималигини билмай юрган кезлари уни ўзига ром қилгап ўша ҳузур-ҳаловат билангина яшаш йигитга энди жуда бемаъш* нарса бўлиб туюларди. Гарчи Италияда ҳали ўзини ўзи ўлдириш расм бўлмаганига қарамай, Фабрицио бир неча бор, агар тақдир мени Клелиядан жудо қилса, шундай қилишдаи бошқа чорам қолмайди, деган хаблга ҳам борган эди.

Эртаси куни у қиздан узун бир мактуб олди:

«Дўстгинам, энди сизга ҳақиқатни айтиш вақти келди. Сизни бу ерга банди қилганларидан буен Пармада ўқтии-ўқтин, сизни тез кунда қатл этилади, деган мишмишлар тарқалиб юрди. Сизня аслида ўн икки йил қалъага банди қилиш жазосига ҳукм этишган холос, аммо, бахтга қарши, сизни, шубҳасиз, жуда қудратли бир зотнинг нафрати таъқиб этмоқдаки, мен я?уда кўп марта оғу ҳаетипгиз риштасини узиб қўядими, деб ваҳимага тушганман. Бу ердан чиқиб "кетиш учуй ихтиериигиздаги *барча воситалардан* фойдаланинг. Бу сўзларни сизга мен гапирмаслигим керак эди, ахир ўзимнинг муқаддас бурчимга хиенат қиляпман,—ана. шундан ҳам хавфнинг нақадар дахшатли эканини тасаввур қилсангиз бўлади. Агар зарур бўлса, агар озодликка чиқишнинг бошқа иложи бўлмаса,— қочинг. Сиз қалъада ўтказадиган ҳар бир ортиқча дақиқа ҳабтингизга чек қўйиши мумкин. Саройда ўз режаларини амалга ошириш учун ҳар қандай жиноят қилишдан қайтмайдиган партия бор эканлигини бир эсланг. Наҳот шу пайтга қадар ўша одамларнинг кирдикорларини фақат граф Москаниинг ажабтовур маҳоратигина бартараф этиб келаетганйни билмасангиз? Аммо энди улар графни қувиб юборишнинг энг тўғри йўли — бу герцогинянинг бошига кулфат солиш, унинг бошига кулфат солишниш энг тўғри йўли эса ўзингизга маълум навқирон бандиииинг ўлими эканлигини тушуниб қолишган. Фақат ана шу сўзларнинг ўзиеқ сизга аҳволингизнипг нақадар хавфли эканини батамом исботлаб беряпти. Сиз менга писбатан дилингизда дўстона туйғулар пайдо бўлгани ҳақида гапиряпсиз, аммо орамизда қандай енгиб бўлмас ғовлар борлигини ўйлаб кўрдингизми,— ўша говлар бизнииг бирбиримизга бўлган меҳримизнинг қарор топишига йўл қўймайди. Сиз билан биз жуда ешлик чоғимизда учрашиб қолдик, бошимизга огир кун тушганда бир-биримизга ердам қўлиии чўздик; тақдирнинг тақозоси билан бошингизга мусибат тушганида мен оғирингизни хиел енгил қилиш учун аиа шу хафагазак жойда истиқомат қилиб қолдим. Аммо сиз агар ҳеч қачон рўебга чиқмайдиган, асоссиз орзуларни деб, ўз ҳаетингизни муқаррар хавф-хатардан қутқариш учун барча имконйятдаи фойдаланмасангиз, мен бир умр виждон азобидан қийналиб юраман. Мен енгилтаклик қилиб, сиз билан дўстона муиосабат ўрнатилишбга йўл қўйгаиимдап буен руҳий осойишталигимпи йўқотиб қўйдим. Агар бизниег болаларча ўйинларимиз, ўша алифболаримиз сизнинг қалбингизда рўебга чиқмайдиган орзулар уйғотган бўлса, ҳатто Барбоненинг сизпинг ҳаетингизга қасд қилганипи эслагап тақдмрда ҳам ўзимпи оқлай олмайман. Ахир менипг ўзим, ҳаетингизга қутқу солаетгап хатардан қутқариб қолдим, деган хаелда сизни ундан ҳам даҳгаатлироқ ҳалокатга дучор қилиб қўйдим. Мабодо менипг эҳтиотсизлигим дилингизда сизни герцогинянипг маслаҳатлариии рад этишга мойил қилиб қўйган туйғулар уйғотган бўлса, мен умрбод ўзимни кечирмайман. Кўрдингизми, бир гаппи сизга қайта-қайта такрорлашга мажбур қиляпсиз: қочииг, мен сизга буюрамаи...»

Мактуб узундап-узоқ қилиб езилганди: «Мен сизга буюраман» каби баъзи жумлаларпи ўқиб, ошиқ бўлган Фабрицио маеъуд дақиқаларпи бошдан кечирди. Унинг назарида, бу сатрларга гарчи жуда эҳтиеткорлик билан бўлса-да, аича позик туйғулар жо этилгаидек кўринарди. Бироқ бошқа жумлаларпи ўқие'паиида эса у бундай олигаувларда мутлақо тажрибасязлиги учуй жазосини тартар ва Клелиянинг мактуби унга фақат дўстона мойиллик *Шкв* \атто шупчаки оддий раҳм-шафқат туйғуларини нфодаластгапдек туюларди.

Бироқ қиз унга хабар қилган барча бу ваҳимали гаилар унинг қарорига мутлақо таъсир қила олмади; ҳатто Клелия таевзарлаб берган ўша хавф-хатар чиндан ҳам содир бўлиши мумкин, дея тахмин қилганда ҳам Фабрицио ўлим хав-фияи қизин ҳар купи кўриб туриш учун уича қиммат бўлмаган тўлов дея ҳисобларди. Хўш, агар у яна Болонья еки Флоренцияда яигаршшвб юрса аҳволи не кечади? Ахир у қалъадан қочиб кетса, кейинчалик Пармага қайтмоқ ҳақида ижозат олишдан умидини узиши керак бўладн-ку. Агар шаҳзода қарорини ўзгартириб, уни озодликка чиқариб юборса (бундай бўлиши зса сира мумкин эмас, зеро Фабрицио қудратли тўда учун граф Москани кулатишга воеита бўлиб қолгая), икки лагерни бир-биридан ажратиб турган нафрат йигит билан Клелия ўртасига жудолик солгач, Пармада қаҳрамонимизпи қандай ҳает кутади? У қиз билан ойига бир марта, эҳтимол, икки марта бирор меҳмонхонада учрашиб қолар. Лекин ўшанда улар нима тўғрисида ҳам гаплаша олардилар? Бу ерда ҳар куми ва бир неча соатлаб йигитнинг дилига лаззат бағишлайдиган манови руҳий яқинлик қайда қолади унда?.. Саройлардаги сийқа гаилар уларнинг бу ердаги алифбо ердамида қурадиган суҳбатлари ўрнииии боса олармиди?.. «Бу ажойиб ҳаетдан, бахтга эришмоқнинг бу ягопа имкониятидан қандайдир арзимас хавф-хатар деб воз кечиб ўтираманми? Уни севишимтш ҳеч бўлмаса шу зайлда исботлаб беришииинг ўзи бахт эмасми ахир!»

Фабрицио Клелиянинг бу мактуби фақат ундан висол кўришмоқни илтимос қилиш учун қулай баҳона бўлиши мумкинлигини тушунди: йигит муттасил шу тўғрида орзу қиларди. У қиз билан фақат бир марта, уни қалъага олиб келгаи кунлари икки-уч ОРИЗ-

гина ғаплаша олганди, ўшандан бубн эса икки юз кундан мўлроқ вақт ўтди.

Клелия билан учрашмоқ учун қулай имконият пайдо бўлганди: мехрибон дон Чезаре ҳар пайшанбада кундуз куни Фамезе минорасинииг майдончасида ярим соатдан сайр қилишгашкозаТ берганди; бироқ ҳафтаниинг бошқа кунлари Парманинг ўзида ва унипг атрофида яшайдиган аҳолининг кўз ўнгида бундай сайр қилиш комендантнинг шаънига доғ тушириши мумкин эди, шу боисдан ҳам Фабрициони фақат қош қорайгандагина сайр қилишга чиқаришарди. Фариезе минорасининг майдончасига эса қора мармар тахтачалари қопланиб, оқ мармардан ишланган машъум безаклар ўрнатуғлиқ ўша йбодатхонанинг зинасидангипа чиқиш мумкии эди. Бу ибодатхона китобхоншшг едида бўлса ксрак. Грилло Фабрициони ўша ибодатхона енита бошлаб келиб, унга қўнғироқхонанинг торгииа зинаси томон ўтадиган эшикни очиб берарди: хизмат қоидасига биноан у Фабрициодан бир қадам ҳам ортда қолмай изма-из юриши керак эди, аммо кечқурунлари анча совуқ тушадиган бўлиб қолганди, шу боисдан Грилло маҳбусни мииорага елғиз ўзини чиқариб юборарди-да, униинг ортидан эшикни қулфлаб, ўзи хужрасига исингани кириб кетарди. Хўш, Клелия бирон кун кечқурун енига оқсочини олиб қора мармар ибодатхонага келса нима қилади?

Фабрицио Клелиянинг мактубига жавобан езган узундаиузоқ хатини ягона бир мақсадга — ана шу учрашувга эришмоқ сари қаратди. Буидан ташқари у, гўе гап бегона бир одам ҳақида кетаетгандек, ўта самимият ва хотиржамлик билан ўзини қалъапи тарк этмасликка ундаетган барча сабабларни бирма-бир санаб берди.

«Мен сиз билан ўша алифбоимиз ердамида суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлмоқ учун кунига минг марталаб ўлим хавфига йўлиқишга тайерман, сиз бўлсангиз мениит ўзимни ўзим ана шу бахтдан маҳрум қилишимни ва Пармадами еки, эҳтимол Болонья, ехуд ҳатто Флоренциядами қувғияда бўлиб яшашимни истайсизми? Мен ўз хоҳишим билан шундай қилишимни истайсизми ҳали! Билиб қўйинг, мен ўзимга ўзим бундай зулм ўтказишга қодир эмасман. Сизга сўз бериб бекор қилган эканман,— уни бажариш қўлимдан кслмайди».

Бироқ висол кўришмоқ ҳақидаги ана шу илтижодан сўнг Клелия беш кун давомида рухсорини кўрсатмай қўйди: ана шу беш куй ичида қиз вольерага фақат Фабрицио қопқадаги туйнукни оча олмайдиган дақиқалардагина чиқиб юрди. Йигит қопқадаги туйнукни қачон оча олмаслиги эса қизга яхши маълум эди. Фабрицио қаттиқ умидсизликка тушди. Бу жазодан йигит, унинг қалбида телба орзулар уйғотган ўша мулойим боқишларига қарамай, Клелия дилида унга нисбатан дўстликдан бўлак ҳеч қандай туйғу ҳис этмас экан, деган хулоса чиқарди. «У ҳолда менга ҳаетнинг нима кераги бор?— дея ўйларди у.— Майли, шаҳзода мени қатл эттира қолсин, мен ундан ҳатто миинатдор бўламан. Шундай қилиб, мениг қалъада қолишим учун яна битта асос пайдо бўлди». Энди у тунлари олисдаги минорадан берилаетган сигналларга истар-истамас жавоб қиларди. Герцогиня ҳар куни Лодовико келтириб берадиган сигналлар езувидан бирида «Мен қочишни истамайман. Мен шу ерда ўлишпи хоҳлайман!» — деган ғалати сўзларни ўқигач, Фабрицио ақлдан озибди деган хаелга борди.

Фабрицио учун ниҳоятда оғир кечган ана шу беш кунни Клелия ундан ҳам баттарроқ изтироб чекиб ўтказди; унинг хаелига олижаиоб қалб учун жуда оғир бўлгап бир фикр келди: «Мен қалъадан узоқроқдаги биронта монастирга қочиб кетишим лозим. Фабрицио мениит бу ерда йўқлигимни билгач,— мен зсам унга бу тўғрида Грилло ва бошқа қоровуллар орқали хабар етказишга ҳаракат қиламан,— қалъадан қочшнга уриниб кўради». Бироқ моиастирга бош олиб кетиш, эхтимол, герцогиня билан бир вақтлар уни боғлаб турган ўша туйғулариииг ҳозир бутунлай ғойиб бўлганипи тўла исботлаб берган бир пайтда Фабрициодан бир умрга жудо бўлиш деган маънони англатарди. Ахир йигит кишиниит қалбидаги севгисинн исботЛаб беригаи бундан ортиқ бўладими? Соғлиғига емон таъсир қилган ана шу етти ойлик қамоқдан кейип ҳам у озодликка чиқишдан бош тортяпти. Агар Фабрицио, сарой эҳли тасвирлаганидек, енгилтак ва суюқоеқ йигит бўлганида қалъадан бир кунгина олдинроқ чиқиб кетиш учун бир эмас, йигирмата ўйнашини қурбоп қилиб юборарди. Оғу истаган купи хаетига чек қўйиши мумкин бўлган қамоқдан қутулиш учун эса бундай йигит ҳеч нимадан қайтмаган бўларди.

Клелия журъатсизлик оқибатида катта хатога йўл қўйди: у ўзининг монастирга яшириниш пиятидан воз кечиб, маркиз Крешепци билан орани узиш учун жуда қулай баҳонадан маҳрум бўлди. Бу хатога йўл қўйгаиидап кейин эса қиз уни дераза олдида кўриб туришдек кичкинагина бир бахтга эришмоқ учун ўз хаетини даҳшатли хавф остига қўяетган шундай дилкаш, шундай софдил, шундай еқимли йигитнинг севгисини рад эта олармиди? Беш кунлик оғир ички курашлардан сўнг, баъзи дақиқаларда ўзидан пафратланар экан, Клелия Фабрициоиипг қора мармар ибодатхонада суҳбатлашиш бахтига сазовор этишни илтижо қилган хатига жавоб езишни жазм қилди. Тўғри, у жаҳл билан йигитнинг илтимосиии рад этди-ю, бироқ шу дақиқадаи эътиборан бутунлай оромини йўқотди. Фабрициониг заҳардан ҳалок бўлиши мумкинлиги униит хаелидан сира нари кетмасди. У вольерага кунига етти-саккиз марталаб чиқадигаи бўлиб қолди: қиз Фабрициониг ҳали тирик эканлигини ўз кўзи билан кўришни истарди.

«Ҳамонки у қалъада қолибдими,— дея ўйларди қиз,— демак Раверси тўдаси граф Москани қувиб юбориш учун унга қарши ҳозирлабтган барча даҳшатларга рўбарў туриб, хаетиии хавф остига қўяяпти. Ҳаммасига фақат менинг қўрқоқлигим айбдор! Монастирга қочиш учун журъат етишмади менда. Агар мен бу ердан бош олиб кетганимни билганида эди, унинг қалъадан кетмаслик учун ҳеч қапдай асоси қолмасди».

Тортинчоқ ва шу билан бирга ниҳоятда мағрур бу қиз қамоқхона хизматчиси Гршгтюга мурожаат қилишгача бориб етди. Клелия қоровулнинг рад жавоб қилипш ва ҳатто унипг бу ғалати илтимосийии нотўғри тушуниши мумкинлигидан ҳам қўрқиб ўтирмади. Қиз ўзини шу қадар хокисор тутдики, қоровулни чақиришни буюрди ва сирини ошкор қиладиган даражада товупш титраб, унга Фабрициониинг бир неча купдан сўпг озодликка чиқаражакларини айтди; герцогиня Сансеверина ҳозир шу умидда қаттиқ ҳаракат қилиб юрган эмиш; шу боисдан куп ўринларда уига қилипган таклифларга маҳбусдап дарҳол жавоб олиш керак бўлиб қолаетганмиш. Шунинг учун ҳам Клелия Гриллодан Фабрициониинг деразасими тўсиб турган қопқадап биронта тахтасини арралаб туйнук очишига ижозат беришни илтимос қилар экан. Шунда у синьора Сансеверина кунига бир неча марта етказаетган маълумотларни имо-ишора билан Фабрициога етказиб тура олармши.

Грилло жилмайди ва эҳтиром билан уиинг буйругини бажоиидил бажаришни айтди. Клелия ортиқ бир оғиз ҳам сўз айтмагани учуп упдаи чексиа миннатдор бўлди: афтидан, қоровул мана бир неча ойдирки, қалъада содир бўлаетгап барча воқеалардан яхши хабардор кўринарди.

Грилло чиқиб кетган заҳоти Клелия алоҳида ҳолларда бериладигап сигнал билан Фабрициони чақирди-да, ҳозир қилган ишини унга айтиб берди.

«Сиз оғудан ҳалок бўлишии истаяпсиз — дея қўшимча қилди у,— лекин мен отампипг уйиии тарк этиб, яқин куплар ичида биронта хилват мопастирга кочиб кетишга жасоратим етар, деб умид қиламан, сизни деб шундай қилишга мажбурман. Шундан кейип сизга таклиф қилишлари мумкип бўяган қочиш режаларини рад этмассиз ахир. Сиз қалъада экансиз, мен даҳшатли дақиқаларни бошдан кечиряпман, ақлдан озиб қоляиман. Меп умрим боно бўлиб биронта одамга емонлик қилгап эмасман, эпди бўлса нуқул сизииг ўлимингизга сабабчи бўлиб қоладигандек кўриняпман. Бу ҳол ҳатто меп мутлақо танимайдигаи одамга нисбатан содир бўлгап тақдирда ҳам меп бардош қилолмаган бўлардим. Гарчи ўзининг телба орзулари билан мени ранжитаетган бўлсада, лекин ўзим ҳар купи кўриб туришга одатлапган бир дўстимтгаг ўлим талвасасида кўришии тасаввур қилипшинг ўзиданок бутун вужудим нақадар ўртанишини энди кўз олдингизга келтирарсиз ахир. Баъзан сизнинг ҳали тирик эканлигингизии фақат ўзипгиздан билгим келиб қолади! Далбим нақадар азобда қолаетганини тушупсангиз-чи ахир! Шу азобдардан қутулмоқ учун мен, рад жавсбини эшитишдан ҳам қўрқмай, ўзимга тобе бир одамдап мурувват кўрсатшппи илтимос қилишгача бориб етдим. Эҳтимол, у ҳали менинг сиримни ошкор ҳам қилар. Майли, ошкор қилса кила қолсин,— агар у меии отамга чақса, кайтапгга хурсаид бўламан; ўшаида мен дарҳол мопастирга жўнайман ва сизнинг машъум телбаликларингизга беихтиер шорик бўлишдап қутуламан. Ганимга ишонинг ахир, бу ҳол узоқ давом этмаслиги мумкин. Ўтинаман сиздан, герцогинянинг гапига кк ринг! Энди кўнглипгиз я«ойига тушдими, бағритош дўстим? (отамга панд беринг деб сиздан ўзим илтимос қиляпман. Гриллони чақириб, унга бирон нарса совға қилинг».

Фабрицио шу қадар ошиғу беқарор бўлиб қолган, Клелия билдирган ҳар қандай истак унинг қалбини шу қадар ҳаяжонга солар эдики, ҳатто қизнииг бу ғаройиб дил изҳори ҳам унинг муҳаббатига бўлган ишончини мустаҳкамлай олмади. У Гриллоь'а чақирди-да, илгариги мурувватлари учун қоровулга яхшигина мукофот берди. Келажак ҳақида гапирганда эса, у Грилло қопқадаги туйнукни очишга ижозат берган ҳар бир куни учун бир цехиндан ҳақ тўлашини айтди. Бундай битимдан Гриллонинг боши осмонга етди.

— Сизга гапнинг очиғини айтиб қўя қолай, монсиньор. Ҳар куни совиган таомлардан тановул қилишга рози бўлмайсизми? Мен оғудан сақланишнинг жуда оддий бир йўлини биламан. Фақат илтимос, ҳамма гаппй сир сақлайсиз: қамоқхона хизматчиси ҳамма ишлардан бохабар бўлиши керагу аммо ҳеч нима кўрмагандек юраверишн лозим ва ҳоказо ва ҳоказо. Мен бу ерда бир эмас, бир нечта ит боқа бошлайман. Сиз бўлсангиз кўнглингиз тусаган ҳар қандай таомни аввал ана шу итларга едириб кўрасиз. Винони эса сизга ўзимиикидан олиб келаман, шунда сиз фақат мен ўзимга қуйиб оладиган шишалардангина ичаверасиз. лекин бу гаплар ҳақида синьорина Клелияга бир оғиз сўз айтиб қўйсангиз, зоти олийлари, мени бир умрга абгор қилган бўласиз. Аел киши доим аеллигини қилади. Агар синьорина эртага сиз билан аразлашиб қолгудек бўлса, пндинга аламини олиш учун барча бу ҳийлаларимиз ҳақида отагипасига айтиб беради, генералнинг аса биронта баҳопа топиб, бечора бир қоровулии дорга торттириб юборишга суяги йўқ. Қалъада у Барбонедан кейинги эиг евуз одам ҳисобланади; шунинг учун чиндан ҳам сизнинг аҳволингиз чатоқ бўлиши мумкин: у заҳар ишлатишга жуда уста ва менинг бу ерда уч-тўртта ит боққаним учун сира ксчирмайди.

Фабрицонинг яна битта серенада тинглашига тўғри келди. Энди Грилло унинг ҳамма саволларига жавоб берарди-ю, лекин бу ўринда маълум эҳтиеткорликка риоя қиларди,— у сипъоринанинг сирини ошкор қилишии истамасди, зеро, унинг назарида, қиз гарчи бутун Парма музофотида энг бадавлат одам бўлмиш маркиз Крешенцига турмушга чиқмоқчи бўлиб юрган бўлса-да, шу билан бирга қамоқхона деворлари имкон берганича хушрўйгипа монсиньор дель Допго билан ҳам ошиқ-маъшуқлик қилмоқда эди. Бироқ Фабрициониинг серенада хусусидаги саволига жавоб берар экан, у ўйлаб ўтирмай «Айтишларига қараганда, у яқин орада маркизга турмушга чиқармиш»,—доган гапни ҳам айтиб юборди. Бу оддий сўзларнинг Фабрициога қапдай таъсир қилганлигини осонгииа тасаввур қилсангиз керак. Кечаси мипсь

радан берилган барча сигналларга у биргина «Мен касалман»,— деган ибора билан жавоб қилди. Эрталаб соат ўнларда Клелия вольерага чиқиб келгач, у ўзаро муносабатларида ҳали сира учрамагап совуқ бир назокат билан, нега сиз оддийгина қилиб, маркиз Креншенцини севишингиз ва унга турмушга чиқмоқчи еканлигингизяи айта қолмадингиз, дея сўради.

— Чунки бу гапларнинг ҳаммаси елгоп,— деди жавобап шаҳли чиқиб Клелия.

Бироқ шуни хам қайд қилмоғимиз띠 керакки, унинг кейипги изоҳлари унча ишопчли чиқмади. Фабрицио упга шу тўғрида айтди-да, фурсатдан фойдаланиб, яна висол кўришмоқ ҳақида илтимос кила бошлади. Клелия ўз самимияти шубҳа остйга олинганиии кўриб, гарчи бу иши билап ўзини Гриллоииг кўзида бир умрга шарманда қилаетгапипи айтиб бўлса-да, деярли дарҳол учрашмоққа рози бўлди. Кечқурун бутуилай қоропғи тушгач, у енида оқсочи билан қора мармар ибодатхонага кириб келди ва унинг ўртасида ениб тургаи шамчироқ олдига бориб тўхтади; Грилло билан оқсоч қиз ўттиз қадам наридагп эшик олдига бориб туришди. Клелия дағ-дағ титраб турарди; у эҳтиетсизлик қилиб, дилидаги севгисини ошкор этиб қўймаслик учун ажойиб бир нутқ тайерлаб келганди. Бироқ муҳаббат мантиқи ҳамма нарсадан устун келади, ҳақиқатни билиш истаги олдида ҳар қандай сипогарчилик бефойда бўлиб қолади, севган одамишта бўлган чексиз садоқат эса уии ногаҳон ҳақорат қилиб қўйиш хавфидап қутқаради. Фабрицони аввало Клелиянинг ҳусни лол қолдирди,— ахир деярли саккиз ой давомида у ўз яқинида фақат қамоқхона хизматчиларйнинг башараларинигина кўриб юргап эди-да. Бироқ маркиз Крешеицининг поми унинг ниҳоятда жаҳлини чиқариб юборди, қизнинг жуда эҳтиеткорлик билан, мужмал жавоб қилаегганини кўрганидан кейин эса Фабрициониig баттар ғазаби қайнаб кетди. Клелия йигитнинг шубҳаю гумонларини бартараф қиламан деб, қайтангга уни кўпроқ шубҳага солаетгаиипи тушупиб қолди. Шупи ўйлаб унинг дили ўртанмоқда эди.

— Наҳот сиз мени ўзимга бўлган ҳурматимни унутиб қўйишга мажбур қилишдан хурсанд бўлсангиз?— деди у деярли ғазаб билап, кўзларидан тирқираб еш чиқар экан.— Ўтган иилнииг учипчи августига қадар менинг кўпглимни олишга ҳаракат қилган барча эркаклардан ўзимни олиб қочардим. Мен сарой аъенларининг феъли атворидан ниҳоятда, эҳтимол, ҳаддан ташқари даражада нафратланардим; саройнииг барча арзапдалари кўзимга жуда жирканч кўринишарди. Учипчи август куни мана шу қалъага банди қилипгап маҳбуснинг қиефасида эса, мен, аксинча, пиҳоятда катта фазилатларни кашф этдим. Аввалига мен беихтиер рашк ўтида қовурилдим. Ўзим яхши танийдиган дилрабо аелнинг жоду кўзларини эсласам, юрагимга ханжар санчилгандек бўларди: мен ўшаида, бу маҳбус билан ўша аел ўртасида кўнгил риштаси бор, деб ўйлардим, дарвоқе, ҳозир ҳам шу фикримдап



қайтганим йўқ. Орадан кўп ўтмай илгаридан менга оғиз солиб юргап маркиз Крешенци кўпглимни овлашга алоҳида бир қатьият билан ҳаракат қила бошлади. У жуда бадавлат одам, бизиинг эса ҳеч қапдай мол-дунейимиз йўқ. Мен қатъий туриб, унинг таклифини рад этдим. Аммо шунда отам ўша машъум «монастирь» сўзини айтди. Агар қалъадаи узоқда бўлсам, қисматига жуда раҳмим келаетгаи ўша маҳбуснинг ҳаетини қўриқлашга ожиз бўлиб қолишимни тушундим. Менинг эҳтиеткорлигим туфайли у ҳанузгача ҳаетига қандай даҳшатли хавф қутқу солае!ганидан бехабар эди. Мен ҳеч қачон отамшшг ҳам, ўзимиинг ҳам сиримни ошкор қилмаслик ҳақида оғзимга сўз олгандим. Аммо ўша маҳбуснинг ҳомийси — беииҳоя фаол табиат, зукко ақл ва метин ирода соҳибаси бўлмиш ўша аел, чамаси, унга қочишнинг қандайдир режасини таклиф қилади; маҳбус эса мендан жудо бўлмаслик учун қалъани тарк этишдаи воз кечажагини кўрсатиб қўймоқ ниятида ўша таклифни рад этади. Ана шундан сўнг меи даҳшатли хатога йўл қўйдим: Мен беш куп ўзим билан ўзим курашдим,— ваҳолонки дарҳол монастирга қочишим керак эди, ана шунда маркиз Крешенци билап алоқа оддийгина узиларди-қўярди. Аммо қалъани тарк этмоққа матонатим етмади, мана энди адойи тамом бўлдим. Мен енгилтак бир одамга кўнгил қўйиб қолдим,—• упинг Неаполда қилгап ишларини жуда яхши биламан. Хўш, унинг феъли атвори ўзгариб қолди, дея ҳисобламоқ учун менда қандай асос бор? Тутқунликка тушиб қолгач, у зерикканидан бу ерда кўриши мумкин бўлган ягоиа аелиипг кўнглини овлашга тутинди,— бу унинг учун эрмак эди. Зероки у ўша аел билан суҳбатлашганида анча тўсқинликларга учрар экан, эрмак унга чин муҳаббат бўлиб кўрина бошлайди. Бу маҳбус киборлар жамиятида ўзининг жасурлиги билап ном чиқарганди; эпди у дилидаги туйғуси ўткинчи ҳавас эмаслигини исботламоқчи ва ўзига гўё* севиб қолгандек туюлаетган ўша қиз билан кўришиб турмоқ учун ҳаетини даҳшатли хавф остйга қўяяпти. Аммо у озодликка чиқиб, катта шаҳарга боргач, жамиятдаги васвасаларга дуч келади-да, яна ўша кибор ғигитга айланади ва турли эрмаклар ҳамда ишқий можаролар деигизига шўнғиб кетади. Қамоқхонадаги унинг бечора дугонаси зса ўша бевафо дўсти томоиидан упутилган ҳолда, унга изҳори дил қилгани учун надоматлар чека-чека, дили вайрон бўлиб, умрини монастир хужрасида тугатади.

Асаримиз учун муҳим аҳамиятга молик бўлган бу нутқни биз асосий қисмиигина баен этиб бердик. Фабрицио, турган гап, уни ўқтин-ўқтин бўлиб турди. У бутуи вужуди билан севиб қолган бўлиб, Клелия билан учрашгунга қадар ҳеч кимпи севмаганига, эпди фақат шу қизпи деб яшаяжагига имони комил эди.

Униг шу тобда қандай ажойиб сўзлар айтганини китобхонпинг тасаввур қилиши қийин бўлмаса керак, аммо оқсоч қиз Клелияни соат ўн бир яримга занг ургани ва ҳадемай генерал

уйга қайтиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Улар дилларида изтироб билаи. хайрлашдилар.

— Эхтимол, сўнгги марта юз кўришаеттандирмиз,— деди Клелия.— Раверси тўдасининг ошкора ўз манфаатлари йўлида сизий жабрлашга уриниши, балким, сизга ўз садоқатинтизни исботламоғиигиз учун ўша машъум имкониятни яратиб ҳам берар.

Клелия ичидаи отилиб чиқаетган иоласидан нафаои бўп ЙИГИСИБИ оқсоч қиз ва муҳими, қоровул Гриллодан яшира олмагани учун қаттиқ номус қилиб, Фабрицио билан хайрлашди. Улар энди иккиичи марта фақат, агар генерал қизили олдкпдаи бирор жойга меҳмонга бориши ҳақида огоҳлантирсагина учраша олардилар; аммо Фабрицио қалъага банди қилингаиидан сўнг сарой аъенлари иуқул у тўғрида сўраб-суриштирадигаи бўлиб қолишганди. Шу боисдан эҳтиеткор комендант бод каса лини баҳона қилиб, кўпроқ уйда ўтиришни афзал кўрарди. Мураккаб сиесий найранглар унинг шаҳарга чиқишини тақозо этгапида эса, бу ҳақида атрофдагиларга фақат генерал каретага ўтираетган дақиқадагина маълум бўларди.

Клелия билан мармар бутхонада учрашганидан сўпг Фабрициoнинг ҳаети узлуксиз қувончлар силсиласига айланди. Тўғри, у бахтга эришмоғи учун ҳали оғир қийинчиликлартш бошидан кечирмоғи лозим эди,. аммо ҳозир йигитнинг бутун вужудипи қамраб олган бир париваш уни севиши ҳақида кутилмаганда ишонч ҳосил қилиши Фабрициoнинг қалбига ажиб бир хузур-ҳаловат бағишламоқда эди.

Улар учрашганларидан сўнг орадан уч куп ўтгач, тунда иариги минорадан берилаетган сигналлар аича эрта, кечаси соат ўн г.ккида тўхтади. Сигналлар тўхтаган заҳоти қопқа тепасидаги ойпа ўрнига епиштирилгаи қоғозни тешиб ўтиб, камерага тушган каттагина қўрғошин соққача Фабрициoнинг бошетга тегишига сал қолди. Соққачанинг ҳажми каттагина бўлса ҳам, ўзи унча оғир эмас экан. Фабрицио уни қийналмай ерди-да, ичидан герцогиияпинг хатини тониб олди. Ўзи апчадан буеи кўнглипя олишга ҳаракат қилиб юрган архиепископнинг ердамида хоним қалъа гарнизонидаги солдатлардан бириии қўлга олишга муваффақ бўлибди. Уста сопқончи бу одам комендант саройи олдида турган соқчиларни қандайдир йўл билан алдабди еки эҳтимол улар билан келишиб олибди.

«Сен у ердап қочишинг, арқонга осилиб тушшпинг керак,— дея езибди герцогиня,— Сепга шундай даҳшатли маслаҳат берар эканман, этим сесканиб кетяпти; мана икки ойдап ошдики, сенга бу тўғрида гапиришга журъат этмай келардим; бироқ юксак доираларда кундан-кун осмонии кўпроқ қора булутлар босаяпти, улардан энг даҳшатли шини ҳам кутшп мумкин. Дарвоке, шў хавфли хатни олишинг биланоқ бизга лампа билан сигнал қил,— фақат шундан кейингина кўнглим жойнга тушади. Мопаса алифбоси бўйича Р, В, О деб сигнал бер, яъпи, тўрт, ўн икки ва икки марта, Мен минорада кутяпмап; биз сенга N ва О деб жавоб қиламиз — еттита ва бешта сигнал. Жаaобимизни кўргашгдап сўнг бошқа сигнал берма — менинг хатимни ўқишда давом эт ва ҳамма гапни тушунишга ҳаракат қил».



Фабрицио бу талабни бажаришга шошилиб белгиланган сигнални берди-да, жавобни кўргач, яна хатни ўқий бошлади.

«Улардан энг даҳшатли ишнн ҳам кутиш мумкин,— ўзим жуда ншонадиган учта одам, менинг талабим бўйича, инжилии ўртага қўйиб, қанчалик даҳшатли бўлмасин, ҳақиқатни айтишга қасам ичганларидан сўнг менга худди ана шу гайни айтишди. Улардан бири Феррарада сени чақмоқчи бўлгаа жарроҳни, чавақлаб ташлайман, деб қўрқитган одам бўлади: ишшшгаси Бельжиратедан қайтиб келганингдан сўнг сенга ўрмонда бир отни миниб, зотли бўлса ҳам жуда чайир кўрингаи икканчи отни жиловидан тутганича қўшиқ хиргойи қилиб келаетган ўша малайни отиб ташлагашшгизда, ўзингиз учун хавф-хатар камроқ бўларди, деб аитгаи зотдир; учинчисини эса танимайсан — у катта йўлдаги қароқчи, менинг дўстим, мард ва худди сенга ўхшаш довюрак одам,— шу боисдан ҳам'сенинг қаидай йўл танламоғинг ҳақида асосан ўша одам билан маслаҳатлашдим. Ана шу учта одамнинг ҳар бири, менинг бошқа иккитаси билан маслаҳатлашганимни билмаган ҳолда, қамоқда муттасил заҳарлашларидан қўрқиб ўн бир йилу тўрт ой ўтиргандан кўра, ҳаетини хавф остига қўйиб бўлса-да, қочишга уриниб кургани маъқул, дея жавоб қилишди...

Бир ой давомида сен камерада машқ қилмоғинг — тугунли арқонга осилиб, юқори кўтарилмоғинг ва пастга тушмоғинг лозим. Сўнгра бирор байрам кунида ана шу улуғ ишга жазм этасаи. Ўша купи қалъа гарнизонига тўйгуинча вино ичиришгая бўлади. Сенга ипак ва канон толадан аралаштириб ўрилган ва йўғонлиги оққуш патининг ўзагидек келадиган учта арқон етказиб беришади. Биринчи арқонниит узунлиги саксон фут бўлади,— сен ундан ўттиз беш фут баландликдан — деразадан апельсин дарахтлари епигача тушиш учун фойдаланасан. Иккинчи арқонннинг узунлиги уч юз фут (энг мураккаб ва оғири ҳам ана шу), у сенга баландлиги бир юз саксон фут минора девори бўйлаб тушшниигга керак бўлади. Узунлиги ўттиз футли учинчи арқонни эса туироқ қўрғондан тушиш учун ишлатасан. Мен эпди деворни нуқул шарқ томоиидан яъии Феррара томонидая ўргавяпман; зилзиладан сўнг у дарз кетган экан, кейин уни тирговуч ердамида мустаҳкамлашибдики, бу деворнинг сирти ерга қиялашиб тушган. Менинг қароқчи дўстнм, мен худди шу томондан осонгина тушган бўлардим, фақат у ер, бу ерим хиел шилинарди холос,— зеро ўша қия девордан сирғалиб тушиш мумкин, деяпти. Деворнинг тик қисми эса унинг энг пастид* жойлашган, бу жойнинг баландлиги йдгирма саккиз футдан ошмайди ва қалъа бу томондан унча яхгаи қўриқланмайди.

Аммо ҳамма имкониятларяи чамалаб кўргач, қамоқхонадан уч марта қочган ва ўзиигга ўхшаган чапдаст ва абжир одам бўл-

мит менинг қароқчи дўстим, қалъанинг ғарб томонидаи — бир вақтлар Фауста истиқомат қилган ўша ўзиигизга яхши маълум саройшшг қоқ рўпарасидан — тушишни маъқул кўрардим, деди. Агар сен бу одамии танигаиингда эди, гарчи у сен мансуб бўлган табақадап нафратланса-да, у сенга жуда екиб қолган бўларди. У худди аиа шу томонни танлаяпти: у ерда девор деярли тик тушган, лекин бунинг эвазига бутун сиртини буталар қоилаган; агар эҳтиет бўлмасанг унинг новдалари баданингни шилиши мумкин, аммо улар осилиб тушиш учун қулай. Мен бугун. эрталаб ана шу ғарб томонни ажойиб дурбин орқали жуда синчиклаб ўргандим. Пастга тушишни икки-уч йил бурун тош панжарага янги устунча қўйилган жойдан бошламоқ керак. Ўша тош устукчадан йигирма футча пастроққача минора девори мутлақо тик ва яланғоч, бу ердан сен жуда секин тушишииг керак (сенга ана шу даҳшатли маслаҳатни берар эканман, юрагим орқамга тортиб кетяпти, аммо матонат деган нарса, қанчалик даҳшатли бўлмасин, икки мушкул йўлдан енгилроғигш та плай билищдаи иборат-ку ахир); ана шу тик ва яланғоч жойдан сўнг деворниig сирти саксон-тўқсон фут пастга қадар бутуплай буталар билан қоплангап (дурбиндан қарасанг уларнинг орасидан учиб чиқаетган қушлар яққол кўринарди), кейин эса деворнииг, чамаси ўттиз футча келадигаи жойида фақат сариқ гулли чирмовиқ ўсгап. Ерга яқин қолганда яна йигирма футча зкойни буталар қоплагап. Ва, ниҳоят, деворнииг йигирма беш-ўттиз футча келадигаи ва яқинда сувоқдан чиқарилган энг пастки қисми бошланади.

Менимча, худди ана шу томопдан; юқори панжарадаги янги тош устунча енидап тушишииг керак, зеро айни ўша жойнинг пастида солдатлардан бириииг боғида қурилгап кулба бор,— қалъа инжеиерлик хизматининг капитани упи буздириб ташламоқчи бўлиб юрибди; ўша кулбанинг баландлиги ўн етти фут бўлиб, унинг иохол томи қалъа деворига туташгаи. Ана шу том учун ҳам мен шу томонни ектириб қолдим: агар бахтсизлик содир бўлиб, сен йиқилиб тушсаиг, ўша том зарбани юмшатади. У ерга етиб олганингдан кейин қалъа кўтармасига дуч келасаи, лекин бу жойни упча яхши қўриқлашмайди; агар сени тўхтатишгудек бўлса, тўппончалардан ўқ уз, бир иеча минут ўзиигни ҳимоя қилиб тур. Сенинг феррaралик дўстинг билан мен «катта йўлдаги қароқчи» деб атаетган ўша жасур одам қўлларида нарвоп билан яқин-орада яшириниб туришади: улар кўтармадан ©шиб ўтишади-да (дарвоке, у унча баланд ҳам эмас), сенга ердам бергани югуриб боришади,

Кўтармaниiг баландлиги бор-йўғи йигирма уч фут, кейин у апча қиялаб тушган; мен сени ана шу сўнгги тўсиқ олдида бутуп бир қуролли отряд билан кутиб тураман.

Шу усулда сенга яна беш-олтита хат етказишга умид қиламан. Ҳар бир хатда турли иборалар билан худди ана шу гапларви такрорлайверамаи,— биз ҳамма ишлар тўғрисида келишиб



олмоғимиз даркор. Кўнглим нақадар ғаш эканлигини тушуисапг керак, албатта... Малайни отиб ташлаш керак эди, деган дўстинг,— аслида у ажойиб одам ва уз хатосидан ниҳоятда афсусланиб юрибди,— нари борса қўли синиши мумкин деяпти. Бунақа ишларда тажрибаси каттароқ бўлган қароқчи дўстим эса, агар секин тушса ва энг мухими қизишмаса, озодликка чиққунига қадар бир неча жойи шилинади, холос, дея ҳисоблаяпти. Ҳозир энг қийини — сенга арқонларни етказиб бериш масаласи бўляпти. Мана икки ҳафтадирки, фақат шу тўғрида ўйлайман, бутун фикрй едим ана шу буюк режамизга қаратилган.

Анови аҳмоқона гапингга, «Қочишни истамайман»,— деяумринг бино бўлиб биринчи марта муваффақиятсиз қилган ҳазилингга жавоб бериб ўтирмайман. Сенга, малайни отиб ташлаш керак эди, деган одам бу гапингдан хабар топгач, зерикканидан мияси айниб қолибди, дея хитоб қилди. Сендан яшириб ўтирмайман, биз бахтсизлик содир бўлишидан хавфсираяпмиз; эҳтимол, бу хатар сенинг қочишииг масаласини тезлаштирар. Ўша хатар ҳақида сенга маълумот бериш учун чироқ бир неча марта устмауст:

«Қасрга ўт кетди!»— дея хабар қилади.

Сен бўлсанг:

«Менинг китобларим бнмадими?» — дея жавоб қиласан».

Хатда яна беш-олти саҳифа бўлиб, уларда турли тафсилотлар тасвирланган эди; у ниҳоятда юпқа қоғозга жуда майда ҳарфлар билан езилганди.

«Бу ишларнинг бари жуда ажойиб, режа бағоят яхши ўйлаб топилган,— деди ўзига ўзи Фабрицио.— Мен граф билан герцоғинядан умрбод миннатдор бўлишим керак. Улар, турган гап, мени қўрқди деб ўйлашади, лекин бари бир мен қочмаймап. Келиб-келиб севги бахтига эришган гўшани тарк этиб, ўз ихтиерим билан ҳает мен учун ўз маъносини йўқотиб қўядиган, тоза ҳаво Фтшнмайдиган жойга қувғинди бўламанми. Флоренцияда ҳеч бўлмаса бир ой чидаб тура оламанми? Бари бир Пармага қайтаман-да, қиефамни ўзгартириб олиб, Клелиянинг нигоҳини ҳечмаса бир мартагина кўришга зор бўлиб қалъа дарвозаси олдида ўралашиб юраман!»

Эртасига эрталаб Фабрицио жуда қўрқиб кетди: соат ўн бирларга яқии у дераза олдида Клелияни кўрадиган ўша бахтиер дақиқани кутиб, ажойиб манзарани томоша қилиб турар экан, камерага ҳаллослагаиича Грилло югуриб кирди.

— Тезроқ, тезроқ, монсиньор... Дарров тўшакка етиб, ўзингизни касалга солинг... Бу ерга учта судья келяпти. Сизий сўроқ қилишса керак. Ҳар бир сўзингизни ўйлаб гапиринг, бўлмасам сизни — адаштириб юборишади.

Шуларни айтар экан, Грилло бир зумда қопқадаги туйнукни епди-да, Фабрициоии каравотга етқизиб, устига икки-уч епинчиқ ташлаб қўйди.

— Уларга, мазам йўқ, деб айтинг; камроқ гапиринг ва энг

муҳими, саволлариии такрорлашга мажбур қилинг, бу орада эса Серадигап жавобингизни ўйлаб олинг.

Камерага уч иафар судья кириб келди. «Судьяга эмас, дор остидан қочган учта жиноятчига ўхщайди булар»,—дея дилидаи ўтказди Фабрицио уларниг.г манфур башараларини кўргач. Уларнинг учовн ҳам эгнига узун-узун қора ридо кийиб олганди, Улар савлат билан таъзим қилишгач, камерада турган учта стулга ўтиришди.

— Синьор Фабрицио дель Донго,— доя гап бошлади уларнинг каттаси,— афсус ва надоматлар бўлсинким, бизшшг зиммамизга қайғули бир вазифа юкланган. Бизлар бу ерга Ломбардо-Вепеция қироллиги бош можордомининг иккинчи ердамчиси, орденлар кавалери ва ҳоказо бир талай унвонлар соҳиби бўлмиш отангиз маркиз дель Донго зоти олийларининг вафот этганларини сизга хабар қилмоқ учун келд-ик...

Фабрициoнинг кўзларига тирқираб еш чиқди, судья давом этди:

— Сизиинг волидаи мухтарамангиз маркиза дель Донго ўз қўли билан езган хатида сизга шупи хабар қилади, бироқ ўз хатида у поматлуб фикрларни илова қилгани боисидан суд кеча сизга мактубдан фақат айрим кўчирмаларинигина ўқиб эшиттиришга қарор қилдиким, ўшал кўчирмаларни ҳозир сизга суд котиби, сипьор Б^дагўқиб берадур.

КотШГ'кўчирмаларни ўқиб тугатгач, судья ҳамон тўшакда етган Фабрициoнинг енига келди-да, кўчирмаларни асл нусхага солиштириб кўришии таклиф қилди. Фабрицио ояасииинг мактубида «адолатсиз ҳибс», «сен қилмагаи жиноят учун шафқатсиз жазо» сўзлариии ўқиди-ю, судьяларнинг унинг олдига нима сабабдан келишганини тушуниб қолди. Аммо у, диенатеиз судьялардан қанчалар нафратланмасин, фақат:

— Мен касалман, жаноблар, жуда силлам қуригап. Ўрнимдан тура олмаганим учуй маъзур тутасизлар,— дея олди холос.

Судьялар чиқиб кетишди. Фабрицио анчага довур йиғлаб ўтирди-да, сўнг ўзига ўзи савол берди: «Наҳотки риекор бўлсам? Ахир, назаримда, отамни сира ҳам яхши кўрмайдигандек эдимку».

Ўша куни ва ундан кейинги кунларда ҳам Клелия жуда ғамгии кўринди; у Фабрициони неча бор чақирди-ю, аммо аранг бир неча оғиз сўз айта олди. Бириичи учрашувларидан сўнг орадан бе!П кун ўтгач, циз эрталаб Фабрициога кечқурун мармар бутхонага чиқажагини айтди.

— Биз фақат бир неча дақиқагина гаплашишимиз мумкип,— дея шивирлади у бутхонага кирган заҳоти.

У қаттиқ қалтираетганидан, оксоч қизнинг елкаеига суяниб турарди; кейип у оқсочни эшик олдига жўнатди-да, энтикиб шивирлади:

— Меига герцогинянинг сўзига кириб, у айтгаи куида ва у кўрсатган йўл билан қочишга уриниб кўришиигиз ҳақида сўз



беринг, акс қолда мен эртагаеқ моиастирга жўнайман ва оят ичиб айтамашш, умримнинг охиригача сиз мсидан бошка бир оғиз ҳам сўз эшитмайсиз.

Фабрицио чурқ этиб огиз очмади.

— Ва1.да беринг,— деди Клелия кўзларидан дув-дув еш оқар экап, худди ўзипи тутолмай қолган одамдек,— еки сиз билан биз охирги марта гаплашяпмиз. Мен ортиқ бундай яшолмаймап. Даҳшат-ку ахир бу! Сиз бу ерда мени деб қоляпсиз, ҳар бир куа эса сиз учун охиргиси бўлиши мумкин.

Шу пайт Клелия ўзипи шу қадар ҳолсиз ҳис этдики, ҳушидан кетпб йгп;илитига оз қолди; у бутхона ўртасида турган улкан креслонипг суяичигига таянишга мажбур бўлди,— бир вақтлар бу кресло банди шаҳзодага атаб қўйилганди.

— Мен сизга нимаии ваъда қилишим керак?— дея сўради Фабрицио маъюс оҳаигда.

— Ўзингиз биласиз-ку ахир.

— Яхши. Онгли равишда ўзим учун даҳшатли кулфат сари бораман ва ўзимни мен учун энг қимматли одамдан йироқда яшашга маҳкум этаман, дея онт ичаман.

— Аиикроқ гапиринг.

— Герцогинянинг сўзига кириб, у айтган кунда ва у кўрсатган йўл билаи қочаман. Аммо сиздан йироқда аҳволим не кечади?

— Қандай воқеа содир бўлмасин, бу ердан қочишга қасав* ичинг.

— Бу қанақаси! Демак, мен бу ердан ғойиб бўлишим биланоқ сиз маркиз Крешенцига турмушга чиқмоқчи экансиз-да?

— Е раббим! Нега мен тўғримда бу қадар емон ўйламасангиз!.. Онт ичинг, бўлмасам бир дақиқа ҳам кўнглим типчимайди.

— Хўп, яхши. Бу орада қандай воқеа содир бўлмасин, герцогиня буюрган кунда қочишга онт ичаман.

Йигитпи шундай қасам ичдиригага муваффақ бўлгач, Клелия бутунлай ҳолсизланиб қолди ва бутхонадан чиқиб кетишга маясбур бўлди. Хайрлаша туриб, у Фабрициога миниатдорчилик билдирди.

— Агар сиз ўжарлик қилаверганингизда,— деди у,— эртага эрталаб монастирга қочардим, зеро бунинг учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганди. Ана унда бугунги учрашувимиз сўнггиси бўларди. Биби Марям номини шафе келтириб, шундай қасам ичгандим. Энди, хонамдан чиқишпинг имкони бўлган заҳоти, панжарага ўрнатилгаи янги тош устунча остидаги ўша даҳшатли деворни кўздан кечиргани бораман.

Эртаси куни Клелиянинг рангида қон қолмагандек туюлдики, буни кўриб Фабрициoнинг юраги орқасига тортиб кетди. Қиз вОльера гэразасидан туриб упга шундай деди:

— Ўзимизни ўзимиз алдамайлик, дўстгинам. Бизиинг дўстлигимиз гуноҳ эди, шу боис бошимизга бахтсизлик тушмаса де

кўрқаман... Қочишга уринишингиз очилиб қолиши ва сизни умрбод банди қилишлари еки, эҳтимол, ундан ҳам даҳшатлироқ жазога тортишлари мумкин. Лекин бари бир ақл-мулоҳаза билан иш қилиб, озодликка чиқиш учун ҳамма чорани қўллаб куриш керак. Сар миноранияг ташқи деворидан пастга тушиш учун сизга икки юз футдан узунроқ пишиқ арқон керак. Герцогинянинг режасидан хабар топганимдан буен, қанча уринмай, буидай арқонни топа олмаяпман. Мен бир неча арқон топдим-у, леКИЕ улар калталик қилади — агар уларни бир-бирига улаб боғласангиз, узунлиги эллик футдан ошмайди. Отам қалъада топилган барча арқопларни еқиб ташлайверишни буюрган, қудуқлардаги арқонларии эса ҳар кеча ечиб олиб, яшириб қўйишади. Бунинг устига улар жуда бепанд, ўша еигилгина челакларни тортишаетганда ҳам тез-тез узилиб туради. Лекин худога илтшко қилиб, менинг гуноҳимдан ўтишини сўрапг,— отамга хиенат қиламан. Мен фарзандлик бурчимга хоинлик қилиб, унга қақшатғич зарба берадиган ишни бажаришга уривиб кўрамаи. Ҳаққимга дуо қилинг ва агар қочиб қутулсангиз, умрипгизнинг охиригача яратган эгамга шукрона келтириб юриш ҳақида онт ичинг.

Миямга келган фикр мапа бундай: бир ҳафтадан сўнг маркиз Крешеицининг сингилларидан бирининг тўйига бораман. Кечқурун қайтиб келаман, албатта, лекин иложи борича кечроқ қайтишга ҳаракат қиламан. Ана шунда эҳтимол, Барбоне менга ҳаддан ташқари диққат билан разм солишга журъат этмас. Тўйга энг аслзода хонимлар таклиф қилинган; герцогиня Сапсеверина ҳам у ерда бўлади, албатта. Худо ҳақи, шундай қилгинки, ўша хонимлардан бири менга унча йўғон бўлмагаи ва қаттид ўроғлиқ арқоилар солинган тугун берсип, тугуннинг иложи борича кичкина бўлгани маъқул. Мен арқон солиғлиқ ўша тугуиній қалъага олиб келмоқ учуй ҳар қандай азобга чидашга, ҳар қандай хатарга дош беришга тайерман. Ҳайҳот, мен ўз бурчимга хиенат қиляпман. Агар отам бу тўғрида билиб қолса, сизни бошқа кўра олмайман. Аммо қисматим не кечмасин, магар сизни қутқаришга брдам бера олсам, садоқатли дўстиигиз *'еки* синглингиз сифатида ўзимии бахтиер ҳис этаман.

Ўша куни кечасиеқ Фабрицио лампа Йрдамида сўзлашар экан, герцогиняга қалъага зарур миқдорда арқон етказиб беришнинг қандай қулай имконияти тугилгани ҳақида хабар қилди. Лекин у бу гапларни ҳаммадан, ҳатто графдан ҳам, сир сақламоқни жуда илтимос қилдики, бу ҳол герцогиняии ниҳоятда ҳайратга солди. «Чиндан ҳам ақлдан озганга ўхшайди,— дея ўйлади хоним.— Цамоқ уни жуда ўзгартириб юборибди; у ҳамма ишларда фожиани кўрадиган бўлиб қолибди!»

Эртаси куни сопқондан отилгап қўрғошин соққача маҳбусга жуда катта хавф тўғрисида хабар олиб келди. Арқонларни келтириб беришии ўз зиммасига олган ўша кимса,— дея езилганди мактубда,— чиндан ҳам унинг ҳаетини қутқариб қолаетгаа



эмига. Фабрицио бу гапни дарҳол Клелияга хабар қилди. Цўрғошип соққача йигитга яна у икки қўрғои орасидаги бош минорадап тушиши лозим бўлган ғарбий деворнинг жуда аниқ планини ҳам келтирган эди; қалъа кўтармасидан ошиб утиш эса унча қийин эмасди, чунки бу ерда унинг баландлиги йигирма уч футдан ошмас, ва уни анча емон қўриқлашар эди. План туширилган саҳифапинг орқа томонида майда ва чиройли хат билан ажойиб сонет битилганди: қандайдир олижаноб шоир Фабрицioни қочишга даъват этарди, зеро ўн бир йил зиндонбанд ўтирингда унинг юраги хўрликлардан зардобга тўлар, жисми эса бутуплай ҳолдан тояр эмиш.

Ана шу ерда биз бу мардона ташаббус ҳақида ҳикоя қилишии қисқа вақтга тўхтатиб, мухтарам китобхонга бир тафсилотни хабар қилиб қўймогимиз лозим. Бу тафсилот герцогипянинг нима сабабдан Фабрициога қочишнинг бундай хавфли режасиній таклиф қилганияи бурмунча ойдинлаштиради.

Ҳокимиятга эга бўлмагаи барча партиялар қатори Раверса партиясида ҳам якдиллик йўқ эди. Кавалер Рискара Рассиии жуда емон кўрарди. Чупки у бош фискалии деб, ипсоф билан аил> ганда ҳам, ўзи ноҳақ бўлган бир судлашувда ютқазиб қўйганди. Ана шу Рискаранинг саъй-ҳаракати билан шаҳзода бир юмалоқ хат олдики, унда аълоҳазратга Фабрицио устидан чиқарилган ҳукм ҳақида қалъа комендантига расмий маълумотнома юборилгани хабар қилинганди. Бу чақув жуда қалбаки ташаббус сифатида партиянипг доғули раҳнамоси бўлмиш маркиза Раверсининг жаҳлини чиқариб юборди ва у дарҳол бу тўғрида ўзипипг ошиаси, бош фискални хабардор қилиб қўйди: маркиза, граф Моска ҳокимият тепасида экан, Рассининг ундан бирор нарса ундириб қолиш ниятиии мутлақо табиий ҳол, дея ҳисобларди. Расси сира тап тортмай саройга равона бўлди. Унинг бир-икки тецки билан қутулишига имони комил эди. Шаҳзода уддабурон юристсиз тура олмасди, Расси эса мамлакатдаги ўзининг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган энг яхши судья билан энг зўр адвокатни либералга чиқариб, бадарга қилдириб юборганди.

Шаҳзода уни бўралаб сўккаиича кутиб олди-да, дўппослай кетди:

— Бу ишларнипг бари котибшшг калтафаҳмлиги туфайли содир бўлибди,— деди ўта совуққонлик билан Расси. Ҳукмш? хабар қилиб қўйишни қонун тақозо этади ва бу иш синьор дель Допго қамоққа олинганиниит эртаси куниеқ бажарилмоги лозим эди. Ўта тиришқог-у, лекин ақли калта котиб расмиятчиликни адо этишни унутишибди, деган хаелга бориб, бошқа қогозлар орасида мендан ҳукмнинг илова нусхасига ҳам имзо чектириб олибди.

— Мени шундай аҳмоқона уйдирмага ишонади деб ўйлаяпсанми?— газабининг зўридан қутуриб қичқирди шаҳзода.— Яхшиси, анови муттаҳам Москага сотилдим, деб қўя қол. Крестпи ҳам у сеига худди ана" шу сотқинлигинг учуй берган. Лекин

шопшай тур ҳали, қуруқ мушт ейиш билан кутулмайсан, мен сени судга берамап, мен сени шармандангни чиқариб, ишдан ҳайдайман,

— Мени судга бериб кўринг-чи!— деди ўзига ишонч билан шаҳзодани ягаҳлдан туширишнинг эиг тўғри йўли шу эканлигини яхши биладиган Расси.— Цонун мен томонда ва сизнипг кўл остингизда қонунни шу қадар усталик билан четлаб ўта оладиган иккикчи Расси йўқ. Кейин мепи ишдан ҳайдай олмайсиз ҳам, ~?упки сиз ўқтин-ўқтин ғазабга минасиз. Бундай ггайтда эса қон тўкишни истайсиз, шу билан бирга Италиядаги барча ақли расо ©дамлариинг ҳурматиии йўқотгингиз ҳам келмайди,— бу ҳурмат сизнинг ор-номусингиз учун зшс сша поп[1]. Хуллас, ана шу феълингиз туфайли биронта одамнй ўлим жазосига ҳужм этгипгиз келиб қолганзаҳоти мени чақирасиз ва мен ҳар доимдагидек, мут- ,о қонуний ҳукм тайерлаб берамап; бундай ҳукмни менинг талабим билан анча ҳалолу лекин ўлгида/: кў{я;. и; судьялар ^дкариб беришади ва шу зайлда сиз аламингиздан чиқасиз. ^ани, музофетингизда яна шунақа битта фойдали одамнй тоииб кўринг-чи!

Расси шу гаппи айтди-ю, жуфтакни ростлаб қолди. У тағин дам осон кўтулди: шаҳзода бир марта чизгич билан унинг бошига урди-ю, беш еки олти марта орқасига тепишга улгирди. Саройдан чиққач, Расси дарҳол ўзининг Рива амлокига жўнади: фискал «оиҳазрат жаҳл устида унга ханжар санчишни буюриши мумкинлигидан кўрқар, лекин ик1Ш ҳафта ўтмасданоқ чопар юбориб, войтахтга чақиришига ҳам ишонарди. Кишлоқда бекор юрган найтида у граф Моска билан мустаҳкам алоқа воситаси топяшнинг тадоригипи кўриб қўйди. У жуда ҳам барон бўлишии орзу кяларди, аммо, унинг назарида, шаҳзода дворянлик унвонини баланд кўяр ва шу боисдан ўз фискалига ушбу унвошш беришга жўзи қиймас, ўз пасл-насаби билан ниҳоятда фахрланиб юрадиган граф Моска эса фақат XIV асрга қадар беридган дворянлик шаҳодатномаларпигипа тан оларди.

Бош фискал жуда тўғри башорат қилган акай,— у қишлоқда бор-йўғи бир ҳафтагина яшади: у ерга иттифоқо шаҳзоданинг яқинларидан бири келиб қолди-да, унга дарҳол Пармага қайтишни маслаҳат берди. Шаҳзода уни қувпоқ кулги билан кутиб елди, сўнгра жиддий қиефага киргап ҳолда Рассини ҳозир ўзи унга ишониб айтажак гайни сир сақлаш ҳақида инжилни ўртага қўйиб.қасам ичишга мажбур қилди. Расси тантанали оҳангда ам ичди. Шундан сўнг шаҳзода кўзлари хусумат билан еяиб, Фабрицио дель Донго тирик экан, ўзини ҳокими мутлақ ҳукм- &ор ҳис эта олма: в айтди.

— Мен,— дея кўшилча қилди у,— герцогиляни қувиб юборолмайман, лекин шу билан бирга унинг Пармада юришига ор- зшқ тоқат қилолмайман ҳам; унинг кўзлари менга гуетоҳлик билан боқяити, кигоҳи яшашимга калаа беряпти.

Шаҳзоданииг кўнглидаги бор гагогарпи тинглаб бўлгач, Расси? ўзига жуда хижолатга тушган одамдек қилиб кўреатдк-да, пиҳоят, хитоб қилди.

— Камина аълоҳазратнииг барча фармонларини бажаришга тайер, албатта, аммо манови ишни амалга оширмоқ бағоят мутпкул. Аллақакдай Джилеттини ўлдиргани учун синъор дель Допгони ўлим жазосига ҳукм этмоқ нақ ахлоқсизликнинг ўзи були б кўрипади, Уни ўн икки йил муддат билан қалъага банди қилиш ҳақида ҳукм чиқаришнинг ўзига ҳам анча усталик керак бўлди. Бундан ташқари, назаримда герцогиня Сангииьедаги қазув ишларида иштирок этган учта деҳқонни топиб қўйганга ўхшайди: ўша қароқчи Джилетти дель Донгога ҳужум қилганида улар шундоқ йўл еқасида ишлашаетган экан.

— Қаерда ўша гувоҳлар?— зардаси қайнаб сўради шаҳзода.

— Япглишмасам, уларни Пьемонтда яширишган. Сизга суиқасд уюштирилди деб гап тарқатсак емон бўлмасди, ҳазрат олийлари.

— Хавфли иш бу,— дея эътироз билдирди шаҳзода.— Кейип биронтасининг чиндан ҳам суиқасд қилгиси келиб қолиши мумкин.

— Цонунлар мажмуасидан биронта бошқа баҳонашшг тоинлиши қийин,— деди Расси ўзини гўлликка солиб.

— Оғу ичирсак-чи...

— Лекин кимга топширамиз бу ишни? Анови аҳмоқ Контига эмас-ку ахир!..

— Айтишларича, унинг бупақа ишда тажрибаси бор эмиш...

— Бунинг учун унинг яхшилаб жаҳлини чиқариш керак,— дея гап қотди Расси.— Дарвоқе, у аллақандай напитаний пари ги дупега жўнатганида унинг еши ҳали ўттизга ҳам чиқмаганди, у ошиқ эди ва ҳозирги пайтдагидек қўрқоқ эмасди. Мен доим давлат манфаатини кўзлаб иш юритишим керак, албатта, аммо манови топшириғингиз мен учун кутилмаган иш бўлди. Ростини айтсам, онҳазратнинг иродаларини ким бажариши мумкинлигини билолмай бошим қотиб қолди. Балким, бу ишпи Барбонега топширармиз. Мен синьор дель Донго қамоқхонадагл биринчи сўрок. маҳали тумшуғига уриб, ерга қулатган ўша котибни назарда тутяпман.

Шаҳзодаиипг кайфияти кўтарилиб, уларнинг суҳбати чўзилиб кетди. Суҳбатнинг охирида опҳазрат ўзининг бош фискалига бир ой муҳлат берди — Расси икки ой сўраган эди. Эртаси куниеқ унга минг цехиндан иборат махфий мукофот топширишди. У уч куй мулоҳаза қилиб юрди-да, тўртинчи куни яна ўзи шубҳасиз деб ҳисобланган ўша зски хулосасида тўхтади: «Фақат граф Москанинггина ваъдасининг устидан чиқиб, мени барон қилиб қўйишга журъати етади; зеро у ушбу унвошш фахрли деб ҳисобламайди; иккинчидан, уни огоҳлаптириб, қўйсам, эҳтилюл, жиноят қилишдан қутуламан, бари бир менга бу яашоятпипг ҳақини тўлаб бўлишди; учинчидан эса кавалер Расси ортиқ тоқат

[1] Зарурий шарт *(лат.).*

қилиб туролмайдиган ўша калтагу тенкилар учун ўчимни оламан». Эртаси купи тунда у шаҳзода билан ўртасида бўлган барча гаплардап граф Москани хабардор килиб қўйди.

Граф герцогиияннинг кўнглини пинҳона овлашда давом этарди; тўғри, у хонимнинг уйига бир ойда атиги икки марта борарди, аммо деярли ҳар ҳафта, баъзида эса ундан ҳам эртарок, Фабрицио тўғрисида айтадиган гай чккиб қолганида, герцогиня бемаҳалда Чекина билаи графнинг богига келарди. У ҳатто садоқатли кучериии ҳам жуда усталик билан алдардики, бу одам ҳар гал, герцогиня қўшни уйда меҳмон бўлиб ўтирибди, дея ўйларди.

Фискадан махфий маълумот олган заҳоти граф, тургап гап, дарҳол герцогиняга келишиб қўйилган сигнални берди. Гарчи вақт ярим кечадан ошган бўлса-да, хоним Чекина орқали ундан дарҳол етиб келишни илтимос қилди. Граф худди ошиқ йигитдек зоҳирап бўлса-да, бу яқин дўстлик ифодасидан жуда хурсанд бўлиб кетди; лекин бари бир у, герцогиня қайғунинг зўридан эс-ҳушини йўқотиши мумкин, дея қўрқар ва шу боне унга бор ҳақиқатни айтмоққа чўчиб турарди.

Аввалига граф бу машъум хабарни юмшоқрок қилиб айтишга ҳаракат қилди, лекин охири, герцогиняшшг талаби билан бор гапни айтиб берди,— у узи севгаи бу аелдан ҳеч нимани яшира олмаеди. Тўққиз ой давом этган қаттиқ изтироблар *бу* оташқалб хонимни жуда тоблаб қўйиганди: герцогиня йиғламади ҳам, зорлаиив ўтирмади ҳам.

Эртасига тун чоғи у Фабрициога даҳшатли хатар ҳақида сигнал беришни буюрди:

«Цасрга ўт кетди».

Йигит ҳам ўша шартлашилган жавобии берди:

«Менинг китобларим енмадими?»

Ўша тупнинг ўзидаек герцогиня унга қўргошин соққачада хат етказишга муваффақ бўлди. Бир ҳафтадан сўиг, маркиз Крешеиии синглисининг тўйида герцогиня даҳшатли бир эҳтиетсизликка йўл қўйдики, бу тўгрида биз мавриди билан ҳикоя қилиб берамиз.

## Йигирма биринчи боб

Барча бу бахтсизликлар бошлапишидан деярли бир йил илгари герцогиня галати бир одам билан учраншб қолгапди: бир куни кечкуруи ўша томондагн одамларнинг таъбири билан айтганда, 11па'си тутгаи пайтда, у тўсатдан Колориодан хиел нарида, По дареси соҳилидаги баланд-паст теналикларда жойлашган Сакка амлокига жўнаб қолди. У мазкур амлокини жуда меҳр билан безаб юрарди; хоним теналик устини қоплаган ва шундоқ қаерга

[1] Иижицлик *(итал.),*



қадар туташиб келгап катта ўрмонпи яхши кўрарди; ўрмоннинг энг хушманзара жойларида у сўқмоқ очишнк буюрганди.

— Бир кун змас бир куп сизни қароқчилар олиб қочишади, дилрзбо хоним,— деган эди кунлардан бирида унга шаҳзода.— Сизнинг ўрмонда сайр қилишни яхши кўришингиз одамларга маълум бўлган заҳоти, турган гап, у ерда яна баъзи бировлар пайдо бўлиб қолишади.

Шундай дея шаҳзода рашкини қўзғатиш ниятида графга қараб к,ўйди.

— Мен ҳеч нимадан қўрқмайман, ҳазрати олийлари,— дея жавоб қилди герцогиня ўзини соддаликка олиб.— Ўрмонда сайр қилар эканман доим ўзимга ўзим «Мен ҳеч кимга евузлик қилган эмасман, ким мени емон кўриши мумкин?»— деган гап билан тасалли бераман.

Бу жавоб атрофдагиларга ҳаддан ташқари дадил кўринди: у ўта густоҳ одамлар бўлмиш маҳаллий либералларпинг бетгачопар гапларини эслатарди.

Биз юқорида тилга олган ўша учрашув содир бўлган куни герцогиня ўрмонда ортидан орада маълум масофа сақлаб қандайдир жулдурвоқи бир одам эргашиб келаетганини пайқади-ю, дарҳол шаҳзоданинг ўша гапини эслади. Герцогиня сайр қилишда давом этаверди, лекин бирдан сўқмоқпинг аллақайси бурилишида ўша нотаниш одамнинг жуда яқинлашиб келганини кўрди-ю, қўрқиб кетди. У ваҳимага тушиб, бу ердан аича нарида, қаср олдидаги гулзорда қолдирган ўрмон қоровулини чақирди. Бу орада эса нотаниш одам унинг еиига келиб, оегига йиқилди. У еш ва жуда келишгап йигит эди-ю, аммо эгни-бошига қараб бўлмасди, кийимлари деярли увадага айланганди. Лекип унинг чақноқ кўзлари қалби олов экаилигидап далолат бериб турарди.

— Мен ўлимга ҳукм қилииган одамман; мен врач Ферранте Палла бўламан. Бешта болам бор, ҳаммамиз очдаи ўляпмиз.

Герцогиня унинг ниҳоятда озгин эканлигини курди, аммо бу одамнинг кўзлари шу қадар чиройли ва улар хонимга шу қадар завқ-шавқ ҳамда назокат билан тикилиб турардики, аел жиноят ҳақидаги ҳар қандай шубҳаларини дарҳол йиғиштириб қўйди. «Паладжи* яқинда собор учун чизган дашти кабирдаги Иоапн Чўқинтирувчининг кўзларини гну одамникига ўхшатиб чизиши керак экан». Иоанн Чўқинтирувчи ҳақидаги фикр унинг хаелида Феррантенинг эти бориб устихонига еиишганиии кўргач келгап эди. Герцогиня унга уч цехин — енчиғидаги бор пулини узатдида, кам бераетгани учун кечирим сўради: ўша куни у богбонига маош тўлагаи эди. Ферранте унга қизғин миннатдорчилик билдирди.

— Ҳайҳот!—- деди у.— Бир вақтлар мен ҳам шаҳарда яшеб, соҳибжамол аелларни кўриб турардим, аммо ўзимниuг граждан-лик бурчимни адо этиб, бунинг учун ўлим я^азосига ҳукм этилганимдан буеп ўрмонда яшаяпман. Сизнинг ортингиздан садақа сўращ еки тўнащ мақсадида келганйм йўқ, балким гўзаллик малика-

сига маҳлие бўлиб қолган мажусий сифатида зрг&щдим. Бундай ажойиб оппоқ цўлларни кўрмагаиимга анча'бўлган эди!

— Туринг ўршшгиздап,— деди герцогиня, зерв Ферранте ҳамои тиз чўккан қўйи турарди.

— Ижозат этсаигиз, шундай тиз чўкиб тураверсам,— дея жавоб қилди Ферранте.— Бу ҳолатим менинг ўзимга ҳозир цароқчи эмаслигимни кўрсатиб турибди, бундап эса кўпглим тасалли топади. Билиб қўйинг, одамларии даволаш имкониятидап маҳрум қилишганидап буен мен ўғрилик билан кун кўришга мажбурман. Аммо хозирги дацикада мен илоҳий гўзаллик олдида еажда қилаетган оддий бир одамман холос.

Герцогиня унинг хиел савдойи эканлигини тушунди-ю, лекин қўрқмадп: ушшг кузларидан хоним бу одамнинг софдил ва оташқалб эканини кўриб турар, бунинг устига унга шуидай ғалати одамлар еқарди.

— Шундай қилиб, мен — врачман. Саразипе деган пармалик бир дорихоиачшшиг хотини билан дон олишиб юрардим. Бир купи у биз висол кўришган пайтда келиб қолди-ю, хотиниии учала боласи билан қўшиб ҳайдади, зеро у, адолатли равишда, болаларнинг отаси ўзи эмас, мен эканлигимни гумон қилгапди. Кейшт биз ўша ael билан яна икки фарзанд кўрдик. Онаси ва бешта бола ниҳоятда қашшоқликда кун кўришяпти, ўрмоннинг энг хилват жойида мен ўз қўлим билан курган фақирона кулбада истиқомат қилишяпти,— бу ердан тўрт-беш чақиримлик йўл. Мен ахир жандармлардан яширинишим керак, бояқиш ael эса мендаи ажралгиси келмаяпти. Мени апча асосли равишда ўлим жазосига ҳукм қилишгап: мен фитнада иштирок этганман. Шаҳзодапи кургани кўзим йўқ,— золим у. Хорижга эса қоча олмадим; пулим йўқ эди. Лекин бошимга яна бир фалокат тушди. Бу кулфат шу цадар даҳшатлики, нуқул ўзимни ўзйМ ўлдиргим келади: менга бешта фарзанд туғиб берган ва мени деб ўзини ўзи абгор этган ўша бадбахт аелдан кўнглим совиган,— бошқа аелии севиб қолганман. Агар ўз жонимга қасд қилсам опаси ҳам, бешта болам ҳам ҳалок бўлишади, айнап очликдан ўлигаади.

Бу одам, сўзсиз, дилидаги гапларни айтмоқда эди.

— Пимашгаг ҳисобига кун кўряпсизлар?— дея сўради герцогиня унга раҳми келиб.

— Онаси ип йигиради, катта цизимпи бир фермада боқишади; ферма эгалари — либераллар; қизим уларнинг қўйини боқади; мен бўлсам Пьячеица билан Генуя орасидаги катта йўлда одамларии тупай бошладим.

— Кароқчилик либераллик ақидаларингизга хилоф эмасми?

— Мен кимни ва к.анча пулга тўпаганимни рўйхат қилиб боряпман, агар бирор кун келиб, хиел бўлса-да, имкопият туғилса, тортиб олгаи ўша пулларнинг ҳаммасини қайтариб берамап. Ўйлаймапки, мейдей одам, яъпи халқ курашчиси, маълум даражада меҳнат кшгягтман ва бу меҳнатим хавфли бўлгани учун ҳар ойда тоз франкдан хақ тўлашга арзийди; шу боисдан мен



теч қачон бир йилда бир мииг икки юз франк дай ортик. пул олмайман. Й.ўқ, янглишдим,— баъзан кўнроқ ўвирдайман: мен ахир ўз асарларимии чон эттирмоғим керак.

— Цанақа асарлар экан?

— Мана, масалап: «Бўлармикин бизда бир куп Палата ва бюджет?»

— Нималар деяпсиз?— ҳайрат ичра хитоб қилди герцогиня.— Сиз — машҳур Ферранте Палламисиз ҳали? Асримнзнинг энг буюк шоирларидан бири-я?

— Машҳур дейсизми? Бўлса бордир. Лекин шубҳасиз энг бебахт шоир.

— Шундай истеъдодли одам була туриб, ўғрилик билан кун кўряпсизми?

— Эҳтимол, иқтидорим бўлгани учун ҳам шундай яшашга мажбурдирман. Шу найтга қадар ном чицарган барча езуичиларимиз ўзлари аввал қарши курашган ҳукумат еки черкоига сотилиб кун кўришарди. Мен бўлсам, бириичидаи, ҳаетимни хавф остига қўяяиман, иккинчидан эса, талончнлик қилгани чиққанимда мени қандай ўй-хаеллар ҳаяжонга солиши ҳақида бир ўйлаб кўринг-а, синьора. «Мен тўғри ищ қпляпманми?..— дея сўрайман ўзимдан-ўзим.— Курашчи сифатида мен жамиятга ҳар ой юз .франк олишга арзигулик иш қшшпманми?» Менинг бор-йўғи иккитагииа қўйлагим бор, бошца энгил-бошимни мана кўриб турибсиз. Цурол-ярођим ҳам омонат; бир кун эмас, бир кун дорга осилишим аниқ. Ўйлайманки, беғараз одаммаи. Агар қалбимни машъум муҳаббат жароҳатламаганида мен бахтиер одам бўлардим. Энди эса ўша муҳаббатни деб, бодаларимнипг онаси олдида жафо чекяпман холос. Цашшоқлик менга фақат ўзининг хунуклиги билан еқмайди. Мен чиройлн кийимларпи, ажойиб оппоц кўлларни яхши кўраман.

Шундай дея у герцогинянинг қўлларига шу қадар сукланиб тикилдики, хонимнинг дилини ваҳима босди.

— Яхши қолинг, афандим,— деди у,— Пармада сизга бирор йўл билан ердам бера олмайманми?

— Баъзан шундай бир масала тўғрисида мулоҳаза цилиб туринг: шоирнинг вазифаси қалбларни уйғотиш ва уларнинг гўе монархия инъом этадиган сохта, қўиол моддий фароғатдан қотиб цолишига йўл қўймасликдир. Хўш, унииг ўз ватандошларига кўрсатаетган хизмати ойига юз франкка арзийдими?.. Бахтга қарши, мана икки йилдирки мен сизни севаман,— деди у мулойим овоз билан,— икки йилдан буен менинг қалбим фақат сиз билан яшайди, лекин шу пайтга қадар мен сизни дилингизга қўрцув солмасдан кўриб келардим.

фе.рращ;е шундай деди-ю, ниҳоятда тез югурганича қочиб кетди. Буни кўриб герцогиня ҳам ҳайратга тушди, ҳам хурсанд бўлди. «Жандармларпинг унга етиб олиши қийин бўлади,— дея хаелидан ўтказди у,— лекин у бари бир телба одам».

— Ҳа, у чиндан ҳам телба,—дейишди унга хизматкорлари,—

Ҳаммамиз бечораиинг сизга ошиқ бўлиб қолганини аячадан бери биламиз, синьора. Сиз бу ерга келган пайтларингиз у ўрмонда дайдиб юради, энг баланд теиаликларга чиқиб, сизни кузатади, жўиаб кетганингиздан кейип эса у албатта сиз сайр қилиб юриб тўхтаган жойларингизга келиб ўтиради; сизиинг гулдастангиздан тушиб қолган гулни олиб, кўзларига босади-да, кейин уии анчага довур ўша расво шляпасига тақиб юради.

— Нега унинг бундай телбаликлари ҳақида менга ҳеч қачон айтмаган эдингиз?— деярли таъна қилиб сўради герцогиня.

— Министрга, граф Москага айтиб қўясизми деб қўрқардик. Вечора Ферранте жуда яхши одам, ҳеч кимга емоплик қилган эмас, уни бизнииг Наполеоиимизни яхши кургани учун ўлимга ҳукм қилишган.

Герцогиня бу учрашув ҳақида министрга чурқ этиб оғиз очмади,— яқинликда ўтказилган ана шу тўрт йил ичида унинг граф Москадан бирипчи марта ана шупдай сир сақлаши эди. Хоним у билан суҳбатлашиб ўтирган кезлари Ферранте тўғрисида бехосдан айтиб қўймаслик учун камида ўн марта тилини тийиб қолишга тўғри келди. Кўп ўтмай у енчиғига олтин солиб, яна Саккага равона бўлди, аммо бу гал Ферранте кўринмади. Икки ҳафтадан сўнг герцогиня яна амлокига борди. Ферранте аввалига ўрмонда илдиз ва тўнкалар устидаи сакраб ўтганича юз қадам иаридан унга эргашиб келаверди-ю, кейин бирдан қарчигайдек отилиб, унинг олдига келди-да, худди биринчи учрашув пайтидагидек оеғига йиқилди.

— Икки ҳафта бурун қаеққа ғойиб бўлгандингиз?

— Нови ортидаги тоғларда юргандим, У ерда хачир ҳайдовчиларни тўиадим,— улар зайтун мойи сотиб, Милапдан қайтишае'тган экап.

— Маиови енчиқни олиб қўйинг. Мендан совға бу сизга.

Ферранте енчиқни очиб, ундан биттагина цехинни олди-да, уни ўииб, ич чўнтагига яширди ва енчиқни герцогиняга қайтариб берди.

— Сиз менга енчиқни қайтариб бердингиз, ўзингиз бўлса одамларни тўнаб юрибсиз!..

— Шундай албатта. Мен ўзим учун ҳеч қачон юз франкдап ортиқ пулга эга бўлмасликни қонун қилиб олганман. Бироқ ҳозир болаларимнипг онасида саксон франк, менда эса йигирма бош франк пул бор — демак беш франки ортиқча. Агар ҳозир мени дор тагига олиб боришганида, виждоним азоб чеккан бўларди. Мен ана шу цехинни фақат сиз берганингиз учунгина олдим: чунки сизни севамап.

У «сизни севаман» сўзлариии шу қадар оддийгина қилиб, шу қадар дилдап айтдики, герцогиня: «У чиндан ҳам севади»,—дея ўйлади.

Ўша куци Ферранте жуда савдойи кўринди. У нуқул Пармада аллаким ундан олти юз франк қарз эканлиги, шу пулга у кулбасининг у ер, бу ерини тузатиб олиши мумкиилиги, бўлмасам



бечора болалари тез-тез гаамоллаб, касал бўлишаетгани ҳақида гапирардп.

— Мен сизга ўша олти юз франкни қарз бериб тураман,~~ деди таъсирланиб кетган герцогиня.

— Йўқ! Мен жамоат арбобиман. Душманлар партияси менга туҳмат қилиши мумкин. Мени сотилди деб айтишади.

Бу гаппи эшитиб герцогиняпинг унга меҳри товланиб кетдт?.. У телба шоирга Пармада махфий бошпана таклиф қилди. Бу ўринда Ферранте фақат ҳеч кимни ўзича суд қилмасликка в& ўзининг айтишича, \n реНо[1] чиқариб қўйган ўлим жазоси ҳақйдаги хукмлардан бироптасини ижро этмасликка сўз бермоғи *т*-рак экан.

—- Агар биронта эҳтиетсизлигим ту файли мени т^^тиб олиб. дорга осишса-чи?— деди қатъий оҳангда Ферранте.— Демак, *у* ҳолда халқпи я^абрластган ўша аблаҳларнинг'бари ешини яшаб; ошини ошаб юраверадими? Бунга ким айбдор бўлади? Дорулба қода мени кўргач, отам нима дейди?

Герце ги пя уни гапига кўндиргунича анча овора бўлди: у ҳат* то еш болалар еғин-сочин ҳавода қаттиқ шамоллаб қолиб, иобуд бўлншлари мумкиплигипи рўкач ҳам қилди. Ниҳоят, Ферранте Пармадаги махфий бошпанадап фойдаланигага рози бўлди.

Тўйдан сўнг Пармада бор-йўғи ярим кунгина бўлган герцог Сапсеверина еш хотинига ўз номи билан аталгаи саройни кўрсатар экан, унинг эътиборипи биионипг я?апубий бурчагидаги ғаройиб бир хплваттоҳга жалб этди. Ўрта аерлардаи сақлаииб қолгап пештоқ деворининг қалиилиги саккиз фут келарди; деворнинг ичида ҳавол бўшлиқ қолдирилган эканки, шу зайлда баландлиги йигирма фут; аммо кенглиги атиги икки фут хилватгоҳ найдо бўлган экан. Ана шу ғалати деворнинг шундоқ енгинасида барча сайеҳлар завқ билан эслайдиган ажойиб ҳовуз бор эди,— бу машҳур ҳовуз XII аерда, Пармани император С-игизмунд қамал қилган пайтларда қурилган бўлиб, кейинчалик у Сансеверипа саройининг боғ.ига қўшнлиб қолганди.

Хилватгоҳга кирадиган йўлни яшириб турувчи улкан харсангтош қоқ ўртасига ўрнатилган темир ўқ атрофида айлападигап қилиб ўрнатилганди. Ферраитепинг телбалиги ва болаларининг оғир аҳволига раҳми келиб кетган герцогиня унга ана шу хилватгоҳдан узоқ муддат фойдаланиб турншга ижозат берди. Зеро шоир болалари учун биронта қимматбаҳо совға .олишдап қатъиян бош тортмоқда эди. Бир ойдан сўнг улар яна Сакка ўрмонларида учрашишди; ўша купи Ферранте япча хотиржамроқ бўлиб, герцогиняга ўз сонетларидан бирини ўқиб берди. Хонимга бу сонет сўнгги икки аср давомида Италияда ижод этилган энг яхши шеърлардан қолишмайдигандек, эҳтимол улардан ўтиб ҳам тушадигандек кўринди. Шундан сўнг герцогиня у билан яна бир ноча марта учращдию аммо эяди шоирнипг завқ-шавққа

[1] Дилида *(итал.)*.

тўла муҳаббати уига оғиррок ботлл.иган бўлиб қолганди; герцогиня унинг эҳтироси хиел умидвор бўлгаи муҳаббаткикг умумий қонунига амал қилаетганини пайқаб қолгапди. Шундан сўнг хоним Ферраитега ортиқ епига яқинлагамасликни буюриб, уни га жўнатаб юборди; шоир ҳам унинг буйругппл иихоятда беозор қабул қилди. Фабрицио қамоққа олинган пайтда улар- '! ана шундай эди. Аиа шу воқеа содир бўлганидан сўит тўрт кун ўтгач, кош қорайган маҳалда Сансеверина саройига ад и роҳиб келди-да, уй бекасига муҳим бир сирни хабар қилмоқчи экаилнгини айтди. Герцогиня бошита тушган кулфатдан шу қадар эзилиб ўтирган эдики, уни дарҳол ичкарига киритишни буюрди. Ўша роҳиб Феррапте экан.

. — Бу ерда яка бир одамга жабр қилинпбдиким, халқ курашчиси бу жииоятдап воқиф бўлмоғи даркор,— деди герцогипяга муҳаббатдан савдойи бўлиб қолган бу одам.— Бошқа жиҳатдан олганда эса, айрим шахс сифатида ҳаракат қилар зканман,— дея цўшимча қилди у,— мен герцогиня Сансеверинага фақат ўз ҳастимпи таклиф қилишнм мумкин. Ҳаетимрга сизнннг ихтиерингизга топшираман.

Чала телба қароқчишшг бундай садоқатини кўриб, герцогипя жуда таъсирлаиив кетди. У Шимолий Италияиинг энг истеъдодли шоири ҳисобланадиган бу одам билан узоқ суҳбатлашиб ўтирар экан, зор-зор йиғлади. «Менипг қалбимип фақат шу одамгина тушу пади»,— дея ўйларди у.

Эртаси куни у яиа кечки ибодатга қўнғироқ чалиигап пайтда келди. Бу гал эиди у хизматкорларга ўхшаб кийиниб олганди.

— Мен Парманй тарк зтганим йўқ. Бу ерда шундай даҳшатларни эшитдимки, уларни такрорламоққа тилим ожизлик қилади. Мана, яиа оегиигизга бош уриб келдим. Нимани рад этаетганингиз тўғрисида ўйлаб кўринг, сииьора! Сиз рўпараигизда қандайдир сарой қўғирчоғини эмас, инсонни кўриб турибсиз.

; чўккан ҳолда шуларпи айтар экаи, Феррантенинг юзидаги ифода унинг сўзларига янада чуқуррок маъно бағишларди. У яиа қўшимча қилди:

— Кеча меи бир иарсаии ўйлаб қолдим: сиз менинг олдимда $иғладингиз, демак, енипгизда турсам, хиел бўлса-да, кўнглингиз бўшар экан.

— Нималар қиляпсиз ўзи! Пармада сизий қаидай хатар кутаетганини эсласангиз-чи! Сизни қамоққа олишади, ахир!

— Курашчи сизга «Сииьора, бурч тилга кирган пайтда ҳаетпинг нима аҳамияти қолади?» — дея жавоб қилади. Цалби севги оловида ена бошлаганидан буен, иадоматлар бўлсииким, саховатдаи юз ўгирган бадбахт одам эса: «Скньора, Фабрицио мард йигит, эҳтимол, у ҳалок бўлар; ўз ҳаетини сизкинг ихтиерингизга топшираетгап бошқа бир мард гаг кўкеидан нтарманг!»— дея қўшимча қилади. Меникг жисмим метип, қалбим эса дуиеда елғиз бир парсадан — сизнинг кўнглингк а олмасликдан қўрқади.

— Агар яка бир марта ўз туйғуларингиздан гап очадиган бўл-* сангиз, уйимнинг эшиги сиз учун бир умрга бпклиб қолади.



Ўша кеча герцогиня Ферраитега униит болалари учуй нафақа тайиилашшш айтмокчи бўлди-ю, бирок бу гапни эшитгач, шоир қочиб кетиши ва ўзини ўзи ўлдириб қўйиши мумкиплигидан чўчиди.

Феррапте чиқиб кетиши биланоқ унинг кўигли қаттиқ ғаш бўла бошлади.

«Ахир мен ҳам ўлишим мумкин...— дея ўйлади у,— майли, худо омонатини олгиси келса, тезроқ ола қолсип, фақат меп унинг кудратига эга бўлган одам топсам бўлгани. Мен ўша одамга бечора Фабрициони тоншириб кетардим».

Бирдан унинг миясига ажойиб фикр келиб қолди: Герцогиня бир варақ қоғоз олди-да, баъзи юридик : ларни эслаб, тилхат езди. Тилхатда унинг синьор Феррапте Палладап йигирма беш минг франк олгани ва ана шу пул ҳисобидан у сииьора Саразине билац унинг бешта боласига бир минг беш юз франк миқдорида умрбод рента тўлаб туриш мажбуриятини олажаги кўрсатилгап эди. Тилхатнинг тагига у қуйидаги иловани езди: «Бупдан ташқари мен юқорида поми зикр қилинган болаларнинг ҳар бирига уч юз франк миқдорида умрбод рента васият қилиб қолдираман. Шартим шуки, врач Феррапте Палла менинг жияним Фабрицио дель Донгони доим даволаб юриши ва унга биродарларча меҳрибонлик қилиши лозим. Ундан шуни илтимос қиламап». Сўнгра у тилхатга имзо чекди-да, ҳужжатга бултурги йилнинг саиасипп қўйнб, уни яшириб Қўйди.

Икки кундан сўнг Феррапте яна герцогинянинг ҳузурига келди; худди ўша куни бутун шаҳар Фабрициоштиг тез орада қатл е;нлажагк ҳақидаги мишмишлардап ҳаяжоига тушганди. Хўш, бу қайғули маросим қаерда ўтказилади? Қалъадами екп шаҳарликларшшг севимли сайргоҳи бўлмиш хиебондами? Ўша кеча авом халқ, дор қурилмаяптимикан, деган савол билан қалъа дарвозаси олдида ўрмалашиб қолди. Оломоиiикг бундай йиғини Феррантени ташвишга солиб қўйди. Герцогиня уни кўзларида дув-дув еш билан кутиб олди. Шу тобда унинг гапиришга ҳоли йўқ эди. У қўли билан саломлашгандек ишора қилди-да, стулни кўрсатди. Ўша куни роҳиблар жуббаспни кпйиб олган- Ферранте жуда ажойиб кўринарди; у стулга ўтиришни истамай тиз чўкди-да, паст овоз билан жуда таъсирли қилиб Дуе ўқий бошлади. Сўнгра у, герцогинянинг хиел тинчигашшн кўргач, тиз чўккан қўйи бир зум дуо ўқишдан тўхтади-да, «Мен сизга яна ўз ҳаетимни таклиф қиламан»,— дея хитоб қилди.

—- Нима деяпганингизни яхшилаб ўйлаб кўринг,— деди герцогиня кўзлари ениб: йиғлаб кўнглини бир оз бўшатгач, унинг дилидаги ғазаби сокип ғам-андуҳдан устун келгакди,

— Фабрицоникг қатл этилишига йўл қўймаслик еки унинг учун иптиқом олиш йўлида мен ўз ҳаеткмии таклиф қилам-ан.

— Ҳозир аҳвол шундайки,— гап қотди герцогиня,— мок таьигафингизга рози бўлиб, қурбониигизии қабул қилишим мумкин.

У шоирга жуда диққат билан қаттиқ тикилиб турарди. Ф-зррантенинг кўзларида қувонч порлади, у шартта ўрнидаи турди-да, фалакка қараб қўл чўзди. Герцогиня енғоқ дарахтиниит тахтасидан ясалган шкаф олдига бориб, махфий қутичадан бир варақ қоғоз олди.

— Ўқиб кўринг,— деди у Феррантега.

Бу шоириинг болаларига аталган ва биз юқорида тилга олгаи уша ҳадянома эди. Ферранте кўзларига еш тўлиб йиғлаб юборди ва ҳужжатни охиригача ўқий олмади. У яна герцогинянинг оеғига йиқилди.

— Доғозни менга қайтариб беринг,— деди хоиим ва ҳадяиомани ениб турган шамнинг оловига тутиб екнб юборди.

— Агар сизни тутиб олиб, қатл этадиган бўлсалар, бу ишга меиинг номим аралашмаслиги керак,— дея қўшимча қилди у.— Ахир сиз ўз ҳаетингизни хавф остига қўяяпсиз.

— Мен ўша золимга зарба бериш учун жон деб ҳаетимни қурбои қиламаи, уни сиз учун қурбон қилишим эса қувончимга қувонч қўшади. Гаиимга ишонинг, кейин тушунинг, ўтинаман сиздан, менга аллақандай пуллар ҳақида бошқа гапирманг. Мен буни ишончсизлик билан таҳқирлаш деб тушунаман.

— Ўзингизни ҳалок этсангиз сиз мени ҳам, кейин Фабрициопи ҳам ҳалок этган бўласиз. Сизиинг матонатингизга ишопмаслнгимдан эмас, фақат сизнинг ҳалокатингизга йўл қўймаслик учунгина мен юрагимга ниш урган ўша одамниит ханжардап эмас, заҳардан ўлишини талаб қиламан. Ўзим учун муҳим бўлган ана шу сабабга кўра яна сизга, нима қилиб бўлса-да, омон қолмоқии буюраман.

— Мен сизнинг ҳукмингизни аник, пухта ва эҳтиеткорлик билан ижро этаман. Менинг қасосим сизнинг интиқомингиз билан қўшилиб кетишини олдиидан сезиб турибман. Лекин ҳатто янглишган тақдиримда ҳам мен барча бу ишларни аниқ, пухта ва эҳтиеткорлик билан бажараман. Эҳтимол, ишим ўнгидан келмас, лекин мен қўлимдан келган ҳамма чорани кўраман.

—Кимии заҳарлаш кераклигини биласизми? Фабрициопинг қотилини. *

— Кимлигини тушундим. Йигирма етти ойдан буен сарсонсаргардоиликда яшар эканман, ўзим ҳам шундай интиқом ҳақида кўп ўйлагандим.

— Агар сиримиз фош бўлиб, мени сизнинг шеригингиз сифатида ўлим жазосига ҳукм қилишса,— деди герцогиня кибр-ҳаво билан,— одамлар мен тўғримда, сизни йўлдан урибди, деб ўйлагаларини истамайман. Иитиқом фурсати келмагунча сизга мен билан бошқа учрашмасликни буюраман. Сигналимии кутинг,— ҳозир уни жазолаб бўлмайди: ҳозир унинг ўлими фойдасизгина эмас, аксинча, мен учун ҳалокатли бўлади. Эҳтимол, уни қатл этмоқни бир неча ой орқага суришга тўғри келар, лекин бари бир у ўлчши керак. Мен унинг заҳарлаб ўлдирилишини талаб қиламан; ўқ еб ўлибди деган гапни эшитишдан кўра унинг омон юрганини афзал кўраман. Кейин сизнинг албатта омон қолишингизни талаб қиламан. Бунинг сабабини эса сизга айтишни истамаймап.

Герцогинянинг унга қандай ҳукмбардорлик билан гапираетганини кўриб, Феррантенинг боши осмонга етди; унинг кўзлари беҳад қувончдан порлаб кетди. Биз илгари айтганимиздек, у ниҳоятда озғин эди-ю, лекин ешлигида жуда барно йигит бўлгани сезилиб турарди. Унинг ўзи эса ҳали ҳам ўша ҳусним деб ўйларди. «Ақлдан озибман,— дея ўйларди у,— еки герцогиня ўз садоқатимни амалда исботлаб берганимдан сўнг менга чиндан ҳам чексиз бахт ииъом этмоқчимикин? Хўш, мени бахтиер қилса нима бўлибди? Унинг учун ҳеч нима қила олмаган, ҳатто монсиньор Фабрициониng цалъадан қочишига ердам бермаган ўша қўғирчоқ граф Москадан қаерим кам экан?»

— Балким шундай бўларки, мен эртагаек унинг ўлимини талаб қилиб қоларман,— дея давом этди герцогиня ҳамон ўша ҳукмбардорлик билан.— Ўзингиз кўп марта яширинган хилватгоҳ енида катта ҳовуз борлигини биласиз. Махфий мурват ердамида ҳовузнинг ҳамма су вини кўчага оқизиб юбориш мумкин. Интиқом учун сигнал ана шу бўлади. Агар Пармада бўлсангиз буни ўзингиз кўрасиз, мабодо ўрмонда бўлсангиз, Сансеверина саройидаги катта ҳовузнинг суви кўчага оқиб кетибди, деган гапни дўстларипгиздан эшитасиз. Шундан сўнг дарҳол ҳаракат бошлайверинг, лекин фақат заҳар ишлатинг ва, энг муҳими-, иложи борича ўзингизни эҳтиет қилинг. Едингизда бўлсин: ҳеч ким ҳеч қачон менинг бу ишга аралашганлигимни билмаслиги керак.

— Бошқа сўзнинг кераги йўқ!— дея жавоб қилди Ферранте дилидаги қувончини аранг яшириб.— Қандай тадбир кўришни ҳал қилиб қўйганман. Бу одамнинг ҳаети мен учун энди илгаригидаи ҳам жирканчроқ бўлиб қолди: у тирик экан, мен сизий кўришга ҳаққим йўқ ахир. Майли, кутаман. Илойим, ҳовузнинг суви тезроқ тошсин.

У таъзим қилди-да, шитоб билан хонадан чиқиб кетди. Герцогиня унинг ортидан тикилиб қолди. Шоир қўшни хона эшиги олдига борганида хоним уни қайта чақирди.

— Ферранте!— дея хитоб қилди у.— Олижаноб инсон!

Ферранте, гўе уни тўхтатиб қолишганидан норози бўлгандек, хопага қайтиб кирди. Унинг юзи шу дақиқада бағоят улуғвор ва гўзал кўринарди.

— Болаларингизнинг аҳволи не кечади?

— Синьора, улар мендан бадавлатроқ. Сиз уларга нафақа тайинламоқчисиз-ку.

— Мановини олинг,— деди герцогиня зайтун дарахтидан ясалган кичкипагина қутичани узатиб.— Барча бриллиантларим шу ерда; улар эллик минг франк туради.

— Нега мени ранжитяпсиз, синьора!..— деди Ферранте даҳшатга тушиб ўзини орқага ташлар экан. Унинг башараси ўзгариб кетди.

— Ҳаракат бошлаш фурсати келгупига қадар мен еиз билан кўришмаймап. Олинг, мен талаб қиламан! — хитоб қилди герцогипя кибр-ҳаволи қарашп билан Феррантени руҳан яксон этар экан,

Шоир қутичани чўнтагига солди-да, хонадан чиқиб кетди.

Бирок; ортндан эшик епилгани ҳамоно герцогиня уни яна чақирди; Ферранте ташвишли бир қиефада яна қайтиб кирди. Герцогиня меҳмонхопа ўртасида гоз қотиб турарди; у ўзини шоирнинг кўксига отди. Ферранте бахтиерликдан хушиии йўқотаезди. Бир дақиқадан сўнг герцогиня унинг қучоғидап сирғалиб чиқди-да, кўзлари билан унга эшикни кўрсатди.

«Мешгаг қалбимии тушунган ягона одам мана шу,— дея хаелидан ўтказди у.— Агар гапимни эшита олгатшда Фабрицио ҳам худдв шундай қилган бўларди».

Герцогинянинг табиатида иккита ўзига хос хусусият бор эди: у бирор нарсани қаттиқ истаса, кейин хеч қачон ана шу истагидан воз кечмас эди; бирор қарорни қабул қилгаиидан кейин эса уни сира ҳам муҳокама қилиб ўтирмасди. Шу боисдап у ўқтинўқтин биринчи эри, шонли генерал Пьетраперанинг сўзларини такрорлагувчи эди. «Нима учун ўзимни ўзим буидай хурмат қилмаслигим керак! Нега эиди шу қарорга келган куннмга Караганда бугун ақлим кўпроқ бўлиши керак экан?»'

Шу кечадан бошлаб герцогинянинг табиатида қандайднр асабий қувноқлик найдо бўлди. Ана шу машъум қарорга келгунига қадар у нима ҳақида ўйламасин, нимага қарамасин, доим шаҳзодага бутунлай қарамлиги, ўзининг заифлиги, ўзининг лақмалик қилгапини ҳис этиб турарди; герцогиня, шаҳзода меии разиллик билан алдади, хушомадгўй сарой аъени бўлмиш граф Моска эса, гарчанд беихтиер бўлса-да, унинг шундай алдашига кўмаклашди, дея ҳисобларди. Ўч олишга аҳд қилгани заҳоти эса, у ўз қудратини ҳис этди, тафаккур қилиш, турли режалар тузиш унга ҳузур бағишлай бошлади. Менинг назаримда, итальянларнинг иитиқом олишдан ахлоқсиз бир тарзда қувонишларининг сабаби ана шу миллатға хос бой хаелотда бўлса керак; ўзга мамлакатларда одамлар аслида дилларини ранжитган кимсани кечиришмайди, шунчаки унинг қилган емонлигиии унутиб кўя қолишади.

Герцогиня Ферранте Палла билан Фабрициронинг қамоқда ўтказган вақти охирлаб қолганда учрашди. Чамаси, китобхон қочиш ҳақидаги фикр худди ана шу одамдан чиққанини фаҳмлаб қолгаи бўлса керак. Сакка амлокидан ўн чақиримча иарида, ўрмон ичида, ўрта асрларда қурилган ва баландлиги юз фут келадиган ярим вайрона минора сақланиб қолгаиди. Цочиш ҳақида герцогиняга иккинчи марта гапирищдан аввал Ферранте хонимдан ўша миноранинг деворларига нарвонлар қўйиш учун у ерда ишончли одамлар билан Лодовиконн юборишни илтимос қилди. Сўпгра у герцогинянинг кўз ўнгида ўша нарвонлардан минорага кўтарилди ва ҳар жой-ҳар жойи тугун қилиб богланган оддий арқондан осилиб ерга тушди; шоир бу тажрибасини уч марта такрорлади-да кейин ўз режасини баен қилди. Бир ҳафтадан сўнг Лодсзико ҳам ўз ихтиери билан минорадаи тутунли арқонга осилиб тушди. Ана шундан кейин герцогиня Фабрициога шундай масла ҳат берди.

Кўпгжжа сабабларга кўра маҳбусни ҳалокатга ол-иб келипш мумкин бўлгап бу қочишдан олдин бир иеча куп давомида герцогиня фақат Феррантени сиида кўрсагина кўпгли хиел тўқ бўларди. Г пинг жасорати уни руҳлантирарди, аммо китобхон аел бу гаройпб дўстликни графдап пипҳона тутишга мажбур эканлигини тушунса керак. Герцогиня министрнинг жаҳли чиқишкдан қўркмаеди, лекин у графнипг эътироз билдирипп;, бу ҳолдаи эса ўзининг ташвиши кучайиб, сарапг бўлиб қолишп мумкиндитидан чўчирди. Бу қанақаси ахир! Телбалиги ҳаммага маълум €ир одамни ўзига энг яқин маслаҳатчи қилиб олса ва тагнн ўша одам ўлим жазосига хукм қилинган бўлса! «Бупиш устига,— дея қўшимча қиларди герцогиня ўзича мулоҳаза юритар экан,— кейинчалик жуда кўп ғалати ишлар килиши мумкин бўлган бир одамни-я!» Граф шаҳзода билан Рассинипг ўртасида бўлиб ўтган гапни герцогиняга айтиб қўйгапи келганида Ферранте хонимнинг меҳмонхонасида эди. Граф чиқиб кетишя биланоқ у ўша мудҳиш режасини дарҳол амалга оширишга киришмоқчи бўлди; герцогиня уни бу ишдан араиг тўхтатиб қолди.

— Эиди мен кучлиман!— дея хитоб қилди телба.— Энди ўша хукмимнинг қонуний эканлигига ҳеч қандай шубҳам йўқ.

— Аммо бундан кейин дарҳол ва муқаррар жазо беришлар бошланди, Фабрициони ҳам қатл этишади!

— Нимаям дердим, шу зайлда у минорадан арқонга осилиб тушиш хавфидан қутулади. Умуман минорадан бемалол тушиш мумкин, бу қийин ҳам эмас ҳатто. Аммо у йигитнинг тажрибаси йўқ.

Маркиз Крешеицининг синглиси турмушга чиқиши муносабати билан тўй ҳам бўлди; тўй тантаналарида герцогиня Клелия билан учрашиб, олийнаеаб жосусларда шубҳа тугдирмай гаплашиб олди. Улар тоза ҳаьода нафас олиш учун бир дақиқа боққа чиқишди. Герцогиня арқоп солинган пакетни Клелияга ана ўша ерда топширди. Бу арқонлар жуда ингичка ва қайишқоқ бўлиб, ҳар ер-хар ери тугун қилиб богланган эди. Улар ипак ва каноптоладан ниҳоятда пишиқ қилиб тўқилганди. Лодовико ҳар бир арқонни жуда синчиклаб текширган эди: улар саккиз квинтал* юкни ҳам бемалол кўтара оларди. Уларни маҳкам ўраб, т-диагт-О[1] ЖИЛДИ шаклидаги бир неча тугунчага жойлашганди. Клелия тугунчаларни олдида, герцогиняга бу арқонларни Фарнезе минорасига етказиш учуп инсоннинг қўлидан келадиган барча чораларни кўришга ваъда қилди.

— Бирок мен сизниniг табиий журъатсизлигиигиздан хавотирдаман,— деди герцогиня.— Бундан ташқари,— одоб билан қўшимча қилди у,— ўзингизга нотаниш бўлган одам учун бунчалар ташвиш чекишингиз сабабини тушунолмаяпман?

[1] Бир саҳифанинг чораги *(лат.)*.

'— Синьор дель Донгонинг бошига бахтсизлик тушган ва меп уви қутқариб қоламан деб сизга сўз бераман.

Бироқ герцогиня йигирма ешли қизнинг журъатига жуда нам ишонарди. Шу боисдан у бошқа чоралар ҳам кўриб қўйди-ю, аммо эҳтиеткорлик юзасидан бу ҳақида комендантнинг қизига айтишпи лозим кўрмади. Кутилганича, комендант ҳам маркиз Крешепци хонадонидаги бу тўй тантанасига қадам ранжида қилди. Герцогиня, агар унга кучли уйку дориси берилса, бу восита таъсирининг биринчи дақиқаларида ҳамма генерал сакта бўлди, деб ўйлайди, ана шунда топқирлик билан иш қилинса, уни қалъага каретада змас, тўй ўтаетган уйга гўе тасодифан тушиб қолган маофада олиб боришга одамларни кўндириш мумкин, дея қарор қилди. Кейин дарров тўй ўтказиш учун еллангап ишчилар кийимини кийиб олган эпчил одамлар ҳам тонила қолади. Ҳамма саросимага тушган бир пайтда улар беморни над жуда баландликда жойлашгап саройгача олиб бориб қўйииши ўз зиммаларига оладилар. Лодовико раҳбарлигидаги бу одамлар кийимлари остига жуда усталик билан анча арқон яшириб олишганди. Чамаси, Фабрициoнинг қочиши ҳақида муттасил ўйлайверганидан герцогинянипг ақли бир оз ўтмаслашиб қолган кўринарди. Ўзи учун бениҳоя азиз бўлгак инсонпипг ҳаети хавф остида эканлиги унинг руҳп учун жуда огир ва эиг муҳими, ҳаддан зиед узоқ синов бўлиб чиққан эди. Бизга тез орада шу парса аен бўладики, унинг ортиқ даражада эҳтиет чораларини кўриши қочиш режасиии барбод қилишига еал қолади. Уйқу дориси кутилганидан анча кучлироқ таъсир кўрсатганини ҳисобга олмагаида, ҳаммаси у тахмин қилгандек бўлиб чиқди; барча, ҳатто врачлар ҳам, генералнипг мпясига код қуйилди, деб ўйлашди.

Клелия ўзини қўярга жой тополмай қолганди, аммо, хайрияткн, у герцогииялинг жинояткорона аралашувидан бехабар эди. Чалажон генерални қалъага маофада олиб келишди. У ерда шундай тўс-тўполон кўтарилдики, Лодовико билан унинг одамлари ичкарига ҳеч қандай тўсқинликка учрамай кириб олишди; фақат «қул куприк» устидагина улариι хўжакўрсинга тинтиб курган бўлишди. Аммо генерални етоқхонасига олиб кириб, тўшакка етқизишгач, уларни хизматкорлар бўлмасига олиб киришди-да, яхшилаб меҳмон қилишди. Тун алламаҳалгача чўзилиб кетган зиефатдаи сўнг меҳмопларга, ўрнатилган қоидага биноак, уларни эрталабга қадар пастки қаватдаги хонала^рга қамаб қўяжакпари, кейин эса комендант ўринбосари уларпи озодликка чиқариб юборажагини тушунтиришди.

Лодовиконинг брдамчилари ўзлари олиб келган арқонларнн унга беришни эвини қилдилар, аммо Лодовиконинг ўзи бир зумга бўлса-да, Клелиянинг диққатини жалб қилолмай қийналарди. Ниҳоят, Клелия бир хонадан иккинчи хонага ўтаетганида у қизга иккинчи қаватдаги меҳмонхоналардан бирининг қоронғи бурчагига тахлаб қўйган арқонларни кўрсатди. Бу ғалати ҳолат



Клелияни қаттиқ ҳайратга солди ва шу заҳоти унинг кўнглида шубҳа туғилди.

— Сиз кимсиз?— сўради у Лодовикодап.

Лодовиконинг мужмал жавобидан сўнг унинг шубҳаси янада ортди.

— Сизни қамоққа олиш керак,— дея қўшимча қилди у.— Сиз бки сизнииг одамларингиз отамии заҳарлашган!.. Ҳозироқ айтипглар, унга қандай заҳар беришган? Шунда қалъа врачи унга тўғри зидди-заҳар белгилаши мумкин бўлади. Цани, дарров айтинг, акс ҳолда, сиз ҳам, шерикларингиз ҳам ҳеч қачои қалъадан остона ҳатлаб чиқмайсизлар.

— Синьорина, сиз бекорга букдай ташвиш қиляпсиз,— дея жавоб қилди Лодовико ниҳоятда одоб ва назокат билан.— Заҳар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунчаки, эҳтиетсизлик туфайли, генералга керагидан ортиқроқ лауданум бериб юборишибди; назаримда, бу иш топширилган овсар малай қадаҳга доридан бир неча томчи ортиқроқ томизиб юборган кўринади. Биз шу қилмишимиздан умрбод афсуслаииб юрамиз, -лекин гапимга инонинг, синьорина, худо ҳақи, ҳеч қандай хатар йўқ. Жаиоби комендаитни фақат янглишиб хиел ортиқча ичиб юборган лауданумдан даволаш керак. Сизга яна бир бор такрорлашга журъат этаман, синьорина: ушбу номатлуб вазифа топширилган малай, монсиньор Фабрициони заҳарлашга уринган Барбонедан фарқла ўларок, ҳақиқий заҳардан сира ҳам фойдаланган эмас. Монсиньор Фабрициoнинг ҳаетига қасд қилганлари учун ўч олмоқ ҳатто бизнинг хаелимизга ҳам келган эмас: овсар малайга фақат лауданум қуйилган шишача берилгаи эди,— онт ичаман, синьорина! Лекин, турган гап, мени расман сўроқ қиладиган бўлишса, мен бу гапларнинг ҳаммасидаи тонаман. Дарвоқе, синьорина, мабодо сиз лауданум ва заҳарлаш ҳақида биронта одамга — ҳатто меҳрибон дон Чезарега ҳам — айтгувдек бўлсангиз, сиз ўз қўлингиз билан Фабрициони ўлдирган бўлиб чиқасиз. Шундан сўнг бир умрга унинг учун қочиш имкониятини йўқотасиз, ҳолбуки, синьорина, сиз монсиньор Фабрициони заҳарлашмоқчи эканликларини, заҳарлаганда ҳам қандайдир безарар лауданум эмас, ҳақиқий оғу ишлатмоқчи экапликларини мендан яхшироқ биласиз. Аллақайси зот бу жииоятни амалга оширмоқ учун бир ой муҳлат берганидан ҳам хабарингиз бор, ўша машъум фармондап кейин эса бир ҳафтадан мўлроқ вакт ўтди. Шу боисдан, синьорина, агар мени қамоққа олишии буюрсангиз еки дон Чезарегами еҳуд биронта бошқа одамгами бир оғизгина сўз айтсапгиз, бизнинг барча уринишларимизни бир ойдан кўпроқ муҳлатга кечиктирган бўласиз, бинобарин, сиз ўз қўлингиз билан монсиньор Фабрициони ўлдирасиз, демоққа менда тўла асос бор.

Клелия Лодовиконинг бундай ғалати хотиржамлигини кўриб даҳшатга тушди. «Нималар бўляпти ўзи?! Мен гўе ҳеч нима бўлмагандек отамни заҳарлагаи одам билан бамайлихотир суҳбатлашиб турибман-а,— дея ўйларди у.— У мени гапига кўндирмоқ-

чи бўляпти, пазокатли иборалар айтиб, ўз хурматини кўз-кўз қилянти... Наҳот муҳаббат меци барча шу жиноятларга бошяаб келган бўлса?..» Виждон азобидан ушшг тили калимага келмай қолганди, қиз аранг сўзлаб, деди:

— Мен сизни аиа шу меҳмонхонага қамаб, устингиздан кулфлаб кетаман. Ўзим лаудаиумдан даволаш кераклигинп айтмоқ учуй врачнинг олдига югураман. Лекин, эй худойим, бупи қаекдай билганимпи одамларга қандай тушунтираман... Кейин кайтиб келиб, сизни чиқариб юбораман.

Клелия ташқарига қараб югурдию бирдан эшик олдида тўхтади:

— Айтинг-чи, Фабрицио лауданум ҳақида бирор гап билармиди?

— Е раббим! Синьорина, нималар деяисиз! У сираям рози бўлмасди. Сиримизни бекорга ошкор қилишдан сизга не фойда?! Биз жуда эхтиеткорлик билан ҳаракат қиламиз. Монсиньорни қутқармоғимиз керак,— ахир уч хафтадац сўнг уни заҳарлашади! Фармон шундай бир одам томопидан берилганки, унинг Гайани иккита қилган кимса омон қолмайди, агар сизга очигини айтадиган бўлсам, синьорина, бизнинг маълумотларимизга Караганда, бу вазифа жуда дажжол бир одамга — фискал Рассининг ўзига топширилган.

Клелия даҳшатга тушиб хоиадан югурганича чиқиб кетди. У дон Чезаренииг ҳалоллигига тўла ишонарди. Гуиз амакиси^а баъви тафсилотларпи айтмай отасига заҳар эмас, лауданум беришганини хабар қилди. Дон Чезаре хеч қандай жавоб бермай ва ҳеч нимапи сўраб-суриштирмай, врачнинг олдига югурди.

Клелия лауданум воқеаси ҳақида дурустроқ сўраб-суриштириш учун Лодовиконни қамаб кетган ўша меҳмонхонага қайтди, Бироқ Лодовико гойкб бўлганди: у қочиб кетибди. Циз стол устида цехинлар тўла ҳамеп билан турли заҳарлар солинган кутичани курди. Бу заҳарларга кўзи тушгач, Клелиянинг бутун вужудида титроқ турди. «Отамга фақат лауданум берилганига ким кафил була олади? Хўш, герцогиня Бавбшшнинг суиқасди учун қасос олмоқчи бўлса-чи? Е тангрим,— дея хитоб қилди у,— мен отамни заҳарлаган одамлар билан бамайлихотир гаплашдим ва уларпинг қочиб кетишларига йўл қўйиб бер дим! Валким, ўша одам сўроқ пайтида отамга лаудаиумдан бошқа нарсалар ҳам ичиришганини тан олармиди!..»

Клелия зор-зор йиғлаганича шартта тиз чўкди-да , Биби Марьямга сиғиниб, ибодат қила бошлади.

Бу орада эса дон Чезарениг фақат лаудаиумдан даволаш кераклиги ҳақидаги хабаридан беҳад ажаблаиган қамоқхоиа врачи лозим бўлган чораларпи қўллаган эди, тез орада энг ташвишли симптомлар ғойиб бўлди. Тонг бриша бошлаган пайтда бемор бир оз ўзига келди. Унупг ҳушига келишининг бирипчи аломати узи беҳуш етганида баъзи арзимаган буйруқлар бериб юборгани учун ердамчиси бўлмкш лолковлшши сўкишдан иборат бўлди.



Сўнгра генерал унта шўрва келтиргап пайтида оғзидан «вяи ла?к» сўзи чиқиб кетган ошназ хотинга қаттиқ бобиллаб берди.

— Менинг ешимда' ҳам палаж бўладими одам? Фа-нат ашаддий душманларимгина таркатиши мумкин бупақа мишмишлариии. Цориқ билан қонимни олишга зарурат бўлмагапидан кейич ўша тухматчиларпииг ўзлари ҳам палаж ҳақида гапиришга журъат этишолмайци!

Цочишга ҳозирлик куриш билан машғул бўлган Фабрицио чалажон коме.идантни олиб келишган пайтда қалъада кўтарилган ғалати тўс-тўполон сабабини сира тушунолмай қолди. Л.ввали а у, ҳукм ўзгартирилибди, ҳозир мсни қатл этгани олиб кетишса керак, доган хаелга ҳам борди. Аммо ўзининг камерасига ҳеч ким келавермагач, йигит Клелиянинг сири ошкор бўлиб, чамаси, у қалъага арқон олиб келабтганида қўлга тушиб қолибти, энди барча қочиш режаларидан фойда йўқ, дея ўйлади. Тонтотарда камерага қаидайдир нотаииш бир одам кириб келди-да, стол устига мева-чева солинган саватни қўйиб, индамай чиқиб кетти. Меваларнинг остига қуйидаги мазмунда езилган мактуб яшириб қўйилган экаи:

«Гарчи ўзимнииг миямга келган фикр ту файли бўлса-да, лекин,— худога минг қатла шукрким!— менинг ризолигимсиз ;^илипган зулм учун виждон азобидан қалбим ўртанар экаи, мен Биби Марьям қаршисида касам ичдим: агар унииг марҳамати билан отам омон қолса, мен ҳеч қачон унинг иродасига қаргаи чиқмайман; мен маркиз Крешенци оғиз солган заҳоти унга турмушга чиқаман ва ҳеч дачон сиз билан юз кўришмайман Аммо бошланган ишни ниҳоясига етказиб қўймоқни ўз бурчим деб биламан; Мана шу якшанба куни менинг илтимосим билан сизий олиб боришадиган пешинги ибодатдан қайтар экансиз (охиративгизни ўйланг,— ўша бағоят мушкул синов махали ҳалок бўлишингиз мумкин ахир), шундай қилиб пешинги ибодатдан қайтар экансиз, дейман мен, ўз камерангизга иложи борича секинроқ чиқишга ҳаракат қилинг; у ерда сиз ўйлаб қўйилган иго учуп зарур барча анжомларни топасиз. Агар сиз ҳалок бўлсангиз, қалбимни чексиз қайғу қоплайди. Наҳот мен сизиинг ҳалокатингиз учун айбдор бўлиб қолсам! Бироқ герцогийянийг ўзи меига Раверси тўдасининг қўли баланд келяпти, деб бир печа бор такрорлади ахир: граф Моска билан умрбод тескари қилиб қўймоқ учуп қандайдир евузлик ниятида шаҳзоданинг қўл-оеғини боғлаб олишмоқчи эмиш. Герцогиня кўзларида еш билан онт ичиб айтишича фақат биргина йўл қолибди ва агар сиз шу гал қочишга урииб кўрмасангиз, ҳалок бўлар эмишсиз. Менинг сизга орти^ қарашим мумкин эмас,— шундай қасам ичганман, аммо якгаапба купи кечга який мепи одатдаги жойда қора кўйлак кийган ҳолда кўрсангиз, огоҳ бўлииг, тунда ҳаммаси тайер бўлади, менинг ожизона кучим имкон берганича албатта. Кечқурун соат ўн бирдан кейин — эхтимол ярим кечада еху соат бирда — менинг деразамда кичкинагипа чироқ енади: бу ҳал қилувчи дақиқа кел-

гани ҳақидаги бел ги бўлади; ана шуидац сўпг қиоматингизни яратган эгамнинг қўлига топширинг-да, дарҳол сизга етказиб беришган руҳоиий жуббасини кийиб қочинг.

Алвидо, Фабрицио. Сизни катта хатар кутмоқда. Инонинг, ўша дақиқаларда мен сиз учуп ибодат қилиб, зор-зор йиғлаб турган бўламан. Магар сиз ҳалок бўлсангиз, мен ҳам узоқ яшамайман. Е раббим, мен нималар деянман узи!.. Лекип сиз омон қолсангиз, мен сизни бошқа ҳеч қачон кўрмаймаи. Якшанба куни пешинги ибодатдан сўнг сиз ўз камераигизда пул, заҳар, арқонларни топасиз,— уларни сизни беҳад севадиган ўша даҳшатли аел юборган; у шупдаи бўлак нажот йўли йўқ, дея менга уч карра такрорлади. Сизни парвардигор билан Биби Марьям ўз паноҳларида асрашсин!»

Цамоқхона нозири Фабио Контининг жуда бадфеъл одам эканлигини яхши биламиз; маҳбуслардан бирontасининг қочиб кетиши мумкинлиги ҳатто унинг тушларига ҳам кириб чиқарди; қалъада банди қилинган маҳбусларнинг бари уни қаттиқ емон кўришарди; аммо бахтсизлик одамларнинг шаштини иасайтириб Қўяр экан; бечора маҳбуслар, ҳатто баландлиги уч фут ва узуалиги олти фут келадиган казематларга кишанланиб, ўринларидан туриб ўтиришга ҳам имкон бермайдигап тош тобутларга тиқилган бадбахт бандилар ҳам комендаптнинг соғ қолганини эшитишгач, ўз ҳисобларидан худога шукрона ўқитишга қарор қилишди, Икки-уч маҳбус Фабио Копти шарафига сонетлар ҳам езишди. Одамларга бахтсизлик ана шундай таъсир қилар экан! Аммо уларнинг бу ишларини биронта одам қоралагудек бўлса, майли, ўша одам лоақал бир йил баландлиги уч фут келадиган казематда кунига бор-йўғи саккиз упция нон олиб, жума кунлари рўза тутиб яшаб кўрсин!

Отасининг хонасидап фақат бутхонада ибодат қилиш учунгива чиқаетган Клелия комендант байрамни якшанба кунга қолдиришга қарор қилганини айтди. Якшанба купи эрталаб Фабрицио ибодатга ва худога шукрона ўқиш маросимига чиқди; кечкурун мушакбозлик бўлди, комендант саройининг пастки залларида эса солдатларга вино тарқатишди. Бу гал винони уларга одатда комендант берадиганига нисбатан тўрт ҳисса кўпроқ тарқатишди, кимдир эса уларга ҳатто тўртта кичкина-кичкина бочкаларда ароқ ҳам юборибди. Солдатлар дарҳол бу бочкаларнинг оғзини очишди. Олийҳиммат майхўрлар сарой олдида тургап беш нафар соқчиларни ҳам унутишмади. Будкада турадиган соқчилар алмашганда ҳар гал атайлаб тайинланган хизматкор янги соқчига вино қуйиб берар, соат ўн иккидаи эрта тонгга қадар постда турадигап солдатлар эса кимнингдир қўлидан бир стакандан ароқ ҳам олишарди; кейинчалик суд тафтишида аниқланишича, ҳар гал солдатни ароқ билан сийлашганидан сўпг шишани унинг будкаси олдида унутиб қолдираверишибди.

Зиефат Клелия ўйлаганидан анча узоқроқ чўзилиб кетди, шу боисдан бундан бир ҳафта бурун вольера томонга қарамагап иккинчи деразасидаги нанжараникг иккита темир чивиғиии арралаб қўйган Фабрицио фақат кечаси соат -бнрлардагина қопқанииг тахталарини кўчириб ола бошлади. У комендант саройини қўриқлаб тургап соқчиларнинг бошлари тепасида ишламоқда эди, бироқ улар ҳеч нимани эшитишмади. Бир юз саксон фут тепаликдан тушишга мўлжалланган узун арқонга у фақат бир неча япги тугун қўшди. Арқонни у елкаси оша гавдасига ўраб олди; аммо бу йўгон ўрам унинг ҳаракат қилишига жуда халал бериб турарди. Тугуилар арқон ҳалқаларининг текис тахланишига йўл қўймас, шу боисдан ўрам унинг гавдасидан камида икки қарич туртиб чиққанди. «Жуда халал берадиган бўлди-да!» —дея ўйларди Фабрицио.

Бу ўрамни бир амаллаб елкасига ўраб олгач Фабрицио ўттиз беш фут баландликдан комендант саройи жойлап1ган. тош майдончага тушиш учун мўлжаллаб қўйгаи иккинчи арқопни қўлига олди. Соқчилар қанчалик маст бўлишмасин, йигит бари бир тўппатўғри уларнинг боши устига тушиб бора олмасди, шу боне у камерасидаги иккинчи деразадан бир вақтлар қоровулхона бўлгая катта бинонинг томига тушишга аҳд қилди. Генерал Конти ҳушига келиши биланоқ юз йилдаи буен ташлаб қўйилган ана шу эски қоровулхонага икки юз солдатни яюйлаштиришни буюрганди — бемориинг иижиқлиги шу бўлди; генерал нуқул ҳамонки мсни заҳарлашга уриниб кўришдими, энди тўшакда етганимда иичоқлаб ўлдиришга ҳаракат қилишади, шундай экан, мени икки юзта солдат қўриқлаб турсин, дея такрорларди. Ушбу чора Клслиянинг қалбини қанчалик ларзага солганини тасаввур қилиш осон бўлса керак. Бу тақводор қиз отасига хиенат қилаетгапини жуда яхши тушунарди — у севадиган маҳбуспинг манфаати йўлида отасини заҳарламоқчи бўлишди-ку ахир. Кутилмаганда мана шу икки юз солдатнинг пайдо бўлишида у дарҳол тақдири азалнинг иродасини, Фабрициоии қочишига кўмаклашишни таъқиқ этиш ишорасини курди. Аммо Пармада барча Фабрициoнинг куни битгани ҳақида гапирмоқда эди. Бу қайғули янгилик ҳатто синьора Щулия Крешеициьшг тўйида ҳам оғизга олингапди. Барча жарангдор упвонлари ҳамда бош министрнинг ҳомийлигига қз.рамай, эҳтиетсизлик оқибатида қандайдир арзимас бир масХарабозни ўлдириб қўйгани учун Фабрицио ҳамонки тўққиз ой қамоқда ўтириб, ҳали ҳам озодликка чиқарилмабдими, демак у сиесий Ялиноятга аралашиб қолган. «Шундай экан, уни ортиқ тилга олмаслик керак,--дейишганди одамлар,—Агар маъмурлар уни майдопда ошкора қатл зтмоқни ноқулай деб ҳисоблашеа, у тезда бирор дардга чалиниб ўлади». Яқинда генерал Контининг са-ройида ишлагап чилангар одамларни, Фабрициоии аллақачоп нариги дунега жўнатишган ва фақат сиесий мулоҳазаларга кўра унинг ўлимини халққа ошкор қилмай туришибди, дея ишонтирмоқчи бўлганди. Ана шу одампинг сўзлари Клелияни бир қарорга келишга мая«бур этди.

## Йигирша *титтчи* #о#

Кундуз купи Фабрициошшг кўигли пегадир ғаш бўлиб, миясини шум хаеллар чулгаб олди. Аммо соатнииг хал дилувчи д»дида Я'шилешу.б келаетгапидан далолат бериб бопг уришишз эшитгани сайин унинг кайфияти кўтаршшб борди. Герцогиня упга, каморапи тарк этиб, бирдан тоза хавога чидиб цолгач, эхтимол, заифлашиб, харакат дплишга дийналиб доларсаи, у холда бир юз саксон фут баландликдан ўзингпи паетга ташлагаидан кўра соцчиларшшг қўлига тушиб долганинг маъдул, деб езганди. «Агар чиндап хам шупдай мазам дочиб долса,— дея ўйларди Фабрицио,— панжаранинг енига чўзитиб, бирор соат ухлаб оламак-да кейин яна паетга туша бошлайман. Ахир Клелиянипг олдида дасам ичганман, эпди бир умр жонимни ховучлаб, мепга келтиришган ноннинг таъми ғалати эмасмикин, деб ўтирмай Далъапинг энг баланд деворидай ггабтга дулагатгам" маъдўл. Одам захардаи ўлаетганида жон таслим этиши жуда дахшатли бўлса керак. Фабио Конти пачакилашиб ўтирмайди, овдатимга далъасида каламушларни дириш учун ишлатадиган маргимушдан солиб тоборинши бугоради дўяди».

Ярим кечага ядин По сохилларида ўдтин-ўдтин бўлиб турадигандек қалин од туман тушиб, у аввал шахарни, сўнгра тога майдон ва қалъапинг бош минораси атрофидаги бастионларпи чулғаб олди. Фабрицио, солдатлар баландлиги бир юз саксон фут келадиган девор енида барпо этишган боғни ўраб турувчи акаслар эиди тош майдонча панжарасидан умуман кўринмаса керак, дея дилидан ўтказди. «Жуда яхши!»— ўйлади йигит.

Соат ўн икки яримга занг чалди, бир оздан сўнг вольеранинг деразасида чирок енди. Фабрицио қочишга шай бўлиб турганди. У чўдиниб олди-да, дастлабки ўттиз беш фут баландликдан комендант саройи жойлашган майдончага тушиши учун мўлжаллаиган арқоппи каравотининг оеғнга боғлади. У кечагина ўша биз айтган икки юз солдат жойлашган қоровулхонанинг томига осонги-на тушиб олди. Соат чоракам бир бўлгаиди-ю, аммо, бахтга қарши, солдатлар хали уйғод эдилар. Фабрицио бесўнақай ғовак черепицалар устидан камоли эхтиеткорона қадам ташлаб борар екан, дулоғига солдатларнинг томда шайтон юргани ка уни милтиддан отиб дулатит кераклиги х-акидаги гаплари чалинарди. Бир иеча овоз буидай гапларни гапириш шаккоклик эканлигини айтишди; бошқалар эса, ўд узеангу лекин хеч кимии ўлдира олмасанг, бутун гарнизошга бекорга бесаранжом дилганипг учун комендант хаммангни дамодда тиқиши мумкин, дея хадик билдиришди. Барча бу доно мулохазаларни эшитар экан, Фабрицио томдан тезрод ўтиб олишга харакат қилар ва бупдан оеғи остидаги череиица цаттидрод дарсилларди. У доровулхона деразалари даршисидаи осилиб тугааетганида деразаларда бир талай милтид пайзалари кўринди; йигитнинг бахтига том сербар бўғотли бўлгани учун у девор сиртидан тўрт-беш фут нариродда арқои орқали сиргалиб тушмодда эди. Кейинчалик баъзи одамлар, ўша балои азим Фабрицио чиндан хам ўзини шайтон дилиб кўрсатибди ва солдатла-рга деразадан ховуч-ховуч цехин итдитибди, деб юришди. Бизга маълум бўлишича, аслида у цехинларни камерасининг полига, кейин эса Фарнезе минорасидан панжаранинг олдигача босиб ўтган йўлига сочиб кетгапди — мабодо қувиб долишеа, шу зайлда солдатларни чалғитмодчи бўлганди.

Чор атрофини одатга кўра хар чорак еоатда «Менинг постим атрофида хаммаеқ осойишта» дея қичқириб турувчи содчилар ўраб олган майдончага тушгач, у ғарбий девор панжараси томон юрди ва ундац ядги тощ дозцдни дидириб тддди.

Агар бутун шахар бу қочишнинг муваффадиятли чиддапидаи хабар топмаганида росмана шундай воқеа содир бўлганига шуб-' халапиш ва цанжара бўйлаб дўйилган сокчилардап биронтаси хам уни кўрмагани, ушлаб қолмаганини адл бовар қилмайди дея хисоблаш мумкин эди. Гап шундаки, дадида сайин юдори кўтарилиб бораетган туман ўша пайтга бориб, Фабрициошшг гапига кўра, Фарнезе минорасининг дод белигача чулгаб олгапди. Бирод юдорида туман пардаси хали унчалик далин бўлмай, Фабрицио у &қ-дан-бу едда юриб турган содчилардан баъзиларшш яхши кўриб турарди. Кейинчалик ўзи хикоя дилишича, йигитни дандайдир гайритабиий бир куч олдинга итаргандек бўлибди ва у панжара енига бо-риб, сира тап тортмай бир-бирига анча ядин турган икки содчи ўртасига туриб олибди. У шошилмайгипа гавдасига ўраб олган ардонни ечибди; аркрн икки марта чувалиб колибди, шунда унинг чигалини ечиб, панжара устига тахлаб дўйгунича йигит аича овора бўлибди. Чор атрофдан содчиларнинг овози эшитилиб тураркан. Фабрицио, енимга ядинлашган хар дандай одамга ханжар саичаман, дея ахд дилиб дўйганди. «Мен сира хам хаяжоиланмадим,— дея хикоя диларди у,— назаримда, дандайдир маросимни бажараетгандек эдим».

Нихоят, у ардонниит чигалини езди-да, уни тарновнипг тешигидан ўтказиб, панжарага боғлади; кейин панжаранинг устига чидди ва худога сиғиниб ибодат дилди. Сўнгра, гўе рицарлар пайтидаги дахрамонлардек бир зум Клелия тўғрисида ўйлаб турди. «Тўддиз ой мудаддам мана шу далъага кириб келган енгилтак ва саед Фабрициога данчалар ўхшамайман-а!»— дея хаелидап ўтказди у. Нихоят, у ана шу юксакликдан паетга туша бошлади. Ўзининг айтишича, у беихтиер харакат дилибди. Назарида у гаров бойлашган-у, еппа-еруғ куни дўстлариниит кўз ўнгида ардонга осилиб тушаетгандек кўринибди. Деворнинг ўртасига келганида бирдан билакларида куч долмай, у хатто ардонни дўйиб юборгандек хам бўлибди-ю, аммо шу захоти яна ардонни чангаллаб олибди. Эхтимол, аъзойи баданимни тирнаб додаетган иовдаларга епишиб олгандирман, дея хикоя дилгаиди кейинчалик 1!ггит. Вадти-вадти билан икки кураги ўртасида шу дадар кучли оғрид турардики, хатто нафаси бўғизига тидилиб колаетгандек туюларди. Кейин хавода муаллад осилиб силкиниши, ар! и

билан дспор ўртасида муттасил тебраниб тушиши ҳам унинг кўнглини қаттиқ беҳузур қиларди. Буталар орасидаги инларида етган қандайдир бесўнақай қушлар патира-путир учиб чиқиб, унга урилиб кетишарди. Аввалига йигит ўзлари ҳам арқопга осклиб, орқасидан қувиб тушаетган одамлар ҳамла қилишяпти деб ўйлади ва ҳимояга ҳозирланди. Нпҳоят, йигит ҳеч қандай тўсқипликка учрамай, миноранинг пойдеворига етиб олди, фақат иккала қўли қоп-қора қонга беланганди. Унипг ҳикоя қилишича, миноранинг ўртасига етгач, тушиш анча осонлашибди, зеро, ўша ердан бошлаб девор қиялашиб тушган экан: у бутуп гавдаси билан деворга тиралганича тошлар орасидан ўсиб чиққан буталарга тирмашиб тушаверибди. Солдатлар барпо этган боққа етиб олгач, у тепадан бор-йўғи тўрт-беш футли бута бўлиб кўринган, аслида эса баландлиги ўн беш-йигирма футли акас дарахти устига қулаб тушибди. Ўша дарахт остида ухлаб етган қандайдир ароқхўр уни ўғри деб ўйлабди. Дарахтдан йиқилгап найтида Фабрициonинг чап елкаси яхшигина лат еди. У ўрнидан турибди-да, кўтарма томон югурибди, аммо кейинчалик ҳикоя қилишича, ўша тобда мутлақо ҳолдан тойгани туфайли оеқлари майишиб-майишиб кетаверибди. Хавф-хатарга қарамай йигит ерга ўтирибди-да, сувдонида қолган ароқдан озгина ичиб юборибди. Шундан сўнг қаттиқ уйқуси келиб, ерга етибдию ухлаб қолибди. У бир неча дақиқа шу қадар қаттиқ ухлабдики, уйғониб кетгач, нега камерасида эмас, дарахтлар остида етганици тушунолмай гарант бўлиб ўтирибди. Ниҳоят, таҳликали аҳволини эслабди. Шу заҳоти йигит кўтарма томон йўл олибди-да, узун карвондан унинг устига чиқибди. Шундоқ яқингинасида қоровуллик қилиши лозим бўлгаи соқчи ўз будкасида хуррак отиб етган экан. Фабрицио кўтарма устидаги баланд ўсган ўтлар орасида эски тўпни топибди ва унга учинчи арқонни боғлабди; у хиел калтароқ экан, шу боисдан йигит таги деярли тиззасигача балчиқ бўлган зовурга сакраб тушибди. Оеққа тургач, у йўл тоиишга уриниб, атрофга аланглаган ҳам эканки, қапдайдир иккита одам унинг тирсагидан тутишибди; Фабрициoнинг дилини бир лаҳза ваҳима босибди, аммо шу найт аллаким унинг қулоғига «Оббо, монсиньор-ей, монсиньор-ей!» дея шивирлаганини зшитибди. Йигит булар герцогинянинг одамлари эканлигини элас-элас тушуиибди-ю, ҳушидан кетибди. Бир оздан сўнг у ўзига келиб қараса, ҳалиги одамлар чурқ этиб овоз чиқармай, шитоб билан қадам ташлаганича уни кўтариб кетишаетганмиш. Кейин улар бирдан тўхтаб қолишибди. Фабрицио бундан қаттиқ ташвищга тушибди, Бироқ на гапиришга, на кузини очишга мадори етармиш; щу пайт бирдан кпмдир уни қучоқлабди-ю, Фабрициoнинг димоғига герцогинянинг кийимларига хос таниш хушбўй ҳид урилибди. Шундан сўнг у жонланиб, кузини очибди, аммо аранг: «Меҳрибонгинам...»—дебдию яна ҳушидан кетибди.

Икки юз қадам нарида вафодор Бруло графга содиқ бир тўда иолициячилар билан зарурат туғилеа ердамга келишга ҳозир турардк; графнипг ўзи эса герцогиня Фабрициони кутаетгап жойдан хиел наридаги кичкинагина бир уйда ўтирган эди. Лозим бўлиб қолса, у сира иккиланмай қилич яланғочлаган бўлардди, енида истеъфога чиққан офицерлардан бўлмиш бир неча дуети унга ердам бермоқ учун тайер туришарди; граф Фабрициoнинг ҳаети хавф остида дея ҳисоблар ва шу боисдан ҳам уни қутқариб қолишни ўз бурчи деб биларди,— ҳолбуки бир неча ой муқаддам шаҳзода; агар граф адолатсиз ҳукм ҳақидаги сўзларни тушириб қолдириб, номаъқул иш қилмаганида йигитни афв этиш ҳақидаги фармонга индамай имзо чекиб юборган бўларди.

Ярим кечадан буен герцогиня тиш-тирноғигача қуроллапган одамлар ҳимоясида қалъа кўтармаси енидан у *екдан-бу екқа юриб турарди; шу тобда у бир жойда тура олмас ва нуқул Фабрициони таъқиб қилувчилар чангалидан зўрлик билан тортиб олиш режаси ҳақида ўйларди. Унипг жўшқик хаелоти минглаб эҳтиет чораларини катнф этардики, биз уларнинг ҳаммаси тўғрисида гапираверсак, ҳикоямиз ниҳоятда чўзилиб кетгап бўларди. Фақат бир нарсани қайд этамиз: бу чораларнииг бари ўта телбалик эди. Кейинчалик маълум бўлишича, ўша тунда хошганинг саксон кишидан кўпроқ ердамчилари қандайдир жасорат кўрсатишга тўғри келади деган хаблда жапг қилйшга ҳозир бўлиб туришган экан. Хайриятки, герцогинянинг барча фаолиятига Фер_ранте^^илан Лодовико раҳбарлик қилишган, полиция министри!ШП?ечни1<Гага қаргаилик кўрсатмай жимгина ўтирган экан; аммо граф ҳеч ким герцогиняга хиенат қгошаганига амин бўлди, зеро, министр сифатида унинг ҳеч пимадан хабари йўқ эди.

Ниҳоят, герцогиня Фабрициони кўргач, мутлақо эс-ҳушини йўқотиб қўйди; у энтикиб, жиянини қучоқлар экан, қўйлагида қон изини кўриб, жуда қўрқиб кетди; қон Фабрициoнинг қўлидаги шилинган жойлардаи оқмоқда эди, хонимга эса йигит қаттиқ яралапгандек кўринди. Герцогиня яраларини боғдамоқ учун хизматкорлардан бирининг ердамида унинг кийимини еча бошлаган эди, хайрият шу ерда турган Лодовико Фабрицио икковини деярли мажбуран шаҳар дарвозаси олдидаги дарахтзорга яшириб қўйилган тезюрар кареталардан бирига ўтқазди. Отдар Сакка амлоки томон елиб кетди. Улар По дaресииинг нарити соҳилига ана ўша ерда ўтиб олишга қарор қилишганди. Ферранте йигирма нафар қуролланган суворийлар билан кареталар ортидан от солди; у таъқиб этувчиларни тўхтатиб қолишга жопини ўртага қўйиб қасам ичганди. Елғиз қодгап граф яна икки еоат давомида қалъанинг атрофида айланиб юрди ва у ерда осойишталик ҳукм сураетганига ишонч ҳосил қилгач, пиеда уйига жўнади.— «Мана, мен ҳам давлатга қарши жиноятда иштирок этдим»,— тантана қилиб дерди у ўзига ўзи.

Лодовиконинг миясига герцогинянинг хизматидаги ва ташқи киефаси Фабрициoга айнан ўхшаш еш жарроҳни кареталардан бирига ўтқазиш ҳақида ажойиб фикр келди.

— Болопья томопга жўпааг,— деди унга Лодовико,— Иложи борича ношуд бўлинг, шундай қшнгки, сизни қамоққа олишсин, жавоб бераетганингизда адашиб-адашиб кетинг ва иихоят ўяннгизнинг гўе Фабрицио дель Донго з-канлигингизга иқрор бўлинг. Муҳим.и — вақтдан ютиш. Ношуд бўлиш учун бутун маҳоратингизни шита солинг. Нари борса, бир ой қамоқ билан қутуласиз, герцогиня эса сизга эллик цехин совға қилади.

— Герцогиняга хизмат қиладигап одам наҳот пул ҳақида ўйласа?

Еш жарроҳ йўлга тушди. Бир неча еоатдан сўнг уни қамоққа олишди. Бу хабарни эшитгач, генерал Фабио Конти билап Рассининг хурсанд бўлишганини кўрсангиз эди. Ахир бога фискал Фабрициога қутқу солаетган хавф-хатар билан ўзинипг баронлик уивонини олиш ҳақидаги умиди ҳам ҳавога учишини яхши тушуиарди.

Цалъада Фабрицнонинг қочиб кетгани эрталаб еоат олтиларга яқин маълум бўлди, шаҳзодага эса бу ҳақида айтмоққа фақат еоат ўнда журъат этишди. Фабрицнонинг қаттиқ унқусини беҳушлик дея ўйлаган герцогиня уч марта отларни тўхтатди, аммо унга шу қадар яхши хизмат қилишмоқда эдики, хоним эрталаб еоат тўртдаеқ бутун хешлари билан қайиққа ўтириб, По даресииинг нариги соҳилига ўтиб олди. Ч-ап соҳилда уларпи янги кареталар кутиб турганди; шитоб билан яна ўп чақиримча йўл босишди, сўнгра бир еоатдан мўлроқ вақтлари паспортларипи текширишга кетди. Герцогиввнинг енида ўзи учун ҳам, Фабрицио учун ҳам бир талай ҳужжат бор эди, бироқ ўша куни аел эс-ҳушини бутунлай йўқотиб қўйганди: у Австрия полициясининг котибига ўн наполеондор пул бермоқчи бўлди ва устига-устак унинг қўлидан тутганича ҳўнграб йиғлаб юборди. Котиб қаттиқ қўрқиб кетди ва паспортларни қайтадан текшира бошлади. Йўлнинг уеғига улар почта каретасида жўнашди: герцогиня барча хизматлар учун ҳаддан ташқари кўп пул тўлар ва шу боисдан ҳамма жойда шубҳа туғдирарди: бу мамлакатда ҳар бир хорижий одамга шубҳа билан қарагувчи эдилар. Лодовико бу ўринда ҳам унинг жонига оро кирдй"; у ҳаШгага, герцбГйня ПарМа бош Шшистрининг ўғли, еш граф Москанинг қаттиқ безгак касалидан эс-ҳушини йўқотиб қўйган, хоним врачлар билан маслаҳатлашкоқ учун беморни тезроқ Павияга етказмоқчи, дея изоҳ бераверди.

По соҳилидан қирқ беш чақирим йўл юришганидан кейингина Фабрицио бутунлай уйғонди: унинг елкаси чиққан, қўлларининг эса ҳаммаеғи пшлиниб кетганди. Герцогиня ҳамон пулни орқа-олдига қарамай совурардики, улар тушлик қилишга тўхташ]*ан қишлоқ меҳмонхонасининг эгаси уни император хонадониДан бўлмиш малика деган хаелга борди ва шунга яраша иззатйкром кўреатмоқчи бўлди; аммо Лодовико, агар уни кўнғироқ Залиб кузатгудек бўлсангиз, малика сизни албатта қамоққа



ташланши Єуюради, дея меҳмоихона эгасишшғ шаштипн пасайтириб қўйди.

Кечқурун еоат олтиларга який улар, ниҳоят, Пьемоитдаги амлокларига етиб боришди. Фабрицио фа: ердагина хавф-хатардан бутунлай холи бўларди; уни катта йўлдан анча узоқда жойлашган кичкина бир қишлоққа олнб келишди-да, яраларини қайтадан боғлашди. Бу е-рда йигит яна бир неча еоат ухлади.

Ана шу қишлоқда герцогиня ахлоқ қоидал&ри нуқтаи назаридан қаттиқ беодоблик ва уви ;члигини умрбод йўқотгаи бир иш қилди. Фабриц. [да« бир ҳафта аввал, бутун Парма унга атаб дор қуркшмаяпткмикан, дея қалъа дарвоаасн олдида уймалашиб юрган ўша оқшом герцогиня ўзинипг ишончли одами бўлиб қолган Лодовикога XIII аерда қурилган ва биз юқорида тилга олгаи ўша машхур ҳовузншгг тубидаги усталик билан яшириб қўйилган темир гардшпдан тош тиқиини олиб ташлаш сирини кўрсатган эди. Мана энди, Фабрицо қишлоқ меҳмонхонасида ухлаб етар экап, хоиим Лодовккоии ҳузурига чақирди. Лодовикога аел ақлдан озгандек кўринди,— зеро, герцогиня унга ўқтин-ўқтин гадати нигоҳ ташлаб кўп>юцда эди.

— Чамаси, у ҳозир менга бир неча мипг франк пул беради, деб ўйлаетган бўлсангиз керак,— деди аел унга.— Йўқ, сизни яхши биламап,— шоирроқ одамсиз, бу нулни тез кунда сову риб юборасиз. Мен сизга Казаль-Мажоредаи тўрт-беш чақирим нарида жойлашган Ричиарда амлокини совға қиламан.

Лодовико ўзида йўқ хурсанд бўлиб, герцогишшнг оеғига йиқилди ва бутунлай самимият билан-унга моксиньор Фабрициони қутқаришга пул учун эмас, балки бир вақтлар герцогинннинг хонадопида учинчи кучер бўлиб хизмат Б'илтан кезлари бу йигитга қаттиқ меҳр қўйиб қолгани туфайли ердам бергаишги айтди. Сўнгра чиндан ҳам олижаноб бу одам, шундай аелзода хоиимнинг ҳузурида узоқ туриб қолдим, деган хаелга борди-да, чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо кўзлари чақнаб турган герцогиня уни тўхту'ди:

— Шошманг.

У гоҳо-гоҳо Лодовикога қандайдир еввойи қараш қилгаиича индамай қишлоқ меҳмонхопасининг бўлмасида у екдан-бу екқа юрарди. Бекасининг бу ғалати сайри ҳадеганда тўхтайвермаганини кўргач, Лодовико ўзи гап бошлашга журъат этди:

— Синьора, сиз менга ҳаддан зиед катта мукофот бериб юбордиигиз. Бу мукофот мендек бир фақир одам умид қилғанидаи !:анчалик катта бўлса, каминанинг сизга кўрсатгап хизматларига нисбатан ҳам шунчалик улканки, Ричиарда амлокини қабул қилиб олмоққа виждоним йўл қўймайди. Ушбу туҳфангизни қайтариб беришга ва каминага тўрт юз франк нафақа белгилашни илтимос қилишга ижозат этсангиз.

— Сиз умрингизда бирон марта,— деди кибр-ҳаво билан қо-

воғини солиб аел,— сиз умрингизда бирон марта менинг аҳдимдан қайтганимни кўрганмисиз?

Шу сўзлардан сўнг герцогиня яна бир неча дақиқа хонада у екдан-бу екқа юриб турди-да, кейин бирдан тўхтаб, хитоб қилди:

— Демак, Фабрицио қалъадан тасодиф билан ва қандайдир қизалоққа екиб қолгани учунгина тирик чиқибди-да? Агар у чиройли йигит бўлмагапида ўлиб кетавериши керакмиди? Хўш? Еки сиз буни инкор этасизми?— дея сўрарди у кўзлари ғазаб билан енганича Лодовиконинг устига бостириб келар экан.

Лодовико, у чиндан ҳам ақлдан озибди, энди Ричиарда амлокидан ажрайдиганга ўхшайман, деган хаелга бориб, орқага чекинди,

— Менга қаранг,— деди герцогиня бирдан тинчланиб, чеҳраси еришар экан, деярли кувноқ оҳангда.— Мен Саккадаги ўша ажойиб одамларим учун байрам уюштирмоқчиман, шундай бир кувноқ байрам бўлсинки, улар узоқ вакт эслаб юрсинлар. Сизни ҳозир Саккага жўнатмоқчиман. Эътироз билдирадиган биронта гапингиз йўқми? Нима дейсиз, бу иш сиз учун хавфли эмасми?

— Ҳеч кандай хавфли жойи йўқ, синьора! Менинг монсиньор Фабрициога хизмат қилганимни Саккада ҳеч ким сотмайди. Инчунун, сизга яна шу нарсани айтмоққа жўръат этаманкй, синьора, жуда ҳам ўша Ричиарда амлокини бориб кўргим келяпти: помешчик бўлиб қолганимни ўйласам жуда кулгим қистаяпти.

— Менга сенинг бундай қувноқлигинг екиб қолди. Янглишмасам, Ричиардадаги фермер менга уч-тўрт йиллик ижара пулини тўламай, қарздор бўлиб қолган; ўша қарзнинг ярмини кечдим, иккинчи ярмини эса сенга совға қиламан. Лекин битта шартим бор: сен Саккага борасан-да, индинга менинг туғилган куним эканлигини айтасан; у ерга борганингдан сўнг эртаси куни кечкурун қасрда қойилмақом иллюминация уюштирасан. Пулни ҳам, меҳнатни ҳам аяма,— едингда бўлсин, мен ҳаетимдаги энг катта тантанани байрам қшгмоқчимаи. Иллюминация учуп барча нарсаларни аллақачон ҳозирлаб қўйганман, бу қувончли байрамни нишонлаш учун зарур бўлган ҳамма анжомлар уч ойдан буен қаср ертўлаларида тахлоғлиқ турибди; боғбонга ажойиб мушакбозлик ўтказиш учун керак бўладиган турли-туман ракеталар бериб қўйганман; уларни По соҳилига қараган айвондан туриб отишни буюр. Ертўлаларимда саксон тўққиз бочка вино бор,— наркда винодан саксон тўққизта фонтан отилиб турсин. Агар эртаси кунигача бирон шиша ичилмай қолса, демак, сен Фабрициони яхши кўрмас экансан. Винодан фонтанлар отилиб, иллюминация енгач ва мушаклар отилгач, у ердан қоч, зеро, Пармада менинг барча бу ҳазилларим ўта*густоҳлик бўлиб кўриниши мумкин. Аслида ўзимнинг ниятим ҳам шу.

— Бўлиши мумкингина эмас, шундайлиги аниқ. Монсиньор ҳақидаги ҳукмга имзо чеккан фискал Расси эса аламидан ерилиб ўлади. Синьора,— дея тортиииибгина қўшимча қилди Лодовико,— камипа қулингизни Ричиарданииг ярим ижара ҳақини туҳфа



этганингиздан ҳам кўирок хурсанд қилсангиз... Ўша Рассини бир калака қилишга ижозат беринг...

— Сен ажойиб одамсан!— шодон хитоб қилди герцогиня.— Лекин сенга бундай қилишии қатъиян ман этаман... Рассига тогма. Менинг ўз режам бор... Кейинчалик у менинг саъй-ҳаракатим билан эл олдида дорга осилади, деб умид қиламан. Сен бўлсанг, ўзингни эҳтиет қил, Саккада қўлга туша кўрма. Агар сени йўқотсам, ҳамма ниятларим барбод бўлади.

— Мен қўлга тушармишманми? Кўнглингиз тўқ бўлсин, синьора! Ўша байрамни сизнинг туғилгаи куниягиз шарафига уюштирдим, деб айтсам бас, ана ундан кейин полиция менга деса ўттизта жандармни юборсин, улардан биронтаси ҳам қишлоқ ўртасидаги қизил хочнинг олдига етиб боролмайди — битта қолдирмай отдан уриб йиқитишади. Сакканинг одамлари бўш келадигашгардан эмас,— ҳаммаси контрабаидачи, шоввоз йигитлар. Сиз учун эса жонларини ҳам аяшмайди, синьора.

— Жуда соз!— деди герцогиня қандайдир ғалати беғамлик билан.— Ҳамонки Сакканинг ажойиб одамлари учун байрам уюштирар эканмиз, Пармани ҳам қуруқ қўймайлик. Цасрда кечқурун иллюминация енгани заҳоти отхонадан менинг энг яхши отимни олгин-да, Пармага қараб елдек ўч ва Сансеверина саройидаги ҳовузнинг сувиии очиб юбор.

— Қойилман! Ажойиб фикр, синьора!— дея хитоб қилди Лодовико ва телба одамдек қаҳқаҳа отиб кула бошлади.— Саккадаги яхшиларга вино, пармалик буржуаларга эса — қуруқ сув! Баттар бўлишсин, аблаҳлар! Монсиньор Фабрициони қамоқхопада бечора Л.га ўхшатиб қачон заҳарлашаркин, дея жуда интиқиб ўлишганди.

- Лодовико ҳамон завқи ичига сиғмай, хохолаб куларди. Герцогиня унипг раъйига қараб индамай турар экан, Лодовико яна ўша гапипи такрорлади:

— Саккадагиларни вино билан сийлаймиз, пармаликларга эса қуруқ сув. Сиз, синьора, мендан яхшироқ билсангиз керак албатта: йигирма йил муқаддам эҳтиетсизлик натижасида ҳовузнинг сувини чиқариб юборишганида Парманинг бир неча кўчасини нақ тиззага қадар сув босгаиди.

— Пармани сув билан сийлаймиз!—деди кулиб герцогиня.— Агар Фабрицонинг бошини тапидан жудо қилишганида қалъа олдидаги бутун хиебон ҳангоматалаб томошабинга тўлиб кетган бўларди. Ҳамма уни дажжол дея атарди. Лекин эҳтиет бўл, бу ишни жуда усталик билан бажар,— тошқинни сен уюштирганинг ва бу юмушни менинг буйруғим билан бажарганингни биронта тирик жон билмасин. Ҳатто Фабрицио, ҳатто граф ҳам бизнинг бу шўхлигимиз ҳақида ҳеч нима билмасликлари керак... Дарвоқе, шошмай тур, мен Саккадаги йўқсилларни унутибман,— бориб бошқарувчимнинг номига хат ез, мен имзо чекиб бераман. Унга шундай деб ез: менинг туғилган куним шарафига Саккадаги йўқсилларга юз цехин пул улашсин ва сенинг иллю-

шгаация, мушакбозлик ҳамда вино ҳақидагм ҳамма буйруқларингни сўзсўз бажарсин: энг муҳими эса, эртаси куни менинг ертўлалар1:мда очидмаган битта ҳам шиша қолмасин.

— Бошқарувчи сизнинг фақат битта буйруғингизии бажаришга қийналса керак, синьора: ўша амлок тасарруфингизга ўтган ана шу беш йил ичида қишлоқда сизпипг шарофатингиз билан ўнта ҳам йўқсил қолгани йўқ.

— Пармага эса қуруқ сув берамиз!— деди куйга солиб герцогиня.— Хўш, мана шу ҳазилимизни амалга оширасанми?

— Ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Саккадан от миниб кечқурун соат тўққизда йўлга чиқаман, соат ўи яримда Казалъ-Мажоре ва менинг Ричиарда амлоким томон борадиган катта йўл четидаги «Уч аҳмоқ» қовоқхонаси олдида тўхтайман, соат ўн бирда саройдаги ўз хонамда бўламан. Ўн бирдан чорак ўтгапида эса Парма аҳолиси истагаиича ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ сувга эга бўлишади,— майли, дажжолшшг соглигига бир мириқиб ичишсин. Ўн минутдан сўнг мен шаҳардан чиқиб, Болонья йўлига тушиб оламан. Йўл-йўлакай қалъага таъзим қилиб, уни монсиньоршшг жаеорати ва сиз зоти олийларинипг заковати туфайли шармандаси чиққани билан табриклайман-да, ўзимга таниш қишлоқ йўлпга буриламан ва тантана билан Ричиардага кириб бораман.

Лодовико бошини кўтариб герцогиняга қаради-ю, қўрқиб кетди: хоним бир четга, ундан олти қадамча наридаги бўм-бўш деворпииг бир нуқтасига тикилганича қотиб турарди ва очигини айтмоғимиз керакки, шу тобда унинг кўзларида иихоятда кучли қахр-ғазаб акс этарди. «Эҳ, ўша Ричиарда амлокимнинг шўри курнди!— дея хаелидан ўтказди Лодовико.— У чиндан ҳам ақлдан озганга ўхшайди!» Герцогиня унга қаради-ю, Лодовиконинг кўнглидаги гапни дарҳол англади.

— Ҳа, синьор Лодовико, букш шоир, янглишмасам, ҳадянома олмоқни истайсан шекилли? Цапи, тезроқ бориб, менга бир қогоз олиб келгин-чи.

Лодовико хонимнипг ушбу фармоиипи иккинчи марта такрорлашиии кутиб ўтирмади. У қоғозни олиб келгач, герцогиня ўз ғўли билан батафсил тилхат езиб, унда ўзининг Ричиарда амлокипи гаровга қўйган ҳолда Лодовико Сан-Микелидан саксон минг франк қарз олганини кўрсатди-да, унга бултурги йилниит саиасипи қўйди. Агар бир йил ичида у ана шу саксон минг фрапкни қайтариб бермаса, Ричиарда амлоки Лодовиконинг мулки бўлиб қолар экан.

«Нимаям дердим,— дилидан ўтт.азди герцогиня,— қўлимда к.олган бутун бойлигимнинг учдан бирини садоқатли хизматкорга бериш,— бу жуда хайрлк иш».

— Тўхта!—деди у Лодовикага қараб.— Ҳовуз билан боғлиқ ҳазилимизии амалга оширганингдан сўнг мен сенга Казаль-Мажорода фақат икки кун ўйнаб-кулишингга ижозат бераман. Ма]Н)Іш шартномамиз кучга кирмоғи учуп ҳаммага, биз бу битимии тузганимизга бир йилдан кўнроқ вакт ўтди, деб гап тарқат. Кейин дарҳол Бельжиратега етиб кел. Фабрицио, эҳтимол, Апглияга жўнаб кетар, у ҳолда сен ҳам у билан бирга жўнайсан.



Эртаси куни азонлаб герцогиня билан Фабрицио Бельжиратега етиб келишди.

Улар ажойиб Лаго-Мажоре кўлининг соҳилида жойлашган ана шу хушманзара қишлоққа жойлашишди; аммо бу ерда герцогиняни оғир бир қайғу кутмоқда эди. Фабрицио мутлақо ўзгариб қолибди: қалъадан қочиш пайти қаттиқ силласи қуриган йигит, ниҳоят сакта касалига ўхшаш қаттиқ уйқудан уйғонгач, герцогиня унинг қандайдир ғалати бўлиб қолганини пайкади. Фабрицио яширишга ҳаракат қияаетган бу теран туйғу чиндан ҳам ғалати кўринипга мумкин эди: қалъани тарк этгаиидаи упинг дили ўртанарди. Тўғри, у дилидаги бу маҳзуилик сабабини хеч кикга айтмас, зеро, жавоб берипши истамайдигаи саволлар туғилишидан чўчирди.

— Лекин бу қанақаси бўлди?— дерди унга ҳайратга тушиб герцогиня.— Цамоқдаги ошхонадан ҳар хил бўлмағур таомлар келтиришганда сен ноилож уларни танаввул қилгансая, чунки очлик азобидан силланг қуриган. Лекин барибир нукул: «Бу таомниит мазаси ғалатироқми, балким, унга заҳар қўтнилгаидир?»— деб ўйлагансан. Буидан ҳам нохушроқ аҳвол була дими ахир? Наҳот ўша кунларни эслагапингда этинг сесканмаетган бўлса?

— Меп ўлим ҳақида ўйлагандим,— дерди жавобан Фабрицио.— Назаримда, солдатлар ҳам у тўғрида худди шупдай ўйлашади: мен ҳалок бўлишим мумкин деб ўйлардиму аммо омоп қолишга умид қилардим.

Бечора герцогинянинг бошига тушган бу қайғу, бу кулфатнинг чеки йўқдек туюларди! У жонидан ортиқ севадиган, шундай жўшқин, шупдай ажойиб, шундай беқиес одам унинг кўз ўпгида ҳасрат чекарди! Фабрицио энди ҳамма нарсадан, ҳатто дунедаги ўзининг энг яқин дўсти билан барча мавзулар ҳақида самимий суҳбат қуриш бахтидан ҳам елғизликни афзал кўрадиган бўлиб қолганди. Тўғри, у ҳали ҳам илгаригидек герцогиняга жуда меҳрибонлик билан мулойим муомала қилар, хонимнипг унга кўрсатган барча ғамхўрликларидан миннатдор эканлигини изҳор этарди; у илгаригидек герцогиня учун ҳаетини юз марта курбои қилишга тайер эди-ю, бироқ қалби унга бегоиалашиб қолганди. Баъзан улар қайиқда бу ажойиб кўл сатҳида сузиб боришар экан, ўн беш-йигирма чақирим йўл босишгунча ҳам чурқ этиб оғиз очмаган пайтлари бўларди. Энди уларпинг суҳбатлари фақат совуққина фикр алмашишдан иборат бўлиб қолганди. Эҳтимол, четдан қараганда, бошқа одамларга уларнинг ^бу гаплари есимли бўлиб кўринар, аммо уларнинг иккови ҳам, айниқса герцогиня, Джилетти билан ўша машъум олигаув ораларига жудолик солмагунига қадар қандай дилкаш суҳбатляр қуришганини жуда яхпга эслашарди. Фабрицио ўтта мудҳиш қамоқхопада банди бўлиб ўтказгаи тўққвз ойлик тарихиии герцогиняга айтиб бер-

моққа мажбур бўлди албатта. Аммо у жуда қисқа ва юзаки ҳикоя к,«либ, қуруқ гаплар билан чекланиб қўя қолди.

«Нимаям дер дим, эртами-кечми, шундай бўлиши керак эди,— дея ўйларди герцогиня дили ғуссага тўлиб.— Цайғу мени қариг-иб қўйган еки у чиндан ҳам бошқасини севиб қолган, мен энди унинг қалбида иккинчи ўриндаман».

Бу даҳшатли, чексиз кулфатдан дили вайрон бўлган, руҳи тушган герцогиня баъзан: «Агар фалакнинг гардиши билан Ферранте бутунлай ақлдан озганида еки қўрқоқлик қилганида, эҳтимол, ўзимни бу қадар бахтсиз ҳис этмасмидим»,— дея ўйлаб қоларди.

Ана ўшандан буен пушаймонга ўхшаш аллақандай туйғу ушшғ дилини ўртар, бир вақтлардаги ўзига бўлган хурматига рахна содарди.

«Демак, мен қабул қилгак қароримдан пушаймон бўляпман,— дея ўйларди у алам билан.— Бас, шундай экан, мен доль Донго иомига муносиб бўлмай қолибман!»

Сўнг^а унинг миясини яна ўша шум хаеллар чулғаб олди:

«Тангрининг иродаси шу. Фабрицио севиб қолибди. Хўш, шундай бўлмасин, дея талаб қилишга менинг нима ҳаққим бор? Нима, биз бирор сўз билан бўлсип, ҳақиқий севги ҳақида ахди паймон қилибмизми?»

Бу оқидона фикрлар унинг тунларини бедор қилиб қўйди, барча аломатлар унга кексайиб бораетгани, руҳининг заифлашаетгани, бўлажак интиқом энди унга қувонч. бағишламаетганидан далолат берарди, хуллас, Бельжиратеда у Иармадагига Қарагандa юз карра бахтсизроқ эди. Фабрициoнинг ғалати хомушлигниинг сабабчиси ким эканлигига зса хеч қандай шубҳа йўқ эди. Клелия Копти, ўша тақводор қиз қалъа гарнизошши ичириб қўйишга рози бўлганида отасига хиенат қилди, Фабрицио зса Клелия тўғрисида чурқ этиб оғиз очмаяпти! «Ахир гарнизопни ичириб маст қилиб қўйишмаганида,— дерди яна ўзига ўзи герцогиня алам билан еқасини юлқиб йиртар экан,— менинг барча режаларим, барча саъй-ҳаракатларим зое кетарди. Демак, Фабрициони ўша қиз қутқариб қолибди-да!»

Ўша тундаги воқеаларнинг тафсилотларини Фабрициодан ўсмоқчилаб билиб олгунча хоним жуда кўп қийналди. «Бир вақтлар эса,— дея ўйларди герцогиня,— ўша тафсилотлар бизпипг суҳбатларимиз учун битмас-туганмас мавзу бўлиши мумкин эди!.. Ўша бахтиер кунларда у ана шу тафсилотлар тўғрисида кун бўйи ҳикоя қилган, дилрабо ҳазил-ҳузуллар кашф этган, мен сўрашни кўнглим тусаган ҳар қандай икир-чикирни эслашга уринган бўларди».

Ҳар қандай хатарнинг олдини олиш лозим бўлгани учун герцогиня Фабрициони Лаго-Мажоренинг нариги соҳилида жойлашган Швейцария шаҳри бўлмиш Локарно портига кўчириб ўтказди. У ҳар куни қайиқда йигитни олдига борар ва улар кўл бўйлаб узоқ-узоқ сайр қилшпарди, Аммо бир куни хоним Фабрщщонинг



қандай жойлашганини кўргиси келиб, у истиқомат қилаетгая уйга кирдию йигитнинг етоқхонасидаги бутун деворларга Парма манзаралари осиб ташланганини курди. Цаҳрамонимиз бу картиналарни Милаидан ва гарчи ўша шаҳардан нафратланиши лозимдек туюлса-да, нақ Парманинг ўзидан буюртма қилиб олдирган экан. Рассомнинг устахонасига айлантирилган кичкина меҳмонхона акварель суратлар чизиш учун зарур бўлган анжомларга тўлиб кетганди. Герцогиня Фабрициони иш устида курди: у Фарн£земи.нораси ва комендант саройи тасвирланган учинчи этюдии чизиб тугатмоқда эди.

— Фақат энди,— деди аламли товуш билан герцогиня,— борйўқ гуноҳи сени заҳарламокчи бўлган. ўша дилкаш комендантпинг суратини хотира бўйича чизишинг қолибди. Ҳа, чиндан ҳам,— дея гап қотди у яна истеҳзо билан,— қочишга журъат этиб, муҳтарам генерални ҳаммага кулги қилганинг учун хат езиб, кечирим сўра упдан.

Айтган гапи ҳақиқатга қапчалар яқин эканлигини эса бечора ҳатто хаелига ҳам келтирмасди. Фабрицио ишончли бошиапага келиб ўрнашган заҳоти аввало генерал с|)абио Контига назокатли ва маълум маънода жуда кулгили бир хат езганди: хатида у қочиб кетгапи учун узр сўрагаиди ва бу қилмишини, қалъа хизматчиларидан бирига уни заҳарлаш топширилгаии ҳақида ўйлашга ўзида асос борлиги билан оқлаганди. Фабрицио учун қандай сўзлар езаетганининг мутлақо аҳамияти йўқ эди, у фақат бу хатии Клелиянинг кўзлари кўради, дея умид қиларди ва шу боисдан ўша мактубни иншо қилаетганида кўзларидан дув-дув еш оққанди. У хатини н?уда кулгили бир жумла- билан тугатди: озодликка чиқиб олгач, Фарнезе минорасидаги ўша каталагиии ўқтин-ўқтин сориниб қола^тганини изҳор қилди. М акту б йўллашдан асосий мақсади ҳам ана шу эди, зеро, у Клелия нима демоқчилигимпи тушуниб олади, дея умид қиларди. Хат езишга қизиқиб кетиб, «унинг кўзлари» бу мисраларни ўқийди деган умидда Фабрицио қамоқхонада улуҳиятга оид китоблар билан таъминлаб тургани учун мехрибон^ошқарувчисига минпатдорчилик билдирган ҳолда дон Чезареха ҳам мактуб йўллади. Бир неча кундан сўнг у локарполик майда бир саҳҳофни Милапга бориб келишга кўндирди. У ерда машхур китобсевар Рейннинг дўсти бўлмиш саҳҳоф дон Чезаре Фабрициога бериб турган улуҳиятга оид ўша китобларнинг энг чиройли нашрларидан харид қилди. Меҳрибон бошқарувчига ўша китоблар билан Фабрициoнинг маънодор мактубини элтиб беришди. Мактубда ҳасрат чекиб ўтирган кезлари (эҳтимол, бу бечора маҳбус учун узрли бир ҳолдир) дон Чезаредан олган китобларпинг ҳошиясига турли-туман бўлмағур қайдларни битиб ташлагапи хабар қилинганди. Шу боисдан банди дон Чезаредан кутубхонасидаги ўша китобларни чуқур минпатдорчилик билан инъом этаетган мана шу жилдлар билан алмаштириб қўйиш,-ни ўтинармиш.

Фабрицио авлие Иеропим асарларининг семиз т loHo жилди

ҳошиясига езиб ташлагаи беҳисоб дил изҳорларини камоли камсукумлик билап «қайдлар» дея атамоқда эди. Йигит бу жилдни меҳрибон бошқарувчига қайтариб бериб, унинг ўрпига бошқаеини «лиш умидида китобнинг ҳошияларига қамоқхонадаги бошидан кечаетган барча воқеаларни батафсил тасвирлаганича кундалик езиб боргаиди, ушбу воқеалариинг бари инсоннинг дилига илоҳий муҳаббат бағишлаши мумкин бўлган завқ-шавқпинг худди ўзгинаси эди. («илоҳий» мажози бу ўринда у ишлатишга журъат этмагап бошқа бир сўз ўрнига езилганди!) «Илоҳий мўҳаббат» маҳбусни гоҳ қаттиқ умидсизликка солар, гоҳ ҳазода маҳбубасининг дилрабо товушини эшитган кезлари унинг дилида умид учқунини еқиб, қалбига ҳузур-ҳаловат бағишларди. Хайриятки, бу гапларнинг бари қамоқхонада унинг узи вино, шоколад ва қора куядан ясаб олган сиеҳ билан езилганди. Дон Чезаре унинг ажибужи хатига сал кўз ташлаган бўлди-да, авлие Иероиимтшг асарларипи китоб жавонидаги эски жойига қўйиб қўйди. Агар у «ҳошиядаги ана шу қайдлар»ни бир бошидан ўқиб чиққанида эди, бир куни, мени заҳарлашибди, деган хаелга боргап маҳбуснинг дунеда ўзи учун энг азиз маҳлиқо истиқомат қилувчн гўшадап қирқ қадам нарида ўлишидан хурсанд эканини билиб олган бўларди. Бироқ йигит қочиб кетгаиидаи сўнг бу изҳори днлии меҳрибоп бошқарувчи эмас, ўзга бир одам ўқиб чиқди. *«Ўзи севган париваш ящнида ўлиш»* ҳақидаги бу кўтаринки фикр мииг ©ҳангга солиб такрорлангач, китобнинг ҳошиясига бир сонет езиб қўйилганди. Унинг руҳи азоб-укубатлардан сўнг йигирма уч йил истиқомат қилган бу бебаҳо маҳфилни тарк этади,— дея езилганди сонетда,— бироқ бу дорулфанодаги барча мўмин • одамларга хос бахтга эришиш истаги уни яратган эгам, эҳтимол, барча гуноҳларидан ўтиб, беҳисоб фаришталар орасида абадий ҳузурҳаловат бағишлаши мумкин бўлган беҳиштга тушмайдур,— йўқ, у дунеда ўзи учун энг азиз одамнинг руҳи ила бирлашгусидир, зер(>, ўзи азоб чеккан зиндон яқинида тириклигига Караганда ўлимидан сўнг кўпроқ бахтга эришгувсидир.

«Ана ўша ерда,— дея тантанали оҳангда эълон қиларди сонетнинг сўнгги мисраси,— меп ернинг ўзидаеқ беҳиштга тушган бўлур эдим».

Гарчи Парма қалъасида Фабрициони ўзининг энг муқаддас бурчига хиенат қилган лаънати хоин деб аташса-да, дон Чезаре аллақандай нотаниш одамнинг номидан келтириб тонширишган ажойиб китобларни кўриб, жуда крйил қолди. Фабрицио эҳтибткорлик юзасидан хатни китоблар меҳрибон бошқарувчига тошпирилганидан сўнг орадан бир неча куп ўтказиб жўнатганди, веро у, менинг номимни эшитишса, совғамни ғазаб билап қайтариб юборишади, дея қўрққанди. Дон Чезаре бу тухфа тўғрисида акасига чурқ этиб оғиз очмади, чунки Фабрицио исмини эшитиши билаиоқ комендантиинг тепа сочи тикка бўлиб кетарди; аммо маҳбус қочиб кетгапидан сўнг аббат яна ўзининг дилрабо жиянинииг самимий дуети бўлиб қолди за Клелия бир аақтлар



уидаи бяр оз лотии тилини ўргангапи боисидан руҳоний унга' ўзига совға қилишган ўша ажойиб нашрларни кўрсатди. цочоқнинг кўзлаган мақсади ҳам ана шу эди. Клелия Фабриционипг хатини танигач, бирдан лоладек қизариб кетди. Қалин жилднинг кўпгина саҳифалари орасига хатчўп ўрнида узун-узун сариқ қоғоз тасмачалар солиб қўйилганди. Мана энди шу нарсани рўйрост айтмоғимиз мумкинки, таъмагирлик, моддий манфаатлар ва сийқа, нурсиз фикрлар ҳукм сурадиган кундалик ҳаетимизда чинакам эҳтиросдан руҳланиб қилинтан ииятлар гўе карами кенг худонинг ўзи қўллаб-қувватлагапдек, деярли доим рўебга чиқади. Клелия шу кунларда бутун вужудини қамраб олган туйғуга на табиий сезгисига амал қилиб, амакисидан унга инъом қилинган япги нашри билан солиштириб куриш учун авлие Иероним асарларининг эски кусхасини сўраб олди. Шундан сўнг Фабрициодан айрилганидан буен дилига ўрнашиб қолган маҳзунлик бш> зумда ғойиб бўлди-қўйди. Китобнинг эски нусхасини варақлай туриб, унинг ҳошияларида биз боя тилга олган сонет ва мах.- буснинг унга бўлган муҳаббати ҳақида кунма-кун ҳикоя қилинган кундаликларини топиб ўқигач, қизнинг қалби нақадар завқ-шавққа тўлганини не сўзлар билан тасвирласак экан!

Клелия сонетни ўша куниеқ едлаб олди; қиз хонасидаги деразa олдига келиб, энди бўшаб қолгап камера деразасига тикилганича сонетни хиргойи қилиб куйиларди. Бир вақтлар мапа шу деразага тутилган қопқада ўқтин-ўқтин кичкинагипа туйнукча очилиб тургувчи эди. Ҳозир қопқани деразадан олиб, трибунал маҳкамасига жўнатишганди, зеро у Расси Фабрициога қарши қўзғаган аҳмоқона суд найти ащевий далил хизматини ўтамоги даркор экан: йигитга жинояткорона қочди еки фискалиинг ўзи тиржайиб айтишича, *олищиммат яукмдорнинг шафцатли ва одил судидан бўйин товлади,* дея айб қўйишганди.

Ўзининг қилган барча бу ишларидан Клелиянипг виждони азоб чекмоқда эди. Бу азоб айниқса қиз бахтсиз бўлиб қолганидан кейин кучайиб кетди. Виждон азобидан қутулмоқ учун у отасини заҳарлаб қўйишларига хиел қолган ўша куни Биби Марьям олдида *бупдан буен Фабрициони щеч цачон кўрмаслип* ҳақида ичгаи қасамини эслар ва уни қайта-қайта такрорларди.

Фабрицио қочиб кетганидап сўнг отасипипг тоби қочиб қолди ва бупинг устига дарғазаб шаҳзода Фарнезе минорасидаги барча қамоқхона хизматчиларипи ишдан ҳайдаб, улариинг ўзларини шаҳар қамоқхонасига ҳибс этишпи буюрганида у сал бўлмаса мансабидан ажраб қолай деди. Уни маълум даражада граф Москанинг ўз ҳимоятига о. утқариб қолди. Зеро министр у еарой доираларида мепга қарши фитналар уюштирадиган фаол ?ўлганидан кўра ўша қалъадаги минорасида кўмилиб ўтиравергани маъқул дея ҳисобларди.

Генерал Фабио Конти шаҳзоданинг ғазабига учраган еки учрамаганлиги номаълум бўлиб турган икки ҳафта дапомида комендант чиндан ҳам касал бўлиб етди. ана шуеда Клелия Фаб-

рициога айтгап ўша қурбонликни амалга оширишга қатъиян аҳд қилди. Цалъада байрам қилингап куни,— китобхоннинг едида бўлса керак, Фабрицио худди ўша куни қочган эди,— Клелиянииг ўзипи касал қилиб кўрсатишга фаҳми етдя. У эртаси куни ҳам тоби қочгандек сирқовланиб юрди ва шундай оқилона иш тутдики, Фабрицioни иазорат қилишга тайин этилган қамоқхона хизматчиси Гриллодаи бўлак ҳеч ким унвнг маҳбусга ердам бергапини сезмади, Грилло зса бу тўғрида чурқ этиб оғиз очмади.

Аммо Клелия сири фош бўлишдан кўрқмай қўйган заҳоти виждони унга қаттиқ азоб бера бошлади. «Отасига хиенат қилган жиноятчи қизнинг бу қилмишидан ҳам каттароқ гупоҳ бормикии бу дупеда!» — дея ўйларди у.

Бир купи кечқурун, деярли эрталабдан кечгача вақтини кўз еши тўкиш ва ибодат қилиш билан ўтказгач, у амакиси дон Чезаредап ўзи билан бирга отасининг олдига боришпи илтимос қилди. Зеро қиз отасининг яна дарғазаб бўлиб ўшқиришидан қўрқарди. Бунинг устига, генерал икки гапиинг бирида ўша муртад хоин Фабрициони бўралаб су кар ва унинт номига лаънатлар еғдирарди.

Клелия отасиинг олдига боргач, маркиз Крешенцига писбатап қалбида тарикча ҳам иликлик йўқлиги ва ушбу никоҳда асло бахтиер була олмаслигига ишопчи комил бўлгани 'учунгина доим унга турмушга чиқишдан бош тортнб келаетғанини айтшша журъат этди. Бу сўзларни эшитиб, генерал баттар қутуриб кетди. Клелия гапини давом эттиролмай бир оз сукут қилиб гуришга мажбур бўлди. Ниҳоят қиз агар генерал маркизнинг катта бойлигига учиб, оталик амри билан упга турмушга чиқинши қатъиян буғорса, унипг иродасига итоат этажагиний айтдп. Гeпeрал бундай хулосани сира ҳам кутмаган эди, У аввалига ажаблапди, кейип эса қувониб кетди.

— Худога шукр,— деди у укасига,— агар ўша зумраша Фабрициоииит қклиғи туфайли мансабдан маҳрум бўлган тақдирда ҳам энди биронта харобанинг учинчи қаватида диққинафас бўлиб ўтирмайман.

Граф Моска, турган гап, одамларнинг кўзига «ярамас Фабрициoнинг» қочиб кетганидан қаттиқ газабланган бўлди ва урни келгапда Расси ўйлаб топгап ўша, очигини айтганда, арзимас йигитнинг олийҳиммат ҳукмдоршшг шафқатли судидан бўйин товлагани ҳақидаги гаииии такрорлаб юрди. Яхши ўйлаб топилган бу гап киборлар жамиятига мойдек екиб тушди-ю, аммо оддий халқнинг кўнглига сира ўтиришмади. Ақли расолик билан фикрмулоҳаза юритадиган оддий халқ, гарчи Фабрициони катта жиноятчи дея ҳисобласа-да, унинг шундай юксак депордан кўркмай арқонга осилиб тушгапига қойил қолмоқда эди, Саройда эса бундай жасорат ҳеч кимни қойил қолдирмади. Фабрициoнинг қочиб кетгапидан юзи шувит бўлган полиция эса расмий баенот бериб, унда йвтирмага який солдат герцогинянипг ҳотамтойлик билап бе*ргаи садақасига учиб, Фабрициога ҳар бирининг узунлиги қирқ беш фут келадиган ва бир-бирига улаб маҳкам боғланган тўртта нарвон тайерлаб бергапи хабар қилипганди. Герцогиня эса бу қилмиши билан киборларнинг назарида шундай бир ношукурлик намойиш этгандики, улар доим аелнинг номини тилга олишганида оғир хўрсиииб қўядиган бўлиб қолишганди. Фабрицио тепадаи арқоп туширган экан, унга эиг тепадаги нарвопни боғлаб беришибди, йигит уии фақат тортиб олса бас экан,— шу ҳам жасорат бўлибди-ю. Ўзларишшг эҳтиетсизликлари билан ном чиқарган бир неча либерал, жумладан, нақ шаҳзоданинг ўз қўлидап пул олиб тураднган жосус бўлмиш доктор К*** обрўларига путур етишидан ҳам қўрқмай, лаънати полиция ўша нонкўр Фабрициoнинг қочишига ердам бергап йигирмата бадбахт солдатдан саккизтасини отиб ташлабди, дея гап тарқатишди. Апа шундан сўнг ҳатто ҳақиқий либераллар ҳам Фабрициони ўзининг эҳтиетсизлиги билан бечора саккиз солдатни ҳалок этибди, дея қоралай бошладилар. Мустабидлар тасарруфидаги кичкина давлатларда жамоатчилик фикрини апа шу зайлда йўққа чиқарадилар.

## Йигирма учинчи боб

Барчани ўз комига тортгаи ушбу ялпи жазава орасйда елгиз архиепископ Ландрианигина ўзинипг еш дўстига содиқ қолди. У ҳатто маликанинг саройида, адлия қонунларнга биноан «иисон олдиндан салбий фикрга келиб қўймоғи номатлўбдур, токи ҳозир орада йўқ бўлган айблаиувчи ўзининг бегуноҳ эканлигини исботламогига имкон бермоқ даркор»,— дея эслатмоққа журъат ҳам этди.

Фабрицио қалъадан қочганининг эртаси куни кўпгипа таникли зотлар беўхшовгина битилган бир сонет олишди. Ўша сонетда қаҳрамонимизнинг қалъадан қочиши асримизнинг эиг ер вокеаларидан бири сифатида мадҳ этилган бўлиб, Фабрициони пг ўзи эса қанотини езиб ерга қўнган фариштага таққосланганда, Ява бир кундав кейив эса бошқа бир ажиб сонет бутун Пармаииит оғзидан тушмай қолди. Бу асар арқондан осилиб тушаетган Фабрициoнинг ўз ҳаетидаги турли воқеалар ҳақида айтган монологи тарзида езилганди. Ўзининг ажойиб икки банди билап бу сонет жамоатчилик олдида йигитнинг қадрипи огаириб юборди: шеърият шинавандаларянинг бари дарҳол Ферранте Палланинг услубини таниб қолишди.

Аммо ҳозир менга улуғвор ва кўтаринки бир услуб керак: Сакка қасридаги иллюминация каби мислсиз густоҳлик ҳақида хабар топишгач, барча содиқ фуқаролариинг қалбини нақадар кучли ғазаб қоплаганини не сўзлар билап тасвирласам экан? Барча герцогинянинг бу қилиғидан ошкора ғазабланди; ҳатто ҳақиқий либераллар ҳам хонимнипг бу иши бориб турган жоҳиллик-нипг худди ўзгинаси, дея қарор қилишди: у қамоқхоналарда «шубҳали шахслар» сифатида ўтирган бечора одамларнинг аҳ-

волини оғирлаштирдғ па ҳукмдорни бекорга қутуртириб юб»р-ди. Граф Моска, герцогиня билан бир вақтлар дуст туткиган одамларнинг уни унутиб юборишдан бўлак чоралари қолмади, деб айтди. Киборларнинг хонимни бир оғиздан буидай емонлагл-дари ҳали-бери тинай демасди. Хориждан келган биронта сайеҳ юатчилик ҳукмининг б ..ттаҳкамлигини кўрса, тургая гап, қаттиқ ажабланган бўларди. Аммо интиқом гаштиии қадр; ан бу мамлакатда олти мий дан мўлроқ деҳқон учун уюш-тирилган ажойиб байрам ва иллюминациялинг довруги бир кун-да ҳаммаеққа тарқалди. Пармадаги одамларнинг бари, герцогиня деҳқонларга минг цехин пул улашишни. буюрибди, дея таъкид-лашар ва қишлок. аҳли полиция аҳмоқлик қилиб, байрамнинг эр-тасига, одамларнинг боши оғриб турган куни юборган ўттиз нафар жандармни анча совуқ кутиб олганини гау билан изоҳлашардл. Тошбўроп қилипган жандармлар орқаларига қарамай қочишиб-ди, отдан йиқилиб тушган икки жандармни эса қишлоқи йигит-лар По даресига ташлаб юборишибди.

Сансеверина саройидаги ҳовуз билан боғлиқ воқеага келсак, унта дсярли ҳеч ким эътибор бермади. Тунда ҳовуз «тошиб кетди» ва бир неча кўчаий сув босди. Сув баъзи кўчаларга кўп-роқ, баъзиларига камроқ оқд'и-ю, эрталаб бу тошқиннинг изла-ри емғирдан кейинги кўлмакларга ўхшаб қолди. Тоиқир Лодо-вико са-рои деразаларидан бирининг ойпасини синдириб келди, шу боисдан одамлар бу кўнгилсизлик уйга кирган ўгриларнинг иши дсб ўйлашди. Удар ҳатто кичкинагина бир нарвон ҳам топиб олишди. Фақат граф Москагина бу ишларнинг бари ду-гонасипинг ҳийла-найранги эканлигини фаҳмлади.

Фабрицио имкопи тугилган заҳоти Пармага қайтшнга қатъ-иян аҳд қилди; у Лодовикодан архиепископга узундан-узоқ мактуб бериб юборди, кейинроқ эса бу содиқ хизматкор Пье-моптдаги бириичи қишлоқ Саннадзаро ночтасига муҳтарам ру-ҳоиийшптг ўз навқирон шогирдига йўллагап жавоби — лотин тилида евилган батафсил помани келтириб топширди. Биз ҳо-зир бир тафсилотни баен қиламизки, эҳтимол, бундай эҳтиет чоралари ортиқча бўлиб қолган мамлакатларда қўигина бўлак тафсилотлар қатори ушбу эҳтиеткорлик жуда ғалати кўринар. Фабрицио дель Донгога йўлланган барча бу мактубларда унинг номи сира ҳам тилга олипмаганди; уларниг бари Швейцария музофотидаги Локарно шаҳри ехуд Пьемоптдаги Бельжирате қишлогида истиқомат қилувчи Лодовико Сан-Микели номига езидганди. Конвертин дағал қогоздап ясашган бўлиб, упинг устидаги сурғучи палапартиш босилганди ва адреси ҳам би-ронта ошпаз хотинг уноеиб кўшпмчалар билан ажи-бужи езидганди; хатларпинг бари Неаполдан жўнатилди дея қайд қилиниб, уларга ^ўнилхая сапа аслидагига қараганда олти куп олдпнга суркб кўрсатилганди.

Пьемоптдаги Павип яқинида жойлашгаи Саннадзаро қишло-ғидпп Лодовико зудлик билан Пармага қайтиб борди: Фабрицио унга нима қилиб бўлса-да, Петрарканинг бир сонети босилган шоҳи даструмолни Клелия Контига етказиб бериш ҳақида му-ҳим топшириқ берганди. Тўғри, ўша сонетдаги бир сўз ўрнига бошқа сўз езиб қўйилганди. Клелия маркиз Крешенци унинг олдига келиб, миннатдорчилик билан бундан буен ўзини ду даги энг бахтиер одамлардан бири дея ҳисоблашшш изҳор қ гани дан сўнг орадан икки куп ўтгач, ўша даструмолни хонаси-даги стол устида кўриб қолди. Буидай ногаҳонпй вафодорлик нидюиасини кўргач, унинг қалби нақадар ларзага тушгани ҳа-қида гаиириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Лодовикога яна қалъада нималар бўлаетганиии иложп бора-ча батафсшгроқ билиб келиш ҳам тоншириюган эди. Мар Крешенцининг уйланиш масаласи, афтидан ҳал бўлгани ҳақи-даги қайғули хабарни Фабрициога худди ана шу Лодовико топиб келди: маркиз деярли ҳар куни қалъада Клслиянипг ша-рафига биронта байрам уюштирмоқда экан. Тўй тантанаси яқинлашиб қолганинининг энг аниқ нишонаси сифатида Шимолий Италияда яшовчи барча бадавлат одамларга хос курумсоқ-ха-сислигига қарамай, маркиз Крешенци, гарчи сепсиз қизга уй-ланмоқчи бўлса-да, энди уйини зеб-зийнат билан жиҳозлаш учун жуда катта пул сарфлаетганини айтиб утиш мумкин эди. Қизнинг сепсизлиги ҳақидаги фикр генерал Контипинг иззат-иафсига қаттиқ тегиши мумкин бўлса-да, унинг ватандошлари аввало шу тўғрида гап сотишарди. Шу боисдан генерал уч юз минг франкдан кўнроқ пулни пақд тўлаб, каттагина амлок со~тиб олишга шошилди. Аммо.унинг ўзишшг сариқ чақаси ҳам йўқ эди ва чамаси бу ишни амалга оширмоқ учун иулни унга маркиз берган эди. Лекин энди генерал, ана шу амлокни қизимга сен тариқасида беряпман, дея эълон қилиш имкониятига[4] эга бўлганди. Бироқ олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштирищ учун кетадиган ўн икки минг франкдан кўпроқ пул анча ии-шиқ-пухта одам бўлмиш маркиз Крешенцига бемаъни сарф-ха-ражат бўлиб кўринди. У ўз навбатида деворларни безаш учун Лионда болоньялик машҳур рассом Паладжининг чилмалара бўйича тайерланган ажойиб гулдор мато буюртма қилди; бу шо-ҳи матонинг чиройли ранго-ранг гуллари кишининг кўзига ором бағишларди. Бу матолар маркиз саройининг пастки қаватида жойлашган ўн етти меҳмонхонанинг деворларини безамоғи до-зим эди; уларда Крешеициларнинг кўҳна аждодлари гербидаги у еки бу фигуралар тасвирланганди. Крешенцилар пасаби эса 985 йилдан — машҳур Рим консули Кресеиций*дан бошланн-шини бутун дуне биларди. Гулдор матолар, камин тенасига ўр-иатиладиган соатлар ва қандилларнинг жами Пармага олиб ке-липиши билан маркизга уч юз эллик минг франкдан кўнроққа тушди; саройда илгаридан бўлган ойналар енига янгиларини келтириб қўйиш учун ҳам икки юз минг франк сарфланди. Фақат беназир Коррсджо олдидагипа бўйнини эгадигаи парма-лик буюк рассом Пармиджапинооинг машҳур асарларп билан

безатилган икки залдан бўлак иккинчи ва учинчи қаватдаги барча хоналарга Флоренция, Рим ва Милandан чақиртирилган донгдор рассомлар нақш ишлаш билан банд эдилар. Буюк швед ҳайкалтароши Фокельберг, римлик Тенерани ва миланлик Маркезилар мана бир йилдирки, чиндан ҳам валломат одам бўлган Кресснцийнинг қаҳрамонона ишлари тасвирланган ўнта барельеф устида бош кўтармай ишламоқда эдилар. Кўпгина хоналарнинг шифтига чизилган суратларда ҳам мая«озий тарзда упинг ҳаети тасвирланган эди. Айпиқса миланлик рассом Гаец Елисей Майдони*да Кресенцийни Франчссқо Сфорца, Лоренцо Валломат, қирол Роберт, трибун Кола ди Риенци*, Мағиавелли, Дайте ва ўрта асрларнинг бошқа буюк одамлари қандай кутиб олишаетгаии тасвирланган картина томошабинни лол қолдиради. Цудратли ақл-заковат соҳиби бўлмиш бу мумтоз кишилар олдида сажда қилиш шу бугун ҳокимият тепасида турган одамларга нисбатан киноядек кўринарди.

Лодовиконинг хатидан пармалик киборлар жамияти ва бутуя буржуаларнинг диққат марказида бўлган бу зеб-зийнатларнинг ботафсил тасвирини ўқигач, қаҳрамонимизнинг дили нора-пора бўлиб кетди. Лодовико Казаль-Мажоредаги божхона хизматчисига айтиб туриб ездирган йигирма саҳифадан иборат хатида барча бу ҳашамат тўғрисида соддадиллик билан завқ-шавққа тўлиб ҳикоя қилга'нди.

«Мен бўлсам жуда қашшоқман! — дея ўйларди Фабрицио.—* Йдлига тўрт минг ливр даромадим бор холос! Чиндан ҳам Клелия Контини севишим ўтакетган беодоблик бўлди, ахир уни деб одамлар мана бундай ажойиботлар барпо этишяпти!»

Лммо мактубинннг охирида Лодовико ўз қўли билан ажи-буя,н қилиб езган иловасида бир куни кечқурун Фабрицонинг қамоқхонадаги собиқ назоратчисв Гриллопи кўриб қолганина хабар қилибди; ўша воқеадан сўнг бояқишшшг ўзини қамаб қўйишибди-да, кейин қўйиб юборишибди. Энди у яшириниб юрганга ўхшармиш. Грилло худо йўлига бир цехин садақа қилшппи сўрабди; Лодовико унга герцогинянинг иомидан тўрт цехин берибди. Собиқ қамоқхона хизматчиларидан ҳаммаси бўлиб ўн икки киши озодликка чиқарилибди ва бу одамлар ўзларининг ўрниларига тайииланган янги қамоқхона қоровулларини қалъадан ташқарида тутиб олишгудек бўлишса, улар билан пичоқбозлик мусобакаси (1гаиотеп{о ш" сor1о11а(е) уюштирмоцчи бўлиб юрганмиш. Гриллонинг айтишича, деярли худонипг бергаи куни қалъада серенадалар ижро этишармиш, синьорина Клелия Контининг ранги бир ҳолатда бўлиб, унинг тез-тез тоби қочадиган бўлиб қолганмиш ва ҳоказо, ва ҳоказо гаплар. Ана шу бемаъни ибора Фабрицаони қайтиб кетадиган почта орқали Лодовикога дарҳол Локарнога қайтиш ҳақида буйруқ юбормоққа даъват этди. Лодовико тезда етиб келди. У огзаки айтиб берган тафсилотлар эса Фабриционинг дилидаги қайгусиии баттар кучайтириб юборди.



Унинг енида бечора герцогинянинг нақадар сиқилиб юрганинв энди тасаввур цилиш унча қийин бўлмаса керак; йигит хонимнинг олдида Клелия Конти исмини тилга олищдап кўра қийнок. азобидан ўлишни афзал курган бўларди. Герцогиня Парма шаҳридан нафратланар, бу шаҳар ҳақидаги барча хотиралар эса Фабриционинг қалбига кўтарннки ва маҳзуи бир кайфият бағишлаетгандек туюларди.

Герцогиня энди интиқом тўғрисида илгаригидан анча кўпроц ўклайдиган бўлиб цолганди: ўша бадбахт Джилеттининг ўлимидан аввал у нак.адар бахтиер эди-я. Энди-чи, энди аҳволи не кечяпти? У даҳшатли воқеани бетонах бўлиб кутар, аммо бу тўғрида Фабрициога чурқ этиб огиз очишга журъат этмасди. Яцингипада эса у Ферранте билан гапни бир жойга қўяр экан, бир куп келиб чеккан азоблари учуп ўч олинншини эшитса, Фабрицио хурсанд бўлиб кетса керак, деган хаелга борганди. Мана энди китобхон герцогинянинг Фабрицио билан учрашувлари қанчалар нохуш ўтишини маълум қадар гасаввур қилиши мумкиндир: бу учрашувлар деярли доим ғамгин сукут ичра ўтарди. Гўе муносабатларидаги бундай нохушликни япада кучайтирмоқчи бўлгандек, герцогиня васвасага берилиб, юрагига жуда як,ин жиянига нисбатан қалтис бир ҳазил қилишдаи ўзиии тийиб тура олмади.

Граф унга деярли ҳар куни хат езар ва чамаси, севгилариинг илк чоғларидагидек, мактубларини чопар орцали юборарди: конвертларга доим биронта швейцар шаҳарчасишшг штемпели урилган бўларди. Бечора цўлидан келганича муҳаббатици ошкора намойиш этмасликка * Ба хатларида бирор гап билан герцогинянинг кўнглини хушлашга ҳаракат киларди. Бироқ герцогиня унинг хатларига паришоп кўз югуртирарди-да, бир четга ташлаб к,ўярди.- Хўш, севган одамининг совук. муносабатидап қалби ўртанаетган бир пайтда аел киши ўзи фак.ат ҳурматини бажо келтирадиган собиқ маҳбубининг вафосипи не қилсин! Икки ой ичида герцогиня графга фақат бир мартагина, ўшанда ҳам Саккадаги мушакбозликдан суш малика ундан мактуб олса, хурсанд бўлармикин, дея азмойиш олиб кўришпи топшириш учуигина жавоб хати езди. Агар граф жоиз кўрса, топшириши лозим бўлган мактубида у маликадан маркиз Крешенципи ўзига камергер қилиб олишпи илтимос қилгапди. Зеро бу лавозим анчадан бери бўш эди ва герцогиня маркизнинг кикоҳига бу яхши совға бўлади дея ҳисобларди. Герцогипянинг мактуби бениҳоя назокат билан йшло қилинган бўлиб, у чексиз ҳурмат баен қилинган нозик ибораларга тўлиб-тошганди-ю, аммо маликанинг кўнглига ўтиришмайдиган биронта ҳам сўз тилга олинмаганди. Шунинг учун ҳам бу мактубга келган жавоб хати жудоликдан изтироб чекаетгап самимий дўстнипг соРИНЧ туйгулари билап тўлиб-тошганига сира ҳам ажаблапмаса бўларди:

«Мен ҳам, ўглим ҳам,— деб езганди малика,— сиз бехосдап

акўнаб кетгапингиздан бувн бирор кечани ҳам кўнгилдагидек ўтказгапимиз йўқ. Азизим герцогиня, мен саройимдаги лавозимларга одам тайинлаш масаласида факат сиз туфайли масла-ҳат овози ҳукуқига эга бўлганимни наҳот унутган бўлсангиз? Сиз маркиз Крешенцини саройимга якинлаштирмоқ ҳақидагн илтимосингизни асослаб. бермок, лозим дея ҳисоблабсиз чоғи, аммо меига елғиз сизнинг истагингиз ҳам кифоя. Магар мси хиел бўлса-да, нуфузга эга эканман, маркиз ўша лавозимга такий этилгай, аммо менинг қадбимда, жонгинам герцогиня, биринчи урин абадулабад сизга бахш этилгай. Менинг ўғлим ҳам еиз тўғрингизда худди шу сўзларни айтяпти. Тўғри, йигирма бир ешли йигит тилида бу сўзлар бирмунча одобсизликдек туюлади. У сиздан Бельжирате яқинидаги Орта водийсида мавжуд бўлган минераллардан намуналар юборишини илтимос қиляити. Энди сиз менга тез-тез хат езиб турасиз деб умид қидаман; хатларни сизни ҳамон «емон кўрадиган» графнипг номига юборинг, мен бўлсам уни ҳаммасидан ҳам кўпроқ ана шу фазилати учун яхши кўраман. Архисиископ ҳам сизга садокат памойиш этяпти. Ҳаммамиз тез куида сиз билап юз кўригаишга умид қиламиз: едиигизда бўлсин, сизни кўрмогимиз ниҳоятда зарур! Менинг бош статс-мулозимам бўлмиш маркиза Гислеришшг ушбу дунейи бевафодаги ризқи рўзи тугаб қолганга ўхшайди: бу бояқиш аел таъбимни кўп хира қилиб келарди, ҳатто бу ўринда ҳам дорулбақога бемаврид рнхлат қилиш нияти билан дилимни сиеҳ этмоқда; унинг хасталиги мени бир аелнияг исми шарифини эсламокда мажбур этдиким, агар кичкинагина саройимдаги барча кувончни ўзи билан олиб кет а ажойиб хопим мени деб

ўзииинг мустациллигини I а рози бўлганида нами на маркиза Гислери исми ўрнига ўша зотпинг помини жопжоз ,5 қўйган бўлардим», ҳоказо ва ҳоказо.

Шундай қилиб, герцогиня Фабрициоиинг дилиии ўртайдиган никоҳни қўлидан келганича тезлаштиришга ҳаракат қилганини тушунган ҳолда ҳар куни у билан учрашиб турарди. Баъзап шундай ҳам бўлардики, улар қаникда кўл бўйлаб тўртбеш соат сайр қилишарди, аммо бир-бирларига чурц этиб оғиз очишмасди. Фабрицио унн чин кўнглидаи яхши кўрарди^ю, бирок, бутун фикри еди бошқа бир аелда эди, герцогиня учун эса бу соддадил йигит биронта ҳам ширин су з топа олмасди. Хоним буни яққол кўриб турарди ва каттиқ изтироб чекарди.

Дарвоқе, биз герцогинянинг «чиройля кўрфаз» маъпосинп ашлатувчи Бельжиратенинг помита муиосиб хушмапзара жойидан бир уй ижарага олгани ҳадида айтадоқни унутибмиз. Меҳмонхонанинг ойнабанд эшигидан герцогиня тўғри кўл бўйига тушиши мумкин эди. Цайиқни у оддийганашни сотиб олди аммо зарур бўлган тўрт эшкакчи ўрнига чор атрофдаги ҳар бир кишлокдан биттадан одам танлаб, ўн икки этнкакчи еллади, Бир купи, жуда саралаб таиланган ана шу одамлар билан иккинчими, учипчими марта сайр қилгани чикишганида, кўл ўр-



тасига етиб боришгач, хоним уларга эшкак эшишдаи гўхташни буюрди.

— Мен сизларнинг ҳаммангизни ўзимнинг дўстларим деб ҳисоблайман,— деди у,— ва сизларга бир сирни айтиб қўй: чиман. ЭДияним Фабрицио қамоқхонадан қочган. Эҳтимол, хиепат ердамида уни сиздек эркин одамлар юрти бўлмиш ҳатто ана шу кўлингиз соҳилида ҳам яна қўлга олишга уриниб кўришар. Доим кўз-қулок, бўлиб юрииглар, кўргаи-билган гапларингиздаи доим мени огоҳ қилиб туринглар. Кечасию кундузи, истаган пайтингизда хонамга киришингизга ижозат бераман.

Эшкакчилар диллари завқ-шавққа тўлиб, рози эканликларини айтишди: хоним одамларппнг меҳрини қозониш ик-гидорига эга эди. Аммо у сира ҳам Фабрициоиинг ҳаетига шундай хавф-хатар қутқу соляпти, деб ўйламасди, балки бу эҳтиет чораларини кўпроқ ўзининг хавфсизлигини ўйлаб қўлламоқда эди,— илгарилари, Сансеверина саройидагц ҳовузнинг сувини чиқариб юбориш аги машъум буйруғига қадар бундай хаел унинг етти ухлаб тушига кирмаган бўларди.

У эҳтиеткорлик юзасидан Фабрициони Локарно бандаргоҳига жойлаштирганди; жияни ҳар куни уни кургани келар еху унинг ўзи йигитнинг олдига, Швейцарияга қарашли соҳилга борарди. Бу учрашувлариинг қанчалик еқимли еки иохуш ўтиши ҳакида куйидаги тафсилот орқали ҳукм юритса бўлади: маркиза иккала қизини енига олиб, икки марта уларпи кургани келди ва улар бегоналар олдида ўзлариии бирмунча епгилроқ ҳис этишди,— агар улар биз учун энг муҳим гапдан бехабар бўлиб, биз билан фақат йилига бир мартагина юз кўришиб туришса, ҳатто туғишган қариндошларпи ҳам бегона деб аташ мумкин-да ахир.

Бир куни кечқурун герцогиня Фабрициоиинг онаси ва икки синглиси билан Локарпога, унинг олдига борди. Ўша ерлик викарий билан каноник хонимларга ўз ҳурматлариии изҳор қилмоқ ниятида Фабрицио турган уйга келишди; бир тужжорлар шеркатининг ҳиссадори бўлган ва барча янгиликларни ҳаммадан олдин билиб юрадиган викарий кутилмагаида деди:

— Биласизларми, Парма шаҳзодаси дунедан ўтибди!

Герцогинянинг ранги докадек оқариб кетди.

— Биронта тафсилотини хабар к;илишмадими?— дея сўради у журъатсизгииа бир оҳангда.

— Йўқ,— деди жавобан викарий.— Унинг ўлганини эшитдим холос. Лекин бу жуда аниқ гай.

Герцогиня Фабрицио томонга ўгирилиб қаради. «Мен бу вити мана шу Фабрициони деб қилдим,— дея хаелидан ўтказди у.— Мен бундан ҳам баттарроқ, мпнг карра баттарроқ иш қилишим мумкин эди/ у бўлса рўиарамда бепарво ўтирибди ва бошқа бир аелпи ўйлаяпти».

Герцогиня бу даҳшатли фикрга дош бера олмади ва ҳушидан кегиб йиқилди. Ҳамма ваҳимага тушиб, уни ҳушига келтиришга урина бошлади; аммо ҳушига келиб, кузини очгач, у

йилган чуқурга қулаб тушибди; терлаб-пишиб турган экап, муздек сувга йиқилгач, бирдан эти увиша бошлабди. Уни кўтариб овлоқ жойдаги бир деҳқон уйига олиб боришибди ва у ўша ерда бир неча соатдан сўнг бандаликни бажо келтирибди. Айтишларига Караганда, яна икки киши; жаиоб Катена билан Бороне ҳам бу дунедан кўз юмишибди. Ҳамма фалокат бекаиинг мис кастрюлларинииг сирти кўкариб қолганида экан, ўша идишларда шаҳзодага овқат пиширишибди... Тентак якобинчилар эса ўзларига фойдали бўлгани учун оғзиларига келганини валди'раб юришибди... Гўе заҳар ишлатилгаьмиш. Меи фақат бир нарсани биламан: сарой отбоқари бўлмиш ошнам Тотонинг ҳам ўлиишга бир бахя қолибди, аммо қандайдир бир меҳрибон одам унинг жонига оро кирибди. Ўзи бир чувринди эмиш-у, аммо тиббиетни яхши билармиш,— Тотога у қандайдир ғаройиб дори-дармон берибди. Энди шаҳзоданинг ўлими тўғрисида ҳеч ким бошқа гапираетгани ҳам йўқ: виждонаи айтганда, жуда бағритош одам эди. Мен шаҳардан жўнаб кетаетганимда кўчаларга оломон тўплапа бошлаганди — одамлар бош фискал Рассини тилка-пора қиламиз, дея бақиришмокда эди; бошқалар эса қалъа томон кетишдк — айтишларича, дарвозаии еқишмокчи ва маҳбусларни озод қилишмокчи бўлишган экан. Фабио Конти эса, эшитишимча, гўе тўплардан ўқ узишни буюрганмиш. Баъзилар эса, қалъа тўпчилари ўз одамларимизни ўлдирмаслик учун ўқ-дорига сув сепиб қўйишибди, дейишянти. Лекин энг қизиғини эшитинг. Саидоларода, ўша ерлик табиб жароҳатлаппган қўлимни боғлаб қўяетганда Пармадан келаетган йўловчи бир гапни айтиб берди: одамлар кўчада қалъа котиби, машҳур Барбонени тутиб олишибди-да, аввал қаттиқ дўпиослашибди, кейин қалъа дарвозаси олдидаги дарахтга осишибди. Оломон саройининг боғи томон епирилиб борибди. Шаҳзоданинг ҳайкалини уриб синдиришмокчи экан, аммо граф лейб-гвардия батальонини чақирибди-да, ҳайкал олдига саф қилибди ва оломонга, боққа қадам босиб кирган биронта ҳам одам у ердан тирик чиқмайди, дея эълон қилишни буюрибди. Шундан кейин оломонниг нопуги пасайиб қолибди. Яна бир қизиқ гал: Пармадан келган ўша йўловчи (маълум бўлишича, у собиқ жандарм экан) нуқул бир гайни такрорларди; унинг айтишича, граф лейб-гвардиянинг командири бўлмиш генерал П.иинг кетига тепибди-да, унинг эполетларини юлқиб олиб, икки ўқчига уни боғдан олиб чиқишни буюрибди.

— Ҳа, граф шунақа одам!—дея хитоб қилди герцогиня бир дақиқа бурун ўзидан сира кутмаган бир қувонч билан.— У бизнинг маликамизни ҳақорат қилишларига асло йўл қўймайди. Ўша генерал П. қонуний ҳукмдорларга садоқат юзасидан «мустабид»га хизмат қилишдан бош тортган эди, унча внжиқ бўлмаган граф эса ўшанда бутун исиан кампаниясида қатнашганди,— бу ишини саройда ўқтин-ўқтин унинг юзига солиб туришарди.



Герцогиня графнинг хатини очди-ю, аммо уни мутолаа қи< лиш давомида камида юз марта тўхтаб, Брунога ҳар хил саволлар берди.

Хат жуда аломат услубда езилганди: граф воқеаларни жуда қайғули иборалар билан баен этарди, лекин ҳар бир сўзининг заминида кучли қувонч сезилиб турарди; у шаҳзоданинг ўлимига тааллуқли тафсилотлар ҳақида оғиз очмай, хатини қуйидаги мисралар билан тугатганди:

«Сен, шуоҳасиз, тез орада Пармага қайтиб келсанг керак, фариштагипам, аммо бкр-икки кун сабр қилиб турганинг мат.- қул: малика бугунми эртагами сенга чопар юборади. Сенинг қайтиб келишинг ўшандаги шижоат билан жўнаб кетишингдан ҳам тантаналироқ бўлмоғи лозим. Сенинг яқинингда яшириилган анови жиноятчиии эса давлатимизнинг чор-атрофидаи тўпланган ўн икки судьянинг ихтиерига топширишни қатъиян аҳд қилиб қўпдим. Аммо ўша золимни қилмишига яраша жазоламоқ учун мен олдин аввалги ҳукмни, агар шундай ҳукм мавжуд бўлса албатта, тутантириқ қилмоғим лозим».

Сўнгра граф, чамаси, хатни қайтадан очиб, унга қуйидаги гапларни қўшимча қилибди:

«Ишлар жуда бошқача тус олди. Ҳозиргина икки гвардиячя батальонга ўқ-дори тарқатдим. Бир оздан сўнг жангга кираман ва либераллар менга аллақачон тиркаб қўйишган *Багритош* лақабини чинакамига оқлайман. Генерал II. миясини еган тасқара, казармада, ғалаен кўтарган. оломон билан музокара қилищ керак, деб айтмоққа журъат этди. Бу хатни кўчада туриб езаяпман. Ҳозир сарой олдига бораман. Мен тирик эканман, у ерга ҳеч ким киролмайди. Алвидо! Агар ўлишга тўғри келса — қандай яшагап бўлсам, шундай ўламан: ўртада нималар ўтгаи бўлишига қарамай, сенга санеда қила туриб жон таслим этаман. Лиондаги Д... бапкидан сенинг номингга қўйилган уч юз минг франкни олишии унутма.

Ҳозиргина олдимга ранги докадек оқариб кетган ва бошига парик кийипши ҳам унутган бечора Расси келди, Унинг башарасини бир тасаввур қилганингда эди! Халқ пима қилиб бўлса-да, уни дорга осишни истаяпти. Қандай адолатсизлик! Уни аслида тўрт пора қилиш керак. У аввалига мепияг саройимга яширипди, кейин мепга эргашиб кўчага югурди. Уни пима қилишни хам билмай қолдим... Бояқишни шаҳзода саройш а бошлаб боришни истамасдим,— бу билап халқнинг қаҳр-ғазабини ўша ерга йўпалтиргаи бўламан. Ф. энди уни қанчалар яхши кўришимга яна бир карра ишонч ҳосил қилса бўлади,— Рассига мен аввало шундай дедим: «Қани, синьор дель Доню иши юзасидан чиқарилгап ҳукм ва уидан кўчирилган барча нусхаларни битта ҳам қолдирмай бу еққа чўзинг-чи. Кейип манови ғалаеига сабабчи бўлган ўша ўзбилармон судьяларии-

гизга айтиб қўйинг, муҳтарам зот: агар улар ўша ҳукм ҳақида ринг деб оғиз очгудек бўлишса, ўзингизга қўшиб уларнинг ҳаммасини дорга остириб юбораман. Едингизда бўлсин, ўша ҳукм ҳеч қачон бўлган эмас». Фабрициoнинг ҳурмати юзасидан ҳозир архиепископнинг саройини қўриқлаш учун гренадерлар ротасини юборяпмап. Яхши қол, фариштагинам! Саройимяи ендириб юборишади, сенинг ажойиб портретларингдан ажраб қолишим алам қиляпти. Ҳозир саройга югуриб борамаи-да, анови аблаҳ генерал П. пи унвонини бекор қиламан. У ўзининг иасткашлиғига бориб, авваллари марҳум шаҳзодага қандай хушомад қилгал бўлса, энди анови оломон олдида ҳам шундай ялтокилик қилянти. Генералларимизнипг бари қўрқувдан даг-даг титраб туришибди. Чамамда, ўзимни ўзим бош қўмондан этиб тайинлашимга тўғри келади шекилли».

Герцогиня хиел бадхоҳлик билан Фабрициони уйғотиш учун одам юбормади. Ҳозир у графдан ниҳоятда мамнун бўлиб, қалбида унга нисбатан севгига ўхшаш илиқ бир туйғу ҳис этмоқда эди. «Аслида яхшилаб ўйлаб курсам,— дея дилидан ўтказди у,— мен унга турмушга чиқишим керак». Хоним шу заҳоти бу тўғрида графга хат езди-да, уни хизматкорларидан бири орқали жўнатиб юборди. Бу кеча герцогинянинг ўз бахтсизлиги ҳақида ўйлашга мутлақо вақти бўлмади.

Эртаси куни пешиига яқин хоним кўлда ўнта эшкакчи ўтирган қайиқнинг улар томон шитоб билан сузиб келаетганинк кўриб қолди. Орадан куп вақт ўтмай у ҳам, енида турган Фабрицио ҳам қайиқда Парма шаҳзодасининг хизматкорлари кийимидаги бир одамни кўришди. У ҳақиқатап ҳам чопарлардап бири экаи. У ҳали соҳилга сакраб чиқмасданоқ герцогиняга қараб «Ғалаен бостирилди!» дея қичқирди. Чопар унга графвинг бир иеча хати, маликанинг еқимлигина мактуби ва шаҳзода Ранунцио-Эрнесто V нинг унга Сан-Жовапи герцогиняси ҳамда бева маликанинг катта статс-мулозимаси унвонлари инъом этилажаги ҳақидаги нергамеитга езилган олий фармонини тонширди. Герцогиня тентак дея ҳисоблаб юрган минералогияиинг билимдони бўлмиш еш шаҳзода унга деярли муҳаббат изҳори билан ниҳояланган қиск.агина бир мактуб езиб юборишини ҳам лозим кўрибди. Мактубда қуйидаги сўзлар езилганди:

«Гарчи отишма чоги меи фақат унипг енида турган бўлсамда, графнинк айтишича, герцогиня,. у майдан хурсапд эмиш. Тўғри, тагпмдаги от ўша отишмада яралаиди; шундай арзимаган нарсалар учун роса тўс-тўполон кутаришди ва тўғрисини айтганда, менинг энди ҳақиқий жангда иштирок этгим келяпти, лекин бу жанг ўз фук,ароларимга қарши бўлмаслиги керак. Мен ҳамма ишлари учун графдан жуда минатдорман: ҳеч қачон урушда иштирок этмаган генералларим бу тўс-тўполонни кўриб, ўтакалари ерилгудек бўлишди; иазаримда, улардан иккиучтаси Болоньяга қочиб кетди ҳам. Уша цайғули вок.еа мени ҳокимият теиасига чиқариб қўйганидан буен мен сизни волидаи-муҳтарамамга катта статс-мулозима этиб тайинлащ ҳақидаги фармондан бўлак биронта ҳам ҳужжатга бу қадар мампуният билан имзо чекмаган эдим. Дарвоқе, онам икковимиз бир Купи ўз замонида^ Петраркага қарашли бўлган,— ҳар қалай, рдамлар шундай дейишади. — Сан-Жовани Pa1a2еиосидан кўриниб турадиган чиройли манзара сизга бағоят катта завц багишлаганини эсладик. Шу боисдан волидамиз ўша шинамгипа амлокии сизга тухфа қилишни жазм айладилар, мен бўлсам, сизга нима совға қилишни билмаганим ва бусиз ҳам аллақачон тасарруфингиздаги барча нарсаларни таклиф этмоққа журъатим етмагани туфайли сизни ўз мамлакатимнинг герцогиняси қилиб қўйдим: Сансевериналар римлик герцоглар эканидан, ҳойнаҳой, хабарингиз бўлмаса керак. Етмиш ешга кирганига қарамай, сабот-матонат намойиш этган муҳтарам архиепископимизга эса орден юлдузини инъом этдим. Бадарға қилипган барча сарой мулозимларини қайта чақиртириб олганим учун мендан жаҳлингиз чиқмаса керак деб умид қиламан. Монга энди доим имзо чекмокдан олдин *чин юракдан лутф айлагувчи* сўзларипи езишим кераклигини айтишди. Минг афсуски, мен дилимда фақат сизга нисбатан ҳис этадиган туйғуларни бошқаларга ҳам баен қилмоғим керак экан!

Сизга ҳамиша чин юракдан лутф айлагувчи

*Ранунцио-Эрнесто»*.

Бу хатни ўқиган одам герцогииями Пармада юксак эътимод кутмаяпти деб айта олармиди? Шунинг учун ҳам графнинг икки соатдан сўнг келтириб беришган янги хатлари унга жуда ғалати кўринди. Граф тафсилотларини тушунтириб ўтирмай, хонимга Пармага қайтишини бир неча кун орқага суришни ва тоби қочиб қолганини баҳона қилиб, бу тўғрида маликага хат езиб юборишни маслаҳат берганди. Бироқ герцогиня билан Фабрицио тушликдан кейиноқ Пармага жўиашди. Герцогиня гарчи дилида буни тан олгиси келмаса-да, у ерга маркиз Крешенцининг тўйини тезлаштириш мақсадида шошилар, Фабрицио эса Клелияни кўришга ошиқарди; бутун йўл давомида у бахтиерлигидан турли шўхликлар қилиб, аммасининг назарида, ўзипи жуда кулгили тутди, Дилида у Клелияни олиб қочишга, мабодо қизнинг никоҳига монелик қилишнинг бошқа йўли -топилмаса, унинг хоҳишига қараб ҳам ўтирмасликка аҳд қилганди.

Герцогиня билан жияни ушбу саеҳат давомида бутун вақтни шод-хуррамлик билан ўтказишди. Парма яқинидаги сўнгги ночта бекатида улар қисқа муддатга тўхташди-ю, Фабрицио руҳонийлар жуббасини кийиб олди,— шу пайтга қадар у гўе мотам тутган одамдек оддийгина қора костюм кийиб юрарди. Йигит кийиниб бўлгач, герцогинянинг хонасига кирган эди, аел унга шундай деди;

— Биласанми, графнинг хатларида қандайдир шубҳали, тушуниб бўлмайдиган бир ҳадик сезиляпти. Гапимга қулоқ солгин-да, шу ерда бир неча соат кутиб тур. Мен буюк министримиз билан бир гаплашиб оламаи-у, шу заҳоти сенга чопар юбораман.

Фабрицио бу доно маслаҳатга аранг рози бўлди. Граф хотипим дея атай бошлаган герцогиняни ўн беш ешли йигитчаларга хос завқ-шавқ билан кутиб олди. У апчага довур сиссат ҳақида гапиришни ҳам истамади, ниҳоят, ҳаяжони босилиб, эс-хушини йириштириб олгач, шундай деди:

— Фабриционинг шаҳарга ошкора кириб келишига рухсат бермай жуда тўғри иш қилибсан: бу ерда ҳозпр реакцпя аини авжига мииган найти. Шаҳзода менга ҳамкасб қилиб, яъии адлия министри этиб кимни тайинлаганини биласанми? Рассини, жонгинам, ўша б>ток воқеалар найти мен адолатли равишда арзимас бир махлуқ ўрнида кўриб, сариқ чақага олмаган худди ўша Рассини. Дарвоке, сени огоҳлантириб қўяй, бу ерда ҳамма ишларни босди-босди қилиб юборишди. Магарам газеталаримизга бир кўз югуртирсанг, қалъада котиб бўлиб ишлайдиган аллақапдай Барбопенинг экипаждан йиқилиб ўлгани ҳақида хабар топасан. Сарой боғидаги шаҳзоданинг ҳайкали томон едирилишган найти мен ўт очишки буюргапимда ҳалок бўлгап олтмишдан кўпроқ бекорчилар эса сира ҳам ўлган эмас, балки соғ-еаломат юришибди, фақат саеҳатга жўкашган холос. Ички ишлар министри граф Дзурла ўша бадбахт қаҳрамонларнннг уйларига шахсан ўзи бориб, уларнинг оила аъзолари еки яқинларига ўн беш цехиндая пул берибди-да, ҳаммага марҳум саеҳатда юрибди деб айтасанлар, мабодо биронта одамга унинг ўлдирилганлиги ҳақида оғиз оча кўрсаларинг, қамоққа тиқиб қўяман, дея кяттиқ дўқ урибди. Ташқи ишлар министрлигидай Милан ва Турииrа махсус одам жунатилди. У журналистларни ушбу *кайғули вокеа* ҳақида езмасликка кўндирмоғи лозим. Бизда ўша во^еаларни ава шундай атамоққа қарор қилинди. Ўша одам Лондон билан Парижга ҳам бормоги ва у ердаги барча газеталарда бизда содир бўлган тартибсизликлар ҳақидаги барча мишмишларга қарийб расмий раддия эълон к.илмоги лозим. Бош^а бир амалдорни Болонья билан Флоренцкяга жўнатишди. Мен фақат кифт қисиб қўя қолдим.

Аммо энг кулгилиси шундаки, мен шу ешимда гвардиячилар олдида нутқ сўзлаетган ва ўша қўрқ,оқ генерал П. нинт эполетларипи юлқиб олаетган пайтимда қалбимда ғайрат-шия«)ат ҳис этдим. Ўша дакиқада мен шаҳзода учун сира ўйлаб ўтирмай ҳаетимни қурбон қилишга ҳам танер эдим... Энди тан олиб айтишим мумкинки, жуда аҳмоцона ўлим тонган бўлар экапмап. Еш ҳукмдор ўзинипг жуда раҳмдил бўлишига қарамай, менинг бирор касалга дучор бўлиб ўлиб кетишим учун бажонидил юз экю берган бўларди; у ҳали менга кстеъфога чиҚишимни таклиф қилишга журъат этмаянти, аммо биз у билан аҳен-аҳендагина



ганлашамиз. Мен унга талай-талай ахборотномалар юбориб турибман — Фабрициони қалъага банди қилишганидан сўнг марҳум шаҳзода пайтида мен худди шундай қоида жорий этгандим. Урни келганида шуни ҳам айтиб қўяйки, мен Фабрициога чиқарилган ҳукмпи тутантириқ қила олмадим, зеро аблаҳ Расси ўша ҳужжатни менга бермади. Фабриционинг бу ерга ошкора кириб келишига рухсат бермай жуда тўгри иш қилибсиз. Ҳукм ҳамон уз кучида турибди. Тўғри, иазаримда, Расси ҳозир жиянимизни қамоқца олишга журъат этмайди, аммо икки ҳафталардан сўнг у анча ботир бўлиб қолиши мумкин. Агар Фабрицио Пармага қайтишпи шу қадар истар экан, у ҳолда, яхшиси, меникида яширинсип.

— Лекин барча бу ўзгаришларнинг сабаби нимада?— ҳайратга ту шиб хитоб қилди герцогиня.

— Шаҳзодани мен ўзимни ҳукмдор ва мамлакатнинг халоскори дея ҳисоблаганимга ҳамда уни болакай ўрнида кўриб, унга раҳбарлик қилмоқчи эканлигимга ишонтириб қўйишибди; бу қам етмагандек, мен шаҳзода тўғрисида гапира туриб, унга нисбатап *«аиови болакай»* деган машъум сўзларни айтган омишман. Эҳтимол айтган бўлсам айтгандирман,— ўша купи хурсандлигимдан жуда ҳаяжонланиб кетгандим; масалан, гарчи отишмани умрида биринчи марта эшитаетган бўлса-да, унча қўрқиб кетмагани сабабли у менга деярли қаҳрамон бўлиб кўринганди. Унинг ўзига яраша ақли бор, кейин ўзини ҳам отасига қараганда анча яхшироқ тута билади; хуллас, мен ҳамма жойда у дили пок ва меҳрибон одам, дея айтишим мумкин, аммо бу софдил йигитча биронта қабоҳат ҳақида эшитса, жуда газабланиб кетади, унга бундай ишларни пайқаган одамнинг ўзи Ҳ'ам аблаҳ бўлиб туюлади. Унинг қандай тарбия кўрганини ўзингиз биласиз-ку ахир!..

— Унинг бир кун эмас, бир кун ҳукмдор бўлиб қолажагинк. едингизда тутишингиз керак эди, зоти олийлари. Шунинг учун ҳам унга биронта ақлли одамни тарбиячи қилиб қўймоғингиз лозим оди.

— Биринчидап, биз яхгаи бўлмаган маънода жуда ибратли бир намунага эгамиз: маркиз де Фелино, менинг ўтмигадошим, аббат Кондильяк*ни таклиф этган экан, у ўз шогирдини ғирт аҳмоқ қилиб тарбиялабди. Шогирди фақат черков маросимларидагина иштирок этипши билар экан, минг етти юз тўқсон олтинча йшга эса у генерал Бопапарт билан тил топиша олмади, ҳолбуки, генерал унинг ҳукмдорлик қилишига рози бўлиши мумкин эди. Иккинчидан, меп ҳеч қачоп ўн йил давомида министр бўлиб турам ап деб ўйламагандим. Сўнгги бир ой ичида эса бу ердаги барча ишлар шу қадар жонимга тегдики, бир миллионни тўплаб олсам бас, кейин ўзхш қутқариб қолгаи бу расвои жаҳон ўлкани ўз ҳолига ташлаб жўпайман, дея қарор қилиб қўйдим. Агар мен бўлмаганимда, Парма икки ой муддатга республикага айланарди, шоир Ферранте Налла эса бу республикада диктатор бўлиб қоларди.

Феррантенинг исмини эшитиб герцогиня қизариб кетди: графнипг ҳеч гапдан хабари йўқ эди.

— Биз тез орада ўн саккизипчи аср монархиясига хос тартиб-қоидаларига қайтамиз: руҳоний, пир ва севимли аел ҳукмдор бўлиб қолади. Аслида шаҳзода фақат мпнералогиясини па заримда, сизпи севади. Шаҳзода тахтта ўтирганидан буен камердинери (упинг укасига тўққиз ойлик хизматдан сўнг менинг талабимга кўра кааитанлик унвони берилди), ўша камердинер, мен сизга айтсам, худонинг бергаи куни шаҳзоданинг миясига, сиз дунедаги энг бахтиер одамсиз, зеро сизнинг рухсорингиз олтин тангаларга зарб этилмоқда, деган гапни қуйиб келяпти. Бундай ажойиб фикр ўз ортидан диққинафасликни эргаштириб келди. А на шундан сўнг шаҳзодага кўнглини очувчи адъютант керак бўлиб қолди. Лекин миллион берганда ҳам, икковимизиинг Неаполь еки Пармада кўнгилли ҳает кечиришимиз учун жуда зарур бўлган ўша миллионни берган тақдирда ҳам мен ҳазрати олийларинипг кўнглини очиш учун у киши билан кунига тўрт-беш соатлаб вақтни бирга ўтказишга рози бўлмаймап. Бунинг устига мен ундан ақллироқман, шу боисдан бир ойдап сўнг у мени даҳшатли махлуқ дея ҳисоблай бошлайди.

Марҳум шаҳзода евуз ва бахил одам эди, лекин у ҳар калай у руш кўрганди, қўшинларга қўмондошшк қилгапди ва шу йўсинда бирмунча чиниққан эди. Унда маълум қадар монархлик иишоналари бор эди ва мен уипнг ҳукуматида яхшими еки емонми, лекин министр бўлишим мумкии эди. Унинг ҳалол, софдил ва чинакамига меҳрибоп одам бўлмиш ўғли ҳузурида эса мен фақат фирибгар бўлишим лозим. Бу соҳада мен саройдаги энг пасткаш дўндиқча билан ҳам рақобат қилишим керак бўлади. Шунда мен анчайии заиф рақиб экаплигим маълум бўлиб қолади, зеро кўпгина зарур икир-чикирларга эътибор бермаслигим мумкин. Масалан, уч кун бурун ҳар куни, эрталаб сарой бўлмаларига тоза сочиқ тарқатиб чиқадиган кирчи хотин шаҳзоданинг инглизча езув столининг калитини йўқотиб қўйибди. А па шундан сўнг ҳазрати олийлари ўша столпипг тортмасига қулфлаб қўйилган ахборотномаларга тааллуқли барча игалар билан шуғулланишдан бош тортдилар. Агар устага йигирма франк тўласа у тортманинг тубидаги тахталарини сугириб очиб берар еки қулфга тушадиган калит топарди албатта. Аммо Ранунцио-Эриесто Бешинчи менга сарой чилангарини бундай емоп одатга ўргатиш мумкин эмас деб айтди.

Ҳанузгача у ўзи қабул қилган қарорида ҳечмаса уч кун қатъ* ий туришга мутлақо қодир эмас. Агар бу навқироп шаҳзода оддийгина маркиз бўлиб туғилганида ва унинг давлати бўлганида эди, у Людовик Ун олтинчиникига ўхшаш биронта саройда энг муносиб одам бўларди. Лекин бу художўй ва соддадил йигит атрофини қуршаб олган макр-ҳийлаларга қаидай қарши тура олади? Шу боисдан мухолифангиз бўлмиш маркиза Раверсинипг салони ҳеч қачон ҳозиргидагидек қудратли бўлмаганди; улар бир нарсани



кашф этишибди: эмишки, гарчи мен оломонга қарата ўқ узишни буюрган ва аввалги ҳукмдорим бўлмиш шаҳзоданинг ҳайкалини ҳақорат қилишларига йўл қўймаслик учун, агар лозим бўлса, уч минг одамни ҳам қириб ташлашга тайер турган бўлсам-да, бари бир мен оташин либерал эмишман ва конституцияга эришмоққа иптилармишман ва шунга ўхшаш аҳмоқона гаплар. «Бу телбалар республика, республика, дея аюҳаннос солиб, бизга монархияларгап энг яхшисииинг саховатидан баҳраманд бўлмоққа халал бермоқчи бўладилар... «Хуллас, хоним душманларим мени энди либераллар партиясипинг йўлбошчиси, дея эълон қилишди, сиз бўлсангиз шаҳзода ҳали ўз илтифотидан маҳрум этмаган ягоиа сафдошимсиз. Бешак ҳалол одам бўлмиш архиепископ бир купи эҳтиеткорлик билан ўша *«машъум кунда»* мен қилган ишлар ҳақида эслатмокчи бўлган экан, бунинг учун шаҳзоданинг ғазабига учрабди. Ғалаепнинг мавжудлиги сўзсиз ҳақиқат бўлиб турган иайтлари ўша кунни ҳали *«машъум»* дея сифатлашмаган эди; эртаси эрталаб шаҳзода ҳатто архиепископга мени герцог қилиб қўймоқчи эканлиги, зеро сиз менга турмушга чиеданингиздан сўнг унвонингиз пасайиб кетмаслиги кераклигипи айтган экан. Энди бўлса, ўйлашимча, анови аблаҳ Рассига графлик унвонипи инъом этишса керак. Ўша аблаҳга марҳум шаҳзоданинг сирларини мепга сотиб тургапи учун унга ўзим дворянлик унвонини олкб бергапдим. Агар Рассини шундай кўтариб қўйишса, унда мен жуда аҳмоқона аҳволга тушаман.

— Вечора шаҳзода эса панд еб қолади.

— Шундай бўлиши турган гап. Лекин у, *уукмдор,* икки ҳаф~ тадан сўнг ҳеч ким упинг устидан кулишга журъат этмай қолади. Шундай қилиб, азизим, сиз билан биз триктрак ўйинчилари каби «ўйиндан чиқмоғимиз» керак. Бу ердан жўнаб кетайлик.

— Лекин биз жуда камбағалмиз-ку.

— Аслини олганда сизга ҳам, менга ҳам ҳашамнинг кераги йўқ. Менга Иеанолдаги Сап-Карло театрида ложангиздан биргипа жой билан мииишга от берсангиз бўлгани, менга шуниси ҳам етади. Жамиятдаги мавқеимиз ҳашамнинг кўп еки озлигига боглиқ бўлмайди, балки ўша ерлик донолар хонадонингизга келиб бир пиела чой ичиш шарафига муяссар бўлмоқ учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилишлари билан белгиланади.

— Мабодо ўша «машъум кунда» сиз бир четда туравергаииигизда, умид қиламанки, бундан буен худди шундай қиласиз, унда нима бўларди?— дея сўради герцогиня.

— Дўшинлар оломонга қўшилиб кетарди, енғип ва қирғинбарот камида уч кун давом этарди (ахир республика бу мамлакат> да фақат юз йилдап кейингина бемаъни гап бўлмаслиги мумкин)', сўнгра икки ҳафта талон-тарож бўлиб турарди ва чет элдан юбо^ рилган икки-уч полк барча бу ишларга чек қўйигунига қадар шу аҳвол давом этаверарди. Ўша купи халқ орасида Ферранте Паллапи кўрдим, у одатдагидек жасорат ва мардликка тўла эди; наза-* римда, у билан бирга ўн-ўн бешта дустлари ҳам ҳаракат қили-

шарди. Расси бундан ажойиб фитпа тўқиб чиқаради. Бир нарса яхши маълум; Ферранте, гарчи йиртик-ямоқ кийимда бўлса-да, олтинни ҳовучлаб сарфлабди.

Барча бу хабарлардан ҳаяжонга тушган герцогиня маликага миннатдорчилик билдирмоқ учун дарҳол саройга равона бўлди.

У қабулхонага кириб боргач, навбатчи фрейлина хопимга саройнинг маликага ажрагилган хоналарида олий ваколат тимсоли сифатида белига тақиб юриши лозим бўлгаи олтин калитчанп тонширди. Клара-Паолипа уни кургани заҳоти ҳаммани чиқариб юборди в а герцогиня билан елғиз қолгач, бирмунча вакт дилидагипи очиқ-ойдин гапирмай, фақат алланималарга шама қилиб ўтирди. Герцогиня уникг нима демокчи эканлигини тушуна олмай, сиполик билан жавоб қиларди. Охир малика йиглаб юборди-да, дугопасинииг қучоғига отилиб, хитоб қилди:

— Мен учун яна қайғули кунлар бошланяпти. Ўғлим менга эримдан ҳом баттарроқ муомала қиладиганга ўхшайди!

— Мен бунга йўл қўймайман,— қизишиб жавоб қилди герцогиня.— Лекин аввало, ҳазрати олиялари, камоли эҳтиром ила сизга чекскз миннатдо] $ҳор этмоққа ижозат этгайсиз.

— Бу билан нима демоқчисиз?— ташвишга тушиб сўради истеъфо ҳақидаги илтимосни эшитишдан чўчкган малика.

— Ҳар гал камин устида турган анови хитой қўғирчоғининг диқилдоқ бошини ўнг томонга буришга ижозат этганингизда мен бор ҳақиқатни очиқ айтмоғимга рухсат беришингизни илтимос қилмоқчиман.

— Фақат шуми? Азизам герцогиня!— дея хитоб қилди Клара-Паолина. У ўрнидан шартта туриб, қўғирчоқнинг олдига югуриб борди-да, ўзи унинг . ўнг томонга буриб қўйди.

— Гапираверинг, ҳаммасини очиқ-ойдин гапираверинг, сиз мепипг катта статс-мулозимамсиз ахир,— мулойимгина овоз билан деди у.

— Ҳазрати олиялари,— деди герцогиня,— сиз аҳволимизни жуда яхши биласиз:. сизга ҳам, менга ҳам катта хавф қутқу солянти. Фабрициога чиқарилган ҳукм ҳали бекор қилинганича йўқ! Шундай экан, мендан қутулишни, сизий эса хўрлашни истаган заҳотилари жиянимни япа қамоққа тиқишади. Аҳволимиз сира ҳам яхши бўлгани йўқ. Шахсан менинг масаламга келсак, мен графга турмушга чиқаман-да, биз у билан Неаполь еки Парижга нсўнаймиз. Графга нисбатан кўрнамаклик қилдилар, шу боис унинг давлат ишларидан мутлако кўнгли совиган. Агар сизга бу қадар ҳамдард бўлмагапимда эди, ҳазрати олиялари, унга, шаҳзода жуда катта пул таклиф қилгаи тақдирдагина бу жинпихопада қолишга рози бўлинг, дея маслаҳат бергап бўлардим. Сизга бир нарсани маълум қилиб қўймоққа ияшзат этгайсиз, ҳазрати олиялари: мчнисгрлик лавозимига ўтирган йили графнинг бир юз ўттиз минг франк пули бор эди, энди бўлса упипг йиллик даромади нари борса йигирма мишта араш етади; Мов унга анчадап буен, бундай мол-дуне орттиришни ҳам ўйласангиз-чи, дея маслаҳат бераверив бекорга овора бўлардим. Мана энди мен йўқлигимда у шаҳзоданинг ўтакетган муттаҳам одамлар бўлмиш бош ўлпончилари билан жаия«аллашиб қолибди-да, уларни ҳайдаб, ўрниларига бошқа муттаҳамларни олибди. Бунинг учун улар графга саккиз юз минг франк берв

— Нима?— ҳайратга тушиб хитоб қилди малика.— £ алҳазар!.. Цаттиқ хафа бўлдим бу гагши эшитиб!

— Ҳазрати олиялари,— дея совуққонлик билан сўради герцогиня,— кўгирчоқнинг бурнини сўл томонга бурайми?

— Йўқ, йўқ! Лекин графдек бир одам шу йўсжнда пул орттиришга жазм қилса, бу даҳшат-ку ахир!

— Агар ўғирламаганида барча ҳалол одамлар ундан нафратланган бўлишарди.

— Е- қудратингдан! Наҳот шундай бўлса?

— Ҳазрати олиялари,— дея давом этди герцогиня,— менинг дўстим, уч юз мингми еки тўрт юз мингми даромади бўлгаи маркиз Крешснцидан бўлак ҳамма бу ерда ўғрилик қилади. Одамларнинг буюк хизматлари бир ой ўтмасданоқ унутиб юбориладиган бундай мамлакатда нечун ўғирлашмасин экан? Одамлар ҳукмдорнинг назаридаи қолганидан кейин ҳам ўз қадрипи йўқотмайдиган ягона ва чинакам мукофот бу пул экаилиги аеп бўлди. Ижозатингиз билан ҳозир сизга, ҳазрати олиялари, даҳшатли ҳақиқатни айтаман.

— Айтинг, ижозат этаман,— деди хўрсиниб малика.— Тўғри, бу ҳақиқаглар қалбимни ўртаяпти.

— Гап бундай, ҳазрати олиялари,— ўғлиигиз ниҳоятда софдил одам, аммо у сизий отасидан ҳам баттарроқ хўрлаши мумкин. Марҳум шаҳзоданинг барча кнройи одамлар қатори ўз феъли-атвори, ўз нродаси бор эди. Бизнинг павқирон ҳукмдоримиз эса уч кувдан кейин карори кандай бўлишини ўзи ҳам билмайди. Демак, унга ишониб бўлмайди, шундай экан, муттасил унинг енида бўлмоғингиз, ўзгаларнинг таъсиридан сақламоғингиз керак. Бу ҳақиқатни тушуниб олиш унча қийин эмас, бу турган гап, икки ақлли одам — Расси билан маркиза Раверси раҳбарлик қилаетган ашаддий монархистларнинг янги партияси унга маъшуқа топиб беришга ҳарйкат қилади. Ўша фавориткаинг бойлик орттиришига, баъзи арзимас/лавозимларни тақсим этишига йўл қўйиб берадилар, аммо бунинг эвазига у ушбу партия олдида ҳукмдорнинг продаси баркарорлиги учун ятвобгар бўлади.

Сиз ҳазрати олияларининг саройингизда мен ўзимни бетаҳлика ҳис этмогим учуй Рассини бу ердан шармаидаи шармисор қилиб қувиб юбормоқлари керак; бундан ташқари, мен Фабрициони бу ўлкадаги знг ҳалол судьялар суд қилишларини истайман; агар ўша жаноблар, мен умид қилганимдек, Фабрициони оқлашса, архиеписконга уни ўзига коадъютор, кейинроқ эса ўринбосар огиб тайкнлашига ижозат бермоқ табиий бир ҳол бўлса керак. Мабодо муваффақиятсизликка учрасак, у ҳолда граф якковимиз

жўнаб кстамиз. Шунда мен, ҳазрати олиялари, сизга бир маслахат бераман: ўша аблаҳ Расси билан хеч қачон муросасозлик қилманг ва ҳеч қачон ўғлингизнинг музофотидан ташқари чиқманг. Ўғлипгиз яхши одам, енингизда яшар экан, у сизга сира ҳам емонликпи раво кўрмайди.

— Сизнинг барча бу ҳақиқатларингизни жуда диққат билан тингладим,— дея жавоб қилди жилмайиб малика.— Ишқилиб ўғлимга маъшуқаии ўзим топиб беришим керак эмасми мабодо?

— Йўқ, ҳазрати олиялари. Фақат саройипгизда у вақтини хурсандчилик билан ўтказиши учун имконият яратишга ҳаракат қилинг,— ҳар қалай у бошқа салонларга қараганда вақтини бу ерда шодонроқ ўтказсин.

Шу мавзудаги гаплар яна узоқ давом этди. Соддадил, аммо ақлли аел бўлмиш маликанинг кўзи очилди.

Герцогиня юборган чопар Фабрициога у шаҳарга кираверишй мумкинлиги, лекии у ерга йигит пинҳона кириб бориши лозимлиги ҳақидаги хабарни етказди. Пармада Фабрициони деярли ҳеч ким кўрмасди: у деҳқонча кийиниб олиб, бутун вақтипи аллақандай снғоқфурушнинг қалъа дарвозаси рўпарасидаги хиебонда жойлашган тахта дўконида ўтказарди.

## Иигирма тўртинчи боб

Герцогиня саройда ажойиб кечалар уюштира бошлади,— ҳали ҳеч қачон у ерда бундай хурсандчилик хукм сурмаган, гарчи унга даҳшатли хавф кутку солаетган бўлса-да, ҳали ҳеч қачон герцогиня ушбу кишдагидек гўзал ва дилбар кўринмаганди; ана шу машаққатли бир неча ой ичида у Фабрициони бундай ғалати ўзгариб қолгани тўғрисида, чамаси бирон марта ҳам алам билан ўйламади. Еш шаҳзода онасининг салонидаги бундай кўнгилли йигинларга жуда эрта келар, шунда малика унга қараб дерди:

— Бориб давлатни бошқаринг энди. Имоним помилки, езув столиигизда сизнинг қарорнигпзпи кутиб камида йигирмата доклад етгап бўлса керак. Европа мени, у ўғлини бекорчи қилиб кўйиб, ўзи ҳукмдорлик қилмокчи, дея айблашини истамаймап.

Малика доим бундай ўгитларини жуда поқулай пайтда — аъло ҳазрат тортинчоқлигини уиутиб, мароқ билан биронта кулгили шарада ўйиида иштирок этаетган маҳали айтар эдики, бундан шаҳзодаииг жаҳли чиқарди. Ҳафтасига икки марта шаҳар ташқарисида боғ сайли уюштириларди. Малика янги ҳукмдорга халқнинг меҳрини ошириш баҳонасида Пармапицг буржуа оилаларидан бўлмиш энг кўҳлик қиз-жувопларнинг ҳам бу сайлларда иштирок этишига ижозат берарди. Герцогиня бу қувноқ саройнинг жону дили эди; у мешанин Рассипинг юксалишига қаттиқ ҳасад қилиб юрган ўша чиройли мешан аеллар шаҳзодага адлия министрининг беҳисоб фирибгарликларидан биронтаси ҳақида гапириб беришларига умид қиларди, Шаҳзода кўнгина болалар-



ча тушунчалари қатори, министрларимнинг бари *юксак ахлокли* одамлар, доган ишончга ҳам амал қиларди.

Расси анча фаҳм-фаросатли одам бўлиб, маликанинг саройида унинг рақиби уюштириб турадиган бу ажойиб кечаларнинг ўзи учун нақадар хавфли эканини яхпш тушуқарди. У барча расмиятчиликларга амал қилингап ҳолда Фабрициога чиқарилган қарории граф Москага беришдан бош тортди. Шундай қилиб, е у, еки герцогиня сарой доираларидан ғойиб бўлиши керак

Ғалаен кўтарилган купи — ҳозир барча одобли одамлар бу ғэлаеини инкор этадиган бўлиб қолишганди,— оломопга чкимдир пул тарқатгап экан. Расси ўзининг тафтишипи ана шу маълумотдан бошлади. У одатдагидан ҳам емонроқ кийиниб олиб, Пармада ги барча кулбаи вайроналарни айланиб чиқди ва сергапроқ одамларнинг қўлига чойчақа қистирганича у ердаги қашшоқлар билан соатлаб суҳбатлашди. Унинг бу саъй-ҳаракатлари зое кстмади. Икки ҳафталик ана шундай серташвиш қаетдан сўнг у ғалаеннинг пинҳопий йўлбошчиси Ферранте Палла бўлганига ишонч ҳосил қилди; бунинг устига барча ҳақиқий буюк шоирлар каби бутун умрини қашшоқликда ўтказган бу одам Генуяда сўнгги пайтда ўнтача брильянт сотибди. Айтишларига қараганда, сотилган жавоҳиротлар орасида баҳоси қирқ миигдап ортиқроқ бўлган бешта йирик бриллиаит бор экан, аммо *шщзоданипг ўлимидан ўн куп аввал* уларни *пул жуда зарур бўлиб цолгапи* боисидан ўттиз беш мингга сотиб юборишибди.

Бу кашфиетдан сўнг адлия министрининг нақадар боши осмонга етгапиии не сўзлар билан тасвирлаб берсак экан? Расси бева маликанинг саройида ҳар куни унинг устидан кулишларини жуда яхши биларди. Кундалик ишлар тўғрисида суҳбатлашиб ўтиришар экан, шаҳзоданинг ўзи ҳам кўн марта унинг устидан ешларга хос соддадиллик билан очиқдан-очиқ кулган эди. Шуни тан олмоғимиз керакки, Расси табиатан тўпорй одам бўлиб, унинг ўзига хос қилиқлари бор эди. Масалан, агар биронта суҳбат чоғи гапга жуда берилиб кетеа, у оеқларики чалиштирарди-да, кафти билан бошмоғивинг тагини силай бошлардв. Жуда руҳланиб кетгап пайтларида эса у чўнтагидан катта қизил сурп дастрўмолипи олиб, тиззасининг устига езарди ва ҳоказо, ва ҳоказо. Чиройли мешан қизлардан бири ўзинйнг бежирим оеқчаларини кўз-кўз қилиш мақсадида адлия министрининг ўша хурмачақилиқларини намойиш этиб, Рассини калака қилганида шаҳзода қотиб-қотиб кулган эди.

Расси шаҳзодадан фавқулодда сабабларга кўра, қабул қилишини илтимос қилди-да, унга қараб шундай деди:

— Ҳазрати олийлари, юз мипг франк сарфлашга ижозат борсангиз, шунда биз марҳум аълоҳазрат отангиз ўлимининг сабабини билиб олардик. Агар бу ўринда жиноят яширинган бўлса шу миқдордаги пул билан адлия мивистрлиги жиноятчиларни қўлга олиш нмкопиятига эга бўлади.

Бунга жавобан шаҳзоданинг нима дегани мутлақо аен бўлса керак.

Орадан бир неча кун ўтгач, Чекина гердогиняга агар бир заргарга бекасининг брильянтлариии кўрсатса, катта пул беришнии таклиф қилишгани, аммо у бу таклифни ғазаб билан рад этгашгни гапириб берди. Герцогиня ўша таклифни рад этгаии учун қизни бир оз койиган киши бўлди. Бир ҳафтадан сўнг Чекинага заргарга кўрсатиш учун ўша брильянтларни топширишди. Брильянтлар кўриладиган куни граф Моска иармалик ҳар бир заргарнинг дўкони олдига иккитадан ишончли одам қўйди ва ярим кочада герцопшянинг саройига келиб, ўша синчков заргар министр Рассининг акаси бўлиб чиқданини хабар цилди. Герцогинянинг жуда димоғи чог эди,— ўша оқшом саройда сlеlГ аг1е комедиясини қўйишганди. Бу комедияда пьесанинг умумий плани саҳна ортида осиб қўйилди-да, иштирок этувчи шахслар диалогларни ўзлари тўқиб чиқараверишди. Герцогиня ўзи бош ролни ижро этган саҳнадан эндигина чиққан зди. Унинг чичисбейи ролини эса томошабинлар орасида ўтирган маркиза Раверсининг собиқ я^азмани — граф Бальди ижро зтган эди. Бутун Пармадаги эпг тортинчок. одам бўлса-да, лекин жуда келигагав йигат ва нозик қалб соҳиби бўлмиш шаҳзода пьесанинг навбатдаги намойишида граф Бальди ўйиаган ролни ўзи ижро зтишга аҳд цилтанди ва уни «д ола бошлаганди.

— Вартим н?уда зик,-- деди герцогиня граф Москага. — Иккинчи пардада мен биринчи кўринишда чиқишим керак. Юринг, соқчилар залига ўтамиз.

Бу залда, бош министр ва катта статс-мулозима ўртасидаги суҳбатга диққат билан цулок. солиб турган йигирма чоғлиқ лейб-гвардиячилар орасида герцогиня кулиб туриб, ўз дўстига шундай деди:

— Сиз мени доим, бекордаи-бекорга сирларингизни ошкор қилиб юрасиз, дея койирдингиз. Мана энди билиб олинг. Эрнесто Бешинчини тахтга мен чиқариб қўйдим. Мен ўзим ўша кезлари ҳозиргига қараганда беқиес даражада кўпроқ севадиган Фабрицио учун ўч олмоқчи эдим. Тўгри, бу севгим бокира севги. Валамай, сиз дилимдаги бу туйғунинг бокиралигига асло ишонмайсиз, лекин жиноятларимга қарамай, сиз мени ҳамон севар экансиз, бунииг энди аҳамияти йўқ. Аммо буеғини зшитинг - мана менинг ҳақиқий жиноятим: мен барча брильянтларимни Ферранте Палла исмли аломат бир телбага бериб юборгапман; мен ҳатто Фабрициони заҳарлаш ҳақида буйруқ берган одамни йўқ қилишга жазм айлагани учун ўпганман ҳам. Бунинг нимаси емон экаи?

— Ғалаепга ҳозирлпк куриш учун Ферранте пулни қаердан олганшш энди тушундим,— деди бир оз боши котиб қояган граф. — Сиз бу ганлариинг барини менга шаҳзоданинг соқчилари олдида гапиритпга журъат этяпсизми?

— Вақтим зиқ деб айтдим-ку сизга, Расси зндн ўша ишлар-

нинг изига тушибди. Тўғри, мен ғалаен ҳақида чурқ этиб оғиз очган эмасмаи, зеро якобинчиларни емон кўрамаи. Барча бу гаплар тўғрисида ўйлаб кўринг-да, спекгаклдан сўнг буеғита нима иш қилишим кераклигини айтинг.

— Мен нима иш қилишингиз кераклигини ҳозироқ айтишим мумкин. Сиз шаҳзодани ўзингизга ошиқ қилиб қўйишингиз керак... Лекин, ўтинаман, бу ўйинки ҳаддидан ошириб юборманг!

Герцогиняни саҳпага чақириб қолишди; у югурганича саҳнага чиқиб кетди.

Орадан бир иеча кун ўтгач, герцогиня почта оркали собиқ оқсочи номидан езилган узундан-узун ва бемаъни бир хат олди,— хатида ўша аел ундан саройга хизматкор қилиб ишга олишни сўрабди, бироқ герцогиня дарҳол мактубни езилиш услубидан упи аллақандай ўзга одам иншо этганини сезди. Хоним мактубнинг иккинчи саҳифасипи ўкиш учуп қоғозни ейган эди, оеғииинг олдига аллақандай китобниинг сарғайяб кетган саҳифасига ўралган Биби Марьям тумори тушди. Герцогиня туморга бир назар ташлаб, китобнинг йиртиб олинган саҳифасига кўзи тушди-ю, кўзлари чақнаб кетди. У ўша саҳифада қуйидаги сўзларни ўқиган эди:

«Трибун ўзи учун ойига фақат юз франк олди; қолган пуллар одамларнинг қалбида муқаддас олов еқиш учуй сарфланди, аммо улар худбинликдан музлаб қолган экан. Тулки мепинг изимга тушибди, шу боис ўзим ҳаддан зиед севадиган фаришта билан хайрлаша олмадим. Мен ўзимга ўзим шундай дедим: «У республикапи ецтирмайди, айни вақтда ақл жиҳатидан ҳам, гўзаллик жозибаси билан ҳам мендан бениҳоя устун туради. Кейин республикачиларнинг ўзи бўлмаган жойда қандай қилиб республика тузиш мумкин? Мен адашмадиммикан? Ярим йил давомида Америка шаҳарчаларини кезамап, уларни заррабин остига қўйиб ўрганаман ва шундап кейин сизнинг қалбимдаги ягона рақибангизяи севишим керакми еки керак эмаслигини ҳал қиламаи.

Агар сиз ушбу мактубни олсангиз, баронесса ва унга сиздап олдин ҳеч кимнинг куфроний кўзи тушмаса, камина қулингиз сиз билан биринчи бор гаплашишга журъат этган ўша жрйдан йигирма қадам нарида экилган шумтол кўчатларидан бириии синдиришни буюринг. Шундан сўнг мен ўзимни бахтиер ҳис этиб юрган ўша пайтларда бир купи боғда эътиборингизни жалб этган катта шамшод дарахтининг тагига қутича кўмдириб қўяман, ўша кутичада сиз шундай бир нарсани кўрасизки, менинг маслагимдаги кишиларга нима сабабдан туҳмат қилишларини тушуниб оласиз.

Тулки изимга тушгани ва ўзим беҳад севадиган малакнинг тавдирини ўйлаб, қаттик. ташвишланганим туфайлигина мактуб езишга журъат этдим.



Шамшод дарахтининг тагига икки ҳафтадан сўнг келмоқ ловим».

«Унинг ихтиерида босмахона бор экан,— дея хаелидап ўтказди герцогиня.— Демак, тез орада унинг сонетлар тўпламини ўқиймиз. Худо билсин, ўша сонетларида у мени қапдай номлар билан атаркин!»

Ўз қадрини ошириш мақсадида герцогиня бир тажриба ўткааишга қарор қилди: у бутуп бир ҳафта давомида «тоби қочиб», уйидан чиқмади, оқибатда сарой аҳли ажойиб кечалардан маҳрум бўлиб цолди. Бевалик мотамининг биринчи куниданок ўғлининг олдида юрагини ҳовучлаб горишга мажбур бўлганидаи қалби нинҳона ғазабга тўлган малика ана шу ҳафтапи эри дафи этилган монастирда ўтказди. Ўйин-кулги бобидаги бир ҳафталик бу танаффус найти шаҳзода бўш вақтини бениҳоя хафагезакликда сицилиб ўтказдики, бу ҳол адлия министрининг нуфузига қаттиқ путур етказди. Эрнесто V, агар герцогиня саройни тарк этса еки ушбу гўшага цувопч бағишламай қўйса, кунлари нақадар зерикарли ва бефайз ўтажагини тушуниб қолди. Ниҳоят, герцогиня япа кечалар уюштиритга киришди. Шундан сўнг шаҳзода c!e1Гаr1e комедияларига боргап сайин кўпроқ қизиқа бошлади. Унинг ҳам жуда роль ўйнагиси келар, бироқ шаҳзодд бу шухратпараст истагини ошкора намойиш этишга ботинмасди. Бир куни у лоладек қизариб, герцогиняга мурожаат қилди:

— Нима дейсиз, мен ҳам ўйнаб курсам бўлармикин?

— Ҳаммамиз сиз ҳазрати олийларининг хизматларига тайермиз. Фармон айланг, мен дарҳол янги комедияпинг режасипи тузишни буюраман; эпг жўшқин саҳмаларни сиз, ҳазрати олий* лари, мен билан ўйнайсиз. Одатда барча актерлар илк чиқишларида бир оз ҳаяжонланишади, шу боис мен сизга баъзи луқмалариии айтиб тураман,— фақат марҳамат қилиб, менга хиел диққат билан қарасапгиз бас, ҳазрати олийлари.

Ҳаммаси жуда моҳирлик билан ташкил қилипди. Шаҳзода табиатан тортинчоқ эди ва бу хислатидан уялиб юрарди. Герцогинянинг шаҳзода ўзинипг бундай туғма журъатсизлигидал хижолат чекмаслиги учун қилган барча саъй-ҳаракатларидап еш ҳукмдор жуда таъсирланиб кетди.

У биринчи марта роль ўйпаган куни спектакль одатдагидан ярим соат олдин бошлапди. Шу боис меҳмонларни залга таклиф қилишганида салонда бор-йўғи ўн-ўн бешта кампир ўтирган эди. Шаҳзода бу хонимлардаи сира ҳам чўчимасди, бунинг устига уларнинг бари Мюнхенда монархияга ўта содиқлик руҳида тарбия кўришган бўлиб, кафтларини аямай қарсак чалигаарди. Герцогиня ўзинипг статс-мулозимлик лавозимидан фойдалапиб сарой аъенлари залга кирадиган эшикпи қулфлаб қўйди. Табиатига кўра бадииятга мойил ва хушрўйгина йигит бўлмиш шаҳзода биринчи саҳналарда ролини жуда яхши ижро этди; у герцогипяпипг кўзидан уқиганича еки хоним шивирлаб айтаетган сўзлар-

ВИ такрорлаганича луцмаларни пиҳоятда ўринлатиб айтмоқда »ди. Санокли томошабиплар карсак чалиб, уларни қизғин олқишлашаетган бир пайтда герцогкнянинг ишораси билан катта эшикни очиб юборишди. Зал бир зумда томошабинларга тўлди. Сарой аҳлидан бўлмиш гўзал хонимлар шаҳзодапинг анча барио йигит эканлигини, ролини ҳам у жуда жонда қилиб ижро этаетгаиипи 1 ўришди-да, ўзлари ҳам карсак чала бошлашди. Шаҳзода кувончининг зўридан қизариб кетди. У гсрцогиняпинг маҳбуби ролини ижро этмоқда эди. Бир оздан сўнг хонимнинг унга репликаларни гйтиб туришига ҳожат ҳам қзпмади,—аксинча, герцогиня энди сахналарни қисқартиришга ҳаракат қиларди: шаҳзода унга муҳаббат тўғрисида шу қадар эҳтирос билан сўзлардики, ўқтинуқтин луқмаларини камида беш дак.иқэга чўзиб, аелни хижолат-13 солиб қўя бошлад-и., Герцогиияни энди бир йил илгаригидек сфатижои аел деб бўлмасди; Фабрицонинг қамоққа ташланиши № айникса у билан Лаго-Мажоре соҳилларида ўтказган оғир 1 уилари, ииштнинг ғам1 ип сукут саклашп афсунгар Жипани ўн 1-илга қаритиб юборганди. Унииг юз тузилиши ўз тароватини >иел йўкотгаидок туюлар, энди бу чеҳрада ешлпк жозибасидан 1 ўра кўпроқ акл-идрок жилвалапиб турарди. Ешларга хос ҳает Еавқи бу чеҳрада энди аҳоп-аҳендагина акс этарди; аммо театр саиъати актрисалар учун йўл цўядигав қизил упа ва бўлак аторлнк воситалари туфайли у ҳамон саройдаю энг соҳибжамод хоним бўлиб кўрипарди Шаҳзоданинг эҳгиросли нутцлари сарой аҳлиниш эътиборидан четда цолмади. Бу оқшом барча «Мана >шги хукмдорга ҳам Бальби хоним тпилди» дейишмоцда эди. Граф ғазабипи ичига клиб ўгирарди Спектаклдап сўнг герцогиня бутун сарой аҳли олдпда шаҳзодзга қараб шундай деди:

— Ҳазрати олийлари, сиз ролингизнв шу қадар берилиб ижро втдингизки, мен энди ташвнина тушиб қолдим, онҳазрат ўттиз саккиз ешли аслга кўнгил қўйиб қолибди, дегап мишмшилар тарқаладими деб қўрқаман. Зеро бу ҳол меииш 1раф билан пи-¥Щ куришимга халал беришп мумкин Агар снз ешимни ҳисоб-1а олиб, ҳар қандай еиш улуг аел, масалаи, маркиза Раверси билан гаплашгандек, еино сўзлашшп ҳакида паъда бермасашиз, мсн сиз ҳаорати олийлари билан ортиқ роль ўйнамайман.

Пьесаии уч марта кўрсагишди; шаҳзола бахтиерликдап маъсуд бир кайфиятда юрарди; бирок, бир купи кечқуруп барча упипг нимадандир қаттиқ ташвишга тушгаиини пайқаб қолди.

— Назаримда, Расси бизга қарши қандайдир макр-ҳнйла ншлатмоқчига ўхшайди,— деди маликага унинг катта статсмулозимаси.— Эртага спектакль (айип этмоғингизни маслаҳат кўраман, ҳазрати олиялари. Шаҳзода ролини емоп ижро этади ва аламидан дилидаги гайни айтиб қўяди.

Шаҳзода чиндан ҳам ролини жуда емон ўйпади, унинг овози томошабинларга аранг эшитииар, барча луқмаларини у чалакамчатти қилиб айтарди. Бирипчи кўринишпиш охирнда унинг йиғлаб юборишига сал қолди. Герцогиня шаҳзоданиш онида турарди-ю, бироқ қандайдир илтифотсиз ва бепарво кўринарди. Улар саҳна ортига ўтиб, бир дақиқа елғиз қолишган эди, шаҳзода югуриб эшик олдига борди-да, упи қулфлаб қўйди.

— Иккинчи ва учинчи кўринишларпи сира ҳам ўйнай олмайман,— деди у.— Хушомад юзасидан қарсак чалишларина эса мутлақо истамайман. Бугун мепи олқишлаб чалинган қарсаклар юрагимни ўртаб юборди. Нима қилай, маслаҳат берипг:!

— Мен саҳна олдига чиқаман-да, аввал ҳазрати олияларш-а, сўнгра томошабинларга қараб чуқур таъзим бажо келтирама:с ва труппанинг ҳақиқий директори сифатида Лелио ролини ижро этувчи актерпинг бехосдан тоби қочиб қолгани туфайлл спектаклнинг давоми ўйналмаслиги, бунинг ўрнига кичкинагнт концерт берилажагини эълои қияаман. Граф Руска билан сийктилла Гизольфи шундай ажойиб жамоа олдида ўзларинйнг чийилдоқ товушлари билан жои-жон деб хониш қилиб берадклар.

Шаҳзода герцогинянинг қўлини эҳтирос билан ўпди.

— Эҳ, нега сиз эркак бўлиб туғилмагансиз-а?!— деди у.— Ўшанда сиз менга яхнш маслаҳат берган бўлардингиз. Расси ҳозиргина столимга отамнинг қотили сифатида шубҳа остига олинган одамларга қарши бир юз саксоп икки гувоҳнинг маълумотиомасини қўйди. Гувоҳларнинг маълумотномасидаи ташқари, у ерда яна икки юз саҳифадаи мўлроқ айбиома ҳам бор. Мен ўша даста-даста қоғозларнинг ҳаммаситш ўқиб чиқишвм керок, бунинг устига ўша ишлар тўғрисида графга бир оғиз ҳам су I айтмасликка ваъда берганман. Бу ишлариинг бари тўипа-тў:-ри одамларни қатл этишга олиб боради: Расси ҳозирнииг ўзидаек Феррэнте Паллани қамоққа олиш ҳақида буйруқ берпшимни талаб қилянти, мен бўлсам, ўша буюк шоир ижодипн жуда яхши кўраман; у ҳозир Францияда, Антиб яқинида Понсо вомн билан яшириниб юрганмиш.

— Сиз биропта либералпи дорга остирган кунипгиздан эътиборан ҳукумат Рассига занжирбанд бўлиб боғланиб қодвди, Рассига эса худди апа шу нарса керак. Ленин худди ўша кундаи бошлаб, ҳазрати олийлари, сиз сайрга чиқишингиздан икки соас олдип бу ҳакила эълон қилишипгиз мумкин бўлмай қолади. Дилингиздаги бу дард тўғрисида графга ҳам, маликага ҳам актмаймап, бирок мен маликадан ҳеч нимани сир сақламаслик ҳдқида касам ичганмап... Агар сиз ҳозир бехосдан айтиб юбормя мапови гаииигизни волидап мухтарамангизга ўзишиз айтиб цўйгаш!!-пизда мав ўзимпи бахтиер ҳисоблаган бўлардим.

Бу маслаҳат ҳукмдорни &упаффақиятсизликка учраган актор сифатидаги аламидан чалғитгапдек бўлди.

— Хўп яхши. Илтимос, опамии огоҳлаптириб қўйсапгиз. Ҳозир у кишипинг катта кабннетларига ьирамаи.

Шаҳзода саҳна ортидап қўшни салопга югуриб ўтди-да, унга оргашгап бош камергер ва павбатчи адъютаитни жаҳл билан ҳай,^аб юборди. Малика ҳам кутилмагапда томошабиплар ўтир-

ғап залий тарк этди. Уни кабинетга қадар кузатиб қўйгач, кат* К» статс-мулозима тиз букнб, таъзим бажо келтирди-да, она билан ўғилни елғиз қолдириб, хонадан чиқиб кетди. Бутуп саройнинг- нечоғли ҳаяжонга тугаганини тасаввур қилиш унча қийип бўлмаса керак,— %ндай воқеалар сарой муҳитини жуда аломат бир аҳволга солиб қўяди. Бир соатдан сўнг шаҳзода кабинет эшигини очиб, герцогиняпи чақирди. Малика юм-юм йиғлаб ўтирар, шаҳзоданинг эса қовогидан қор еғарди.

«Бандаи ожизлар,— дея хаелидаи ўтказди герцогиня.— Уларнинг жаҳллари чиққан, энди ғазабларини кимга сочишни билмай ғаранг бўлиб ўтиришибди».

Аввалига опа билан бола герцогипяга бири олиб, бири қўйиб турли тафсилотларни хабар қилищди. У вазминлик билан мавҳум жавоб қилиб тураверди. Бу жуда ҳам зерикарли саҳнанинг >ч актери бутун икки соат давомида ролларини биз ҳозир тюсвврлаб берган зайилда ижро этаверишди. Ниҳоят, шаҳзоданипг ў&и Расси унинг езув столига х^йиган икки улкан портфелни олиб 1;елиш учун жўнади. Маликанинг кабинетидап чиққач шаҳзода салонда бутун сарой аҳли уни кутиб тургапини курди.

— Қани, жўнанглар бу ердан, мени ўз ҳолимга қўйинглар,— леяй қичқирди у шу пайтга қадар ўзита мутлақо хос бўлмаган дағаллик билан.

Шаҳзода ўзи портфелларни қандай кўтариб келишини одамлар кўришини истамасди, зеро ҳукмдоршшг ўзи ҳеч нимапи кўтариб юрмаслиги лозим эди. Сарой аҳли бир зумда ғойиб бўлди-қўйди. Шаҳзода қайтиб келаетгапида йўлида фақат гаамларБ0 ўчириб юрган малайларпипша курди; у ғазаб билан ўшкириб, малайларно ҳам, жов.бозлик намойиш этиб, қолитга журъ* аг этган иавбатчи адъючй'нт — бечора Фоитаиани ҳам кувиб шборди.

— Бугун, худди ўчакишгандек, ҳамма менинг ғазабимни қайватаянти,— деди у кабинетга қайтиб келгач қовоғини уйган ьўйи герцогиняга.

Шаҳзода герпогиняпи жуда ақлли аел дея ҳисобларди ва унинг атайлаб ҳеч қапдай фикр биддирмаетгапидап жаҳли чиқиб турарди. Герцогиня бўлса бирор фвкр айтигапп *тўгридантўгри, илтимос цилмагунларига* к.адар ҳеч еима демасликка қатъиян аҳд қилиб қўйгаиди. Орадан яна салкам ярим соаг ьақт ўтди ва ниҳоят шаҳзода нафсопиятипи ичига тотиб, деди:

— Бундай ганирсакгиз-чи, хоним, нега индамайсиз?

— Менинг вазифам маликага хизмат қилига ва олдимда айтилган гапларни иложи борича тезроқ унутиб юборищдан ибо< рат.

— Жуда яхши, хоним,— деди шаҳзода юзига қизил югуриб. — Мен сизга буюраман, марҳамат қилиб ўз фикрипгизни айтинг.

— Жиноятчини одатда жиноят бошқа такрорланмаслиги учун жазолайдилар. Марҳум шаҳзода заҳарлангапмиди? Бундай бўлиши ниҳоятда даргумоп. Уни якобинчилар заҳарлашганмиди/ Расси буни исботлаб беришни жудаям истайди, зеро шупда у умрбод сиз ҳазрати олийлари учун зарурий қуролга айланади. Аммо у ҳолда сиз ҳукмронлигингизпипг бонщдапоқ бугунгидек нохуш кечаларга жуда кўп дуч келасиз. Барча фуқароларингнз сизни беҳад раҳмдил ва мурувватли ҳукмдор дейишяити — сиз аслида ҳам шундай одамсиз. Биронта либералпи дорга остирмагунингизга қадар обрўйингизга сира ҳам доғ тушмайди ва турган гап, сизни заҳарлаш ҳеч кимнинг хаелига ҳам келмайди.

— Нима демоқчи эканлигингиз мутлақо аеп!— зардаси қайнаб хитоб қилди малика.— Сиз эримшшг қотиллари жазога тортилишларини истамаяпсиз.

*— Афтидан, ҳазрати олиялари, ўша евуз одамлар билан жуда апоқ-чапоқ бўлсам керак-да.

Герцогиня шаҳзоданияг кўзларидап, у ҳозир онам билан бамаслаҳат менга бундап буен қандай йўл тутиш кераклигрпи тушуитириб беради, дея имони комил эканлигини кўриб турарди. Бироқ шу пайт икки аел бир-бирларвга пичинг қилиб, айтишиб қолищди-да шундап сўнг герцогиня, энди бир огаз ҳам сўз айтмаймап,- дея тумсайиб олди. У чиндан ҳам шу аҳдида қаттпқ тураверишн мумкии эди, бироқ таҳзода оласи билан узоқ баҳслашгач, герногинядан яна ўз фикрияи айтишни талаб қилди.

— Онт ичамап, ҳазрати олийлари, бир оғиз ҳам сўз айтмай• мап.

— Қўйинг, кўп болалик қилавермапг!— деди қизиишб шаҳзода.

— Илтимос қиламан, герцогиня, дилиигиздагини айтипг,— деди малика нафсонияти азият чеккан одамдек.

— Ўтипаман, ҳазрати олиялари, мени мажбур қилманг.— Опҳазрат,— дея қўшимча килди сўнгра герцогиня шаҳзода томон ўтирилиб,— сиз француз тилида ,?»уда яхши ўқийсиз. Хаммамизнинг нўнглимвзни типчитмоқ учуп марҳамат қиаиб бизга Лафонтеинннг бир масалиии ўқиб бермайсиями?

Малика унинг ана шундай «бизга» дейишини ўта густоҳлик дея ҳиеобладию аммо Катта статс-мулозимаси хотпржамлик билан китоб жавоиини очиб, ундан Лафоптен масаллари жилдпгйи олганипи кўргач, аввалига ажаблапди, кошт эса қизиқиб қолди. Герцогиня китобни варақлади-да, уни шаҳзодага узатпб ту риб, деди:

— Ҳазрати олийлари, ўтипаман, ма попи масалпи овоз чиқа«риб ўқисапгиз. Лекин, илтимос, *охиригача* ўқинг.

## БОҒБОН ВА УНИНГ СЕНЬОРИ

Цитловда ятарди хаваскор боғбов,
Ҳечам гааҳарликка ўхгаамас эди,
Турмуиш цяҳцонгя мос эди:
Полизу боси бор, бир боғки жопон,
Еиида эса озроқ ер ту

Ернинг атрофида чавра кўтарди,
Полизда-чи, кўм-кўк яшнаб етардя
Редискаю пнез, коху — кўк ўтлар.
Тугилган кунида ардоцлай деб ул
Марго учуп экди ажиб есмин гул...
Алам қиладиган иш бўлди погоҳ:

Қуен боққа ўрганиб олди. 2
Жуда сайрибоғнииг ҳавосип олди.
«Лаънати қуендан тинчлик бормм, оқ!
Барин еб қуритар! — арз қилд-и нолон V
Бу жойлар эгасп сеньорга, боғбон.—
У еқдан ҳайдасам, қочади бу ен,
На калтак, ва на тош унга дилер кор...
Қуеимас — бир бало!» «Бу гапинг бскор!
Цочиб қутулмайди бўлса-да шайтон!»
«Қачон тутиш мумкин?» «Зртагаец-да!» —
Уйни одам босди тонгсаҳар чоғда.
«Тамадди қилайлик аввал... Сўнг — ишга!
Қаии, жўжаларивг мазаси қапдоқ?»

Тамадди қилишиб кўнгиллари чоғ
Ҳамма уииаб кетди қуен тутишга!
Бурғу ва карнайлар таратар сурон,
Қулоғин беркитар бечора боғбон.
Урҳо-ур бошланди... Полнз ҳам пайҳон,
Ковлашди, очишди... Боғ, пайкал, майдон
Қоп-қора ер бўлди!
Алвидо, карам,
Алвидо, кўк пиез, кўк щўрваю ҳам —
Обиевгои ва евғопхўрда!
Боғбон ўзича дер дили озурда:
«Улэрга-ку ўйин.., Менда не гуноҳ?»
Ҳеч ким унга солмаеди қулоц:
Лаҳзада атрофии тит-пит қилишдя,
Чицаришли боғнииг расвосия чуиоп.
Ҳатто юз ямлда ҳам бундайип «иншш
Удда қилолмайди бегумом,
Жам бўлса ҳам тумонот қуен!

A *
*

Эй, майда князлар! Низолашицг, хўп;
Аммо диролларга юрманг дил қўйиб.
Уларни чақирмаиг урушишизга,
Қўйманг, ҳовли — ҳаег турмушингизга!

Масал ўқ'илиб бўлганидаи кейин ҳам улар анча вақт сукут сақлаб туришди. Шаҳзода китобни ўз қўли би лап жавондаги жойига қўйди-да, асабий тарзда хопа бўйлаб у екдаа-бу ецца юра бошлади,



— Хўш, хоним, дилингиздаги гапни айтмайсизми ахир?-— дея сўради малика.

— Айтмаймап, албатта, ҳазрати олиялари. Онҳазрат мени милистр этиб тайинламагупларига цадар ҳеч симани айтмайман. Агар ҳозир ўз фикримни айтеам, катта стгйс-мулозималик упвонидан маҳрум бўладиган кўринамаи.

Орага япа чорак еоатли сукут ту гади. Шу пайт малика бир вақтлар Людовик ХШникг онаси бўлмиги Мария Медичипинг ландай аҳволга тушиб цолгаиини эслади,— сўнгги пайтларда гатта статс-мулозиманииг буйруғи билан сарой лектрисаси ҳар луни Базеншшг «Людовик XIII нинг тарихи» номли ажойиб риголасини овоз чиқариб ўқирди. Шундаи сўнг малика гарчи қатаик. дарғазаб бўлса-да, герцогинянинг Пармадан бемалол жўнаб лстиши мумкиплиги, ана шупда унинг кўнглига ваҳима солиб юрган Расси ўзини Ришелье қилиб кўрсатиш имкониятига эга Сўлиши ва ўғлига онасини қувғин қилдиришдан тоймаслиги ҳал;ида ўйлаб қолди. Шу тобда у катта статс-мулозимасиии бироп лўл билан камситига учун дунедаги ҳамма нарсани бориб юборишга ҳам тайер эди-ю, аммо бундай к.илишга журъат этмаеди. У зўрма-зўраки табассум билан креслодан турди-да, герцогинянинг енига бориб, унинг цўлидая тутди.

— Қани, азизам, менга дуст эканлигиигизни кўрсатинг. Гапиринг энди!

— Яхти! Икки оғиз сўз билан айтгапда маслаҳатим бундай; ўша сув илоп Расси тўплаган барча бу доғозларни манови каминга ташлаб, еқиб юборинг-да, уларни едилгани ҳақида хеч қачон унинг ўзига айтмапг.

Шундан сўнг у такаллуфсизлик билан маликанинг қулоғига шивирлади:

— Расси Ришелье бўлиб олиши мумкин!

— Лекин ўша жин ургур «қоғозлар» менга саксон мииг франкдан кўпроққа тушган ахир!—жаҳл билан хитоб к.илди шаҳзода.

— Онҳазрат,— деди жавобан қатъият билан герцогиня,— *гаги паст* аблаҳлариинг хизмати нак.адар қимматга тушишини кўргандирсиз энди. Илойим, миллионни йўқотсангиз йўкотинг-у, аммо энди ҳеч к.ачон аблаҳларга бирор ишпи инониб топширманг. Ахир отангиз ҳукмдорлигининг сўнгги олти йили давомида ўшаларпинг касофатига тинч ухлаелмайдиган бўлиб қолганди.

Герцогинянинг оғзидан *таги паст* сўзларини эшитиб малика виҳоятда цувониб кетди. Бўлмасам граф билан унинг дугонаси доим якобинча эркин фикр қилишга ўхшаб кетадиган хислат— ақл-идрокка катта баҳо бериб юборишяпти, деган хаелда юрганди.

Орага бир дақица чуқур сукунат тушди; малика хаелга чўмди; шу пайт сарой мипорасидаги еоат уч марта бопг урди. Малика ўрнидан турди-да, ўғлига чуқур таъзим қилиб, деди:

.— Ушбу мажлисни давом эттирмок,қа соғлиғим йўл қўймай-

ди.-Таги паст бўлгап министрларингизни қувиб юборинг. Имоним помилки, ўша Расси сиздан жосуслик учун ундириб олгая пулнинг яр мини жиғилдонгга урган.

Малика қандилдан ениб турган иккита шамни олди-да, уларпи ўчиб қолмаслиги учун оҳиста камин ичига қўйди. Сўнгра ўғлининг енига келиб, деди:

— Лафонтеннинг ушбу масалидан чиқадиган маъно мене зрим учун нитиком олишдек адолатли истақдан ўзимни тийишга мажбур қиляпти. Ҳазрати олийлари, ия^озат этинг, барча бу бўҳтонларни еқиб юборай.

Шаҳзода ҳайкалдек қотиб турарди.

«Одамшшг башараси ҳам шунчалар овсар кўринадпми,— дея хаелидан ўтказди герцогиня.— Граф жуда тўғри айтган экан— ғирт латтанинг ўзгинаси у. Марҳум шаҳзода мана шу гапларнинг бари учуй бизни кечаси соат учга қадар ушлаб ўтирармиди?»

Ҳамон ўғлининг епида турган малика қўшимча қилди:

— Агар ўша ярамас прокурор фақат ўзипииг мартабасини ўйлаб тўқиб чиқарган мана шу елғон-яшиқ тўла қоғозларини дсб икки ҳукмдор зот туни билан ухламай чиққанларини билиб қолса борми, роса гердаяди-да ўзиям.

Шаҳзода ғазабипинг зўридап қутириб, бояги портфелларидан бирини юлқиб олди-да, унинг ичидаги барча қоғозларни шартта каминга ағдарди. Даста-даста қоғозлар шамларни ўчириб қўйиюига хиел қолди; кабинет тутунга тўлди. Малика ўғлининг кўзларидап у ҳозир графиндаги сувни оловнинг устига сепиб, ўзига саксон мипг франкка тушган бу қоғозларни қутқариб қолишга тайер турганини пайқади.

— Деразани очинг,— дея зарда билан қичқирди у герцогиняга қараб.

Герцогиня ҳам упипг буйруғиии дарҳол бажара қолди. Шу ваҳоти барча қогозлар ловиллаб ўт олди-ю, мўрининг ичида қаттнқ гувуллаган овоз эшитилди. Орадан куп ўтмай уидаги ЧУРУм епа бошлагани аен бўлди.

Шаҳзода пул масаласига келганда жуда майдакаш одам эди. Унинг хаелида ҳозир бутун саройига ўт кетадигапу енғин бу ерда тўпланган барча бойликларни кулга айлантирадигапдек туюлдя; у югуриб дераза олдига борди-да, қўрқувдан овози бўғилиб, соқчиларни ердамга чақирди. Ҳовлига бир талай солдатлар югуриб киришди; шаҳзода камин Знига келди; очиқ деразадан елпинпб кираетган ҳавопинг таъсирида олов гуриллаб 8нар, мўрининг пчидан эса даҳшатли гувиллаш эшитиларди; шаҳзода эсанкираб оловга тикилиб турди-да, кейин сўкинди ва иккп-уч марта хоиа ичида айланиб, пиҳоят, югургапича кабинетдав чиқиб кетди.

Малика билан катта статс-мулозима сукут сақлашганича 5ир-би*>ларига қараб туришарди.

«Шаҳзода жаҳлдан тушармикип?— дея ўйларди герцогиня.— Дарвоқе, менга бари бир эмасми. Иш битди-ку ахир».

У таъиа қилишгудек бўлса, қаттиқ-қаттиқ жавоб беришга аҳд қилди-ю, аммо бирдан иккинчи портфелнинг омон қолганиии кўриб, эс-хушини йиғиштириб олди.

«Йўқ, ишнинг фақат ярмиси битибди». Шундан сўнг маликага қараб совуққина оҳангда деди:

— Ҳазрат-и олиялари, қолган қоғозларни ҳам бқиб юборишни бугорасизми?

— Даерда еқасиз уларни?— зарда билан сўради малина.

— Меҳмоихонангиздаги каминда. Агар қоғозларнй оловга бирма-бир ташлаб турилса, бунинг ҳеч қандай хавфли жойи бўлмайди.

Герцогиня қоғоз тўла портфелни қўлтиғига қистирди-да, қандилдан битта шамни олиб, қўшни меҳмонхонага чиқиб кетди. У ерда хоним портфелдаги қоғозларга назар ташлади-ю, улар гувоҳларнинг маълумотномалари эканини тушунди. Шундаи сўнг герцогиня ўша ҳужжатлардан беш-олти дастасини яширдида, қолганларини битта қолдирмай еқиб юборди ва малика билан хайрлашиб ҳам ўтирмай уйига жўпади.

«Очиғини айтганда катта беодоблик қилдим,— дея ўйларди у илжайиб.—. Аммо бу юпаямас беванинг қийшанглаши туфайли ўлим жазосига ҳукм этилцшим мумкип эди».

Карета ғилдиракларининг тақа-туқини эшитгач, маликанинг катта статс-мулозимасининг бу қилиғидан қаттиқ жаҳли чиқиб кетди.

Вақт бемаҳал бўлса-да, герцогиня графни чақириб келит учун одам юборди; у саройдаги енгинда экан, аммо тезда етиб келди ва ҳаммаси бахайр тугаганини хабар қилди.

— Шаҳзода чиндав ҳам кат!а матонат кўрсатди ва меп чин юракдап унга қойил қолганимни айтдим.

— Тезроқ маиови маълумотномалар билан тапишиб чиқивг, кейин уларни дарҳол еқиб юбориш керак.

Граф цоғозларии ўқиб курди-ю, ранги қув ўчиб кетди.

—- Худо ҳақи, улар ҳақиқатнинг тагига етай деб қолишган экан; тафтиш ишларини жуда моҳирлик билап олиб боришибди. Улар Феррапте Паллаиипг изига тушишибди, агар у оғзидаи гуллаб қўйса биз ниҳоятда мушкул аҳволга тушиб қоламиз.

— Лекив у оғзидан гулламайди,— дея хитоб қилди герцогиня.— У ор-номусли, ҳалол одам. Г\ани, була қолинг, қоғозларни тезроқ еқиб юборайлик!

— Бир оз сабр қилинг. Мен, ижозатингиз билан ўн-ўв бешта энг хавфли гувоҳларпинг исмлариии езаб оламан. Агар Расси типчимайдиган бўлса, мен ўша гувоҳларни овлоқроқ жойга жўнатиб юбораман.

— Сиз зоти олийларига эслатиб қўяй, шаҳзода ўша тунги саргузаштимиз ҳақида адлия министрига бир оғиз ҳам сўз айтмаслянка ваъда берган.

— У сўзиинг устидан чиқади ҳам, чунки кўнгилсиз гапларнинг чувалашишидан қўрқади.

— Энди сизга бир нарсани айтиб қўймоқчиман, дўстгинам: бугунги тун бизнинг тўйимиз кунини анча яқинлаштириб қўйди. Мен соп тариқасида сизга суд процессини совға қилишни пстамаган эдим, зеро сизий эмас, бошқа бир одамни деб қилган гуноҳларим учуй сизнинг жазоланишингизни хоҳламасдим.

Граф герцогипяии ннҳоятда северди; у хонимнниг қўлидан тутиб, кўзларида еш милтираганича дилидаги бор туйғуларини тўкиб солди.

— Хайрлашмоқдан олдин менга бир маслаҳат беринг, бундан буен малика билан гаплашганда ўзимни қавдай тутай? Жуда қийналиб кетдим ахир: бир соат саҳнада, кейин беш соат унинг кабинетнда комедия ўйнадим.

— Саройдан индамай жўнаб кетганингизниит ўзи биланоқ малика дай ўша пичинглари учун яхшигина ўч олибсиз,— дарвоқе, ўша пичинг гаплар фақат унинг ожизлигидан далолат беради, Эртага у билан бугун эрталаб қандай гаплашган бўлсап-1из шундай мулойим сўзлашаверинг. Расси ҳали цамалгани ҳам, сургуига жўнатилгани ҳам йўқ; кейин сиз билап биз Фабрициога чиқарилган ҳукмни ҳали йиртиб ташлашга улгурмадик.

Бир нарсани унутманг, сиз маликадан қатъий қарор қабул қилишни талаб этгансиз, бу ҳол эса ҳукмдорлар у бқда турскн, ҳатто бош министрларга ҳам еқмайди. Ниҳоят, яна бир нарса едингизда бўлсин, сиз маликанинг статс-мулозимаси, бошқача қилиб айтгапда, унинг хизматкорисиз. Уч кундан сўнг, ҳар қандай продаси суст одамларда бўладигандек, уларпинг кайфияти ўзгариб Расси умрида кўрмаган обрў-эътиборга эга бўлиб қолади. Шундан сўнг у, турган гап, биронта одамни дорга осишга ҳаракат қилади: ахир у шаҳзоданинг номпга доғ туширмагупига қадар биронта ҳам ишда ўзиии дадил ҳис этолмайди-да. Бугун тундаги енғинда бир бахтсиз ҳоднса содир Сўлди: утни ўчиришда бекиес жасорат кўрсатган аллацандай эикувчи жароҳатланди. Эртага шаҳзодани мен билан қўлтиқлашиб, ўша тикувчипи бориб кўришга кўндираман; гвш-тириоғимгача куролланиб оламан ва теварак-атрофга кузагувчилар қўяман албатта. Лекин шуниси ҳам борки, шаҳзодани ҳозирча емон кўрадиган одамнинг ўзи йўқ. Меп уни кўчаларда пиеда сайр қилишга ўргатиб қўймоқчиман — бу билан менинг ўрнимга тайинланиши муқаррар бўлган Рассига бир холис хизмат қилиб қўяй. Унинг ўзи шаҳзоданинг бундай зҳтиетсизлик қилишига асло йўл қўя олмайди. Тикувчинипг олдидан қайтаепапимизда мен шаҳзодани марҳум отасипинг ҳайкали енидан олиб ўтаман; у аҳмоқ ҳайкалтарош қадимги римликлар епипчигини кийдириб тарашлагап ҳайкалда отилган тошларнинг изини кўради; сирасини айтгапда, агар шундан кейин ҳам шаҳзода ўз ақли билан: «Якобинчиларни дорга осган одамнинг ҳолн шу экаи!»— де я хулоса чиқармаса, унда ғирт аҳмоқ одам бўлиб чиқади.

Унинг бу хулосасига жавобан мен: «Уларни е ўн минглаб осиш еки биронтасини ҳам осмаслик керак. Варфоломей туня Францияда протестантларни қириб ташлади»*,— дея жавоб қиламан.

Эртага, дўстгинам, ўша сайрдан олдин шаҳзодадан қабул қилишни сўранг-да, унга шундай бир гапни айтинг: «Кеча кечаси мен сизнинг иродангизга бўйсуниб, ҳузурингизда министр вазифасини бажардим ва сизга маслаҳатлар бериб турдим. Бу билан мен маликани норози қилиб қўйдим. Илтимос, бунинг учун менга ҳақ тўланг». У пул сўрашингизпи кутиб қовоғпня солиб олади. Бу кўнгилсиз шубҳапи дарров тарқатиб юбормаю\ Кейин шундай денг: «Мен, ҳазрати олийлари, Фабрициони давлатингиздаги знг ҳурматли ўн икки судья томонлар музокараси билан (яъни айбланувчининг олдида) суд қилишлари ҳақида фармон беришингизни илтимос қиламан!» Шундаи кейин дар ҳол аиа шу ажойиб қўлларингиз билан езилган кичкинагкна фармонни унга имзо чекиш учун берасиз. Ўша фармонни сизга ўзим айтиб ездираман: мен, турган гап, унга аввалгн ҳукмни бекор қилиш ҳақидаги пупктии киритаман. Бунга қарши фақат биттагина этъпроз бўлиши мумкин, аммо сиз ғайрат билан ишга киришсангиз, бу гап шаҳзоданинг хаелига келмайди. У сизга «Фабрицио аввало қалъага қайтмоғи керак»,— дейиши мумкин. Бунга жавобан сиз: «У шаҳар қамоқхонасига қайтади» — дейсиз. (Ўзингиз биласиз, у ер тўла менинг измимда, жияшгиз ҳар куни оқшом ҳузуриигизга меҳмон бўлиб келади.) Мабодо шаҳзода: «Йўқ, у ўзининг ўша қочиши билан қалъани шармапда қилди ва энди номига бўлса-да, аввалги камерасига қайтмоғи керак»,— дея эътироз билдиргувдек бўлса, сиз ҳам ўз навбатингнзда: «Йўқ, у ҳолда Фабрицио душмапим бўлмиш Расеининг ихтиерига тушиб қолади»,— деб эътироз билдирасиз ва аелларга хос моҳирлик билан бағритош Расеининг кўнглини юмшатиш учун унга саройда ўтказилган тупгя аутодафе* ҳақида ганириб беришингиз мумкинлигини шама кя> ласиз. Бундай шпларга жуда устасиз-ку ахир. Агар шаҳзода шундан кейин ҳам ўжарлик қилаверса, унга икки ҳафта муддатга Сакка амлокингизга жўнамоқчи экаплипшгизни айтинг*

(фабрициони чақириш-да, у билан маслаҳатлаигаб кўриигг, Бу ИШИМИЗ туфайли у яна қамоққа тушити мумкин. Ҳаммасипи олдиндан ўйлаб қўйиш лозим; агар Расси тоқати тоқ бўлиб, уни қамоққа ташлашганидап сўнг менинг ўзимпп заҳарлаигаи буюрса, болапииг ҳаети яна хавф остида қолинш мумкин. Лекин бундай бўлиши эҳтимолдан узоқ: хабарингиз бор, меп ошпазни Фрапциядан чақиртиргаиман, бунинг устига у жуда кувноқ, ҳазилкаш одам, демак бировпи заҳарлаш қўлидап келмайди. Ўша жанжалнипг тепасида бўлган барча гувоҳлари қидирнб топгапимии Фабрициога айтгаи эдим. Йигитча

ушанда жасорат билан ҳалол жанг қилган экан; Джилетти уни чавақлаб ташламокчи бўлганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Кутилмаган совға қилмокчи бўлганим учун шу пайтга қадар ўша гувоҳлар ҳақида сизга ганирмаган эдим. Аммо режам амалга ошмади, шаҳзода фармонга қўл қўйишни истамади. Мен Фабрициога уни йирик черков арбоби қилиб қўйиш ҳақида ваъда берганлим, аммо бу ваъдамнинг устидан чиқишим анча қийин бўладиганга ўхшаб қолди, зеро ғаиимларимиз Ватиканда уни қотилликда айблашлари мумкин.

Едингизда бўлсин, синьора, агар биз уни қонуний суд ореади оқлаб ололмасак, Джилетти номи бир умр унинг дилини еиеҳ қилиб юради. Одам ўзининг бегуноҳлигига тўла ишонса, суддан бўйип товлаш ўта қўркоқлик. Мабодо Фабрицио айбдор бўлган тақдирда ҳам мен бари бир унинг оқлапишига эришган бўлардим. Мен суд ҳақида оғиз очган заҳотим қизиққон йигитчамиз тушмагур гапимни охвригача ҳам эшитмай қўлига расмий маълумотномани олди-да, биз икковимиз ўн иккита анг аллома ва ҳалол судьяларни танладик. Биз аввал рўйхат тузиб чиқдик, кейин эса руйхатдан олти кигаини учи риб ташладик, зеро уларнинг ўрнига менипг шахсий душманларимдан киритишга қарор қилдик. Бунақа одамлардан фақат иккита топилди ва биз уларнинг енига Рассининг тарафдорларидан бўлмиш тўртта аблаҳни қўшдик.

Графпинг таклифи герцогиням қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Унинг бундай хавотирлапишига асос бор эди албатта. Аммо охир-оқибатда у бош министршшг далилларига қўшилдида, унинг гани билан судьяларии тайни этиш ҳақида олий фармон езди.

Граф фақат эрталаб соат олти бўлгапидагипа чиқиб кетди; герцогиня ухлашга урйниб кўрди-ю, аммо уйқуси келмади. • Соат тўққизда у Фабрицио бплав бирга попушта қилди ва унинг тезроқ суд олдида ҳозйр бўлиб, иншни бир оклик қилиб олиш истаги билан еиаетгапига итонч ҳосил қилди; соат ўлда хопим маликавипг саройига етиб борди, бирок, упинг олдига ҳеч квмни киритигамаетган эди; соат ўн бирда герцогиня эрталабкй қабул чоги шаҳзоданинғ олдига кпришга муваффақ бўлди ва у ҳеч қандай эътирозсиз фармонга имзо чеквб берди. Герцогиня бу ҳужжатни графга жўпатди-да, узи уйига келдб ухлагани етди.

Граф шаҳзоданйпг олдида Рассини эрталаб - тасднқланган фармонга имзо чекишга мажбур қилгапида адлия министрининг нақадар ғазабланганини тасвирлаб берганимизда ҳикоямиз, чамаси, анча қизиқ чиққан бўларди-ю, аммо содир бўлаетгав воқеалар бизни шошилишга мажбур қилмоқда.

Граф ҳар бир судьяннвг фазилатини шубҳа остига олар, баъзи номларшшг ўрнига бошқасини езишни таклиф цилаоди. Бирок ҳар қандай сарай фитналари қаторв суд нроцессвиинг ҳам барча бу тафеилотларини баен қилаверсак, ҳойнаҳой, китобхонни толиқтириб қўйсак керак. Бу гапларнинг баридан шундай бир хулоса келиб чиқади: агар инсон бахтибр бўлса, саройга яқинлашгач, у бахтидан мосуво бўлиши еки ҳар қалай унинг кслажакдаги тақдири биронта оқсочнинг ҳийла-найрангига боғлиқ бўлиб колиши мумкин.

Бошқа томондан олганида, республикачилар Америкасида одам куп бўйи ана шундай зерикарли иш билан шуғулланишга,— ўлиб-тирилиб турли калтафаҳм дўкоидорларни кўнглини олишга, уларга мослашишга мажбур бўлади. Кейин уларда опера ҳам йўқ.

Герцогиня кечқурун, уйқудан тургач, қаттиқ ташвишга тушиб қолди: Фабрициони ҳеч қаердан тоииша олмаетган эди. Фақат ярим кечада у саройдаги спектакль билан овора бўлиб турганида, хонимга жиянининг хатини келтириб беришди. У ҳокимият тўла графпинг қўлида бўлган шаҳар қамоқхонасига бориш ўрнига Клелиянинг яқипида бўлиш имкопиятндан қувониб, тўғри қалъага, ўзининг аввалги камерасига қайтиб борибди.

Бу ишнипг оқибати даҳшатли бўлиши: қалъада Фабриционинг ҳаети ҳар қачондагидан ҳам кўпроқ хавф остида қолиши мумкин эди. Жиянипипг бундай телбаларча қилиғи герцогинявинг қалбипи ўртаб юборди, аммо у бупинг сабаби — йигитнивғ Клелияга бўлган яексиз муҳаббатиии кечирди, зеро комендантпивг қизи бир неча куидан кейин бадавлат марквз Крешенцига турмушга чиқмоги лозим эди. Йпгитнинг бу телбалиги Фабрицио пи герцогинянинг қалбида илгаригидек ҳокими мутлақ қилиб қўйди.

«У ўша лаънати қоғозга шаҳзодани имзо чектиргапим учун ҳалок бўлади! Эркакларпинг ор-номус ҳақидаги бемаъни тушунчаси бу! Мустабид ҳоким ҳукмроплик килаетган, аллақандай Рассилар адлия министри бўлиб тургап давлатларда ор-номус тўғрисида ўйлагага бало борми! Оҳанжама қилиб ўтирмак, оддийгина афв этиш ҳақида илтимос килаверит керак эди, шаҳзода ҳам анови фавқулодда трибунал тайиилаш ҳақидаги фармонпи тасдиқлаганидек, осонгина имзо чекиб бера коларди. Ахир Фабрициодек олийпасаб бир одам учун аллақандай масхарабоз Джилехтини ўз қўли билан қилич сапчиб ўлдирганликда айблашларининг пима аҳамияти бор!

Герцогиня Фабрициснинг хатини ўкиб чиққач, графнинг ҳузурига югурди. Бош министрнипг ранги оппоқ оқариб кетганди.

—• Е раббим! Дўстгинам, мен бола тугамагурга ердам бермокчи бўлгандим ахир. Локин менинг ~қўлим енгил эмасга ўхшапди. Яна жаҳлингиз чиқадигап бўлди. Аммо мен сизга кеча кечқурун шаҳар қамоқхонаситшиг нозирини ҳузуримга чақириб гаплашгаиимни исботлаб беришим мумкин, Жиянингиз ҳар оқшом уйингизга чой ичгани бориши мумкин эди. Энг даҳшаглиси гауки, на сиз, на меп шаҳзодага Расси ҳали-замон упи заҳарлаб қўйиши мумкинлигидан қўрқаетганимизни айта ола-

миз: бундай шубҳа шаҳзодага ўтакетгап ахлоқсизлик бўлиб кўринади. Гарчи қандай жавоб эшитишимни олдиндан билсам-да, агар истасангиз, мен ҳозироқ саройга боришим мумкии. Ьунисиям майли-я, мен сизга яиа бошқа бир чора таклиф қиламанки, шахсан ўзим учун бундай чорани ҳеч қўлламаган бўлардим. Бу мамлакатда ҳокимиятга эга бўлганимдан буен мен битта ҳам одамшшг естигипи қуритган эмасман; ўаингаз билаеиз ахир, бу борада меп шу қадар тентакманкй, ҳанузгача қоронғи тушди дегупча бир вақтлар Испанияда жаҳлим чиқиб тургап найти ўзим отиб ташлашни буюргап икки жосусни эс~лаб юраман. Кани, айтингчи, сизий Рассининг зулмидаи халос этишимни истайсизми? У тирик экаи, доим Фабрициошшг ҳаетига хавф солиб туради, зеро Расси учуй бу мени қулатишнинг энг тўғри йўли.

Графнинг бу гапп герцогиняга жуда еқиб тушди-ю, аммо у бу таклифни рад этди.

— Йўқ,— деди у графга,— мен Неаполнинг зангори осмони тагидаги хилватгоҳимизда кечалари сизнинг виждон азобидап изтироб чекишипгизни истамаймап.

— Лекин, дўстгинам, назаримда, биз фақат бир масалани — икки вгоқдон азобидан қай бирини танлашни ҳал этмоғимиз керакка ўхпщйди. Агар Фабрицио *дардга чалиниб* ҳалок бўлса, сиз қай аҳволга тушасизу менинг ҳолим не кечади?

Улар бу мавзуда яна анчага довур қизғин баҳслашиб туришди-да, ниҳоят, герцогиня хулоса қилиб деди:

— Расси ҳаетини сақлаб қолганнм учун мендан мпвнатдор бўлсин: мен сизий Фабрипиога қараганда кўпроқ севаман па икковимиз бирга ксчиражак қарилик чоғимизда барча кечаларингиз виждоп азобидан заҳарланишини истамайман.

Герцогиня қалъага елиб борди. Генерал Фабио Копти давлаг кямоқхонасига шахсан шаҳзоданипг узи имзо чеккан ижозагномасиз ҳеч кимнинг киршнга ҳақи йўқлиги ҳақидаги ҳарбий қопуннинг аниқ моддаситш рўкач қилиб, уни қалъага киритишдан боrа тортдя. Бундай имкоиият туғилганидан комендант жуда хурсанд эди.

— Лекин маркиз Крешенци билан унинг музикачилари қалъага ҳар купи киришади-ку.

— Бунинг учун мен ҳазрати олийларидап ижозат олгапмаи.

Вояқиш герцогипяпипг энг даҳшатли гапдан хабари йўқ эди. <<3, йўқ,— дея қарор қилди генерал,— ор-помусимни тиклаб олпшим ва менинг ҳарбий мартабаларга эришувимда йўлимга тўғаноқ бўлиши мумкип бўлгатт пичипглардан қутулишим учун фалакнипг ўзи уни бу ерга йўллаган. Бундай имкопиятни бой бермаслшим керак: Фабрициони сўзсиз оқлаб юборишади — ўч олМОРИМ учун менинг ихтисримда бир печа куй бор холос».



# Йигирма бешинчи боб

Клелия қаҳрамонимизшшг қалъага қайтиб келганидан хабар топгач, қаттиқ қайғуга тушди: бу художўй қиз қувлик-шумликни билмасди ва Фабрициосиз ўзининг бахтсиз бўлишипи жуда яхши тушунарди. Аммо генерални заҳарлаб қўйиишларига хиел қолган ўша куни у Биби Марьям олдида отаси учун ўзини қурбон қилишга — маркиз Крешенцига турмушга чиқишга қасам ичганди. Шу билан бирга у ўзига ўзи Фабрициони ҳеч қачон кўрмасликка ҳам сўз берганди ва шу боисдан бечора қиз йигитнинг қамоқхонадан қочиши олдидан уига езган хатида дилидаги севгисини изҳор қилиб қўйганидан виждони қаттиқ қийналиб юрарди. У вольерада патиллаб учиб юрган қушларипи ғамгин кузатар экан, одати бўйича бир вақтлар банди йигит уига тикилиб ўтирадигап деразага бошини кўтариб меҳр билан қарагапнда у ерда бирдап Фабрициони кўриб қолгач, қизнинг маъюс қалбида нелар кечганини қай сўзлар билан тасвирлаб берайлнк: йигит унга мулойим бир эҳтиром билан таъзим қилди.

Аввалига у фалак мени жазолаш учун кўз ўнгимда сароб намоен этянги, деб ўйладию, кепип бирдан бу даҳгаатли ҳақиқат эканлигини тушуниб қолди. «Уни ушлаб олишибди,— дея мивирладв қиз.— Вади у ҳалок бўлади!» У маҳбус қочиб кетгаиидан суш қалъада айтилган барча гаиларии эслади: ҳатто оддий қоровул ҳам' ўзини қаттиқ ҳақоратланган ҳисобларди. Клелия Фабрипиога тикилиб қаради-ю, бу нигоҳи беихтиер ди~лидаги бутун муҳаббатию қалбидаги бутун изтиробни сездириб қўйди.

«Иаҳот сиз,— деяетгапдек эди у Фабрипиога,— упипг учун Сезатишаетган ўша ҳашаматли саройда бахтипи топали, деб ўй~лаеттав бўлсангиз? Отам сиз тўгришизда иуқул, у ҳам ўзимизю ўхшa1ан қашшоқ дейдилар. Эй худойим, ўша қашшоқликпи сиз билан жон-жон деб баҳам курган бўлардим! Лекин, ҳайҳот, сиз билан бошқа дийдор кўршнмоғимиз мумкин эмас!»

Алифбони қўллашга Клелиянинг мадори етмагапидан у фақат Фабрициога тикилиб турарди. Шу пайт у бирдап беҳуд бўлиб, дераза олдида тургап стулга ўтириб қолди. Қизиинг боши шилқ эгиб дераза таглигига тушди-ю, аммо чеҳраси, гўе у сўнгги дақиқагача севгилисипинг кўриб туршпни ва йигит ҳам унинг дийдорша тўйпб олишни истагандек, Фабрицио томон ўгирилиб қолди. Бир печа дақпқадап сўнг у кузини очдию яна дарҳол Фабрипиога тикилди; қиз йигитнинг кўзлари жиққа ешга тўлиб тургапини курди, аммо бу чексиз бахтиерлик кўз ешлари эди: йигит жудоликда ҳам Клелия уни унутмагапини тутунгап эди. Бечора севишганлар худди сеҳрлаигандек. бирмунча вақт бир-бирларига тикилиб турдилар. Фабрицио гўе гитара чалнб ўзига ўзи жўр бўлаетгандек, қўшиқ куйлагага журъат этди. Цўшиқпинт сўзларини эса у ҳозирнинг ўзидаеқ тўқиган эди: *«Мен цамоцхонага*

*яна сизиинг дийдорингизни кўрмоц учун цайтдим, яцинда мени суд цилишади».*

Бу сўзлар Клелияниинг дилидаги бутун тақводорлик туйғуларини уйғотиб юборгандек бўлди: у стулдан сапчиб турди-да, кафтлари билан юзини беркитди, сўнгра у шоша-пиша имо-ишора қилгапича ўзи ҳеч қачон Фабрициони бошқа кўрмаслиги лозимлигини, зеро бу ҳақида Биби Марьямни шафе келтириб қасам ичгани, бугун эса унга фақат фаромушхотирлиги туфайлигипа қараганини тушуитиришга ҳаракат қилди. Фабрицио яна журъат этиб, дилидаги севгисини изҳор қилди. Шундап сўнг Клелияниинг жаҳли чиқиб, дилида йигитни ҳеч қачон кўрмаслик ҳақида қасам ичгаиича, вольерадан қочиб кетди. Қиз Биби Марьям олдида *«Менинг кўзларим уни %еч цачон бошца кўрмагай»,—* деган сўзларни айтиб қасам ичганди. У бир парча қоғозга худди ана шу сўзларни езгапди ва амакиси дон Чезаре ибодат маҳали, қурбоплик келтириш дақиқасида ўша қоғозни меҳробда еқиб юборишга рухсат этганди.

Бироқ барча бу қасамларга қарамай Фарнезе минорасида Фабрицонинг пайдо бўлиши Клелияниинг ҳаетини илгариги тарзига қайтарди. Одатда у куй бўйи хонасидан чиқмай ўтирарди. Кутилмагапда Фабрициони кўриб қолгач ва дилидаги саросимаси бир оз босилгач, у бутун уйни кеза бошлади ва таъбир жоиз бўлса, комендант саройидаги хизматкорлардан бўлган барча дўстлари билан алоқани қайтадап тиклади. Ошхонада идиш-товоқ ювадиган эзма камнир унга сирли оҳапгда деди:

— Мана энди сипьор Фабрицио қалъадан қайтиб чиқмайдигап бўлди.

— У энди илгариги хатосини такрорлаб, яна девордан ошиб тушипиа ҳаракат қилмайди албатта,— дея жавоб қилди Клелия.— Бу ердан у энди, суд оқлаб ҳукм чиқаргач, дарвозадан чиқиб кетади.

— Йўқ, зоти олиялари, нима деяетганимни жуда яхши биламан... Уни қалъадан тобутда олиб чиқишади.

Клелияиипг ранги докадек оқариб кетди. Кампир буни пайқади-ю, дарҳол валдирашдан тўхтади. У комендаптпинг қизига бундай сўзларни айтиб катта хато қилгашни тушунди, зеро, унипг назарида бу қизнинг келажакда барчани, Фабрицио дардга чалиииб ўлди, дея ишонтиришига тўғри келарди. Клелия хонасига чиқа туриб ҳалол, аммо беҳад журъатсиз одам бўлмига қамоқхопа врачинп учратиб қолди. Дути ўчгап врач упга Фабрицонипг қаттиқ тоби қочиб қолганипи айтди. Клелияиипг ҳушидан кетиб йиқилишига хиел қолди; у югурганича амакиси, меҳрибон дон Чеварени кидириб кетди ва пиҳоят, упи ибодатхонадан топди: доп Чезаре дарди дунеси қоронғи қиефада ибодат қилмоқда эди. Туиь ликка бопг урилди. Дастурхон устида ака-укалар бир-бярларига чурқ этиб оғиз очишмади. Фақат тушликниг охирларида генерал укасига қадайдир истеҳзоли бир гап айтди. Аббат хизматкорларга қараган эди, улар дарҳол хонадан чиқиб кетишди.



— Генерал,— деди дон Чезаре комендантга қараб,— қалъанк тарк этигнимни сизга маълум қилиб қўймоқчиман: мен истеъфога чиқамап.

— Яшанг! Офарин! Нима, мени шубҳа остига қўймоқчимисиз?.. Марҳамат қилиб айтинг-чи, бу ерда сизни нима безовта қиляпти?

— Виждоним.

— Ҳали шунақа денг! Риекор одам экансиз, тақсир! Ор-номус бобида ҳеч нимани тушунмас экансиз.

«Фабрицио ҳалок бўлди,— дея ўйларди Клелия.— Унинг тушки овқатини заҳарлашган еки эртага заҳарлашади».

У фортеньяно чалиб, ўзига жўр бўлганича қўшиқ айтишга аҳд қилди-да, вольера томонга югурди.

«Мен кафорат келтираман,— дея хаелидан ўтказди у,— шупда тангри иисоп ҳаетини қутқазиш йўлида қасамимни бузганим учун гуноҳимни кечиради».

Қиз вольерага югуриб кириб, Фабрицонипг деразалари илгариги қопқоқлар ўрнига темир ианжараларга маҳкамланган тахталар билан епилганини кўрди-ю, даҳшатга тушди. У бир зум серрайганича қотиб турди, сўнгра маҳбусни огоҳлантиришга уриниб, бир неча сўзларни куйлади, тўғрироғи, уларни қичқириб айтди. Ҳеч қандай жавоб эшитилмади: Фарнезе минорасида гўристондагидек жимжитлик ҳукм сурарди. «Ҳаммаси тамом бўлибди...» дея дилидан ўтказди Клелия. У эс-хушини йўқотган одамдек зинапоядан пастга қараб югурди-ю, сўнгра бирдан орқасига қайтдида, ҳаменида қолган'ҳамма пули билан бриллиант зирагини чўнтагига солди: йўл-йўлакай у буфетдан тушликда еийлмай қолган понпи ҳам олди: «Агар Фабрицио ҳали тирик бўлса, менинг бурчим уни қутқариб қолишии тақозо этади». У кибр-ҳаволи бир қиефада минораниинг пастаккина эшиги енига яқинлашди; эшик қулфланмагап эди, аммо қуйи залда саккиз солдатдан иборат қоровул турган экан, Клелия уларнинг командири бўлмиш сержант билан гаплашиш ниятида сира тап тортмай солдатларга қаради; сержант залда йўқ экан. Клелия устунга чирмашган айланма темир зина томон ташланди. Солдатлар унга анграйгаиича қараб туришардию, аммо қизнинг бошидаги бежирим шляпаси ва елкасига ташлаб олгап ҳарир рўмолига мафтун бўлиб қодишган шекилли, унга бирор гап айтишга журъат этишмасди. Иккинчи қаватда қиз биронта ҳам тирик жонга дуч келмади. Учинчи қаватда эса, китобхоннинг едида бўлса керак, Фабрицио банди қилинган камера томон олиб борувчи йўлакниаг бошига ўрнатилган учта панжарадор темир эшик олдида у иотаниш бир қоровулии кўриб қолди. Қоровул қути учиб:

— У ҳали тушлик қилгани йўқ,— деди.

— Виламай,— дея такаббурлик билан жавоб қайтарди Клелия.

Қоровул уни тўхтатишга ботинмади. Аммо йигирма қадамча нарида, Фабрицонипг камераси олдидаги тахта зинада бошқа бир

қоровул, бурий қип-қизил чол ўтирган экан. У жиддий оҳаигда сўради:

— Комепдаптдан рухсатцомангиз борми, синьора?

— Нима, мени танимаяпсизми?

Шу тобда Клелия жуда руҳланиб кетганди ва қандайдир фавқултабиий бир куч уига илҳом бағишлаб турарди. «Мен ўз эримаи қутқаришим керак,» дея ўйларди у.

Цоровул чол эса нуқул:

— Ҳаққим йўқ... Мумкин эмас!..— дея қичқирмоқда эди.

Аммо Клелия зинанинг олти поғонасидан югуриб тепага •зиқди-да, эшик томонга ташланди: қулфнинг оғзида бесўнақай кзлит қаққайиб кўринарди; қиз уни бор кучи билан бураб, эшикни очди. Шу пайт ширакайф қоровул униuг этагига чанг солган эди, қиз бир сакрашда камерага кириб олди-да, шартта эшикни епди. Кўйлагининг этаги йиртилиб, қоровулшшг қўлида қолди. Чол унинг ортидан ичкарига кирмоқчи бўлиб, эшикни итарған эди, қиз пайпаслаб эшик зулфинини топди-да, уни суриб қўйди. Сўнгра камерага кўз югуртирди-ю, Фабриционинг тушлик овқат қўйилган кичкинагина столча олдида ўтирганипи курди. Клелия югуриб бориб столчани ағдариб юборди-да, шартта Фабрициoнинг қўлидан ушлаб, қичқирди:

— Сен овқатландипгми?

Унинг бундай *сенсираб* гапирганидан Фабрициoнинг боши осмонга етди. Клелия саросимага тушганидан умрида биринчи бор қизлик ибосини унутганди ва дилидаги муҳаббатини яширмай қўйганди.

Фабрицио олдида турган ўша машъум таомларни энди танавул қилмоқчи бўлиб турганди; у Клелияни бағрига босди-да, юз-кўзларидан ўпа бошлади.

«Демак таом заҳарлапган экан,— дея ўйларди йигит.— Агар унта қўл тегизмаганимни айтсам, тақводорлиги яна устун келади-ю, қочиб кетади. Лекин Клелия мени тез орада жон таслим қилади деб ўйласа, унда илтижо қилиб, мени тарк этмасликка кўндиришим мумкин. Унинг ўзи ҳам ўша манфур никоҳдан қутулиш йўлини излаб юрибди; фалак бизга ана шу имкониятли боряпти. Ҳозир қамоқхона қоровуллари епирилиб келишади-да, эшикни бузиб киришади. Сўнгра шундай тўс-тўполон кўтариладики, кейин, турган гап, маркиз Крешеици қўрқиб кетади ва тўй бузилади».

Фабрицио ана шу мулоҳаза билан банд бўлган қисқа сукут чоғй Клелия энди унинг қучоғидан чиқишга :;ринаетганини пайқаб қолдй.

-*• Ҳозирча ҳеч қаерим оғриетгани йўқ,— деди у,— лекин тез орада бутун вужудимга оғриқ туриб, оеғингга йиқилсам керак. Ўлишимга ердам бер.

— Севгилим, жонгинам!— дея хитоб қилди қиз.— Мен ҳам сен билан бирга ўламан.

У шундай дея энтикиб, қандайдир ғайритабиий куч билан йигитни бағрига босди. Цалби чуқур эҳтирос билан енган, ярттк яланғоч қиз шу қадар гўзал кўринардики, Фабрицио беихтиер жунбушга келган туйғуларини тийиб туролмади. У ҳеч қандай қаршиликка дуч келмади.

Одатда жанпатийлик лаҳзасидан сўнг қалбларда туғиладиган жўшқин завқ-шавқ ва тантилик ҳаяжони ичра у эҳтиеткорликпи унутиб, ростига кўчди:

— Бахтимизнинг илк дақиқаларига елғон аралашувини истамайман. Агар сенинг матонатинг бўлмаганида мен ҳозир мурдага айланган еки жон талвасасида азоб чекиб етган бўлардим. Аммо сен бу ерга кириб келганингда мен эндигина стол енига ўтиргандим ва ҳали таомга қўл урмагандим.

Фабрицио Клелиянинг кўзларида елқинлана бошлаган ғазаб оловини ўчиришга уриниб, даҳшатли ўлим манзараеига атайии урғу бермоқда эди. Циз дилидаги бир-бирига зид н?ўшқин туйғулардан ўртапганича бир дақиқа унга тикилиб турди-да, сўнгра йигитнинг қучоғига отилди.

Йўлакда қаттиқ шовқин-сурон эшитилди: темир эшиклар гумбурлаб очилиб епилар, аллақандай одамлар бақириб-чақиришарди.

— Эҳ, афсус, қуролим йўқ!— дея хитоб қилди Фабрицио.— Цалъага кириб келганимда уни топширишга мажбур қилишганди. Бу еққа одамлар келишяпти, чамаси, мени ўлдиришмо^қчи бўлишса керак. Алвидо, Клелия! Шукрона айтаман бундай ажалга, у менга бахт келтирди.

Клелия йигитни ўпди-да, унга тиғи қаламтарошники баробар, дастаси фил суятидан ишланган кичкинагина ханжар тутқазди.

— Цотилларга бўш келма!— деди қиз.— Сўнгги дақиқагача ўзингни ҳимоя қил. Агар аббат амаким тўс-тўполонни эшитса, сени албатта қутқаради,— у мард ва ҳалол одам. Ҳозир мен улар билан гаплашаман. -

Клелия шундай дея эшик томон отилди.

— Агар омон қолсанг,— деди қўлини зулфинга қўяр экан, энтикиб ва Фабрицио томон ўтирилди,— очликдан ўлсанг ўлгишш, лекин қамоқхона овқатига қўл тегизма. Манави нонни олиб қўй. Уни доим енингда сақла.

Шовқин-сурон яқиплашмоқда эди. Фабрицио Клелияни остонадан ичкарига сурди-да, унинг ўрнига ўзи турди, сўнг ғаза_» билан эшикни очди ва тахта зинадан югуриб пастга тушди. У қўлидаги Клелия берган кичкина ханлгарни сал бўлмаса шаҳзоданинг адъютанти генерал Фонтананинг нимчасига санчиб юборай деди. Ҳартугул генерал ўзини орқага олди-ю, қути ўчиб қичқирди:

— Ахир мен сизхга қутқаргани келганман, синьор дель Донго!

Фабрицио олтита поғонадан юқори кўтарилди-да, камера эшиги олдига бориб, баланд овоз билан: *«Мени цутцаргани Фонтана келибди»,*— деди. Сўнгра яна пастга тушди ва зинапояда тургапича генерал билан совуққина гаплашиб олди. У ғазабипа тийиб туролмагаии учун Фонтанадан узоқ кечирим сўради.

— Лекин, биласизми, мени заҳарламоқчи бўлишди. Мснга бугун тушликка келтиришган таом заҳарланган экан. Ҳартугул уни танаввул қилмасликка фаросатим етди. Аммо, сизга очиғини айтсам, бундай разолат ғазабимни қайнатиб юборди. Кимпингдир зинапоядан чиқиб келаетганини эшитдим-у, хойнаҳой мени чавақлагани келишяпти деган хаелга бордим... Жаноб генерал, илтвмос, буюриг, менинг камерамга хеч ким кирмасин, акс ҳолда, у ердаги заҳарланган таомларни йўқ қилишади, меҳрибон ҳукмдоримиз эса ҳақиқатни билмоғи керак.

Генерал Фонтана ранги кув ўчиб, саросимага тушганича енида келаетган қамоқхона нозирларига Фабрицио айтган буйруқни берди. Суиқасд фош бўлганидан қўркиб кетган нозирлар гўе торгина зииапояда аълоҳазратнинг адъютантига йўл бўшатаетгаидек, бир-бирларини туртиб-суртишганича шоша-пиша пастга туша бошлашди. Аслида эса улар жуфтакни ростлашаетган эди„ Фабрицио генерал Фонтакани қаттиқ хайратга солиб, қуйи залдаги устуига чирмашгаи айланма зинапояда уни яна чорак соат гапга солиб турди,— у Клелиянинг иккинчи қаватдаги хоналардап биронтасига яшириниши учун имконият яратиб бермодчи эди.

Генерал Фонтанаии қалъага герцогиняшшг талабига биноан юборишгаиди; хоним бунга жуда куп уринишлардан сўнг, ўшанда ҳам тасодиф туфайли эришганди. Унинг ўзидек қаттиқ ташвишга тушган граф Моска билан хайрлашгач, герцогиня саройга қараб югурди. Малика ҳар қандай фаоллик памойиш этилишини сўзсиз тўпорилик аломати дсб биларди; у статс-мулозимам ақлдан озибди, деган хаелга борди ва герцогипяни деб қандайдир жонкуярлик кўрсатишни ўзига лозим топмади. Герцогиня эса, эс-ҳушини йўқотиб, зор-зор йиглар ва дақиқа сайин фақат:

— Лекин, ҳазрати олиялари, чорак соатдан сўнг Фабрициони заҳарлашади ахир!— дея такрорларди.

Маликанинг барча илтижоларига бутунлай лоқайд қараетганини кўриб, хоним қайғупинг зўридан жинни бўлаезди. Агар унинг ўрнида шимол мамлакатларида диний қоидалар бўйича таълим олган биронта аел бўлганида, у ўз^ виждонипи таҳлил қилиб кўргач а.лбатта: «Цилмиш қидирмиш! У зим биринчи бўлиб заҳар ишлатгандим, мана энди ўзим ҳам заҳардан ҳалок бўляпман»,— деган хулосага келгаи бўларди. Аммо бундай хулоса герцогинянинг хае> лата ҳам келмади. Цаттиқ изтироб чекаетган одамга Парижда энг возик сўз ўйини ҳам қанчалик сийқа кўринса, Италияда шундай аҳволга тушган одамга бундай фикр шунчалик бемаъни туюлади.

Нима қиларипи билмай қолган герцогиня сира тап тортмай залга, ўша куни саройда навбатчилик қилаетган маркиз Крешенцининг хузурига кирди. Герцогипя Пармага қайтиб келгач, маркиз ўзининг камергер этиб тайинлангани учун унга қизғин миннатдорчйлик билдирган эди, зеро хонимнинг саъй-ҳаракатисиз хеч қачон бундай шарафга муяссар була олмасди. Ўшанда у, турган гап, хонимга чексиз садоқатини изҳор этганди.

Герцогиня упинг олдига бориб, шундай деди:



— Фабрицио яна қалъага тушиб қолди. Расси уни заҳарла* коқчи. Мен ҳозир сизга бир шиша сув билан шоколад бераман. Уларни чўятагингизга солинг. Утинаман сиздан, ҳаетимпи сщлаб қолинг; тўғри қалъага бориг-да, генерал Фабио Контига, агар ана шу сув билан шоколадни шахсан ўзингиз Фабрициога бериб қўйишипгизга иячозат бермаса, қизига уйланмаслигингизни айтинг.

Маркизпинг ранги оқариб кетди. Бу илтижолар уни руҳлан* тириб юбормадигина эмас, аксинча, унинг башарасида аянчли бир хижолат акс этди. «Афв этасиз,— деди у,— шундай хушхулқ шаҳар бўлмиш бизнинг Пармада, шундай олийҳиммат ҳукмдор қошида бундай даҳшатли жиноят содир бўлиши мумкинлигига ақлим сира бовар қилмайди» ва ҳоказо. У ҳатто ана шу сийқа гапларни ҳам мижғовланиб айтмоқда эди. Хуллас, герцогинянинг рўггарасида аслида, чамаси ҳалолу аммо ниҳоятда ланж ва қўрқоқ бир одам турарди. Сииьора Сансеверинанинг бетоқат хитоблар билан унинг гапини бўлиб туришига қарамай, маркиз яна йиги'рматача шундай сийқа жумлаларни айтди-да, ниҳоят, ажойиб баҳона топди: камергер сифатида ичган қасами маркизнипг ҳукуматга қарши қаратилгаи биронта ишда иштирок этмоғига йўл қўймас эмиш.

Герцогинянинг нақадар изтироб чекаетгапи ва умидсизликка тушганиии тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди. Хоним фурсатни қўлдан бериб қўяетганини яққол ҳис этиб турарди.

— Хўп, сиз комендант билан гаилашиб кўрипг, унга Фабриционипг қотилларини нариги дунеда ҳам таъқиб этишимни айтиб қўйинг хеч бўлмаса!..

Умидсизлик азобидап герцогинянинг сухандонлик иқтидори янада кучайиб кетгапди, аммо бу оташқалб аелнинг жўшқинлигидан маркиз баттар саросимага тушди: бир соатдан сўнг бошида ҳали бирор чора кўриши мумкин бўлгаи бу одамнинг энди ҳа^ ракат қилишга сира майли қолмади.

Вечора аел охири зор қақшаш даражасига етди ва комендант шундай бадавлат куевнинг ҳар қандай илтимосини бажаришини тушунгани туфайли, маркиз Крешенцининг оеғига йиқилди. Аммо бундай мисли кўрилмагаи манзарадан маркизпинг журъатсизлиги баттар кучайиб кетгандек бўлди,— у, беихтиер шаънимга доғ тушириб қўйдимми, дея қўрқиб кетди. Лекин шу билан бирга у я«уда ғалати аҳволга тушиб қолди: маркиз аслида емон одам эмаеди, у оеғи остида шундай гўзал ва муҳими, шундай қудратли аелнинг хокисор йиғлаетганидан таъсирланиб кетди, бЗҳтимол ўзим ҳам,— дея ўйларди у,— шунча давлатим ва шаън-шавкатимга қарамай, келажакда биронта республикачинипг оеғига йиқиларман».

Маркизпинг кўзларига еш келди ва улар охири герцогиня катта статс-мулозималик ҳуқуқидан фойдаланиб, упи маликанинг ҳузурига олиб кириши ҳамда ҳазрати олияларидан Фабрициога кичкинагина сават элтиб бериш учун унга рухеат олиб бериши ҳа-

қида келишиб олишди. Комепдантга эса маркиз, саватнинг ичида пима борлигини билмаймап, дея айтадиган бўлди.

Бир куй илгари кечқурун, герцогиня ҳали ўз хоҳиши билан қалъага қайтиб борган Фабрициопинг бу телбаларча ишидап хабар топмасидан аввал саройда (1е11аг{е комедияси ўйналганди »а доим герцогинянинг махбуби ролини ишро этадигап шаҳзода бу гал севги изҳор қила туриб шу қадар эҳтирос намойшп этгандики, бу ҳол кулгили бўлиб кўриниши мумкип эди. Аммо Италияда эҳтирос билан севги изҳор қилган одам, бунинг устига у шаҳзода бўлса, ҳеч қачоп кулгили бўлиб кўринмайди.

Аслида ўзи тортипчоғу аммо севги масаласига жуда жиддий қарайдиган йигит бўлмиш шаҳзода сарой йўлакларидан бирида каттиқ саросимага тушган маркиз Крешенципинг қўлидан тутиб, маликанинг ҳузурига сургаб кетаетган герцогиняни кўриб қолди.

Умидсизлик, ғам-андуҳ катта статс-мулозимага кишини лол қолдирадиган қандайдир ҳайратангиз бир гўзаллик бағишлаб турардики, уни кўриб шаҳзода мафтун бўлиб қолди ва ҳаетида биринчи марта қатъият намойиш этди. У амирона бир шпора билан маркиз Крешенцини чиқариб юборди-да, герцогиияга рисоладагидая севги изҳор қилди. Чамаси, у айтмоқчи бўлган гапини илгаридап тайерлаб қўйган кўринарди, зеро, кўпгина мулоҳазалари анча бамаъпи эди.

— Ҳукмдорлик унвопим ва у билан боғлиқ таомиллар мени сизнипг эрингиз бўлишдек буюк бир бахтдан маҳрум этяпти. Аммо мен барча азизу анбиеларпи шафе келтириб, сиз езма равишда ризолик бермагупингизга қадар ҳеч қачон уйланмасликка онт ичишим мумкин. Жуда яхши тушунаман,— дея қўгаимча қилди у,— мени деб зукко ва дилбар одам бўлмиш граф билан бўлажак зшкоҳиигиз бузилиб кетади. Лекин унинг еши эллик олтида ахир, мен бўлсам ҳали йигирма иккига ҳам тўлганим йўқ. Дилимдаги сизга бўлган муҳаббатимдан ташқари иттифоқимизнинг ўзга аф~залликлари ҳақида гапирсам, сизни ранжитиб қўямап ва рад жавоби эшитаманми деб қўрқаман; аммо менинг саройимда пулнинг қадрига етадиган ҳар қапдай одам графнинг ўз севгисининг исботи тариқасида бутун бойлигини сизнинг ихтиеринтизга топшириб қўйгаиига қойил қолмоқда. Мен ҳам бажонидил ундан ўрнак оламан ва министрларим ҳар йили сарой маҳкамасининг бошқарувчисига келтириб берадиган бутун маблағпи сизнинг ихтиерингизга топшириб қўяман. Сиз бойлигимни мендан яхшироқ сарф қила биласиз ва ҳар ойда ўзим учуй қаича пул сарфлашим кераклигини ўзингиз ҳал қиласиз.

Барча бу изоҳотлар герцогиияга чўзилиб кетгандек туюлди,— Фабрициoнинг ҳаетига қутку солиб турган хатар унинг юрагини тилка-пора қилмоқда эди.

— Наҳот, хабарингиз бўлмаса, онҳазрат,— дея хитоб қилди у,— ахир шу дақиқада Фабрицио қалъангизда, эҳтимол, огудан ,ўлаетгандир! Уни қутқаринг, ана шунда ҳамма гапларингизга *>ншоцаман!



Бу и?умла шу тобда жуда нонсўя эшитилди. «Огу» сўзипи эшитиши биланоқ одоб деган жойда ўзини томдап ташлайдиган бечора шаҳзоданиг бутун соддадиллигшо бутун самимияти бир зумда гойно бўлди-кўпди. Герцогиня йўл қўйиган хатосини тушунганида уни тузатишнинг иложи қолмаганди. У, кулфатнинг чеки шу бўлса керак деб ўйлаганди, аммо дилини япада қаттиқроқ ҳасрат қоплади. «Агар заҳарлаш ҳақида сўз очмаганимда эди,— дея ўйларди аел,— у Фабрициони озодликка чиқариб юборган бўларди... Фабрицио, азизим!— хаелан қўшимча қилди у,— назаримда, сеиинг пешонангга менинг бемулоҳаза иш юритишим туфайли ҳалок бўлиш езилганга ўхшайди!»

Герцогиня бор нозу карашмасини ишга солиб, шаҳзодани яна севгиси ҳақида гапиртиргунига қадар орадан анчагина вақт ўтди. Аммо шаҳзода ҳамоп қўрқувдан ўзига келолмай турарди. Энди ушбу муҳаббат изҳорида унинг фақат ақли иштирок этар, дили эса аввал оғу ҳақидаги ўша хаелдан, сўнгра бирипчи фикр қанчалар даҳшатли бўлса, шунчалар кўнгилсиз бўлган бошқа бир мулоҳазадан доиг қотиб қолганди. «Музофатимда маҳбусларни заҳарлашар экан, менинг эса бу ишлардан мутлақо хабарим йўқ! Расси мени бутун Европа олдида шарманда қилмоқчи! Худо билсин, бир ойдан сўнг Париж газеталарида нималарни ўқийман!»

Шунда бирдан, бу тортиичоқ йигитпинг қалбидаги жўшқинлик бутунлай сўнай деб турган бир пайтда, унинг миясига бир фикр келиб қолди.

— Азизам герцогиня, сизни қанчалар севишимни ўзингиз яхши биласиз. Дилингиздаги ўша мудҳиш шуб ҳал ар асоссиз бўлиб чиқади, деб умид қиламан. Аммо шу аснода хаелимга баъзи фикрлар келиб қолдики, уларпи деб бир зум сизга бўлган чекси;* севгимни ҳам уиутиб қўяй дедим, ҳолбуки бу менинг ҳаетимдага биринчи ва ягона севгим. Сезиб турибман, кулгили кўриняпман. Хўш, мен киммап ўзи? Ошиқу беқарор бир болакайман. Лекин сиз мени синаб кўринг.

Шаҳзода шу гапларни айта туриб, руҳланиб кетди.

— Фабрициони қутқаринг, шунда ҳамма гапингизга ишонаман! Эҳтимол, мен япглишаетгандирман, дилимдаги оиалик тунгуси мени бемаъни васвасага солаетгандир. Лекин сиз Фабрициони олиб келиш учун қалъага одам юборинг. Мен уни курай, соғ-саломат эканлигига ишонч ҳосил қилай. Шундан сўнг сиз уни саройдан тўғри шаҳар қамоқхонасига жўнатинг, майли, ҳазрати олийлари лозим кўрсалар, жияним судга қадар у ерда ойлаб ўтирсин.

Герцогиня шаҳзоданинг шундай оддийгипа илтимосни дарҳол бажариш ўрнига қовоғини солиб, қип-қизариб кетгаиинн кўрди-ю, даҳшатга тушди. Шаҳзода унга бир қаради-да, сўнгра кўзларини ерга тикди ва ранги оқариб кетди. Оғу ҳақидаги эҳтиетсизлик билан айтилган ўша гапдан уиинг хаелига отаси еки Филипп Иккиичига муносиб бўлган бир фикр келгаиди. Амм*

шаҳзода бу фикрни сўз билаи изҳор қилишга ботиимай турарди.

— Сабр қилинг, синьора,— деди у ўзини ўзи зўрлаб гапирар экан, анча қўпол оҳапгда,— Сиз мендан нафратланасиз, Сиз учун доен бир болакайман, бунинг устига менинг ҳеч қандай жозибали томоним йўқ. Хўп, майли, ҳозир мен сизга даҳшатли бир фикр айтаман. Аммо бу фикр фақат сизни бениҳоя севганим туфайлигина хаелимга келди. Агар мен жияниягизни заҳарлашлари мумкинлигига тарикча бўлса-да, ишонганимда бу ишга дарҳол аралашган бўлардим, зеро бурчим гауни тақозо этган бўларди. Бироқ сизнинг ушбу илтимосингиз жўшқин хаелот маҳсулигина булиб кўриняпти ва дилимдагини очиқ айтишга ижозат этсангиз, мен уни яхши тушунмаяпмаи. Гарчи мен бор-йўғи уч ойдан бери ҳукмдорлик қилаетган бўлсам-да, сиз министрларим билап маслаҳотлашмай туриб, фармон беришимни истаяпсиз. Мендан одатдаги таомилни қўпол равишда бузишни талаб қиляпсиз, ҳолбуки сизга ростини айтсам, ўша қонун-қоидаларни оқилона қурилгаи деб ҳисоблайман. Синьора, бу ерда сизнинг ҳар қапдай ҳукмингцз амри вожиб, сизнинг висолингизга етмоқ дунедаги энг катта орзуим, сиз менга шу хусусда умид бахшида этяпсиз. Аммо бир соатдан сўнг, дилингиздаги бу беҳуда ваҳималар бартараф бўлгач, сиз мени кўргингиз келмай қолади, шундан сўнг менга қарамай қўясиз, синьора. Шундай экан, ваъда беринг, қасам ичинг, синьора, агар Фабрициони ҳузурингизга соғ-саломат етказиб келишса, уч ойдан сўнг сиз менга муҳаббат бобида жаннатийлик бахшида этгайсиз. Агар ҳаетингиздан фақат бир соатгина вақтни тўла ихтиеримга ажратиб, бутунлай меники бўлсаигиз, мени бир умрга бахтиер этган бўласиз, синьора.

Шу лаҳзада сарой минорасидаги соат икки марта занг чалди.

«Эвоҳ, балким, кечиккандирмиз!»— хаелидан ўтказди герцогиня.

— Онт ичаман! — дея хитоб қилди у шаҳзодага телбаларча қарар экан.

Шундан сўнг шаҳзода бир зумда бошқа одам бўлди-қўйди. У галереянинг нариги четидаги навбатчи адъютантлар ўтирадиган хона томопта югурди.

— Геперал Фонтана, дарҳол қалъа сари от қўйинг. У ерга боргач, мумкин қадар тезроқ синьор дель Донго ҳибс этилган камерага кўтарилинг ва уни бу ерга бошлаб келинг. Йигирма мунутдан сўнг, иложи бўлса ўн беш минутдан кейин синьор дель Донго шу ерда бўлмоғи керак. Мен у билан гаплашиб олишни истайман.

— Аҳ, генерал!— дея хитоб қилди герцогиня шаҳзоданинг ортидан хонага кирар экан.— Бир дақиқагина вақт менинг ҳаетмамотимни ҳал қилиши мумкин. Менга етиб келган маълумот эҳтимол, йлғон чиқар, аммо Фабрициони заҳарлаб қўйишларидан кўрқяпман. Зинага етган заҳотингиз унга қичқириб айтииг, ҳеч нима емасин. Мабодо тановвул қила бошлаган бўлса, унга тарек беринг, унга мен шуни талаб к,илганимни айтинг; агар лозим булса, тарекви мажбуран ичиринг. Мен ҳам ортингиздап етиб бсрˇришимпи унга айтиб қўйинг. Инонипг, сиздан умрбод миннатдор бўламаи.

— Герцогиня, отим эгарлоғлиқ турибди, мени яхши чававдоз дейишади. Ҳозир тўғри ўша екқа от қўямап ва қалъага сиздан саккиз минут илгари етиб бораман.

— Мен бўлсам, герцогиня,— дея хитоб қилди птаҳзода,— ўша саккиз мупутшшг ярмисини каминага ажратишингизни илтимос қиламан.

Адъютант ғойиб бўлди; бу одамиинг ягона фазилатп унинг моҳир чавандозлигида эди. У ташқарига чиқиб, эшикни епиши биланоқ саботли одам бўлиб чиққан навқирон шаҳзода герцогипяпипг қўлидан тутди.

— Илтимос қиламан, синьора,— деди у эптикиб,— мен билан бутхонага борсангиз.

Умрида биринчи марта саросимага тушган герцогиня индамай унииг ортидаи юрди. Улар саройнинг узун галереяси бўйлаб югуриб кетишди; бутхона унинг нариги четида жойлашган эди. Бутхопага киргач, шаҳзода меҳробдан ҳам кўра кўпроқ герцогинянипг қаршисида тиз чўкди.

— Цасамингизпи такрорланг,— деди у эҳтирос билан.— Агар сиз шафқат қилганипгизда ва агар бу ўринда менинг машъум ҳукмдорлик унвоним аралашиб қолмаганида, эҳтимол, муҳаббатимга раҳмингиз келгани учун ҳам мепга жаннатийлик ҳадя этган бўлардингиз. Энди бўлса сизни ичган қасамингиз шундай қилишга мажбур этади.

— Агар Фабрициони заҳарлашмаган бўлса, агар уни соғ-саломат курсам, агар у бир ҳафтадан кейин ҳам эсон-омоп юрса, агар сиз, ҳазрати олийлари, уни коадъютор ҳамда архиепископ Ландриапининг бўлажак вориси этиб тайинласаигиз, майли, орпомусимни, аеллик иффатим, бўлак барча фазилатларимни поймол этиб ўзимпи сиз ҳазрати олийларига бахшида этаман.

— Лекин, *азиз дўстим,*— деди шаҳзода товушида назокат ва қўрқув кулгили тарзда омухта бўлиб эшитилар экан,— мен бахтимии барбод этиши мумкин бўлган биронта найрангга дуч келаманми деб қўрқяпман. Бупга бардош бера олмайман. Хўш, архиепископ рози бўлмаса-чи, бирор нарсани баҳона қилиб, эътироз билдирса-чи? Черков ишлари баъзаи чўзилади! Унда ҳолим не кечади? Кўриб турибсизки, синьора, мен ҳеч нимани яширмаяпман. Наҳотки мепга нисбатаи иезуитларга ўхшаб риекорлик қилсангиз?

— Йўқ, мутлақо самимин гапиряпман: агар Фабрициони қутқаришса, агар сиз ўз пуфузингизни ишга солиб, униинг коадъютор ва архиспископнинг вориси этиб тайиплапишига кўмаклашсангиз, мен ор-номусимпи букиб, ўзимни сизга бахшида қиламан. Монсиньор архиепископ бир ҳафтадан сўнг сизга келтириб берадиган илтимосноманипг ҳошиясига *«Розиман»*— дея имзо чекишга сўз беринг, ҳазрати олийлари.

— Меи бу сўзпи тоза қоғозга ҳозироқ езиб берганим бўлсин. Марҳамат меига раҳнамолик қилинг, давлатимда ҳукм ўтказинг!— дея хитоб қилди шаҳзода бахтиерликдан лоладок қизариб. У чипдап ҳам эс-ҳушипи йўқотиб қўйганди.

У герцогиняни япа бир бор қасам ичишга мажбур қилди. Ҳаяжоннинг зўридан уиииг бутун табиий тортинчоқлиги гойиб бўлганди. Шаҳзода ўзлари елғиз бўлишган бу сарой бутхонасида герцогинянинг қулоғига шуидай сўзларни шивирлардики, агар хоним барча бу гапларни уч кун бурун эшитганида унинг тўғрисидаги тасаввурн мутлақо ўзгариб кетган бўларди. Герцогинянинг дилидаги умидснзлик, Фабрицоинииг ҳаетига қутқу солаетган хавфи тўғрисида ўйлаб чекаетган ҳасрати ўрнини энди бериб қўйган ваъдаси олдидаги даҳшат қоплади.

Герцогинянинг қалби ларзага тушганди. Нима қилиб қўйди у ўзи? Хоним ичган қасамипинг нақадар мудҳиш экаплигипи ҳали ўзи ҳам охиригача ҳис этмаганди, зеро, унинг эътиборини бошқа бир нарса,— ишқилиб генерал Фонтана қалъага вақтда етиб борсин-да,— деган хаел чалғитиб турарди.

У эҳтиросининг зўридан эс-ҳушини йўқотиб қўйган мапави болакайнинг пойма-пой гапларидан қутулиш ва гапнинг мавзуини ўзгартириш учун машҳур Пармиджанинонинг бутхона меҳроби тепасида осиғлиқ турган картинасини мақтади.

— Илтимос, уни сизиикига юборишимга ижозат этииг,— деди шаҳзода.

— Яхши,— деди жавобан герцогиня,— энди менга рухсат беринг, бориб Фабрицони кутиб олай.

У қандайдир бениҳоя асабийлик билан отларга қамчи боеишпи буюрди. Қалъа олдидаги хандақ устига қурилган куприк енида у дарвозадан пиеда чиқиб келишаетган генерал Фонтана билан Фабрициони кўриб қолди.

— Овқат едингми?

! — Йўқ. Мени мўъжиза қутқариб қолди.

Герцогиня Фабрицонинг кўксига отилди ва бирдап беҳуш йиқилди. У камида бир соатча ҳушига келмай етдики, атрофидагилар аввал унинг ҳаети хавф остида эканлигани, кейин эса аелнинг ақлдан озиши мумкинлигини ўйлаб ташвишга тушишди.

Комендант Фабио Конти генерал Фонтанани кўриб, аламидаи ранги ок.ариб кетди; у шаҳзодацинг буйруғини ниҳоятда имиллаб бажара бошладики, охири герцогиня энди қудратли фавориткa бўлиб қолади, дея тахмин қилган адъютантнинг жаҳли чиқиб кетди. Комендант Фабрицонинг «хасталигини» икки-уч кунга чўзмоқчи эди. «Мана энди,— дея ўйларди у,— сарой аъенларидан бўлган манави генерал мен қочиб кетгани учун ўчимни олганим туфай.дц жон талвасасида етган ўша сурбетнинг қандай азоб чекаетгапига гувоҳ бўлиб қолади...»

Фабио Конти Фарнезе минорасининг пастки қаватидаги қоровулхояада шумшайвб турарди. У қоровулхонадаги солдатларни дарҳол чиқариб юборганди, зеро, улартганг ҳозир иамобн бўлажак манзаранинг гувоҳи бўлигаларини истамасди. Лммо беш минутдаН' сўнг у Фабрицонинг товушини зшитиб ва унинг соғ-саломат тушиб келаетганини кўриб, ҳайратдан допг қотиб қолди. Маҳбус гўе ҳеч нима бўлмагапдек, генерал Фонтана билан суҳбатлашиб, унга қамоқхонани тасвирлаб бермоқда эди. Комендант бир зумда ғойиб бўлди

Шаҳзоданинг қабулида Фабрицио ўзипинг ҳақиқий жентельмен эканлигини кўрсатди. Бириичидан, у арзимас хатардан қўрқиб кетгап болакайга л»утлақо ўхшамасди. Шаҳзода хайрихоҳлик билан у ўзипи қапдай ҳис этаетганипи сўради.

— Очликдан ўлай деяпман, ҳазрати олийлари, зеро, хайриятки, бугун нонушта ҳам, тушлик ҳам қилганим йўқ.

У шаҳзодага эҳтиром ила миннатдорчилик билдирди-да, шаҳар қамоқхонасига ҳибс этилмоқдан олдин архиепископ билан кўрашмоқ учун ижозат сўради. Шаҳзода ранги оппоқ оқариб, ғоз қотиб турарди. Ниҳоят, у ўзининг болаларча ақли билан заҳарлаш ҳақидаги гап, эҳтимол, герцогинянинг жўшқин хаелоти ўйлаб чиқаргаи хомхаел бўлмаслиги мумкинлигини тушуниб қолганди. У аиа шу нохуш хаел билан бўлиб, аввалига Фабрицонинг архиепископ билаи учрашиш ҳақидаги илтимосига ҳеч қандай жавоб қилмади, сўнгра ҳуши жойига келиб, паришонхотирлигипи алоҳида илтифот памойиш этиш орқали ювищга аҳд қилди.

— Бемалол унинг олдига бораверинг, синьор. Менинг пойтахтимда ҳеч қандай- соқчиларсиз юраверишингиз мумкин. Кечқурун соат ўн-ўп бирларда қамоқхонага боринг. Умид қиламанки, у ерда кўп ўтирмайсиз.

Ҳаетида муҳим аҳамият касб этган ўша улуғ кушганг эртасига эрталаб шаҳзода ўзипи кичик бир Наполеон дея ҳис эта бошлади: у баъзи кнтобларда ўша буюк одамга саройдаги кўпгина соҳибжамол хопимлар ўзларини бахшида этганларини ўқигапди. Шундай қилиб, итпқий можаролар бобида у Наполеопга ўхшаб иш тутди ва визиллаб учаетган ўқлар остида туришга ҳам улгурди. Унипг қалби ифтихор ва завқ-шавққа тўлди: . гсрцогиняга муҳаббат изҳор қилар экан, у озмупча қатъият намойигя этдими ахир! Шундай мушкул ишни эплай олганидап фахрлапиш туйғуси уни икки ҳафтага мутлақо бошқа одам қилди-қўйди, у қатъий қарорлар қабул қилишга қодир бўлиб қолди, хатти-ҳаракатида ирода аломатлари зуҳур була бошлади.

Ўша купи у аввало Рассига графлик унвониии бериш ҳақидд тайерланган ва бир ойдаи буен езув столида етган олий фармонпа йиртиб ташлади. Кейин у Фабио Континп амалдан бўшатди ва генералнинг ўрнига комендант этиб тайинланган полковник Лапгега заҳарлаш ҳақидаги иш бўйича тафтиш ўтказишни буюрдг. Миллати поляк бўлган жасур офицер Лангс қамоқхона хизматчиларини қисти-бастига олди ва орадан кўп ўтмай шаҳзодага заҳарии аввал синьор дель Доиго учун тайерланган нонуштага солиб бермоқчи бўлганларини, аммо кейинроқ бу фикрдац қайтганла-

рипи, зеро у ҳолда бу сирдап жуда куп одам воқиф бўлишидап чўчиганларини хабар қилди. Тушликка эса оғупи анча усталик билан солишибди. Агар генерал Фонтана вақтида етиб бормаганида синьор дель Донгонинг ҳалок бўлиши турган гай экан. Бу гапни эшитиб, шаҳзода қаттиқ қайғу чекди, бироқ у чиндан ҳам герцогиняни севар ва унта: «Мен рости билан ҳам синьор дель Донгонинг ҳаетини сақлаб қолибман, рост, шундай экан, энди герцогиня берган сўзининг устидан чиқмасликка журъат этмайди»,— доган фикр таскип бериб турарди. Кейип унинг хаелига бошқа бир фикр келди: «Менинг вазифаларим ўзим ўйлаганимдан оғирроқ экан; барча герцогиняни, ҳаддан ташқари оқила аел, дся таърифлаяпти, демак сиесий манфаатлар менинг юрагимдаги туйгуларга мос тушяпти. Агар у менга бош министр бўлишга рози бўлганида эди, жуда ажойиб иш бўларди».

Кечга яқин шаҳзода кўз ўнгида фош этилган евузликдап шу қадар ғазабга мипдики, оқибатда o!e11ar1e комедиясида ҳам иштирок этишни истамай қолди.

— Агар сиз менинг давлатимда ва менинг қалбимда ҳукамолик қилишга рози бўлганингизда эди, мен беҳад бахтиер бўлур эдим,— деди у герцогиняга.— Аввало мен сизга бугун нима ишлар қил1аним тўгрисида гапириб бермоқчиман...

Шундай сўпг у герцогиняга қандай қилиб Рассига графлик уивони бериш ҳақидаги олий фармонни йиртиб ташлагаии, Лапгени қандай комендант этиб тайинлагани, заҳарлаш ҳақида упдан қандай ахборот олгани ва ҳоказолар тўгрисида батафсил сўзлаб берди.

— Давлатии идора этиш соҳасида менинг тажрибам жуда кам албатта. Аммо граф ҳазил-ҳузул гаплари билан муттасил менинг иззат-нафсимга тегади, у ҳатто министрлар советида ҳам ҳазил қилади, жамиятда эса мен тўгримда шундай фикрлар айтадики, сиз бундай фикрларга қўшилмассиз, дея умид қиламан. Унинг актишича, мен еш бола эмишман ва у гўе мепи қандай истаса, шундай ўйпатаетганмиш. Мен — ҳукмдорман, лекин шунга қарамай, мен ҳам оддий инсопман, хоним. Бундай сўзлар менинг иззат-нафсимга тегади ахир. Граф Москанинг уйдирмаларипи инкор этмоқ учун эса мени }'ша қаттол аблаҳ Рассипи министр этиб тайинламоққа кўпдиришди. Генерал Конти ҳамон унинг қудратига ишонади ва сизнинг жиянипгизпи ўлдирмоқни, ўша Расси еки Раверси буюрганини тан олишпи ҳатто хаелига келтиришга ҳам қўрқади. Генерал Фабио Конти қисматини судга топширмоқчимап. Заҳарлашга уриниб, унинг қанчалик жиноят қилганиии ўша судьялар ҳал этсин.

— Лекин, оиҳазрат, сиз судьяларим бор деб ўйлайсизми ҳали?

— Нега бўлмасип экан!— ҳайратга тушиб хитоб қилди шаҳзода.

— Сизнинг кўчаларда виқор билан савлат тўкиб юрадиган аллома ҳуқуқшуносларипгиз бор, аммо улар доим саройдаги ҳокимият тепасида бўлган партиянипг чизгап чизиғидап чиқмаидилар.

Шаҳзодапинг жаҳли чиқди ва у заковатдан ҳам кўра кўпроқ соддадилликдан далолат берувчи баландпарвоз ҳақиқатларни баен эта бошлади. Герцогиня эса бу орада шундай мулоҳаза юритарди:

«Контининг шарманда к;илишларига йўл *цўйпб* бўлармиди! *Щц,* албатта, йўқ! Ахир унда генералнинг қизи билан қўркоқ ва расмиятпараст маркиз Крешенцинииг иикоҳ дуришлари мумкин бўлмай к.олади».

Герцогиня билан шаҳзода ана шу мавзуда яна узоц ганлашиб ўтиришди. ГОаҳзодапинг боши осм< т. Синьорина Конти ва маркиз Крешенцинииг никоҳ қуришлари шарти билан, ҳа, фақат угабу шарт бажарилишини ўртага қўйиб, дегашта дарғазаб шаҳзода собиқ комендантга, унинг Фабрициони заҳарлашга бўлгап уринишини кечирармиш. Аммо у герцогииянинг маслаҳатига кўра генерални Клелияиинг тўйига қадар ўз музофотидап бадарға этди,

Герцогинянинг иазаррвда, у энди Фабрициони илгаригидек севмай цўйганди-ю, аммо ўзи жон-жаҳди билан ҳамон Клелия Контининг маркизга хотин бўлишини истарди: хоним, ана шундан кейин зора Фабрицио уни аста-секип унутиб юборса, дея умид к,иларди.

Бахти чопганидаи ўзини қаерга қўя;чши билмай қолган шаҳзода шу кечанииг ўзидаек Рассипи мипистрлик лавозимидан олиб ташламоқчи бўлди. Бунга жавобан герцогиня кулиб деди:

— Наполеон айтгаи бир ҳикматни биласизми? «Мансаби юксак ва доим ҳамманинг диққ,ат-эътиборида бўладиган одам ҳеч қачон кескин ҳаракат қилмаслиги, ҳовлиқмаслиги керак»,— деган у. Кейин вацт ҳам кеч бўлиб қолди, ишларни эртага қўяйлик.

У граф билан маслаҳатлашмоқ учун вақтдан ютмоқчи эди. Хоним ўша кечанииг ўзидаек шаҳзода билан қилган бутуп суҳбатиии бош министрга айтиб берди-ю, фақат онҳазратпинг *ўщ*-тин-ўқтин унинг бутуи ҳаетига кўланка ташлаб тургап ўша машъум ваъдасига шама қилгани тўғрисида чурқ этиб оғиз очмади. Герцогиня шаҳзода учуп жуда керакли одам бўлиб олишга ва кейинчалик уига «Агар мени шундай евузларча хўрлаш даражасида шафқатсизлик қилсапгиз, мен буни асло кечирмайман ва эртасига эрталабоқ тасарруфингиздаги бу ўлкапи буткул тарк этаман»,— дея пўписа қилиш ердамида ваъдасини устидан чиқищии номаълум муддатга кечиктириш тўғрисида умид қилмоқда эди.

Герцогинянинг Рассини нима қилиш кераклиги тўғрисидаш саволига граф анча фалсафий н?авоб қайтарди, Генерал Фабио Копти билан Расси саеҳат қилиш учун Пьемоптга жўнашди.

Фабриционинг суд процессида кутилмаган қийинчилик тугилди: судьялар уни бир овоздап биринчи мажлисниiг ўзида, ишпй кўриб >'тирмаеқ оқлаб юбормоқчи бўлишди. Суд процесси лоақал бир ҳафта давом этиши ва судьялар гувоҳларни сўроқ қилиб, уларнинг маълумотларини тингламоқлари учун граф уларга дўқ уриш-

га мажбур бўлди. «Бу одағларни сира тузатиб бўлмади, тузатиб бўлмади-да»— дея хаблидан ўтказди у.

Оқланганининг эртаси купи Фабрицио дель Донго, ниҳоят, меҳрибон архиепископ Ландриани қошида бош викарийлик лавозимини эгаллади. Ўша куниcқ шаҳзода Фабрициони коадьютор ва архиенпскопнипг бўлажак вориси этиб тайинлаш ҳақидаги расмий мактубга ю,гзо чекди. Орадан икки ой ўтмасданоқ қаҳрамомимизга шу уивоп берилиши ҳақидаги фармои тасдиқлапди.

Ҳамма герцогиняга жиянияинг жуда сипо кийшгаб юришини ^ақтарди, аслида эса Фабрицисцииг дилини чексиз ҳасрат коплаганди. Уии қалъадан озод қилишган, сўнгра генерал Контияа лавозимидап бўшатиб, бадарға этшиган ҳамда герцогицяга чексиз иззат-якром кўрсатилган кунииикг эртасига Клелияни аммаси — доим ўз соғлигияинг ташвишида юрадиган анча бадавлат кампир бўлмиш графиня Контариии ўз хонадонига қабул қилди. Види Клелия Фабрицио билан бемалол учрашиб юравериши мумкия эди, аммо биропга кимса уларнин.г илгариги муносабатини билгапида эди, ўша одам, сўзсиз маҳбубя ҳаетига қутку солган хавфхатарлар билан бирга қизнинг унга бўлган муҳаббати ҳам ғсйиб бўлибди, дея хулсеа қилган бўларди. Фабрицио одоб қоидалари имкоп берганича, ўқтип-ўқтин Контарипи саройи еиидан ўтиб турарди. Бундап ташқари, у анча овора бўлгапидан сўнг ўша сарсйпгмг иккиичи қавати рўпарасида жойлашган мўъжазгина бир квартирани ижарага олишга ҳам муваффақ бўлди. Бир купи Клелия кўчадан ўтаетган черков маросимини томоша қилиш учуй зҳтиетскзлик билан деразадан бошини чиқариб қаради-ю, бирдан даҳшатга тушиб, ўзини орқага ташлади: у Фабрициони кўриб қолган эди. Қашшоқ ҳунармандга ўхшаб ксп-қора кийим кпйиб олган йигит худди Фарнезе минораси камерасидагидек ойна ўрнига мойли қоғоз тутилган кулбанинг деразасидан унга тикилиб турарди. Фабрицио, генерал Контининг қувғин қилинишида герцогинянинг таъсири бор, дегаи мишмишлар тарқалгани учунгипа Клелия мендан ўзини олиб қочиб юрибди, дея ишонч ҳосил қилишни жуда ҳам истарди-ю, аммо йигит бу бегопасирашнинг асл сабабшш жуда- яхши бғларди ва шу боисдан ҳам унинг дилини қамраб олган маъюсликни хеч пима тарқатиб юбора олмасди.

У ўзииинг оқланишини ҳам, ҳаетидаги биринчи юксак лавозимга тайин этилишини ҳам, киборлар жамиятидаги нуфузини ҳам ва пиҳоят, Нарада еиархиясидаги барча руҳонийлар, барча такЕодорларнипг ўлиб-тиршгаб ялтоқилик қилишларини ҳам ўта лоқайдлик билан қабул қилди.

Фабрицио Сансеверина саройида эгаллаб турган чиройли хопалар эпди унга торлик қилиб қолди. Герцогиня бутун учинчи қазатт;и ва иккйпчи қаватдаги икки ажойиб меҳмопхонани бажопидил унинг ихтибрига тошпирди. Энди бу меҳмоихоналарда муттасил еш коадъюторни зиерат қилгани келган одамлар тўплянЕшиб турарди. Уғ.и архиеиископяинг бўлажак вор'тси сифатида тан олиниши мамлакатда катта таассурот қолдирди; гарчи илгари бу хислати бир вақтлар разил, аҳмоқ ва ювиндихўрларнинг ғазабини қайнатган бўлса-да, энди барча унииг собитқадамлигини кўкларга кўтариб мақтамоқда эди.

Барча бу иззат-икромга бефарқ қараши ва разил коровуллар назоратида заҳарлаб ўлдиришмасмикин, дея жон ҳовучлаб ўтирган Фарнезе минорасидаги ўша тахта каталагйга писбатан бу ерда — ўпта хизматкор оғзидан чиққан гапини бажо келтиришга тайер турган ана шу ҳашамдор хоналарда ўзини бахтсизроқ ҳис этиши Фабрицио учун фалсафа бобида жуда ишончли сабоқ бўлди. Фабрициони нг шухратидан бахра олмо"қ учун Пармага қадам раняшда қилишган онаси билан синглиси, герцогиня В*** уни ғамгин кўриб қаттиқ ҳайратга тушишди. Энди илгариги хаелпарастлигидан асар ҳам қолмаган маркиза дель Донго ниҳоятда ташвишга тушди ва Фарнезе минорасида ўғлимга секин-аста таъсир қиладиган заҳар беришганга ў'хшайди, дегаи қарорга келди. У ўзининг оғир-вазминлигига қарамай, ўғли билан бундай ғамгинликнинг боиси ҳақида гаплашиб қўймоқни ўзига лозим курган эди, Фабрицио унга фақат кўз етллари билая жавоб қайтарди.

Ўзинипг юксак мавқеи билан боғлиқ бўлган кўнлаб имтиезлар унинг фақат энсасини қотирарди. Табиатан ўта худбин одам бўлмиш акаси шуҳратпарастлик юзасидан унга деярли расмий оҳангда езилган табрикнома юборди. Мактубига у эллик минг франклик чек илова қилибди. Чиллаки маркизиинғ. езишича, Фабрицио бу иулга дель Донголар иомига муносиб бўлган отлар билан карета сотиб олиши керак экан. Фабрицио бу нулни унча бадавлат бўлмаган оилага келин бўлиб тушган кичик синглисига жўнатиб юборди.

Граф Москанипг буюртмасига биноан бир вақтлар пармалии архиепископ Фабрицио томонидан лотин тилида чоя этилган Вальсерра дель Донголар наслинипг шажарасипи итальян тилига қойилмацом этиб таржима қилишди. Таржимани енига лотинча текстини ҳам қўшиб, Париж литографияларида жуда чиройли босилган кўҳна гравюралар билан безаган ҳолда шоҳона жилдга солиб нашр этишди. Герцогинянинг талаби билан китобнинг сарсаҳифасида дель Донголар паслидан чиққан биринчи архиепископнинг портрети енида Фабрициони нг ҳам ажойиб портретний босиб чиқаришдй. Таржима Фабрициони нг асарв си фатида чоп этилди. Гўе йигит бу китобни биринчи марта қамалганида бзган эмиш. Бироқ қаҳрамонимизнинг дилида барча туйғулар ҳатто ҳамма одамларга хос бўлган шухратиарастлин ҳам сўниб қолганди: у ўзига нисбат берилган ушбу асариинг бир саҳифасини ҳам ўқишни лозим кўрмади. Ўзининг киборлар жамиятидаги мавқеи тақозосига кўра Фабрицио шоҳо.иа жилдда нашр этилган «Шажара»нинг бир нусхасини шаҳзодага тақдим этди. Шаҳзода эса Фабрициони нг ҳаети даҳшатли хавф ос* тида бўлганшш назарда тутиб, уни тақдирлаш маъносида қаҳ-

рамонимизга ўзининг хосхоналаркга кириб туриш у ижозат берди. Буидай мурувватга лойиқ қўрилган одам одатда «зоти олийлари» дея аталиш ҳуқуқига зга бўларди,

## Йигирма олтинчи боб

Фабрициoнинг қалбини ғарибу нотавонлик туйгуси цисқа муддатга фақат у Контарини саройи рўпарасидаги кулбага кириб, деразадаи ўша саройга тикилиб ўтиргандагина тарк этарди. Едингизда бўлса, ўша саройда Клелия бошиана топган эди. Қаҳрамонимиз кулба деразасидаги мойли қоғоз ўрнига ойна қўйишни буюрган эди. У қалъадан қутулиб чиққанидан буен Клелияни бор-йўғи бир неча мартагина кўрганди ва қизнипг қиефаси бутунлай ўзгариб кетганини кўриб қаттиқ ташвишга тушгаиди. Унинг назарпда, бу ҳол яхшиликдан далолат бермайдигандек эди. Гунох қилганидан буен қизнинг бутун қиефасида ажойиб бир сиполик ва жиддият пайдо бўлганди: уни курган одам еши ўттизларда бўлса керак, деб ўйларди. Фабрицио буидай ажобтовур ўзгариш қандайдир қатъий бир қарорнинг акси экаплигини ҳис этиб турарди. «Ҳар куни, эҳтимол, дақиқа сайин,— дея ўйларди йигит,— у санам қаршисида ичган қасамига содиқ қолига ва энди мени ҳеч қачон кўрмаслик ҳақида ўзига ўзи сўз бераетган бўлса керак».

Фабрицио Клелия тортаетган жафони фақат қисмангина фаҳмлаб турарди; Клелия отаси шаҳзоданинг қаттиқ ғазабига учрагани, у қизиииңг маркиз Крешенци билан тўйига қадар Пармага қайта олмаслиги ва саройда. кўриииши мумкин эмаслигини биларди. Сарой ишларига аралашмасдан ҳает кечиришга эса генерал Копти мутлақо тоқат қила олмасди. Клелия отасига хат езиб, шу никоҳни ўзи истаетганини хабар қилди. Ўша куплари генерал Туринда истиқомат қилаетган бўлиб, қайғусининт зўридан бутунлай етиб қолганди. Шу боисдан ҳам бундай муҳим ва оғир қарор Клелияни ўн ешга қаритиб юборганининг сира ажабланарли жойи йўқ эди.

Циз Фабрициoнинг Контарини саройи рўпарасидаги бинони ижарага олганини тезда билиб қолдию аммо уни бор-йўғи бир мартагина курди: энди у бирор жиҳати билаи Фабрициога ўхшайдиган хар қапдай одамни курган заҳоти дарҳол кузини юмиб оларди. Энди у фақат худога имон келтириш ва санамнинг ердамига умид қилишдангина панох излайдиган бўлиб қолганди. Бахтга қарши, у энди отасига бўлган ҳурматини йўқотиб қўйганди ва бундан қаттиқ изтироб чекарди. Бўлажак ори эса унга арзимас бир кимса, табиати ва х.ис-туйғуларига кўра оддийгина бир сарой аъени бўлиб кўринарди. Ва, ниҳоят, қиз бурчи дийдорини кўрмоқни тақиқлаб қўйган, аммо у қизнинг висолига етмоқни талаб қилишга ҳақли бўлган бир йигитни жонидан ортиқ севарди. Кулфатларнинг бундай омухта. келиши қизга ниҳоятда оғир кўргилик бўлиб туюларди ва тан ол-



„;огимиз керакки, бу ўринда у ҳақ эди. Тўйдан сўпг у бу ердаа жўнаб кетса ва Пармадаи узоқроқ бирор жойда яшаса емоп бўлмасди.

Фабрицио Клелиянинг ниҳоятда пгарм-ҳаели қиз экаилигини яхти биларди ва ўзи биронта телбалик қилиб қўйса-ю, кейин бу иши одамларга маълум бўлиб, кинояли мишмишлар тарқалса, қизнипг қаттиқ изтироб чекишини тушуниб турарди. Лекин ҳасрат чекавериб тоқати тоқ бўлгач, Клелиянинг доим ундан юз ўгираетганига ортиқ чидай олмагани туфайли йигит унинг аммаси, графиня Контарининииг икки хизматкорини пора билан ўзига оғдириб олишга журъат этди: шундан сўнг бир куни кечкурун бадавлат деҳқоига ўхшаб кийиниб олган Фабрицио Контарини саройининг эшиги олдида пайдо бўлди. У

I ерда йигитни ўша икки хизматкордан бири кутиб турган эди. Фабрицио ўзини Туриндан келган одам қилиб кўрсатди ва Клелияга отасидан мактуб келтирганини айтди. Хизматкор уни иккинчи қаватдаги катта қабулхонага бошлаб чиқди-да, ўзи у ҳақида хабар қилмоқ учун ичкари кириб кетди. Фабрицио ўша ерда чорак соат кутиб ўтирди ва эҳтимол, ҳаетидаги энг ташвишли дақиқаларни бощдан кечирди. Агар Клелия унинг кўксидан итарса, бир умрга оромини йўқотиши турган гап эди. «У ҳолда руҳопийлик унвоним билан боғлиқ вазифалардан узил-кесил воз кечишим керак булади,— меи черковни емон руҳопийдаи халос этаман ва бегона одамнинг поми билан биронта монастирга яширинаман». Ниҳоят хизматкор қайтиб келди-да, сииьора Клелия уни қабул қилишга рози эканлигиии айтди. Цахрамонимизнинг бутун матонати бирдан ғойиб бўлди-қўйди; у зинапоядан учинчи қаватга кўтарилар экан, қўрқувдан оецлари майишиб-майишиб кетмоқда эди.

Клелия битта дона шам ениб турган мўъжазгина стол енида ўтирган экан. Деҳқоича кийиниб олганига қарамай у Фабрицони дарҳол таииди-ю, ўзини орқага ташлаб, югурганича қоронғи бурчакка бориб яширинди.

— Менинг имоним ҳақида чеккан ғамхўрлигингиз шу бўлдими ҳали?!— дея хитоб қилди у кафтлари билан юзини яшириб.— Биласиз-ку ахир, отам заҳарланиб ўлай дегани куни мен Биби Марьям олдида сизни ҳеч қачон кўрмаслик ҳақида қасам ичганман. Мен ўша қасамимни фақат бир марта — ҳаетимдаги энг бахтсиз кунда буздим, аммо ўша куни мен инсонпарварлик бурчим юзасидан сизни ўлимдан қутқармоғим керак эди. Виждонимнй азобга қўйиб бўлса-да, гапингизпи эшитишга розилик бсрганим ҳам етар ахир.

Дизнинг сўнгги сузлари Фабрициoни шу қадар ҳайратга солдики,- у фақат бир неча лаҳзадан кейингнна бунинг маъносини тушуниб, ўзида йўқ қувониб кетди: йигит Клелиянинг қаттиқ жаҳли чиқишидан, унипг хонадан қочиб кетигаи мумкинлигидан қўрққан эди. Ниҳоят, у ўзини босиб олди-да, секии энгашиб, ениб турган шамни ўчирди. Гарчи у Клелиянинг иипҳопа ишорасини

яхши тушунгандек бўлса-да, қоронғиликда қиз диван ортига яширинган бурчак томон борар экан, бутун вужуди титраб турарди. Агар у Клелиянинг қўлини ўпса, қиз буни ҳақорат деб тушунмасмикин? Аммо қизнинг ўзи севги иштиеқидан титраб турган экан, унинг ўзи йигитнинг қучоғига отилди.

— Фабрицио! Жонгинам! Шунчалар соғинтирасанми одамни! Сен билан фақат бир дақиқагина гаплашишим мумкин, шунинг ўзи ҳам гуноҳи азим ахир... Биби Марьям олдида сени бошқа кўрмасликка қасам ичганимда сен билан бошқа гаплашмасликни ҳам назарда тутган эдим албатта. Лекин менга айт-чи, сендан ўч олмоқчи бўлган бечора отамни шунчалик бешафқатлик билан таъқиб этмоққа қандай кўнглинг борди? Ахир сенинг қочишингни енгиллаштирмоқ учун унинг ўзини ҳам заҳарлаб ўлдиришларига хиел қолганини унутдингми? Кейии мен тўғримда ҳам бир оз ўйлашииг керак эмасмиди? Мен сени қутқармоқ учун қизлик шаънимга доғ туширишдан ҳам қўрқмадим-ку ахир. Энди бўлса сенинг умрбод қўл-оеғинг боғланиб қолди, сен руҳоиийлик унвонини қабул қилдинг, ҳатто ўша ярамас маркизни қувиб юборишнинг йўлини топганим тақдирда ҳам энди менга уйлана олмайсан. Кейин, кўчадан диний маросим ўтаетган ўша оқшомда, ҳали ҳаммаеқ еп-еруғ бўлган бир пайтда менга қарашга қандай журъат этдипг? Ахир сен бу билан менинг Биби Марьям олдида ичган муқаддас қасамимни қўпол равишда бузишга мажбур қилдинг!

Фабрицио бахтиерлик ва ҳайратдан эси оғиб, қизни маҳкам қучоқлаб турарди.

Уларнинг бир-бирларига айтадиган гаплари шу қадар кўн эдики, бу суҳбат тез орада тугаши мумкин эмасди албатта. Фабрицио Клелиянинг отаси қандай қувғин қилингани ҳақидаги ўзи билган ҳамма ганларни ростгўйлик билан ҳикоя қилиб берди: герцогинянинг бу ишга мутлақо алоқаси йўқ экан, зеро, бунинг жуда асосли бир сабаби бўлиб, хоним Фабрициоии заҳарлаш ҳақидаги фикр генерал Контипинг ўзидан чиқмаганига сира ҳам шубҳа қилмас экан, чунки доим бу режани граф Москани кулатиш пайида юрган Раверси тўдаси ўйлаб топган, дея ҳисоблар экан. Ўзи учун ғоятда муҳим бўлган бу ҳақиқатнинг батафсил далил-исботини эшитгач, Клелия бениҳоя қувониб кетди; у Фабрициопинг яқинларидан биронта ҳам одамга нафрат кўзи билан қарашни истамас, бундан унинг қалби қайғу ҳасратга тўлиб тошарди. Циз энди Фабрициоии герцогинядан рашк қилмай қўйганди.

Севишганларнинг бу кеча топишган бахти бор-йўғи бир неча кунгина давом этди.

Туриндан меҳрибон дон Чезаре етиб келди. Бениҳоя софдил бу одам самимият қудратига таяниб, герцогинянинг ҳузурига киришга журъат этди. У хоиимдаи ҳозир ўзи икрор бўлиб айтадиган гаплардап емон ниятда фойдаланмаслик ҳақида сўз олдида, унга бўлиб ўтган бутуп воқеани ҳикоя қилиб борди: акаси ор-помус ҳақидаги сохта тушунчадан кўзи кўр бўлиб, Фабрицио қалъадан қочиши билан мени ҳақорат қилди ва жамиятнинг кўзида шаънимга доғ туширди, дегаи хаелда ундан ўч олмоқчи бўли б ди.

У икки дақиқа ҳам гапиришга улгурмай хонимни ўзига бутунлай ром қилиб олди: герцогиня саройда кўзи кўриб ўрганмаган бундай софдиллик ва олижанобликдан жуда таъсирланиб кетгаиди. Дон Чезаре унга бир янгилик тарзида еқиб қолганди.

— Жиянингиз билан маркиз Крешенцининг тўиини тезлаштиринг, мен бўлсам генерални гўе у саеҳатдан қайтиб келган одамдек кутиб олишлари учун қўлимдан келган ҳамма ишпи қиламап, дея ваъда бераман. Упи хонадонимга тушки зиефатга таклиф этамаи. Хўш, хурсандмисиз энди? Аввалига уни, турган гап, бирмунча совуқ қарши олишади. Генералга айтинг, комендантлик лавозимига қайта тиклашларини илтимос қилишга шошилмасин. Лекин ўзингиз биласиз, мен маркизни ўз дўстим деб биламан, шу боис унинг қайнотасига нисбатан дилимда кек сақламайман.

Герцогинянинг шундай ваъдасини олгач, дон Чезаре яшянинингнинг олдига борди ва қайғунинг зўридан касал бўлиб қолган отасининг ҳает-мамоти унинг қўлида эканлигини айтди. Зеро, отаси бир неча ойдан буен сарой доираларига кириш ҳуқуқидап маҳрум бўлиб қолганди.

Клелия отасини кургани борди; генерал Парма саройи ишини судга топширмоқ учун Турин маъмурларидан уни тутиб бермоқии талаб қиляпти, деган хаелда бегопа одампинг номи билан Турин яқинидаги бир қишлоққа яшириииган экан. Клелия унинг чиндан ҳам касал экани ва ақлдаи озай деб қолганини курди. Қиз ўша куниеқ бир умрга видолашиб, Фабрициога хат езди. Ўша мактубни олгач, аста-секин табиати маъшуқасиникига ўхшаб бораетган Фабрицио Пармадан ўн льеча наридаги ТОР оралиғида жойлашган хилват Велейя монастрига жўнади. Клелия ўн саҳифадан иборат хат езганди; бир куни у Фабрицио олдида унинг ризолигисиз маркиз Крешенцига турмушга чиқмаслик ҳақида қасам ичган эди ва энди севгилисидан ана шу никоҳга ижозат сўрамоқда эди. Велейя хилватгоҳидан туриб Фабрицио жавобан унга мусаффо дўстлик туйғуларига тўлиб-тошган мактуб йўллади ва унинг турмушга чиқишига рози эканлигини хабар қилди.

Шуни тан олмоғимиз керакки, унипг дўстона мактубиии ўқиб, Клелиянинг ниҳоятда жаҳли чиқиб кетди ва шундай я«авобдан сўнг унинг ўзи тўй кунини белгилаб берди; маркизнинг никоҳдан ўтиши билан боғлиқ тантаналар ўша қиш мавсумида ўз дабдабаси билан барчани лол қолдираетган Парма саройининг шукуҳини янада кўтариб юборди.

Ранунцо-Эрнесто V ни саховатли ҳукмдор деб бўлмасди; аммо у ошиғу бокарор бўлиб қолганди ва герцогиняни ўз саройига ром қилиб олмоқ орзусида юрарди. Шу боисдан у маликанинг их-

тиерига туй маросимини ташкил этиш учун каттагипа маблағни топширди. Статс-мулозима бюджетга қўшилган бу устама маблағни жуда ўрнига қўйиб сарфлади: ўша қиш кези Пармада ўтказилаетган тантанали маросимлар Италиянинг вице-қироли, ўз саховати билан мамлакатда яхши хотира қолдирган илтифоткор шаҳзода Евгений пайтидаги Милан саройининг шод-хуррам кунларини эслатарди.

Коадъюторлик вазифалари Фабршгиони Пармага қайтмоққа мажбур қилди, аммо шунда ҳам у тақво ақоидларини баҳона қилиб, худди таркидуне дарвишдек монсиньор Ландриани архиепископ саройидан ажратиб берган торгина бўлмалардан чиқмай ўтирарди. Йигит у ерда фақат биргина хизматкор билан қамалиб олганди. Уни дабдабали сарой зиефатларида бирон марта ҳам кўришмаган эди, шу боисдан ҳам у Пармада ва ўзинипг бутун бўлажак епархиясида авлие одам дея ном чиқарди. Унинг фақат дилини чексиз ҳасрату падомат қоплагани туфайлигина бундай зоҳидона ҳает йечириши асло кутилмаган натижага олиб келди: Фабрициони доим яхши кўриб келган ва чиндап ҳам уни ўзига ворис деб билгап хуштабиат архиепископ Ландриани йигитга бир оз ҳасад қила бошлади. Архиепископ бутун Италияда ҳукм сурган таомилга кўра, асосли равишда барча сарой таптапаларида қатнашмоқни ўз бурчи деб ҳисобларди.

Цария бу тантаналарга собордаги диний маросимлар найти, киядиган либослардан жуда кам фарқ қиладиган башанг кийимларини кийиб келарди. Саройга кираверишдаги колоинали залда уймалашувчи юзлаб хизматкорлар ҳар гал епископни кўришган заҳоти ўрниларидан туриб, унинг фотиҳасини олгани енига келишарди. Монсиньор ҳам ҳар гал уларга фотиҳа бермоқ учуй илтифот билан тўхтагувчи эди. Лекин бир купи* у ана шундай дақиқада тантанали сукунати ичра аллакимнинг:

— Архиепископимиз балларда ялло қилиб юрибдилар, монсиньор дель Донго бўлса риезат чекиб, хонасидан чиқмай ўтирибди,— деган гапини эшитиб қолди.

Шу лаҳзадан эътиборан архиепископ саройида Фабрициога писбатан намойиш этиладиган чексиз мурувват барҳам топди, аммо энди Фабрициონинг ўзи ҳам анча илдиз отиб, қанот езиб қолгап эди. Унинг Клелия турмушга чикқанидан буен дилини қоплаган ҳасрату надомат туфайлигина ўзини бупдай зоҳидона тутишини одамлар камсуқум руҳонийнинг юксак тақвоси дея ўйлашар, художўй риекорлар эса унинг чексиз шуҳратпараетлик билан йўғрилган «Шажара» таржимасини ибратли китоб сифатида мутоала қилишарди. Саҳҳофлар унинг портретний литография йўли билан босиб чиқаришган эди, нортретлар бир неча кунда сотилиб кетди. Уларни асосан оддий халқ харид қилганди; наққош билимсизлик қилиб, Фабрициониңг портрети чамбарагига коадъюторларнинг эмас, фақат архиепископларнинг суратига ишлатиладиган баъзи нақшларни жойлаштириб қўйибди. Архиепископ ана шу иортретлардан бирини кўриб қолди-ю, бениҳоя ғазабга минди; қария Фабрициони ҳузурига ча ча, унга қаттиқ тапбеҳ бердк па жаҳл устида бир неча купол сўзларпи ҳам айтиб юборди. Фабрицио, турган гап, шундай наапятга тушган Фепелонга ўхшаб чурқ этмай тураверди. У архиепископнипг гаиларини иложи борича эҳтиром ва тавозе билан тинглади, ниҳоят, кекса прелат жимиб қолгач, ҳали ўзи бкринчи марта қамоқда ўтирган пайтпда «Шажара»нннг граф Моска буюри.-аси билан таржима қшшпиши тарихцни сўзлаб берди. Ушбу «Шажара» дуневий мақсадларда чоп этилганмишким, буни у руҳоний одам учун ниҳоятда иоматлуб ҳол дея ҳисобlармиш. Портрет масаласига келганда эса, унинг биринчи кашрига ҳам, иккинчи нашрига ҳам Фабрициониш хеч қандай алоқаси йўқ экан: саҳҳоф унинг архиепископ саройидаги елғизлик оромини бузиб, йигитга иккинчи нагардан йигирма тўрт пусха совға қидганида Фабрицио хизматкорига йигирма бешинчи нусхани харид қилиб келишни 'буюрибди. Шу зайлда у портретларниииг ўттиз судан сотилаетганини билиб олибди ва ўзига совға қилингап йигирма тўрт нусҳа учун саҳҳофнинг дўконпга бориб, юз франк тўлашни буюрибди.

Дилини мутлақо богақа ташвпшлар кемираетан одамларга хос лоқайдлик билап айтилгап барча бу далилу исботлар епископнипг баттар ғазабиии қаГшатиб юборди ва у Фабрициони риекор дея атади.

«Авом авомлигича қолади,— дея хаелидан ўтказди Фабрицио,—- ҳатто ақли заковати бўлган тақднрда ҳам аслига тортади».

Шу кунларда уни бошқа, анча жиддийроқ бир гап ташвишга солиб қўйганди. Герцогиня упга мактуб кетидан мактуб йўллар ва жияпидан Сансеверипа саройидаги илгариги хоналарига қайтишни еки лоақал баъзи-баъзида уни кургани келиб туришии талаб қиларди. Аммо Фабрицо у ерда, шубҳасиз, маркиз Крешенцинииг тўй тантаналари ҳақидаги ҳикояларни эшитажагини биларди ва бу гапларни тингламоққа бардоши етмай, дилидаги ҳасратини сездириб қўйишдан чўчирди.

Никоҳ маросими бўлиб ўтгач, Фабрицио хизматкори ҳамда ўзи мулоқатда бўлиб турадиган архиепископ мулозимларига бир оғиз сўз билан ҳам мурожаат этишни тақиқлаб, бутун бир ҳафта сукут сақлашга аҳд қилди.

Ўз викарийсининг бу янги *цилиғидац* хабар топгап архиепископ уни ҳузурига илгаригидан кўпроқ чақирадигап ва у билан узоқ-узоқ суҳбат қурадиган бўлиб қолди. Қария ҳатто уни қабул еоатларида, архиепископ бизнииг нмтиезларимизни чеклаб қўйяпти, дея шикоят қилиб келган баъзи қишлоқ канониклариңинг арзномаларини кўриб чиқишга ҳам мажбур қилди. Фабрицио барча бу ишларга мутлақо эътиборсиз қарарди, зеро унинг хаели бутунлай бошқа фикрлар билан банд эди. «Ундан кўра таркидуне қилганим маъқул эди,— дея ўйларди у,— Вслейя қоялари орасида, эҳтимол, камроқ изтироб чекаомидим».

У аммасини кургани борди ва у билан қучоқлашиб кўришар экан, кўз ешларипи тийиб туролмади. Герцогиня унга бпр қаради-ю, ўзи ҳам йиғлаб юборди,— Фабрицио жуда озиб кетганди. Упинг ориқ юзида қуруқ кўзлари қолганди ва эгнидаги қишлоқи руҳонийлар киядиган эски жуббада аяичли ва бахтсиз кўринарди: аммо бир дақиқадаи сўнг еш ва чнройли бу йигит Клелиянинг турмугага чиққани туфайли шу аҳволга туштанпни эслаб, хонимнинг зардаси қайнаб кетди. Упинг ғазаби архиспископнинг жаҳолатга минишидан деярли қолишмас эди-ю, аммо у дилидаги бу туйгусини яширмоқнинг уддасидан чиқди. Лекии шунга қарамай, у шафқатсизлик қилди ва йигитга маркпз Крешенци уюштирган тўй тантапалари ҳақида тафсилотлари билан узоқ ҳикоя қилди. Фабрицио унинг ҳикоясини индамай типглаб ўтирди-ю, фақат кузлари алланечук қисилиб, гарчи иисоп зотинипг ранги бундан ортиқ оқаришиии тасаввур қилиб бўлмаса-да, докадек оқариб кетди. Дилидаги чексиз дарду аламиинг зўридан унинг юзи қандайдир заъфарон тусга кирди.

Кутилмаганда граф Моска келиб қолди. Граф кишининг ақля бовар қилмайдигап бу манзарани кўргач, ҳамон Фабрициога нисбатан дилида ҳис этиб юрадигап рашк туйғусидан бир умрга қутулди-қўйди. У ўзига хос ақл ва андиша билан бошқа мавзуран гап очиб, Фабрициопинг дилида хиел бўлса-да дуневийликка қизиқиш уйғотмоқчи бўлди. Граф доим бу йигитни ҳурмат қилиб келганди ва ҳатто унга дўстона меҳр қўйганди. Энди ўртадаги рашк тунгуси халал бермай қўйгач, бу меҳр самимий тус олди. «Ҳозирги ажойиб мавқеи унга жуда қимматга туштанга ўхшайди»,— дея ўйларди граф Фабрициониит бошига тушгап барча кулфатларни эслар экан. Шундан сўнг министр, гўе йигитга шаҳзода герцогиняга туҳфа этган Пармиджанинопи карти-* насини кўрсатмоқчи бўлгандек, уни бир четга бошлаб борди.

— Менга қаранг, дўстгинам,— деди у,— келиит, бир эркакчасига гаплагаиб олайлик. Сизга бирор ердамим керак эмасми? Кўрқмапг, сиздап ҳеч нима ҳақида сўраб-суриштирмаймап. Лекин, эҳтимол, сизга пул керакдир еки менцнг нуфузимга муҳ-« тождирсиз? Бир оғиз айтсангиз бас,— ҳар қандай илтимосингизпи бажо келтираман. М або до дилингиздаги гапларни езма равишда баен қилишни истасангиз, бемалол, тортинмай езиб беравеРинг.

Фабрицио унинг юзидап ўпди-да, Пармиджанинонипг картииаси ҳақида гап очди.

— Сизнинг тутган йўлингизни,— деди граф киборларга хос мулойим овоз билан гапирар экан,— энг нозик сиесатииng тугая намунаси деса бўлади. Келажагингиз порлоқ бўладиган кўриииади. Шаҳзода сизни ҳурмат қилади, халқ сизни эъзозлайди, иепископ Лапдриани эса эгнингиздаги қора жуббангиз туфай-- аи тунлари ухламай чиқади. Сиесат бобида менинг бир оз тажрибам бор, лекин, худо ҳақи, сизга бундан афзалроқ биронта йўл кўрсата олмагап бўлардим. Йигирма беш ешингизда, киборлар



жамиятидаги илк қадамингизданоқ сиз деярли камолотга ериш-дипгиз. Саройда сиз тўғрингизда и?уда кўп гапиришяпти, сизнинг ешингиздаги ҳали биронта ҳам одам бундай шарафга муяссар бўлган эмас. Сизга нима шундай муваффақият келтирганини биласизми? Эгнингиздаги ана шу эски жуббангиз. Ўзипгизга маълум, герцогиня икковимиз По соҳилидаги хушманзара тепаликда, ўрмон орасида ядийлашган ва бир вақтлар Петраркага тегишли бўлган қадимги уйга эга бўлиб қолдик. Мабодо бир куп келиб, атрофингизда манфур ҳасадгўйларнинг фитналарини кўраверив чарчасангиз, Петраркага ворислик қилсангиз қандай бўларкии. Унинг шуҳрати сизнинг ҳам шуҳратингизни оширган бўларди.

Граф бу еш дарвишнинг кўнглини кўтараман деб роса овора . бўлди-ю, аммо бухшпг уддасидан чиқолмади. Фабрициопинг бундай ўзгариб қолгани яна шуниси билан кишини ҳайратга солардики, яқин-яқинда ҳам унинг ҳуснини бутунлай бошқа бир нуқсоп бузиб тургувчи эди: илгарилари у баъзан жуда ўринсиз ҳиссиетга берилиб кетарди.

Хайрлаша туриб граф Фабрициога агар ўзининг зоҳидоиа яшашига қарамай, келаси шапба куни саройда кўриниш бермаса, бу ортикча ўжарлик бўлиб кўриниши мумкинлиги, зеро ўша куни маликанинг таваллуд топган куни нишонланажаги ҳақида айтиб қўймоқни лозим топди. Бу сўзлар Фабрициониит юрагига хапжар япглиг санчилди. «Е раббим,— дея хаелидан ўтказди у,— нега ҳам келдим ўзи бу ерга!» У саройда юз бериши мумкин бўлган учрашув ҳақида ўйлаганининг ўзидаеқ юраги орқасига тортиб кетди. Бу фикр бир зумда унинг онгидап барча бўлак хаелларни сиқиб чиқарди. Ниҳоят, у мушкул аҳволдан қутулишнинг ягона йўли — бу саройга ҳаммадан олдин, катта эшиклар очилгаи заҳоти кириб боришдир, деган қарорга келди.

ˣ1индан ҳам тантанали қабул маросимида монсиньор дель Донгонинг ташрифи ҳақида биринчилар қатори хабар қилишди; малика уни ниҳоятда илтифот билап кутиб олди. Фабрицио ўқтин-ўқтин соатга қараб қўярди. Соатнинг мили унинг ташриф буюрганига йигирма минут бўлганини кўрсатганида, у чиқиб кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Лекин бирдан залга шаҳзода кириб келди. Фабрицио уни эҳтиром билан табриклади-да, астагина юриб бир печа дақиқадан сўнг чиқаверишдаги эшик енига етиб олди. Аммо шу пайт унинг бахтига қарши, саройда катта статс-мулозима жуда моҳирлик билан уюштира биладиган ғалати бир воқеа содир бўлди: навбатчи камергер Фабрициога етиб олди-да, йигитга унинг қарта ўйинида шаҳзоданинг шерикларидан бири этиб тайинланганини хабар қилди. Пармада бундай илтифот коадъютор унвонига сира ҳам тўғри келмайдиган жуда катта обрў-эътибор ҳисобланарди. Шаҳзода билан вист ўйнаш ҳатто архиепископ учун ҳам улкан бахт'эди. Камергернинг сўзларини эшитиб, Фабрициопинг юраги орқасига тортиб кетди. Бир кўнгли у, гарчи жамоат олдида гапиришни б^ениҳоя емон кўрса-да, бориб, бирдан лоҳас бўлиб қолганини баҳона қилмоқчи ва шу боисдан ўйнай

олмаслигини айтмокчи ҳам бўлди. Аммо шундан сўяг одамларнипг ундан ҳол-аҳвол сўрашлари, ҳамдардлик билдиришларини ўйлади-ю, бу фикридан қайтди, зеро уиинг учун бу саволларга жавоб бериш вист ўйнашдан ҳам оғиррок эди. Ўша куни ҳар қандай суҳбат унга кони азобдек кўринарди.

Унинг бахтига, маликани табриклагани келган муҳтарам зотлар орасида миноритлар жамоасипинг нозири ҳам бор экан. Фонтана ва Дювуазен* ларпинг муносиб рақиби бўлмиш ўша аллома роҳиб залнинг нариги чеккасида турган эди; Фабрицио нозирнинг енига борди-да эшикка орқа ўгирганича у билан улуҳият тўғрисида суҳбатлаша бошлади. Лекин бари бир бу суҳбат унинг маркиз Крешенци рафиқаси билан келгани ҳақидаги ахборотни эшитмоғига халал бермади. Фабрициоиинг ўзи ҳам кутмаган ҳолда қаттиқ жаҳли чиқиб кетди:

«Агар Борсо Вальсерра бўлганимда (у одам биринчи Сфорцапинг лашкарбошиларидан бўлганди) жаннатий бўлган куним Клелия менга берган ва сопи фил суягидан ясалган ўша хаижар билан анави бесўнақай маркизни чавақлаб ташлаган бўлардим. Баттар бўлсин, нега мен бор жойга маркизасини бошлаб нелади!»

Унинг башараси гау қадар ўзгариб кетдики, миноритлар нозири ташвишга тушиб сўради:

— Мазангиз қочдими, ҳазрати бузрук?

— Вошим қаттиқ оғрияпти... Чироқларнипг кучли гауъласидап оғриқ зўрайиб кетди... Аммо кета олмайман, зеро, мени қарта ўйини учун шаҳзодага шерик этиб тайинлашгап.

Бундай обрў-эътибор асли келиб чиқиши буржуалардан бўлган миноритлар нозирини шу қадар эсанкиратиб қўйдики, бечора роҳиб нима дейишини билмай Фабрициога кетма-кет таъзим қила бошлади. Мутлақо бошқа туйғулардан ҳаяжонга тушган қаҳрамоиимиз эса бирдан жуда сергап бўлиб қолди. У залга теран сукунат тушганиии сезди-ю, аммо орқасига ўгирилишга ботинмай тураверди; шу пайт кимдир камончани пюпитрга урдида, ритурнелнинг майин садолари эшитилди ва донғи чиққан хонанда, синьора П. Чимарозанинг бир вақтлар жуда машҳур бўлган «С^игИе рирШе 1епеге»[1] — дея аталмиш ариясини куйлай -бошлади.

Биринчи тактлар жаранглаеттан пайти Фабрицио ҳали тоқат қилиб турди-ю, аммо тез орада унинг ғазабидаи асар ҳам қолмади. Йигит ҳозир йиғлаб юборишини ҳис этди. «Е раббим! — дея ўйларди у.— Роса аҳмоқона манзара бўлади-да ўзиям! Бунинг устига, эгнимдаги манави жуббани айтмайсизми!» Бу аҳволдан қутулиш учун у миноритлар нозирига ўз соғлиги ҳақида гапира бошлади.

— Бошим баъзан шунақа қаттиқ огриб қолади. Масалан, бугунгига ўхшаб унга бардош бермокчи бўлганимда, охири кўзларимдан еш оқа бошлайди. Сиз билан бизнинг мавқеимизпи пазарда тутганда, бу жуда нокулай ҳол ва турли ғийбатларга сабаб бўлиши мумкин. Илтимос, тақсири олам, мени қутқаринг. Ижозат этинг, фақат сизга қараб турай, сиз бўлсангиз менинг кўз ешларимга сира эътибор берманг.

— Катандзародаги жамоамизнкиг пири бузруги ҳам худди шундай дардга мубтало бўлганлар,— дея гап қотди миноритлар нозири ва паст овоз билан ўша дард тўғрисида узундан-узоқ ҳикоя бошлаб юборди.

Пири бузрукнинг кечки таомларни қандай тановул қилиши ҳақидаги кулгили тафсилотларга тўла бу аломат ҳикояии типглар экан, Фабрицио чеҳрасида анчадап буен биринчи марта табассум найдо бўлди-ю, аммо тез орада у миноритлар нозирининг гапларига кулоқ солмай қўйди. Синьора П. Перголезе* ариясини берилиб ижро этмоқда эди (малика қадимги композиторларнивг музикасини яхши кўрарди). Шу пайт Фабрициодан уч қадам парида аста такиллаган овоз эшитилди; йигит бутун кеча давомида биринчи бор орқасига ўгирилиб қаради-ю, ҳозиргина паркет устида суриб қўйиишган креслода маркиза Крешенци ўтирганини курди. Маркизанинг жиққа еш тўла кўзлари Фабрициoнинг кўзлари билан тўқнашди, йигитнинг кўзларида еш милтирарди. Маркиза бошини қуйи эгди; Фабрицио, гўе бриллиантлар билап безатилган бу бошни биринчи марта кўраетгаидек, унга пича тикилиб турди. Шу тобда унинг кўзларида ғазаб ва нафрат акс этмоқда эди. Сўнгра у хаелап «Аммо меиинг кўзларим сени бошқа кўрмагай» дея такрорларди-да, ҳазрат нозир томон ўгирилиб деди:

— Ҳали хеч қачон бошим бу қадар зирқираб оғримаган эди!

Чиндан ҳам у ярим соатдан кўпроқ вақт кўзидан дув-дув еш тўкиб турди. Хайрият, бир маҳал Моцартнинг симфониясини чала бошлашди ва одатда Италияда бўлиб турадигандек, уни шу қадар бузиб ижро этишдики, бу ҳол Фабрициoнинг кўз ешларини тийиб олишига ердам берди.

Энди у ўзини босиб олди ва маркиза Крешенцига бошқа қарамай тураверди. Аммо яна синьора П. куйлай бошлади-ю, кўз енш тўкиб. юрагини бўшатиб олгап Фабрициoнинг қалбида қандайдир буюк бир осойвднталик қарор топди. Ҳает унинг кўзида янгича бўеқларда жилваланди. «Уни шунчалик тезда ва бутунлай уиугиб юбораман деб бунча катта кетмасам?— дея ўйларди у.— Наҳот бунинг идожи бўлса?» Сўнгра у хаелидан шундай гапларни ўтказди: «Икки ойдан буеп мен чекмаган жабр-жафо қолдими ўзи? Ҳамонки буидан ортиқ жафо чекиш мумкин эмас экап, нега энди уни куриш бахтидан ўзимни маҳрум қилайин? Майли. у ўз қасамларини укутди, бевафолик қилди,—- нимаям дер дим, аелларнинг ҳаммаси шуиақа бўлади ўзи. Аммо унинг ажиб гўзаллигини унутиб б; =и? Шаҳло кўзларини айтмайсизми? Уларнинг бир қарашидаеқ бутун вужудим завққа тўлади, ҳусни эл оғзида достон бўлган ўзга ҳуру пайкарларпинг гўзаллиги кўз ўнгимда ҳеч нима бўлмай қолади ва мен ҳатто уларга қа-

[1] «Бу нозик-ниҳол халфалар!» *(Итал.)*

рашни ҳам истамайман! Хўш, пега энди унга мафтун бўлмаслигим керак экан? Лоақал днлим бир дақиқа ором топади-ку».

Фабрицио бир оз одам танийдигап бўлиб қолганди-ю, аммо эҳтирослар бобида мутлақо тажрибасиз эди, акс ҳолда, у бир дақиқали қувонч васвасасига берилиши туфайли Клелияни унутиш йўлидаги икки ойлик уринишини йўққа чиқаражагини тушунган бўларди.

Боякига маркиза бугунги қабул маросимига фақат эрининг талаби билаигипа келганди; ярим соатдан кейинок у мазаси қочганпни баҳона қилиб, уйига жўнамоқчи бўлди-ю, аммо маркиз подъезд олдига эндигина экипажлар келиб турган бир пайтда жўнаш учун карета чақириш бориб турган одобсизлик бўлади, дся эътироз билдирди. Бу сарой таомилларини бузишгипа эмас, балки малика шарафига ташкил этилган бу байрамни маъқулламаслик аломати ҳам бўлиб кўриниши мумкин эмиш.

— Катта камергерлик вазифамга кўра,— дея қўшимча қилди маркиз,—- барча мсҳмонлар тарқалиб кетгунига қадар мен залда бўлмоғим ва маликапинг буйруқларини бажармоғим керак. Эҳтимол, хизматкорларга турли кўрсатмалар бериншмга тўғря келар, ахир улар жуда палапартиш иш қилишади. Хўш, сизга қолса мсшшг ўрнимга маликанинг оддий шталмейстери берсинми ўша кўрсатмаларни?

Клелия индамай қўя қолди; у Фабрициоии ҳали кўриб улгурмаганди ва ҳамон упииг ушбу тантапага келмаслигига умид қилардп. Л.ммо концерт бошланишидан сал олдин, малика хопимларга ўтириш учун рухсат берганида, бундай ишларда уқувсиз Клелия Ячой танлагунига қадар маликанинг яқинидаги ҳамма яхша жойларни бошқа аеллар эгаллаб олишди-ю, маркиза залпинг Фабрицио яширинган узоқ бурчагига бориб ўтиришга мажбур бўлди. Хоним кресло енига келганида эгни боши бундай жойда ғалати кўринадиган миноритлар нозири унинг диққатини ўзига тортди; у аввал нозирнинг суҳбатдоши, оддийгина қора либос кийган баланд бўйли, озғин одамга унча эътибор бермади ҳам; аммо бара Сир қандайдир сирли бир туйғу унинг нигоҳини ўша одамга тортаверди. «Бу ердагиларни бари зарбоф мундирлар кийиб келган. Оддийгина қора жубба кийган бу одам ким бўлди экан?» У..ўша одамга диққат билан тикилди. Лекин шу пайт аллақандай хонимни ўтказиб юбориш учуй креслосини четроққа суришга мажбур бўлди. Фабрицио у томонга ўгирилиб қаради; Клелия уни таниади,— йигит шу қадар ўзгариб кетган эди. Аввалига маркиза: «Бу одам жуда ҳам унга ўхшар экан, эҳтимол акасидир; лекин мен, акаси ундан фақат бир неча еш катта бўлса керак, деб ўйлагандим, бу жаноб бўлса қирқларга бориб қолган кўринади»— дея хаелидан ўтказди. Шу пайт у бирдан Фабрициони лабипинг кимирлашидан таниб қолди.

«Вечора! Кўп азоб чекибди!»— дея ўйлади у ва ичган қасамига содиқликдан ҳам кўра кўпроц дарду ҳасратдан бошини қуйи солди. Таассуф туйгуси унинг қалбини тилка-пора қилмоқда эди, Фабрицио ҳатто қалъадаги камерада тўққиз ой етганидап кейин ҳам бу аҳволга тушмагап эди! Клелия энди у томонга бошқа ўгирилиб қарамади ва унга кўз қирини ташламадп ҳам, аммо у йигитнипг ҳар бир ҳаракатиии яққол кўриб турарди. Хоним концерт тугагач, унинг тахтдан хиел нарида шаҳзода учун қўптшган ва карта ўйналадиган стол енига борганини кўрди-ю, Фабрицонинг узоқлашганидан енгил тортди.

Аммо хотинининг тахтдан анча узоқда, залнинг бир бурчагида ўтиришидап маркиз Крешенцининг нафсонияти озор чекмоқда эди; бутун кеча давомида у маликадан уч кресло нарида ўтирган хонимни, ўзидан қарздор бўлмиш бир одамнинг хотинини, сиз маркиза билан жой алмашишингиз керак, дея қўидиришга у ринди. Вояқиш хоним, турган гап, унинг илтимосига кўнмай ўтирарди. Шундан сўнг маркиз ўша аелнинг эрини қидириб топдию, бечора қарздор хотинини унинг раъйига қарашга мажбур қилди. Маркиз ниҳоят аелни жой алмашишга кўидиргач, хотинининг енига борди.

— Сиз доим ҳаддан ташқари камсуқумлик қиласиз,— деди у хотинига.— Нега энди ерга қараб юрасиз? Сизни, худо кўрсатмасин, бу ерга келиб қолганидан ўзсари ҳам ҳайратга тушадиган ва барча уларга ажабланиб қарайдиган авом аеллардан бири деб ўйлашади-ку ахир. Ҳаммасига анави тентак катта статс-мулозимамиз айбдор! Бу ўшанинг найранглари! Якобинчиликнпнг тарқалишига қарши курашиб кўрипг-чп бунақада! Марҳамат қилиб, эрингиз маликанинг сарой а-ъенлари орасида энг катта мартаба эгаси эканлигини унутманг, мабодо бир кун келиб республикачилар саройни ва ҳатто киборлар н^амиятини йўқ қилиб юборишга муваффақ бўлгап тақдирда ҳам мен бари бир мамлакатдаги энг ба^влат одамлигимча қолаверамап. Пегадир ҳаиузгача шуни тушуна олмайсиз!

Маркиз мамнуният билан хотинини бошлаб келиб ўтқазган кресло шаҳзоданинг карта ўйнайдиган столидан олти қадам нарида жойлашган эди. Клелия Фабрициони фақат ўнг томонидан кўра оларди. Лекин, шунга қарамай, аел ййгитнинг озиб-тўзиб кетганини курди ва энг муҳими, унинг дунедаги барча нарсаларга бефарқ қараетгандек кўрипишини пайқади. Ҳолбуки, у бир вақтлар жуда таъсирчан йигит эди. Шундан сўнг Клелия даҳшатли бир хулосага келди: Фабрицио мутлақо ўзгариб кетибди па уни бутунлай унутиб юборибди, ҳолдан кетишипинг сабаби эса тақво юзасидан қатти.қ рўза тутишида бўлса керак. Унинг бу қайғули хулосасини ен-атрофидаги одамларнннг ивир-шивир гаплари ҳам тасдиқлаб турарди, зеро коадъюторнинг номи ҳамманинг оғзида эди: шундай ешгина йигит була Туриб> шаҳзодага карта ўйинида шерик этиб таклиф қилинса-я! Хўш, нима сабабдан унга бундай юксак илтифо¥ кўрсатиляпти? Унинг, гарчи одоб сақласа-да, ҳатто шаҳзоданинг картасини босаетганида ҳам ўзини ўта бенарво ва кибр-ҳаволи тутншидан ҳамма ҳайратга тушмоқда эди.

— Йўқ, ақл бовар қилмайди буни!— дея хитоб қилишардя кекса сарой аъенлари.— Аммагинаси ҳукмдорнинг назарига тушгани учун у кишим ҳеч кимни менсимай қўйибдилар. Худо хоҳласа, бу ҳол узоқ давом этмайди, ҳукмдоримиз унинг олдида ғўдайган одамларни емон кўради.

Герцогиня карта столи енига борди. Анча парида турган сарой аъенлари уларнинг гапларини яхши эшита олмадилару лекин Фабрициолинг бирдан қизариб кетганини кўришди.

— Афтидан, аммагинаси, кўп ҳам димоғингнн кўтараверма, деб койиган бўлса керак,— дея қарор қилишди удар.

Аслида эса Фабрицио Клелиянинг овозини эшитнб қолгапди; у зални айланиб юриб, ўз камергерининг хотииига икки оғиз гай айтишни лозим курган маликага алланима деб жавоб бермоқда эди.

Вист ўйинида шериклар жой алмашадиган пайт келди-ю, Фабрицио Клелиянинг рўпарасига ўтириб қолди; у бир неча бор ,Клелияга кўзларида эхтирос билан тикилиб қўйди. Вечора маркиза унинг қараетганини сезиб, бутунлай саросимага тушди. У ичган қасамини ҳам унутди-да, йигитнинг қалбида нелар кечаетгагшии фаҳмлашга уринганича ўқтин-ўқтин кузини ердаи узиб, унга қарай бошлади.

Ниҳоят, шаҳзода ўйинни тугатди, хонимлар ўрниларидан туришди ва ҳамма дастурхон тузалган қўшни залга йўл олди. Шу пайт хиел парокандалик содир бўлдию Фабрицио Клелиянинг иқинига келиб қолди. Унинг қалби ҳамон маҳбубасини унутмоқ учун сабот-матонатга тўла эди, аммо бирдан димоғига маркизаиинг позик атри ҳиди урилдию дилидаги барча нажотбахш ниятяари барбод бўлди-қўйди. У Клелиянинг шундоқ енгинасига борди-да, гўе ўзига ўзи гапираетгандек қилиб, Петрарка сопетидан бир вақтлар Лаго-Мажоредан унга юборган шоҳи рўмолчага босилган икки мисраснни айтди: «Нақадар бахтли эдим авом мени бадбахт дея ҳисоблаган кезлари, энди бўлса қисматимни ўзгартирди бу фалак!»

«Йўқ, у мени сира ҳам унутмабди!— қалби завққа тўлиб ўйлади Клелия.— Бундай ажойиб қалбда бевафолик бўлиши мумкин эмас».

Аммо мендан сиз хибнат кўрмагайсиз ҳеч
Шаҳло кўзлар — муҳаббатпипг мураббийлари,

Клелия дилида Петрарканинг ана шу икки мисрасиии такрорлашга журъат этди.

Малика зиефат тугаган заҳоти зални тарк этди; шаҳзода уни х^затиб чивди-ю, бошқа қамтиб кирмади. Унинг қайтиб келмаслиl^ аец бўлган заҳоти меҳмоилар уй-уйларига тарқала бошлашди. Олдинги хоналар ғала-ғовур бўлиб кетди. Клелия Фабрицонинг енига бориб қолди; йигитнинг чеҳрасида акс этиб турган чексиз ҳасрат ифсдаеини кўриб, унинг Фабрициога раҳми келиб кетди.

— Ўтмишни унутайлик,— деди у,— мапавиии *дўстлигимиз* хотираси сифатида олиб қўйинг.

У шундай дея елпиғичини астагина йигитнинг қўли етадиган жойга қўйди.

Фабрицонинг кўз ўнгида бутун жаҳон бирдан сришиб кетгандек туюлди, у бир лаҳзада бутунлай бошқа одамга айландиқўйди; у эртаси куниеқ, етар шунча узлатга чекиниб яшаганим, дея эълон қилди-да, Сансеверина саройидаги ажойиб хоналарига қайтди. Архиепископ, шаҳзода карта ўйинига таклиф қилиб, кўрсатган илтифотидан бу чиллаки авлие бутунлай эсанкираб қолибди, дея ўйлади ва бу гапни бошқаларга ҳам айтди; герцогиня эса Фабрицонинг Клелия билан ярашиб олгапини фаҳмлади. Бу фикр ўзининг шаҳзодага берган машъум ваъдаси билан омухта бўлиб, унга қаттиқ азоб бера бошладики, шундан сўнг герцогиня бу ердан жўнао кетишга қатъиян аҳд қилди. Ушбу тентаклик ҳақида эшитиб ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Бу қанақаси?! Унга очиқдаи-очиқ чексиз илтифотлар кўрсатишса-ю, у бўлса саройни тарк этаман деса!

Фабрицио билан герцогиня орасида ишқий можаро йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўпг, ўзини бениҳоя бахтиер ҳис этиб юрган граф маъшуқасига шундай деди:

— Янги ҳукмдоримизни эзгу саховатнинг тимсоли деса бўлади, аммо мен уни *болакай* деб атаганман. Бу гапим учун у мени кечирармикин? Назаримда у билан чинакамига ярашмоқнинг биттагина йўли бор: биз ажралиб кетмогимиз лозим. Мен у билан ҳурмат-иззатии жойига қўйиб гаплашамап-да, сўнгра соғлиғимнинг мазаси қочганини баҳона қилиб, истсъфога чиқаман. Модомики Фабрицио энди мартабага эришиб олган экан, ўйлайманки, сиз менинг шундай қилишимга ижозат берасиз албатта. Лекий герцогинядек юксак унвонни қурбон қилиб, уни пастроқ графинялик унвони билан алмаштиришга рози бўлармикинсиз?-^ дея сўради у кулиб.— Эрмак учун мен ишларни ниҳоятда тартибсйз бир аҳволда қолдираман. Менинг турли министрликларда беш-олтита ишбилармон, меҳнаткаш амалдорларим бор эди; икйи ой илгари мен уларни француз газеталарини ўқигаплари ўчун пенсияга чиқариб юбордим ва ўрйиларига гирт аҳмоқ одамларни ўтқазиб қўйдим. Биз жўнаб кетганимиздан сўнг шаҳзода, турган гай, ночор аҳволга тушиб қолади ва Рассининг аблаҳлиги уни қаичалик даҳшатга солмасин, поилож ўша муртадпи қайта чақириб олишга мажбур бўлади. Хуллас, менинг тақдиримни ҳал қиладиган мустабид чурқ этиб огиз очиши биланоқ ошнамиз Рассига таъсирли, дўстона хат езаман ва унинг тез орада ҳамда мутлақо ҳақли равишда юксалажагига умид қилмоқ учун менда тўла асос борлигини хабар қиламап.

## Йигир?ла еттинчи боб

Бу жиддий суҳбат Фабрицionипг Сансевериаа саройига қайтиб келгаи кунипипг эртасига содир бўлди: герцогиня Фабрицошшг ҳар бир ҳаракатида сезилиб турган қувончнга токат қилолмай қолгапди.— «Демак,— дея ўйлаганди у,— ўша риекор хонимча мени алдабди-да! У хушторинииг ҳужумига уч ой ҳам чидай ол~ мабдиЬ?

Пировардида зафар қучмоғп ҳақидаги ишоич ишқий талаб қўйишда табиатаи журъатсиз навқирон шаҳзодага жасорат багишлаб турарди. Ҳукмдор Сансеверина саройида сафарга отланитастгани тўғрисида хабар топди, аслзода хонимларнинг шарми ҳаесига кам ишопадиган француз камердинери эса унга пукул, ботиррок бўлинг, дея маслаҳат берарди. Эрпесто V шундай бир иш қилднки, унипг бў қилиғини малика ҳам, саройдаги барча мулоҳазали кишилар ҳам қаттиқ қоралашди: оддий халқ эса буни хукмдортшпг герцогиняга кўрсатган юксак илтифоти дея тутукдп. Шахзода такаллуф қилиб ўтирмай, тўғри герцогиняшгаг уйига борди.

— Сиз жўнаб кетяпсизми ҳали?— деди у герцогинянинг қаттиқ жаҳлиии чиқарган бир талабчашшк билан.-— Ҳа, жўнамоқчи бўлибсиз! Мени алдамокчи ва ичган қасамингизни бузмоқчи бўлибспз-да! Ваҳоланки, ўшаида сиз Фабрицио учун ўтиниб сўрагап илтнфотни кўрсатишга ўн минут шошилмаганимда борми, жияшпп нз ҳозир ти рик юрмаган бўларди. Мени бахтсиз қиларга қилиб, энди жўнаб кетмоқчимисиз? Агар ўша қасамингиз бўладаганида сизий шундай севиб қолмоққа ҳеч қачон журъат этмаган бўлардим. Сиз учун қасамнинг сира қадри йўқ экан!

— Ҳаммаси тўғрисида яхшилаб ўйлаб кўринг, онҳазрат. Ҳаетингизда ана шу сўнгги тўрт ойчалик бахтли кечган давр бўлганми ўзи? Сиз умрингиз бино бўлиб, ҳали ҳеч қачон ҳукмдор сифатида шунчалик шуҳрат таратмаган ва умид қиламанки, инсон сифатида шунчалик қувончли дамларни бошдан кечирмагансиз. Сизга бир мўоҳада таклиф қиламан: агар уни қабул қнлмоқни лозим кўрсангиз, сизга қисқа муддатга ва қалбим даҳшатга тушиб турган пайтда оғзимдан чиқиб кетган қасамгагииа кўра ўйнаш бўлмаймап, лекин бунинг эвазига умримнинг ҳар бир дақиқасини вактингизни фараҳли ўтказмоғингиз тадоригини кўрнщга бағишлайман. Ана шу тўрт ой сиз учун иима ишлар қилган бўлсам, ўшаларпи давом эттираман ва эҳтимол, бир кун келиб, дўстлигимиз муҳаббатга айланар. Мен шундай бўлиши мумкин эмас, деб айтолмайман.

— Агар ундай бўлса,— дея хитоб қилди завқ билан шаҳзода,— зиммангизга бошқа, янада юксакроқ вазифани олинг. Меига, менинг давлатимга ҳокимлик қилинг, менинг бош министрим бўлипг. Мен морганатик[1] никоҳдан ўтишни таклиф қиламан. Афеуски, менинг хукмдорлик унвонимнипг бемаъни талаблари фақат шундай никоҳгагииа йўл қўяди. Мисол учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ: Цеаполитания ^ироли яқинда герцогиня Портанага уйланди. Мен ҳам сизга шундай никоҳни таклиф киламан, бундан ортнғипи ваъда қилолмаймап. Ҳозир сизга болакай эмаслнгимни ва бу ишларнинг ҳаммаси ҳақида, ҳатто уларнинг номақбул сибсий оқибатлари тўғрисида ҳам ўйлаб кўргаиимпи исботлаб бераман. Мен сулоламиздаги сўнгги ҳукмдор бўлишга ва ҳали кўзим тириклигидаек букш давлатлар менинг меросимни қандай бўлиб олишларини кўришга ҳам розиман. Аммо бундай қурбонликни рўкач қилиб мақтанмайман, қайтангга бу катта кўнгилсизликларни шарафлайман, зеро, улар сизга бўлган ҳурматим, сизга бўлган чексиз муҳаббатимгщ яна бир бор исботлаб бермоғимга имкон туғдирмокда.

Герцогиня бир дақиқа ҳам иккиланиб ўтирмади, шаҳзоданинг енида у сиқилиб кетар, графни эса еқимли ва дилкаш ҳамроҳ дея ҳисобларди; бутун дунеда у графдан афзал кўриши мумкин бўлган фақат биттагина одам бор эди. Бунинг устига, у графга фар* моибардорлик қилар, шаҳзода эса ўз ҳукмдорлик унвонига кўра озми-кўпми унинг ўзига фармопбардорлик қилпши апиқ эди. Бундан ташқари, у бевафо бўлиб чиқиши ва бironта ўйнаш топиб олиши эҳтимолдан у'зоқ эмасди, орадан бир неча йил ўтгач уларнинг ешларидаги фарқ шаҳзодага шундай ҳуқуқни берган бўларди ҳам.

Келал?акда диққинафаслйк кутаетгани ҳақидаги хулоса масалани бир лаҳзадаек ҳал қилди-қўйди, аммо герцогиня одоб юзасидан бир оз ўйлаб куриш учун шкозат сўради.

Унинг нафис сўзлар, назокатли ишвалар билан ифодаланган рад жавобини тўлалигича баен қилиб берсак, бу ўринда ҳикоямиз жуда чўзилиб кетган бўларди. Шаҳзоданинг дилини ғазаб қоплади. У бахт қуши қўлидан учаетгашши кўриб турарди. Агар герцогиня саройни тарк этса, унда аҳволи не кечади? Муҳаббатни рад этишдан ортикроқ ситам борми бу дунеда?! «Мағлубиятга учраганимни айтиб берсам фраицуз-камердинер нима дейди?»

Аммо герцогиня шаҳзодани тинчитишга в а аста-секин музокараларни мурозасозлик томон буришга муваффақ бўлди.

— Агар сиз, ҳазрати олийлари, саховат кўрсатиб, мени тасо* дифан оғзимдан чиқиб к\тган ўша машъум ваъдамдан озод этсангиз, мен умрбод саройишизии тарк этмаймаи в а уқдаги ха§1 ана шу қиш мавсумидагидек фароғатли кечаверади. Ўша ва*ъ* дамни ўйласам, қалбимни даҳшат қоплаяпти, зеро, уни бажаргувдек бўлсам, ўзимдан ўзим нафратланадиган бўлиб қоламан. Келинг, мен ҳаетимпинг ҳар бир дақиқасини сизшшг ҳукмдор сифатида шуҳратингизни оширишга, инсон сифатида бахтиер қилишга бағишлай. Лекин сиз мени ўша ваъдамни бажаришга мажбур этсангиз, мени бир умрга' *лармандаи-шармисор қилсангиз, мен ўша машъум ҳодиса содир бўлган заҳоти давлатингизни абадулабад

[1] Подшоҳ оиласига мансуб кишшшнг фуқаро қизига уйланиши; бупдай хотин за унинг болалари тахтга меросхўр була олмасдилар. *(Тарж.)*

тарк этаман. Ор-номусим булғанган куни сиз мени охирги марта кўргап бўласиз.

Аммо барча журъатсиз одамлар қатори шаҳзода ҳам ўзига яраша ўЖар эди. Унинг ҳукмдорлик ва эркаклик ғурури эса никоҳига ўтишдан бош тортганлари туфайли қаттиқ азият чеккапди,— ахир у юксак доираларда бу никоҳни тан олмоқлари йўлида дуч келиши мумкип бўлган барча қийинчиликларни олдипдан ўйлаб қўйган ва уларпи енгиб ўтишга қатъиян аҳд қилганди.

Сурункасига уч соат давомида иккала томон ўз гапини исботлашга ҳаракат қилди ва улар жаҳл устида бир-бирларига баъзан қаттиқ-қаттиқ гапириб юборишди. Ниҳоят, шаҳзоданипг тоқати тоқ бўлди.

— Шундай қилиб, ваъдангизга вафо қилмаслигингиз аен бўлди!— дея хитоб қилди у.— Агар генерал Фабио Конти Фабрициови заҳарлашга қасд қилган ўша куни мен ҳам сизга ўхшаб ишни пайсалга солганимда, ҳозир сиз Парма черковларининг бирида жиянингизга мақбара қурдираетган бўлардиигиз.

— Фақат Пармада эмас! Заҳарловчилар мамлакатида-я! Худо сақласин!

— Шунақами ҳали... Майли, жўнанг, герцогиня!— дея ғазаб билан хитоб қилди шаҳзода.— Мен сиздан нафратланамаан.

Шаҳзода эшик томон йўл олди. Герцогиня руҳи тушиб, паст овоз билан деди:

— Яхши. Кечқурун соат ўнда келинг. Биронта ҳам тирик жон билмасин буни. Лекин бу битим туфайли фақат ўзингизга жабр қиласиз! Ўшапда сиз мени охирги марта кўрасиз. Ахир мен бутун умримни сизга бағишлашим, сиз бўлсангиз, мустабид ҳокимга якобинчилик асри имкон берганича бахт нашидасиии суришингиз мумкин эди. Кейин сиз яна, мен бу ердан жўнаб кетиб, уни ўзига хос сийқалик в а евузлик ботқоғидан зўрлаб тортиб чиқарадиган одам қолмагач, саройингиз нимага айланиши тўғрисида бир ўйлаб кўринг.

— Сиз ҳам ўз навбатингизда тожу тахтдан ва ҳатто ундан ҳам каттароқ нарсадан воз кечаетганингиз тўғрисида ўйлаб кўрипг... Сиз ҳеч қандай муҳаббатсиз, шупчаки сиесий мулоҳазалар туфайлигина хотинликка олинадиган оддий маликалардан бири бўлмасдингиз ахир. Қалбимни забт этган сиздек бир аел бир умрга менинг хатти-ҳаракатим, менинг давлатимда ҳукамо бўлиб колиши мумкин эди.

— Ҳа, лекин волидаи муҳтарамангиз мени разил маккора дея ўйлар ва ҳақли равишда мендан нафратланган бўларди.

— Майли, пафратланса нафратлана қолсин. Мен онамга нафақа белгилайман-да, уни Пармадан бадарға қилиб юбораман.

Улар яна чоракам бир соат давомида ана шундай айтишиб туришди. Шаҳзода кўнгли бўшлигига бориб, на ўз ҳуқуқидан фойдаланишга, на герцогинияга эркинлик беришга журъат этарди. У одамлардан, нима килиб бўлса-да, ғалаба қозониш керак,



у еғига аелнинг ўзи итоаткор бўлиб қолади, деган гаптга эгаитганди.

Герцогиня ғазаб билан уни қувиб юборди. Соат ўн бўлишига уч минут қолганида шаҳзода қаидайдир аянчли аҳволда, дағ-дар титраб, Сапсеверина саройига кириб келди. Ярим соатдан кейин герцогиня каретага ўтирди-да, Болонғяга жўнади. Шаҳзоданинг музофотидан ташқари чиққан заҳоти у дарҳол ғрафга мактуб йўллади:

«Қурбонлик келтирилди. Бир ой давомида сиз менинг қалбимда қувонч деган нарсани топа олмайсиз. Фабрициони энди бошқа кўрмайман. Сизни Болоньяда кутаман. Сиз истаган заҳотингиз графиня Моска бўлищга розиман. Сиздан фақат бир парсани илтимос қиламан: ҳеч қачон мени ҳозир ўзим тарк этган ўша мамлакатга қайтараман деб овора бўлманг. Ятта бир нарса рдингизда бўлсин, юз эллик минг даромад ўрпига бизнипг бор-йўги ўттиз минг, жуда нари борса қирқ мипг даромадимиз бўлади. Илгарилари аҳмоқлар сизни кўришганида анграйиб қолишарди, энди бўлса улар сизни фақат аҳмоқона фикрларини тушуниш даражасида паст кетсапгизгина ҳурмат қилишади. Яна ўйлаб кўринг,— ҳар ким ўз пешопасида езилганипи кўради!»

Бир ҳафтадан сўнг улар Перуджиада — графнипг ота-боболари дафп этилган черковда никоҳдап ўтишди. Шаҳзода нима қиларини билмай қолганди. У герцогиияга уч-тўрт марта чопар юборди: хоним унинг мактубларини очиб ўқимай, уларпи янги коивертга солиб қайтараверди. Эрнесто V саховат кўрсатиб, граф Москага катта мукофот инъом этди, Фабрициопи эса ўз давлатининг энг олий ордени билан мукофотлади.

— Хайрлашувимизнинг менга эпг еққан жойи ана шу бўлди,— деди граф янги графиня Моска делла Роверега.— Биз дунедаги энг иноқ дўстлар сифатида хайрлашдик. У менга испап орденининг катта крести ва баҳоси орденникидан қолишмайдигая бриллиаптлар инъом этди. Унинг айтишича, мени бажонидил герцог қилиб қўяр экаиу аммо бу воситани сизни ўз музофотига қайтармоқ учун сақлаб қўймокчи эмиш. Менга унинг помидан сизга бир ганни айтиб қўймоқ топширилган (зр учун жуда кўнгилли топшириқ!); агар сиз Пармага ҳеч бўлмаса бир ой муддатга қайтмоқни ихтиер айласангиз, мен герцоглик уивони ва сиз истаган ҳар қандай фамилияга мупк\рраф бўлур эмишман, сизга эса ажойиб бир амлок ҳадя этилармиш.

Герцогиня бу таклифни нафрат билан рад этди.

Фабрицио билан саройдаги балда учрашиб, унга умидбахш сўзлар айтиб юборганидан сўнг Клелия гўе қалбида яна бир лаҳза ўт олган муҳаббатини бутунлай хаелидан чиқариб ташлагандек кўринди; қалби мусаффо ва диенатли бу аел қаттиқ виждон азобида қолганди. Фабрицио буни жуда яхши тушунди ва умид билан яшашга қанчалик уринмасип, дили ҳижрон қийноғидан пора-пора бўлди. Аммо бу гал қайғусипинг зўридап у Клелиянипг тўйидан сўнг содир бўлганидек, узлатга чекинмади.

Граф *ўз жиянидан* саройдаги барча воқеалар ҳақида унга батафсил маълумот бериб туриш ҳақида илтимос қилган эди. Графдан қанчалар яхшилик курганний тушуна богалаган Фабрицио ўзига ўзи бу илтимосни астойдил бажаришга сўз берди.

Бутун шаҳар ва сарой аъенлари қатори Фабрицио ҳам дўсти ўзинипг илгариги лавозимига қайтмоқчи ва ҳали ҳеч қачон агалик қилмаган бир ҳокимиятга эришмоқчи эканлигига сира шубҳа қилмасди. Графнинг башорати тўгри чиқди: у жўпаб кетгавидан сўнг орадап бир ярим ой ўтмасданоқ Расси бош мнистр, Фабио Конти ҳарбий мииистр этиб тайинланди, графнинг пайтида деярли бўшаб қолган қамоқхоналар япа маҳбусларга тўлиб кетдй. Шаҳзода бу одамларни ҳокимият тепасига чиқариб қўяр экан, герцогинядан ўч оляпман деб ўйларди: у дилидаги муҳабСатдан ўзини қўярга жой топа олмас ва асосаи рақиб сифатида граф Москадан нафратланиб юрарди.

Фабрициoнинг иши бошидаи ошиб етарди; моисиньор Ландрпапининг еши етмиш иккидан ошган бўлиб, соғлиғининг путури кетганди ва қария саройдан ташқарига қарийб чиқмай қўйганди; унинг ўрнига деярли ҳамма ишларни коадъюторнинг бажаришига тўғри келмоқда эди.

Виждон азобидан қийпалиб, руҳопий пирининг охират ҳақидаги гапларидан қўрқиб кетган маркиза Крешенци Фабрициoғипг кўзига кўринмасликнинг яхши бир йўлини топди. У ниҳоясига етиб қолган биринчи ҳомиладорлигини баҳоиа қилганича, саройида ўз хоҳиши билан асира бўлиб, қамалиб олди. Аммо саройга катта бог туташган эди. Фабрицио ўша боққа киришнинг йўлини топди-да, севгилиси яхши кўрадигап хиебонга гулдасталар қўйиб чиқди. Бир вақтлар, йигит Фарпезе мипораснда бапди бўлиб ўтирган сўшти купларда, Клелиянинг ўзи унга ҳар оқшом гулдасталар юбориб тургучи эди. Йнгпт гулларнннг тили упга тушунарли бўлсин учун уларни худди ўша гулдасталардагидек қилиб танлади.

Упинг бу қилиғидан маркизанинг қаттиқ жаҳли чиқиб кетдй, аелнинг дилида гоҳ пушаймонлик туйғуси, гоҳ оташин муҳаббат ҳукмронлик қиларди. Бир неча ой давомида у бирои мартэ ҳам боққа чиқмади ва ҳатто деразадан унга қарамади ҳам.

Фабрицноинг назарида энди улар бир-бирларидан умрбод айрилишгандек туюларди. Шуни ўйлаб йигит қаттиқ умидсизликка тушди. Истаса-истамаса ўзи бориб туришга мажбур бўлган киборлар я?амияти унинг жонига текканди ва агар дилида графнинг министрлик лавозимисиз яшай олмаслигига ишончи комил бўлмаганида, Фабрицио япа архиепископ саройидаги ўша торгина хоиаларига қамалиб олган бўларди. Қани энди ўша ерда танҳо ўтириб олиб, фақат ўз орзу-хаеллари билан яшаса ва одамларнинг овозипи фақат хизмат вазифаларини бая?араетгап пайтдагина эшитса. «Йўқ,— дерди у ўзига ўзи. — Мен граф ва графиня Москаларнинг манфаатлари ташвишини тортмогим лозим. Бу ишда ҳеч ким менинг ўрнимни боса олмайди».

Б1аҳзода ҳамоп унга иззат-икром намойиш этар, бу ҳол эса саройда йигитнинг нуфузипи борган сайин ошириб борарди. Буидай мурувватга эришмогида Фабрицио асосаи ўзидан миннатдор бўлмоғи лозим эди. Йигитнинг ўта лоқайдлик ва ҳатто инсон ҳавтидаги бесар, беҳуда эҳтиросларга бўлган чексиз нафрати туфайли ўзини ниҳоятда сипо тутиши шуҳратпараст шаҳзодага жуда еқарди ва у ўқтин-ўқтин, Фабрицио ақли зукколик бобкда аммасидан қолишмайди, дегучи эди. Соддадил шаҳзода бу ҳақиқатнинг фақат ярмисинигина пайқаган эди: зеро, унинг атрофида руҳий ҳолати Фабрициoникига ўхшайдиган бошқа одамнинг ўзи йўқ эди. Ҳатто сарой хизматкорлари ҳам Фабрициога кўрсатилаетган иззат-икром унинг оддийгина коадъюторлик упвонига сира тўгри келмаслигини ва шаҳзоданинг архиепископнинг ўзига кўрсатадиган ҳурматидан анча ошиб тушаетганним иайқаб қолишганди. Фабрицио графга йўллаган мактубида, ага;» бирон кун келиб, шаҳзоданинг ақли кирса-ю, у Расси, Фабна Конти, Дзурла ва уларга ўхшаш бошқа одамларнинг давлат шнлариии қанчалик чувалаштириб юборишганини тушуниб қолса, шаҳзода нафсонияти азият чекмай туриб музокара бошлант мумкин бўлган ягона воситачп ўзи, яъпи Фабрицио бўлиб чиқиши ҳақида езган эди.

«Агар бир иқтидорли одам машъум ушбу *болакай* сўзларипа айтиб, ҳукмдор зотии ранжитиб қўймаганида эди,— дея езгаидн у графиня Москага,— ўша ҳукмдор зот: «тезроқ бу ерга қайтиягда, барча бу муттаҳамларни қувиб юборинг!»— дея хитоб қнлган бўларди. Мабодо рафиқаси хиел бўлса-да, мойиллик памойиш этганида графни бугуннипг ўзидаеқ завқ-шавқ билан қайта чақириб олишган бўларди; аммо меванинг тўла пишиб етилинш, унв кутиб олнш учун барча эшикларнинг ланг очилишипи кутгап маъқул бўлса керак. Дарвоқе, маликанинг салони зерикарли бўлиб қолгап; ода^мларнинг ягона эрмаги графлик унвонига му-
I шарраф бўлганидан буен зодагонлик даъвосидан эс-ҳушини йўқотиб қўйган Расси бўлиб қолди. Энди етти пушти дворян ўтганлиги ҳаг^ида шаҳодатномаси бўлмаган одам лар маликанинг эшзфатларида *цорасиии кўрсатмасин* дея қатъий фармон чиқарилда (фармонда худди шундай езилган эди). Шаҳзода эрталабки ибодатга кетаетгап маҳали уни олқишлага учун бош галереяга кирига ҳуқуқига эга бўлган одамлар бу имтиезни сақлаб қолишди. Аммо саройга япги таништириладигап барча одамлар етти пушти ҳақидаги шаҳодатномага эга бўлмоқлари керак. Ҳазилкаш одамлар Нlу боисдап, Рассининг ўзи саводсизлар пушгпдан бўлса керак, дея аския қилиб юришибди».

Бундай мактубларни сира ҳам почтагэ топпшриб бўлмаслнгпБИ муҳтарам китрбҳоц тушуцса керак албатта.

Графипя Моска Неаполдан туриб шундай жавоб езди:

«Пайшаиба кунлари бизникида концерт берилади, акшднб^

кунлари эса одамлар уйимизга шунчаки суҳбатлашиб ўтириш учун тўпланишади; меҳмонхоналаримиз тиқилинч бўлиб кетади. Граф ўзииинг қазув ишларидан ниҳоятда хурсанд; бу ишлар учун ойига минг франк сарфлаяпти, яқинда эса у Абруц тогларидан кунига фақат йигирма су ҳақ оладиган ер қазувчиларни чақиртириб келди. Бизни кургани қачон келасак? Сени йигирма бешинчи марта таклиф қилишим ахир, кўрнамакЬ

Фабрицио бу ерга сира ҳам бормоқчи эмасди: ҳатто ҳар куни граф еки графиияга хат езиш ҳам унга оғир мая?буриятдек кўрина бошлаганди. Йигит, мана бир йилдирки, маркиза Крешенцига бир огиз ҳам сўз айта олмаганидан хабар топгач, китобхоп унинг гуноҳидан ўтар, дея умид қиламиз. Унинг бирор йўл билан қандай бўлмасип алоқа ўрнатишга бўлган барча уринишлари даҳшат ила рад этилди. Фабрицио ҳаетдан безиб қолди; хизмат вазифаларини бажарабтган ва саройдаги қабул маросимларига боргаи пайтларини ҳисобга олмаганда у ҳеч қаерда ва ҳеч қачон чурқ этиб огиз очмасди. Бундай хомуш сукут сақлаш ҳамда ҳаетиинг маънавий покизалиги халқ орасида унинг ҳурматини шу қадар юксакка кўтариб юбордики, ниҳоят, у аммасининг маслаҳатига амал қилмоқчи бўлди.

«Шаҳзода ҳозир сенга шу қадар катта иззат-икром намойиш этяптики,— дея бзган эди аммаси,— бунақада кўп ўтмай сени хуш кўрмай- қолиши мумкин. У атайлаб сенга эътибор бермай қўяди, ҳукмдорнинг бундай эътиборсизлигини кўргач, сарой аъенлари ҳам сени писанд қилмайдиган бўлиб қолишади. Майда мустабидлар, ҳатто ҳалол одам бўлишган тақдирда ҳам худди модага ўхшаб тез-тез ўзгариб туришади. Бунинг сабаби битта: зерикиш! Ҳукмдорнинг инжиқлигидаи қутулмоқ уч>н сепинг ихтиерингда биттагина восита бор — у ҳам бўлса ваъзгўйлик қилиш. Сен импровизация қилиб шеър тўқишга жуда устасан ахир! Дин ҳақида ярим соат гапиришта уриниб кўр. Аввалига, эҳтимол, ҳар хил бўлмағур гапларни айтиб юбэрарсан Сеп дипий ақоидларни яхши биладиган ва сир сақтач олади ан биронта аллома руҳонийни еллаб ол. Ўша одам сен ваъзгўйлик қиладиган ибодатхоналарга бориб юрсин да, хатэларингпи айтиб турсин; навбатдаги ваъз айтишда сен ўша хатоларпи тузатиб юборасан».

Инсон ер ҳажрида азоб чекар экан, диққат эътибор ва қандайдир зўриқишни талаб этадиган ҳар қандай машғулот унга малол келади. Аммо Фабрицио халқ орасида эътибор қозопсам, бунинг бир кун келиб аммам билан графга ердами тегиши мумкин, дея ўзини ўзи ишонтира билди. Ўз машғулотларида ўқтин-ўқтин одамларнинг евуз ишларига дуч келар экан, унинг графга бўлган ҳурмати кундан кун ошиб борарди. У ваъз айтмоққа'қарор қилди ва бу жабҳада жуда катта муваффақият



қозонди. Йигитнинг сўлгин юзи ва бир ҳолатдаги қора жуббаси бу муваффақиятни янада кучайтириб юборди. Типгловчилар, Фабриционинг нутқида мусаффо ва теран бир ҳасратни ҳис этдилар, упинг келишгап қиефаси ва саройда унга кўрсатилаетгаи юксак мурувватлар ҳақидаги мишмишларга қўшилиб, бу ҳол барча аелларни унга мафтуп қилиб қўйди. Хонимлар у Наполеон армиясининг энг жасур офицерларидан бири бўлгап экан, дея ривоят тўқишди. Тез орада бу бўлмағур уйдирмага ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди. Одамлар у ваъз айтадиган черковларда олдиндан жой эгаллайдиган бўлиб қолишди; тиланчилар пул ишлаш мақсадида у ерга эрталаб соат бешданоқ кириб олишарди.

Фабрицио шу қадар улкан муваффақият қозоимоқда эдики, охири у, ажаб эмас маркиза Крешенци ҳам бир кун эмас, бир кун шунчаки синчковлик юзасидан бўлса-да, меиинг ваъзгўйлигимви эшитгани келар,— деган хаелга борди-ю, йигит бундай руҳланиб кетди. Ана шунда маҳлие бўлиб қолган томошабинлар бирдап упинг истеъдоди янада кенгроқ қанот езганини сезишди. Ҳаяжонланиб кетган дақиқаларда у шуидай таъриф ва тавсифлар ишлатиб юборардики, одатда бундай қилишга ҳатто энг моҳир нотиқлар ҳам журъат этишмасди; илҳоми жўш урган кезлари у тингловчиларни ўзига батамом ром қилиб олар ва шундан сўнг бутун черков хўнг-хўнг йиглай бошларди. Аммо воиз турган минбарга қадалган беҳисоб кўзлар орасидаи у келишини зориқиб кутаетган ўша хонимшшг шаҳло кўзларини излаб б.еҳуда овора бўларди.

«Мабодо бирор кун келиб уии куриш бахтига муяссар бўлган тақдиримда ҳам,— дея ўйларди у,— е ҳушимдан кетиб йиқиламан еки тилим калимага келмай қолади». Ана шу кўнгилсизликлардап иккинчисининг олдини олмоқ учун у дуога ўхшаш бир калом иишо этди ва ҳар гал ваъзгўйлик қилаетган найти эҳтиросли сатрларга тўла ўша иншосини енидаги курсига қўйиб қўядигаи бўлди; у мабодо маркиза Крешенципи кўрганида барча сўзларни унутиб қўйса, апа шу парчани ўқиб беришга қарор қилганди.

Бир куни у маркизанинг пора бериб ўзига огдириб олган хизматкорларидан опера театрида Крешепцилар ложасини ҳозирлаш ҳақида буйруқ берилганини билиб қолди. Мана бир йилдирки, маркиза биронта ҳам спектаклга бормай қўйганди. У ўша кезлари катта шов-шувга сабаб бўлгап машҳур бир тенорнинг қўшиқларини тинглаб куриш учун таркиодат қилганди, зеро ҳар куни ўша хонанда қатнашадиган спектаклларда залга одам сигмай қолаетганди. Фабрицио буни эшитиб, бсниҳоя қувониб кетди. «Ниҳоят, бутун кеча давомида унга тикилиб ўтиришим мумкин! Айтишларига қараганда, энди унинг ранги жуда оқариб кетганмиш». Сўпгра у севгилисининг руҳиа курашлар патижасида илгариги ерқин буеқлари сўпиб қолгаа тароватли чеҳрасини тасаввур қилишга урипа бошлади,

Унинг дўсти Лодовико, уз таъбири билан айтганда, бундай телбаликдан қаттиқ ҳайратга тушиб, анча оворагарчиликлардан сўнг хўжайини учун тўртинчи ярусда, деярли маркизанинг ложаси рупарасида жойлашгап ложани ижарага олишга муваффақ. бўлди. Шунда Фабрициовинг хаелига янги бир фикр келиб қолди: «Унинг дилида менинг ваъзгўйилигимни тинглаш истагиии уйғотмоғим керак. Аммо бунинг учун кичкина бир черковии танламоғим даркор, токи у мепга яққол кўриниб турадиган бўлсин». Одатда Фабрицио ўз ваъзгўйилигини кундузги соат учга тайип қилар эди. Аммо маркиза театрга борадиган куни у эрталаб, коадъюторлик вазифалари ту файли архиепископ саройида ушланиб қолиши ва шу боисдан одатга хилоф равишда кечқурун соат саккиз яримда, роҳиба визитантлар монастирига қарашли кичкина Санта-Мария черковида ваъз айтажагини маълум қилиб қўймоқни буюрди. Уша черков Крешенци саройининг шундоқ биқинида жойлашган эди. Лодовико роҳиба визитаитларга Фабриционинг номидан бир кучок, шам келтириб берди ва бутун черковни чарогон еритиб қўйишни буюрди. Черковга тартибни кузатиб туриш учун гвардиячи гренадерларнинг бутуп ротаси келди ва ўғрилардан муҳофаза қилмоқ учун ҳар бир бутхона олдига найзали милтиқ тутган биттадан солдат қўйилди.

Ваъзгўйлик кечқурун соат саккиз яримда бошланади, дея эълон қилинганига қарамай, халойиқ черковга кундузги соат иккидаиоқ кириб олди; Крешенци саройининг улуғвор биноси қад кўтариб турган осойишта кўчада қаядай тўс-тўнолон кўтарилганини бир тасаввур қилиб кўринг энди.

Фабрицио, *барча мотамсаро кимсаларнинг уимоятчиси* шарафига бугун раҳм-шафқат тўғрисида гапирмоқчиман, дея, огоҳлантириб қўйди, зеро, ҳар бир раҳмдил одам, гарчи у гуноҳкор бўлса-да, дили ғам-ғуссага тўлган кимсага ҳамдард бўлмоғи даркор экап.

Жуда усталик билан бошқача кийиниб олгап Фабрицио театр эшиклари эндигина очилиб, залда ҳали чироқлар еқилмаеданоқ ўз ложасига кириб олди. Спектакль соат саккизга яқип бошлапди, бир печа дақиқадан сўиг Фабрицио қалбида шундай бир қувовч ҳис этдики, буни фақат шундай дақиқаларни бошдан кечирган одамгина тушунигаи мумкин: йигит Крегаенцилар ложасининг эшиги очилгани ва у ерга маркизанинг кириб келганини кўриб қолганди; Фабрицио уни бундай яқиндан туриб Клелия унга елпиғичиии ҳадя қилган купидан буеп кўрмагап эди. Упипг пазарида қувопчинииг зўридап ҳозир нафаси оғзига тиқилиб қоладигандек кўринарди. Юраги эса қаттиқ гупиллаб урарди. «Балки, ҳозир ўлиб қолармап?— дея ўйларди у.— Тинимсиз ҳасрат ичра яшаетган одам учун ажойиб ўлим бўларди бу!.. Еки, эҳтимол, ана пгу ложада ҳушимдан кетиб йиқиларман; роҳиба визитантлар черковита тўплашан дипдорларга бугун мени куриш насиб этмайдиганга ўхшайди, эртага эса уларга бўлажак архиенископларииии опера театрииинг ложасидан беҳуш ҳолда топишгани маълум бўлади! Бунинг устига, эгнимдаги манави ҳизматкорлар лшшеясини айтмайсизми? Не азобда орттирган обрў-эътнборим бир пул бўлади! Хўш, ўша обрў-эътиборнинг нима кераги бор менга?»

Ҳар қалай чоракам тўққизда Фабрицио ўзини театрдан чиқиб кетищга мажбур қилди. У тўртинчи ярусдаги ложани тарк этди-да, оеғини аранг сургаб боеганича хизматкорлар ливреясини ечиб, ўзининг кийимшш кийиб. олиши лозим бўлгап жойга етиб олди. Черковда у фақат соат тўққизда найдо бўлди. Унинг ранги шу қадар оқариб кетган, силласц шу қадар қуриган эдики, диндорлар орасида, жаноби коадчлоторпннг бугун ваъз айтмоққа мажоли етмайдиганга ўхшайди, деган ивир-шивир гаплар тарқалди. Фабрицио кириб яшкринган монастирь қабулхонасмнинг панжараси ортида роҳибалар унга қапдай нарвопа бўлиб қолишганини тасаввур қилиш унча қийин бўлм.а.са керак. Улар қайғуриб, шу қадар қий-чув кўтаришдики, Фабрицио ўзини бир неча дақиқага елғиз қолдиришларини илтимос қилди. Сўнгрз тез-тез юриб, миибарга чиқди. Кундузд соат учда қўл остидаги руҳонийлардан бири унга Санта-Мария черкони одамларга лиц тўлгани аммо у ерга, чарогон қилинганига қиз.иқиб бўл.са керак, асосан авом халқ тўпланганлигини хабар қилганди. Минбарга чиққач, Фабрицио барча стулларни кибор йигитлар ва аелзода одамлар банд қилишганини кўриб ҳайратга тущди.

У ваъзгўйликни узр сўрашдан бошлади. Тцнгловчилар у айтган ҳар бир жумлани завқ-шавқ билан одқишлашарди. Сўнгра у аллақандай бахти қаро бир одамнииг изтиробларииии ерқии тасвирлаб берди-да, барча мотамсаро кимсаларпинг ҳимоятчиси, узи ҳам бу дорулфонада чексиз азоб-уқубатдар чеккап Биби Марьямни шафе келтириб, ўша одамга раҳм-шафқат қцлишга чақирди. Нотиқ қаттиқ ҳаяжонланиб кетганди ва баъзан нафаси ичига тушиб, овози ҳатто ана шу кичкина черковда ҳам четроқда ўтирган одамларга эшитилмай қолаетгап эди. Ранги ту қадар заъфарон эдики, барча аелларга ва ҳатто кўпгина эркакларга ҳам унинг ўзи раҳм-шафқатга муҳтол? жафокашдек кўринарди.

У узр сўраб, нутқ бошлаганидан сўнг орадан бир неча дақиқа ўтмаеданоқ барча тингловчилар Яханоби коадъютор бугуц ўзини ғалати тутаетгани, унинг хомушлиги одатдагига қараганда теранроқ ва нозикроқ туюлаетгапини пайқашди. Шунда бирдан унинг кўзларида еш милтиради. Тингловчилар буни кўриб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлашдики, ваъзгўйликни тўхтатишга тўгра келди.

Шундан кейин ҳам Фабрициoнинг ваъзини тиш шларнинг оҳ-воҳи, ҳўпграб йиглашлари «Е қудратипгдан!», «Е парвардигор!»— дот*; хитоблари камида ўн мартача бўлиб турди. Барча бу мумтоз тингловчилар шундай кучли бир ҳаяжонга тушган эдидарки, ҳеч ким ўзининг оҳ-воҳидан уялмас, қалбм

якўш-хуружга келгап одамлар атрофдагиларга кулгили кўринишмасди.

Воиз одатда уз каломининг ўртасида нафас ростлаш учун дам оладиган пайтда Фабрициога театрдаги спектаклда деярли хеч ким цолмагапини айтишди; хонимлардан фақат маркиза Крешенцигина ўз ложасида ўтирган ЭМИБТ. Черковда бирдан қаттиц ғовур-ғувур кўтарилди: маълум бўлишича, диндорлар гкаиоби коадъюторга ҳайкал ўрнатитп ҳақидагй таклифга ОЕОЗ беришмокда экан. Ваъзшшг иккинчи қисми ҳаддан тапщари катта муваффақият қозонди. Бу муваффақият . энди шу қадар д\новий тус олган эдикя, христиапларча ғамзадалик ўрнини шўх-шодон қийқириқлар эгаллаганди. Шу сабаб воиз мивбардав тушгач, тингловчиларини бир оз койиб қўйишни лозим топди. Шу заҳоти ҳамма бирдан эшик томон юрди. Одамлар кўчага чиқишгач, бор кучлари билан қарсак чалишгаиича бир овоздак «Е\\пуа с!е1 Ооп^о!»[1]—дея қичқира бошлашди.

Фабрицио шоша-пиша соатга қаради-да, органнинг евидан монастир ҳовлиси томон олиб борадигаи торгипа йўлакдага вапжарадор дераза томонга отилди. Бутун кўчани тўлдириб турган беҳисоб оломонга ҳурмат юзасидан Крешеици саройивинг дарбони бу ўрта аср биносининг деворларига ўрпатилгав темир ҳалқаларга ўн-ўн бешта машъала еқиб қўйганди. Бир печа дақиқадан сўнг завқ-шавққа тўлгап одамларнинг воизнинг шаъвига таҳсинлар айтиб кичқиришлари айни авжига чиққаи пайтда Фабрицио ниҳоятда интиқиб кутган воқеа содир бўлди: кўчанипг бошида театрдан қайтиб келаетган маркизанинг каретаси кўрипди; кучер аввалига отларни тўхтатишга мажбур бўлди-да, кейин пўшт-пўштлаганича оломон орасидан йўл очиб арапг сарой дарвозаси енига етиб олди.

Ҳар қандай бахтсиз аел каби маркиза ҳам ажиб музика садоларидан қаттиқ таъсирлаииб кетди, аммо у томопзобиплар ўтирган зал нима сабабдан бундай бирдан бўшаб қолгавипи билгач, янада қаттиқроқ ҳаяжонга тушди. Иккинчи актнинг ўрталарида, ўша ажойиб тенорнинг ўзи саҳнада хопиш қилаетган пайтда ҳатто партерда ўтирган одамлар ҳам бир амаллаб роҳиба визитантлар черковига кириш умидида эалидан югуриб чиқа бошладилар. Ўша оломон унинг саройи томон борадиган йўлни тўсиб қўйганида маркизанинг кўзларидан дув-дув еш оқа бошлади: «Мен уни танлаб янглишмаган эканман!»—дерди у' ўзига-ўзи хаелан.

Лекии қалби мутаассир бўлган худди ана шу дақиқа учуп ҳам у, псга шундай ажойиб воизпинг каломини эшитишдан бош тортяпсиз, дея ажабланаетган маркиз билан хонадон дўстларининг навбатдаги ваъзгўйликка бориш ҳақидаги таклифларини қатъиян рад этаверди. «Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а!—>

[1] Ййзасип дель Доиго! *(Итал.)*



дейишарди улар маркизага.— Унинг щуҳрати Италиядаги зпг зўр тенорнинг шуҳратидан ҳам ўтиб тушди ахир!»

«Агар уни курсам,— тамом бўламаи!»— дўя ўйларди маркиза.

Воизлик иқтидори кундан-кун сайқалланиб бораетган Фабрицио Крегаенци саройининг биқинида жойлашган ўша кичкииа черковда яна бир неча бор ваъз айтиб, бекорга овора бўлди,— воиз у ерда Клелняни бирон марта ҳам кўрмади; охир-оқибатда унипг бундай таъқиб этишидан Клелиянипг ҳатто жаҳли ҳам чиқиб кетди: боққа чиқармай қўйгани етмасмиди ахир, яна осойишта кўчасининг тинчлигини бузиб нима қилади?

Баъзан типгловчиларига кўз югуртирар экан, Фабрицио апчадап буен уларнинг орасида қора мағиздан келган, кўзларп епиб турадигаи^бир қизнинг §кимтой чехрасиии кўрадигаи бўлиб колганди. Ўша шаҳло кўзлар одатда воиз айтган саккизинчими еки ўнинчими жумладан кейштоқ дув-дув еш тўка бошларди. Фабрицио баъзан узупдан-узоқ ва ўзи учуп зерикарли биропта гапни айтишга мажбур бўлган кезлари иавқиронлигя билан унинг диққатини ўзига тортган ўша дилрабо чеҳрага тикилиб туриб дам оларди. Йигит ўша бугдойрапг қизпипг исма тарифи Днина Марини бўлиб, у бир неча ой муқаддам баидаликни бажо келтиргаи пармалик бадавлат мовутф^рушнипг ягона қизи ва меросхўри эканлигини билиб олганди.

Орадан кўп вақт ўтмай мовутфурушпинг қизи Анина Марининг номи эл оғзида афсоиа бўлиб кетди: у Фабрициога ошиғу беқарор бўлиб қолган экан. Цаҳрамонимиз воизлик жабҳасида шуҳрат қозонгунига қадар, бу қиз адлия министрининр катта ўғли Джакомо Расси билан упаштириб қўйилган экан. Джакомо. ҳатто унга еқар экан ҳам. Аммо у монсипъор Фабрициовинг ваъзларини икки-уч марта эшитганидан сўнг бирдан, ҳеч кимга тегмайман, дея оеғини тираб олибди. Бундай ғаройиб ўзгаришнивт сабабини сўрашганида эса у, бир одампи жону дилидан сева туриб, бошқа одамга турмушга чиқиш ҳалол қизга ярашмайдиган иш, дебди.

Қарипдош-уруғлари аввалига ўша «бир одам»пинг ким эканлигини билигага уриниб, роса овора бўлишибди. Аммо воизнипг каломини тинглай туриб, Анинанииг шаптқатор йиглашлари унинг онаси билап тоғаларинипг ақлини киргазиб қўйибди ва улар қиздан, мабодо монсиньор Фабрициони севиб қолмадингми, дея сўрашибди. Анина жасорат билан ҳамонки сирим ошкора бўлибдими, елғон гапириб ўзимни ўзим хўрламайман, деб жавоб қайтарди. Сўнгра, севган одамимга турмушга чиқишга ҳеч қапдай умидим йўқ экан, ҳеч бўлмаса сопИпо Рассининг аҳмоқона башарасини кўрмай, дея қўшимча қилди. Икки кундан сўнг барча буржуаларнинг ҳавасини келтириб горган одамнинг ўғли тушиб қолган кулгили аҳвол бутуп шаҳарнинг оғзида афсоиа бўлди. Одамлар, Анина Марини ажойиб жавоб қилибди, дея кулишар ва ҳамма унинг сўзларипи

такрорларди. Бутун эл-юрт қатори Крешенци саройида ҳам шу тўғрида гапиришмоқда эди.

Меҳмонхонада Клелия бу мавзу хусусида чурқ этиб ОРДЗ очмади-ю, аммо кейинроқ оқсоч аелдан ҳаммасини суриштириб билиб олди ва якшанба купи эрталаб хонадонидаги кичкина бутхонада ибодат қилгач, каретага ўтирди-да, нешинги ибодатга Аиина Марини яшайдиган қавм черковига йўл олди. Черковда у шаҳарнипг барча олифта йигитлари тўпланганини курди. Улар ҳам бу ерга ўша қизни бир куриш дардида келишганди. Хушторлар эшик олдида тўпланишиб туришарди. Тез орада уларпинг безовта бўлиб қолганларидан маркиза черковга Анипа Марини кириб келганини фаҳмлади. Клелия ўтирган жойдап Анина яхши кўриниб турарди. Ўзининг пиҳоятда художўйлигпга қарамай, маркиза ўша куни черковдаги ибодатга унча ҳафсала қилмади. Клелияга ўша офатияедн авом қиз жуда шаддод кўрииди. Унинг назарида, бундай шаддодлик бир неча йил эр қилиб турмуш курган хотинларгагина ярашарди, Лекин қизи тушмагурнинг бўйи унча баланд бўлмаса-да, қадди-басти кедишган бўлиб, кўзлари, ломбардияликларнинг таъбири билан айтганда, жон оламан деб турарди — унинг кўз қараши шу қадар маънодор эди. Маркиза ибодатнинг охиригача турмай уйига жўнади.

Эртаси куни хонадопиинг ҳар кеча Крешенцилар саройида тўпланадиган дўстлари Анина Маринининг яна бир аломат қилиги тўғрисида ҳикоя қилиб беришди. Апинанинг онаси қизинипг биронта тентаклик қилиб қўйишидан чўчигани туфайли унга жуда оз пул берар экаи. Шу боисдан Анина отаси совға қилган ажойиб бриллиант узугини бармогидан ечибди-да, Крешенцилар саройидаги меҳмоихоналарниинг деворларини безаш учун Иармага келган машҳур рассом Гаецга ана шу узук эвазига мопсиньор дель Донгопипг суратиии чизиб беришни илтимос қилибди, лекин у рассомга, Фабрициони руҳонийлар жуббасида эмас, оддий қора кийимда тасвирлайсиз, дея шарт қўйибди; шундай қилиб, кеча назқирон Анинанинг онагинаси қизининг ҳузурига кирибди-ю, ҳам ҳайратга тушибди, ҳам қаттиқ ғазаблапибдн: хоним қизииинг етоқхонасида пармалик заргарлар сўигги йигирма йил ичида олтин су;;и гогуртирган энг шоҳона гардиш ичида Фабрицио дель Донгоиинг ажойиб портретний кўрибди.

## Йигирма саккизинчи боб

Воқеалар оқимини ба§п қилишга берилиб кетиб, Парма саройида ружрон ўЙ1;айд,иган ва биз талга олган ҳодисаларии кулгил.и изоҳлаб юрадиган беҳщюб юваидиҳўрлар - тоифасиии қисқагина қилиб бўлса-да, тасвирлаб беришга улгурмабмиз. Бу мамлақатда цилига уч-тўрт минг ливр даромади бўлган ҳар Кандай заводи етгап дворян оеғига қора пайпоқ кийиб, *уукмдорнинг эргалабки чщишларига* ташриф буюриши мумкип эди,



Фақат у умри бино бўлиб на Вольтерни, на Руссоии ўқиган бўлиши керак эдики, бу шартни бажо келтириш унча қийин эмасди. Кейинчалик у ҳукмдорнинг шамоллаб қолгани еки опхазратга Саксониядан юборилган минераллар памунасининг янга қутиси ҳақида кўнгли ийиб гапириб юрмоғи лозим бўларди, Бунинг устига, у яна бутун йил давомида бир кунни ҳам қолдирмай пешинги ибодатга қатнаса-ю, уч-тўртта бақалоқ роҳибалар* дап дуст орттирган бўлса, шаҳзода янги йилга икки ҳафта қолгапида еки икки ҳафтадан кейин илтифот кўрсатиб, у билан бир-икки оғиз гаплашиб қўярди. Шундан сўнг бахти чопгаи ўша одамнинг қавмда обрўси кўтарилиб кетар ва ўлпончи ҳам унинг кичкинагина кўчнрилмас мулкига ҳар йили солипадиган юз франклик солиқпи вақтида тўламагаии учуп уни ортиқча қисти-бастига олмай қўярди.

Сипьор Гондзо ҳам ана шундай қашшоц сарой аъенлари тойфасига мансуб эди. Аммо унинг рутбаси аича юксак эди, зеро Гондзо кичкинагина амлокидан ташқари, маркиз Крепюицинипг ердами билан йилига бир минг бир юз эллик франклик маош тўланадиган аяадйиб маисабга ҳам эришганди. Бу одамнинг уйида ҳам овқатланаверишга қурби етарди-ю, аммо ғалати бир ишқивозлиги бунга халал берарди: у фақат ўқтин-ўқтин: *«Овозингизни ўчиринг, Гондзо, сиз гирт аумоцсиз»,—* деб турадиган биропта акобирпинг меҳмонхонасидагина ўзини бахтиер ҳис этарди. Акобирнинг ўша гапини унинг кайфияти бузуқлиги билапгина изоҳлаш мумкин эди, зеро, кўп ўринларда Гондзо ўша баджахл аркоии-давлатдаи кўпроқ ақл-идрок намойиш этарди. У барча мавзуларда доим ўрнига қўйиб, бийрон гапира оларди; боз устига, агар уй эгаси башарасини буриштиргудек бўлса бир зумда фикриии ўзгартириши ҳам мумкин эди. Аммо, очпғини айтанда, гарчи Гондзо ўз манфаати аралашган барча ишларда апча эпчил бўлса-да, миясида биронта ҳам мустақил фикри йўқ эди ва мабодо ўша куни шаҳзода шамоллаган бўлса, меҳмонхонага киргапида гаппи нимадан бошлашпи билмай гаранг бўлиб қоларди.

Пармада Гондзо бир оз пати юлипган қора жиға тақуғли ажойиб учбурчак шляпаси билан иом чиқарган эди. У ҳатто эгнига фрак кийган пайтида ҳам ўша шляпасини боптидан қўймасди. Лекин унинг ўша ғаройиб шляпасини пақадар виқор билан кийиши еки қўлида тутиб туришини бир кўрсаигиз эди,— бу ўрипда у жуда катта истеъдод намойиш этарди! У маркизапи кучукчаси соғлиғипи астойдил қайғуриб суриштирарди; мабодо Крешенци саройига ўт кетса борми, Гондзо ҳаетипи хавф остига қўйиб бўлса-да, зарбоф сирилган чиройли креслолардап бирипи қутқаришга ҳаракат қилгаи бўларди, зеро, кўп йиллардап буен тасодифап ўша креслолардап бирига ўтирмоққа журъат этгаида калта қилиб тикилган қора ипак панталонининг иплари унга илашиб қоларди.

Ҳар кеча соат еттиларга яқип маркиза Крешенцининг меҳ-

конхонасида шундай текинхўрлардан етти-саккизтаси йиғиларди. Улар жой-жойларига ўтиришган захоти меҳмонхопага кумушранг зар уқа тутилган тўқ сариқ ливрея устидаи шоҳона қизил камзул кийган малай кириб келарди-да, улардан шляпа ва хассаларшщ қабул қилиб оларди; шундан сўнг дарҳол иккиичи малай кириб, меҳмонларга нафис қилиб ишланган кумуш дастали чашкачаларда қаҳва тарқатарди. Ҳар ярим соатда эса француз бичимидаги шоҳона кафтан кийган ва қилич тақиб олган ашикоғаси барчага музқаймоқ улашиб чиқарди.

Кийим-боши бир ҳолатда текипхўрлардан сўнг ярим соат ўтар-ўтмас меҳмонхоиага дўриллаб гапирадиган, жангари қиефадаги беш-олтита офицерлар кириб келигаа-рди. Одатда улар бош қўмондон жангда ғалаба қозонмоғи учун солдатларнинг кундирларига печтадан тугма қадамоқ кераклигини берилиб муҳокама қилишарди. Ушбу меҳмонхонада француз газеталарида босилган яшиликларпи тнлга олиш ўта енгилтаклик ҳисоблаиган бўларди; ҳатто ўша янгилик, масалан, Испанияда эллик нафар либералии отиб ташлагани ҳақидаги хабарга ўхшаб, ўта сқимли бўлса-да, ҳикоячи бари бир ўзинипг француз газеталарини ўқиб юрити ҳақида тилидан илинган бўлиб чиқарди. Бу одамларнинг бари ҳар ўп йилда ўз пенсияларига юз эллик франк устама ундириб олишни ўта устомонлик дея ҳисоблашарди. Одатда ҳукмдор деҳқонлар ва буржуа устидан хукм ўтказяш бахтини ўз дворянлари билап шу зайлда баҳам кўрарди.

Крешенци меҳмоихонасида энг нуфузли одам сўзсиз кавалер Фоскариии эди. У ҳалол одамлиги учун барча тузумлар пайтида оз-оз бўлса-да қамоқда ўтириб чиққанди. У бир вақтяар тарихда жуда кам учрайдиган воқеа,— Миланда Наполеон таклиф қилгап солиқ солиш қонунини рад этган ўша машҳур депутатлар палатасинипг аъзоси бўлганди. Кавалер Фоскарипи йигирма йил давомида маркизпинг онаси билан яқиндан дуст бўлиб келганди ва бу хоиадонда нуфузли одам бўлиб қолганди. У доим биронта кулгили воқеани ҳикоя қилишга шай турар, аммо ўзипииг ҳам муғамбирона нигоҳидан хеч пима четда қолмасди. Шу боисдаи ҳам дилида ўзиии жиноятчи деб ҳисоблайднган маркиза уеинг олдида титраб турарди.

Гоидзо упга қўпол гапирадиган ва йилига икки марта упи йиғлатадиган даражада хафа қиладигаи акобирларни жопидан сртиқ. яхши кўрарди; у ўша одамларнинг майда-чуйда юмушларини бажариш учун жонини жабборга беришга ҳам тайер эди. Мабодо ўта қашшоқлиги халал бермаганида у катта муваффақият қозониши ҳам мумкин эди, зеро маълум даражада макрҳийла ишлатиш ҳам ва айникса сурбетлик қилиш ҳам қўлидан келарди.

Ана шундай хислатларга эга бўлган Гондзо дилида маркизани унча ҳурмат қилмасди, чунки ҳаетида бирон марта ҳам ундан қўпол гап эшитмаганди. Аммо барибир Клелия Гоидзо учун



маликанинг камергери бўлмиш муҳтарам маркиз КрешенциБИнг рафиқаси эди. Маркиз эса ойига икки марта Гондзога қараб:

— Овозингни ўчир, Гоидзо! Сен аҳмоқсан!— дерди.

Гондзо меҳмонхонада навқирон Анина Марини ҳақида гап очилган заҳоти маркизанинг хомуш хаелпарастлиги бир зумда ғойиб бўлишииии пайқаб қолди. Маркиза одатда соат ўн бирга заиг ургунига қадар шундай хаелга чўмиб ўтирарди,— соат ўн бирда зса у пиелаларга чой қуяр ва ҳар бир меҳмоннинг исмици атаб, унга чой узатарди. Шундан сўнг орадап кўп вақт ўтмай маркиза ўз бўлмасига кириб кетарди. Аммо ўрнидан туришдан аввал у би-рдаи жонланиб, хушчақчақ бўлиб қоларди. Меҳмонлар унга янги сатирик сопетлардап ўқиб бериш учун худди шу пайтни пойлаб туришарди.

Италияда бундай сонетлар езишни жуда ўрнига қўйишади; у ерда ҳали ҳает учқуни батамом ўчмаган ягона адабий жанр ҳам ана шу сопетлар эди,— тўғри, уларнн доим цензураиииг диққат-эътиборидан яширишга ҳаракат қилишарди, Крешенци хонадонининг ювиндихўрлари эса ўз сонетларини доим: «Валким, маркиза битта жуда емоп сонетни ўқиб беришга ижозатэтарлар?»—дея тавсия қилишарди. Ўша сонет одамларнинг кулгисига сабаб бўлса-ю, уни икки-уч марта ўқишга тўғри келса, офицерлардан биронтаси албатта: «Полиция министри ана шу ифлос сатиралар билан бир шуғулланиб қўйиши керакка ўхшайди. Уларнинг муаллифларини дорга осишса емоп бўлмасди»,— дея хитоб қилишни ўз бурчи деб хисобларди. Бур?куа доираларида зса, аксинча, бу сопетларни ошкора завқ шавқ билан кутиб олишарди, прокурорларнинг котиблари улардан нусхалар кўчириб сотишарди.

Маркизанинг бундай фавқулодда қизиқишини кўриб Гоидзо, у Анина Ма-ринига ҳасад қилянти ва ўзинипг олдида ҳам навқирон, ҳам миллион-миллиоп бойликка эга ўша қизиипг ҳусниви мақташаетганидан жаҳли чиқяити, деган хаелга борди. Доим тцржайиб юрадигап ва аслзода бўлмаган одамларга ўта сурбетлик билан муомала қиладиган Гондзо ҳар қандай жойга кира оларди. Шу боисдан ҳам у эртаси куниеқ маркизанинг меҳмоихонасига жига тақилгап учбурчак шляпасини қўлида тутганича шундай бир ғолибона қиефада кириб келдики, одатда у йилига икки марта, ўшанда ҳам шаҳзода унга «Яхши қолинг, Гопдзо)Г,— деган кунларигипа шундай тантаиавор қиефага кирарди.

Гондзо маркизага эҳтиромли салом бергач, одатда малай суриб қўядиган бир четдаги креслога бориб ўтирмади, Йўқ, у давра қуриб ўтирган меҳмонларшшг ўртасига кирди-да, густоҳлик билан хитоб қилди.

— Мен мопсипьор дель Донгонинг портретний кўрдим!

Бундай кутилмаган гапдан Клелия ҳушидан кетаезди. Маркиза креслонинг қанот суянчиғига таяниб қолди. У қалбида кўтарилган тўфоига тоқат: қилмоққа урипди-ю, аммо тез орада меҳмрпхонани тарк этмоққа мажбур бўлди.

— Очшчни айтганда, азизим Гондзо, сиз жудаям бефаросат одамсиз-да,— деди офицерлардаи бири музкаймоқнинғ турuипчи ликончасини паккос туширар экан.— Коадъюторимиз Наполеон армиясининг энг жасур иолковкикларидан бири бўлгани ва унинг маркқзамизкинг отасига қаттиқ панд бериб кетганини наҳот билмасаигиз? У ўша кезлари генерал Конти комендаитлик қилгап қалъадан, худди зт.есса^апи (Парма ибодатхонасики) тарк этгандек, бамайлихотир чиқиб кетган экан.

— Ҳа, рост аптдингиз. Чиндан ҳам ҳеч пимани билмаймап, қадрли капитап. Мен ғирт тентакман ва кун бўйи пгунақа кетма-кет қовун тушириб юраман.

Унинг соф итальян услубида айтилган ушбу луқмаси гердайган офицерни кулгили аҳволга солиб қўйди. Кўп ўтмай, меҳмонхопага маркиза қайтиб кирди. У энди бутун матоиатини ишга солиб, хотиржам кўринишга уринар ва ҳатто Фабрициони ҳамма бир овоздан мақтаетган ўша портретний бир кўриб, баҳра олишга умид ҳам қиларди. У ўша портретни чизган Гаецнинг нстеъдодига таҳсин ўқиди. Хоним назокатли табассум қилгаичча беихтиер Гондзога мурожаат қилиб гапирар, Гондзо эса анави офицерга кнноя билан қараб-қараб кўярди. Бошқа текипхўрлар ҳам ўзига истеҳзо билан қарашаетганини кўргач, офицер жуфтакпи ростлаб қолди. Турган гай, у энди Гондзони курганн кўзи йўқ эди; Гондзощшг эса боши осмонда эди. У энди хайрлашиб кетмоқчи бўлиб турганида маркиза уии эртаси кунидаги тугаликка такляф этди.

— Яла қиемат бир япгилик олиб келдим!— дея хитоб қилди вртасн купи тушликдан сўпг Гондзо хизматкорлар чиқиб кетгач.— Маълум бўлишича, коадъюторимиз тулшагур ўша жоноп қиз Маршгани севиб қолганмиш.

Бундай гаройпб янгиликии эшитгач, Клелпянипг қалби пақадар ларзага тушганпни тасаввур қилсангиз керак. Ҳатто маркизнинг узи ҳам ҳаяжонга тушди.

— Оббо, Гопдзо-ой! Япа бемаъни гапларни гаипряпсиз! Хиба тилишпзии тийсаигиз бўларди: сиз, иақ ҳазрати олийларинипг узи билан ўл бир марта вист ўйнаш шарафига муяссар бўлгап зот ҳақида ғапиряпсиз ахир.

-- Нимаям дердим, маркиз,— дея жавоб цилди Гондзо бу тоифа одамларга хос бир ҳабсизлик билан.— Опт вчиниш мумкинки, ўша зот дўпдиқча Марини билан ҳам бир-зкки партия ўйнашга йўқ демайди. Лекин ҳамопки бу ғийбат гаплар сизга ёқмас экан, бас! Мсн бу гашш айтмадим, сиз эшитмадингиз! Ўзим жонимдан ортиқ кўрадиган маркизнинг қулоғига емон эшитиладш ап бу гапни энди ўлсам ҳам айтмаймад.

Тушликдан сўнг маркиз доим бир оз мизғиб олиш учун ўз хонаспга кприб кетардм. Су гал у ўз одатвдай чекияди; энди Гондзо, тилдмни. узиб ташласам ташлайманки, лекин ўша пашниҳол Маршщ ҳақида- бир огиз ҳам сўз айтмайман, дея карор қилганди. Аммо бушшг эвазига у дақиқа еайиа гашш шундай айлантирардики, бечора маркиз, ҳозир у ўша жоноп қизния* ипщий саргузаштларидан сўз очади, дея илҳақ бўлиб ўтирардо, Гондзо интиқиб кутилаетгаи хабарпи айтмоқнн атайин пайсалга солиб, жигига тегишдан ҳузур қиладигап барча итальяплардек, ўзига яраша апча муғамбир эди. Бояқиш маркиз сипчковлик* дай ичи ениб, охири упга хушомад қилишга мажбур бўлди: у Гондзога, сиз билан дастурхон тепасида ўтирган одам маза қилади, чунки одатдагидап икки марта қўирок овқат еб қўйга-[1] иипи билмай колади, деди. Гондзо унинг пиятини тушунмади вз марҳум шаҳзоданииг ўйнаши маркиза Бальби ташкил этгац ажойиб суратхонани мақтай бошлади; бу орада у уч-тўрт марта Гасд. ҳакида ҳам зав'к-шавкқа тўлнб батафоил гапириб ўтди. Шундай сўнг маркиз: «Жуда соз! Ҳозпр у ўша навкнрои Аиина буюртма қилган портрет ҳақида гап очади!»—дея ўйларди. Лекин Гондзо нуқул гапни бошқа еққа б у риб юбораверарди. Соат беш марта занг урган эди, маркизнинг ниҳоятда авзойи бузилиб кетди, у тушликдан сўнг дам олгач, соат беш яримда каротага ўтириб, Корсога жўиашга одатлапган эди.

— Доим шунақа аҳмоқона гаплар билап одамнинг бошини қотириб юрасиз,— деди у Гондзога қўполлик билан.— Сиз деб Корсога маликадан кейин борадиган бўлдим. Ахир мен унинг катта камергериман, эҳтимол у менга бирор иш буюриб қолити мумкиндир. Қани! Гапиринг тезроқ! Хўш, икки огиз сўз билан айтганда, сизнингча монсиньор коадъюториипг қанақа ишқий саргузаштлари бор экан?

Бироқ Гондзо бу гапларни фақат маркизага айтмоқни ният қилиб қўйганди, зеро тушликка ҳам унп маркизанинг узи таклиф қилганди. Шу боисдап ҳам у билган гашиш икки огиз сул билан айтиб қўя қолди; шундан сўнг мудраб қолган маркиз бир оз мизғиб олиш учун хонасига кириб кетди. Аммо Гондзо маркиза билан бутуплай бошқача оҳаягда гаплашди. Ўзининг доплати ва юксак мавқеига қарамай, маркиза ҳали шу қадар еш ва шу қадар соддадил эдики, Гондзога қўпол муомала қилгап эринипг гуноҳипи ювмоқни лозим топди. Бупдай муваффақиятдаи боши осмонга етган ГонДзо бирдан сухапдонлиги туги б, ҳам бурч юзасидан, ҳам ўзипинг хурсандчилиги учун ўша воқеани барча тафсилотлари билан ҳикоя қила бошлади.

Маълум бўлишича, навқирон Аиина Марини ваъзгўйлик найти упга ажратилгап ҳар бир жой учун бир цехиндан ҳақ тўлар экан, черковга эса у одатда икки холаси ва марҳум отасинииг собиқ кассири билан келаркан. Жойпи унинг буйругига биноан ваъзгўйликдан бир кун олдип ва албатта минбарнинг деярли рўпарасидан — бош меҳробга яқинроқ жойдан эгаллашаркай, зеро қиз коадъюторнинг ўқтин-ўқтип ўша меҳроб томон ўгирилиб қарашини пайқаб қолган экан. Аммо томошабинлар ҳам баъзи нарсаларни сезиб қолишибди: еш воиз кўпинча ўзипинг маъиодор кўзларини ҳусни жамоли кишини васвасага солувчи ўша навқироп меросхўр қизга хайриҳоҳлик билап қадар,

шунда унинг бу қизга эътибор бераетгани яққол сезилиб цолар-ди,— воиз Анинага тикилиб қараганида унинг ваъзгўйилиги жуда жимжимадор бўлиб крлар ва китобий ҳикматларга тўлиб кетар-ди. Хутба ўзининг самимий жўшқинлиги, таъсир кучини йўқо-тиб қўярдики, хонимлар шу заҳоти диқдатлари чалғиб, Анина Маринини томоша қилишга тутинишар ва уни ғийбат қила бошлашарди.

Клелия Гондзони бу таройиб тафсилотларни уч марта так-рордашга мажбур қилди-да, кейин қаттиқ хаелга чўмди; у зс.иеоблаб чиқса, Фабридиони кўрмаганига мана роппа-расо ўн гурт ой бўлибди. <<Фабрициони куриш учун эмас, машҳур воиз-пинг хутбасини эшитмоқ учун бир соатга черковга боришнинг ваҳот бирор емон жойи бўлса? Мен минбардан узокрок, бир жой-га ўтираман-да, Фабрициога фақат бир марта — черковга кир-ганимда қарайман. Кейин яна бир марта, хутбанинг охирида унга кўз ташлайман. Ахир мен у ерга сира ҳам Фабрициога қараш учун эмас,— дея ўзини ўзи ишснтирмоқчи бўларди у,— балки ажойиб воизшшг хутбасини эшитмок. учун бораман-ку». .Аммо шу мулоҳазалар орасида унинг дплини бирдан яна тавба-тазарру туйғуси кемира бошлади — у ўн тўрт ой давоми-да бирон марта ҳам худо йўлига шак келтирмай яшади-ку ахир! «Хўп, яхши,— дея карор қилди маркиза бирор йўл билан руҳий зиддиятдан «.утулиш учун.— Агар бугун кечцурун биз-никига келадиган биринчи хоним мопсиньор дель Донгонинг хутбасини тинглагап бўлса, мен ҳам бораман, агар акси бўлиб чицса,— унда бормайман».

Шундай «.арорга келгач, маркиза Гондзони жуда хурсаид қилиб юборган бир гапни айтди.

— Илтимос, суриштириб билипг-чи, коадъюторшшг навбат-даги хутбаси қачон ва қайси черковга тайин қилинган экан. Бугун кечқурун кетишингиздан олдин менга учрашииг,—• эх-тимол, сизга бироита топшириқ берармаи.

Гондзо Корсо саройига жўнаган заҳоти Клелия сарой олди-даги боққа тоза ҳапода нафас олгани чиқди. У ўн ойдан буен бу ерга чиқишни ўзига ўзи таъцицлаб қўйгакини ҳатто эслама-ди ҳам. Маркизашшг юзига қизил югуриб, қалбида цувнок ва шодоп бир кайфият пайдо бўлганди. Кечқурун бирин-кетин шилқим меҳмонлар келиб, эшик ҳар очилганида унинг юраги ҳаяжопнииг зўридан гупиллаб ура бошларди. Ниҳоят, Гондзо-нипг келгаинини хабар қилишди. Доғули Гондзо унга бир қараш-дасқ бу хонадонда бутун бир ҳафта давомпда жуда керакли одам бўлиб туришипи тушунди. «Маркиза навқирон Маринига рашк циляпти,— дея ўйлади у.— Худо хаци, ажойиб комедия ўйна-са бўлади маркиза бош ролпи ижро этади, дўпдикча Анини — субретка[1], моНсиньор дель Донго эса маҳбуб ролигш ўйпашади!

[1] Қадимги комедияларда хўжайиншшг ҳамма сирларидац воциф булгап хушчацчақ о^соч киз. *(Тарж.)*



Ҳар бир томошабиндан икки фраикдан ҳақ олса бўлади, ўшап-даям арзон бўлади, худо ҳақи!»

У қувончининг зўридан ўзини йўқотиб, бутун кеча давомида ҳеч кимга гай бермади ва бир кун аввал аллақандай француз сайеҳ айтиб берган машҳур актриса билан маркиз Пекиньи ҳа-қидаги латифага ўхшаш турли бемаъни ҳикояларни валақлаб ўтирди. Маркиза ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолганди: у гоҳ меҳмонхонада у екдаи-бу екка юрар, гоҳ маркиз фақат ба-ҳоси йигирма минг франкдан кам бўлмаган картиналарни осиб қўйган қўшни суратхонага чиқарди. Ўша кеча картиналар у би-лан шу қадар тушунарли тилда ганлашдиларки, ҳаяжоннинг зў-ридан бечора маркизашшг юраги толиқиб кетди. Ниҳоят у эшик-нинг иккала табақаси шарақлаб очилганипи эшитди. Клелия меҳ-монхонага қараб югурди. Келган одам маркиза Раверси экап. Клелия меҳмон келгаида айтиладиган одатдаги назокатли гап-ларни айтар экан, нафаси ичига тушиб кетаетганипи ҳис этди. Маркиза Раверси Клелия гапини икки марта такрорлаганидан кейингина унинг саволани араиг эшитди:

— Хўш, ўша машҳур воиз ҳақида нима дейсиз?

— Мен доим бу йигитни маккорликда ўша аммагинаси, бад-иом графиня Москадан қолишмайди, деб юрардим, аммо охирги марта унинг шуидоқ уйингиз енидаги анави роҳиба-визитаптлар черковидаги хутбасига борганимда, у шу қадар таъсирли ваъз айтдики, дилимда бу йигитга бўлган бутун адоватим ғойиб бўл-ди-қўйди. Мен ҳали ҳеч қачон бупдай таъсирли калом эшитма-ган эдим.

— Демак, унинг хутбаларига боргап экапсиз-да?— дея сўра-ди Клелия бахтиерликдан бутун вужудида титроқ туриб.

— Нима деяпсиз? Демак, гапимга қулоқ солмабсиз-да?— деди кулиб маркиза.— Эиди биронтаям хутбасини қолдирмай-ман! Айтишларича, у сил эмиш ва тез орада воизлик қилолмай қолармиш!

Маркиза Раверси чиқиб кетган заҳоти Клелия Гондзони гале-реяга чақирди.

— Меп ўша машҳур воизнинг хутбасипи бир эгаитиб кўр-моқчиман,— деди у Гондзога.— Навбатдаги хутбаси қачон экан?

— Уч кундан кейин, яъни душанбада. Кейин у сиз зоти олия-ларининг кўнглингизни топгандек иш қилибди: хутбани роҳиба визитантлар черковига тайин этибди.

Улар ҳали ҳамма гапларни гапириб улгуришмади-ю, аммо Клелия энтикиб, гапиролмай қолди; у бир оғиз ҳам сўз айтолмай, галереяни олти мартача айланиб чиқди. «Оббо! Титраб-қақшаши-ни қарапг-а!— дея ўйларди Гондзо.— Албатта учини олади! Мон-еньор шунақаям одобсизлик қиладими ахир: келиб-келиб генерал Фабио Коитидек бир қаҳрамоншшг қўл остидаги қамоқхонадан қочиб ўтирса-я...»

— Дарвокс, шошилиш керак,— дея қўшимча қилди у нозик бир киноя билан.—Воизимиз сил эмиш. Доктор Рамбо, у бир

йилгаям бормайди, дсганини ўз қулоғим билан эшитдим. Маҳбуслик бурчига хиенат қилиб, қалъадан қочгани учун тангри унинг жазосини берянти.

Маркиза диванга ўтирди ва Гондзога ҳам ўтиринг дегаидок ншора қилди. Бир дақиқа сукут қилиб тургач, у суҳбатдошига олдиндан бир неча цехин солиб қўйиган кичкина ҳаменчани узатди.

— Менга тўртта той ажратиб қўйишлариии буюрипг.

— Фақир Гондзога ҳам зоти олияларининг хешлари орасида боришга ижозат этасизми?

— Ҳа, албатта. Бешта жой эгаллашни буюрипг... Минбарга яқин жой бўлиши шарт эмас, менга б унинг унча кераги ҳам йўқ. Лекин синьорина Марипини бир курсам дсгандим,— ҳамма унинг ҳусни жамолини мақтаяпти ахир.

Маркиза воиз калом айтадиган ўша шодиена душапбага қа; дар орадаги уч куннинг қандай ўтиб кетганини билмай қолди. Эл кўзига шундай аслзода хонимнинг мулозималари қаторида кўринишдек катта обрўдан ғурурланиб кетган Гондзо французча бичимда тикилган кафтан кийиб, қилич тақиб олди; бу ҳам дамлик қилгандек, у черковниниг Крешепци саройига яқинлигидан фойдаланиб, маркиза учун тилла суви югуртирилгап ажойиб кресло келтириб қўйишни буюрдики, аҳли буржуа буни ўтакетган густоҳлик дея ҳисоблади. Келиб-келиб шундоқ минбарнпнг рўпарасига қўйилган бу креслони кўргач, бояқипг маркиза не аҳволга тушганини тасаввур қилмоқ унча қийин бўлмаса керак! Хижолатдан у ўша улкан креслопинг бир бурчагига ғужанак бўлганича кузини ердап узишга журъат этмай ўтирарди. Маркиза ҳатто навқирон Марииига қарашга ҳам ботинмасди, зеро, нуқул унга бармоғи билаи ўша қизнй кўрсатаетган Гондзопипг бундай одобсизлиги Клелияни даҳшатга солмоқда эди. Бу ювин* дихўр аслзодалар тоифасидан бўлмаган ҳар қандай кимсани одам ўрпида кўрмасди.

Минбарда Фабрицио пайдо бўлди. Ранги бир ҳолатда йигит шу қадар озиб, шу қадар *цуруц сурати цолган* эдики, Клелиянинг кўзлари дарҳол жиққа ешга тўлди. Фабрицио бир йеча сўз айтди-ю, сўнгра, нафаси ичига тушйб кетгапдек, бирдан жимиб колди; бир неча бор у нутк, бошлашга урийиб кўрса-да, аммо гаиира олмади; шунда у енига ўгирилиб, алланималар бзилгатг бир ғ^оғозни олди.

— Биродарларим,—деди у,— раҳм-шафкатишизга муҳтож бахтиқаро бир кимса сизлардан меиинг тилим билаи ўз тортаетган ва фақат бапдаликни бажо келтиргандагина тугайдигап жабру жафонинг чеки учун ибодат кммогкнгизни сўрайдур.

Шупдан сўнг Фабрицио қоғозда езилган гапларни ўқиб бера бошлади. У жуда секин ўқирди-ю, аммо товуши шу қадар тсран туйғуларпи ифода этардики, ибодатпинг ўртасига борганда барча, ҳатто Гондзо ҳам ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади. «Ҳар ҳолда менга ҳеч ким эътибор бермайди-ку— дея ўйларди маркиза кўзларидан шашқатор еш тўкар экан.

Цоғозга езилгап гапларни ўқиб берар экан, Фабрицонипр миясига ўзи аҳли мўминдан унинг учун ибодат қилмоқни илтимос айлагаи ўша бахтиқаро кимсанинг руҳий ҳолати ҳақида уч-тўртта яхши фикр келиб қолди. Кўп ўтмай, бундай фикрлар епирилиб кела бошлади. У гўе барча тингловчиларга мурожаат қилаетгандек туюларди-ю, аслида эса фақат Клелия учун ганирмог да эди. Бу гал у нутқини одатдагидан эртароқ тугатди, чунки қанча ҳаракат қилмасин, сира ўзини босиб ололмаетган эди: кўз *еш*ларидан унинг нафаси томоғига тиқиларди ва ҳадеб энтикавергани учун товуши эшитилмай қолмоқда эди. Оми одамлар бу хиел ғалатироғу лекин таъсир кучи ва жўшқинлиги билан ўша маиь ҳур хутбасидан қолишмайдиган ваъзгўйлик бўлди, дея хулоса чиқаришди. Клелия эса Фабрицио ўша «ибодатининг» биринчи ўн мисрасини тугатмасданоқ, ўн тўрт ой давомида уни кўрмай яшаганимнинг ўзи катта жиноят, деган фикрга бориб қолган эди. Уйга қайтгач, у Фабрицио тўғрисида ўйлашига ҳеч ким халал бермасин учун кўрпа-тўшак қилиб етиб олди; эртасига эрталаб эса, азонга яқин Фабрициога кичкина мактуб келтириб берииь ди.

«Ўзимни сизнинг виждонингизга топшираман. Сир сақлай бнладиган тўрт нафар ишопчли *Ътат* топинг ва эртага Стеккатa минорасида ярим кеча бўлгани ҳақида қўнғироқ чалингач, Сан-Иаоло кўчасидаги 19 уйнинг эшиги олдига келииг. Едипгизда бўлсин, сизга ҳужум қилишлари мумкин. Елғиз келманг».

Фабрицио бу илоҳий помадаги езувни таниб, шартта тиз чўкди-да, йиғлаб юборди. «Хайрият-е!— дея хитоб қилди у.— Ўн тўрт ой ва саккиз кун бекор кутмаган эканман. Алвидо ваъзгўйлигу, алвидо хутбаларЬ)

Агар ўша куни Фабрицио билан Клелиянинг қалбларида нелар кечганиии тасвирлайдиган бўлсак, ҳнкоямиз жуда чўзилиб кетган бўларди.

Хатда тилга олинган эгаик Крешеици саройиiинг қишки гулхонасига олиб борар экан. Фабрицио кундуз куни ўгаа эшик олди~ дав камида ўн мартача ўтди. У яхшилаб қуролланиб олди-да, ярим кечага яқин, елғиз ўзи, тез-тез одимлаганича ўша эшик ол> дига борди ва ўзига жуда яхши тапиш овоз астагина:

— Кир буеққа, жонгинам,— деганиии эшитиб, беҳад кувониб кетди.

Фабрицио аста ичкари кирди-ю, ўзини чиндан ҳам гулхопада, аммо ердан уч-тўрт футча балапдлик: а жойлашган ва йўғоц темир панжара ўрнатилган дерава х.гпарасида курди. Ҳаммаек зимистон қоронғи эди. Дераза ортида алланимапинг шитирлагапц эшитилди. Фабрицио бармоқларини панжара устидан юргазган эди, бир дай темир чивиқлар орасидан кимнингдир қўли чиқпб Фабрнциопинг ғ^ўлидан тутди. Йигит ўша одам унинг қўлшш лабларига босгаиини ҳис этди,

— Бу мспман,— деди севимли овоз.— Бу ерга, сени севаман. деб айтмоқ ва менинг иродамни бажаришга розимисан, йўқми, шуни сўрамоқ учун келдим.

Фабриционинг қандай жавоб бергапи, унинг нақадар қувониб кетгани ва ҳайратга тушганини тасаввур қилиш унча қийин бўлмаса керак. Завқ-шавқ билан кечган бир неча дақиқадан сўнг Клелия шундай деди:

— Ўзинг биласан-ку, мен сени ҳеч қачон кўрмайман деб Биби Марьям олдида қасам ичганман, пгу боисдан ҳам сени шундай зимистопда қабул қиляпмап. Едингда бўлсин, агар сен қачон бўлмасин бирон марта мени еруғ жойда учрашишга мажбур қилсанг, орамиздаги ҳамма муносабатлар узилади-қўяди. Аммо мен аввало Анина Марини учун ваъз айтишингни истамайман. Кейин, илтимос, билиб қўй, муқаддас даргоҳга кресло олиб бориш ҳақидаги аҳмоқона фикр сира ҳам мендан чиққани йўқ.

— Фариштагинам, энди ҳеч ким учун ваъз айтмайман. Мен бу ишни фақат бирор кун келиб, сени куриш умидида килардим.

— Ундай дема! Унутдингми, мен сени кўришим мумкин эмас ахир.

Энди ана шу воқеадан сўнг ғизиллаб ўтиб кетган уч йил ҳақида индамай қўя қолиш учун китобхондан ижозат сўраймиз.

Биз ҳикоямизни қайтадан бошлаган пайтда граф Моска аллақачон Пармага бош министр бўлиб қайтган ва ҳар қачондагидап ҳам қудратлироқ бўлиб қолгап эди.

Уч йиллик илоҳий бахтдан сўнг маъшуқасини жонидан ортиқ кўрадиган Фабрициoнинг қалбини бехос шундай бир севги инжиқлиги қамраб олди-ю, ҳамма ишларни ағдар-тўнтар қшшб юборди. Маркизанинг Сапдрино исмли икки яшар ажойиб ўғилчаси бор эди; хоним уни жони дилидап яхши кўрарди. Сандрипо доим унинг енида бўлар еки маркиз Крешеицининг тиззасида ўтирарди. Фабрицио эса болани деярли ҳеч қачон кўрмасди, аммо у Сандрино бошқа отага меҳр қўйишипи истамасди. У болаии апа шу гўдаклик чоғида, ҳали аниқ-тиниқ хотиралар сақланмайдиган бир пайтида ўгирлаб кетишни хаел қилди.

Маркиза Фабрицио билан учраша олмайдиган ва жуда чўзилиб кетгандек туюладиган кундуз кунлари Клелия фақат Сандрино билангина овуиарди. Бу ўринда биз Альп тогининг шимол томонида ақлбовар қилмайдиган бир ҳолат ҳақида гапириб ўтмоғимизга тўғри келади. Ўзининг гуноҳ қилганига қарамай, Клелия Биби Марьям олдида ичган қасамига содиқ қолган эди. Унинг Фабрициони *бощца %еч цачон кўрмаслик* ҳақида қасам ичгани китобхопнинг, ҳойнаҳой, едида бўлса керак,— Клелиянинг ўзи айнан шундай деганди; мана энди, ўша қасамига амал қилган ҳолда, у севгилисини фақат тунда қабул қилар ва хонада ҳеч қачон чироқ еқмас эди.

Аммо улар ҳар кеча учрашишар эди ва энг қизиғи, зерикиш ва сиичковликдап ғийбатнинг кони бўлиб қолган сарой доираларида, ломбардияликларнинг таъбири билан айтганда, бупдай агтпс121а[1]нинг мавжудлигини ҳеч ким хаелига ҳам келтирмасди,— Фабрицио эҳтиеткорликка шу қадар амал қиларди. Клелия билан Фабрициoнинг бир-бирларига бўлгап муҳаббати шу қадар оташин эдики, баъзан улар аразлашиб юришарди. Клелия ўқтин-ўқтин уни биронта аелга рашк қилиб, азоб чекар, аммо кўпинча улар бошқа бир сабабга кўра жашкаллашиб қолишарди. Фабрицио маркизанинг жамолини кўрмоқ учун жамиятда ўтказилиб турадиган биронта расмий маросимдан қувлик билан фойдалаиарди; ана шунда Клелия бирор нарсани баҳона қилиб, йигинни шоша-пиша тарк этар ва дўстиии анчага довур қабул қилмай қўярди.

Парма саройидаги аъенлар шундай офатижоп ва шундай қалби теран бир аелнинг маҳбуби йўқлигига ажабланишарди: бўлмасам кўпгииа эркаклар унинг дардида турли-туман телбаликлар қилишар ва баъзан Фабрицио ҳам рашк ўтида қоврилиб юрарди.

Меҳрибон архиепископ Ландириани аллақачон бандаликии бажо келтирганди; Фабрициoнинг тақводорлиги, ибратли ҳает кечиригаи, ширин каломи туфайли кўп ўтмай аҳли мўмин чолни унутнб юборди; Фабрициoнинг акаси ҳам қазо қилди ва барча бойлик ва ер-мулк унинг ихтиерига ўтди; ўшандан буен у ҳар йили Парма архиепископига тўлападига'н юз минг франкдап мўлроқ даромадни ўз епархиясидаги викарий ва канониклариға бўлиб бера бошлади.

Фабрицио шундай юксак обрў-эътибор, шундай иззат-икромга сазовор бўлганидан шукр қилиб яшайвериши мумкин эди-ю, бирдан муҳаббатга лиммо-лим тўлган қалбиинг машъум инншқлиги ҳаммасипи остин-устин қилиб юборди.

— Сенинг ўша ичган қасаминг туфайли мен жуда елғизликдл ҳает кечиряпман,— деди у бир куни Клелияга.— Тўғри, ўша қасамипгни ҳурмат қиламан, аммо у менинг ҳаетимии заҳарлаянти, зеро, сен унга амал қилиб, мен билан кундуз куни учрашишни истамаяпсан. Менинг ишдан бошқа эрмагим йўқ, кейин ипшмиинг ўзи ҳам унчалик кўп эмас. Ҳаетим хомушлик билан, ҳасрат-надомат билан ўтаяпти, мана, ярим йилдирки, хаелимга бир фикр ўрнашпб қолган. Уни миямдаи чиқариб ташлайман деб кўп овора бўлдим. Ўглим менга мутлақо меҳр қўймайди, у мeииг ҳатто номимпи ҳам эшитмайди ахир. У ҳашаматли Крешенци саройининг ҳаловати ичра яшаяпти, мени эса деярли танимайди. Уни аҳъен-аҳъенда кўриб қолган кезларим доим сен тўғрингда ўйлайман; ўғлимга қараб туриб, онасининг ўзим тўйиб-тўйиб тикилишим ман этилган ажиб ҳусни-жамолини эслайман. Шунда меиинг башарам болага жуда жиддий еки унинг назари билан қарагапдай жуда бадқовоқ бўлиб кўринигаи мумкин.

[1] Дўстлик, ишқий алоқа *(итал.),*

— Менга қара, нима демоқчисан ўзи?..— дея сўради маркиза.— Сен мени қўрқитяпсан ахир.

— Мен упинг чиндан ҳам ўзимпинг ўғлим бўлишини, упинг йнимда юришини, уни ҳар куни кўришни, унипг мснга ўргинишини, менга мехр қўйиишиии хоҳлайман ва ўзим ҳам уни ўгрипча эмас, очиқ-ойдин яхши кўришни истайман. Ҳамонки, балким, бутун дунеда танҳо бўлган ана шу аччиқ езмишим туфайли барча одамларга насиб. этган бахт менинг чекимга тушмаган экан ва мен дунедаги . барча нарсалардан азизроқ бўлган инсоп енида яшащдек беназир саодатдап махрум эканман, ҳеч бўлмаса менинг қалбимга сени эслатиб турадигап на хиел бўлса-да, ўрнипгнп боса оладиган фарзандим енимда бўлсип. Беихтиер елғизликда яшашим туфайли ишларни ҳам, одамларни ҳам ектирмай қолдим. Ўзинг биласан, Барбоне менинг номимни маҳбуслар рўйхатига тиркаб қўйган ўша бахтиер кундан буеп шухратпарастликшшг мен учун мутлақо аҳамияти қолган эмас: қалб туйғуларидан бўлак барча гаплар менга бемаъни бўлиб кўринади, зеро, сендан йироқда юрагимни фақат ҳасрат-надоматгина қоплаб туради.

Дўстининг дилидаги дардини эшитгач, бояқиш Клелиянинг қалби нақадар гам-ғуссага тўлганини тушуниш унча қийин бўлмаса керак: Фабрициониег ўзича ҳақ эканлигинн апглаш туйғуси унинг қайғусини япада кучайтириб юбормоқда эди. У ҳатто ўзига ўзи, қасамимни бузишнинг иложи йўқмикип, дея савол беришгача бориб етди. Ахир шунда у Фабрицпони; киборлар жамиятига мансуб барча одамлар қатори, ўз уйида қабул қилавериши мумкин бўлиб қоларди-да,— унинг намунали хотиии сифатидаги шуҳрати шу қадар мустаҳкам эдики, ғийбат қилиш хеч кимнинг хаелига келмасди. У катта пул эвазига қасамдан озод бўлиш мумкиндир, дея ўйлади-ю, аммо бупдай битим унипг виждонини тинчитмай, қайтангга худонипг ғазабига дучор қилшпи ва тангри бу янги гуноҳи учун уни қаттиқ жазолаши мумкинлигипи ҳис этиб турарди.

Бошқа жиҳатдан олганда эса, мабодо у рози бўлса, агар Фабрициониег шундай табиий истаги олдида бўйип эгса ва упинг галати қасами туфайли бир умрга оромини йўқотгап бу азиз инсонпинг қалбига таскин беришни истаса, у ҳолда Италиянинг эвг кўзга кўрипгап акобирларидап бирипипг ўглини олиб қочиш комедиясини қандай ўйнаш керак бўлади? Алдов, турган гап, очилади. Маркиз Крешенци бунинг учун пулнн аямай сарфлайди, ўзи қидирув ишларини олиб боради ва эртами-кечмп ким айбдор эканлигини билиб олади. Бундай хавфпинг олдшш олмоқнинг биттагина йўли — у ҳам бўлса болани йироққа, масалан, Эдипбург еки Парижга олиб кетиш эди; аммо опа юраги буега рози була олмасди. Фабрицио гўе оқилопа туюладиган бошқа бир режани таклиф қилди, лекин унипг қапдайдир евуз, эс-хушини йўқотиб қўяезган онаизорнинг кўзида янада даҳшатлироқ кўринадиган бир томони бор эди.



— Болани гўе у касал бўлиб қолгандек кўрсатиш керак,—> деди Фабрицио.— Унинг кундан-кун мазаси қочаверади ва ниҳоят маркиз бирор екқа жўпаган пайтда у гўе ўлиб қолган бўлади.

Клелия бу режани даҳшат билан рад этди; гаундан сўнг улар яна аразлашиб қолдилар; тўгри, бу гал араз узоққа чўзилмади.

Клелия худонинг қаҳрини келтирмаслик керак дерди: уларнинг ўгилчалари — гуноҳларининг маҳсули экан ва агар улар яна фалакнинг газабига дучор бўлсалар, худо ўгилларини тортиб олиши мумкин эмищ, Фабрицио яна ўзиницг қисмати ҳақида эслатди-"

— Тақдирнинг тақозоси билан зиммамга тушган руҳонийлик унвопи,— деди у Кле^идга,— в а қалбимдаги муҳаббат мени бир ўмр елгизликка маҳкум этяпти. Мен кўпгина бироцорларимга насиб этган қалбан яқинлик қувончидан ҳам маҳруммап, зеро, сиз мени фақат зимистон қоронгиликда қабул қиляпсиз; мен бутун умримни сиз билан бирга ўтказишим мумкин эди, аммо саноқли дақиқалар билан чекланишга мажбур бўляпман.

Кўплаб ҳасратли кўз ешлари тўкилди: Клелиянинг тоби қочиб қолди. Аммо у Фабрициони жонидан ортиқ севарди ва у талаб қилаетган даҳшатли қурбонликни рад этгани билан ўз фикрида қаттиқ туролмади. Шундай қилиб, бир куни Сандрино гўе касал бўлиб қолди; маркиз шу заҳоти энг машҳур врачларни чақиртириб келди. Клелия жуда мушкул ва сира кутилмаган бир аҳволга тушиб қолди: у азиз ўгилчасига врачлар езиб берган дориларии ичмришларига йўл қўймаслиги лозим бўларди, бу эса жуда қийин вазифа эди.

Болани зарурати бўлмаса-да, тўшакка етқизиб қўйишди, бу ҳол унинг соғлигига емон таъсир қилиб, Сандрипо чиндан ҳам касал бўлиб қолди. Касалликшшг сабабини врачга у қай сўз билан айтса экан? Дунеда ўзи учун энг азиз бўлган икки кимса ҳақидаги бири-бирига зид ташвишлар Клелиянинг юрагини тилка-нора қилмоқда эди; унинг ақлдан озишига хиел қолди. Эпди пима қилса экан? Ўглим согайиб кетди, деб эълон қилсинмикии? Лекин упда болани олиб кетишга асос ҳозирлаш учун мунофиқликкача бориб етган шуича саъй-ҳаракати бекор кетади-ку1 Фабрицио эса ўз павбатида, ҳам севгилисининг қалбига озор етказгани учун ўзини кечира олмас, ҳам тузиб қўйган режасидан воз кеча олмас эди. У ҳар куни тунда касал ўғлининг олдига кириш учун йўл топди, бу ҳол эса янги мушкулотларнинг тугилишига сабаб бўлди. Марқиза тунда ўглини парвариш қилгани келиб турарди, шу боис Фабрицио бир неча бор беихтиер уни ениб турган шамлар еругида кўриб қолди. Юраги эзилган бечора Клелияга эса бу Сандрииони ўлимга маҳкум қилувчи гуноҳи азм бўлиб кўринди. У агар қасамга амал қилиш очиқдан-очиқ зарар келтираетган бўлса, нима қилиш керак, дея энг машҳур казуистлар[1] билан ҳам

[1] Урта асрлардаги ҳуқуқ илмида ва диний ацидаларда умумий догматик қоидаларни айрим ҳолларга тадбиц х^илиб, шарҳлоочи олим ***(тарж.).***

маслаҳатлашиб курди. Упга, агар худо олдида уз зиммасига мажбурият олган одам шаҳвоний ҳирсини қондириш учун эмас, балки шубҳасиз офатдан қутулиш учун уларпи бажаришдаи бош тортса, бу ҳол жипоят ҳисобланмайди, дея жавоб қилиб бекорга оьора бўлишди. Маркиза бари бир қаттиқ умидсизликка тушди. Фабрицио ўзиниг ғаройиб режаси Клелия билан ўғлинипг ўлимига сабаб бўлиши мумкинлигини тушупиб қолгапди.

У ердам сураб, ўзипипг энг яхши дўсти граф Москага мурожаат қилди. Ўзига кўп жиҳатлардап номаълум бу севгининг тарихи ҳатто кекса министрни ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди.

— Мен шундай бир иш қиламанки, маркиз камида беш кун уйида бўлмайди. Хўш, качон қилай бу ишни?

Орадан бир канча вақт ўтгач, Фабрицио графнинг уйига келди-да, унга ҳаммаси шай бўлиб, энди маркизнинг йўқлигидан фойдаланиш мумкинлигини айтди.

Икки кундан сўнг маркиз от миниб, Мантуя яқинидаги амло- , кидан Пармага қайтаетганида унга, чамаси, шахсий адоват юзасидан кимдир еллаган қароқчилар ҳужум қилишди. Улар маркизга ҳеч қандай зарар етказишмади-ю, аммо унинг қўлипи боғлаб, қайиққа ўтқазишди-да, По даресининг оқими бўйлаб сузиб кетишди. Цароқчилар уни бир вақтлар Джилетти билан бўлган машхур ©лишувидан сўнг Фабрицио босиб ўтган йўлнинг ботпидан охиригача боришга мажбур қилишди. Фақат тўртиичи купи улар маркизнинг ҳамма пули ва барча қимматбаҳо нарсаларини шилиб олишди-да, ўзини даре ўртасидаги кимсасиз оролга тушириб кетишди. Икки купдап сўнг Маркиз Пармага қайтишга муваффақ бўлди. Саройга кириб келганида у деворларга мотамсаро пардалар осилгани ва уйдагиларпинг қайғули кўз ешлариии курди.

Жуда усталик билан амалга оишрилган ўғрилик, афсуски, машъум оқибатларга олиб келди. Сандринони катта ва чиройли бир уйга яширишди. Маркиза деярли ҳар купи уни кургани келиб турарди. Аммо бир неча ойдан сўнг бола дупедаи ўтди. Клелия бу жудоликни Биби Маръям олдида ичган қасамипи бузгани учун адолатли жазо тариқасида қабул қилди: Сандрино бетоб эканида у Фабрициони бир неча бор шам еруғида, икки марта эса ҳатто кундуз куни ҳам курган эди. Нақадар назокатли бўлгаиди ўша учрашувлар! У жонидан ортиқ кўрадиган ўғлининг ўлимидан сўнг бор-йўғи бир неча ой яшади, аммо у ҳаетининг сўнгги дақиқаларида дўстипипг қўлида жон бераетганидан таскин топиб кетди.

Чексиз муҳаббати ва теран эътиқоди Фабрициони ўз жопига қасд қилишдан асраб қолди; у Клелия билан дорулбақода висол кўришмоққа умид қиларди, лекин шу билан бирга кўпгипа гуноҳларини ювиши лозимлигини ҳам яхши тушуниб турарди. Клелиянинг ўлимидан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, у молмулкини тақсимлаш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекди. Бу ҳужжатга биноан у хизматкорларнинг ҳар бирини минг франклик рента билан таъминлади ва ўзининг эҳтиежи учун ҳам шу миқдорда пул қолдирди: юз минг ливрга яқин даромад берадигаи ерларини у графиня Москага совга қилди ва тахминап шупча пулни онаси, маркиза дель Донгога ажратди, отасидан теккан меросниниг қолган қисмини эса унча бадавлат бўлмаган одамга турмушга чиққан синглисига инт^ом этди. Эртаси куни у архиепископлик унвопи ҳамда Эрнесто V нинг хайрихоҳлиги ва бош министрнинг дўстопа муносабати туфайли эришган барча юксак лавозимларидан воз кечиши ҳақида тегишли одамларга ариза берди-да, Саккадан ўн чақиримча нарида, По соҳилига яқип ўрмонлар ичра яширинган *Парма ибодатхонасига* жўнади.

Графиня Моска ўз вақтида эрининг яна бош министрлик лавозимипи эгаллашга розилик беришини маъқуллаган эди-ю, аммо ўзи Эрнесто V нинг музофотига қайтмоқдан қатъиян бош тортганди. У ўзига резиденция қилиб Казаль-Мажоредан бир чақиримча парида, По даресининг чап соҳилида, демак, Австрия тасаррувида жойлашган Виньяно амлокини танлаганди. Граф хотипига атаб қурдирган ажЦиб Виньяно саройида у Пармапинг бутун киборлар жамиятипи ҳар пайшанбада, беҳисоб дўстларипи эса ҳар куни қабул қиларди. Фабрицио ҳам бирор куппи канда қилмай упи кургани келиб турарди.

Хуллас, зоҳиран қараганда графиня учун ҳамма ишлар ўнгидан келгандек туюларди. Аммо у сажда қилиш даражасида яхши кўрадиган Фабрицио мопастирда бор-йўғи бир йилгина истиқомат қилгапидан сўнг бандаликни бажо келтиргач, у ҳам узоқ яшамади.

Парма қамоқхоналари бўшаб қолди, граф ниҳоятда бойиб кетди, фуқаролар Эрнесто V ни ҳаддан ортиқ яхши кўришар ва у давлатни идора этган даврни буюк герцог Тосканлар даврига таққослашарди.

(ТОТНЕНАРРУҒЕШ[1])

Сапоқли бахтиер одамлар учун,

# ИЗОҲЛЛР

*13 бет. Лркол ва Лопато* — Италияга биринчи юриш цилганида (1796 йшшииг 3 август ва 15—17 ноябрь кунлари) Бонапартпинг австрияликлар устидан ғалаба қозонган жойларининг номи.

*14- бет. Каттаро* (Кодр) — Далмациядаги шаҳарнинг номи. XIX асрмннг бошида Австрия қалъаси бўлган ва сибсий маҳбуслар учун қамоқхона хизматини ўтаган.

*28- бет. Вигано,* Сальваторе (1417—1533) — машхур итальян балетмейстери.

*36- бет. Ватерлоо* жанги —1815 йилнинг 18 июнь куни Брюсселдан 17 километр иарида бўлиб ўтган.

*52-бет.* Рага V. Р. у Е. 15. X. 38 — Стендалнинг ушбу изоҳи «Рага *ЗlеᐸГ Рааийа у Еу^егна» (испан.) тарзида ўцилади. У «Пакита ва Евгепия, снзлар учун. 15 октябрь 1838 й.» маъносини англатади. Пакита бвлап Евгепия графиня Монтихошшг қизларц бўлиб, Парижда Стендалии улар билан Проспер Мериме таништирган эди. Цизлариинг кичиги бўлмиш Евгения кейивчалик Наполеон III га турмушга чиққан. Стендаль бояаларга уруш тўгрисида ҳикоя қилиб берганди. Чамаси, уиинг биропта ҳнкоясп Фабрициошшг Ватерлоо майдонидаги саргузаштини эслатган бўлса керак.

*62-бет. Фенелон* (1051—1715) — француз езувчисп, «Телемакнинг саргузаштлари» китобанйиг муаллифи; 1094 пилдан бошлаб Шельддаги Камбре шаҳршшг архиоиископи бўлган.

*В ер саль* — фрапцуз қиролларининг қароргоҳи; Париждан ўн саккиз километр нарида жойлашгап.

*74 бет. Пеликко,* Снльвио (1789—1854) — итальян езувчиси, карбонарийлар махфий ташкплотинипг аъзосн. Моравнядаги австрияликлар қамоқхопага айлантирган Шпильберг қалъасида тўққиз йил тутқин бўлгап. У ўзгпшиг «Мешщг зиндопларим» номли хотираиомасида Милан нолициясинп кўнйича ўша маҳкама жойлашгап кўчанинг иоми билан атаган.

*82-бет. «1746 йили австрияликларни Генуядан цувиб чицарган революция»*—Австрия тожу тахти учун бўлган уруш пайтида (1740—1748) • австрияликлар Генуяпи муттасил талаб, уни катта хирож тўлаб туришга мажбур қилганлар. 1740 йилнинг декабрь ойида қўзғалоп кўтарган генуяликлар австрияликларпи қувиб, Генуяни республика дея эълон қилгаплар.

*Андриан,* Александр (1797—1802) — асли миллати француз бўлмиш италиялик неволюциоиер-карбонарий; Шпильберг қалъасига тутқин килинган ва саккиз йил қамокда етган. 1737—1738 йилларда унипг «Метонез а'ип рпзоптег а'ЕlаЪ> номли китоби чоп этилган.

*Франц II* (1708—1835) — Муқаддас Рим империясииинг германлар миллатвдан бўлган сўшти императори; Аветрия императори сифатид Франц I дея аталарди; революцион Францияга қарши . феодаллар реакциясининг энг катта раҳнамоларндаи бйри бўлган.

*83-бет. Баярд,* Пьер дю Трайль (1473—1524) Людовик XII ва" Франциск I лар Йталияда уруш олиб борган пайтлардаги француз лашкарбошиси. Ромапьяно яқииидаги Сезия даресшщ кечиб ўтаетганида ўлдйршь ган.

*87-бет. Корреджо,* Антонио Аллегри (тахм. 1494—1534)—Уйғониш даврпда яшагаи машҳур итальян рассоми.

*88-бет. Сан-Микели* (1484—1549) —италиялик архитектор ва инженер; Парма-атрофида истеҳкомлар қургаи.

*«Шпильбергдаги пир каби».*— Адриан ўз эсдаликларида Шпильберг қалъасинипг капеллани Стефшю-Паоловицс Австрия ҳукуматйнипг махфий агенти бўлгани ва маҳбуслардан уларнинг сиесий фаолиятлари ҳақидаги маълумотларни билиб олиб, маъмурларга сотганн тўгрисида ҳикоч қплади. Кейинчалик ўша руҳоний сотқинлиги эвазига Далмацияда жойлашгап Катарро шаҳрига епископ бўлиб олгап экан.

*«Конститюсьонелъ»—1815* йилда чика бошлаган француз либерал газетаси.

*Альфиери,* Витторио, граф ди Кортемилья (1749—1803) — Италиялик, шоир ва драматург.

*Тацит,* Кориелий — машҳур рим тарихчиси (тахм. 55—117)

*96- бет. Кассандр* — Йталияда расм бўлган пиқоблар комедияси (соттесПа ае1lаrlе) персопажи, аҳмоқ чол, алдапган ота е'кп Васий.

*102-бет. «Тўцсон учинчи йил такрорланиб к-олмаса гўрга эди»*—тўк> сон учинчи йил биринчи француз буржуа революциясиннпг энг анжнга чнкк.ан йили: 1793 йиянипг 31 май —2 нюнь кунларнда якобипчилар дпктатураси ўрпатилган эдп.

*103- бет. Канова,* Антонио (1757—1822)—италиялик ҳайкалтарош.

. *106-бет. Лафайет (1757 — 1834)—1789—*7754-йиллар француз буржуа революцияси ва 1830 йил революциясининг сиесий арбоби, мутадил либерал.

*Фронда* (1648—1653) — Людовик XIV ҳали еш бола бўлйб, уяинг оиаси Анпа Австрийская регентлик кйлтап кезлар ва Фрапцияда кардинал Мазарини ҳукмроплик қилгап пайтларда француз феодал дворяиларининг қироллик абсолют ҳокимиятига к,арши олиб борган куратинипг номи.

*110-бет. Павел III* (1534—1549) — Фарпезелар авлодидан бўлмиш Рим напаси.

*Адриан мовзолейи* (70—138) Рим императорлари дахмаси. Урта асрлар бошида бу иншоат қалъа хизматини ўтагап, XV аердаи бошлаб эса қамоқхонага айлантирилган. 1748 йили мавзолейнинг томага малоикапинг бронза ҳайкали ўрпатилган. Уиинг Муқаддас малоика қаери дея аталиши ҳам ана шундан.

*116- бет. Ренал,* Гийом (1713—1796) — француз маърифатчпси. У ўз

асарларида десиотизмга, католик черкови хукмига қарши тарғибот қилган,

*123- бет. Мизен* — Неаполь кўрфазидаги Кампанья бурупи; шу ерда, шаҳар ташқарисидаги саройида Рим императори Тиберий вафот этган.

*127-бет. Маркиза Сан-Феличе* (1768—1800)—1799 йили Неаполда ўрнатилган Партенопа республикасипинг тарафдори; Неаполда монархия тиклангач қатл этилган. «МопНеиг пароЩаш» номли республика газетасини бу хоним эмас, балким маркиза Фонсека (1768—1799) нашр этган, Ву ael ҳам қатл этилган.

*128-бет. Деций* — Рим императори (III аср), тарихда христианларни таъқиб остига олгани билап машҳур.

*139- бет. «Мехмонхона бекаси»* — Карло Гольдонининг (1707—1793) машҳур комедияси, ҳанузгача театр саҳналаридан тушмай келади.

*141-бет. Арлекин, Бригелла* — итальян ниқоблар театрипинг апъанавий қаҳрамонлари; содда хизматкор билан муғамбир малай.

*148- бет. Девор квадранти* — кўҳна астрономик асбоб; сайералар баландлигипи ўлчашда ишлатилади.

*158- бет.* Меркадапте (1795—1870)—итальян композитори.

*161- бет. Брут;* Марк Юний (эрамизга қадар 85—42) — Юлий Цезарь хукмроилигидап порози бўлган Рим сепаторлари фитнасинипг раҳбари. Цезарь ўлдирилгапидан сўнг Антоний ва Октавианга қарши курашда маглубиятга учрагач, ўзини ўзи ўлдирган.

163-бет. Джон Будь — иглизларга қўйилгап лақаб; Свифтнипг дўсти, инглиз бзувчиси Арбетпот (1667—1735) қаламига мансуб «Тпе ги516гу о{ ,)о!щ Ви11» (Джон Буқашшг тарихи) номли сатирасидан сўнг тарқалган.

*Фемистокл* (эрамизга қадар тахм. 525—461) грек-эрон урушлари даврида яшаган Афина сиесий арбоби; демократия тарафдори бўлган Фемистокл Спартанипг талабига кўра Афинадан қувғин қилинган ва Эр°н,а қочган. Тахтдап тушганидан сўнг Наполеон инглизларга таслим бўлгая ва бошпапа сўраб, инглиз халқига қилган мурожаатида ўзини Фемистоклга таққослшгап.

*184- бет, Туаз* — қадимги француз узуплик ўлчови, тахминап икки метрга тўгри келади.

*189- бет. Чимабуэ,* Жований (1240—1301) — итальян рассоми.

*194- бет. Цицеронга хос услуб.* — Цицероп (эрамизга қадар 106—43), Цадимги Римда яшаган машҳур нотиқ.

*Капитул* — Рим-католик черковидаги епископлар кафедраси қошидага руҳонийлар коллегияси.

*196- бет. Буонапарте.*— Наполеоннкнг душманлари упи тожу тахт соҳиби сифатида исмина эмас, балким фамилиисини аташар ва унинг аслн корсикалик эканини таъкидлагандек, итальянча шевада — Буонапар(в дея талаффуз қилишарди.

*200-бет. Танкред* — Тассонинг «Озод этилган Цуддус» асарипипг қаҳрайони.

*Фенестрелло* — Италиянинг француз чегарасига яқин жойдаги қальаси. Қамоқхона хизматини ўтаган.

*201- бет, У лисе* — еки Одиссей,— «Одиссея» достопада қаҳрамошаше



ҳамроҳлари Цирцеянинг оролига тушиб қолгач, ўша сеҳргар а&л ўларви чўчқага айлантириб қўйган экан.

*215- бет. Старк хонимнинг саехати*— инглиз сайеҳ ael Марианна Старкнинг «1792 йилдан 1798 йилга қадар Италиядап езилган мактублар» номли китоби.

*231- бет, Подеста* — Италияда полидия ва суд маъмурларинипг вакили.

*235- бет. Полишинелъ* — итальян ниқоблар театрипинг персонажларидай бири.

*236- бет. Пармиджаниио,* ҳақиқий исми Франческо Мацуола (4504—^ 1540) — Пармада ишлаган итальян рассоми.

*237- бет.* V6i —сиз. Итальян тилида одоб қоидаси бўйича учипчи птахе шаклида мурожаат қилинади.

*242- бет. Гвидо,* Рени (1575—1642)— итальян рассоми.

*266-бет. Армида* — Тассопинг «Озод қилингап Қуддус» поэмасипииг қаҳрамони, сеҳргар ael; у ўз гўзаллиги билан асар қаҳрамонларидаи бири Ринальдони мафтун этгач, у йигит салбчилар қўшияипи тарк этгап.

*277-бет. Ванвителли* (1700—1773) — италиялик меъмор.

*278- бет, Ипполит ва уни и отаси шох Тезей* — грек мифологиясипивт қаҳрамонлари, Эврипиднинг (мелодга қадар 480—406) «Ипполит» ҳамда Расиннинг (1639—1699) «Федра» трагедияларининг иштирок этувчи шахеларп.

*278-бет. Алессандро Фарнезе* (1546—1592)—Иснанияпинг Нидерлаидиядаги ноиби; Испания қироли Филипп II нинг буйруғи билан католикларга қўшилиб протестантчарга қарши жанг қилган исоан қўшинининиг лашкарбошиси бўлган; 1590 йили кейипчалик қирол Генрих IV номи билан машҳур бўлган Генрих Б^рбонни Париж д^ворлари енидан чекинишга мажбур қилган.

*289-бет. Шарлотта Корде* (1768—1793) — Маратпинг қотили;. жигондистлар билап яқин алоқада бўлган.

*329- бет, Паладжи* (1775—1800) — болоньялнк рассом ва декоратор.

*339- бет. Квинтал* — огирлик ўлчояи -- 100 пило]раммга тенг.

*363- бет. Кресенций* — X аерда яшагап италиялик сиесий арбоб, гермап императорлари ва Рим папачарига ^арши 'урашган.

*364 бет. Елисей Майдочи* — антак мифологияолда нариги дунб, теқвс билан яшаган одамлариинг арвоҳи иетиқо;.и т қиладиган макон.

*Сфорца,* Франческо — XVI аср лашкарбошиси, Милан герцоги,

*Лоренцо Валлома-г* ~- меди^илар оиласидгн бўлган Флоренция герцоги (1448—1492), маърифат ва сапьат ҳомийсь бўлгав.

*375-бет. Маркиз де Фелию* (4711~*>7 &) >.армали давлат арбобя, мипистр. *Аббат Кондильчк* ч'715~-1 7(3<") — франгуз философи, Людовик XV нинг набираси бўлмиш Парма герцоги Фердинандпинг (1751 — 1802) тарбиячиси,

*395- бет. «Варфоломей туни Францияда чротестантларни кириб ташлади»*— авлие Варфоломей туни, 1572 йилпинг 24 август куни католиклар гугенотларни қирғнв қилишган.

*Аутодафе* — инквизицияпипг ҳукми билан гулхапда бциб юбориш.

*424- бет. Фонтана,* фрапческо (1750—1782) -^ итальян монахи, сибсиа

арбоб ва черков тарихига оид китоблар муаллифи. *Дювуазен,* Жан-Батист (1744—1813)—Нант шаҳрининг енископи, илоҳиетга тааллуқли кўпгипа асарлнршшг муаллифи.

*425- бет. Перголезе,* Жований Батиста (1710—1736) машҳур итальян композитори.-

*457- бет.* «То 1пе Ьарру !е\\'»— инглиз тилида «саноқли бахтиер одам--пар учув» й»ъносини апглатади. Ушбу бағишловни Стендаль Гольдсмит-шшг «Ввкефульд руҳошшси» китобидан олгаи.

*На узбгкском язихе*

Стендаль

ПАРМСКАЯ ОБИТЕЛЬ

Рома.1

*Перезсд с издания из)ательстза „Правда", Москва, 1981* г.

Редактор X. Эргашев
Рассом А. Понамарев
Расмлар редактори А. Кива
Тещ. редактор Э. Сандов
Коректор М. Абдусаломова
ИБ № 2835

Босмахонага берилди 03.04.85. Босяшга рухеат этилди 19.03.85. Формати 60x90', ₑе- Босмахона қоғози № 3. Янги оддий гарнитура. Юкори босма Шартли босма л 29,0. II артли кр.—оттиск. 29,24. Нашр л 33,1. Тиражи 60000. Заказ 258. Баҳоси 2 с. 80 т.
I зфур Ғулом номидаги Адабибт ва санъат нашриети, 700129. Тошкент, Навоий кучаси, ЗО.

1 ашрибтлар, полиграфия ва китоб саздоси ишлари бўйича У гССР Даплат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқриш бирлашмасинннг 1- босмахонаси. Тошкент-700002. Ҳамза кўчаси, 21.

Стендаль.

Парма ибодатхопаси: [Роман] / Русчадан Ҳ. Тўрабеков таржю— Т.: Адабиет ва санъат нашриети, 1985.— 464 б.

Буюк француз езувчиси Бальзак Стендальнинг ушбу романини улур асар дея атаган эди. Атоқли санъаткор каламкащ дўстининг асарига шундай юксак баҳо бериб янглишмагаи экан. «Парма ибодатхонаси» муаллифнинг «Қизал ва Кора» дан кейин Рестазрация даври ҳақида бзган иккничи романидир. фақат асардаги вокеалар Италия тупроғига кўчарилган. Ушбу роман жаҳон адабиотн дурдоналари қаториддан жой олган.

Стендаль. Пармская обитель.

И (Фр.),

Биз биламиз, ким —
Доно мунажжим?
Эшитдик юз бор,
Ҳаммаси бекор.
Алдаб ўтди боз
Бизни луттибоз.

Мефистофель

Балки сўзларимга ишонмас ҳеч ким,
Балки дер — бу гаплар ақ.лдан холи.
Алравун гиеҳин ўйлар бўлса ким,
Кимнинг қора итга учди хаели.
Ажабо биз нечун қичишса товон,
Еки мадор кетиб титраса тизза —
Буни сеҳр дея қилурмиз гумон?
Бунда ҳеч бир сир йўқ, аслида бизга
Табиат ўзининг кўзга кўринмас
Зарралари билан цилади таъсир.
Замин сирли кучлар кони экан, бас,
Биз мангу мана шу кучларга асир.
Қаерда зирцираб оғриса суяк,
Қаерда ҳеч ором тополмаса жон,
Дарҳол ўша ерни кавламоқ керак,
Дафина топурсиз ундан бегумон.

Аламон

Шу пайт оғриб қолди негадир белим,
М( нииг эса қакшар оеғим, к.ўлим.
Биқиним санчмокда, ҳеч дармоним йў^.
Елкамни мисоли тешиб ўтган ўқ,.
0{ришига боксам сирқираб жоннинг,
Б\ндадир бойлиги бутун жаҳоннинг.



Император

Бас, етар сафсата, цани, бошла иш,
Сўзинг ҳақлигини исбот қил дарҳол.
Не даркор гап сотиб бунда ўлтириш,
Уша хазинани кўрсат, була қол!
Қиличу тожимни қўйиб ўзим ҳам
Белкурак кўтариб борай изингдан.
Сўзинг рост бўлса сен ҳеч бўлмайсан кам,
Агар елғон бўлса, кўргин ўзингдан.

Мефистофель

Етаклаб борурман у ерга ўзим,
Йўлларини яхши билурман, бироқ —
У ерда хазина шу қадар лим-лим,
Ҳатто мумкин эмас тасвир айламоқ.
Мана, тасаввур эт: ер ҳайдар деҳқ.он.
Омоч нимагадир урилар шу зум.
Кавлаб ер тагидан олса ногиҳон —
Олтин тўла хум!
Еки бошқа деҳқон ер этагига
Уғит кумган бўлса бир йилча олдин,
Уни кавлар экан — белкурагига
Илиниб *чщади...* бир халта олтин.
Аммо бойликларнинг дафинасига —
Олтин, биллурларнинг хазинасига
Ер ости уй томин бузиб кирилур;
Узун йўлаклардан адашмай ўтмоқ.,
Ек_ут инжуларнинг конига етмоқ —
Режасини аввал тузиб кирилур.
Бунда олтин кўза, олтин тобоқлар,
Ьиллур қадаҳлар ҳам турар енма-ен

## НИҚОБ БАЗМИ

Бир неча хоналарга туташган катта зал ниқоб базми учун ясатилган.

Герольд

йўқ, сиз алмон ўлкаси аро
Қилмагайсиз букун тамошо
Жинлар базми, арпоҳлар рақсин,
Бунда шодлик базми муҳайе.
Подшоҳимиз,— унга минг таҳсин,—
Альп тоғидан ошиб музаффар,
Румо сари айлади сафар.
Уша ердан кийиб қайтди тож —
Улиб қутлуғ Бобо башмоғин.
Бизга олиб келди, не илож,
Масхарабоз тентак қалпоғин.
Шундан буен ясаниш шундоқ,
ЭНГИА шундоқ башанг, пардозлик,
Ҳаммамизда тасқара қалпоқ,
Бутун юртда масхарабозлик.
Ана, жуфт-жуфт бўлиб шодумон —
Етаклашиб дусту еронлар
Боғ ичидан ўтиб, биз томон
Келайтмр азиз мекмонлар.
Улар қандоқ кийиниб олган!
Бу одатий! Таажжуб оздир.
Асли бизни шу кўйга солган
Дуне узи масхарабоздир.

Боғбон қизлар

*(мандолина чалиб цўшиқ айтишади)*

Базмингизга келдик бизлар,
Кўриб қўйинг бизларни.



Флоренциялик қизлар
Хурсанд қилар сизларни.
Биз ҳаммага ек.қандурмиз
Шойи кийиб ранг-баранг.
Сочимизга такқ,андурмиз
Турфа гуллар, бир қаранг.

Улар шойи, бахмал улар,
Бундоқ гуллар сўлмайди.
Бизнинг қўлдан чиққан гуллар
Сира адо бўлмайди.

Улар асли ^ий^им-^ии^им
Эски-туски бир латта.
Гул ясадик — куп бежирим,
Бу ҳам ахир санг>ат-да!

Бизда бутун элнинг кўзи,
Ким боқмас бу жамолга?
Гўзаллик ва санъат ўзи
Эш бўлади аелга.

Герольд

Майлими бир қараб кўрсак
Саватларда нима бор?
Ҳсч кўрмаган бўлса керак
Жаҳон бундай гулузор.

Гул савдоси, не ажаб, боз
Вола қилса бизларни.
Билолмадик қай бири соз —
Гулларми е қизларми?

Боғбон рзлар

Келиб қолинг гул олар ким?
Қийишмасмиз пулига.